

ЮРИДИК  
АТАМАЛАР  
ҚОМУСИЙ  
ЛУҒАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
И.М.МУМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

---

# ЮРИДИК АТАМАЛАР ҚОМУСИЙ ЛУҒАТИ

ТОШКЕНТ  
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
2003

**Таҳрир ҳайъати:**

*Ҳ.Р. Раҳмонқулов (раис),  
М.Х.Рустамбоев,  
Қ.Н.Назаров*

**Масъул муҳаррир:**

*Ҳ.Р.Раҳмонқулов*

**Адабий муҳаррир:**

*Б.А.Эшпўлатов*

**Муаллифлар таркиби:**

*Ғ.А.Абдумажидов, Қ.Р.Абдурасулова, Х.Т.Азизов, Ю.О.Жўраев,  
Ю.М.Каракетов, З.М.Муқимов, О.Оқйўлов, Л.М.Охунжонов,  
О.О.Раҳимова, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Қ.К.Рашидов, Р.Ж.Рўзиев,  
Ш.Н.Рўзиназаров, А.Х.Саидов, А.С.Турсунов*

**Нашр учун масъуллар:**

**NAMANGAN DAVLAT** Раҳмонов, М.Х.Баротов  
**UNIVERSITETI**  
**Axborot-resurs markazi**

**Юридик атамалар қомусий луғати.** / Масъул муҳаррир:  
Ҳ.Р.Раҳмонқулов; Адабий муҳаррир: Б.А.Эшпўлатов //— Т.: «Шарқ»,  
2003. — 432 б.

Сарлавҳа олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

**ББК 67Я2**

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Мустақиллиги шарофатидан «*халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятнинг соҳибига айланди*»<sup>1</sup>. Шу боис «Юридик атамалар қомусий луғати» ҳам ўзбек тарихида илк маротаба миллий маданиятимиз намунаси сифатида ўзбек тилида яратилди. Бундай қомусий луғатлар йўқ эмас, албатта. Улар рус тилида ёки бошқа тилларда нашр этилган ва улардан ҳозиргача фойдаланиб келинади. Ўзбекистоннинг мустақил ва демократик давлат сифатида жаҳон саҳнасига чиқиши, 170 дан ортиқ давлатлар томонидан тин олиниши, ўнлаб мамлакатлар билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, қолаверса, ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили мақомига эга бўлиши каби оламшумул тарихий воқеалар рўй бериши юридик атамалар қомусий луғатини ўзбек тилида тайёрланиши ва нашр этилиши учун имкон яратди, чунончи, бундай қомус яратилиши давр тақозосидир.

Ўзбек тилида юридик атамалар луғатини тузишга ҳаракат қилинган, давлат ва ҳуқуққа оид атамалар, иборалар рус ва ўзбек тилларида нашр этилган, улар воситасида муомалага киритилган атамалар ўзбек тилига ўтирилган таржимасидан ва фақат сўзликдан иборат бўлиб, қомусий, яъни изоҳли луғат аҳамиятига молик бўлмаган<sup>2</sup>. Шу билан бирга, чоп этилган луғатларда кўпгина атамаларнинг маънолари таржима қилинмай, русча келтирилади.

1971—1981 йилларда нашр этилган 14 жилдан иборат «Ўзбек совет энциклопедияси»да алоҳида ҳуқуқ соҳаларига ва улардаги айрим тушунчалар, иборалар ва атамаларга ўзбек тилида изоҳ берилди. Ушбу энциклопедия ижтимоий ҳаёт ва фан, маданият-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши. «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари». Т. «Ўзбекистон», 1997.

<sup>2</sup> Ф. С. Бакиров. «Юридик терминлар луғати» («Фан», 1959); Ф. Муҳиддинов, К. Мирзажонов. «Юридик атамаларнинг қисқача русча-ўзбекча справочниги» («Ўқитувчи», 1983); «Юридик атамалар ва иборалар луғати» («Адолат», 1993).

нинг барча соҳаларига ўзбек халқи тарихи, маданияти, Ўзбекистон табиати, географияси, тарихий ёдгорликлари ва обидалари, ўзбек халқининг турмуши, урф-одатлари, умумбашарий маълумотлар, жаҳон харитасида рўй бераётган янгиликлар, жаҳон фани, маданият ва техникаси, республикада хизмат кўрсатган давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек, бошқа таниқли шахслар ҳақида маълумотлар келтирилгани туфайли унда юридик атамаларга махсус ва тўлиқ ҳажмида изоҳ берилмаган.

Юридик атамалар қомусий луғатнинг ўтмишда асосан рус тилида бўлишига сабаб қуйидагича: СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МКнинг 1938 йил 13 февралдаги «Рус тилини миллий республикаларда мажбуран ўқитиш тўғрисида» қарори чиққанидан сўнг собиқ шўро мамлакатаида кенг миқёсда руслаштириш сиёсати амалга оширилди, ўзбек тили ҳаётнинг асосий соҳаларидан аста-секин сиқиб чиқарила бошлади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида иш юритиш рус тилида олиб борилди, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, юридик фани соҳасида илмий-тадқиқот ишларини бажариш, олий таълим юртларида машғулотлар ўтказиш ва ижтимоий ҳаётнинг кўпгина бошқа турли асосий соҳаларида масалаларни ҳал қилиш, талбирлар ўтказиш рус тили воситасида амалга оширилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар Тошкент Юридик институтида дарсларни учинчи курсдан бошлаб фақат рус тилида, келажакда умуман рус тилига ўтиш вазифаси асосий мақсад қилиб қўйилган эди.

1977 йилда қабул қилинган собиқ Совет Иттифоқи Конституциясида ва 1978 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳам давлат тили ҳақида аниқ бир модда назарда тутилмаган. СССР Конституциясининг 34-моддаси ва Ўзбекистон ССР Конституциясининг 32-моддасида фуқаролар тилидан қатъи назар қонун олдида тенглиги, СССР Конституциясининг 36-моддаси ва Ўзбекистон ССР Конституциясининг 32-моддасида турли ирқ ва миллатларга мансуб фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланишга имкон берилиши билан таъминланиши мумкинлиги ҳақида қоида назарда тутилган. Асосий қонунларда эса давлат тили қайси тил бўлиши ҳақида қоида назарда тутилмади, амалий ҳаётда рус тили ҳукмронлик қилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистонда давлат тили ҳақида қоида биринчи марта унинг Конституциясининг 4-моддасида киритилди, шу билан Ўзбекистоннинг суверен давлат эканли-

гини ифодаловчи асосий белгилардан бири асосий қонунда ўз аксини топди. Ундан олдин бу муҳим масала Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»<sup>1</sup>ги Қонуни билан узил-кесил ҳал қилинди, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Давлат тили тўғрисида»<sup>2</sup>ги Қонуннинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб баён қилинди, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон қонунлари, давлат ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча ҳужжатлари давлат тилида қабул ва эълон қилинади. Қонуннинг 9—14-моддаларига асосан давлат ҳокимият, суд ва бошқарув, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, корхоналар ва муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, нотариал ҳаракатларни юритиш, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш давлат тилида амалга оширилади. Фуқароларга, давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирланмаларига давлат тилида аризалар, таклифлар, шикоятлар билан мурожаат қилиш учун имконият яратилди.

Айтиб ўтилган Қонун ўзбек тилининг озод ва эркин ривожланиши, қўлланилиши учун кенг йўл очиб берди, шу асосда барча мажлислар, йиғилишлар, илмий ва амалий анжуманлар, учрашувлар, олий ўқув юртларидаги дарслар ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига оид тадбирлар ўзбек тилида ўтказилмоқда, илмий ва илмий-оммабоп адабиёт асосан ўзбек тилида чоп этилмоқда.

Давлат ўзбек тилини бойитиш ва такомиллаштириш масаласига шахсан ғамхўрлик қилади, буни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларга алоҳида эътибор беради. Шу мақсаддан келиб чиқиб, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш вазифаси қўйилди. Ушбу модданинг 3-қисмига мувофиқ янги атамаларнинг ўзбек тилида жорий этилиши улар ҳар томонлама илмий асосланган ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгандан кейин, Олий Мажлис тегишли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари. 1989 йил, 26—28-сонлар, 453-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 йил, 12-сон, 257-модда.

қўмитасининг розилиги билан амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Ушбу «Юридик атамалар қомусий луғати» алоҳида мақола-лар Қонун талабларига амал қилинган ҳолда яратилди. Бу осон бўлмади. Аввалги, сўзликдангина иборат бўлган, русча-ўзбекча тилларда тузилган луғатларда баъзи бир ном билан олинган атамалар бир-бирига мос келмади, мақола ишлаш ва уларга изоҳ бериш анча қийинчиликлар туғдирди. Уларда кўпгина атамалар рус тилида ёки бошқа тилларда, яъни араб, форс тилларида, шунингдек, миллий тиллар — юнон, француз, инглиз ва немис тилларида келтирилади. Ушбу тиллардаги атамаларга изоҳ беришда улар ўзларига хос хусусиятларига, ҳуқуқ тажрибасида тан олинганлиги, амалда истеъмолга кириб, муомалага сингиб қўлланишига эътибор қаратилди, умумбашарий аҳамиятга эга бўлиб кетганлигига баҳо берилган ҳолда қомусга киритилди. Биламизки, улар ҳуқуқ тили тараққиёти жараёнида сараланган атамалардан ташкил топган, умуминсоний қадриятлар сифатида қабул қилинган, барча миллат ва элатларнинг иноқлашувиди муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Булар жумласига «демократия», «республика», «конституция», «прокуратура», «адвокатура», «банкрот», «контрактация», «рента», «кредит», «банк», «аккредитив», «инкассо», «чек», «акция», «лицензия», «экология», «аудитор», «лизинг», «неустойка», «институт», «коллизия» каби кўп сўзларни киритиш мумкин. Жаҳон миқёсида тан олинган бундай атамалар ўзбек тилида қўлланилиши республика-мизда ҳуқуқий маданият ривожланиши, дунё мамлакатлари билан алоқаларимизнинг ҳар томонлама такомиллашишида катта аҳамият касб этади. Ушбу мулоҳазаларга амал қилганча, бошқа тиллардан ўзбек тилига кириб келган юридик атама ва ибораларга келиб чиқиши кўрсатилиб, маъноси ўрганилган ҳолда мақолаларда ўзбек тилида изоҳ берилди. Уларнинг ўзбекча но-мини топиш имконияти бўлмаса, таржима қилинмасдан шундайлигича олинди, тушуниш қийин бўлганлари маъноси қавс ичида олиниб тегишли мақолаларда изоҳ берилди, давлат ва ҳуқуқ тушунчаларини сўз билан ифодалашда улар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилди: а) умум маълум атамалар (қундалик ҳаётда учрайдиган ва ҳаммага тушунарли бўлган); б) махсус ҳуқуқий мазмунга эга бўлган техник-юридик атамалар (зарурий мудофаа, даъво муддати, стандарт, сертификат ва ҳоказо); в) махсус билимлар соҳасини акс эттирадиган атамалар (техника, иқтисод, тиббиёт ва бошқа). Ушбу атамаларга изоҳ беришда қуйидаги талабларга жавоб бериш

лозимлиги эътиборга олинди: а) атама у ёки бу меъёрий ҳуқуқий актда бир хил маънода ишлатилиши ва тушунишда бўлиши; б) атама умум тан олинган бўлиши, яъни кундалик ҳаётда ишлатилган бўлиши ва ҳуқуқшунослар томонидан асоссиз кашф этилган бўлмаслиги; в) атамалар ўзгарувчан бўлмаслиги, яратилаётган барча янги ҳуқуқий ҳужжатларда ўз маъносини сақлаб қолган бўлиши лозим.

Демократик ва инсонпарвар жамиятда ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида амалий қадамлар қўяр эканмиз, бозор муносабатларини ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий кафолатларни яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришни таъминлаш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва яратиш, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб қонунларни ривожлантириш, уларнинг устуворлигини ва бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг изчил тизимини жорий этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш зарурияти юридик фани олдида турган муҳим вазифалардан иборат. Бу вазифаларни амалга оширишда атамашуносликнинг ривожланиши, ўзбек ҳуқуқий тили ҳар томонлама шаклланиши, юридик атамаларга илмий асосланган изоҳ берилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Юридик атамаларнинг маъно жиҳатидан турлича бўлмасдан, бир текисда, бир хил мазмунда бўлиши барча давлат ва жамоат ташкилотларида ишларни ўзбек тилида тўғри юритиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш, оммавий ахборот воситаларида ва нашриёт ходимлари, муаллифлар, таржимонлар ва депутатлар фаолиятида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тергов, прокуратура ва суд органларида, адвокатлик ва нотариал идораларда юридик иборалар ва атамаларни тўғри тушуниш ва тўғри қўллаш учун ёрдам беради.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган қомусда юридик фанга ва қонунчилик тажрибасида маълум бўлган уч ярим мингга яқин атама ва ибораларга изоҳ берилади. Халқаро ҳуқуқ ва ички ҳуқуқ тушунчалари, шунингдек, ҳуқуқнинг алоҳида соҳалари, масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ, криминология, криминалистика, тиббиёт суди каби назарий ва амалий аниқ фанларда берилган қоида ва ибораларга амал қилинади.

Иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқнинг роли ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб,



иқтисодий ҳуқуқий атамаларга алоҳида эътибор берилди. Мақолалар алифбо тартибида жойлаштирилди, Ўзбекистон Республикасининг маълум меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳавола қилинди.

Қомусни тайёрлашда муаллифлар Ўзбекистон, халқаро ва чет эл қонунларидан, махсус адабиётлардан, шунингдек, умумий ва муайян соҳага бағишланган русча юридик қомусий луғатлардан унумли фойдаландилар. Атама ва ибораларга мақолаларда изоҳ беришда 1971—1981 йилларда нашр этилган «Ўзбек совет энциклопедияси», 1983—1984 йилларда чоп этилган икки жилдли русча-ўзбекча луғат, 1976 йил Олим Усмон таҳририда нашр этилган «Ижтимоий-сиёсий атамалар луғати», 1981 йилда З.Маъруфов таҳририда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 1988 йилги «Словарь иностранных слов», 1993 йил Ф.Аҳмедов таҳрири остида чоп этилган «Юридик атамалар ва иборалар луғати»да ва бошқа манбаларда келтирилган сўз ва атамалардан фойдаланилди.

Мазкур қомусий изоҳли луғат дастлабки уриниш бўлиб, ҳар қандай ишда бўлгани каби камчиликлардан, жузъий нуқсонлардан холи деб бўлмайди. Атамалар, иборалар ва уларга бағишланган мақолалар бўйича айрим ва ўринли мунозаралар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳурматли китобхонлар билдирган танқидий мулоҳазалари ва таклифларини миннатдорчилик билан қабул қиламиз, қомусий луғатнинг келгуси нашрларида эътиборга оламиз.

Ушбу қомусий луғатни ёзишда ва нашрга тайёрлашда иштирок этган барча муаллифларга, муҳаррирларга, дўстларимизга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

**Ҳ.Р. РАҲМОНҚУЛОВ**

*Ўзбекистон Фанлар академияси академиги*

## “А”

**АБАНДОН** — суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта пулини тўлиқ олган ҳолда суғурта қилдирувчининг ўз ҳуқуқларидан воз кечиши. Суғурталовчи бунда суғурта қилган шахсга (етказилган зарар учун) суғурта товони миқдорини исботлаб бериш мажбуриятидан озод этилади.

**АБДИКАЦИЯ** (ингл. *abdication*) — монархнинг ўзи эгаллаб турган тахтидан расман воз кечиши.

**АБОЛИЦИОНИЗМ** (лотин. *abolitio* — бериш, бекор қилиш) — XVIII—XIX асрларда АҚШда қулликка барҳам бериш мақсадида ташкил қилинган ҳаракат; Буюк Британия, Франция ва бошқа қатор мамлакатлар колонияларида қулликни бекор қилиш учун тузилган ҳаракат.

**АБОЛИЦИЯ** — қонун ва қарорни бекор қилиш.

**АБОНЕМЕНТ** (франц. *abonnement*) — бирон-бир нарсадан маълум бир муддатга фойдаланиш ҳуқуқи (телефондан, театрда белгиланган ўриндан ва ҳоказо), шунингдек, бу ҳуқуқни берадиган ҳужжат.

**АБОНЕНТ** (франц. *abonner* — имзо чекмоқ) — энергия таъминоти шартномасида тарафлардан бири (истеъмолчи), ашёдан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартнома (кутубхона абоненти ва ҳоказо) ёки ҳақ эвазига хизмат кўрсатилиши (телефон тармоғи абоненти ва ҳоказо).

**АБОНЕНТ ҚАРЗИ** — абонент (истеъмолчи)нинг кейинчалик (белгиланган муддатларда) маиший хизмат ва алоқа корхоналари томонидан кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш мажбурияти.

**АБОРТ** (лотин. *abortus* — бола ташлаш) — ноқонуний, жиноят ҳуқуқида қонун билан белгилаб қўйилган қоидаларга риоя қилмасдан, сунъий равишда ҳомилани туширишдан иборат бўлган жиноят ҳисобланади. Абортнинг шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёхуд тиббиёт нуқтаи назаридан мумкин бўлмаган шароитларда, сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган

шахс томонидан амалга оширилиши жиноий жазога лойиқ ҳисобланади (Жиноят кодексининг 114-моддаси). Жиноий равишда ҳомила тушириш — аборт натижаси жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Жиноий равишда ҳомила тушириш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваргача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Абортни амалга оширишда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**АБРОГАЦИЯ** (лотин. *abrogatio*) — жамият эҳтиёжига, талабига жавоб бермаслиги сабабли эскирган қонуннинг бекор қилиниши. Аброгация янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Аброгациянинг қуйидаги турлари мавжуд: **айнан аброгация** — эски қонуннинг янги қонун қабул қилиш йўли билан бекор қилиниши; **деррогация** — эски қонуннинг айрим қисмларини ўзгартириш йўли билан янгилаш; **оброгация** — қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан янгилаш ва **суброгация** — эски қонунни тўлдириш.

**АБСЕНТИЗМ** (лотин. *Absens* — йўқлик) — конституциявий ҳуқуқ фанида ушбу атама, сайловчиларнинг сайловда ёки референдумда ўз хоҳиши билан, ихтиёрий иштирок этишдан воз кечишини билдиради. Ҳозирги давр демократик давлатларида абсентизм кенг тарқалган ҳолатдир: одатда сайловларда овоз бериш ҳуқуқи бўлган 20 дан 40 фоизгача шахслар иштирок этмайди.

**АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) ВЕТО** — Қаранг: “Вето”.

**АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) ҲУҚУҚ** — субъектив ҳуқуққа эга бўлган шахсга нисбатан ноаниқ бўлган барча шахсларнинг қарама-қарши туриши бўлиб, улар абсолют ҳуқуққа эга бўлган шахснинг манфаатларига зарар етказиши мумкин эмаслиги билан ифодаланади. Ҳар қандай шахс абсолют ҳуқуқларни ҳимоя қилади. Абсолют ҳуқуқлар жумласига кўплаб фуқаролик ҳуқуқлари киради. Жумладан, баъзи мулкӣ ҳуқуқлар (масалан, мулкдорнинг ҳуқуқлари) ҳамда барча шахсий номулкий ҳуқуқлар ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикасида, авваламбор, асосий қонунларда белгилаб қўйилган фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари абсолют ҳуқуқлардир, хусусан, фуқароларнинг яшаш жойи, шахсий дахлсизлиги, муаллифлик, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари абсолют ҳуқуқлардир. Амалиётда баъзи ҳуқуқий муносабатлар абсолют ҳуқуқлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келади.

**АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) МОНАРХИЯ** — олий давлат ҳокимиятини монарх ифодалайдиган бошқарув шакли бўлиб, бунда давлат ҳокимияти (қонунчилик, ижро, суд органи) ягона монарх қўлида тўпланади. Ҳозирги даврда дунёда 8 та абсолют монархия мавжуд, булар: Баҳрайн, Бруней, Ватикан ва ҳоказоларнинг бошқарув шакллари дир. Бундай давлатларнинг айримлари Қатар, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистонидаги ҳозирда конституциявий монархия давлат бошқарувиға ўтмоқдалар. Хусусан, Кувайт (1962 йил), Бирлашган Араб Амирликлари (1971), Қатар (1972), Баҳрайн (1973 йил)да конституциялари қабул қилинди, Кувайт ва Баҳрайнда эса қонун бўйича маслаҳат қилиш парламентиға сайловлар ўтказилди (кейинчалик тарқатилиб юборилди). Бу ислохотлар монархиянинг абсолют характерини ўзгартиргани йўқ. Ватикан, Саудия Арабистони, Аммонда конституциялар йўқ, мавжуд муносабатлар давлатнинг тегишли ҳуқуқий актлари билан тартибға солинади. Саудия Арабистони давлатининг расмий конституцияси Қуръони каримдир. Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ абсолют монархияда Монарх ижро ҳокимиятини ҳукумат билан биргаликда, қонунчилик ҳокимиятини эса турли кўринишдаги (сайланадиган ва тайинланадиган) қонун бўйича маслаҳат қилиш органлари ёрдамида амалға оширади.

**АБСОЛЮТИЗМ** (лотин. *absolutus* — мутлақ, чегараланмаган) — бир кишининг чексиз ҳукмронлигиға асосланган идора усули, мустабид ҳокимият, чегараланмаган монархия. Бунда сиёсий ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тамомила бир киши — қирол, подшоҳ, шоҳ, хон ёки император қўлида бўлади. Абсолютизм феодал давлат шакллари дандир. Унда чегараланмаган олий ҳокимият эгаси — монарх мутлақ ҳоким ҳисобланиб, бундай ҳокимият моҳиятан қонундан ҳам устун эканлиги билан ажралиб туради. Халқ қонунчилик, назорат ва давлатни бошқаришда иштирок этишдан мутлақо четлаштирилади. Абсолютизмда давлат энг юксак даражада марказлашган бўлиб, кенг тармоқ отган амалдорлик идора ва маҳкамалари, мунтазам қўшин ва полиция яратилади, тоифа вакиллик органлари (масалан, Францияда Генерал штатлар, Россияда Земски собор) фаолияти эса барҳам топади. Абсолютизм турли мамлакатларда ўзига хос равишда вужудға келди ва ривож топди. У феодал давлатнинг сўнгги босқичидир. Фарбий Европада XVII—XVIII асрларға, Россияда эса XVIII—XX аср бошларига тўғри келади. Ривоят қилишларича, Франция қироли Людовик XIV (1638—1715 йиллар) “Давлат — бу мен”, деган экан. Шарқ мустабид бошқарув усулининг муҳим хусусиятларидан бири унда давлат бошлиғи барча даврларда деярли ҳамиша ҳокими мутлақ бўлиб келганидир. “Ҳокими мут-

лақ мустабид ҳокимиятдир унга итоат этмоқни худонинг ўзи буюради”. Шу нарса эътиборга сазоворки, Шарқда адолатли подшоҳлар, қонушлар ҳам бўлган. Буни эътироф этиш лозим. Соҳибқирон Амир Темур фаолияти ва “Темур тузуклари” фикримизнинг далили бўла олади. Темур қонуннинг устуворлигига ўзи ҳам қатъий амал қилган. У, салтанатни бошқаришда вужудга келган ҳар қандай воқеа ва ишни “Тузук” асосида бажардим, дейди. Куч — адолатда, деб уқтиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Темурнинг бу қимматли ўғитлари ҳокими мутлақ подшоҳлар бўлмиш Людовик XIV ва Пётр I дан бир неча юз йиллар муқаддам айтилган. Мутлақ монархия Ўрта Осиё давлатларидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари тимсолида намён бўлган. Россияда мутлақ монархия 1917 йил феврал инқилобидан сўнг, Бухоро ва Хивада эса 1920 йилда тугатилган.

**АБСТРАКТ БИТИМ** — фуқаролик ҳуқуқи фанида ўз асосидан узилиб қолган битимлар. Масалан, вексел бўйича тузилган битимлар. Абстракт битимлар асоси билан мақсади ўртасида боғланиш йўқлигини билдиради. Битимларнинг бошқача кўриниши казуал, яъни сабабли битимлардир.

**АБСТРАКТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ** — Қаранг: “Конституциявий назорат”.

**АВАЛ** (франц. *aval*) — авал вексел бўйича кафилликни англатувчи тушунча. Фуқаролик ҳуқуқида алоҳида кафолатланган ёзув кўринишида учинчи шахс томонидан қилинган вексел топшириғи ёки даъво бўйича тўлов кафолатидир. Авал векселлар муомаласи билан боғлиқ фуқаролик муносабатларида қўлланилади. Авал векселнинг бутун қиймати, яъни маълум қисми бўйича, вексел билан боғлиқ исталган тарафга берилиши мумкин. Авал векселнинг ўнг бетига ёки илова қисмига имзо шаклида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 811-моддасида тўлов кафолати (авал), чек бўйича тўлов кафолати (авал) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкинлиги белгиланган. Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин.

**АВАЛЧИ (Авалист)** — чек бўйича тўловни, кредит бўйича кредит қайтарилишини, вексел бўйича мажбурият ижросини кафолатловчи шахс. Масалан, чек бўйича авални тўловчи бошқа, ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Авал чекнинг олд томонига ёки кўшимча вараққа “авал деб ҳисоблансин”, деган ёзув билан кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар авал ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, авал чек берувчи учун берилган ҳисобланади. Авал авалист томонидан имзоланиб, унинг яшаш

жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади. Авалист ўша авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади. Агар авалчи кафолатланган мажбурият шаклга амал қилмасликдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади. Чек бўйича пул тўлаган авалист у кафолат берган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади (Фуқаролик кодексининг 811-моддаси).

**АВАНС** (франц. *avance*) — фуқаролик ҳуқуқий, яъни олди-сотди, пудрат ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ турли муносабатларда сотиладиган товар, хизматлар ва ишлар учун белгиланган пул миқдорларининг олдиндан тўланиши лозим бўлган тўлов қисмидир. Аванс тўловларининг амалга оширилиши шартнома тузилганлигидан дарак беради, лекин агар шартномада алоҳида кўрсатилмаган бўлса, шартномани таъминлаш воситаси бўлолмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аванс тўловлари фуқаролар ва турли ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда кенг қўлланилади, айниқса, маҳсулот етказиб бериш, контрактация шартномаларидан келиб чиқадиган муносабатларда аванс тўловларини амалга ошириш мажбурияти шартнома сифатида қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**АВАНС ҲИСОБОТИ** — олинган пулнинг нималарга сарф этилгани расмийлаштирилган ҳужжат. Ушбу ҳужжат ташкилот молия бўлимига тақдим этилади ва шу асосда бу пул маблағлари ўчирилади.

**АВАРИЯ** (итал. *avarìa* — зарар етказмоқ, зиён) — фалокат, носозлик натижасида етказилган зиённи англатади. Авария бўлганда, йўловчилар ва юк ташиш жараёнида йўловчига, транспорт воситасига, юкка ёки фрахтга зарар етади. Авария умумий ва хусусий характерда бўлиши мумкин. Асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва халқаро хусусий ҳуқуқда юк ташиш муносабатлари билан боғлиқ авария ҳоллардаги зарарни қоплаш шартлари белгиланади.

**АВАХТА** — Қаранг: “Гаунтвахта”.

**АВВАЛГИ ГАРОВ УШЛОВЧИ** (Авалги гаровга олувчи) деб, гаров шартномасига мувофиқ гаровга қўйиладиган нарса-ни биринчи бор гаровга олган шахсга айтилади. Бунда гаров нарса-си аввалидаги шартномаси амалда бўлган ҳолда гаровидаги нарса (мулк) навбатдаги гаровга қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ аввалги гаровга

олувчи, навбатдаги гаровга олувчиларга нисбатан гаров нарса-си (мулк) қийматидан биринчи бўлиб ўз талабларини қондириш ҳуқуқига эгадирлар (*“Гаров шартномаси”га қаранг*).

**АВИЗО** (итал. *avviso*) — банк муассасаси томонидан, ми-жознинг ҳисоб рақамидан пул ўтказилганлиги ҳақидаги иккита банк муассасасининг ёзма равишда огоҳлантирилишини англа-тувчи билдириш хатидир. Авизода одатда қуйидаги маълумотлар бўлади: авизо рақами, ўтказилган банк операцияси мазмуни ва қиймати (сумма) ҳамда санаси; пул тўловчи ва пул олувчи ҳақида маълумотлар. Авизо орқали банк муассасаси бевосита ўз мижозини ҳисоб рақамидаги қолдиқ пул, чек ва аккредитив очилганлиги ҳақида расман хабардор қилади. Шартнома тараф-лари банк авизосининг нусхасини тақдим этиш билан ўзлари-нинг пул тўлаш бўйича ўз шартномавий мажбуриятларини маълум қиладилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча банк муассасаларида авизо кенг қўлланилади.

**АВИЗО БИЛДИРИШ ХАТИ** — *Қаранг*: “Авизо”.

**АВИСТА** — тўлов муддати кўрсатилмаган вексел, бундай вексел ушловчи исталган вақтда векселни вексел берувчига тақдим этиб, векселда кўрсатилган пулни тўлашни талаб қилиш-га ҳақлидир.

**АВТОБИОГРАФИК УСУЛ** — биографик усул варианты, жиноятчилар шахсини ўрганиш мақсадида уларнинг ўзлари эр-кин ёзган таржимаи ҳоллари, шунингдек, кундаликларидаги ёзувларни ўрганишга асосланган бўлиб, жиноятчи шахснинг шаклланиш шароитини аниқлаш учун хизмат қилади.

**АВТОКРАТИЯ** (грек. *autokrateia* — мустабид ҳокимият) — бошқарув тизими, бунда давлат бошида турган шахс чекланма-ган ҳокимиятга эга бўлади.

**АВТОНОМ ВИЛОЯТ** — миллий-ҳудудий тузилма.

**АВТОНОМ ОКРУГ** — миллий-ҳудудий тузилма.

**АВТОНОМИЯ** (грек. *Autonomia* — ўз-ўзини бошқариш, ай-нан қонуннинг ўзи, яъни *autos* — ўзини ва *nomos* — қонун) — ҳуқуқда кенг маънода маълум бир органлар, ташкилотлар ёхуд бирлашмаларнинг ўз ҳаётий фаолиятига доир масалаларни мус-тақил ҳал этишидир. Субъект характери ва мақсадидан келиб чиқиб автономия турли кўринишларда бўлиши мумкин. Субъек-тига кўра автоном ташкилотлар ва автоном уюшма, ўз навба-

тида, автоном ташкилотларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: молиявий, иқтисодий ва маъмурий. Улар одатда давлат органлари ва ваколатли ҳал этиш учун, фаолияти доирасида келиб чиқиб бериши мумкин. Масалан, давлат банклари, ташкилотлари, илмий марказларга ва ҳоказо. Маъмурий автономиянинг маъмурий-ҳудудий (минтақалараро) миллий ҳудудий ва миллий давлат турлари мавжуд. Ҳудудий автономияни баъзида сиёсий ёки қонунчи автономия ҳам деб аташади. Чет давлатлар конституциявий ҳуқуқи бўйича, шунингдек, эксхударий (экстерриториал) маданий, маъмурий-ҳудудий автономия, миллий-ҳудудий автономия, миллий давлат автономияси мавжуд. Айрим ҳолларда автономияни ўз-ўзини бошқарувчи ҳамжамият деб ҳам аташади.

**АВТОРЕФЕРАТ** — муаллиф томонидан илмий ишнинг қисқача таърифланиши.

**АВТОРИТАРИЗМ** (лотин. *Auctoritas* — ҳокимият) — демократияга зид, аммо, айрим ҳолларда мустабидчиликдан демократияга ўтиш даври давлат ҳокимиятчилиги шакли, сиёсий ҳукмронлик тизими. Одатда, энг ашаддий реакцион давлатлар (масалан, Германияда ҳамда Италияда фашистлар ўрнатган тартиб)га хос идора усули. У автократия — яккаҳокимиятчилик, мустабид ҳокимияти маъносида ҳам тушунилиб, бунда чекланмаган олий ҳокимият якка бир киши қўлида тўпланади, вакиллик муассасалари бўлмайдди, давлатнинг ўзи эса ўта марказлашган ҳарбий-амалдорлик давлатдангина иборат бўлиб қолади.

**АВУАР** (франц. *avoir* — мулк) — кенг маънода мажбуриятларни бажариш учун амалга ошириладиган тўловлар (масалан, пул тўловлари, чек, вексел, аккредитив). Тор маънода, авуар жамғармалар ва қимматли қоғозлардан иборат банк маблағлари. Бирор-бир давлатга тегишли бу маблағлар тўплами чет эл авуари деб номланади.

**АВУНКУЛАТ** (лотин. *avunculus* — тоға, она тарафдан) — келинлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилувчи одат. Патриархат даврида онанинг уруғлари ва болалар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаган.

**АГЕНТ-ДЕЛЬКРЕДЕРЕ** — сотиб олувчидан товар ҳақини ўз вақтида тўланишига топшириқ берувчи (принципал) олдида кўшимча ҳақ тўлаш эвазига кафолат берувчи агент. Агар сотиб олувчи товар ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, агент-делькредере шу туфайли принципалга етказилган зарарни тўлаш



вазифасини ўз зиммасига олади. Принципал шартномага биноан ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги туфайли сотиб олувчи товар ҳақини тўлашдан бош тортган тақдирда ёки тўланиши зарур бўлган товар нархи ҳақида низо мавжуд бўлса, агент-делькредере принципалга берган кафолати учун жавоб бермайди.

**АГЕНТЛИК МУОМАЛА, ОЛДИ-БЕРДИ** (рус. *агентские операции*) — келишган ҳудудда товарларни олиш-сотиш бўйича аниқ ва юридик ҳаракатларни амалга оширишдан иборат. Бундай ҳаракатлар бир тараф (принципал)нинг топшириги билан иккинчи тараф (агент) томонидан мустақил равишда принципал ҳисобидан ва унинг номидан бажарилади.

**АГЕНТ ШАРТНОМАСИ** (рус. *агентский договор*) — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома. Агент шартномасига биноан бир тараф (агент) иккинчи тарафнинг топшириғига асосан ҳақ эвазига ўз номидан, лекин иккинчи тарафнинг ҳисобидан юридик аҳамиятга эга бўлган топшириғини ва бошқа ҳаракатларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Топшириқ берувчи тараф қонунда ва юридик адабиётда принципал деб ҳам номланади.

**АГНАТЛАР** (лотин. *agnates, agnats*) — Қадимги Римда қариндошчиликнинг оила бошлиғига бўйсунуш ҳокимияти асосида амалга оширилиши; 2) (лотин. *agnati*) — римликларда аввалда эркаклар бўйича уруғнинг белгиланиши.

**АГНАТЛАР УРУҒИ** (лотин. *agnates*) — Қадимги Римда қариндошчиликнинг оила бошлиғига бўйсунуш ҳокимияти асосида амалга оширилиши.

**АГРАР ҲУҚУҚ** — аграр (қишлоқ хўжалиги) муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган, Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида комплекс ҳуқуқ тармоғи сифатида мустақил ўрин эгаллаган ҳуқуқ тармоғидир. Аграр ҳуқуқ тартибга солиши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар, яъни унинг предмети жуда мураккаб ва кенг қамровлидир. Аграр ҳуқуқ предметиға қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти муносабатлари киради. Аграр ҳуқуқ қишлоқ хўжалиги ҳуқуқий муносабатларини, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фуқароларнинг ерга ишлов бериш, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ер, мулкый, меҳнат, ташкилий бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади.

**АГРЕОМЕН** (франц. *agement, agreeer* — қўллаб-қувватламоқ) — халқаро ҳуқуқда давлатнинг маълум бир шахсни бошқа давлатнинг дипломатик ваколатхонаси бошлиғи сифатида қабул қилиши. А. олмай туриб белгиланган шахсни расмий дипломатик вақил сифатида тайинлаш мумкин эмас.


**АГРЕССИЯ** (лотин. *agressio* — босиб олмоқ, босиб олувчилик) — халқаро ҳуқуқда БМТ Уставини бузган ҳолда ҳарбий кучларнинг ишлатилиши. Жиноят ҳуқуқида агрессия атрофдаги одамларга жисмоний зарар ёки руҳий шикаст етказувчи ҳаракатлардир. Бу ҳаракатлар кучли салбий эмоциялар: душманлик, адоват, жаҳолат билан содир этилади. Агрессиянинг импульсив, аффектив ҳолатида экспрессив, маълум мақсадга йўналтирилган турлари мавжуддир. Оммавий ижтимоий жараёнларда агрессия геноцид, террор, этник ва ғоявий тўқнашувлар шаклида намоён бўлади. Кўпинча агрессия маълум бир миллат вакилларига душман деб қараш ёки салбий шахсий сифатлар — ёвузлик, инсонни ёмон кўриш натижасида вужудга келади. Агрессив хулқ — агрессивлик шахснинг ўзига хос хусусияти ҳам бўлиши мумкин. Агрессив даражаси ижтимоий муҳитдаги салбий ҳаётий тажриба билан боғлиқдир. Шахснинг ўзига қаратилган агрессия “аутоагрессия” (бу ҳол шахсдаги патологик ўзгаришларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади) деб аталади.

**АГРЕССОР** — халқаро ҳуқуқда агрессияни содир этган шахс. Агрессор сифатида бир неча давлатлар (мисол учун, улар ҳарбий ёрдам тўғрисидаги шартнома билан боғланган бўлсалар) бўлиши ҳам мумкин. Бунда ушбу гуруҳга кирган ҳар бир давлат агрессорни содир этишда шахсан иштирок этган бўлишлари шарт.

**АД ВАЛОРЕМ** (лотин. *Ad valorem*) — қимматли юкларни ташиш тўловини ҳисоблаш усули ёки божхона тўлови, яъни ҳисоблаш юк бирлиги учун эмас, балки юк баҳосига нисбатан фоизларда ҳисобланиши тушунилади.

**АДАБИЙ МЕРОС** — мазмуни давр руҳини, онгнинг миллий ўзига хослигини акс эттирган, турли тарихий даврларда маданий ва илмий анъаналарнинг мазмунини ёритиб берган қўлёзма ва чоп этилган бадиий китоблар.

**АДАПТАЦИЯ** (лотин. *adaptatio* — мослашув) — 1) давлатнинг ички ҳуқуқ тизимида қўлланиладиган нормаларнинг қонунчиликка бирон-бир ўзгартириш киритмасдан халқаро ҳуқуқ нормаларига мослашуви; 2) криминология фанида индивиднинг ижтимоий ҳаётга шароитига мослашуви. Ижтимоий



258243

адаптация турлари: 1) фаол — муҳитга таъсир кўрсатиш, 2) пасив — ижтимоий гуруҳнинг жамиятдаги қадриятлар ва мақсадларни қабул қилиши. Ижтимоий адаптация индивиднинг турли ижтимоий ролларни ўзлаштириши, унга мос равишда ўзи ва ўзининг ижтимоий алоқалари билан боғлиқдир. Ижтимоий адаптациянинг бузилиши қарама-қарши хулқ-атвор — алкоголизм, гиёҳвандлик, фоҳишалликни вужудга келтиради.

**АДВОКАТ** (лотин. *advocatus, advoco* — таклиф этаман) — жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган мутахассис. Жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатади, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради; қонунчилик бўйича оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради; ариза, шикоятлар ва ҳуқуқий характердаги бошқа ҳужжатлар тузади; судларда, давлат идораларида, бошқа шахслар олдида вакиллик қилади; дастлабки текширувда иштирок этади; қонунлар билан тақиқланмаган бошқа юридик хизматларни бажаради. “Адвокатура тўғрисида” (1996 йил 27 декабр), сўнгра “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги (1998 йил декабр) Ўзбекистон қонунларида кўрсатилганидек, адвокатлик фаолияти билан фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ва тегишли комиссиянинг қарорига биноан адлия идорасидан рухсатнома (лицензия) олган шахс шуғулланиши мумкин. Давлат хизматчиси адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чегараланган шахс, шунингдек, судланганлиги бекор бўлмаганлар адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас. Адвокат шахсан ўзи бюро очиши ёки бошқа адвокатлар билан шерикликда Адвокатлар коллегияси (фирма) очиб ишлаши мумкин. Адвокатлар бюроси, коллегияси ва фирмаси адлия идораларида рўйхатдан ўтади ва ўз уставига мувофиқ иш юритади. Адвокат ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида унга ҳуқуқий ёрдам беришни илтимос қилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, турли давлат идоралари, корхоналари, муассаса ва ташкилотлардан зарур изоҳлар, маълумотнома, тавсифнома ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олади; судга маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида ишни кўрувчи идораларга далил сифатида тақдим қилиши учун керакли маълумотлар тўплайди; мижознинг розилиги билан экспертдан хулоса, мутахассисдан ёзма тушунтириш ва маслаҳатлар олади; уларни суд ва бошқа давлат органларига тақдим қилади; илтимос ва шикоят билан мурожаат этади. Бу борада адвокат қонунда тақиқланмаган барча восита ва чоралардан фойдаланади. Адвокат шу иш бўйича илгари, ўзгаларнинг манфаатини кўзлаб иштирок этган, ўзи ёки қариндоши шу ишда сульба, прокурор, терговчи, суриштирувчи, жамоат айбловчи-

си, суд котиби, эксперт, мутахассис, таржимон, холис бўлиб қатнашган, ишдан бевосита ёхуд бирор тарзда манфаатдор бўлган тақдирда, иш бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақида илтимосни рад этиши лозим. Адвокат ўз ваколатидан фойдаланиб, мижознинг манфаатларига зид иш тутиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя қилишдан унинг моддий жиҳатдан ночорлигини важ қилиб воз кечиши мумкин эмас. Қонун адвокатнинг касбига оид ҳуқуқларини, шаънини ҳимоя қилади. Адвокатнинг касбий фаолиятига аралашади, уларга тазйиқ ўтказиш, ўз касбини бажариш жараёнида эришган маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш тақиқланган. Адвокатга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган прокурорлар тамонидан кўзғатилиши мумкин. Адлия вазирлиги адвокатлар фаолиятига қўмаклашади ва уларнинг манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилади.

**АДВОКАТ СИРИ** — адвокатга ким ва қандай масала бўйича ҳуқуқий ёрдам беришни илтимос қилиб мурожаат этгани, унга қандай тушунтириш ёки маслаҳат берилгани, мижоз билан адвокат мулоқотининг мазмунидан иборат бўлган маълумотлар. Бу сирни адвокат, унинг ёрдамчиси, адвокатлар бюроси, коллегияси ва фирмасининг бирон-бир ходими ошкор қилмаслиги, бунга доир маълумотлардан ўзи ва ўзгаларнинг манфаатини кўзлаб фойдаланмаслиги лозим. Адвокат иш бўйича ҳимоячи ёки вәкил сифатида иштирок этиши муносабати билан унга маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Унинг касбига оид ҳужжатлар, хат ёзишмаларини олиш, танишиш, тафтиш қилиш ман этилган. Адвокатнинг ўзи ҳуқуқий ёрдам бераётган шахс билан учрашиши имкониятини чегараланмаслиги керак. Бундай учрашувдаги ўзаро суҳбат мавзуи ва мазмуни ҳам адвокатнинг сирини ҳисобланади.

**АДВОКАТУРА** — ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 27 декабрда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида қабул қилинди. Қонунга кўра Ўзбекистонда қуйидаги адвокатлик муассасалари мавжуд: адвокатлик бюрolari; адвокатлик фирмалари; адвокатлик ҳайъатлари. Адвокатлик

муассасалари ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик тамойиллар асосида амалга оширади (Қонуннинг 4-моддаси). Адвокатлик муассасалари ва адвокатлар ўзига юклатилган вазифаларни қуйидаги фаолият усуллари орқали амалга оширади: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш; ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар тузиш; фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади; тадбиркорлик фаолиятига юридик ёрдам кўрсатади. Қонунга кўра олий юридик маълумотга эга бўлган ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари томонидан тегишли лицензия берилган шахслар адвокатлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида адвокатлар малакасини оширишга ёрдамлашади, адвокатларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштиради, адвокатлар бюрolari, фирмалари ва ҳайъатларига ва малака комиссиялари фаолиятига ёрдам беради. Айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги, шунингдек, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

**АДЕНДУМ** — денгиз савдосида қўлланиладиган чартер шартномасида тарафларнинг келишувига биноан киритилган янги шартлар ва шартларга келишилган тартибда киритилган янги кўшимчалар.

**АДЛИЯ** (араб. “*адала*” — одиллик) — суд муассасалари ва уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолияти мажмуасини қамраб олувчи атама.

**АДМИРАЛ** (голл. *admiral*, араб. *амир ал-бахр* — денгиз ҳукмдори) — ҳарбий денгиз флотида ҳарбий унвон (амал).

**АДҲОК** — янги давлат билан бир даражадаги “бир марталик алоқа”га киришни йўли билан расмий тан олиш содир бўлмагани ҳолда давлатнинг фактик тан олиниши (*ad hoc*).

**АДЪЮНКТ** (лотин. *adjunctus* — бирлашган) — Ғарбий Европанинг қатор давлатларида профессор ёрдамчиси, илмий стажировкани ўтаётган шахс; 2) адъюнктурада таҳсил олаётган офицер.

**АДЪЮНКТУРА** — Ички ишлар вазирлиги ва Куролли Кучлар олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш шакллари-дан бири. Фуқаролик олий ўқув юртларининг аспирантурасига тенглаштирилади. Адъюнктурани тугатган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган шахслар фан номзоди илмий даражасини олади.

**АДЮЛЬТЕР** (франц. *adultesre*) — оилада эр ёки хотиндан бирининг хиёнати. Қатор мусулмон давлатларида жиноий жавобгарлик белгиланган.

**АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ** — умумий инсон ҳуқуқлари билан бирга-ликда, аёлларнинг ижтимоий ва оиладаги мақомини эътиборга олган ҳолда, уларнинг ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликлари. 1945 йилдан аёллар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинувчи муҳим объектлардан бирига айланди. БМТ Устави умумий шаклда эркаклар ва аёллар тенглигини мустаҳкамлади. Бу ҳуқуқлар 1948 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳам ўз аксини топди ва унинг 16-моддасида эркак ва аёлнинг никоҳдаги тенглиги ҳам мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ушбу Декларацияни ратификация қилди ва Конституциямизнинг 18-моддасига биноан мамлакатимиз фуқаролари, жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

**АЖИТАЦИЯ (Жанжалли ажитация)**— ҳалокатли вазиятларда қаттиқ (кучли) асабийлашиш ҳолати, ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигининг бузилиши, ҳовлиқиш, фикрлаш фаолияти ва қобилиятининг сусайиши — бузилган руҳий ҳолат.

**АЙБ** — ҳар қандай жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати. Айб қасддан ёки эҳтиётсизлик кўринишида юз бериши мумкин (Жиноят кодексининг 20-моддаси).

Жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш ба-жарилган вақт деб ҳисобланади. Уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилди. Жиноят, агар уни содир этган шахс қилмишининг ижтимоий хавфсизлигини англаган,

унинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, тўғридан-тўғри қасд билан содир этилган ҳисобланади (Жиноят кодекси 21-моддасининг 3-қисми). Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий оқибатларига кўзи этган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят бавосита қасддан содир этилган деб топилади (Жиноят кодекси 21-моддасининг 4-қисми). Қасддан содир этилган жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларга нисбатан юқоридир. Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади (Жиноят кодексининг 22-моддаси). Жиноятни содир этган шахс ўз халқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларини кўрмаган бўлса ва бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган ҳисобланади. Жиноий ўз-ўзига ишониш орқасида содир этилган жиноятларга транспорт билан боғлиқ, атроф муҳитни қўриқлаш ва табиатдан фойдаланиш қоидаларини бузиш кабилар киреди.

**АЙБ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТАМОЙИЛИ** — ҳуқуқ фанининг тамойилларидан бири. Шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар учун жиноий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун энг аввало унинг айби исбот қилинган бўлиши керак. Ўз қилмишининг ижтимоий хавфи хусусиятини англамаган, муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки бундай лаёқатга эга эмас деб ҳисобланган ҳамда ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган шахслар қонун билан жавобгарликка тортилмайди. Одамнинг айби унинг шахси билан боғлиқ эмас. Айб, у қандай тавсифланмасин, қонун билан аниқ белгилаб қўйилган, шахс ўзининг ижтимоий хавфли, “қасд” ёки “эҳтиётсизлик” билан содир этган қилмишига ва унинг оқибатига нисбатан бўлган муносабатидир. Шахс, фақат қонунда белгилаб қўйилган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши, ўз бурчини, мажбуриятларини бажармаганлиги, қонунга риоя қилмаганлиги учунгина жавобгар бўлади.

**АЙБЛАНУВЧИ** — сифатида жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда кўрсатилган тартибда устидан қарор чиқарилган шахс. Судга берилган айбланувчи “судланувчи” деб аталади; устидан айблов ҳукми чиқарилган айбланувчи “маҳкум” деб аталади (Жиноят-процессуал кодексининг 45-моддаси). Жиноят процессида шахсни айбланувчи деб топишнинг зарур шarti —

уни жиноят содир этишда айблаш учун етарли далиллар бўлишидир. Айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш учун жиний воқеани аниқлашга имкон берадиган ҳақиқий ҳолатларни билиш, содир этилган қилмишда жиноят таркиби мавжудлиги ва бу қилмишни мазкур шахс содир этганлигини кўрсатадиган далиллар бўлмоғи зарур. Айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортишдан илгари терговчи тахминларга эмас, балки айбланувчининг айблилиги тўғрисида иш юзасидан тўпланган барча далилларга асосланиб комил ишонч ҳосил қилмоғи керак. Айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилаётганда терговчи иш кўзгатишга монелик қиладиган ёки ишнинг ётқизилишини тақозо этадиган бирон-бир ҳолат бор-йўқлигини (Жиноят-процессуал кодексининг 83—84-моддалари) аниқлайди. Айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда иш материаллари билан аниқланган жиноят содир этишдаги конкрет ҳолатлар (вақти, жойи ва бошқалар) ва мазкур жиноятни кўзда тутувчи жиноят қонуни кўрсатилади. Агар айбланувчи бир неча жиноят содир этган, улар учун жавобгарлик Жиноят кодексининг турли моддаларида кўзда тутилган бўлса, қарорда Жиноят кодексининг ҳар қайси моддаси бўйича қандай ҳаракатларда айбланаётганлиги кўрсатилади. Борди-ю, жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, айбланувчи сифатида жиний жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор ҳар қайси айбланувчи учун алоҳида тузилади. Бу қарор чиқарилгандан сўнг айбланувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилинмоғи керак (Жиноят-процессуал кодексининг 360-моддаси). Айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш пайтидан бошлаб, унга нисбатан зарур деб топилган эҳтиёт чораси кўлланилиши, у хизмат лавозимидан четлаштирилиши, мулки хатлаб қўйилиши мумкин. Айбланувчи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли. Жиноят процессида айбланувчига қонунсиз ва асоссиз қилинадиган тажовузлардан ўзини ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар берилган: масалан, унга эълон қилинган айбдан ва асоссиз судланишдан ўзини ҳимоя қилиш, шахсий эркинлигини, шахс ва уй-жой дахлсизлигини, хат-ёзишмаларининг сир сақланиши муҳофаза этиш, шахсий мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш каби. Айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганлигини билишга, бу ҳақда тушунтириш беришга, илтимослар қилиш ва отвод беришга; ўзи далиллар тақдим этишга ёки уларни топиш, қўлга киритишни тергов ва суд органларидан сўрашга; қонунда кўрсатилган ҳолларда тергов ўтказишда иштирок этишга; ишнинг барча материаллари билан танишишга; биринчи суд инстанциясида суд муҳокамасида қатнашишга; суриштирувчи терговчи, прокурор, суд қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят келтиришга; тергов ва суд жараёнида ўз она тилидан,



шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланишга ҳақли. Суд муҳокамасида судланувчи охиригى сўз сўзлаш, сўнгра чиқарилган ҳукм устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Иш кассация ва нозорат тартибида кўрилган пайтда эса, суд мажлисида қатнашадиган судланувчи тушунтириш беришга ҳақлидир. Айбланувчи ўз хоҳиши билан ҳимоячи олиш, у билан танҳо учрашиш ва дастлабки тергов давридан бошлаб, унинг ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Мана шу ҳуқуқларнинг ҳаммаси қонунда кафолатланган. Айбланувчининг процессуал бурч ва мажбуриятлари эҳтиёт чораларига риоя қилишдан, тергов ва судга чақирилган вақтда ҳозир бўлишдан иборатдир. Айбланувчи терговнинг бошига халақит бермаслиги керак. Айбланувчининг ана шу кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий мақомини умумий тарздагина ифода этади. Жиноят-процессуал кодексида жиноят иши юритишнинг ҳар бир босқичдаги айбланувчининг ҳуқуқий мақоми батафсил кўрсатилган.

**АЙБЛАНУВЧИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ** — айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган шахс берган ишнинг ҳақиқий ҳолатларини исботлаш предметиға оид бўлган маълумотлари ва иш юзасидан сўроқ қилинганда улар билан боғлиқ тушунтиришлари. Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддасига мувофиқ, айланувчининг эълон қилинган айб юзасидан ва маълум бўлган бошқа ҳолатлар ҳамда ишдаги мавжуд далиллар тўғрисида кўрсатув беришга ҳақлидир. Айланувчининг кўрсатувлари далиллар манбаи бўлиши билан бирга унинг манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси ҳамдир. Айланувчининг кўрсатувлари фактик маълумотлардан ташқари, фактларни изоҳлаши, далилларни таҳлил қилиши, жиноий ҳодисага ва унда қатнашган бошқа шахсларга муносабатини билдириши, бу кўрсатувларда илгари сурилган тахминлар ва уларни асослайдиган важлар, шунингдек, илтимослар бўлиши мумкин. Иш юзасидан тушунтириш ва кўрсатувлар бериш — айбланувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқдан у ўз хоҳишига қараб фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Айбланувчи кўрсатув беришдан бош тортгани ёки била туриб ёлғон кўрсатув бергани учун жавобгар қилинмайди. Лекин, кўрсатув беришдан бош тортганлиги айбланувчини чақирув қоғози билан келиш мажбуриятидан озод қилмайди. Қонун айбланувчидан зўрма-зўраки кўрсатув талаб қилинишини ҳамisha тақиқлаб келган. Жиноят-процессуал кодекси 22-моддасининг 2-қисмида бу қоида шундай ифодаланган: “Зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларни чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади”. Ана шу кўрсатилган но-жоиз усулларнинг сўроқда қўлланиши одил судловга қарши жиноятлардан бири деб қаралади ва унинг учун жиноий жавоб-

гарлик белгиланади. Айбланувчининг кўрсатувлари, шу жумладан, унинг айбдорлигига иқрор бўлиб берган кўрсатувлари ҳам пухта текширилмоғи зарур. Шахс ўз айбига иқрор бўлганида ҳам бу иш юзасидан тўпланган жами далиллар билан тасдиқланган қилмишни содир этганлик уни айблаш учун асос бўлади. Тергов органи ва суд айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида ўз ташаббуси билан айбни фош қила оладиган ҳолатларнигина эмас, балки унинг айби йўқлигидан гувоҳлик берувчи ёки жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам аниқлашга мажбурдир. Айбланувчининг ўзига эълон қилинган айбига, жиноят ишига бўлган муносабатига қараб унинг кўрсатмалари қуйидагича бўлади: а) ўз айбига иқрор бўлиш; б) айбини инкор қилиш; бошқага тўнкаш, яъни шу жиноятни бошқа кишилар содир этганлиги тўғрисида кўрсатув бериш. Айбланувчининг ҳар қандай кўрсатувларини пухта текширмоқ зарур. Бу хил кўрсатувларнинг биронтасини энг яхши деб ҳисоблаш ёки энг ишончсиз деб рад қилиш мумкин эмас. Айланувчининг кўрсатувлари иш ҳолатларига қараб баҳоланмоғи лозим. Уларни текширмай туриб, ишониш ёки етарли асосларсиз рад қилиш мумкин эмас. Бу қоида ўз айбига иқрор бўлган айбланувчига ҳам, айбини инкор қилган айбланувчига ҳам бирдай тааллуқли. Суд амалиётида иш бўйича бошқа далиллар билан исботланмаган, фақат айбланувчининг иқрорлигига асосланган ҳукмлар сўзсиз бекор қилинмоқда. Айбланувчининг тўғри кўрсатувлари иш учун аҳамиятли бўлган фактларни аниқлашга хизмат қилади, чунки амалда жиноят содир этган айбланувчи унинг қўп тафсилотларини биледи. У ўғирланган бойликларни, ўлик жасади ёки жиноят қуроллари қарерга яширганлигини айтиб, кўрсатиб бериши мумкин; жиноят иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлари кўпинча уларнинг жинойий фаолиятлари пайини қирқишга кўмак беради. Ўзини айбдор деб билмаган айланувчининг кўрсатувлари жиноятни амалда содир этган шахсларнинг кимлигини очиб бериши мумкин. Бундай кўрсатмалар кейинги тергов ишларини самарали юритишга имкон беради.

**АЙБНИ БЎЙНИГА ОЛИШ ҲАҚИДА АРЗ** — шахснинг ўз ихтиёри билан суриштирув, тергов, прокуратура органларига ёки судга жиноят содир қилганлиги, шунингдек, жиноятга тайёргарлик кўрганлиги тўғрисида арз этиши. Айбни бўйнига олиш ҳақидаги арз жиноят ишини қўзғатиш учун сабаблардан бири ҳисобланади (Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддаси 5-банди). Айбни бўйнига олиш ҳақидаги арз қилинган ҳолларда бундай кишининг шахси аниқланади ва қайднома тузилиб, унда берилган арз мазмуни батафсил баён қилинади. Қайднома айбни бўйнига олган киши ва қайднома тузган суриштирув олиб борувчи шахс, терговчи, прокурор, судья томонидан имзола-

нади (Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддаси). Айбни бўйнига олиш ҳақидаги арз жазони енгиллаштирадиган (Жиноят кодекси 55-моддасининг “а” банди), баъзи ҳолларда жиноий жавобгарликдан батамом озод қилувчи ҳолатдир (Жиноят кодекси 66-моддаси, 157-моддасининг 3-қисми).

**АЙБНИНГ ШАКЛЛАРИ** қасддан ва эҳтиётсизликдан жиноят содир этишдан иборат. Ҳар қандай жиноят субъектив жиҳатининг зарурий белгиси. Айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жавобгарликка тортиш ва жазо тайинланиши мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи назариясида унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати тушунилади. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этган шахс жиноятни содир этишда айбдор деб топилгани мумкин. Айбнинг шакллари: қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этиш. Қасднинг ўзи эса тўғридан-тўғри ва билвосита қасдга бўлинади. Эҳтиётсизликнинг ҳам ўз-ўзига ишониш ва бепарволик турлари мавжуддир. Мураккаб айбли жиноятлар содир этилганида қасд ва эҳтиётсизлик уйғунлашиб кетади.

**АЙБОНА (Неустойка)** — Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси бўйича айбона “неустойка” деб юритилади. Неустойка — мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули, шунингдек, мажбурият бажарилмаганлиги учун қўлланиладиган чора сифатида амалиётда ишлатилади. Неустойка деб, қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тўланиши шарт бўлган, амалдаги қонун ҳужжатлари ва шартномаларда назарда тутилган махсус қўшимча пул тўлови суммаси тушунилади. Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлаши шарт эмас. Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун айбдор бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Неустойка жарима ва пеня шаклларида бўлади. Неустойка ҳақидаги келишув ёзма шаклда тузилиши шарт. Неустойка тўлаш, тарафларнинг келишувида назарда тутилганлиги ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор томонидан қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка) тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

**АЙБОНА ҲАҚИДА КЕЛИШУВ** — Қаранг: “Айбона” (“Неустойка”).

**АЙИРБОШЛАШ** — фуқаролик ҳуқуқида айирбошлаш шартномавий муносабат бўлиб, мазкур шартномага мувофиқ,

яъни ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа то-варга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш маж-буриятини олади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси бўйича айирбошлаш шартномасига нисбатан тегиш-ли олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади, ушбу муно-сабат амалиётда “бартер” деб ҳам юритилади. Бунда тарафлар ўзаро муносабатларида пул тўловисиз ўзларидаги мавжуд то-варни бошқа тарафдаги мавжуд товарга келишув асосида ал-маштириб олиш имкониятга эга бўладилар. Халқаро ҳуқуқда икки манфаатдор давлатнинг ўзаро келишувига кўра айирбош-лаш битимига мувофиқ ҳудудларни бир-бирига ўтказишни ташкил этиши.

**АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ** — ҳунармандлар, деҳқ-онлар, чорвадорлар ўртасидаги мулкый муносабатларда кенг қўлланилади. Айирбошлаш савдогарлар томонидан ҳам қўлла-нилади. Улар қишлоқ ва овулларга турли товарлар олиб бориб, уларни қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига айирбошлаш билан шугулланади.

**АКВИЗИТОР** — транспорт ташкилотига янги юкларни ва юк ташувчиларни жалб қилиш бўйича агенти.

**АККЛАМАЦИЯ** (лотин. *acclamatio*) — халқаро ташкилотлар-да ва анжуманларда қарсақларга асосланиб, овоз бермасдан қарор қабул қилиш усули.

**АККРЕДИТИВ** (лотин. *accreditivus*) — банк томонидан амал-га ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакли. Ама-лиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бир қанча шакллари қўлланади. Сотиб олувчи товарни олганидан сўнг кейинги иш кунигача кечиктирмасдан тўлов топшириғини банк муассаса-сига топшириши керак. Тўлов топшириғи кечикиб топширил-са, ҳар бир кечиккан кун ёки вақт учун сотувчига шартно-мада ёки қонунда белгиланган фоиз миқдоридан неустойка ёки жарима тўланади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккреди-тив шакли турли шаҳарларда жойлашган банклар ўртасида амалга оширилади. Товар етказиб берувчи банкдан бошқа шаҳардаги харидорнинг ўзига хизмат кўрсатадиган банкка сақ-лаш учун қўйилган активлари ҳисобидан пул маблағларини олади.

**АККРЕДЕТИВ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТНИ АВИЗОЛАШТИ-РИШ** — банк эмитенти томонидан ўз ижрочиси номига аккре-детив олганлигини алоқа воситалари (почта, телеграф) орқали расмий хабар бериши тушунилади.

**АККРЕДИТИВЛАР** — мулк, бойлик. 1) Пул ҳужжатлари, чеклар, векселлар, пул ўтказмалари аккредитивлардир, улар ёрдамида пул маблағлари ўтказилади ва тарафлар ўртасида тўлов мажбуриятлари бажарилади. 2) Банк муассасаларининг чет эл банкларидаги жорий ҳисоб варақаларида чет эл валютасидаги маблағлари.

**АККРЕДИТИВЛАШ** — турли шаҳарларда жойлашган корхоналар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун махсус банк ҳисобварағини очиш. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли томонлар ўртасидаги шартномада махсус назарда тутилган ҳолларда қўлланилади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли қўлланилганида тўловчи томон ўзига хизмат кўрсатувчи банкка махсус ҳисоб рақамидаги маблағлар ҳисобидан юборилган маҳсулот, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилишни топширади. Ҳар бир аккредитив фақат битта аниқ мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган бўлиб, бошқа мақсадларга сарфланиши, нақд пул шаклида берилиши мумкин эмас. Аккредитивнинг амал қилиш муддати, шартларнинг ўзгартирилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

**АКТ** (лотин. *actus* — ҳаракат; *actum* — ҳужжат) — 1) қилмиш, ҳаракат; 2) расмий ҳужжат. Юридик акт давлат органи мансабдор шахси томонидан қонун шаклида (қонун, фармон, қарор ва ҳоказо) мустақамланган ваколатлари доирасида қабул қилинади ва мажбурий кучга эга бўлади.

**АКТИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** — ҳокимият вакиллик органларига сайловда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқи; фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши. Фуқаролар актив сайлов ҳуқуқидан малакатлар парламенти, муниципалитети каби вакиллик органларига сайловларда иштирок этишда фойдаланадилар. Сайлов ҳуқуқи актив ва пассив ҳуқуқларга ажратилади. Баъзи мамлакатларда актив сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши учун қатор ҳуқуқни чекловчи шарт (ценз)ларни қондириш талаб қилинади. XIX асрдан бошлаб, хусусан, Австралиянинг бир қанча штатларида юқори палата сайловларида ва Янги Зеландияда маҳаллий органлар сайловларида актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун мулкий ценз ўрнатилган эди. Умумий сайлов ҳуқуқида қатор чегаралаш ҳукм суриб, булар орасида хотин-қизларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш цензи ҳам мавжуд. Билимга эга бўлиш цензи ҳам бўлиб, у мулкий ценз ўрнига ўтиши мумкин. Ҳозирги вақтда демократик кучлар тазйиқи остида кўпгина мамлакатларда бу ценз олиб ташланган. Бироқ, Боливия, Бразилия, Колумбия, Перу, Филиппин, Чили, Эк-

вадор каби, яъни ҳали ҳамма бошланғич маълумотга ҳам эга бўлмаган мазкур мамлакатларда фақат саводхон фуқароларгина овоз бериш ҳуқуқига эга. Бундай чеклашга қарши кураш ҳануз давом этмоқда. Масалан, Бразилияда 1960 йилдан буён (ўша вақтда 70,8 миллион аҳолиси бўлган бу мамлакатда сайловчилар сифатида 15,5 миллион киши рўйхатга олинган эди,) ҳозирга қадар давом этиб келаётган сайловларда аҳолининг иштироки аҳоли умумий сонининг тўртдан бирига ҳам тўғри келмайди. АҚШда 19 штатнинг қонунларида сайловчиларни рўйхатга олишда уларнинг саводхонлиги ҳар хил усуллар билан синаб кўрилади. Сайлов ўтказишда ўтроқлик цензи ҳам кўп тарқалган. Франция, Белгия, Янги Зеландия, Япония, Англияда муддати 3 ойдан то бир йилга қадар бўлган ўтроқлик цензи жорий қилинганлигини кўрамиз. Жинс цензи, ёш цензи (18 дан 23 ёшга қадар), ирқий цензлар қатор мамлакатларда ҳануз мавжуд. Умуман, актив сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш жараёни бирмунча мураккаб. Булар сайловчиларни рўйхатга олиш қоидалари, турли цензлар, сайлов ҳуқуқининг нотенглиги, тўғридан-тўғри ва бавосита, аралаш тарзда ўтказиладиган сайловлар жараёни каби кўлдан-кўп тартиблардирки, буларнинг барчаси сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаро учун маълум кўшимча тўсиқларни вужудга келтиради. Асосий қонунимизнинг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар, дейилган. Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

**АКТ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЖОЙ ҚОНУНИ (lex loci actus)** — халқаро хусусий ҳуқуқда фуқаролик-ҳуқуқий акт қабул қилинган давлатнинг ҳуқуқини қўлланишини англатади (масалан, вассиятнома тузилган, ишончнома берилган, шартнома имзоланган жой). Ушбу умумлашган формула, қайд этилган кўринишда кўп қўлланилмайди, чунки фуқаролик-ҳуқуқий акт кенг маънога эга бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий ҳаракатларнинг турли хил кўринишларига эга. Шунинг учун ушбу алоқадорлик актнинг турига қараб аниқланади. Шартномани амалга ошириш жой қонуни, шартномани ижро этиш жой қонуни каби турлари кўп учрайди.

**АКЦЕПТ** (лотин. *acceptus* — қабул қилинган) — 1) Етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун хўжалик субъектларининг ўзаро ҳисоб-китоб шаклларида бири. Унга кўра маҳсулот (иш, хизмат) ҳақини тўлаш учун тўловчи-

нинг тўловга розилиги олинishi талаб қилинади. Олдиндан ва кейинчалик акцептлаш турлари мавжуд. Олдиндан акцептлаш пайтида банк олдиндан тўловчининг розилигини олганидан кейингина унинг ҳисобидаги маблағ тўловини амалга оширади. Кейинчалик акцептлаш эса етказиб берилган маҳсулот (бажарилган иш, хизмат) учун тўловчининг олдиндан розилигисиз амалга оширилади. Бунда харидор муайян муддат давомида амалга ошириладиган тўловидан норозилигини, бу тўлов тузилган шартномага мувофиқ эмаслигини маълум қилиши мумкин. Ушбу ҳолда тўловчига хизмат кўрсатаётган банк тўланган суммани қайтариб олиши мумкин бўлади. 2) Тўловчи (трассат) томонидан кўчириладиган вексел (тратта) учун унда кўрсатилган муддатда пул тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши. 3) Таклиф этувчи (офферент) шартларига кўра шартнома (битим) тузишга розилик билдирилиши ҳам акцепт дейилади.

**АКЦЕПТАНТ** (лотин. *acceptans/acceptantis* — қабул қилувчи) — офертани қабул қилиш шартномаси асосида келиб чиқадиган мажбуриятларни олган шахс.

**АКЦЕПТЛАНГАН ВЕКСЕЛ** — тўловчи (трассат)нинг тўлашга розилиги ёзилган вексел бўлиб, унинг асосий трассат (қарздор) тўловига ҳужжат деб қабул қилади. Акцептланган векселнинг олд томонида тўловчининг имзоси билан “акцептланди”, “қабул қилинди”, “тўлайман” деган сўзлар ёзиб қўйилади. Акцептланган векселнинг берилишидан то тўлов муддати келгунга қадар амалга оширилиши мумкин. Бунда тўловчига ўйлаб хулоса қилиши учун 24 соат вақт берилади. Акцептант тўлов суммасининг барчасини тўлаши мажбур бўлмаган ҳолларда векселга унинг қабул қилинмаган суммаси доирасида протест қўйилиши, яъни имконият берилиши зарур. Агар трассат вексели акцептланмаса, вексел бўйича тўловни амалга оширмаган бўлса, у ҳолда вексел суммасини трассат (дастлабки кредитор) тўлайди ва трассатга (қарздорга) нисбатан тўловчи тўламаганлиги тўғрисида протест берилади. Бунда оддий векселлар учун акцепт талаб қилинмайди, чунки вексел берувчи ўзининг қарз мажбуриятини бериш билан бирга, тўлов берувчи ўзининг қарз мажбуриятини бериш билан бирга, тўлов мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади. Тижорий векселнинг жорий қилиниши сотувчиларга банклар таъсиридан халос бўлиш имконини беради.

**АКЦЕПТЛАШ** (ингл. *acceptance*) — қимматли қоғозларнинг жойлаштирилишини кафолатлаш, акция олди-сотдисида воситачи фирмалар томонидан амалга ошириладиган функциялардан бири. Компаниялар акция чиқарганда муайян фирмага сақлаш учун топширилади ва фирма ушбу акцияларни харидорлар

ўртасида тарқатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мабодо, акциялар сони жуда кўп бўлса, бу ҳолда воситачи фирма таваккал қилишга мажбур бўлади, чунки акциялар сотилмай қолиш хавфи юзага келади, лекин улар тўлиқ сотилгудек бўлса, у ҳолда воситачи фирма катта миқдорда даромад олиши мумкин.

**АКЦЕПТЛАШТИРИЛГАН ЧЕК** — таклифни қабул қилиш, мажбуриятни бажариш, харажатни тўлашни чек орқали кафолатлаш.

**АКЦЕПТЛАШТИРУВЧИ БАНК** — таклифни қабул қилиш, мажбуриятни бажариш, харажатни тўлаш учун розилик ёки бу розиликни тасдиқловчи банк.

**АКЦЕССОР ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР** — бошқа (бош, асосий) ҳуқуқий муносабатга қўшимча бўлиб, унинг мавжудлигисиз акцессор ҳуқуқий муносабат ўз маъно ва мазмунини йўқотишига олиб келувчи муносабатлар (масалан, гаров, неустойка, топшириқ шартномасидан келиб чиқадиган муносабатлар).

**АКЦЕССОР ШАРТНОМАСИ** (лотин. *accessorius* — қўшимча, тўлдирувчи) — бошқа (бош, асосий) шартномалар билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлган қўшимча шартнома.

**АКЦИЗ** — кундалик эҳтиёж товарларидан ташқари бошқа товар ва маҳсулотларга қўлланиладиган билвосита солиқларнинг бир тури. Акцизланадиган товарлар рўйхати молия йили бошланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси томонидан янгидан белгилаб берилади.

**АКЦИОНЕРЛИК СЕРТИФИКАТИ** — ўз эгаси жамият (компания) капиталининг бир қисмига эгалигини тасдиқловчи ҳужжат. Ташқи иқтисодий алоқаларда эса, товар сифати гувоҳномасидир.

**АКЦИЯ** (лотин. *actio*) — мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклда ифодаловчи, акциядорлик жамияти чиқарган қимматли, даромад келтирувчи қоғоз. У акциядорлик жамияти Уставида кўрсатилган фондга юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшгани тўғрисида гувоҳлик берувчи; акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи; акция эгасига дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи; акция эгасининг жамиятини бошқариш ишида қатнаша олишини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан ёки акциядор-



ларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига, башарти, бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса, сотилиши мумкин эмас. Акциялар ХҲ асрнинг бошларида, аввал Голландия ва Англияда, сўнгра бошқа Европа мамлакатларида, кейинроқ эса АҚШда муомалага чиқарилган. Ўтган вақт ичида акцияларнинг ғоят кенг ва ҳар хил турлари ва шакллари ўйлаб топилган. Ўзбекистонда ХХ аср 90-йилларидан бошлаб, акционерлик жамиятларининг эркин сотиладиган акциялари чиқарилиши бошланди. Ҳозирги кунда “акция” сўзи асосан қимматли қоғоз маъносида ишлатилади. Ижтимоий ва сиёсий “ҳаётда” акция сўзи баъзи ҳолларда ўта ижобий ёки салбий аҳамиятга эга бўлган воқеа ва тадбирни ҳам англатади. Масалан, ўтказилган хайрия тадбирлари ёки содир этилган террористик ҳаракатлар, шунингдек, турли кўринишдаги норозилик намоёнликлари ҳам “акция” деб юритилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида акция асосан қимматли қоғозларнинг алоҳида тури сифатида қўлланилади. Акция қимматли қоғоз сифатида акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилади. Ҳар бир акция ўзида номинал қийматни ифодалаб, ушбу қиймат мазкур акция қўйилган дастлабки капитални кўрсатади. Акциялар оддий ва имтиёзли турларга бўлинади. Оддий акциялар бўйича мазкур акция эгаси уни чиқарган акциядорлик жамиятининг олган даромадларига мувофиқ ўз акцияси қийматига мутаносиб даромад, яъни дивиденд фоизлари олади. Имтиёзли акциялар умумий акциялар сонининг маълум белгиланган қисмини ташкил этиб, ушбу турдаги акциялар бўйича акция эгасининг оладиган даромади, яъни дивиденд фоизлари олдиндан белгилаб қўйилади ва ушбу даромадлар акциядорлик жамиятлари томонидан ҳар қандай ҳолатларда ҳам кафолатлаб қўйилади. Оддий акциялар эркин муомалада бўлиб, улар ҳам кафолатлаб қўйилади, ҳар қандай шахслар томонидан фонд биржаларида ва махсус дўконларида сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акциялари муомаласи мазкур жамият доирасида чегаралаб қўйилади. Акциянинг эгаси “акциядор” деб юритилади.

**АКЦИЯДОР** — қонуний асосларда акциядорлик жамиятида ва ширкатларда акцияларга эгалик қилувчи, акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларини рўйхатга олиш дафтарига киритилган жисмоний ва юридик шахслар. Акциядорлар ўз эгалигидаги акцияларнинг сони ва қийматидан қатъи назар, тенг ҳуқуқларга эгадирлар, уларнинг бу ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Акциядорлар ва улар эгалигидаги акциялар тегишли акциядорлик жамияти (ширкатлари)нинг махсус реестрларида қайд этиладилар, ҳар

бир акциядор ўзидаги акциялар сонига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади. Акциядор, акциядорлик жамиятининг мажлисларида иштирок этиш, акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий аҳволи ҳақида ишончли ва аниқ маълумот олиш, белгиланган миқдорларда ва муддатларда акциялар учун дивиденд фоизларини олиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадир.

**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ** — акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик жамиятини бошқаришнинг олий органидир. Жамият ҳар йили акциядорларни умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини) ўтказди. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили якунланганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддаси биринчи қисми ўн биринчи хатбошисига мувофиқ бошқа ҳужжатлар мажбурий тартибда қараб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайди.

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** — хусусий мулкчилик кўринишидаги жамиятлардан бири бўлиб, турли корхона, ташкилот, банк, компания (юридик шахслар) ва айрим фуқаролар (жисмоний шахслар) пул маблағларини шерикчилик асосида ва фойда олиш мақсадида бирлаштирилган ҳўжалик жамияти. Акциядорлик жамияти Устав фонди жамиятнинг ўз акциядорларига нисбатан мабуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган ҳўжалик юритувчи субъектдир. Акциядорлик жамияти билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари билан тартибга солинади. Муомалага номинал қийматда кўрсатилган акциялар чиқариш ва уни сотиш акциядорлик жамиятининг молиявий негизини ташкил этади. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида маълум ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Акциядорлик жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий

номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб фаолият кўрсата олади. Жамият фаолиятини ўз Устави асосида амалга оширади. Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятида, жамият акциялари эркин сотилади ва сотиб олинади. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятида жамият акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тарқатилади. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди. Ёпиқ турдаги жамиятнинг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши лозим. Акциядорлик жамияти янгидан таъсис этиш ва мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш йўли билан тузилиши мумкин. Жамиятни таъсис йўли билан тузиш муассисларнинг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарорини шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади. Акциядорлик жамияти Уставида унинг устав фонди белгилаб қўйилади. Устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Очиқ акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдори 2003 йилнинг 1 февралидан бошлаб жамият рўйхатга олинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50000 АҚШ доллариغا эквивалент суммани ташкил қилади. Акциядорлик жамиятининг акциялари эгаси ёзилган ва ёзилмаган, имтиёзли ва оддий турлардаги акцияларга бўлинади. Акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида акциядорлик жамиятлари давлат мулкани ҳуқусийлаштириш, мулкдорлар синфини вужудга келтириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини, иш капиталига айлантириб, иқтисодиётга жалб этиш орқали аҳолининг даромадларини оширишда самарали усул бўлмоқда. Собиқ СССРда 1930-йилларга қадар савдо ва саноат соҳаларида давлат, аралаш, хусусий кооператив мулк шаклига асосланган 160 дан зиёд акциядорлик жамияти мавжуд бўлган. Ўзбекистон Республикасида биринчи марта Акциядорлик жамиятлари 1989 йилдан бошлаб ташкил этила бошлаган.

**АЛИБИ** (лотин. *alibi* — қаердадир, бошқа жойда) — шахснинг жиноятни содир этмаганлиги — айбдор эмаслигининг исботи, яъни жиноят содир этишда айбдор деб ҳисобланаётган шахснинг жиноят содир этилган пайтда бошқа ерда бўлганлиги сабабли унинг ўзи гумондор ҳисобланган қилмишни содир эта

олмаслиги. Алиби айбланувчи талон-торож, одам ўлдириш ва ҳоказо жиноятларда жисмоний иштирок этганлиги учун жинорий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган ишларда ҳимоянинг асосий исбот воситаси ҳисобланади. Алибининг аниқланганлиги (исботланганлиги) шахснинг жиноятни содир этганлиги тўғрисидаги айбловни бекор қилади.

**АЛИМЕНТ** — ота-онанинг вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига, болаларнинг ота-онасига, эр-хотиннинг, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг бир-бирига қонунга мувофиқ берадиган таъминоти. Алимент бериш шартлари, тартиби Оила кодексининг 96—147-моддаларида назарда тутилган. Ота-она вояга етмаган болага таъминот бериши шарт. Бу мажбуриятни ихтиёрий бажармаган ота-онадан суднинг ҳал қилув қарори асосида алимент ундирилади. Алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган. Ҳар бир бола учун ундирилдиган алимент миқдори ота ва онанинг ойлик иш ҳақи ва бошқа даромаднинг ҳар ойда бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Ота-оналарнинг алимент мажбуриятлари бола туғилишидан вужудга келади. Болаларнинг ота-онасидан моддий таъминот олиш ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади.

**АЛИМЕНТ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТИ** — ота-она вояга етмаган болаларига, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болалар нормал ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган маблағни топиш имкониятига, мустақил даромадга эга бўлмасликлари мумкин. Шунинг учун қонун вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз болаларга таъминот бериш мажбуриятини ота-оналар зиммасига юклайди. Ота-оналарнинг алимент мажбурияти бола туғилишидан бошлаб вужудга келади. Таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота-онадан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади. Болаларга таъминот беришда ота ва она мажбуриятлари тенг ва алимент тўлаш тартиби ва миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган. Қонун билан, шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти юклатилади. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ўз ота-онасига таъминот беришга ҳамда улар тўғрисида гамхўрлик қилишга мажбурдир. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида гамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди. Вояга етмаган, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаё-

қатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот бериш мажбурияти келиб чиқиши учун уларнинг вояга етмаганлиги, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз (I ва II гуруҳ ногирони) бўлиб қолиши ва ҳақиқатда ёрдамга муҳтожлиги асос бўлади. Ота-оналарга таъминот бериш мажбуриятининг келиб чиқиши учун, ота-оналар (меҳнатга лаёқатсиз) I ва II гуруҳ ногирони, 55 ёшга тўлган аёллар ва 60 ёшга кирган эркаклар ва ёрдамга муҳтож бўлишлари шарт. Ота-оналарга бериладиган алимент миқдори, уни тўлаш тартиби, ўзгартириш, тугатиш, озод қилиш ва бошқалар қонун ҳужжатларида белгиланган. Шунингдек, қонунда қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент хусусидаги мажбуриятлари, эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент борасидаги мажбуриятлари ҳам белгиланган.

**АЛИМЕНТ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ** — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасига кўра моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағларни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, дейилган. Демак, суднинг ҳал қилув қарори бўла туриб моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганларни ёки меҳнатга лаёқатсиз болаларни нормал ҳаёт кечирishi учун лозим бўлган нафақани тўлашдан бўйин товлаган шахс жиноят ҳуқуқи нормаси билан жавобгарликка тортилади. Бу жиноят давлатимиз, жамиятимизнинг келажаги ҳисобланмиш болаларнинг соғлиғи ва ҳеч нимага муҳтож бўлмаслигига хавф солганлиги учун ҳам оғир жиноятлардан ҳисобланади. Жиноятнинг объекти вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг соғлом ва нормал ўсишидир. Обьектив томони болаларни моддий таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни тўламаслик мақсадида иш жойи, турар жойи ва оладиган ойлик маоши миқдорини яшириш каби ҳаракатларда ифодаланади. Ушбу жиноят учун тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномада фарзанднинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахслар, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда оталиги аниқланган шахслар жавобгарликка тортиладилар. Бундан ташқари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, болалари давлатнинг болалар муассасаларига жойлаштирилган, болаларини таъминлаш учун тўловлардан озод қилинмаган ота-оналар ҳам нафақа тўлашдан бўйин товлаган тақдирда Жиноят кодекси 122-моддаси билан жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жино-

яг кодексига биноан ушбу жиноятни содир этганлар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланадилар.

**АЛКОГОЛИЗМ** — салбий ижтимоий ҳодиса, алкоғолли спиртли ичимликларни жуда кўп ва доимий истеъмол қилиш оқибатлари алкоғолизм натижасида жиноят содир этилишига олиб келади.

**АЛЛОНИЯ** — векселга қўшиб қўйилган қўшимча варақ бўлиб, унга вексел бўйича ҳуқуқларни ўтказиш ҳақидаги ёзувлар киритилади (агарда векселнинг орқа бетига бу ёзувлар сифтаси). Биринчи ўтказма ёзув векселда бошланиб, қўшимча варақа тугаши шарти алланжга авални ҳам ифодалаш мумкин.

**АЛОҲИДА МУҲОҒАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУД** — экология ҳуқуқида кенг қўлланувчи атама, ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар)нинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмларидир. Алоҳида муҳоғаза этиладиган табиий ҳудудларга, қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат қўриқхоналари (шу жумладан, биосфера қўриқхоналари), давлат миллий боғлари, давлат табиий ёдгорликлари, давлат буюртма қўриқхоналари мақоми берилади.

**АЛЬКАБАЛА** (араб. “*ал-қабала*” — мажбуран олмоқ) — Испанияда савдо битимларидан олинadиган солиқ (милодий I—II асрлар — 1840-йиллар).

**АЛЬКОЛЬД** (испан. *alcalde*) — Испания ва Лотин Америкасининг қатор давлатларида муниципал кенгаш раиси; шаҳар судьяси.

**АЛЬПАРИ** — биржадаги қимматли қоғозлар курсининг ёхуд валюта бозоридаги курснинг номиналига (паритети) мувофиқ келиши.

**АЛЬТИНГ** — Исландияда икки палатали парламентнинг номи.

**АМАЛДА НИКОҲСИЗ ЯШАШ (Сохта никоҳ)** — никоҳга кириш учун қонун муайян шартларни белгилайди. Агар қонунда белгиланган шартлар бузилган ҳолда никоҳ тузилган бўлса, унинг суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилишига олиб кела-

ди. Амалда муайян шахслар ўртасида оила қуриш истаги бўлмасдан, маълум ўзаро манфаатли мақсадларни кўзлаган ҳолда никоҳни қайд эттирган бўлсалар, бу никоҳ сохта никоҳ ҳисобланади. Бу ҳолат эса никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиниши учун асос бўлиши мумкин. Сохта никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишини прокурор талаб қилишга ҳақли, эр-хотин оила қуриш мақсадида никоҳга кирган ҳолларда эса, бундай талаб хотин (эр) томонидан ҳам бўлиши мумкин. Никоҳнинг қонуний эмас деб топилиши эр-хотин учун қонунда белгиланган шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларни келтириб чиқаради.

**АМИР** (араб. “амир” — айнан ҳукмдор) — Шарқ мусулмон мамлакатларида ҳокимиятдаги ҳукмдор лавозими. Мусулмонлик қабул қилинганига қадар амир деб, қўшин бошлиқлари, кейинчалик диний ва илоҳий ҳокимиятни амалга оширувчилар (Бухоро амири, Афғонистон амири) тушунилган. Ҳозирги вақтда амир лавозими араб монархлари ўғиллариға ўтиб келмоқда (масалан, Саудия Арабистонида). Амир деб, шунингдек, ҳажга борувчиларнинг кузатувчилари ҳам назарда тутилган.

**АМИРЛИК** — Шарқ мусулмон мамлакатларида амир (ҳокимияти томонидан) ҳукмронлигида бошқариладиган давлат.

**АМНИСТИЯ** (грек. *amnestia* — унутиш, эсдан чиқариш; кечирим, афв; гуноҳини кечирिश) — жиноят содир этган шахснинг амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши. Амнистия акти чиқариш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига киради. Амнистия акти орқали жазодан, жазонинг ўтамай қолган қисмидан, шунингдек, қўшимча жазолардан ҳам озод қилиш мумкин. Шунингдек, амнистия акти орқали суд ҳукми билан тайинланган жазо муддати қисқартирилиши ёки жазонинг қолган қисми қисқартирилиши ёхуд судланганлиги олиб ташланиши ҳам мумкин. Амнистия акти кенг даражадаги шахсларга нисбатан чиқарилиб, амнистия қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг исми шарифи кўрсатилмай, амнистия актининг ўзида унинг қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилади. Амнистия акти орқали озод қилиш шу акт чиққан кунгача жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Агар давомли ёки узоққа чўзилган жиноятни содир этган шахс амнистия акти чиққан кунгача жиноий фаолиятини тўхтатса ёки ўз ихтиёри билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келса, унга нисбатан ҳам амнистия акти қўлланилиши мумкин. Республикамизда амнистия акти тўғрисида қонун қабул қилинмаган, чунки бундай қонун қабул қилиниши амалий

аҳамият касб этмайди. Ҳар сафар амнистия акти чиққанида, унинг ўзида амнистия қилиниши лозим бўлган шахсларнинг тоифаси ва амнистия тартиби кўрсатилади.

**АМОРАЛЛИК (Ахлоқсизлик)** — жамиятда мавжуд бўлган ахлоқ қоидаларини рад этиш, уларга нигилистик муносабатда бўлиш, шахснинг маънавий парчаланиши, аморалликнинг ашаддий шакли цинизм — бутун маданият, жамият, унинг маънавий кадриятларига нафрат билан қараш, жамиятдаги идеалларни хўрлашдир.

**АНАРХИЗМ** (грек. *anorhia* — бебошлик, ҳокимиятсизлик, ўзбошимчалик, бошбошдоқлик, тартибсизлик) — ҳар қандай давлат ҳокимиятининг зарурлигини рад этувчи майда ижтимоий-сиёсий оқим сифатида XIX асрнинг ўрталарида вужудга келди. Бинобарин, айрим кишилар ёки гуруҳларнинг ўз раҳбариятига бўйсунмаслиги ва бунинг оқибатида содир бўладиган тартибсизликдир. Ўзларини гўёки шахс эркинлиги ва ҳуқуқи йўлида бошбошдоқлик тарафдорлари қилиб кўрсатадиган анархистларнинг фикрича, жамиятдаги қусурлар ва ижтимоий адолатсизликларнинг бош айбдори давлат эмиш. Улар орасида меҳнаткашларнинг уюшқоқлик билан олиб борадиган сиёсий курашини ҳам, партияларнинг раҳбарлик ролини ҳам инкор этувчи индивидуал террорга асосланган оқими ҳам мавжуд. Анархизм асосчиларидан бири инглиз **Уильям Годвин** (1756—1836) ўзининг “Сиёсий адолат ҳақида илмий иш” асарида буржуа ижтимоий-сиёсий тузумини танқид қилиб, кишилик жамиятида тенгсизлик ва адолатсизликнинг асоси давлат, давлат ҳокимияти деган фикрни майдонга ташлайди. Францияда майда буржуа маърифатчиси **Ж.Прудон** “Мулк нима?” деган асарида ўзини анархист деб эълон қилган. XIX асрнинг 60-йилларида ўз мавқеини йўқотган прудонизм ўрнига “озод ишлаб чиқариш ассоциацияси”, яъни бакунизм майдонга чиқди. Рус анархисти М.А. Бакуниннинг фикрича, давлат ҳоким синф фойдасига халқ меҳнатини эксплуатация қилишни жорий этадиган ва бир тизимга туширадиган нарсадир. Давлат кишининг киши томонидан эзишни вужудга келтиради. Шунинг учун у ҳар қандай давлатни йўқ қилиш шиорини олға суради. Давлат билан бир қаторда “юридик ҳуқуқ” ҳам барҳам топиши, “улар ўрнига” озод ишлаб чиқариш ассоциацияси — “федерацияси”ни яратиш керак дейди. Анархизмнинг яна бир вакили М.Штирнер бўлган. Италия, Испания, Лотин Америкаси мамлакатларида анархистларнинг маълум даражада таъсири сақланиб қолган. XIX аср охири ва XX аср бошларида анархизм негизида анархосиндикализм оқими вужудга келди.



**АНГАРИЯ** (грек. *angareia*) — халқаро ҳуқуқда нейтрал давлатга тегишли кема ва бошқа транспорт воситаларини (темир йўл транспорти ҳам) урушаётган давлатнинг бири территориясида ҳарбий мақсадларда жойлаштирилган бўлиб, унинг томонидан ишлатилиши. Ангарияга фақат зарур пайтда ва компенсация тўлаш шарти билан рухсат этилади. Ангарияга бундай чеклашлар уруш қонунлари ва одатлари тўғрисидаги 1907 йилги Гаага конвенциясида белгиланган.

**АНДЕРРАЙТИНГ** — қимматли қоғозларнинг бозорда дастлабки жойлаштирилиши.

**АНДРОГОНИЯ** — бир индивидда аёллик ва эркаклик хусусиятларнинг мавжудлиги, турли вазиятларда аёллик ёки эркаклик хусусиятларини (сифатларини) кўрсата олиш қобилияти; хунасалик.

**АНКЕТА** — респондент томонидан мустақил тўлдирилиши лозим бўлган саволлар рўйхати: 1) почтага тааллуқли, 2) тарқатиладиган, 3) экспресс (тез тўлдириладиган), 4) сўров варағи (ҳажми катта бўлмаган анкета, яъни қоғозда кўра бир қоғозда 10 дан ортиқ саволларнинг бўлмаслиги).

**АНКЕТА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЙИҒИШ** — сўровчи ва жавоб берувчининг ўзаро муносиб ҳаракатларига асосланган сўров тури. Бунда жавоб берувчи саволлар рўйхати (анкета) мавжуд бўлган бланкани мустақил равишда тўлдиради.

**АННЕКСИЯ** (лотин. *annexio* — бирлаштириш, қўшиб олиш) — бир давлат ҳудудини (ёки унинг бир қисмини) бошқа давлат томонидан зўравонлик билан эгаллаб олиш ёки ўз давлатига қўшиб олиш сиёсати, агрессия кўринишларидан бири. Халқ ёки қавмларни ўзга давлат чегараларида зўрлик ишлатиб ушлаб туриш. Халқаро ҳуқуқ нормалари, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, халқаро тинч-тотув яшаш тамойилларини қўпол равишда бузиш, қўшиб олинаётган ҳудуд аҳолисининг манфаат ва иродасини поймол қилишни тақиқлайди. Аннексия сиёсати баъзан яширин ҳолда ҳам олиб борилади.

**АНОМАЛИЯ** — шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг қадриятлари ва меъёрий тизимдаги бузилишлари, ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларнинг самарасизлиги. Девиант (нотўғри) хулқ — билишнинг мақсадига қонуний йўл билан эришиб бўлмаслиги сабабли вужудга келган ҳолат. Анимик шахс ижтимоий жавобгарликни ҳис қилмаслиги, экстремизми билан ажралаб туради.

**АНОНИМ** (грек. *anonimos* — исми йўқ, исмсиз, номсиз, номланмаган) — 1) хат ёки ёзишмада ўз номини яширган муаллиф; 2) муаллиф номи кўрсатилмаган ёзишма.

**АНТАРКТИДА** — халқаро ҳудуд, Ер шари жанубий кенглигининг 60-параллелидан жанубида жойлашган минтақа. Антарктиданинг ҳуқуқий ҳолати 19 давлат иштирокида 1959 йил 1 декабрда қабул қилинган Вашингтон шартномасида белгилаб қўйилган. Антарктида қитъасида жойлашган ороллар ва денгиз кенгликлари ҳуқуқий ҳолатининг асосий хусусияти шундан иборатки, улардан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш мумкин. Антарктида ҳудудида ҳарбий базалар ва истеҳкомлар барпо этиш, ҳарбий машқлар, шунингдек, қуролнинг ҳар қандай турини синаб кўришни ўтказиш каби ҳарбий характердаги ҳар қандай тадбирларни амалга ошириш тақиқланади.

**АНТРОПОЛИТРИЯ** — инсон танаси, унинг қисмларини ўрганиш усули бўлиб, шахс жисмоний тузилишининг ўзига хослигини ўрганиш учун уларни аниқ улашдан иборат. XIX аср охири — XX аср бошларида жиноятчиларни таниш учун улар танасининг ўлчовлари йиғиндисига асосланган антропометрик рўйхатга олиш системаси қўлланган.

**АНЪАНА ВА УДУМЛАР** — тарихда, келажак даврда ўз мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи халқ ҳаёт тарзининг ажралмас қисми. Анъана узоқ муддат давомида узлуксиз тарихий даврларда авлодлар маънавий ва ахборотлар билан боғланишининг мазмунини белгиловчи ижтимоий мероснинг муайян тури бўлиб келди. Маданий анъаналар — узоқ муддат давом этган тарихий даврлар жараёнида турли инсон жамоаларида тўпланиб тасвирланган ижтимоий ташкил топилган стереотипларда ифодаланган гуруҳлар тажрибаларидир. Жаҳон халқлари тарихида анъаналарга танловчи, мустаҳкамловчи ва йўллантирувчи аҳамият берилади. Бундай вазифаларни биоэволюцияда табиий танлаш бажаради. Удум — миллий ҳаёт тарзини белгиловчи ахлоқнинг ижтимоий кўриниши. Миллий удум — халқнинг мустақил руҳини ифодаси бўлмиш анъанавий маданият ва миллий дунёқарашнинг экологиясини шакллантирувчи маросимлар тизимидир, меъёрий қоидаларидир. Жаҳон халқлари тарихида миллий маданиятлари, турли-туманлиги, ҳаёт тарзи, тарихий мерос сақлаб қолиниши, маънавий ҳаётнинг ўзига хослиги, табиатга бўлган муносабатларда, ижтимоий муҳитда, халқни тарихида миллий дунёқарашни шакллантирилишида ижтимоий омилдир.

**АПАРТЕИД** (африкаанс тилида: *apartheid* — бўлиниб яшаш) — инсониятга қарши, унинг ирқий камситилишини назарда тутувчи халқаро жиноят, кишиларни ирқларга ажратиш усули. Жанубий Африка миллий-ирқий назариясининг XX асрнинг 90-йиллари бошларигача кенг тарқалган сиёсати. Апартеид маҳаллий халқларни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этишдан тортиб, уларни ҳудудий яккалаб қўйишгача жорий қилинадиган ғайриинсоний тартибдир. Айрим ҳолларда апартеид туфайли аҳоли гуруҳлари ирқий, миллий ва диний баҳоналар билан қирғинбарот қилинган. Апартеид “Таврот”даги ирқчиликка оид қоидаларга, яъни ҳар ирқ учун алоҳида турмуш шароити ва тараққиёти йўли мавжуд деган ақидага таянади. Ирқчилик назариясига кўра, ирқларнинг бир-бири билан чатишиши “олий ирқ” учун ҳалокатли эмиш. Халқаро ҳуқуқда апартеид инсониятга қарши қаратилган оғир жиноят деб баҳоланади. БМТ Бош Ассамблеяси қарорларида апартеид инсониятга қарши қаратилган жиноят деб баҳоланган. 1973 йилда БМТ апартеид жиноятларининг пайини қирқиш ва бундай жиноятлар учун жазо қўллаш тўғрисида Халқаро Конвенция қабул қилди.

**АПАТРИД** — *Қаранг:* “Фуқаролиги бўлмаган шахслар”.

**АПОСТИЛЬ** — ҳужжатларнинг олий даражада гувоҳлантирилиши, 1961 йилги Гаага конвенциясига имзо чеккан барча давлатларнинг расмий ҳужжатларига қўйилади.

**АППЕЛИТ** — суд жараёнида апелляция шикоятини берувчи тараф.

**АППЕЛЯНТ** — суд жараёнида апелляция шикояти билан мурожаат қилувчи тараф.

**АППЕЛЯЦИЯ** (лотин. *appellatio* — мурожаат) — қатор давлатларда (жиноят ва фуқаролик ишлари устидан) шикоят қилиш шакллари билан бири; бунда тарафларнинг келтирилган шикоятлари бўйича иккинчи инстанция судида иш мазмунан кўриб чиқилади. Ушбу атама икки хил маънога эга: 1) юқори турувчи (апелляция) судига ишни кўриб чиққан дастлабки инстанция қарори устидан ишни қайта кўриб чиқиш мақсадида шикоят келтириш; 2) юқори турувчи судга қонунга зид, камчиликлардан холи бўлмаган биринчи инстанция судлари қарорини тузатиш бўйича, иш изчил баён қилинган сўровномани бериш. Апелляция суди, асосан гувоҳларни қайта сўроқ қилмасдан, тайёр иш материаллари бўйича қарор қабул қилади.

**АПЕЛЛЯЦИЯ СУДИ** — қатор давлатларда қонуний кучга кирмаган қарор ва ҳукмларнинг суд органида қайта кўриб чиқиши. Апелляция суди келтирилган далилларни қайта кўриб чиқиб, уларни тасдиқлаш ёхуд иш бўйича янги қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

**АППОСТИЛЛАШТИРИШ** — 1961 йилги Гаага конвенциясига имзо чеккан давлатлар томонидан ҳужжатларни тасдиқлашнинг энг юқори даражаси. Аппостиллаштиришнинг ҳақиқийлиги конвенция аъзоси бўлган мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлигида текшириб кўрилиши мумкин.

**АРАЛАШ БАНКЛАР** — 1) чет эл капитали иштирокидаги банклар, 2) давлат ва хусусий капиталлар иштирокида тузилдиган ярим давлат банклари.

**АРАЛАШ ШАКЛДАГИ РЕСПУБЛИКА (Яримпрезидентлик республикаси)** — мамлакат давлат бошқарув шаклларида бири (*Қаранг:* “Республика”); бунда президентлик республикасига хос хусусиятлар парламентар республика билан аралашиб кетади. Президент (давлат бошлиғи) умумовоз бериш йўли билан сайланади ва катта юридик ваколатлар билан таъминланади. Лекин бунда ҳукумат парламент йўли билан ташкил этилади ва сиёсий томондан фақат президент олдида эмас, балки парламент олдида ҳам жавобгар бўлади. Президент, премьер-министр бошқарувчи ҳукуматга умумий раҳбарликни амалга оширади. Президент маълум бир ҳолатларда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга (одатда, агар ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдирилса). Аралаш шаклдаги республикага ижро ҳокимиятининг дуализми хос. Аралаш шаклдаги республиканинг классик намунаси 1958 йил Конституцияси асосида фаолият олиб бораётган Франциядир. Шунингдек, конституциявий ҳуқуқ улар жумласига Португалия, Финляндия, Ирландияни ҳам киритган. Аралаш шаклдаги республика, шунингдек, “постсоциалистик” давлатларда ҳам кенг тарқалган (Польша, Руминия, Болгария, Украина, Литва, Молдова ва ҳоказо). Россия Федерациясида ҳам аралаш шаклдаги республиканинг формал-юридик аломатлари мавжуд.

**АРБИТРАЖ** — *Қаранг:* “Хўжалик суди”.

**АРБИТРАЖ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ** — ҳуқуқнинг бир соҳаси, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларда вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этади (*Яна қаранг:* “Хўжалик процессуал ҳуқуқи”).

**АРЕНДА** (польяк: *arenda*, ўрта аср латин. *arrendare* — ижарага бермоқ) — Қаранг: “Ижара”.

**АРЕОПАГ** (грек. *Areios pagos*; айнан — Арес тепалиги) — 1) Қадимги Афинадаги ҳокимият органи Кенгаш Акропол ёнидаги Арес тепалигида ўтказилган ва шу жойнинг номи билан номланган. Уруғчилик жамиятида оқсоқоллар кенгаши сифатида вужудга келган. Ареопаг томонидан сайлаб қўйиладиган номзод, аввалги архонтлар бўлган (VIII асрдан ҳозиргача) умрбод аъзолардан иборат бўлган. Ареопаг катта сиёсий, суд назорат ва диний ваколатларга эга бўлган. 2) Грецияда Олий суднинг номланиши.

**АРИЗА** — ҳуқуқий амалиётда кенг қўлланиладиган шахсий мурожаат ҳужжатини англатувчи тушунча. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини руёбга чиқариш тўғрисидаги илтимоси баёнидир. Ариза фақат ёзма шаклда тузилади. Аризалар амалиётда қўлланиши, аҳамияти ва мақсадлари бўйича оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга ошириш юзасидан турли ташкилот ва муассасалар раҳбарияти номига оддий турдаги аризалар билан мурожаат қиладилар, масалан: ишга қириш, меҳнат таътиллари бериш, моддий ёрдам сўраш ва ҳоказо ҳақидаги аризалар. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда фуқаролар томонидан бериладиган аризаларнинг махсус шакллар ва намуналари кўрсатилиши мумкин. Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мураккаб турга кирувчи даъво аризалари билан судларга мурожаат қиладилар. Судларга фуқаролар ва юридик шахслар томонидан даъво характерида бўлмаган, маълум ҳуқуқларни ва юридик фактларни аниқлашга қаратилган ариза билан мурожаат қилиниши мумкин. Судларга тақдим этиладиган аризаларнинг тузилиши ва уларда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида талаблар қўйилади. Умумий қоида тариқасида ҳар қандай аризада, ариза берилаётган ташкилот номи аризачи ҳақида маълумот, ариза берувчининг имзоси, ариза берилган вақт ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши белгиланган. Ариза бериш тартиби, аризани кўриб чиқиш, ариза бўйича қабул қилинган қарор бўйича шикоят бериш тартиби 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган.

**АРТЕЛЬ** — МДХ давлатларида ишлаб чиқариш кооперативлари.

**АРХИВ** (лотин. *archivum*, грек. *archeion* — мавжуд ўрин) — 1) бирон-бир шахс ва ташкилот фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлар, расмлар, қўлёзмалар тўплами; 2) ташкилот ва фирма ҳужжатлари сақланадиган жой; 3) ҳужжатлар сақланадиган муассаса.

**АРХОНТ** (грек. *archon*) — Қадимги Греция давлатида юқори мансабни эгаллаб турган шахс. Афинада милoddан аввалги VIII аср ўрталарига қадар архонт 9 кишидан иборат бўлган. Милoddан аввалги V асрда архонт ўз аҳамиятини йўқотган.

**АСОРАТГА СОЛУВЧИ ШАРТНОМА** — амалиётда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида учраб турувчи шартнома; бунда шартномадаги (асоратга солувчи шартномадаги) мажбуриятларнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигидан тарафларнинг бири манфаатдор бўлади ва бундай мажбуриятларни бажариб бўлмаслигини била туриб шартномага киритилади. Манфаатдор тараф шартномадаги шартларнинг бажарилмаганлиги учун белгиланган айбоналар тўлашни талаб қилади. Одатда, бундай шартномалардаги шартлар умуман бажарилмайди ва бунинг учун айбона тўловчи тараф шартномани белгиланган муддатдан олдин амалдан тўхтата олмайди. Фақат суд орқали асоратга солувчи шартномадан қутулиши мумкин.

**АСОСИЙ АШЁЛАР** — фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (мансуб ашё)га боғлиқ мустақил ашёлар асосий ашё ҳисобланади. Асосий ашёларга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боғлиқ ашё мансуб ашё ҳисобланади. Мансуб ашё, агар қонунлар ва шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади.

**АСОСИЙ ВА МАНСУБ АШЁ** — фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (мансуб ашё)га боғлиқ мустақил ашё асосий ашё ҳисобланади. Асосий ашёга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боғлиқ ашё мансуб ашё ҳисобланади. Мансуб ашё, агар қонунлар ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади. Бинобарин, асосий ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи кимга тегишли бўлса, мансуб ашёга нисбатан ҳам мулк ҳуқуқи ўша шахсга тегишли бўлади (масалан, қулф ва калит, скрипка ва унинг филофи ва ҳоказо).

**АСОСИЙ ЖАЗОЛАР** — жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган асосий жазо дейи-

лади. Улар қуйидагилардан иборат: 1) **жарима** — айбдордан суд ҳукмига кўра давлат ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган миқдорда пул ундириш. Жазо энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади. Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қamoқ тариқасида жазо билан алмаштиради; 2) **муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** — суд тайинланган муддат давомида айбдорнинг корхона, муассаса ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини, ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлаш. Тақиқланган мансаб ёки фаолият тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади; 3) **ахлоқ тузатиш ишлари** — шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни мажбуран меҳнатга жалб қилиш. Маълум ҳуқуқлардан маҳрум қилиш — айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганида — бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тариқасида қўлланилганида — бир йилдан уч йилгача қўлланилади; 4) **хизмат бўйича чеклаш** — офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапоршик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир. Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади; 5) **қamoқ** — шахсни одамлардан батамом ажратган ҳолда сақлаш. У бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади; 6) **интизомий қисмга жўнатиш** — муддатли ҳарбий хизматчиларни суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади; 7) **озодликдан маҳрум қилиш** — маҳкум жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш. Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади. Озодликдан маҳрум қилиш Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни кўшиш тартибида тайинланади, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин; 8) **ўлим жазоси** (отиб ўлдириш жазоси фақат) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модда, 2-қисм), агрессия (151-модда, 2-қисм), геноцид (153-модда),

терроризм (155-модда, 3-қисм) учун белгиланадиган жазо тури. Ўлим жазоси аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Ўлим жазоси афв тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин.

**АСОСИЙ ҚОНУН (Конституция)** — ҳуқуқий идоралар фаолияти тартиби ва ҳуқуқий мақомини, уларнинг бир-бири билан бўлган муносабатлари тартибини, давлат ижтимоий тузумининг ҳуқуқий мақомини, шахснинг ҳуқуқий мақомини ва, энг аввало, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи норматив ҳужжат. Конституцияларнинг ёзилган, ҳужжат сифатида шаклланган ёки ёзилмаган бир қанча ҳужжатлардан ташкил топган ва урф-одат ва анъаналарга асосланган шакллари мавжуд. Хусусан, қабул қилиниш механизмига кўра конституциялар қатъий ва осонликча ўзгартириладиганларга бўлинади (*Яна қаранг:* “Конституция”).

**АССОЦИАЦИЯ** — *Қаранг:* “Юридик шахслар бирлашмаси” (“Ассоциация ва иттифоқлар”).

**АСЪЕНДА** (испан. *hacinda*) — Лотин Америкаси мамлакатларидаги йирик ҳудудларнинг номланиши; Аргентина ва Чилидаги “эстансия”, Бразилиядаги “фазенда”га мувофиқ келади.

**АСЪЕНТО** (испан. *asiento* — келишув) — шартнома бўйича Испанияда XVI—XVIII асрлар Америка давлатига негр қулларни киритишга монопол ҳуқуқ берилган (1701 йилдан бу ҳуқуқ Францияга, 1713—1750 йилларда Буюк Британияга тегишли бўлган).

**АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** — инсон саломатлиги ва инсон ривожланишининг нормал фаолияти нуқтаи назаридан зарур бўлган доирада табиат элементлари айланishi физик, кимёвий, биологик ўлчовларини таъминлашга қаратилган халқаро, ҳукумат, минтақавий, маъмурий-ҳўжалик сиёсати ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи (*Яна қаранг:* “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Табиатнинг ҳуқуқий муҳофазаси”).

**АТТАШЕ** — дипломатиядаги энг кичик лавозимлардан бири. Қатор мамлакатларда энг кичик ранглардан бири. Атташени ҳарбий ва махсус (масалан, пресс-атташе) мансаблар билан чалкаштирмаслик лозим, чунки кейингилари атташе мансабидан анча юқори.



**АТТЕСТАЦИЯ** (лотин. *attestatio* — гувоҳнома) — ходим, талаба ёки ишчи ва хизматчи малакасини, билим даражасини аниқлаш, кўпгина муассасаларда ходимга навбатдаги унвон ва даражаларни беришнинг асосий шакли; бирон-бир шахснинг қобилияти, билими, хулқи, иш бўйича ва бошқа сифатлари ҳақида тавсифнома.

**АТТОРНЕЙ** (ингл. *Attorney* — гувоҳнома) — инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда мавжуд: 1) маълум бир компания ёки шахсга юридик хизмат кўрсатувчи ишончли вакил; 2) ҳимоя ёки айблов вазифасини бажарувчи мансабдор шахс.

**АУДИТ (Аудитор текшируви)** (ингл. *audit*) — ташкилотлардаги молиявий фаолиятни, аниқроғи, молиявий ҳисоботларни молиявий назорат қилиш шакли; мижоз ихтиёрига биноан амалга оширилади.

**АУДИТОР** — 1) компания молиявий хўжалик фаолияти ҳолатини (аудитни) текширувчи, шунингдек, компания раҳбари билан келишилган (имзоланган) контракт асосида унга маслаҳат хизматини кўрсатувчи шахс. Аудитор маҳсус мутахассисликка ёки давлат лицензиясига эга бўлиши керак.

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ** — хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини ваколати шахслар (аудиторлар, аудиторлик фирмалари) томонидан мустақил экспертиза ва таҳлил қилиш. Ундан кўзланган асосий мақсад молиявий ҳисоботларни ишонарлиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлигини аниқлаш ҳисобланади. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаб қилинади. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартиби ва асослари, аудиторлик фаолиятини амалга оширишни тақиқлаш ҳоллари “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун (2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган)да белгилаб қўйилган.

**АУКЦИОН** (лотин. *auctio* — савдога қўйиш) — ким ошди савдоси.

**АУТЕНТИК** — айнан, манбага мувофиқ.

**АУТИЗМ** — шахснинг жамиятдан бегоналашуви, унинг ижтимоий шартномалардан воз кечуви, индивиднинг воқеаларга фақат ўз нуқтаи назаридан баҳо бериши.

**АУТОДАФЕ** (португ. *Ayto-de-fe* — айнан ишонч хати) — Португалияда ва Испанияда қабул қилинган инквизиция ҳук-

мининг тантанали равишда эълон қилиниши ва ижро этилиши. Аутодафе биринчи марта XIII асрда қўлланилган, охириги марта 1826 йил Валенсияда ижро этилган.

**АФВ ЭТИШ** (рус. *помилование*) — суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган шахс (маҳкум)нинг илтимосномасига биноан унинг гуноҳидан кечиб. Ўзбекистонда афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 17 июлдаги Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тўғрисида”ги Устав қабул қилинди. Уставнинг 1-моддасига кўра, афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳарбий трибуналлари томонидан ҳукм қилинган шахслар — маҳкумларга нисбатан уларнинг ўзлари томонидан афв сўраб қилинган илтимосномасига биноан ҳал қилинади. Маҳкумларни афв этиш: ўлим жазосини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш; асосий ёки қўшимча жазодан бутунлай ёки қисман озод қилиш; жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш; судланганликни олиб ташлаш кўри-нишларида бўлиши мумкин. Фақат ҳукм қонуний кучга кирган кундан кейингина афв сўраб мурожаат қилиниши мумкин. Афв этиш масаласи кўрилаётганида содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, маҳкумнинг шахси, унинг хулқи, меҳнатга муносабати, жазони ўташ жойларидаги ташаббускор ташкилотлар фаолиятида иштироки, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, етказган зарарини ўз ихтиёри билан қоплаганлиги ва ҳоказолар эътиборга олинади. Ҳар қандай турдаги жиноий жазога ҳукм қилинган шахс афв сўраб мурожаат қилиши мумкин. Аммо, ўта хавfli рецидивистлар, муқаддам шартли равишда жазодан озод қилинган ёки жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо тури билан алмаштирилган шахслар, уларнинг судланганлик муддати ўтмасдан ёки судланганлиги олиб ташланмасдан қасддан жиноят содир этганлар, жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига кирмаганлар, ўта оғир жиноят содир этган шахслар фақат алоҳида ҳоллардагина афв этилиши мумкин. Афв сўраб мурожаат қилинган ҳужжатларни дастлабки кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти қошида Комиссия тузилади. Бу Комиссия таркибига депутатлар, меҳнат ёки жамоат уюшмаларининг раҳбарлари, Адлия вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари, Республика касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари, маъмурий-ҳуқуқий масалалар ва мукофотлаш, фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича маслаҳатчилар кириши мумкин. Комиссия ишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Олий суди раиси ва Ички ишлар вазири, улар иштирок этолмаган тақдирда, ўринбосарлари қатнашадилар. Ўзбекистон Республи-

касида афв этишни амалга ошириш тўғрисидаги Уставнинг 7-моддасига биноан ўлим жазосига ҳукм қонуний кучга кирган кунидан бошлаб, етти кун ичида афв сўраб мурожаат қилишлари мумкин, ўлимга ҳукм қилинган шахс афв сўраб мурожаат қилган кунидан бошлаб, афв сўраш ҳақидаги ҳужжатлар уч кун ичида Президент девонига юборилиши лозим. Афв сўраш ёки афв сўрашни рад этиш тўғрисидаги ҳужжатлар кўрилгунича ҳукмнинг ижроси тўхтатиб турилади. Маҳкумнинг афв сўраб қилинган илтимосномасига рад жавоб берилган бўлса, оғир ва ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинган кунидан бошлаб бир йил ўтганидан кейин, бошқа жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилинганлар эса олти ойдан кейин яна афв сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Маҳкум афв этилса, фармон чиқарилади ва ижро этиш учун юборилади. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахс афв этилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилса, афв этиш тўғрисидаги Фармоннинг нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Прокуратурасига юборилади.

**АФФЕКТ** — онгнинг вақтинчалик неопатологик бузилиши, ўта кучли ҳис-туйғу таъсири остида унинг “торайиши”, бу ҳол фаол интенсив ҳаракатлар ва эндокрин системасидаги функционал ўзгаришларда намоён бўлади. Аффект қийин ҳолатларда субъектнинг мураккаб, кескин вазиятдан чиқиш йўлини топаолмаган паллада вужудга келади. Аффекоген ҳолат индивиднинг бутун руҳий фаолиятида ҳукмрон бўлади, у билан боғлиқ бўлган барча ижобий жараёнларнинг йўлини тўсади ва хулқнинг “бузилиши” (агрессия, қочиш, ўзини йўқотиб қўйиш)га мажбур қилади. Юриспруденцияда аффект (қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш), агар бундай ҳолат жавобланувчининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида вужудга келган бўлса, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади ва жиноятнинг квалификациясига ҳам таъсир кўрсатади.

**АФФИДЕВИТ** — АҚШ ва Буюк Британияда гувоҳнинг шахсан ўзи келиши имконияти бўлмаган тақдирда, нотариус ёки бошқа ваколатли шахс томонидан гувоҳлантирилган ҳолда қасам остида берадиган ёзма аризаси ёки кўрсатмаси.

**АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ** — айбдорга нисбатан қўлланладиган асосий жазо тури. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида (Жиноят кодексининг 46-моддаси) ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоиздан ўттиз фоизгача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни мажбуран меҳнатга жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суд ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда

ўталади. Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди. Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди (Жиноят кодексининг 46-моддаси).

**АХЛОҚ ТУЗАТИШ КОЛОНИЯЛАРИ** — ахлоқ тузатиш муассасаларининг бир тури. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига биноан вояга етмаган маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш колонияларида ўтайдилар. Улар манзил, махсус тартибли колониялардан иборат. Манзил-колонияларда мазкур муассасага эҳтиётсизлик билан содир этган жинояти учун суд ҳукмига биноан келган, шунингдек, умумий, қаттиқ тартибли ҳамда тарбия колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар жазони ўтайдилар. Умумий тартибли колонияларда биринчи марта судланган қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этганлиги учун маҳкум этилганлар; суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар; озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар, 21 ёшга тўлган, салбий тавсифномага эга маҳкумлар эса 18 ёшга тўлганидан кейин жазо ўташини давом эттириш учун қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят учун ҳукм қилинган шахслар жазони ўтайдилар (Жиноят-ижроия кодексинининг 16-моддаси). Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар-жойларда яшайдилар. Улар қонунда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 40 фоизгача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари мумкин. Маҳкумлар йил мобайнида: тўрт марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув; тўрт марта телефон орқали сўзлашув; тўртта посылка ёки йўқлов; тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга (Жиноят-ижроия кодексининг 17-моддаси). Қаттиқ тартибли колонияларда биринчи марта ўта оғир жиноятни содир этганлиги учун судланган; турмалар ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тарзида ўтказилган; суд тайинланган турма қамоғи муддатини ўтаганидан сўнг турмалардан ўтказилган маҳкумлар жазони ўтайдилар. Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар-жойларда яшайдилар. Махсус тартибли колонияларда ўта хавфли рециди-

вистлар; ўлим жазоси афв этиш тарзида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар, суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар жазони ўтайдилар. Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда сақланадилар. Маҳкума аёллар озодликдан маҳрум қилиш жазосини: а) ўта оғир жиноятлар учун ва ўта хавфли рецидивист деб топилганларида қаттиқ тартибли колонияларда; б) бошқа жиноятлар учун жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдилар. Аёлларга нисбатан озодликдан маҳкум қилиш жазосини махсус тартибли колонияларда ўташ ва турма қамоғи қўлланилмайди.

**АХЛОҚСИЗЛИК** — *Қаранг:* “Амораллик”.

**АШЁ** — ашё фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг объекти сифатида кўриладиган мол-мулк предметиدير. Ашёлар моддий неъматлар таркибига кирувчи кўчар мулк ҳисобланади. Ашёлар фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида ўз хусусиятлари, қўлланиш мақсадлари ва аҳамиятига мувофиқ куйидаги турларга бўлинадилар: хусусий ва турга хос бўлган аломатлар билан белгиладиган ашёлар, бўлинадиган ва бўлинмайдиган истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар, асосий ва мансуб ашёлар, мураккаб ашёлар. Фуқаролик ҳуқуқида пул ва қимматли қоғозлар ҳам ашёга киради.

**АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР** — тергов ёки судда ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар (моддий предметлар). Ашёвий далилларни тақдим этувчи ёки талаб қилиб олишни илтимос қилаётган шахс шу далил орқали иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкинлигини кўрсатиши шарт. Ашёвий далиллар суд (терговчи, прокурор) қарори ёхуд ажримга биноан ишга қўшиб қўйилади ва ичида сақланади ёхуд алоҳида рўйхат қилиб махсус сақлаш хонасига топширилади. Ашёвий далиллар алоҳида, олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас, бироқ тергов ва суд амалиётида ашёвий далиллар шаклланишига субъектив ҳолатлар иштироки фоят камлиги сабабли уларга алоҳида аҳамият берилади. Ашёвий далилларни олиш, сақлаш, уларни баҳолаш ва тақдирини белгилаш тартиби Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодексига тегишли равишда белгилаб қўйилган.

**АШЁВИЙ ҲУҚУҚ** — объекти мулк ҳисобланган, субъектив фуқаролик ҳуқуқи. Ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс уни маълум бир кишилар ёрдамисиз ёхуд иштирокисиз, мустақил ра-

вишда амалга оширади. Ашёвий ҳуқуқ субъекти мол-мулкни қонунда белгиланган тартибда ва мулкдор берган ваколат доирасида эгаллайди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Фуқаролик кодексининг 165-моддасига биноан мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади: хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдирилган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи; сервитутлар. Фуқаролик кодексининг 232-моддасига биноан мулкдор бўлмаган шахс ашёвий ҳуқуқларининг бузилиши мулкдорнинг ҳуқуқи каби қонунда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

**АШЁ ЖОЙИ ҚОНУНИ (lex rei sitae)** — халқаро хусусий ҳуқуқ амалиётидаги дастлабки коллизия боғламалар (формулалар) ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлган ашё қайси давлат ҳудудида бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Ушбу қонун тегишли миллий давлат ҳуқуқида ўрнатилмаган бўлса ҳам, халқаро одатга кўра қўлланилади.

**АШ-ШАРИА** — Қаранг: “Шариат”.

**АЭРОПОРТ ҲАҚИ** — ўрнатилган пул суммаси бўлиб, давлатнинг ваколати идоралари томонидан аэропортларда ҳаво кемаларининг қўниши ва учишида фойдаланилганлик учун ундирилади.

**АЭРОПОРТ (халқаро)** — белгиланган давлат аэропорти, чет эл давлатлари йўналишларида учадиган ҳаво кемаларини қабул қилади, чиқаради ва хизмат кўрсатади, бунинг учун чегара, божхона, карантин назоратини таъминлайдиган аэровокзал, ер устидаги иншоотларига эга бўлган аэродроми мавжуд. Халқаро аэропортнинг асосий вазифаси, халқаро йўналишларда йўловчи, юк, почта авиаташувларини, чет эл ва миллий ҳаво кемаларини халқаро учишларини таъминлаш, мамлакатга учиб келаётган ва кетаётган йўловчиларга хизмат кўрсатиш, юклар ва почтани қабул қилиш, сақлаш, бериш, чет эл ҳаво кемаларининг экипажларига хизмат кўрсатиш.

**АҚЛИ РАСОЛИК** — жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади (Жиноят кодексининг 18-моддаси). Ақли расоликнинг юридик мезони шундан иборатки, шахс ўз хатти-ҳаракати тўғрисида ўзига ҳисоб бера олади ва ўз хатти-ҳаракатини бошқара олиш қобилиятига

эга бўлади. Ижтимоий хавфли қилмишини содир этаётган вақтида ақли расо бўлган шахсгина жиноий жавобгарликка тортилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий камчилиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди (Жиноят кодекси 18-моддасининг 2-қисми). Аммо бу жиноят содир этган ақли норасо шахсга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайдигани эмас. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин (Жиноят кодекси 18-моддасининг 3-қисми).

## “Б”

**БАГАЖ** — йўловчига тегишли бўлган, юк транспорт ташкилоти (ташувчи) жавобгарлиги остида ташишга топширилган юк. Багажни ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли багаж паттаси билан тасдиқланади. Багаж ташиш қоидалари ҳар бир транспорт турида ўрнатилган қоидалар билан тартибга солинади. Багаж йўловчи билан биргаликда ва, аксинча, ундан алоҳида жўнатилган бўлиши мумкин.

**БАЙ-ЖОИЗ** — мусулмон ҳуқуқида олди-сотди шартномаси. Ушбу шартномага асосан тарафлар маълум ва келишилган муддат давомида, шартнома бўйича берилган, олинган нарсаларни бир-бирларига қайтариб бериш шарти кўзда тутилади.

**БАЙ-ФОСИД** — мусулмон ҳуқуқида олди-сотди шартномаси. Ушбу шартнома бўйича сотилган мол-мулк уни мазмун ёки шакл жиҳатдан ўзгартириш ёки қайтадан учинчи шахсга сотиш мўлжалланган тақдирда ушбу мол-мулк унинг биринчи эгаси томонидан ўзи сотган нархда қайтариб олиш шарти билан тузилади.

**БАЙ-ҚАТЪИЙ** — мусулмон ҳуқуқида олди-сотди шартномаси. Ушбу шартномага асосан сотилган мол-мулк олувчига унинг ҳақини тўламасидан олдин топширилиши мумкин.

**БАЙРАМ (ИШЛАНМАЙДИГАН) КУНЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ўрнатилган ишланмайдиган кунлар, булар; 1 январь — Янги йил, 8 март — Хотинқизлар куни; 21 март — Наврўз байрами; 9 май — Хотира ва

қадрлаш куни; 1 сентябр — Мустақиллик куни; 1 октябр — Ҳаққонлар ва мураббийлар, куни; 8 декабр — Конституция куни; Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) диний байрамнинг биринчи куни; Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) диний байрамнинг биринчи куни. Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади, қонунда белгиланган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

**БАКАЛАВРИАТ** — мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

**БАЛАНС** (лотин. *bilanx* — тарози паллалари) — 1) мувозанат, тенглик; 2) доимо ўзгариб турувчи бирон-бир ҳодисанинг нисбати ёки мувозанатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Масалан, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси, бухгалтерия баланси ва ҳоказо.

**БАНДА** (итал. *banda*) — жиноят ҳуқуқида уюшган жиноятчиликнинг алоҳида шакли, корхона, муассаса ёки муайян фуқароларга ҳужум қилиш мақсадида ташкил этилган уюшган, қуролланган, барқарор гуруҳ.

**БАНК** (итал. *banco* — курси) — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахс. Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи муассасалар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Банклар пул оламида ҳаракатга келтирувчи мотор — юрак бўлиб, пул билан жами ҳисоб-китобларни бажардилар. Ҳамма пул тўловлари (трансферлар) банклар орқали ўтади. Банклар қўйидаги ишларни амалга оширади: пул ва қимматбаҳо буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради; пул билан бўладиган ҳисоб-китоб операцияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради; чет эл валютасини сотади ва сотиб олади; қўйидаги пулни қайтариш, фоизли ва муддатли шартлари билан унга муҳтожларга қарз (ссуда)га беради, яъни кредит билан шуғулланади; ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳаларга жойлаштиради. Банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади. Шундай қилибни юритишдир Банк пул маблағларини ўзида сақловчи, кредит (қарз, ссуда) берувчи, пул ҳисоботларини, пул чиқаришни (эмиссияни), қимматли қоғозлар (банкнотлар, чеклар, векселлар) чиқаришни амалга оширувчи ва давлатлар, корхоналар, муассасалар ва алоҳида шахслар орасида ўзаро тўлов-



ларни ва ҳисоб-китобни амалга оширишда воситачи вазифасини бажарувчи махсус иқтисодий институт (муассаса). Ҳозирда дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида икки поғонали банк тизими фаолият кўрсатиб келмоқда. Тизимнинг биринчи поғонасини марказий (эмиссион) банк ташкил этади. Одатда, унинг маблағлари қайсидир шаклда давлат томонидан назорат қилинади ёки бутунлай хазинага қарашли бўлади. Марказий банкнинг асосий вазифалари пул эмиссияси, пул муомаласини тартибга солиш, расмий пул-кредит сиёсатини юритишдир. Банк тизимининг иккинчи поғонасини давлат, давлат-ҳиссадорлик, ҳиссадорлик ва хусусий-тижорат банклари ташкил этади. Улар қуйидаги турларга бўлинади: тижорат (депозит) банклари, уларнинг фаолияти асосан депозитлар қабул қилиш ва қисқа муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ; инвестицион банклар, ўз маблағларини ва қарзга олинган маблағларни қимматли қогозларга жойлаштиради, узоқ муддатли сармояга муҳтож тадбиркорлар ва пул кўювчилар ўртасида воситачилик қилади; ипотека банклари, кўчмас мулкни гаровга қўйиш эвазига узоқ муддатли кредитлар беради; жамғарма банклари ва кредит жамиятлари; суғурта ва нафақа фондларини юритиш ва валюта сиёсатини амалга оширишдир. Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан сўнг Марказий банк бошчилигидаги мамлакат банк тизими ташкил топди. Энг йирик депозит ва инвестицион банклар Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Саноат-қурилиш банки, “Пахтабанк” ва бошқа бир қатор ихтисослашган тармоқ банкларидир. Энг йирик жамғарма банки Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидир.

**БАНК КАФОЛАТИ** — кафил банкнинг ўз миждо томонидан пул мажбуриятларини вақтида бажарилишига берган кафолати. Бундай ҳолда банк ўз миждо томонидан қарз мажбурияти вақтида бажарилмаган тақдирда у тўлаши лозим бўлган пул суммасини тўлаб юбориш мажбуриятини олади. Банк кафолати мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш чораси сифатида халқаро ҳамда ички тижорат муомаласида кенг қўлланилади.

**БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига кўра бундай операцияларга қуйидагиларни киритади: 1) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банклар ҳисоб варақаларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақалари бўйича ҳисоб-китоб қилиш; 2) омонатларни жалб этиш; 3) кредитлар қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз

номидан кредитлар бериш; 4) маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш; 5) чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш; 6) пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; 7) учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; 8) учинчи шахслардан мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш; 9) қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага бошқа операцияларни бажариш; 10) банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш; 11) жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги сандиқларни ижарага бериш ва ҳоказо. Фақат банклар қўйидаги банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эгалар: жисмоний ва юридик шахслардан омонатлар қабул қилиш, қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш. Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

**БАНК СЕРТИФИКАТИ** — эмитент банки томонидан унинг номига мижознинг пул маблағлари қўйилгани тўғрисида берилган ёзма гувоҳнома бўлиб, у ўзининг эгасига (ёки унинг ворисига) белгиланган муддат ўтиши билан банкка қўйган пул суммасини (ёки депозит суммасини) ва бу қўйилган пул суммаси бўйича фоиз даромадини олиш ҳуқуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Банк сертификати — банкнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятидир. Унинг қисқа муддатли эканлиги, инфляция суръатлари билан ҳам ўлчови, ликвидлиги ва юқори даромадлиги бенфициарга, агар у ўз капиталини кўпайтира олмаган тақдирда, ҳеч бўлмаганда, бу капитални дастлабки миқдори даражасини сақлаб қолиш имкониятини беради. Банк сертификатларининг элементи фақат банклар бўлиши мумкин. Бу сертификатлар икки турда чиқарилади: 1) депозит сертификатлар; 2) жамғарма (омонат) сертификатлари. Ушбу сертификатларни муомалага чиқариш масалалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1992 йил 6 июлда чиқарилган “Депозит сертификатларни чиқариш ва муомала Қоидалари” номли норматив ҳужжат билан тартибга солинади. Банк сертификати қисқа муддатли қарз мажбурияти бўлганлиги сабабли, у 30 кундан 1 йилгача бўлган муддатларга чиқарилади (одатда, 3, 6, 9 ва 12 ойга). Унинг муомалада бўлиш муддати, айрим ҳолларда, 1 йилдан 3 йилгача чегараланиши ҳам мумкин.

Башарти, сертификат буйича қўйилган депозитни ёки жамғарманинг қайтиб олиниши белгиланган муддатдан ўтиб кетган бўлса, бу ҳолда бу сертификат унинг эгасига хоҳлаган вақтда қўйган пул миқдорини банкдан қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга айланади. Бунда мижоз сертификатига биноан банк унинг биринчи талабига мувофиқ тегишли суммани дарҳол тўлашга мажбурдир. Бинобарин, банк сертификати банкнинг қимматли ҳисобланган қоғозларни (акциялар, облигациялар ва ҳоказо) омонат сақлаш ҳақидаги ёзма гувоҳномасидир. Банк қимматли қоғозларни сақлаб бериш учун мижозлардан қабул қилиб олиши мумкин. Банкда қимматли қоғозларни сақлаш шартномаси банк томонидан қимматли қоғоз топширувчига номи ёзилган сақлов ҳужжати (сертификатни) бериш билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатни тақдим этиш банк томонидан сақланаётган қимматли қоғозни топширувчига бериш учун асос бўлади. Қимматли қоғозларни сақлаш (депозит) шартномасида назарда тутилган ҳолларда банк уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлашдан ташқари ушбу қоғозларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ҳам (вакиллик ва ҳоказо) амалга оширади. Банкда қимматли қоғозларни сақлаш тартиби Фуқаролик кодексининг 896-моддасида белгилаб қўйилган. Банк сертификати эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, банк сертификати муомалада бўлиш шартлари тегишли қонун ҳужжатлари ва шартномада белгилаб қўйилади. Банк депозит сертификати эса омонатчининг пул маблағларини банкда сақланаётганлигини гувоҳлантирувчи қимматли қоғоз ҳисобланади. Банк сертификати эса қимматли қоғозларнинг ўзини банкда сақланаётганини гувоҳлантирувчи ҳужжат ҳисобланади.

**БАНК СИРИ** — банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисоб варақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларнинг сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк ва мижозлари ҳамда вакилларининг банк операциялари, ҳисоб варақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлаши шарт. Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисоб варақларига доир маълумотномалар шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади. Жисмоний шахсларнинг ҳисоб варақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисоб варақлари ва омонатларда турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиш ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар буйича маълумотлар суриштирув ва тергов органларига берилади. Ҳисоб варақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда

ушбу ҳисоб варақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисоб варақ ёки омонат эгаси банкка топширган васитномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисоб варақларига доир маълумотномалари эса чет эл консуллик муассасаларига берилади. Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**БАНК СИСТЕМАСИ (Банк тизими)** — пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Банк иши билан шуғулланувчилар банкирлар деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида банк нима деган саволга қуйидагича жавоб берилган: “Банк тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир”. Ўзбекистонда банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик-тижорат ва хусусий банклардан иборат. Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор, пул билан жами ҳисоб-китобларни бажарадилар. Ҳамма пул тўловлари (трансферлар) банклар орқали ўтади. Банклар қуйидаги ишларни амалга оширади: пул ва қимматбаҳо буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради; пул билан бўладиган ҳисоб-китоб операцияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради; чет эл валютасини сотади ва сотиб олади; ўз қўлидаги пулни қайтариш, фоизлик ва муддатлик шартлари билан унга муҳтожларга қарз (ссудда)га беради, яъни кредит билан шуғулланади; — ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради; банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади.

**БАНК ТУРЛАРИ** — банк тизимида давлатга қаршли бўлган марказий банклар алоҳида ўрин тутадилар. Марказий банкни “банкларнинг банки” деб аташади ва у банк тизимининг ўзагини ташкил этади. Марказий банк қуйидаги асосий вазифаларни бажаради: 1) пул эмиссияси марказий вазифани ўтайди, яъни муомалага қоғоз ва танга пулларни чиқаради, пул муомаласини назорат қилади; 2) давлат хазинасини, валюта бойлигини сақлайди, давлатнинг хазинабони ҳисобланади; 3) кредит захирасини ўз қўлида сақлаб туради, бу захирани кредит талабига қараб, банклар ўртасида тақсимлайди; 4) давлатнинг монетар (пул) сиёсатини амалга оширади, банк иши, умуман, кредит

муносабатларига оид қоида тартибларни белгилаб, уларнинг бошқарилишини назорат қилади. Банклар орасида тижорат банклари муҳим ўрин тутади. Тижорат банклари турли пул операцияларини амалга оширувчи ва кредит ишларини бажарувчи банклардир. Улар акциядорлар жамияти шаклида тузилиб, ширкатлар сингари шерикчилик асосида ишлайди. Уларнинг иштирокидаги капитал икки манбадан шаклланади: а) мижозларнинг банкка киритган пули; б) банкнинг ўз капитали. Тижорат банклари ликвидликни таъминлаш ва фойда олиб ишлаш қоидаларига асосланган ҳолда фаолият олиб борадилар. Ликвидлик банк ўз маблағини нақд пуллар, мижозларга қисқа муддат учун берилган кредитлар (бу кредит 3—6 ойга, ҳатто 5—10 кунга ҳам берилди ва тез қайтади), хазина (давлат) векселлари юксак ликвидликни таъминловчи маблағ ҳисобланади. Банкнинг қўлидаги бинолар, ҳар хил машина ва ускуналар, осори атиқа буюмлари, санъат асарлари ва узоқ муддатли кредитлар ноликвид воситалар ҳисобланади, чунки улар тезда нақд пулга айланмайди. Ликвидли маблағлардан фойда ҳам бўлади, нақд пуллар қарзга берилмайди, бинобарин, даромад келтирмайди. Қисқа муддатли кредитлардан унадиган фоиз векселларни дисконтлаштиришдан келган пул ҳам кўп бўлмайди. Ноликвид маблағлар, аксинча, даромадни кўпроқ беради. Ўз-ўзидан маълумки, узоқ муддатли кредитлар учун фоиз анча юқори бўлади. Санъат асарлари, бинолар ва осори антиқа буюмларининг нархи вақт ўтиши билан ошиб боради, улар сотилган тақдирда катта фойда беради. Ликвидлик билан фойда қўриш бир-бирига зиддир. Шу сабабли банклар нақд пулга эга бўлиш, ҳам фойдани кўпайтириш учун ликвидли ва ноликвид маблағларни энг маъқул нисбатда боришига интилишади. Тижорат банклари ўз иши учун ўзи жавобгар, ўз харажатларини тўла қоплаб, фойда ҳам олиш керак, чунки у бизнес билан шуғулланади. Бунинг уддасидан чиқмаган банк банкрот бўлиб, ёпилиб кетади.

**БАНК ФИЛИАЛИ** — банк ташкил этган ва унинг номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлим.

**БАНК ЧЕКИ** — махсус пул ҳужжати, чекни имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш тўғрисида банкка берилган ёзма фармойиши. Ривожланган банк-кредит тизими шароитида ички тўлов оборотида кенг тарқалган, яъни тўловларнинг асосий қисми чек билан тўлаш асосида олиб борилади. Чеклар ҳам кредит муносабатларининг ривожланиши натижасида вужудга келган кредит пуллари билан биридир. Чеклар иш юритувчилар ўртасида ҳисоб-китоб воситаси сифатида ишлатилса-да, улар келиб чиқиши нуқтаи назаридан, асосан кредит ҳисобига муомалага чиқарилади. Чек-

да акс эттирилган маблағлар банк кредити эвазига ташкил этилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда чеклар (аксарият ҳолларда банк кредити ҳисобига очилган чеклар) товар айирбошлаш ва пулли хизматларни тўлаш учун тўсиқсиз қабул қилинади, чунки унда акс эттирилган маблағларни тўлаш банк кафолатидадир. Чек мижознинг (банкдан ҳисоб эгасининг) банкка унда кўрсатилган маблағни нақд пулда берилиши ёки бошқа бир кўрсатилган ҳисобга ўтказилиши тўғрисидаги буйруғидир. Қадимги Грецияда бундан 2500 йил муқаддам чекни билганлар ва уни амалда қўллаганлар. Чек пулнинг ўрнини босувчи, у тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Омонат чеки — тижорат банки ёки жамғарма муассасаларидаги чек ёзиш мумкин бўлган ҳар қандай омонат; муддатсиз омонатлар, тоза чек ёзиб бериш, жамғарма ҳисоб варағини ўз-ўзидан ўтказиш, шунингдек, кредит уюшмаларидаги ҳисоб варақларини ўтказиш ҳуқуқи бўлган омонатларда учрайди.

**БАНК ҲУЖЖАТЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколати доирасида мамлакат ҳудудида барча шахсларнинг ижро этиши мажбурий бўлган ҳужжатларидир. Марказий банк ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир. Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Марказий банкнинг ўз ваколати доирасида чиқарган норматив ҳужжатлари бошқа органларда рўйхатдан ўтказилиши тақозо этилмайди. Банклар ўз фаолиятига тааллуқли қарорлар, уставлар, йўриқномалар ва шунга ўхшаш норматив ҳужжатлар чиқариши мумкин.

**БАНК ҲУҚУҚИ** — марказий банк, акциядорлик, тижорат ва хусусий банкларнинг ва улар фаолиятида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси. Банк ҳуқуқи таркибини банк соҳасига тегишли фуқаролик ҳуқуқи нормалари ва молия ҳуқуқи нормалари ташкил этади. Шу муносабат билан банк ҳуқуқини фақат молий ҳуқуқи соҳаси деб қараш нотўғри бўларди.

**БАНКИР** — банк иши билан шуғулланувчи менежер ёки пул маблағларининг эгалари.

**БАНКЛАР АУДИТИ** — банклар фаолияти устидан аудиторлик текшируви; капиталнинг етарлигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчилик ва ликвидларни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширувларини амал-

га ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

**БАНКЛАРАРО ОПЕРАЦИЯЛАР** — банкларнинг шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисоб-китоб варақалари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларнинг бир-галликда бажаришидир.

**БАНКЛАРГА ВАСИЙЛИК ҚИЛИШ** — банкнинг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Марказий банк, васий розилиги билан, васий тайинлайди ва васийлик қилиш тўғрисида фармойиш чиқаради. Васий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек, банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш, мансабдор шахсларни ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади. Васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестицияларини бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар кўрилиши шарт.

**БАНКНИНГ МУВАҚҚАТ МАЪМУРИЯТИ** — Қаранг: “Банкларга васийлик қилиш”.

**БАНКНОТ (Банк билетлари; Кредит билетлари)** — муомалада *банкнот* билетлари пулнинг тўлов функцияси асосида XVII асрда вужудга келди. Йирик давлатларда товар-пул муносабатларининг ривожланиши банкнот билетларини чиқариш (эмиссия) махсус эмиссия банкларининг монополиясига айлантирилди. Банкнот билетлари давлатнинг аҳолига сотадиган ва давлатнинг олтин захираларига асосланади. Ўзбекистон Республикасида банкнот билетлари биринчи марта 1994 йил июл ойида “сўм” номи билан ишлаб чиқарилган. Ҳозир муомалада 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 ва 1000 сўмликлар ишлатилмоқда. Шундай қилиб, банкнот (ингл. — *banknote*) қоғоз пулларнинг бир тури бўлиб, давлат томонидан эмиссия ҳуқуқи берилган банклар томонидан чиқарилади. Бундай банклар ҳар доим ҳам давлат банки бўлавермайди. Банкнотлар хазина билетлари билан бир қаторда муомала ва тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. Банкнотлар вексел муомаласи натижасида юзага келадиган бўлиб, муомалада металл

(олтин ва кумуш) пуллар ўрнига чиқарилади. Банкнотлар моҳиятига кўра, банк векселларидан иборат бўлиб, банкнинг олтин захираси, бошқа активлари (қимматли қоғозлари, хазина билетлари ва ҳоказо) билан таъминланади. XX асрнинг биринчи ярмида банкнотларни олтинга алмаштириш барҳам топди. Банкнотлар майдаланилмайдиган мажбурий курсга эга бўлган давлат қоғоз пулларига айланиб қолди. Ҳозирги замон шароитида банкнотларнинг харид қуввати банклар томонидан муомалада қатъий чекланган миқдордаги қоғоз пулларни сақлаб туриш йўли билан таъминланади.

**БАНКРОТЛИК (Иқтисодий ночорлик)** — юридик ёки жисмоний шахснинг пул маблағлари бўйича кредиторлари талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслигидан иборат. Банкротлик хўжалик суди томонидан эътироф этилганда ёки иқтисодий ночорликка учраган қарздор корхонанинг ихтиёрий равишда тугатилиши билан юз бериши мумкин. “Банкротлик ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошираётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди. Қарздор юридик шахснинг тегишли мажбуриятлари ва ёки тўлов мажбуриятлари юзага келган кундан эътиборан олти ой давомида бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади. Жисмоний шахснинг, (тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахсларнинг мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги ушбу мажбуриятларини бажариш санаси бошланган пайтда эътибора уч ой давомида бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятларнинг суммаси унга тегишли мол-мулкдан ошиб кетган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади. Тугатилган юридик ёки жисмоний шахс кредиторларининг талаблари Фуқаролик кодексининг 56-моддасида назарда тутилган тартибда ундирилади. Суднинг юридик шахсни ёки жисмоний шахсни банкрот деб ҳисоблаш ёки юридик шахснинг ёки жисмоний шахснинг ўз банкротлигини эълон қилиш асослари, шунингдек, юридик шахсни тугатиш тартиби “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда белгиланади.

**БАРТАРАФ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (Енгиб бўлмайдиган куч)**, деб фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятларга айтилади. Бунга асосан табиий офатлар — zilзила, сув тошқини, бўрон, тўфон, яшин уриши, дўл уриши ва шу каби бошқа ҳодисалар киради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига асо-



сан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс бунга бартараф қилиб бўлмайдиган куч туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олса, жавобгарликдан озод бўлади. Бартараф қилиб бўлмайдиган куч фавқулодда характерга эга бўлади, яъни шартнома тузилган вақтда бундай вазият вужудга келишини олдиндан билиб бўлмайди ёки содир бўлиш эҳтимоли йироқ ҳисобланади. Бартараф қилиб бўлмайдиган куч муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган бўлиши лозим, яъни қарздор ёки бошқа шахслар инсоф билан, ўз ихтиёридаги барча куч ва воситалар билан уни рўй беришга тўсқинлик қила олмайдиган бўлиши шарт. Агар бундай вазиятлар натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар тегишли шахслар бепарволиги ёхуд қасди сабабли рўй берса, жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Бартараф қилиб бўлмайдиган куч халқаро юридик амалиётда форс-мажор ҳолатларининг таркибий қисми сифатида қаралади.

**БАРТЕР** — Қаранг: “Айирбошлаш шартномаси”.

**БАРТЕР БИТИМЛАРИ** — тўғридан-тўғри, пулсиз, товарни товарга айирбошлаш тўгрисидаги келишувлардир. Иқтисодиётда пул муомаласи барқарор бўлмаганда, инфляция (пул қадрсизланиши) юқори суръатларда пул бирлигига нисбатан ишонч бўлмаганда ёхуд пул маблағлари камчил, тақчил бўлган ҳолларда қўлланилади. Бартер битимлар тузиш, ижро қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 497—501-моддаларида белгиланган.

**БЕВОСИТА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** — сайлов тизимининг таъминоти бўлиб, унда сайловчи, белгиланган номзод ёки номзодлар рўйхатига бевосита овоз бериш орқали сайловда иштирок этади. Бевосита сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилган сайловларда махсус воситачи иштирок этмайди.

**БЕВОСИТА СОЛИҚ** — тўғридан-тўғри корхона ёки фуқаронинг даромадидан (фойдасидан) олинадиган солиқ. Бевосита солиқлар гуруҳига Ўзбекистон Республикасида 1992 йилдан бошлаб жорий этилган юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ, резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромади ва ҳоказолар кирази. Бу солиқларнинг муҳим белгиси солиқ манбаи корхона ёки фуқаронинг тўғридан-тўғри даромади ёки мулки ҳисобланади. Билвосита солиқларда эса солиқ тўловчилар маҳсулот сотувчи корхона ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот бўлса

ҳам, ҳақиқий солиқ тўловчилар маҳсулотни сотиб олувчилар, яъни истеъмолчилар бўлади. Бу солиқлар товар баҳоси ёки хизмат тарифига устама тариқасида қўйилади. Билвосита солиқлар одатда иқтисодий қийинчиликлар даврида (ЯИС — янги иқтисодий сиёсат), бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бевосита — тўғридан-тўғри солиқлар билан бюджет харажатларини қоплаш қийинлашган даврда олинади. Ривожланган мамлакатларда билвосита солиқларнинг салмоғи бюджет даромадларида катта ўрин эгаллайди. Бундай солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва ҳоказолар киради.

**БЕНЕФИЦИЙ** (лотин. *beneficium* — эҳсон, яхшилик) — илк ўрта асрларда Ғарбий Европада ер эгаллиги шаклларидан бири. Қирол ёки йирик феодал томонидан муайян ишни бажариш, кўпинча ҳарбий хизматни ўташ шарти билан умрбод инъом қилинадиган ер мулки. Католик черковида бенефиций — нуфузли мансабдор ёки руҳоний шахс томонидан мукофот тариқасида олинган ер мулкидир. Франклар қироли Карл Мартелл (715—741 йиллар) ер ислоҳоти ўтказиб, черков ерларининг бир қисмини мусодара қилиб, уни феодалларга бенефиций шаклида тақсимлаб берганди. Бунга: озод деҳқонлар жамоа аъзоларининг йирик ер эгаларига қарам бўлиб қолиши, черковларнинг турли найранг ишлатиб, озод деҳқонлар ерларини эгаллаб олиши, қарздор, ерсиз ва эрксиз, қашшоқ деҳқонлар сони кўпайиб бориши, ер мулклари, босиб олган ерларни турли шаклларда, жумладан, иммунитет ерлилар билан зодагон ва черков аҳлларига тақсимлаб берилиши, ер олган деҳқон, отлиқ лашкар — рицар (немисча “риттер”)ларнинг синъорларнинг биринчи чақирғидаёқ урушга ёки деҳқонлар кўзғолонини бостиришга шай бўлиб туриши шартлиги оқибатида ҳокимиятни эгаллаб олгани, қирол ҳисобига солиқ йиғиб, ўз номидан суд ишларини юрита бошлаганликлари ва қирол таъсиридан холи мустақил иш юритишлари қирол ҳокимиятини заифлашишига сабаб бўлган эди. Карл Мартелл ислоҳотига кўра, қирол билан бенефиций эгаси ўртасида ўзаро боғлиқлик вужудга келади. Инъом ери олган сенъор қиролга қарам — вассал бўлиб қолади. Ер олиш қасам ичиш, ўз эгасига содиқликни изҳор этиш билан кузатилади. Инъом ери олган киши вафот этса, унинг ери ва мажбуриятлари ўғлига ўтади. Ўғли бўлмаса, қирол ерни қайтариб олиши ва уни бошқага эҳсон этиши мумкин бўлган. Карл Мартелл ўз мақсадига эришади. Гарчи давлатнинг емирилиши олди олинган бўлса-да, лекин оқибатда бу жараённи ҳатто тезлаштирди ҳам. Бундай қарамлик бенефиция эгаларини ўз ерлари устидан уни тасарруф қилиш ҳуқуқини IX—X асрларга келиб мулккий мерос — феодал мулки қилиб олишларига замин ҳозирлади.

**БЕРБОУТ-ЧАРТЕР** — фрахт шартномаси шартларига биноан, кема эгаси кемани экипажсиз фрахтга олаётган томонга ижара шартлари асосида беради. Ижара даврида фрахтга олган томон кеманинг вақтинча эгаси ҳисобланади ва кемадан фойдаланиш даврида барча харажатларни қоплайди. Бироқ суғурта харажатларини кеманинг эгаси тўлайди.

**БЕРС-НОТ** — денгизда юк ташиш шартномаси, йирик ва катта ҳажмдаги юкларни ташиш учун қўлланилади.

**БЕССА** (франц. *baisse*) — биржадаги олди-сотди, қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо товарларнинг қийматини тушириш мақсадида амалга оширилади.

**БИЙЛАР СУДИ** — Муҳаммад Шайбонийхон бошлиқ кучманчи ўзбекларда уруғ бошлиқлари бийлар (беклар) томонидан одат ҳуқуқи қоидалари асосида иш кўрадиган суд. Асосан чор Россияси ҳукумати даврида қозоқ ва қирғизлар яшайдиган жойларда вужудга келган низоларни ҳал этиш учун тузилган. Бийлар суди, волост бошқармасига сайловлар ўтказилаётган вақтда, уч йил муддатга сайланиб қўйилган. Мазкур суд қозилар судига тенглашган суд бўлиб, сайловдан ўтганларни губернатор тасдиқлаши лозим бўлган. Бийлар суди учта инстанциядан: судьянинг якка ўзи тартибида даъво қиймати 300 сўмгача бўлган ишларни кўрадиган судлар; б) даъво қиймати 500 сўмгача бўлган ишларни кўрадиган уезд бий судларнинг съезди; в) бий судьяларининг волост кенгашлари томонидан чиқарилган қарорларга берилган имкониятларни кўрадиган фавқулодда съезди. Бийлар суди Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги 1886 йилги низом асосида иш олиб бориб жиноят ва гражданлик ишларини кўришда одат ҳуқуқига асосланган. Оила ва никоҳ ҳуқуқига оид ишларни кўришда эса шариат қоидаларига асосланган.

**БИКАМЕРАЛИЗМ** — Қаранг: “Икки палатали тизим”.

**БИЛЛ** (ингл. *bill*) — Буюк Британия, АҚШ, Канада ва бошқа инглиз тили давлатларда қонунчилик органлари ихтиёрига тақдим этиладиган қонун лойиҳаси, шунингдек, айрим давлатларда конституциявий ҳужжатларнинг номи (масалан, “Билл ҳуқуқлар ҳақида”).

“**БИЛЛ ҲУҚУҚЛАР ҲАҚИДА**” — 1) 1869 йил Буюк Британияда қабул қилинган конституциявий монархияни қонунийлаштирган ҳужжат. Билл ҳуқуқлар қонунчилик ва молия соҳасида қирол ваколатини чеклади ва инсон ҳуқуқлари бўйича айрим ваколатларни кенгайтди; 2) АҚШнинг 1787 йилда

қабул қилинган Конституциясига киритилган, АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган ва штатлар томонидан ратификацияланган дастлабки ўнта тузатиш.

**БИОГРАФИК УСЛУБ** — криминал психология (руҳият), криминология, криминалистика ва бошқа фанларда кенг тарқалган инсоннинг билимига мўлжалланган тадқиқот усули. Индивиднинг турмуш турзини таҳлил қилиш йўли билан унинг руҳий хусусиятларини тадқиқ этишга хизмат қилади. Бунда қадриятларнинг шаклланиши, ахлоқнинг устувор йўналиши ва мотивлари, турли вазиятларга шахс ўз муносабатини билдириш усуллари умуллаштириш асосида ҳаётий шарт-шароитларнинг босқичлари аниқланади. Биографик материаллар катта статистик ишловдан ўтади, контент *таҳлил* ёрдамида анализ қилинади.

**БИОЛОГИК (БАКТЕРИОЛОГИК) ҚУРОЛ** — оммавий қирғин қуролларидан бири; инсон соғлиғига таъсир кўрсатувчи, касаллик тарқатувчи ҳарбий биологик қуролларни ишлатишда намоён бўлади. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги унинг маълум бир ҳудудда яширин қўлланилиши ва натижада унинг оқибатларини топиш имконияти чекланганлигидир. Биологик қурол фақат инсон, ҳайвонлар ва бошқа тирик мавжудотларга таъсир этиши, уларга қаттиқ руҳий таъсир кўрсатиши, қўшни аҳолини бу қуролдан ҳимоя қилиш ва келиб чиққан оқибатларни бартараф этишнинг иушқуллиги билан ажралиб туради. Бактериологик қуролни қўллаш 1925 йилги Женева протоколи билан тақиқланган, бироқ у фақат ушбу протоколда кўрсатилган қурол турларини қўлланишга тааллуқли эди. Қуролсизланиш қўмитасининг бактериологик (биологик) ва токсинли қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва жамғаришни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция 1972 йил 10 апрелда Москва, Лондон, Вашингтонда имзоланди (1975 йил 26 мартда кучга кирди). 1976 йил табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳар қандай душманлик йўлида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида Конвенция имзоланди (1978 йил 5 октябрда кучга кирди).

**БИОФИЛИЯ** — барча тирик жонзотларни севиш.

**БИОЦИД** (айнан — ҳаётдан маҳрум этиш) — инсониятга қарши қаратилган халқаро жиноят. Биоцид экоциддан фарқли равишда, инсониятга ва бошқа тирик жонзотларга қарши қаратилган, ҳарбий низода душман устидан галаба қозониш мақсадида қасддан оммавий қирғин қуролларини ишлатишда намоён бўлади. Шунинг учун биоцид манбаи агрессив урушлардир. Биоциднинг фарқли белгиси: нейтрон, бактериологик, биологик,

заҳарли (токсинли) ва химиявий қурооларни душман шахсий таркиби ва ҳарбий техникасини, қурооларини ва бошқа моддий қурооларини ишдан чиқариш мақсадида, қасддан душманлик йўлида ишлатилишидир.

**БИПАТРИЗМ** — Қаранг: “Кўп фуқаролик”.

**БИР ЙЎЛА ТЎЛАНАДИГАН СУҒУРТА БАДАЛИ** — суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчи ташкилотга тўланадиган суғурта бўйича тўловларни бир вақтнинг ўзида тўлашдир. Бир йўла тўланадиган суғурта бадали тўлаш факти суғурта шартномасининг тузилганлигини билдиради ва тегишли ҳуқуқий оқибатларни (масалан, суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта пулини тўлиқ суммада тўланиши шартлигини) келтириб чиқаради. Бир йўла тўланадиган суғурта бадали транспортда юк, йўловчи багаж ташишда кенг қўлланилади. Тўлов факти суғурта полиси бериш орқали расмийлаштирилади. Суғурта бадаллари бир йўла тўланиши шартлигини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолларда бадалларни бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйилмайди.

**БИР ТОМОНЛАМА ВОЗ КЕЧИШ** — икки томонлама ёки кўп томонлама фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ўзига қонун ҳужжати ёки шартнома бўйича тегишли бўлган ҳуқуқни амалга ошириш ёки мажбуриятни бажаришдан воз кечиши. Бир томонлама воз кечиш қонун йўл қўйган ёки қонунга мувофиқ бўлиши лозим. Қуйидаги ҳолларда бир томонлама воз кечишга йўл қўйилади: а) мажбурият ижроси қарздор томонидан кечиктирилганлиги сабабли унинг кредитор учун аҳамияти қолмаса (Фуқаролик кодексининг 337-моддаси); б) кредитор томонидан қарздорлик мажбурияти ижросини талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиши, бироқ бу ҳол бошқа шахсларни кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаслиги шарт (Фуқаролик кодексининг 348-моддаси); в) агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариш мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф шартномадан воз кечишга ва шартномани бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли (Фуқаролик кодексининг 336-моддаси). Бир томонлама воз кечиш қонун ёки шартномалар бевосита назарда тутилган ҳолларда талаб қилинмайди, бир томонлама воз кечиш қонунларда ёки шартномаларда фуқаролик — ҳуқуқий ҳимоя усули, тарафлардан бири томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаганда унга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораси сифатида назарда тутилади (масалан, уй-жой ижарасида ижарачи томонидан ижара ҳақи тўланмаслиги ижарага берувчига шартномани бир томон-

лама бекор қилиш ҳуқуқини беради ва ҳоказо). Қонун ҳужжатларида бир томонлама воз кечишга йўл қўймаслик ҳолатлари назарда тутилиши мумкин, масалан, умумий қоида бўйича қарздор мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан воз кечишга ҳақли эмас (Фуқаролик кодексининг 330-моддаси).

**БИРГАЛИКДАГИ ТАЛАБ** — биргаликдаги кредиторлар томонидан қарздорга (биргаликдаги қарздорларга) мажбуриятни ижро этиш тўғрисидаги билдириладиган талаб. Ҳиссаларга бўлинмаган улушни мажбуриятда кредиторларни қарздорга (қарздорларга) талаби биргаликдаги талаб сифатида кўрилади. Масалан, эр-хотин биргаликдаги маблағи ҳисобидан бошқа шахсга қарз берганида эр ҳам, хотин ҳам биргаликда кредитор ҳисобланади ва ҳар иккаласи биргаликда ҳам, алоҳида ҳолда ҳам қарздорга қарзни қайтариш тўғрисида талаб қўйишга ҳақли бўлади. Талаб солидар тариқасида қўйилганида ҳар қандай солидар кредитор қарздорга тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни солидар кредиторлардан бирига нисбатан тўла бажариш қарздорни мажбуриятни бошқа кредиторларга нисбатан бажаришдан озод қилади. Қарздордан мажбурият ижросини қабул қилиб олган солидор кредитор, башарти, улар ўртасидаги муносабатларда бошқача тартиб англашилмаса, бошқа кредиторларга тегишли бўлган улушларни уларга тўлаши шарт (Фуқаролик кодексининг 255-моддаси).

**БИРЖА** — аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотик ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш шарт-шароитларини яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхона. Биржалар ихтисослашувига қараб товар биржалари, фонд биржалари, валюта биржалари, товар-фонд биржалари, интеллектуал мулк биржалари, аралаш биржалар бўлиши мумкин. Биржалар давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Биржа фаолияти қатнашчилари ҳам давлат органларида қайд этилади. Биржа, биржанинг савдо-сотигини ташкил этиш ва тартибга солишга доир фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Биржа олди-сотди, савдо-воситачилик фаолияти билан бевосита шуғулланиши мумкин эмас. Юридик ва жисмоний шахслар биржа таъсисчилари бўлиши мумкин. Биржа ўз устав фондига эга бўлиши лозим. Устав фондининг энг минимум миқдори қонунларда белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти бошқарув шартлари, жамоат, диний ва хайрия бирлашмалари, тadbиркорлик билан шуғулланишга ҳақли бўлмаган шахслар ва биржа таъсисчилари бўла олмайдилар. Биржа ташкил этиш, унинг фаолият юртиши ва тугатилиши 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

**БИРЖА БИТИМИ** — муайян биржада тақдим этилган товарлар олди-сотдиси бўйича биржа воситачилари ўртасида тузилган, биржа савдо-сотиги қоидаларига мувофиқ амалга оширилган ва белгиланган тартибда биржада рўйхатдан ўтказилган биржа операцияларига “биржа битимлари” дейилади. Биржада рўйхатга олинган битимлар умумий қоида бўйича нотариал идорада тасдиқланмайди. Биржа битимининг мазмуни (товарнинг номи, миқдори, нархи, ижро ўрни ва муддатидан бўлак) ошкора этилиши мумкин эмас. Биржа битими мазмунига доир маълумотлар фақат тергов ва суд идораларининг талаби билан тақдим этилиши мумкин. Биржа битими биржа номидан ва унинг ҳисобидан тузилиши мумкин эмас. Биржа битимининг қуйидаги турлари мавжуд: а) бор (мавжуд) товарларнинг олди-сотди битимлари, шу жумладан, товарларни дарҳол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарларга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар топширишни ҳам назарда тутувчи олди-сотди битимлари; б) форвард битимлар, яъни бор товарни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда харид қилиш ва сотишга оид битимлар; в) фьючерс битимлар, яъни стандарт контрактларга оид олди-сотди битимлари; г) опцион битимлар, яъни товарларни етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари; д) товарлар, контрактлар ёки ҳуқуқларни харид қилиш ва сотишга оид битимлар. Форвард, фьючерс битимлари ҳамда опционлар савдосини амалга оширувчи биржа ўзининг ҳисоб-китоб (клиринг) марказлари орқали битимлар ижросини кафолатлаши шарт.

**БИРЖА БРОКЕРЛАРИ** — биржаларда олди-сотди битимлари тузилишида ўз миждозлари топширигига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини амалга оширувчи шахслар. Маълумки, биржа фаолиятидаги воситачилик фақатгина биржа воситачилари — брокерлар ва дилерлар, брокерлик ва дилерлик фирмалари томонидан амалга оширилади. Биржада брокерлик жойига эгалик корхонага биржа савдо-сотигида бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради. Биржалар ҳузурида иш олиб борувчи мустақил брокерлар ва брокерлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтган бўлиши шарт. Брокер савдо битимларини ўз номидан тузишга ҳақли эмас, балки миждоз номидан тузади. Бинобарин, битим миждоз учун юридик оқибатларни вужудга келтиради. Миждоз топширигини бажарганлик учун брокерга тўланадиган ҳақ тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

**БИРЖА САВДОСИ** — ошкора, оммавий ўтказиладиган, биржа аъзолари, биржа воситачилари, биржа миждозлари қатнашадиган савдо-сотик. Биржа савдоси жойи, вақти ва сотувга

кўйилган товарлар ҳақида олдиндан маълумотлар ошкора эълон қилинади. Биржа савдосида биржа олди-сотди битими энг юқори нарх таклиф қилган қатнашчи билан тузилади. Битим биржада рўйхатдан ўтказилиши шарт. Биржа мунтазам равишда (ҳафта-сига камида бир марта) нарх-наво аниқланишига, индексацияси ва ўзгаришига, савдо-сотик вақти ва жойи, товарлар, битим ҳажмлари, контрактларнинг миқдорлари ва кўрсаткичларга доир ахборотларни, товарларнинг бозордаги аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболларига доир таҳлилий шарҳларни эълон қилиши шарт. Бунда бозор конъюктурасини сунъий равишда ўзгартиришга олиб келиши мумкин бўлган сохта маълумотлар тарқатиш ман қилинади. Биржа савдо-сотиги қоидалари биржа аъзоларининг умумий йиғилишида ёки умумий йиғилиш берган ваколат асосида биржанинг бошқарув идораси томонидан тасдиқланади.

**БИРЖА САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ** — биржа аъзолари, биржа воситачилари, шунингдек, биржа мижозлари биржа савдо-сотиги қатнашчилари бўлиши мумкин. Брокерлик жойига эга эканлик ёхуд доимий ва бир галлик мижозлар томонидан савдо-сотикқа келганлик учун йиғимлар тўлаганлик биржа савдо-сотигида бевосита иштирок этиши ҳуқуқини беради. Брокерлик жойига эга бўлмаган биржа аъзолари биржа савдо-сотигида брокерлик фирмалари (идоралари) ва ушбу биржада ўз фаолиятини амалга ошираётган мустақил брокерлар билан тузган шартномалар асосида иштирок этадилар.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ)** — тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича, 1945 йилда давлатлар томонидан (СССР, АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Франция) тузилган миллатларнинг биргаликда ҳаракат қилиш маркази. БМТнинг мақсади: халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, бунинг учун тинчликни бузувчиларга қарши биргаликда чоралар кўриш; халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш; иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсоний характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш. БМТ қароргоҳи — Нью-Йоркда, Женевада эса БМТнинг Европа бўлими жойлашган.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ** — БМТ Уставига асосан (97-модда), бу ташкилот маъмуриятидаги бош мансабдор шахс. БМТ Бош котиби БМТ Бош Ассамблеяси томонидан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ, қайта сайланиш имконияти билан 5 йил-



лик муддатга сайланади. БМТ Бош котиби Бош Ассамблея томонидан ўтказиладиган барча кенгашларда иштирок этади, шунингдек, ўзига юклатилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Бош котибнинг вазифаси маъмурий-ижрочилик характерига эга. Бош котиб, шунингдек, сиёсий характердаги ваколатларга ҳам эга, яъни у халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай масалани Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга (БМТ Уставининг 99-моддаси). Бош котиб ҳар йили Бош Ассамблеяга ташкилотнинг иши тўғрисидаги маърузаномани тақдим этади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ КОТИБИЯТИ**, барча органлар мажлиси ишини техник жиҳатдан таъминлаш, ҳисоботларни эълон қилиш ва тарқатиш, архивларни сақлаш, ташкилотнинг расмий ҳужжатлари ва ахборот ҳужжатлари чақиришни амалга оширади. БМТ Котибияти, БМТ аъзолари томонидан тузиладиган халқаро шартномаларни рўйхатдан ўтказди. БМТ Котибияти ходимлари уч туркум: олий маъмурий мансабдор шахслар; Бош котиб ва унинг ўринбосарлари; мутахассислар синфининг халқаро мансабдор шахслари; техник ходимлар (котиблар, курьерлар)га бўлинади. БМТда ҳозирги даврда 16 минг кишидан кўпроқ ходим бор. Хизматга олиш доимий ва муддатли шартнома тартибида амалга оширилади. БМТ Котибияти — Бош котиб ва бошқа ходимлардан иборат. Бош котибни Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея беш йил муддатга тайинлайди. Бош котиб ҳар йили БМТ фаолияти ҳақида Бош Ассамблеяга ҳисобот бериб туради. Котибият ходимларини Бош котиб тайинлайди. Котибиятнинг вазифаси БМТ ва унинг органларининг нормал ишлашини таъминлаш. Бош Ассамблея ва БМТнинг бошқа органлари қарорларининг амалда бажарилишига ёрдам беришдир. Котибият департаментлар ва бошқармаларга бўлинади: Сиёсий масалалар ва Хавфсизлик Кенгаши ишлари департаменти, Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, Васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар департаменти, Назорат бошқармаси, Кадрлар бошқармаси, Бош котибнинг Маъмурий идораси, Ижтимоий ахборот бошқармаси, БМТнинг Женева бўлими.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ** — БМТ Бош Ассамблеясининг Бош қўмиталари; Сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари қўмитаси (қуролланишни тартибга солиш ҳам шунга киради); Махсус сиёсий қўмита (бу ҳам сиёсий масалалар билан шуғулланади), Иқтисодий ва молия масалалари қўмитаси, Ижтимоий ва гуманитар ҳамда маданият масалалари қўми-

гаси, Васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар масалалари кўмитаси, Маъмурий ва бюджет масалалари кўмитаси. Уставга биноан Бош Ассамблея доимий ёки муваққат ёрдамчи ва махсус органлар тузишга ҳақлидир. Улардан асосийлари: Инвестициялар кўмитаси; Ходимларнинг пенсия жамгармаси кўмитаси; Тафтиш комиссияси; Халқаро ҳуқуқ комиссияси; Коллектив тadbирлар кўмитаси; Атом электрстанциясининг таъсири бўйича БМТ илмий кўмитаси; Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича маслаҳат (консультатив) кўмита; Космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш кўмитаси; Мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациянинг амалга оширилиши юзасидан махсус кўмита (“24 лар кўмитаси”), Савдо-сотик ва тараққиёт бўйича БМТ Конференцияси ва бошқалар.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ** — БМТнинг Васийлик тизимида қўшилган ҳудудларнинг бошқарилишини назорат қиладиган, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиб, лекин васийликдаги ҳудудларни бошқармайдиган, васийликни амалга ошириш учун Бош Ассамблея томонидан уч йил муддатга сайланадиган давлатлардан ташкил топган ташкилоти. Васийлик кенгаши 1946 йил Декабрда БМТнинг биринчи сессиясида ташкил этилган. БМТ Уставининг 87-моддасига мувофиқ Васийлик кенгаши васийликка олган ҳокимиятнинг йилда бир марта тақдим этадиган ҳисоботини ҳамда васийликдаги ҳудуд халқидан тушган илтимоснома ва талабларни кўриб чиқади, васийликка олинган ҳудудларга бориб, топшириқларнинг бажарилишини назорат қилади ва ҳоказо. Васийлик кенгаши ўз фаолиятини Бош Ассамблея раҳбарлиги ва назоратида олиб бордаи. Васийлик кенгашида масала кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Ҳозир васийлик тизимида Янги Гвинея ва васийлик остидаги стратегик ҳудуд деб эълон қилинган Тинч океан ороллари (бошқарув ҳокимияти — АҚШ) қолган, холос.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ КЕНГАШИ** — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири. Иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро масалалар юзасидан тadқиқотлар ўтказади, маърузалар тузади, халқаро конференциялар чақиради, ўз ҳуқуқлари доирасидаги масалалар юзасидан конвенциялар лойиҳаларини тайёрлайди. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, барча иқтисодий ва ижтимоий масалалар юзасидан Бош Ассамблея тавсияларини амалга ошириш билан шуғулланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

Кенгаш ҳар йили икки марта навбатдаги сессияга тўпланади. Кенгашнинг доимий кўмиталари (Саноат тараққиёти кўмитаси, Ҳукуматдан ташқари ташкилотлар кўмитаси, Турар-жой масаласи, қурилиш ва Режалаштириш кўмитаси ва бошқалар), фунуционал комиссиялари (Статистика комиссияси, Аҳоли комиссияси ва ҳоказо) бор. Кенгашнинг махсус органлари: Кенгайтирилган техника ёрдам дастури, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТ Махсус жамғармаси ва бошқалар. Бундан ташқари Европа учун Иқтисодий комиссия, Осиё ва Узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссия, Лотин Америкаси учун Иқтисодий комиссия, Африка учун Иқтисодий комиссия Кенгаш ишига ёрдам бериб туради.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ** — БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига қарашли халқаро ташкилоти. 1946 йилда тузилган. Асосий вазифаси Европа мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш, улар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустақамлаш, шунингдек, Европа мамлакатлари билан бошқа қитъалардаги мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан иборат. Комиссиянинг олий органи — ялпи сессия; одатда, йилига бир марта чақирилади, ижроия органи — котибият. Бош қароргоҳи — Женевада (Швейцария).

**БМТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ (ФАО)** — БМТ ҳузуридаги халқаро ташкилот; 1945 йилда тузилган. Асосий вазифаси озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришга ёрдам беришдир. ФАО Уставидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳар бир давлат унинг аъзоси бўлиши мумкин. Ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар эса ҳамкор аъзо сифатида қабул қилиниши мумкин. Олий раҳбар органи — унга аъзо бўлган давлатлар вакилларининг Бош конференцияси; одатда, икки йилда бир марта чақирилади. Конференциялар ўртасидаги даврда ташкилот фаолиятини Бош кенгаш назорат қилади.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТИЗИМИ** — БМТ Уставига мувофиқ унинг асосий органларини Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, БМТ қошидаги халқаро суд ва БМТ Котибияти ташкил этади. Бундан ташқари БМТ ўз Уставига биноан зарурат туғилган ҳолларда ёрдамчи органларни ҳам таъсис этиш ҳуқуқига эга.

**БИРОВГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛИК НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР** — ғайриқонуний ҳаракат

(ҳаракатсизлик) туфайли бошқа бир фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши шарт. Зарар етказган шахс, башарти, зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди (Фуқаролик кодексининг 987-моддаси). Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланади. Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини, зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 988-моддаси). Бир шахс томонидан бошқа бировнинг мол-мулкига, ҳаёти ва соғлиғига, шаъни, кадр-қимматига етказилган моддий, шахсий ва маънавий зиёнларни қоплаш қоидалари Фуқаролик кодексининг 986-моддасида белгилаб қўйилган.

**БИТИМ**, деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади. Битим бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Битимлар ҳақиқий саналиши ва тузишдан кўзланган юридик оқибатларни вужудга келтириши учун қатор талабларга жавоб бермоғи лозим: а) битим тузувчилар муомала лаёқатига эга бўлишлари шарт; б) битим мазмуни қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим; в) битим тузувчи шахс ўз хоҳиш-иродаси билан ҳаракат қилган бўлиши лозим; г) битим номигагина эмас, балки ҳақиқий юридик оқибатлар вужудга келтириш мақсадини кўзлаган бўлиши лозим; д) битим тузишда қонун талаб қилган шаклга риоя қилинган бўлиши лозим. Ушбу талабларга риоя қилмаслик битим ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади (Фуқаролик кодексининг 113—128-моддалари).

**БИТИМЛАР** — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларидир. Фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик қонунчилиги битимни бир неча турларга бўлган. Аввало, битим бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Шунингдек, битимлар шартли

(агар тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйилса), реал ва консенсуал битимлар, қуазал ва абстракт битимлар, айрим ҳолларда ишончли ва фидуциар битимлар ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105-моддасига кўра битим оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади. Айрим ҳолларда қонунчилик битимнинг нотариал тасдиқланишини мажбур қилиб қўйган, битим тузишнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим Фуқаролик кодексига белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топанлиги сабабли (низולי битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим). Битим ҳақиқий бўлмаганида, тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича, олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда), қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

**БИТИМ ТУЗИШ**, деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларни белгиланган усулда, шаклда ва мазмунда содир этиш, амалга оширишга айтилади. Бир томонлама битимни тузишда бир тарафнинг хоҳиши зарар ва етарли бўлса (масалан, васият), кўп томонлама битимларда (масалан, шартнома) тарафларнинг келишуви шарт. Битим тузиш оғзаки ёки ёзма (оддий ёзма ёки нотариал тасдиқланган ёзма) шаклда амалга оширилади. Сукут сақлаш (индамаслик) қонун ҳужжатларида ёки томонларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам (масалан, автоматдан товар сотиб олиш) бундай битим тузилган ҳисобланади. Юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузган битимлари, фуқаролар ўртасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн барваридан ортиқ суммадаги битимлар ёзма тузилиши шарт. Битимлар қонунда кўрсатилган ҳолларда (масалан, васиятнома) ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал гувоҳлантирилиши шарт. Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (Фуқаролик кодексининг 111-моддаси). Битим тузишда қонун талаб қиладиган шаклга риоя қилмаслик

оқибатлари Фуқаролик кодексининг 109, 112-моддасида белгилаб қўйилган.

**БЛАНКЕТ НОРМА** — давлат органлари ва мансабдор шахсларга мустақил қонун-қонидани ўрнатиш ёки ман этиш ҳуқуқини берувчи ҳуқуқий норма.

**БЛОКАДА (ҳарбий)** (ингл. *blockade*) — халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳарбий ҳаракатларни амалга оширишнинг алоҳида шакли бўлиб, блокада қилинувчи объект ташқи алоқаларга киришининг олдини олиш мақсадида ажратиб қўйилиши тушунилади. Блокадалар: қуруқлик блокадаси, денгиз блокадаси ва ҳаво блокадасига ажратилиши мумкин. Денгиз блокадасини қўллаш кенг тарқалган. Блокада даврида нейтрал давлатларнинг урушаётган давлатлар билан эркин савдо алоқаларини олиб бориши қийинлашади. Блокада қилинаётган объект чегаралари, қирғоқлари, портларига қарши қаратилган бўлиши шарт, акс ҳолда, у юридик жиҳатдан ҳақиқий ҳисобланмайди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ фанида блокада агрессиянинг бир кўриниши сифатида қараб чиқилади.

**БОДМЕРЕЙ ШАРТНОМАСИ** (голл. *bodemery*) — қарзни таъминлаш мақсадида кема таровга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**БОЖХОНА** — давлат назорат органи. Божхона назорати зоналари божхона жойларида ва божхона органлари томонидан белгиланган бошқа жойларда тузилади. Божхона назорати зоналарини тузиш ва тайинлаш қонун асосида белгиланади. Божхона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга оширишга, шунингдек, уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахслар олиб ўтишга божхона органларининг рухсати билан ва назорати остида йўл қўйилади.

**БОЖХОНА БАЁНОТИ** — қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжат. Чегара орқали ўтаётган юк (экспорт-импорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжом-буюмлар ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар тўплами.

**БОЖХОНА БРОКЕРИ** — божхона органи лицензиясини олган юридик шахс. Божхона брокери ўзини вакил қилган шахс ҳисобидан ва унинг топшириғига биноан божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни ўз номидан ўтказиш ва божхона иши соҳасида бошқа воситачи вазифаларини бажаришга ҳақли.

Божхона брокери билан уни вакил қилган шахснинг ўзаро муносабатлари нотариал тасдиқланган шартнома асосида қурилади. Божхона брокерининг божхона органлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари уни вакил қилган шахс билан тузиладиган шартномади чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

**БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ** — юридик ва жисмоний шахсларга, уларнинг товарлари, қимматбаҳо нарсалари, шахсий буюмлари ва бошқа турдаги предметларни бирон-бир мамлакат ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит орқали олиб ўтишларида бериладиган устунликлар мажмуаси. Божхона имтиёзлари умум қўлланилувчи божхона режимдан ажратилиб, истисно тариқасида қулайлик бериш тартиби асосида қўлланилади. Божхона имтиёзлари божхона тўловлари ва йиғимларидан озод этиш, товарлар, шахсий буюмларни божхона чегарасидан соддалаштирилган тартибда олиб ўтиш ёки божхона чегарасидан олиб ўтилиши умумий тартибда тақиқланган қандайдир предметларни олиб кириш, олиб чиқишда божхона режими тўлиқ қўлланилмаслигида намоён бўлади. Юридик хусусиятига кўра божхона имтиёзлари қуйидагиларга: халқаро шартнома асосидаги конвенцияли имтиёзлар; бир тарафлама, яъни бирон-бир давлат томонидан бир томонлама ўрнатиладиган имтиёзлар. Биринчи турдаги имтиёзлар 1961 йилда қабул қилинган Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясида назарда тутилган.

**БОЖХОНА КОДЕКСИ** — давлат чегараси орқали келаётган, кетаётган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, бошқа турдаги ашёлар ва божхона операцияларини назорат қилиш ҳамда контрабанда, божхона қоидаларини бузувчилар билан курашишни тартибга солишга қаратилган қонуний акт. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган ва 1998 йилнинг 1 мартидан амалга киритилган.

**БОЖХОНА ҲУДУДИ (Божхона назорати зоналари)** — божхона назорати зоналари божхона чегаралари бўйлаб, божхона расмийлаштируви жойларида, божхона органлари жойлашган ерларда ва божхона органлари томонидан белгиланган бошқа жойларда тузилади. Божхона назорати зоналарини тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Божхона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишга, шунингдек, уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг рuxсати билан ва назорати остида йўл қўйилади.

**БОЖХОНА ҲУҚУҚИ** — божхона соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасидан иборат бўлиб, у қонунчилик тизимининг соҳаси сифатида ўрганилади. Божхона ҳуқуқи фан сифатида божхона-ҳуқуқий муносабатлари, божхона режимининг турлари, божхона-ҳуқуқий жавобгарлиги ва бошқаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари божхона ҳуқуқи ўқув фани сифатида, олий юридик ва иқтисодий ўқув юртлирида махсус курс тарзида ўқитилади.

**БОЖХОНА КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ** — товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш, товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йигимлар олиш, шунингдек, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг олдини олиш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**БОЖХОНА НАЗОРАТИ ЗОНАЛАРИ** — *Қаранг:* “Божхона ҳудуди”.

**БОЖХОНА ОМБОРИ** — божхона режими турларидан бири бўлиб, бу турдаги режимда олиб кириладиган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан, божхона назорати остида сақланади. Экспорт режимида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида, қонунда кўзда тутилган белгиланган имтиёзлар асосида сақланади.

**БОЖХОНА ОРГАНИ ЛИЦЕНЗИЯСИ**, юридик ёки жисмоний шахсга божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омборни таъсис этиш, божхона ҳудудида қайта ишлаш, божхона назорати остида қайта ишлаш, божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш, божхона режимларидан фойдаланиш, шунингдек, божхона брокери, божхона ташувчиси сифатидаги фаолиятни амалга ошириш учун берилади. Лицензия беш йил муддатга берилади. Агар божхона омбори божхона органлари томонидан таъсис этилса, кўрсатиб ўтилган лицензияни олиш талаб қилинмайди. Лицензия божхона органи ёхуд суднинг қарорига кўра бекор қилиниши ёки унинг амал қилиши тугатилиши мумкин. Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омборни таъсис этиш, шунингдек, божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиши божхона органи қарорига кўра тўхтатиб қўйилиши мумкин.



**БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ** — давлат божхона идораси (вазирлик, қўмита, департамент ва ҳоказо) унинг ҳудудлардаги бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органларини ташкил этади.

**БОЖХОНА РАСМИЙ БЕЛГИСИ** — божхона органлари ва улар ихтиёридаги дарё (денгиз ва ҳоказо) кемалари ўз байроғига эга бўлади. Божхона органларининг автотранспорт воситалари ҳамда ҳаво кемалари фарқлаш белгисига эга бўлади.

**БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ** — товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи.

**БОЖХОНА СИЁСАТИ** — давлат чегарасида ва божхона расмийлаштирувдан ўтувчи молларга бож солиғи солишда тегишли тартиб ўрнатиш мақсадида қўлланилган чора-тадбирлар тизими. Божхона сиёсатини амалга оширувчи асосий воситалар қуйидагилардир: божхонани йўлга солиш иқтисодий чора-тадбирлари тартиби; божхонанинг уюшма ва конвенцияларда қатнашиши; саноат моллари билан эркин савдо қилиши учун минтақалар, зоналар яратиш; юкларнинг чегарадан ўтиш тартибини белгилаш; божхона назоратининг давлат органлари тармоқларини яратиш; божхона фаолиятининг қонун яратувчи қоидаларини яратиш ва бошқалардир. Мамлакатимизда ҳозирги кунда божхона сиёсати корхона ва уюшмаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда халқаро битимлар билан тартибга солинади.

**БОЖХОНА ТАРИФИ** — бирон-бир мамлакат ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит орқали олиб ўтиладиган, божга тортиладиган, божга тортилмайдиган, олиб чиқилиши тақиқланган товарлар ҳамда божхона божлари ставкалари рўйхати.

**БОЖХОНА ТАРТИБЛАРИ (Божхона текширишлари)** — божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқига эга: товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш; юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек, зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш; валюта назоратини амалга ошириш; молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек, юридик ва жисмоний

шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотларни олиш; божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш; божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш; божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш ва ҳоказо. Божхона органи мансабдор шахси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш жараёнида далилларни аниқлаш ва уларни қайд этиш, ишга аҳамияти бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун жойи, ҳудудларни, биноларни, транспорт воситаларини, ашёларни ва ҳужжатларни божхона текширувидан ўтказишга ҳақли. Божхона томонидан кўздан кечириш ҳудуди, биноси, транспорт воситаси, ашёлари ва ҳужжатлари кўздан кечириляётган шахс (унинг вакили), камида икки холис, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида ўтказилади. Божхона томонидан кўздан кечириши ўтказишда иштирак этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

**БОЖХОНА ТЎЛОВИ МИҚДОРИ (Божхона тўловларининг турлари)** — товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади: бож; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; лицензия берганлик учун йиғим; божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис деган малака аттестатини берганлик учун йиғим; божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими; товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими; товарларни божхона кузатувига олганлик учун божхона йиғими; дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ. Бундан ташқари, бошқа турдаги божхона тўловлари ҳам белгилашни мумкин.

**БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ** — давлатнинг божхона идораси орқали ўтказиладиган товарлардан оладиган пул йиғими. Божхона тўлови транзит ва олиб ўтиладиган товарлардан ундирилади. Тўлов ҳажми божхона тарифи орқали белгиланади. Четдан келтириладиган товарларга оширилган тўлов белгиланади, бунда давлат ички бозорини ҳимоя қилиш ва келтиралаётган товарларнинг рақобатбардошлигини пасайтириш, импорт молларининг ҳажми ва таркибини танлаш, белгилаб туриш мақсадини кўзлаб фаолият кўрсатади.

**БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ** — Қаранг: “Божхона тўлови миқдори”.

**БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ** — божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг чегаралари божхона чегараси ҳисобланади.

**БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСИ** — чегара орқали юкларни олиб чиқишда божхона органларига тақдим этиш учун юк тўғрисида барча маълумотларни қамраб олган ҳужжат.

**БОЛА** — тўла муомала ёшига етмаганлар бола деб ҳисобланадилар. Ота-онадан туғилган болалар ёшидан қатъи назар, шу ота-онанинг боласи бўладилар. Бола ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, неvara бобосига, бувисига нисбатан иккинчи, эvara, иккинчи бобосига, катта бувисига нисбатан учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо. Ака-ука, ота-онанинг ака-укаси ва опа-синглиси ҳамда уларнинг ва уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг боласи ва шунга ўхшаш ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига белгиланганидек, боланинг шу онадан тугилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан, тиббий муассасада туғилган ҳолларда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади. Бобо ота-онанинг отаси, буви эса ота-онанинг онасидир. Болага ота-оналардан кейин энг яқин қариндош бобо ва бувилар бўлиб ҳисобланади. Ҳаётда бобо ва бувиларнинг неваралари билан бўлган муносабатлари мустаҳкам ва чуқурки, у икки томонга ҳам жуда катта қувонч ва маънавий лаззат бағишлайди. Чунки бир умумий шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Бобо ва буви ўз невараси билан кўришиб туришга ҳақли. Бобо ва бувилар кўпинча ота-онаси йўқ ёки айрим сабабларга кўра ўз болаларини бобо ва бувиларга тарбиялаш учун ҳам қолдирадиган ота-онанинг боласига (невараси, эвараси, чевараси) қарайдилар.

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ** — инсон ҳуқуқларининг болага нисбатан қўлланилиши. Бу соҳадаги махсус нормаларнинг ишлаб чиқилиши, боланинг жамиятдаги алоҳида ҳолати, уларнинг оиладаги ўрни, ёши билан боғлиқ махсус ҳуқуқларнинг ҳамма давлат қонунчилигида белгиланмаганлиги вояга етганлар ҳуқуқларнинг барчасига эга эмаслигидан келиб чиқади. Бола ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқий ақтларда мустаҳкамланиши муҳим аҳамият касб этади. Бола ҳуқуқлари соҳасига тегишли халқаро ҳужжатларнинг кўпчилиги у ёки бу доирада ёш болаларга тегишлидир

(1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва ҳоказо). Шу билан биргаликда, бевосита болалар ҳуқуқига оид тегишли махсус ҳужжатлар мавжуд, 1959 йил қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларацияси, 1974 йилги Фавқулодда ва ҳарбий ҳолатларда болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация, Халқаро Меҳнат ташкилотининг бир қатор конвенциялари ва ҳоказо. 1989 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди.

**БОЛАЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ТАЪТИЛЛАРИ** — ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун бериладиган таътил. Бу даврда қонунда белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга унинг хоҳишига кўра боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллاردан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки уни амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин. Аёл ёки болани парваришлайётган юқорида айтилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллار меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

**БОСҚИНЧИЛИК** — жиноят ҳуқуқида мулкка қарши қаратилган, зўрлик ишлатиш билан содир этиладиган талон-торожнинг энг хавфли шакли.

**БОШ АТТОРНЕЙ** (ингл. *Attorney General*) — Буюк Британия, АҚШ, Бразилия, Венесуэла ва бошқа қатор давлатлар адлиясининг мансабдор шахси. Буюк Британияда Бош атторней — Министрлар Маҳкамаси аъзоси, давлат манфаатларига алоқадор ишларни судда кўриб чиқувчи ҳокимиятнинг Бош юрист маслаҳатчиси, алоҳида сиёсий ишлар бўйича судда давлат айбловчиси. АҚШда эса Бош атторней — адлия департаментининг бошлиғи (министр), шу билан биргаликда, федерал ҳукумати юрист маслаҳатчиси ҳамдир.

**БОШ АУДИТОР** (ингл. *Auditor General*) — бир қатор мамлакатларда, жумладан, собиқ инглиз колонияларида (Ҳиндис-

тон, Непал, Кения, Маврикий, Барбадос, Замбия ва ҳоказо) давлатда молия-бюджет хизматини бошқарувчи, юқори мансабдор шахс. Бош аудитор мамлакат президенти ёки генерал-губернатори томонидан, премьер-министр маслаҳати бўйича ёки парламент тасдиғидан сўнг тайинланади. Ушбу мансабни маълум бир ёшгача (масалан, Замбияда 60 ёш) эгаллаб туради ёки баъзи ҳолларда импичмент тартибида ўзгартирилади. Бош аудитор мустақил ҳолда ўз хизматини шакллантиради.

**БОШ ДИСТРИБЬЮТОР** — у ёки бу фирманинг муайян бозордаги асосий вакили. Бош дистрибьютор товар ишлаб чиқарувчи фирманинг маҳсулотларини бевосита ёхуд ўзига қарашли воситачилар (агентлар) тармоғи орқали сотиш билан шуғулланади.

**БОШ ЮК** — денгиз кемалари билан ташиладиган ҳар қандай қопланиб ёки ўрамланиб жойланган юк. Унинг қопланмасдан ташиладиган юклар (буғдой, руда, кўмир)ни ташишдан фарқи шундаки, юк ташувчидан қопланган юкка нисбатан алоҳида ғамхўрлик талаб этади.

**БОШ ҲИСОБЧИ (Бош бухгалтер)** — молиявий ҳисоб-китобни амалга оширишга жавобгар мансабдор шахс.

**БОШ ПРОКУРОР** — қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколати мамлакатнинг бутун ҳудудига, барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, барча мансабдор шахслар ҳамда фуқароларга нисбатан татбиқ этилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар прокурорлари, шунингдек, Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари ўз ваколатлари доирасида хизмат қиладилар. Бош прокурор ўз ваколатларини бевосита Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан амалга оширади.

**БОШ ПУДРАТЧИ** — агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариши мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб этишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади. Бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлади, буюртмачи олдида эса ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки ло-

зим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади. Бош пудратчи буюртмачи ва ёрдамчилар ўртасида ўзига хос воситачи бўлса ҳам, улар бир-бирлари билан бош пудратчи орқали боғлиқдирлар. Бош пудратчи буюртмачи билан ҳам, ёрдамчи пудратчилар билан мустақил шартномалар тузади. Бош пудратчининг ҳуқуқий ҳолати Фуқаролик кодексининг 634-моддасида белгилаб қўйилган.

**БОШПАНА ҲУҚУҚИ** — сиёсий, миллий озодлик ва илмий фаолияти учун қувғинга учраган ажнабий фуқароларга бирон-бир мамлакатга келиш ва унда яшаш учун давлат томонидан рухсат бериш, қувғинга учраган қочоқларни қидираётган давлатга тутиб бермаслик ҳуқуқи.

**БРАКОНЬЕРЛИК** (франц. *braconnier* — браконьер; дастлаб ит овловлар) — ҳайвонлар муҳофазасини назарда тутувчи қонунларда белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ёввойи ҳайвонларни, балиқларни овлаш.

**БРОКЕР** — *Қаранг:* “Брокерлик фаолияти”.

**БРОКЕРЛИК ФАОЛИЯТИ** — фонд, товар, валюта биржаларида битимлар тузишда воситачиликни амалга ошириш бўйича брокер ва брокер фирмаларга фаолияти. Брокерлик фаолиятида брокер олди-сотди битимлари тузишда ўз мижозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини бажаради. Брокерлик конторалари (фирмалари) ва уларнинг филиаллари биржаларда ўз брокерлик жойларига эга бўлади. Брокер одатда мижоз топшириғи бўйича ва мижоз ҳисобидан битимлар тузади, бироқ брокер ўз номидан, бироқ унга ўз манфаатларини кўзлашни ишониб қўйганлар ҳисобидан ҳам битим тузиши мумкин. Брокерлик фаолияти суғурта, божхона, кредит, воситачилик соҳаларида ҳам амалга ошириши мумкин. Брокерлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби, асослари тегишли қонун ҳужжатлари, масалан, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун (2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган) билан тартибга солинади.

**БУКИНГ-НОТ** — юкларни денгизда ташиш шартномасининг бир тури. Рейс чартери шартлари асосида тузилган фрахт контрактдан фарқланиб, букинг-нот асосида линия коносменти шартлари ётади ҳамда денгиз шартномасидек ҳар бир аниқ шартнома расмийлаштирилади.

**БУЛЭ** (грек. *Bule* — кенгаш) — милоддан аввалги V асргача қадимги юнон қулдорлик шаҳар-давлатларида ижро этувчи ҳоки-

миятнинг олий органи бўлиб, у давлат назорати ва молияни бошқариш, савдони назорат қилиш ва тартибга солиш, мансабдорлар фаолиятини кузатиш, мажлисда кўриладиган масалаларни тайёрлаш каби турли маъмурий ва чет эллар билан бўладиган дипломатик вазифаларни бажарган. Булэ бадавлат ва зодагон уруғларнинг вакилларида ташкил топган. Афинада ўтказилган Клисфен ислохотидан кейин (милоддан аввалги VI аср.) булэ 500 аъзодан тузилган “Беш юзлар кенгаши” деб аталган. Булэ 30 ёшга тўлган Афина фуқароларидан қуръа ташлаш йўли билан сайланган. Ҳар бир филадан кенгашга 50 тадан киши кириши керак эди. Клисфен тўртта қабила ўрнига 10 та ҳудудий филалар тузган эди. Шунга кўра, ҳар бир филадан кенгаш (булэ)га 50 тадан киши тўғри келиши керак эди. Одатда, кенгаш тўла таркибда кам мажлис ўтказарди. Кенгаш филалар сонига караб 10 та притантга бўлинган эди. Улар навбати билан кенгаш сессиясида 36—39 кундан бир йилга қадар фаолияти кўрсатишарди. Шунга кўра, кенгаш доимий ҳаракатдаги муассаса эди. Пританийлар махсус бюрода мажлис ўтказишар, давлат ҳисобидан тушлик қилишарди. Улар ўз орасидан ҳар куни раис — “эпистата” сайлашарди. Милоддан аввалги V асрда эпистат булэнинг умумий мажлисига ва халқ йигилишига раислик қиларди. Давлат хазинаси ва девонхона (архив) калитини ҳамда давлат муҳрини ўзида сақларди. Булэ пританийлар орқали эклессия (халқ мажлиси) қарорларининг бажарилишини назорат қиларди. Пританийлар булэ ва халқ йиғинини чақирар улар учун мажлис дастурини тайёрлар эдилар. Кенгаш ўз ташаббуси билан ёки хусусий шахслар шикоятига кўра ҳокимият вакилларига нисбатан жиноий иш қўзғатиши, уларга жарима солиши, ҳатто уларни қамаш ва жазолаши мумкин эди. Шу муносабат билан булэ давлат жиноятчиларини ҳибсга олиш, уларнинг ишини судга ошириш ёки халқ йиғинига топшириш каби чексиз ҳуқуққа эга эди. Кенгаш, шунингдек, “докимассия”, яъни булэ таркибига ва архонтликка сайланганларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва маънавий фазилатларини текшириб кўриш ҳуқуқига ҳам эга эди. Шу тариқа, Тўрт юзлар кенгашини бекор қилиш ўрнига тузилган Беш юзлар кенгаши — булэ нафақат халқ йиғини ижроия органи, балки унинг доимий ҳаракатдаги ваколатли президиуми ҳам эди. Фила — уруғ-қабилавий бирлашма, кейинчалик ҳудудий округлар қилиб қайта тузилган.

**БУЛЛА** (лотин. *bulła* — соққа; ўрта асрлар лотин. — муҳр; муҳрланган ҳужжат) - - ўрта асрларда металлдан қилинган юмалоқ муҳр бўлиб, одатда у билан папа, император ва қирол ҳужжатлари муҳрланган, бинобарин, ана шу ҳужжатларнинг айнан ўзи. Венгрия қироли Эндрэ (Андрей) II Арпаданинг 1222 йилги олтин булласи дворянлик имтиёзларини ўзида мустаҳ-

камлаган. Қирол томонидан булла шартлари бузилган тақдирда йирик феодалларга қиролга қарши исён кўтариш ҳуқуқи берилган. Олтин булланинг яна бирини 1356 йилда “Германия миллати муқаддас Рим империяси” сейми қабул қилган ва император Карл IV томонидан тасдиқланган қонун актидир. X аср ўрталарида Германия қироли Оттон I Италиянинг шимолий ва жанубий қисмини босиб олишга муваффақ бўлади ва ўзини “Рим императори” деб эълон қилдаи. У тузган империя XV асрга келиб, “герман миллатининг муқаддас Рим империяси” номини олади ва 1806 йилга қадар ҳукм суради. Оттон I ҳокимиятига дабдабали тус беради. Герцогларни қаттиқ назорат остига олади. Ўзи уларни лавозимидан олар, янгиси билан алмаштирар, суд таъқибига дучор қилар, уларга қарашли вилоятларни қайта тақсимларди. Унинг издошлари ва меросхўрлари даврида алоҳида бўлиб, вилоятларга ажралиб чиқиш, мустақил бўлиб олишга қаратилган ҳаракат кучайди ва буни тўхтатиб бўлмади. Италиянинг ғарбий славян ерларида олиб борилган босқинчилик сиёсати бундай йўналишга қулай шароит яратиб берди ва айни вақтда қирол, унинг армияси, маъмуриятини ички герман ишларидан чалғитиб, марказий ҳокимият душманлари мавқеини мустаҳкамлашга олиб келди. Вақт ўтиши билан тахт сайловчилари бўлмиш энг қудратли князларнинг унча катта бўлмаган гуруҳи — курфюрюистлар ташкил топади. Бинобарин, марказий ҳокимиятнинг энг нуфузли лавозимлари уларнинг танҳо мероси бўлиб қолди. Бундай феодал тарқоқлик вазияти 1356 йилги Олтин Булла билан мустаҳкамланди. Герман императорини тайинлаш ва олиш курфюрюистлар иши бўлиб қолди. Империя князлари — курфюрюстлар ўз мулкларида мустақил деб тан олинди. Империянинг барча муҳим ишларини ҳал қилиш курфюрюистлар коллегияси қўлида эди. Улар ҳар йили ўз съездларига тўпланиб турар эди. Энг юқори суд имтиёзлари, танга зарб этиш, пошлина, қазилма бойликларни қазиб олиш ва ҳоказолар тўла-тўкис улар ихтиёрида эди. Булла сайловчи князларнинг ҳокимияти, даромадлари ҳақида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган эди. Уларнинг янги сайлаган “Рим қироли”, яъни ўз императорлари курфюрюистларнинг имтиёзлари-ю, инъом этилган барча унвон-даражаларини дарҳол ва сўзсиз тан олиниши буллада таъкидланди. Бошқа қатор имтиёзларни мустаҳкамлайди. Булла Германиянинг сиёсий тарқоқлиги кучайишига замин яратди.

**БУРГОМИСТР** (нем. *burgermeister*) — давлат ҳокимияти шаҳар органи бошлиғи. Ҳозирда бир қанча мамлакатлар (Германия, Белгия ва бошқа)да маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг бошлиғи. Бургомистр мансаби Ғарбий Европада XVI—XVII асрларда вужудга келган. Поляк тилида бурмистер, яъни



шаҳар бошлиғи деб ҳам аталади. Немисча ибораси аслида бош-пана, қароргоҳ маъносини англатади. Илк феодализм даврида Ғарбий Европада қурилган истехком, феодал қасри ёки ҳарбий маъмурий марказ. Урга асарларда ҳунармандчилик қишлоқ хўжалигидан ажралиб, алоҳида соҳа бўлиб қолиши натижасида бур-глар шаҳарларга айланди ва уларни шаҳар бошлиқлари — бур-гомистр ёки бурмистрлар бошқарадиган бўлди. Россияда Пётр I давридан то XIX асрнинг 60-йилларига қадар амал қилиб келди. Крепостнойлик Россиясида баъзан помещчиклар мулкининг бошқарувчиси шу ном билан аталган. 1861 йилги ислохотлардан кейин йирик бургомистр — волостлар бошлиғи (оқсоқоли) дейилган. Пётр I подшолик даврининг бошлариданоқ, Москвада Бурмистрлар палатасини, вилоят шаҳарларида эса сайлаб қўйиладиган бурмистрлар лавозимини таъсис қилди. У шаҳар юқори табақасининг манфаатларини назарда тутиб, посад аҳолисини воеводалар ихтиёридан чиқариб олади. 1720 йилда Петербургда Бош магистрат (шаҳар бошқармаси) тузилди. Шаҳар фуқаролари бойликларига қараб, гильдия (даражалар)га ажратилди. Уюшган савдогарлар тоифаси вужудга келиб, шаҳарларнинг мустақил таянчига айланди. Шаҳар бошқарувининг ислоҳ қилиниши шаҳарлар аҳолиси ўсишига, иқтисодий юксалишига ёрдам берди. Бу билан самодержавиянинг шаҳарлардаги ижтимоий мавқеи кенгайди.

**БУРЧ** — фуқаролик ҳуқуқи субъектлари зиммасига қонун ҳужжатлари, шартнома, иш муомаласи одатлари бўйича юкланган мажбурият. Бурчнинг мазмуни субъект томонидан маълум хатти-ҳаракатлар содир этиш (масалан, пул тўлаш, ашёни топшириш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ёки маълум қатъий ҳаракатларни содир этишдан тийилиб туриш (масалан, шартнома бўйича ёки бошқа қонуний асосларда ўзига маълум бўлган бошқа субъектларнинг тижорат сирини бошқаларга ошкор қилмаслик, сир сақлаш)дан иборат. Субъект томонидан ўз зиммасига юкланган бурчни бажармаслик ёки унга риоя этмаслик тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқаради. *Батафсил қаранг:* “Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик”.

**БУТЛЕГЕР** (ингл. *bootlegger*) — спиртли ичимликларни ноқонуний тарзда олиб кириш, сотиш, транспортировка билан шуғулланувчи шахс.

**БУХГАЛТЕР ҲИСОБИНИНГ СЧЕТИ** — хўжалик фаолияти жараёнида корхонада маблағнинг айланиши ва мулкларнинг ҳаракатини ифодаловчи маълумотлар мажмуаси. Корхона, муассаса мулк мажбурияти ва хўжалик юритиш операциялари-

нинг бухгалтерия ҳисобини бухгалтерия ҳисоби счетлари режасига мувофиқ икки марта қайд этиш усули билан олиб боради. Бухгалтерия ҳисобини юритишда корхона, муассаса томонидан қуйидагилар таъминланиши лозим: “Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низом” қоидалари ва ҳўжалик юритиш шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ҳўжалик операцияларини акс эттириш ва мулкни баҳолаш бўйича бухгалтерия ҳисоботи сиёсати (услугиёти)га ҳисобот йили давомида риоя қилиш; ҳисоб-китоб сиёсатининг ўтган йилга нисбатан бўлган ўзгаришининг йиллик бухгалтерия ҳисоботида изохланиши. Ҳисобга олишда ҳисобот даврида мазкур даврда амалга оширилган барча ҳўжалик операцияларини, шунингдек, мол-мулкни ашёвий рўйхатга олиш натижалари ва мажбуриятларининг тўлиқ акс эттирилиши; Уставда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, келиб тушган ва бўлган вақтидан қатъи назар, қўшилган харажатлар ва даромадлар ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари сифатида тан олинади. Ҳисобга олишда ишлаб чиқариш жорий харажатлари (муомала харажатлари)нинг ва капитал маблағларининг ажратиб берилиши; ҳар ойнинг бир кунига аналитик ҳисоб маълумотларининг статистик ҳисоб счётларидаги айланма ва қолдиқ маблағларига мувофиқ келиши.

**БУХГАЛТЕРИЯ** (немис. *buch* — китоб ва *halten* — ушламоқ) — 1) молия (бухгалтер) ҳисоботини юритиш; 2) молия (бухгалтерия) ҳисоботини амалга оширувчи ташкилот, муассасанинг тузилмавий бўлинмаси.

**БУЮК МИЛЛИЙ МАЖЛИС** — Туркия бир палатали парламентининг номи.

**БУЮК ХАЛҚ ХУРАЛИ** — Монголия Халқ Республикаси давлат ҳокимиятининг (парламентнинг) қонунчилик органи. Буюк Халқ Хурали 1924 йил 8 ноябра МХР ташкил топиши билан вужудга келган. Амалдаги конституцияси 1960 йил 6 июлда қабул қилинган бўлиб, унда Буюк Халқ Хурали давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, тасарруф этувчи ва назорат қилувчи олий органи сифатида мустаҳкамланган. Буюк Халқ Хурали 4 минг киши ҳисобидан 1 депутат нормасида яширин овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланган. Олий органи Буюк Халқ Хурали Президиуми ҳисобланади. 1949 йилга қадар БХХ Президиуми Кичик Хурал деб аталиб келган. Президиум асосан раис, раис муовини, котиб ва 6 аъзодан иборат тузилган. Буюк Халқ Хурали ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий орган — Монголия Халқ Республикаси Ҳукумати (Министрлар Совети)ни тuzган. МХР Конституциясига кўра мам-

лакат худуди маъмурий жиҳатдан аймақларга бўлинган; Улан-Батор ва Дархан шаҳарлари алоҳида маъмурий бирликни ташкил этади. Аймақ, шаҳарларда ва шаҳар районларида халқ депутатлари Хураллари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ҳисобланади. 18 ёшдан бошлаб барча фуқаролар давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларига депутатлар сайлаш ҳуқуқига эга. Суд тизими Олий суд, аймақ ва шаҳар судлари, шунингдек, махсус ва бошқа судлардан иборат. МХР пойтахти Улан-Батор шаҳри. Ўз давлат байроғи, мадҳиясига эга.

**“БУЮК ЭРКИНЛИК ХАРТИЯСИ”:** қирол Ерсиз Иоанн даврида Англия феодал зодагонлари билан қирол ўртасидаги муносабатлар мамлакатни хонавайрон қилган, халойиқни эса ғалаён кўтариш даражасигача олиб келган ўта оғир солиқлар ва йигинлар туфайли кескинлашиб кетди. Устига-устак, қиролнинг қудратли Рим папаси олдида таслим бўлиши ва унинг вассали бўлишига розилик бергани аҳволни янада жиддийлаштириб юборди. 1215 йилда Англия баронлари очиқдан-очиқ исён кўтаришга жазм қилдилар. Айни вақтда улар билан бирга майда рицарлар ва шаҳарликлар ҳам бош кўтариб чиқдилар. Кучли қирол ҳокимиятига қарши бўлмасалар-да, лекин ўзбошимчалик билан ўрнатилган солиқлар ва зулмлардан воз кечилиши талаб қилиб чиқдилар. Баронлар эса, қиролни бўйсиндиришни ва ўз поместьеларида мустақилликка эришишни истардилар. Шароит тақозоси билан қирол Иоанн “Буюк эркинлик хартияси” деб номланган ёрлиққа имзо чекишга мажбур бўлади. Англиянинг кейинги сиёсий ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этган бу ҳужжатнинг асосий қоидалари қуйидагилар: 1) солиқлар, йиғимлар, шунингдек, қалқон пули “қироллик умумий кенгаши” (яъни баронлар курияси)нинг қарорисиз ундирилиши мумкин бўлмаган; 2) озод кишиларнинг биронтаси ҳам тенг ҳуқуқдаги судья (пэрлар)нинг қонуний ҳукмисиз ҳамда “мамлакат қонунлари”га асосланмай туриб, қамоққа ташланиши, мамлакатдан ҳайдаб чиқарилиши, ер-мулкидан маҳрум қилиниши, қонундан ташқарига қўйилиши мумкин эмас; 3) бирон-бир кишининг ишончли гувоҳларни жалб қилмай туриб, кимнингдир ўзбошимчалик билан айбга тортишга ҳаққи йўқ; 4) Хартияга риоя этишни “ўзида бор имконияти билан” қиролни “мажбурлаш” ва унга “тазийқ кўрсатиш” ҳуқуқига эга бўлган 25 та барондан тузилган кенгаш кафолатлаши керак. Қирол билан синъор (барон)ларнинг ўзаро келишувининг ифодаси бўлган Буюк эркинлик хартияси XIII асрдаги каби XIV асрда ҳам у ёки бу даражада қирол ўзбошимчилигини жиловлаб турди. Мамлакатда ғала-ғовур тугалланиши биланоқ Иоанн Хартиядан дарҳол воз кечди, Рим папаси эса, уни қўллаб-қувватлади. Хартия 1216 йилда энди қирол устидан турувчи 25 баронлар

кенгаши тўғрисидаги 61-моддасисиз қайта тан олинади. Кейинчалик парламентнинг қироллик кенгаши умуман саҳнадан кетади. Қироллар Хартияни тан олиш баробарида унинг қоидаларини очиқдан-очиқ менсимай келардилар (1327 йилга қадар Хартияни 44 марта тан олишга тўғри келди). Хартия Англияда ёзилмаган конституциянинг рамзий таркибий қисми бўлиб қолган. Хартия аристократия (синьор, баронлар) манфаатини кўзлаб, қиролнинг ҳуқуқини чеклайди ва рицарларга, озод деҳқонлар юқори доирасига ҳамда шаҳарликларга баъзи бир имтиёзларнигина берди. Албатта, Хартия “халқ эрки”нинг кафолати бўла олмаган ва “халқ ҳуқуқи” деб ҳисобланиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки у халққа ҳеч нарса бермади ва бера олмасди ҳам.

**БУЮРТМА** — шартнома бўйича бир тараф (буюртмачи)-нинг иккинчи тараф (пудратчи, ижрочи, бажарувчи)га муайян ишни бажариш ва унинг натижасини топшириш ёки муайян хизмат кўрсатиш (муайян хатти-ҳаракатларни содир этиш ёхуд фаолиятни амалга ошириш) бўйича топшириғи. Буюртма ашёвий шаклда ҳам (масалан, кийим тикиб бериш) ёки ашёвий шаклда бўлмаган хизмат кўрсатиш кўринишида (масалан, таълим бериш, маслаҳат бериш ва ҳоказо) ҳам бўлиши мумкин. Буюртма одатда пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг предмети бўлиб ҳисобланади. Буюртмани бажариш тартиби, шартлари, унинг сифатига қўйиладиган талаблар, буюртма учун тўланадиган ҳақ миқдори қонун ҳужжатларида, шартномада, иш муомаласи одатларида белгилаб қўйилади.

**БУЮРТМАЧИ** — шартнома бўйича ўзига ёки учинчи шахсларга хизмат кўрсатилиши, иш бажарилиши, ашё ёхуд мол-мулк топширилиши тўғрисида топшириқ берган шахс ёки субъект. Буюртма ҳақ эвазига ёки текин амалга оширилиши мумкин. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Фуқаролик кодексига, тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Масалан, Фуқаролик кодексининг пудрат тўғрисидаги қоидаларида пудратчи ишни бажараётган вақтида, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш вақтида ва иш топилмаларидан фойдаланиш жараёнида ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларнинг кафолатлари ўз ифодасини топган (642, 643, 648-моддалар). Буюртмачи жисмоний шахс бўлган ҳолларда унинг ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларнинг кафолатлари “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун билан белгиланади. Жумладан, буюртмачининг бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизмат, хизмат ва унинг ижрочиси тўғрисидаги ахборотлардан хабардор бўлиш ҳуқуқи, иш ёки хизматнинг сифатли бўлишини талаб қилиш ҳуқуқи, иш, хизмат натижаларининг хавфсизлиги, шунингдек,

бундай иш, хизмат натижалари тинч ҳаётига, соғлиғига, мол-мулкига зиён келтирганда етказилган зарарларни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳоказо.

**БЎЛИНАДИГАН АШЁЛАР** — бўлиниши натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссасаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашёлар ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 88-моддаси). Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, материаллар бўлинадиган ашёлар жумласига киради. Уларни турли қисмларга, бўлақларга бўлиш натижасида тайинланиш мақсади бўйича фойдаланишига асло путур етмайди. Бўлинадиган ашёлар асл ҳолида (натура кўринишида) субъектлар ўртасида тақсимланиши, бўлиб берилиши мумкин.

**БЎЛИНМАЙДИГАН АШЁЛАР** — бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашёнинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 88-моддаси). Масалан, тирик чорва моллари, автомобил ва шу кабилар бўлинганда, қисмларга ажратилганда улардан дастлабки мақсади бўйича (сигирни сут берувчи, автомобилни транспорт воситаси сифатида) фойдаланиб бўлмайди, қиймати ва аҳамияти жиддий равишда ўзгаради. Бир хил ёки бир неча хил предметларни мажмуи бўлиб ҳисобланадиган, жисмоний жиҳатдан алоҳида, мустақил бўлса, бироқ биргаликда йиғилганда, мажмуа ҳолида, ягона мақсадга хизмат қилувчи мураккаб (таркибий) ашёлар ҳам бўлинмас ашёлар ҳисобланади. Масалан, мебел гарнитуриси, ошхона сервизлари. Бўлинмас ашёлар умумий мол-мулк бўлган ҳолларда уни шерик мулкдорлар ўртасида тақсимлаш зарурати туғилганда, асл ҳолида (натура кўринишида) тақсимлаб бўлмайди. Бунда бўлинмас ашёлар шерик мулкдорлардан бирига берилиб, бошқаларга пул кўринишида қиймати улуш ҳажмига мувофиқ миқдорларда тўланади ёхуд бўлинмас ашё сотилиб, ундан тушган пул шерик мулкдорлар ўртасида тақимланади (Фуқаролик кодексининг 223-моддаси).

**БЎНАК (Аванс)** — шартнома ёки битим бўйича бир тараф томонидан иккинчи тарафга бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан қисман ҳақ тўлаш. Бундан ташқари бўнак шартнома ёки битим тузилганлигини гувоҳлантирувчи ҳаракат ҳисобланади. Бўнак қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолларда тарафлар томонидан унга риоя қилиш мажбурият ҳисобланади. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномалари бўйича маҳсулот етказиб берувчига маҳсулот қийматининг энг камида ўн беш фоизи ҳажмида бўнак тўланиши шарт. Фуқаро-

лик кодексининг 638-моддасига биноан, пудратчи қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва миқдордагина ўзига бўнак берилишини талаб қилишга ҳақли. Бўнак шартнома бўйича тўланадиган ҳақ таркибига киради. Аванс олган субъект шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда бўнак қайтариб берилади, бундан ташқари, бошқа тараф бўнақдан фойдаланганлик тегишли фоизлар тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

**БЮДЖЕТ ДАВРИ** — бюджет тасдиқланганидан кейин ҳаракатда бўлган даври.

**БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ** — барча даражадаги, бўғинлардаги бюджетларни тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ҳамда уларни ижро этиш тартиб-қоидалари. Бюджет жараёни доимий равишда такрорланадиган, янгиланиб турадиган босқичлар йиғиндисини ўз ичига олади. У ёки бу бўғинга оид бўлган, бюджет билан боғлиқ ҳолда чиқариладиган ҳуқуқий акт (бюджет тўғрисидаги қонун, қарор) муайян давр давомида (бюджет йили) амал қилади ва ушбу давр яқунлангач, у янгидан ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши лозим бўлади. Бюджетларнинг шакллантирилиши тўрт босқичдан: 1) бюджет лойиҳасини тузиш; 2) бюджет лойиҳасини муҳокама қилиш; 3) бюджет лойиҳасининг ваколатли орган томонидан қабул қилиниши — тасдиқланиши; 4) белгиланган давр давомида ижро этилишини таъминлаш босқичларидан иборат. Бюджетлар лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, маҳаллий давлат органлари қарорлари билан белгилаб қўйилади. Бюджет жараёни қонунлар билан тартибга солинган фаолиятдан иборат бўлиб, бу фаолият давлат ва маҳаллий бюджетларни таркиб топтириш ҳамда ижро этилишини таъминлашга қаратилган бўлади. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёнининг барча босқичлари уч йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Тасдиқланган бюджет эса бюджет йили деб айтилиб, 1 январдан 31 декабргача бўлган бир календар йилдан иборат бўлади.

**БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ** — давлат ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тақсимлаш ҳамда сарф-харажат қилиш юзасидан белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиш. Бюджет жараёнида қатнашувчи барча субъектлар: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар учун бюджет интизомига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади. Бюджет интизоми бузилиши айбдор юридик шахсларга иқтисодий-молиявий жазо чоралари қўлланилишига, мансабдор шахсларга ва бошқа жисмоний шахсларга эса

интизомий, маъмурий ва ҳатто жинойӣ жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлади. Бюджет интизомини ташкил қилувчи қоидалар бюджет тўғрисидаги қонунларда, давлат даромадларини вужудга келтиришга қаратилган қонун ҳужжатларида (Солиқ кодекси, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси норматив ҳужжатларида ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда) белгилаб қўйилади. Бюджет интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш давлат молиявий қудратини ошириш, белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишига эришиш, молиявий маблағлардан самарали тарзда фойдаланишга ёрдам беради. Бюджет интизоми давлат интизомининг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлат фаолиятининг самарали ва бир маромда кечишини таъминлашга хизмат қилади.

**БЮДЖЕТ КРЕДИТИ** — бюджетни ижро этиш жараёнида унинг ҳисобидан у ёки бу харажатлар қилиш мақсадида маблағ ажратилиши. Бюджет кредити вазирликлар, идоралар, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари (кредит тақсимловчи) ихтиёрига келиб тушади. Кредит тақсимловчилар бош кредит тақсимловчиларга (вазир, идора раҳбари, маҳаллий ҳокимият органи раҳбари) ва қуйи кредит тақсимловчиларга (бош кредит тақсимловчидан маблағ олувчи қуйи ташкилот ва муассаса раҳбари) бўлинади. Барча кредит тақсимловчилар ўзлари учун ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ ва тасдиқланган смета доирасида фойдаланишлари лозим. Бюджет маблағларидан фойдаланиш пайтида йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун кредит тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра жавоб берадилар.

**БЮДЖЕТ НАЗОРАТИ** — барча даражадаги бюджетлар ижроси устидан давлат ҳокимият органларининг мунтазам назорати. Бюджет ижроси устидан назорат олиб бориш тартиби ва ташкилий кўринишлари тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳуқуқий актлари билан белгиланади. Ижроия ҳокимият органлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда бюджет ижросининг бориши устидан назорат олиб боради. Ўзбекистон бюджет қонунчилиги қуйи органларнинг бюджет фаолиятига юқори органлар аралашувини тақиқлайди. Шу билан бирга, юқори органлар қонунда бевосита кўзда тутилган ҳолларда қуйи органлар ўзларига юқори турувчи бюджетдан ажратилган маблағлар (субвенциялар)дан тўғри фойдаланаётганлигини назорат қиладилар. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари бюджет ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида турли ташкилий тузилмалар (комитетлар, комиссиялар ва бошқаларни) ташкил этишлари мумкин. Улар тегишли органларга бюджет ижросини ташкил этиш, бюджетга ўзгартиришлар киритиш юзасидан бажарилиши маж-

бурий бўлган кўрсатмалар беришлари мумкин. Бюджет қонунчилиги давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан тегишли бюджет ижросини текшириш учун аудиторларни жалб этиш мумкинлигини назарда тутади.

**БЮДЖЕТ ТИЗИМЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ**, давлат ва маҳаллий харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва нисбати муайян даврда давлат олдида турган вазифалар билан белгиланади. Бюджет харажатлари даромад таркибига, ҳажмига боғлиқ бўлиб, уларга ўз таъсирини ўтказиб туради. Бюджет тизимлари харажатлари таркиби қуйидаги йўналишлардаги сарф-харажатларни ўз ичига олади: халқ хўжалигини молиялаштириш харажатлари; ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш харажатлари; давлат ва муниципал (маҳаллий) дастурлар ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш; фундаментал илмий-техникавий тадқиқотлар, давлат ва маҳаллий илмий-теникавий дастурларни молиявий таъминлаш; мудофаа харажатлари; давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда органларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд, прокуратура органларини сақлаш харажатлари; ташқи иқтисодий фаолият харажатлари; фуқароларга турли нафақалар ва тўловлар тўлаш харажатлари, дотация ва субвенциялар тўлаш харажатлари ва талонлар. Бюджет харажатларига ва унинг таркибига ички, ташқи, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

**БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР** — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бюджет тўғрисидаги асосий қонун бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси бюджети тўғрисидаги қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тўғрисидаги қонун Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилинади. Жойларда маҳаллий бюджетларга оид ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимликлар) томонидан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасида соҳани тартибга солувчи алоҳида қонун — бу 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган ва 2001 йил 1 январдан амалга киритилган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонундир.

**БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИ** — бюджетни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича молиявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Бюджет ҳуқуқи молиявий тизимнинг бўлаги сифатида бюджетни вужудга келтириш, тақсимлаш ҳамда фойдаланиш юзасидан вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга



солади. Бюджет ҳуқуқи предмети жумласига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва бюджет тизимлари соҳасидаги муносабатлар; Ўзбекистон Республикаси ва маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлар тузилиши, уларнинг турли бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиши соҳасидаги муносабатлар; республика ва маҳаллий бюджетлари ваколатлари доирасини белгилашга оид муносабатлар; бюджет ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар. Юқорида санаб ўтилган ижтимоий муносабатлар бюджет ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниши натижасида бюджетга оид ҳуқуқий муносабатларга айланади. Бошқа молиявий муносабатлардан фарқли равишда бундай ҳуқуқий муносабатлар бюджет фаолияти натижасида вужудга келади. Бюджет ҳуқуқий муносабат субъектлари доираси нисбатан торроқ бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киради: давлат, маъмурий-ҳудудий тузилмалар; давлат вакиллик, ижроия ҳамда маҳаллий органлари; давлат ва муниципал ташкилотлар. Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси органлари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари киради. Иккинчи гуруҳга ҳукумат, вилоят шаҳар, туман маъмурияти, молиявий органлар тизими (Молия вазирлиги, Молия бошқармалари, банк тизими, солиқ органлари) киради. Учинчи гуруҳга давлат ва муниципал корхоналар, муассасалар ва давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган бошқа тузилмалар киради. Бюджет ҳуқуқи моддий-ҳуқуқий процессуал ва ҳуқуқий нормалардан иборат бўлиши мумкин. Моддий-ҳуқуқий нормалар бюджет тузилиши, тизимлари, даромад ва харажатлар таркиби ва бошқаларни белгилайди. Процессуал нормалар эса бюджет жараёни, қабул қилиниши ва ижро этилиши тартибларини белгилайди.

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ (Молиялаштириш)** — муайян соҳа ва муассасанинг харажатлар сметасида кўзда тутилган ҳолда бюджет йўли билан тасдиқланган пул маблағлари. Смета-бюджет йўли билан молиялаштириш молиянинг умумий қоидалари асосида пул маблағларини қайтармаслик ва ҳақ тўланмаслик шарти билан берилишидан иборат. Бюджетдан маблағ ажратиш молиялаштиришнинг ўзига хос тамойиллари ҳам мавжуд: а) бўйсунишига қараб юқори турувчи орган томонидан ажратилиши; б) иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш йиллик режалари ва дастурлари асосида таъминлаш; в) талаблар асосида таъминлаш кабилар. Бюджетдан маблағ асосан қуйидаги соҳаларга ажратилади: халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маданият, халқ таълими, миллий муҳофаа, давлат ҳокимияти ва бошқарув харажатлари, ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик органлари, суд ва прокуратура органлари.

**БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИ** — ҳар бир бюджет даромадлар ва харажатлар бўйича тузилади. Бюджет даромад қисмининг умумлаштирувчи манбаи бўлиб жамиятнинг миллий даромади ҳисобланади. Бюджет тизими даромад қисмининг таркиби юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли даражадаги бюджетларга тўланидиган тўловларда ифодаланади. Турли даражадаги бюджетларга келиб тушадиган даромадлар ижтимоий-иқтисодий белгилари, тўланиш тартиби ва шартлари, юридик шаклларига кўра классификацияланиши мумкин. Ижтимоий-иқтисодий аломатларига кўра даромадлар: 1) ташкилотлар хўжалик фаолиятдан олинadиган; 2) ташқи иқтисодий фаолиятдан олинadиган; 3) акцизлар; 4) ташкилотлар томонидан брокерлик ва бошқа воситачилик хизматларидан олинadиган; 5) давлат божлари; 6) банк ва суғурта фаолиятдан олинadиган; 7) хусусийлаштиришдан олинadиган; 8) ресурслар учун тўловлардан; 9) фуқаролар даромадларидан; 10) бошқа даромадлардан олинadиган бюджет даромадларига бўлинади. Тўланиш тартиби ва ўтказилиш шартларига кўра даромадлар биркирилган, тартибга солиб турувчи, дотация, субвенция, ўз маблағлари ва қарзга олинadиган маблағларга бўлинади. Биркирилган даромадлар фоизлар ёки бошқа қатъий белгиланган миқдорларда бюджетга келиб тушади. Тартибга солиб турувчи даромадлар юқори давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи қарори билан қуйи орган ихтиёрига ўтказилади. Бюджетнинг даромад қисми, шунингдек, дотациялар ва субвенциялар ҳисобига, яъни юқори турувчи бюджет томонидан қуйи турувчи бюджетга маблағ ажратилишидан иборат.

## “В”

**ВАГНЕР КОНЕРРИ ҚОНУНИ** (*National labor relations act*) — АҚШнинг 1787 йилдаги конституциясига биноан федерал ҳукумат меҳнат қонунларини қабул қилишга ҳуқуқли эмас эди. Бу ҳуқуқ штатларнинг легислатураларига берилган эди. Штатлар ҳокимияти ҳам бу борада “аралашмаслик” сиёсатини юритиб келди. Президент Рузвельтнинг “янги курси” даврида ишчиларнинг ўз ҳуқуқлари учун тинимсиз кураш олиб боришлари ҳукмрон доираларни ён беришга мажбур қилди. Натижада, 1935 йил 5 июлда “Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи миллий қонун” унинг авторларини номи билан Вагнер Конерри қонуни қабул қилинди. Қонун ишчиларнинг: касаба уюшмаларига бирлашиш, унга аъзо бўлиб кириш, сайлаб қўйилган вакиллари орқали коллектив шартномалар тузиш ва муҳокама қилиш, стачка, бойкот, пикетлар ўтказиш ҳуқуқларини тан олди (7-модда). Ишчиларга бу ҳуқуқларни беришдан мақсад уларни сиё-

сий курашдан иқтисодий кураш йўлига буриб юбориш эди. Ҳамда давлат аппарати ёрдамида саноатга тинчлик олиб кириш эди. Қонун “номуносиб меҳнат тажрибаси” номли тушунчани ўрнатди, бунга: касаба уюшмаси аъзоси бўлганлиги учун ишдан бўшатиш, қора рўйхатга ёзиш, ишчиларга қарши жосуслик қилиш, штрейкбрейхрлардан фойдаланиш, касаба уюшмаларнинг маошини қисқартириш киритилиб, корхона маъмурлари томонидан назорат этилди. Корхона эгалари ва касаба уюшмалари орасида низо юзага келса, меҳнат муносабатлари миллий бошқармасига муурожаат қилиш тартиби белгиланди.

**ВАЗИР** (араб.) — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ўрта асрдан ҳозиргача мавжуд бўлган юқори мартабали маслаҳатчи, ташкилот раҳбари.

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АППАРАТИ**, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлаш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мунтазам равишда текшириб бориш мақсадида тузилади. Давлатнинг ижро этувчи органлари таркибига киради. Вазирлар Маҳкамасининг аппарати ва унинг бўлимлари тўғрисидаги низо Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аппарати асосий таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Бош вазирнинг таклифномасига биноан Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан лавозимга тайнланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

**ВАКИЛ (Агент)** — белгиланган ваколатлар доирасида бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топширик берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш учун ишонч билдирилган шахс. Ушбу мажбурият белгиланган ҳақ эвазига амалга оширилади.

**ВАКИЛЛИК** — бир шахс (вакил)нинг бошқа бир шахс берган ваколоти асосида унинг номидан битимлар тузиш ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга оширишни белгилловчи тартиб. Вакиллик ишончнома, қонун (масалан, ота-она вояга етмаган фарзандлари номидан вакиллик қилиши), суд қарорига ёхуд ваколатли давлат идораси ҳужжати асосида вужудга келади. Вакиллик ваколатномасидаги юридик ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатлари ваколат берувчига тааллуқли бўлади. Ўз характериға кўра шахсан тузилиши мумкин бўлган битим (масалан, ишончнома бериш), шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа битимларни (масалан, васият) вакили орқали тузишга йўл қўйилмайди. Вакиллик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Фу-

қаролик кодексининг 10-бобида белгиланган қоидалар билан тартибга солинади.

**ВАКИЛЛИККА ОИД ЮКЛАР** — дипломатик, консуллик ваколатхоналари, чет давлатларнинг, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан расмий ишлатишга мўлжалланган қабуллар, халқаро кўргазмалар ва ярмаркалар, музокаралар (рекламаларнинг ўтказилиши, совға сифатида топширилиши ва ҳоказо учун) тегишли давлат божхона чегарасидан бошқа жойига кўчириладиган товарлар ва шу каби ашёлар.

**ВАКОЛАТ БЕРУВЧИ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ** — шахсларга маълум ҳаракатларни содир этиш имкониятини берувчи ва натижада маълум бир юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳуқуқ нормаси. Масалан, Оила кодексига белгиланган нормага кўра, эр-хотин никоҳдан ўтганидан сўнг фамилияларини ўзгартиришлари ёки никоҳдан ўтган давргача бўлган ўз фамилияларида қолишлари мумкин.

**ВАКОЛАТСИЗ ВАКИЛЛИК** — шахснинг махсус ваколатга эга бўлмаган ҳолда ёхуд ваколатлар доирасидан ташқари чиққан ҳолда бошқа шахс содир этган юридик ҳаракатлар учун вужудга келадиган барча ҳуқуқий оқибатлар унинг ўз зиммасига тушади. Ваколатсиз вакил томонидан тузилган битим, содир этилган юридик ҳаракатлар кейинчалик манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган шахс томонидан маъқулланган тақдирда бу шахс учун ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтиради. Ваколатсиз вакиллик оқибатлари Фуқаролик кодексининг 132-моддасида белгилаб қўйилган.

**ВАКОЛАТХОНА** — юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

**ВАЛИЗА** (франц. *valise* — чемодан) — дипломатик хатларни ташувчи (курьер)нинг дахлсизлик ҳуқуқи ёзилган почта қоғози.

**ВАЛОРАШТИРИШ** — 1) товар баҳосини, қимматбаҳо товарлар курсининг давлат томонидан кўтарилиши; 2) ревальвация билан баҳоси бир хил.

**ВАЛЮТА** (итал. *valuta Special Drawing Rights* — қиймат) — 1) мамлакат пул тизими асосида ётувчи у ёки бу давлатнинг пул бирлиги (масалан, Ўзбекистон сўми, АҚШ доллари ва ҳоказо) ёки халқаро молия ташкилотлари ва давлатлар молия иттифоқлари ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланиладиган сунъ-

ий жамоа пул бирлиги (масалан, СДР); 2) чет давлатнинг пул бирлиги, шунингдек, хорижий пул бирликларида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган кредит ҳамда тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, аккредитивлар ва ҳоказо). Ўз мавқеи ва қўлланилиш доираларига кўра барча мамлакатларнинг валюталари халқаро муносабатларда эркин муомаладаги (эркин конвертацияланадиган) ҳамда ёпиқ муомаладаги (конвертацияланмайдиган) турларга бўлинади; 3) чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар фоиз бойликлари (акциялар, облигациялар ва бошқалар); 4) кенг маънода ҳар қандай валюта бойликлари: нодир металллар (ҳар қандай кўринишдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи палладий, иридий, родий, рутений ва остий каби) металллар, (ушбу металллардан ишланган заргарлик ва бошқа буюмлари будан мустасно); табиий қимматбаҳо тошлар (сайқал берилган ва сайқал берилмаган шаклдаги олмос, лаъл, зумрад, ёқут, александрит ҳамда марварид, тошлардан ясалган заргарлик ва рўзгор буюмлари бундан мустасно).

**ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ** — конвертацияланган валютанинг айирбошланиш қобилияти; мазкур мамлакатнинг валютаси бошқа мамлакат валютасига ҳар қандай шаклда, барча турдаги операцияларда чекланмаган ҳолда айирбошланади. Валюта айирбошлаш миллий валютанинг жаҳон пули вазифасини бажараётганини билдиради.

**ВАЛЮТА АЛМАШТИРУВ ПУНКТЛАРИ** — банкларнинг валюта айирбошлаш идоралари (пунктлари). Улар бир валютани бошқа пул бирлигида белгиланган нархда сотади. Банклар валюта аукционидида қатнашиб, катта миқдорда валюта сотиб оладилар, шунингдек, аҳолидан ҳам валюта харид этадилар, сўнгра уни сотиб, бу ишдан даромад кўрадилар. Банкларда махсус валюта ҳисоб варақлари ҳам бўлади. Бу ҳисоб варақдаги пулни бошқа мамлакатларга ўтказиш мумкин. Шу пул ҳисобидан кишиларга “виза карта” деган карточка берилади, уни тақдим этиб бошқа мамлакатдаги банкдан ҳам валюта олиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки берган виза карта воситасида Германиядаги “Дойче банк”дан валюта олиниши мумкин.

**ВАЛЮТА ИЗОҲИ** — халқаро тўлов ва кредит битимлари, ташқи савдо контрактларига киритиладиган шартлардан бири. Ундан мақсад экспортчини ёки кредиторни валюта курси пасайиши оқибатида етиши мумкин бўлган зарардан муҳофаза қилишдан иборат.

**ЭРКИН КОНВЕРТИРЛАНУВЧИ ВАЛЮТА:** Ер юзида 100 га яқин шундай миллий валюталар бор. Аммо улар орасида эркин конвертирланадиган валюталар борки, улар ўта обрўли ва ҳамма ерда жон деб қабул қилинади. Булар жумласига АҚШ доллари, Евро, Швейцария франки, Япония иенаси, Англия фунт-стерлинги, Канада доллари киради. Қисман конвертирланган валюталар маълум мақсадлар учун ёки чекланган ҳолда бошқа валютага алмашинади. Ички конвертация бўлганда бошқа валютани миллий валютага фақат шу мамлакатда сотиб олиши мумкин. Ташқи конвертация бўлганда фақат хорижликлар миллий валютани эркин сотиб олиши мумкин. Конвертирланмайдиган валюталар бошқа валютага алмаштирилмайди. Улар соҳиби бўлган мамлакатларнинг иқтисодиёти қолоқ, уларнинг экспорт потенциали заиф, шу сабабли бу ерда хорижий валюта захиралари оз бўлиб, конвертацияга етмайди. Валюта конвертацияси миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига қўшилишига олиб келади.

**ВАНДАЛИЗМ** — ижтимоий хавфсизликка қарши қаратилган жиноят, яъни бинолар, иншоотлар ёки бошқа қурилмаларни ишдан чиқариш, жамоа жойларида ёхуд жамоа транспорти мулкига зарар етказиш.

**ВАНДАЛЛАР** — Рим ва унинг қишлоқларига нисбатан ўз босқинчиликлари билан танилган, уларга катта зарарлар етказган қадимги герман уруғи. Агрессия тушунчаси билан узвий боғлиқ ҳолда вандализм ўзига хос хусусиятларга ҳам эга: бу фақат моддий бойликларни эгаллаш мақсадида зарар етказишни амалга оширадиган куч ишлатиш ҳаракатидир.

**ВАРВАР ПРАВДАЛАРИ** — Ғарбий Европада варвар қонунлари, герман қабилаларининг ҳуқуқ ёдгорликларидан иборат бўлиб одат ҳуқуқлари, муҳим қонунчилик актлари ва суд қарорларининг ёзма тўпламларидан иборат бўлган. Улар аввалги Рим империяси ўрнида ташкил топган Ғарбий Европа давлатларида V—IX асрларда тузилган. Варвар правдалари энг аввало судбник ҳисобланган. У доимий равишда тўлдириб борилган. Варвар правдалари вестготлар, саликлар, рипулар, франклар, бургундлар, аллеманлар, баварлар, кейинчалик англо-саксон правдалари мавжуд бўлган.

**ВАРИАЦИОН ГУРУҲЛАР** — жиноятчилик ва у билан боғлиқ бошқа воқеалар ҳақида статистика маълумотлари. Бу маълумотлардан таҳлил қилинаётган воқеаларнинг қандайдир ўзгачан аломатларини аниқлашда фойдаланилади.

**ВАРРАНТ** (ингл. *warrant* — ваколат, ҳуқуқ ваколоти) — 1) қимматли қоғозлар муомалага чиқарилгунига қадар ўз қиймати бўйича сотиб олиш имкониятини берувчи сертификат тури; 2) қимматли қоғоз эгасига, белгиланган муддатда маълум бир имтиёзларнинг берилишига имконият туғдирувчи, қимматли қоғоз билан бериладиган қўшимча қоғозлар (акция, вексел, облигация, чеклар); 3) мол омборига маълум бир товарни сақлаш учун олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва ҳоказо.

**ВАСИЙ ТАЙИНЛАШ** — васийлик ота-онаси вафот этганлиги, ота-оналик ҳуқуқидан ота-онаси маҳрум этилганлиги, ота-онасининг касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб қолган вояга етмаган болаларни тарбиялаш учун, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланади. Саломатлиги ёмон бўлганлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларни бажара олмайдиган вояга етмаган кишиларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам васийлик белгиланади. Васийлик давлатнинг алоҳида ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ғамхўрлигининг ифодасидир. Васийлик 14 ёшга тўлган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Васийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгилананади. Васийлик вазифаларини амалга ошириш халқ таълими бўлимларига, соғлиқни сақлаш бўлимларига, ижтимоий таъминот бўлимларига юклатилган. Васийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик органи васий тайинлайди. Васий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билан тайинланиши мумкин. Васий тайинлаш лозимлиги васийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай васий тайинланиши лозим. Васийлик тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларини бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, васийликка олувчининг ўз хоҳиш-истаги эътиборга олинishi лозим. Қонунда васий қилиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар рўйхати назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига белгиланишича, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; болани фарзандликка олиб уни тарбиялаб ўстириш, улғайтириш каби мажбуриятларни бажарганликлари учун фразандликка олиш бекор қилинган ота-она, қонун билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганликлари учун васийлик ёки

ҳомийлик вазифаларидан четлатилганлар, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун муқаддам ҳукм қилинганлар васий бўлиб белгиланиши мумкин эмас.

**ВАСИЯТГА АСОСАН МЕРОС ОЛИШ** — меросхўр ўзига тегишли лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан унга эга бўлади. Меросхўр меросдан воз кечган ёки Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига асосан меросхўрлар орасидан чиқиб кетган тақдирда мероснинг унга тегадиган қисми ворислик қонуни бўйича меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида (меросхўрларга) меросдаги улушларига муносиб равишда тақсимланади. Агар мерос қолдирувчи барча мол-мулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, меросхўрларга тегишли бўлган қисми васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади ва агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасидаги меросдан улушларига муносиб равишда тақсимланади. Васиятнома бўйича мерос олинганида, нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахсдан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида ёки васиятноманинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилмаса, ёхуд қонуний ворисларнинг васият мулкига нисбатан талаби бўлмаса, Фуқаролик кодексининг 1146-моддасида белгиланган олти ой ўтмасдан аввал ҳам гувоҳнома беришга ҳақли.

**ВАСИЯТНОМА** — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этганидан сўнг бошқа шахснинг тасарруф этишини белгиловчи хоҳиш-иродаси ифодаланган ҳужжат. Васиятномада фуқаронинг васияти ифодаланади. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини ҳар қандай фуқарога, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига мерос қилиб васиятнома қолдириши мумкин. Васиятнома шахсан тузилиши лозим, вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Васиятнома ёзилган жойи, вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилади. Васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланади. Васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган шахс ҳузурида васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабабини кўрсатиб бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномалар ва



нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар шаклида бўлади. Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзлари нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим. Васиат қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилади, васият қилувчининг васиятномани шахсан ўқий олмаганлиги сабаблари кўрсатилади. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйлариининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалар, Ўзбекистон Республикаси байроғи остида сузиб юрган кемаларнинг капитанлари, қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициянинг бошлиқлари томонидан тасдиқланган, ҳарбий хизматчининг бошлиқлари ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалари бошлиқлар томонидан тасдиқланган, нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалар тенглаштирилади. Нотариус, васиятномани тасдиқлаган бошқа шахслар васиятномага оид маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиатнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилдга елимланиши лозим. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатилган ҳолда хатжилдга имзо қўйилади. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солиниб, хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш хатини ёзиб қўяди.

**ВАСИҚА** — мусулмон ҳуқуқида, у ёки бу мол-мулкнинг маълум бир шахсга тегишли эканлигини қози томонидан гувоҳлантирилиб берилган ҳужжат.

**ВАССАЛИТЕТ** (ўрта аср латин. *vassalus* — вассал, *vasus* — хизматкор) — Ғарбий Европада ўрта аср феодаллари ўзаро

шахсий муносабатлар тизимида вассалларнинг бирининг иккинчисига боғлиқлиги. Вассал ўз ҳукмдори феодалдан маълум бир мажбуриятлар олганидан сўнг уни бажаришга (масалан, ҳарбий мажбуриятни ўташ) мажбур бўлган.

**ВАУЧЕР** (ингл. *voucher* — тилхат) — 1) приватизация ёки мулкни хусусийлаштириш жараёнида приватизация қилинган мулкни олиш (хусусийлаштириш, ўзлаштириш) ҳуқуқини берувчи мулкӣ купон; 2) ёзма, гувоҳлик, кафолат тавсия хати; 3) шахс номи кўрсатилган приватизация чеки.

**ВАҚФНОМА** — мусулмон ҳуқуқида, маълум бир диний муассасага ҳадя, хайрия тариқасида берилган ёки васият қилиб қолдирилган мулкка нисбатан ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат.

**ВАҚФ ҲУҚУҚИ** — мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос институтларидан бири, мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини тақиқлаш йўли билан мулкдан мақсадли фойдаланиш. Мулкнинг бир шахсдан иккинчисига ўтиши вақф белгиланган мулк эгасининг, ташкилот ёки юридик шахснинг тугатилиши муносабати билан (бунда мулк вақф таъсисчилари меросхўрларига ўтади) ёки мулкнинг сотишга ярамаслиги ёхуд даромадсизлиги муносабати билан вужудга келиши мумкин. Бундай мулкдан олинадиган даромадлар бирон-бир диний ёки хайрия мақсадларида амалга оширилади ва шу мақсадни амалга оширувчи ташкилотларга бириктирилади.

**ВЕКСЕЛ** (немис. *Wechsel* — айнан алмаштириш, айирбошлаш) — муайян суммадаги қарзни белгиланган муддатда тўлаш мажбурияти қатъий юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик рўйхати, қимматли қоғознинг бир тури. У тижорат, савдо операцияларида айирбошлаш ва муомала воситасида пул, чек ва бошқа тўлов воситалари ўрнида қўлланиладиган кредит ҳужжатидир. Демак, вексел бир шахс томонидан иккинчисига ёзиб бериладиган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғознинг бир туридир. Векселни ҳар қандай тўловга қабул қилиш тўғрисида қорхона ёки ташкилот ёзиб бериш ҳуқуқига эга. Вексел сотилиши, кредит тарзида берилиши ва бирон-бир олди-сотди битимида ҳисобкитоб, тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин. Векселнинг бошқа турдаги қимматли қоғозлардан фарқи шундаки, уни сотиш орқали бозор ва корхоналардан пул маблағлари иқтисодий оборотга жалб қилишда вексел депозит функциясини бажаради, бироқ банкка депозит қўйгандагига нисбатан муҳим афзалликларга эга. Агар депозитга қўйганда пуллар корхона оборотидан чиқиб кетса, айти вақтда, корхона сотиб олган

векселни маҳсулот ва хизматлар учун тўлов воситасида ишлатилиши мумкин. Демак, вексел бир вақтнинг ичида ҳам депозит, ҳам чек афзалликларини ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бир қаторда, вексел бирмунча мураккаб ҳужжат бўлиб, ундан фойдаланишда муайян қийинчиликлар туғилиши мумкин. Нотўғри тўлдирилган, мужмал изоҳланган вексел ёки вексел муомаласининг ўзига хос хусусиятларини билмаслик ва унинг ишлатилишидаги тажрибанинг йўқлиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**ВЕКСЕЛ КУРСИ** — чет эл вексел қийматининг маҳаллий валютада баҳоланиши.

**ВЕКСЕЛ ҲУҚУҚИ** — ўз мажбуриятларини вексел ёрдамида расмийлаштирган шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси. Вексел ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлардан, вексел ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқиб тузилган ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган талабнинг қаттиқлиги билан фарқланади. Вексел ҳуқуқини тартибга солиш, 1930 йил Женевадаги Вексел конвенциясида қабул қилинган Ягона вексел қонунчилиги асосида амалга оширилади. Вексел ҳуқуқи вексел шакли ва унинг мазмунидаги реквизи́тларга нисбатан қўйиладиган талабнинг қатъийлиги билан белгиланади (Ягона вексел қонунчилигининг 1-моддаси). Реквизи́тлардан бирининг кўрсатилмаслиги сабабли вексел ўз кучини йўқотади.

**ВЕРБАЛЬ НОТАСИ** (рус. *вербальная нота*) — халқаро ама-лиётда дипломатик ёзишмаларнинг кенг тарқалган усули. Унда турли-туман жорий масалалар кўтарилади. У элчихона ёки ташқи ишлар вазирлиги номидан ёзилади.

**ВЕРГЕЛЬД** (немис. *Wergeld* — инсон баҳоси) — Варвар правдаларида озод инсонни ўлдирганлик учун белгиланган тўлов баҳоси. Қон учун қасд олишнинг яна бир кўриниши сифатида вужудга келган, аста-секинлик билан уни сиқиб чиқарган. Вергельд икки тарафнинг келишувига асосан жинси, ёшини эътиборга олиб белгиланган. Германлар Варвар правдалари томонидан аёллар, ёш болалар алоҳида муҳофазага олинган, шунингдек, юқори табақалар, мансабдор шахслар, руҳонийлар ўлими учун алоҳида баҳо белгиланган. Фарбий Европада феодал муносабатларнинг ривожланиши билан вергельд ўз моҳиятини йўқотган, лекин айрим давлатлар томонидан қўлланилиб келинган.

**ВЕСТМИНСТЕР СТАТУТИ** — 1931 йил 11 декабр, инглиз парламенти томонидан қабул қилинган акт, доминионларнинг

Буюк Британия билан ўзаро муносабатларини тартибга солган. 1926—1930-йилларда ўтказилган империя анжуманлари томонидан қабул қилинган қонунларга юридик куч берган, доминионларнинг Буюк Британия томонидан ўтказилган ташқи ва ички муносабатларида мустақиллигини белгилаган. Вестминстер статутида доминионларнинг суверенлиги таъкидланиб, Буюк Британия қонунлари доминионлар розилигисиз қўлланилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, доминион томонидан қабул қилинган қонунчилик, агарда у Буюк Британия қонунчилигига зид бўлса, юридик кучга эга эмаслиги белгиланган. Вестминстер статути доминионларнинг иқтисодий ва сиёсий соҳадаги мустақиллиги тўғрисида гувоҳлик берган.

**ВЕТЕРИНАРИЯ** — ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонларга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат, хўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуи. Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида” 1993 йил 3 сентябр Қонуни ҳозир ҳам амалда.

**ВЕТЕРИНАРИЯ КАРАНТИНИ** — ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалгани аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан айрим подалар, сурувлар, уюрлар, кўралар, фермерлар, хўжаликлар, корхоналар, темир йўл бекатлари, аэропортлар, дарё портлари, қишлоқ ва кўрғонларнинг ҳудудлари ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалган жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилинади ҳамда ветеринария карантини белгиланади. Ветеринария карантини ветеринария давлат хизматини олиб бораётган тегишли органларнинг қарори билан туманлар, шаҳарлар ва вилоятларнинг ҳудудида ҳам белгиланиши мумкин.

**ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ** — Ўзбекистон Республикасида ветеринария хизмати давлат ветеринарияси, идоравий ва хусусий ветеринария томонидан амалга оширилади. Давлат ветеринария хизматини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари, туманлар ва шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қарамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари, диагностика марказлари, ветеринария ши-

фоҳоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширади. Идоравий ветеринария хизмати вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тасарруфида бўлади. Улар ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария идораларининг назорати остида ҳайвонларга идоравий ветеринария хизматини кўрсатадилар. Хусусий ветеринария фаолияти билан Ўзбекистон Республикасининг ветеринария врачлари бўлган фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шуғулланишга ҳақлидир. Ветеринария фельдшерлари ва техникалари ветеринария врачлари назорати остида хусусий иш билан шуғулланадилар. Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланаётган ветеринария мутахассислари белгиланган тартибда берилган тегишли рухсатномалар (лицензиялар)га эга бўлишлари шарт.

**ВЕТО** (лотин. *veto* — тақиқлайман) — ҳозирги давлат ҳужжатларида қабул қилинган қарорнинг тўхтатиб қўйилиши ёки ҳаракатига йўл қўйилмаслиги. Бунда давлат бошлигининг парламент қабул қилган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Ветоларнинг қуйидаги турлари мавжуд: Абсолют (мутлақ) (ёки резолютив) вето, бунда давлат бошлиги парламент томонидан қабул қилинган қонунни бекор қилади ва нисбий вето, (кечиктирувчи, маълум бир муддатга қолдирувчи, суспенсив) бунда давлат бошлиги қонунни санкциялаш йўли билан уни кучга киришини маълум бир муддатга тўхтатиб туради, чунки парламентга қонунни такроран кўриб чиқиш ҳуқуқи берилади. Қонун лойиҳасига иккинчи марта овоз берилишида кўпчилик овозини олган бўлиши шарт (АҚШда ҳар уч палатадан икки қисми). Ветонинг, шунингдек, умумий ва хусусий (танлама) турлари бор. Умумий ветода қабул қилинган қонун тўлалигича бекор қилинса, хусусий ветода, қонуннинг айрим қисмлари ҳаракати тўхтатилади ёки бекор қилинади.

**ВЕЧЕ** — X—XIV асрда Қадимги ва Ўрта асрлар Русияда ўтказилган халқ мажлиси. Уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этган, князларни ўз вазифасига тайинлаган ёки чақириб олган, қонунлар қабул қилган, бошқа ерлар билан шартномалар тузган. Вече олий қонун чиқариш ва суд ҳокимиятини амалга оширган.

**ВИДОК** — Қадимги Рус ҳуқуқи бўйича гувоҳ.

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ** — инсонни хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини таъкидловчи БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36—55-сон Резолюциясида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида қайд қилинган ва 1998 йил 1 майда янги таҳрирда эълон қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун томонидан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 1 ва 4-моддалари фуқаролар ўзларининг динга бўлган муносабатини эркин белгилаш, маросим ва удумларни бажариш ва қонун олдида барчанинг динга бўлган муносабатларидан қатъий назар тенглигига кафолат беради. Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикаси куч ишлатишни тарғибот қилиш, миллатлар ва диний ташкилотлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституциявий тузум асосларига қаратилган ҳаркатлар ман этилади.

**ВИЗА** (лотин. *visus* — кўриб чиқмоқ, қараб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ) — 1) давлат ҳудудига кириш, чиқиш, яшаш ёки ҳудудидан ўтишга махсус рухсат берилганлигини кўрсатувчи белгининг паспортда қўйилиши. Дипломатия вакиллиги аъзоларига, халқаро анжуманлар делегатларига ва ҳоказо шахсларга махсус дипломатик визалар берилади. Виза маълум бир муддатга берилади. Виза тизими давлат ҳудудига чет эл фуқароларининг кириб келиши ва давлат ҳудудидан чет эл фуқароларининг чиқиб кетишини тартибга солиш, назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Ҳозирги даврда давлатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, давлат ҳудудидан визасиз чиқиб кетиш ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда; 2) ҳужжатнинг аниқ нусха эканлигини тасдиқловчи ёзув.

**ВИЗАНТИЯ ҲУҚУҚИ** — Византия давлати антик даврда яратилган Рим ҳуқуқини мерос қилиб олди. Византия ҳаттот ва ҳуқуқшунослари фаолияти натижасидагина бизга Рим салтанатининг ҳуқуқ манбалари етиб келган. Албатта, византияликлар Рим ҳуқуқига таъсир этмасдан қолмаганлар. Шунинг учун ҳам Византия салтанатида мавжуд бўлган ҳуқуқни “Рим ҳуқуқи” деб аташ унча тўғри бўлмайди, балки Рим “Византия ҳуқуқи” дейиш мақсадга мувофиқдир. Ҳақиқатан ҳам, айрим дарслик китоблари, ўқув қўлланмалари, шунингдек, Юстиниан кодификациясида антик Рим ҳуқуқи қисман ўз даврига мослаштирилган эди. Шунинг учун Византиянинг милодий V—VI асрларидаги ҳуқуқини Рим Византия ҳуқуқи ва VI асрлардан кейингисини Византия ҳуқуқи деб аташ мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш

керакки, Рим ҳуқуқи Византия учун маълум даражада “эскириб” ҳам қолган эди, чунки, Византияда феодал муносабатлар ривожланаётган бир даврда антик кулдорчилик ҳуқуқи бу давр талабига жавоб бермас эди. Рим-Византия ҳуқуқи Византиянинг ҳалокатидан кейин ҳам ўнлаб давлатларда амалда бўлди. Германияда эса расман унинг ҳаракати XX аср арафасидагина бекор қилинди. Византияшунос олимларнинг фикрига кўра, милодий IV асрда император Константиннинг давридан бошлаб традицион ҳуқуқ ва реккриптларга ҳавола қилиш камаю бошлаган ҳолда қадимги давр ҳуқуқи фақатгина ислоҳ қилиниб қолмасдан, балки янги қоида ва атамалар яратила бошлаган. Бу давр постклассик, янги классик ёки илк Византия даври деб аталади. Ҳуқуқнинг бюрократлашуви Византия ҳуқуқи системасининг барча бўғинларига чуқур кириб борди.

**ВИКТИМИЗАЦИЯ** — шахснинг жиноят қурбонига айланиш жараёни, шунингдек, ушбу жараённинг ягона ва оммавий тартибдаги натижаси.

**ВИКТИМЛИК** — инсоннинг айрим сифатлари (диний, жисмоний ва касбий) туфайли муайян объектив шарт-шароитларда жиний тажовузнинг қурбони бўлиш хусусияти.

**ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА** — виктомоген факторларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик, уларни бартараф қилиш ёки нейтраллаштириш чораларини қўллаш, жиноятнинг потенциал қурбонларини кўриқлаш, ҳимоя қилиш имкониятларини ошириш йўли билан айрим турдаги жиноятларнинг олдини олиш.

**ВИКТИМОЛОГИЯ** (лотин. *victima* — қурбон ва грекча — *logos* — таълимот сўзларидан) — жиноят қурбони ҳақидаги таълимот, жиний зўравонлик қурбонига хос хусусиятга эга бўлган жабрланувчи тўғрисидаги фан.

**ВИЛЛАНЛАР** (лотин.) — Ўрта асрлар Фарбий Европасида феодал қарам деҳқонлар (крепостной)нинг бир тури; Англияда амалда крепостной деҳқонлардан иборат бўлган, Франция, Германия ва Италияда эса шахсан озодалигини сақлаб қолгани ҳолда, ер муносабатлари бўйича феодалга қарам деҳқонлар. XIII аср Англиясида крепостной қарам деҳқонлар бўлган вилланлар ўта ҳуқуқсиз бўлиб, улар “умумий ҳуқуқда”ги барча имтиёзлардан маҳрум эдилар. Вилланга тегишли барча мулкнинг эгаси унинг хўжайини лорд эди. Шу билан бирга, улар XIII асрдаги қонунларга биноан ҳатто ўз хўжайинига нисбатан қирол судида жиний даъво қўзғаш ҳуқуқига эга эди. XIV аср охириларидан

бошлаб вилланлар шахсий озодлик сотиб ола бошлашлари билан бу тоифадаги деҳқонлар тугаб кетди.

**ВИНДИКАЦИЯ** (лотин. *vindicatio, vindico* — даъво қиламан, талаб қиламан) — фуқаролик ҳуқуқида мулк эгасининг ўз мулкини бошқа шахсларнинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиш усули. Даъвонинг ушбу шакли Рим ҳуқуқида вужудга келган.

**ВИНДИКАЦИЯ ДАЪВОСИ** — мулкдорнинг ўз мол-мулкини бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси.

**ВИНОДОЛ ҚОНУНИ** — 1288 йилда Винодолда (Vinodol, Хорватия вилояти) тўпланган ҳуқуқий нормалар тўплами, шарқий славянларнинг қадимий ҳуқуқ манбаларидан бири.

**ВИРА** — Қадимги Русда озод инсонни ўлдирганлик учун княз фойдасига ундириладиган пул тўлови. Инсонга соғлиғига етказилган зарар учун ярим вира тўланган.

**ВИЦЕ-КОНСУЛ** — вице-консулликни бошқарувчи.

**ВИЦЕ-МЭР** — Россия Федерацияси, Москва шаҳри мэрининг ўринбосари, Москва шаҳар ижроия ҳокимияти органлари тизими таркибидаги юқори мансабдор шахс.

**ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ** — 1) республика бошқарув шакли бўлган айрим давлатларда (АҚШ, Бразилия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва ҳоказо) президентнинг доимий ўринбосари. Вице-президент асосан президент сайланадиган муддатга ва президент сайланадиган усулда сайланади. Вице-президент номзодига қўйиладиган талаб одатда президент номзодига қўйилган талаб билан бир хил бўлади. Вице-президент қатор давлатлар конституциясига мувофиқ (АҚШ, Ҳиндистон, Аргентина) парламент юқори палатасининг раиси, мансабдор шахсдир. Вице-президент бир қатор ҳолатларда (президентнинг ишдан четлатилиши, касаллиги ёки ўлими) автоматик равишда президент бўлиб қолади (масалан, Аргентина, АҚШ) ёхуд бундай ҳолат юз берган тақдирда вақтинча унинг вазифасини бажариб туради (масалан, Ҳиндистон); 2) Президент вазифасини бажарувчи, корпорациядаги мансабдор шахс, шунингдек, корпорациянинг белгиланган соҳаси фаолиятини тартибга солувчи мансабдор шахс; 3) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумидаги мансабдор шахс.



**ВИЦЕ-ҚИРОЛЛИК** — XVI асрдан Испания колонияларининг мустақиллик учун урушгача 1810—1826 йилларда Америка колонияларининг Испаниядаги вице-қирол (қирол ҳокимияти вакили ҳисобланган) бошқарувидаги маъмурий-худудий бўлинмаси.

**ВОРИСЛИК**, васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик мерос қолдирувчининг қолдирган васияти бўлмаса ёки мерос мулки тулиқ васият қилинмаган бўлса, амалга оширилади. Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бири қайси навбатдан мерос олишга ҳақли бўлишига қараб мерос оладилар. Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бири навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда мерос олишга ҳақли бўлади. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар бўлиб, мерос қолдирувчининг болалари (фарзандликка олганлар), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар), мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳам ҳисобланади. Иккинчи навбатда ворислар мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари, шунингдек, унинг ота ҳам она тарафидан бобоси ва бувисидир. Учинчи навбатдаги ворислар бўлиб мерос қолдирувчининг туғишган аммаси ва холаси ҳисобланади. Тўртинчи навбатда эса мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга қиради) бўлган бошқа қариндошлари ворис бўлади. Бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда буви-бувалари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар. Шунингдек, фарзандликка олинган шахслар ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва уларнинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайди. Ворислик васият бўйича ҳам келиб чиқади. Ҳар бир фуқаро ўз мулкани васият қилиб қонуний ворислар доирасига қирадиган ёки мутлақо бегона шахсларга, шунингдек, юридик шахсларга, ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам васият қилиб қолдиришга ҳақли. Васият орқали мерос қолдирилганда мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманнинг мазмунидан қатъи назар, мажбурий ҳисса олишга ҳақли. Мажбурий ҳисса тартибда қонун бўйича ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб оладилар.

**ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ** — вафот этган (мерос қолдирган) шахс мулкининг ворисларига ўтиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси-дир. Фуқароларнинг вафотидан кейин уларнинг ворисларга ўта-диган мулклари мерос мулки ҳисобланади. Мерос тартибича, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мерос тартибига киради. Мерос қолдирувчи-нинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбури-ятлар: ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон унди-риш, алимент ундириш ёки тўлаш, пенсия, нафақа ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар, шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос тар-кибига кирмайди. Умумий биргаликда мулк иштирокчиси ва-фот этганда унинг улуши умумий мулкдан ажратилади. Мерос вафот этган ҳолда тақсимлаш имконни бўлмаганда эса бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади. Деҳқон (фермер) хўжа-лигига умрбод эгалик ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини ме-рос қилиб олиш ҳам ворислик ҳуқуқига оид қоидаларига муво-фиқ мерос бўлиб ўтади. Мерос мулки мерос очилганидан сўнг ворисларга ўтади. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд то-монидан вафот этган деб эълон қилинишидан сўнг очилади. Мерос қолдирувчи ўлган куни ёки у вафот этган деб эълон қилинганда эса, суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилма-ган бўлса, суднинг қарорига кучга кирган куни мерос очилган вақт деб ҳисобланади. Агар мерос олишга ҳақли бўлган ворис-лар бир соатдан кейин, бошқаси бир сутка давомида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланади-лар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади. Мерос қол-дирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мерос очилиши жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига те-гишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчириш мумкин бўлган мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой ҳисобланади. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг вафотидан кейин тирик ту-ғилган фарзанди меросхўр бўладилар. Меросхўрлар мерос қол-дирувчини ёки мерос олувчиларнинг биронтасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган бўлса, улар ме-рос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунингдек, мерос қолдирув-чининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзгаларга яқин шахсларнинг ворис бўлишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзла-рига яқин шахсларга тегишли улушнинг кўпайишига имкон яратган шахслар мерос олиш ҳуқуқига эга эмас. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар болаларидан қолган мулкка

ворис бўлолмайдилар. Мерос қолдирувчи таъминлаб туриш қонунга кўра зиммасига юклатилган мажбуриятини бажармаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

**ВОТУМ** (лотин. *votum* — эрк, ихтиёр, хоҳиш) — сайловчиларнинг ёки ташкилот вакиллариининг кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарор ёки фикри, шунингдек, вотумнинг: ишонч вотуми, сайловчилар вотуми, кўпчилик вотуми, ишончсизлик вотуми каби турлари мавжуд.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ** — 1) вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишни амалга оширувчи органлар ва муассаса (ташкилот)ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; 2) вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш; 3) Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига берилган ваколатлар: вояга етмаганлар билан муомала қилиш, уларни тарбиялаш, ўқитиш, ушлаб туриш, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, умумтаълим муассасаларида, шунингдек, махсус ўқув-тарбия муассасалари ва вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган муассасаларда, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича бўлинмалар ва ҳоказо ҳуқуқбузарларни вақтинча изоляция қилиш марказларида, тарбиявий-меҳнат колонияларида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бажарилишини мулк шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот, муассаса учун белгилаб қўйилган иш режими ва шароитлари, улар учун зарур бўлган моддий маиший шароитларнинг яратилишини назорат қилиш. Судда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни кўзга-тади.

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ОФИР ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ** — фақатгина жиноят содир қилгунга қадар 13 ёшга тўлган вояга етмаганлар жавобгарликни офирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (Жинят кодекси 97-моддасининг 2-қисми.) учун жавобгарликка тортиладилар. Жавобгарлик 14 ёшдан белгиланган вояга етмаганлар жиноятчилигининг турлари (Жиноят кодексининг 17-моддаси.) 1) қасддан одам ўлдириш, 2) қасддан баданга офир ва ўртача офир шикаст етказиш, 3) номусга тегиш, 4) жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш, 5) одам ўғирлаш, 6) босқинчилик,

7 товламачилик, 8) талончилик, 9) ўғирлик, 10) мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, 11) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар, 12) озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочиш, 13) ўқотар қуроллари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлаш қуроллари қонунга хилоф равишда эгаллаш, 14) радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, 15) темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш, 16) транспорт воситасини олиб қочиш, 17) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, 18) жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган безорилик.

## “Г”

**ГАНГСТЕР** (ингл. *gangster* — сўздан олинган) — жиноят гуруҳида, бандада шантаж, одам ўлдириш, одамларни ўғирлаш каби оғир жиноятлар билан шуғулланувчи, иштирокчи.

**ГАРАНТИЯ** (франц. *Garantie* — таъминлаш) — *Қаранг:* “Кафолат”.

**ГАУПТВАХТА** (немис. *hauptwacht* — айнан бош қоровул) — ҳарбий хизматчиларни интизомни бузганликлари учун вақтинча ушлаб туриш учун мўлжалланган махсус бино (авахта).

**ГЕНЕРАЛ** — Қуроли Кучларда ҳарбий даража (унвон). Биринчи марта XVI асрда Францияда қўлланилган. Қуйидаги генералик даражалари таъсис этилган: генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал полковник, кўшин (армия) генерали; ҳарбий кучларда генерал даражасига мувофиқ келувчи номлар қўшиб қўлланилган, масалан, артиллерия генерал-майори, авиация генерали ва ҳоказо.

**ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР** — 1) бошқарувнинг монархия шакли сақланиб қолган давлатларда монархнинг (масалан, Британияда) юқори ваколатга эга бўлган вакили. Монархия тузуми бўлган давлатларда (Британия) қирол томонидан тайинланади ва давлат бошқаруви тизимини бошқаришда катта ваколатларга эга бўлади. Канада генерал-губернатори. Жамоа палатаси ва Сенат билан биргаликда қонунчилик ҳокимиятига эга. Айрим давлатларда эса генерал-губернатор юқори ва қуйи палата аъзоларини тайинлаш ҳуқуқи берилган. 2) 1703—1917 йилларда Россия маҳаллий маъмуриятидаги энг юқори

лавозим; генерал-губернатор фуқаровий ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган.

**ГЕНЕРАЛИССИМУС** (лотин. *generalissimus* — энг биринчи, энг олий) — айрим давлатларда энг олий ҳарбий унвон. Биринчи марта 1569 йил Францияда қўлланилган. Россияда (XVII аср охиридан) Ф.Ю.Ромодоновский, А.С.Шейн, А.Д.Меншиков, Антон Ульрих Брауншвейгский (император Иоанн IV нинг отаси), А.В.Суворовлар генералиссимус унвонига эга бўлишган. СССРда XX асрда генералиссимус унвони фақат И.В.Сталинга берилган, шунингдек, чет эл давлатларида Ф.Франко (Испания), Чан-Кайши (Хитой), 1992 йил Ким Ир Сен (КХДР) генералиссимус унвонига сазовор бўлишган.

**ГЕНЕРАЛ-КАПИТАНЛИК** — XVI—XIX аср бошларида Испания қироллиги томонидан тайинланган ва Испаниянинг Америка коллониялари ҳудудида бошқарувни амалга оширган. Генерал-капитанликлар вице-қироллик таркибига киришган, амалда мустақил маъмурий-ҳудудий бўлинма бўлиб ҳисобланган.

**ГЕНЕРАЛ КОРТЕСЛАР** — Испанияда икки палатали парламентнинг номи.

**ГЕНОЦИД** — муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳлар вакиллари ни ўлдириш, саломатлигига зарар етказиш, туғилишига қаршилиқ кўрсатиш йўли билан уларни қисман ёки батамом йўқ қилиш ҳаракати. Жиноят кодексининг 153-моддасига биноан геноцид тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган жиноятлар туркумига киради. Халқаро ҳуқуқ бўйича геноцид халқаро жиноят деб тан олинган.

**ГЕОРГИЙ V ҚОНУНЛАРИ** — XIV асрнинг иккинчи ва учинчи чорақларида Гуржистоннинг подшоши қонунлар тўпламини ишлаб чиқди. Бу ҳуқуқ кодексига асосан жиноят ва суд ҳуқуқи нормалари жамланган. Георгий V кодекснинг яратилиш вазиятини унинг махсус муқаддимасида баён қилиб берган. Унда Георгий V ибтидоий жамоа тузуми сарқитлари анча кучли бўлган ва қонли хун олиш одат тусини олган тоғли қабилаларга Гуржистоннинг асосий марказларидан амал қилиб келаётган феодал ҳуқуқини ёйишга ҳаракат қилганлигини уқтиради. Бу қонунларнинг таҳлилидан шуни аниқлаш мумкинки, Гуржистонда ўша даврларда қонли уч олиш ҳали барҳам топмаган эди. Баъзи ҳолатларда Георгий V нинг қонуний тус беради ҳам. Масалан, хотини ўғирланган эрнинг қасд олиши қонунлаштирилади. Эр жабр қилган кишини ўлдириши, унинг мулкини ёндириши, талаши мумкин эди. Георгий V қонунлари феодаллар учун улар-

нинг даражасига қараб имтиёз ҳуқуқи мавжудлигидан далолат беради. Асосий жазо чораси пул жаримаси бўлган. Бу пул жаримаси қон учун товон тўлаш мукофоти ёки товон тўлаш устига қўйилган қўшимча ундириладиган пул ҳақи бўлган. Бундай товон ҳақи ўлдирилган шахснинг ижтимоий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда турлича миқдорда ундирилган. Қон учун товон тўлаш асосий жазо ўлчови бўлиб, бошқа жиноятлар учун бериладиган жазо қаноатланарли даражада ундириб олинadиган товон (хун олиш) ҳақининг ярмига, учдан бири, ҳатто олтидан бирига тўғри келиши мумкин эди. Георгий қонунларида ватандан ҳайдаб чиқариш, бадарға қилиш жазоси ҳам бор. Бундай жазолар дарҳол, кечиктирмай амалга оширилган. Мусодара қилинган мулкларни хазинага топшириши ҳам ана шундай кечиктирмай бажарилган. Одам ўлдириши, танга шикаст етказиш тўғрисида ҳам кўп гапирилади. Бундай жиноятлар учун ундириб олинadиган жарималар санаб кўрсатилган. Таъқиб чоғида ўғри ўлдириб қўйилса, бунинг учун ҳеч ким жавобгар бўлмаган. Кодексда фуқаролик ҳуқуқига оид қарорлар деярли кам. Шуни кўрсатиш мумкинки, қарз берувчи йилига қарз ҳисобидан 20 фоиздан ортиқ (ўн кумуш танга учун икки танга) ҳақ олишга йўл қўйилмаган.

**ГЕРБ** — *Қаранг*: “Давлат герби”.

**ГЕРБ ЙИГИМИ** — қимматли қоғозларни ва эмиссия рисолаларини чиқаришни рўйхатдан ўтказиш пайтида герб йиғими (солиғи) олинади. Йиғим миқдори, уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Бошқа бирон-бир йиғим ва бож (биржа йиғими ва божларидан ташқари) ундириб олинишига йўл қўйилмайди. Бошқача қилиб айтганда, герб йиғими — турли келишувларни расмийлаштириш, компанияни ёки унинг акционерлик капитали кўпайганлигини рўйхатга олиш, ишончнома, ижара, облигация, акция ва бошқа қимматли қоғозларни ўтказиш ҳақидаги шартномалар, васийлик, воситачилик, вакиллик тўғрисидаги битимлардан олинadиган йиғимдир.

**ГЕРУСИЯ (Оқсоқоллар кенгаши)** — Қадимги Спарта давлатида уруғдошлик тузумидан мерос тариқасида қабул қилинган ҳокимият органи бўлган. Герусия таркибига Спартанинг икки подшоси, 60 ёшга етган геронтлар — оқсоқоллар таниқли Спарта зодагонлардан умрбодга, халқ мажлиси томонидан сайланиб қўйилган бўлиб, у 28 геронтдан иборат бўлган. Дастлабки кезларда, халқ мажлисида кўрилиши лозим бўлган ишларни олдиндан қараб чиққан, ташқи муносабатларни олиб борган. Шу муносабат билан халқ мажлисининг фаолиятини

йўналтириб, кейинчалик герусиянинг ваколоти кенгайиб борган. Герусия бошқа давлатлар билан олиб бориладиган музокараларни ўтказган, давлат жиноятлари бўйича жиноий ишларни кўриб ҳал этган. Подшоларга (архагет) нисбаган суд процесларини ҳам олиб борган.

**ГЕРЦОГ** (немис. *herzog*) — қадимги германияликларда қабиланинг қари оқсоқоли, саркарда; Фарбий Европада ўрта асрда крепостной феодал хужайини, ўрта аср охирларидан бошлаб дворянларнинг энг юқори титулларидан бири.

**ГЕСТАПО** (немис. *Gestapo* сўзидан олинган) — фашистик гитлер Германиясида махфий давлат полицияси. 1933 йил апрелда вужудга келтирилган. Германия ва унинг чегарасидан ташқарисида ёппасига террор ўтказган. Фашистлар Германияси барбод қилинганидан сўнг, 1945 йил Германия назорат кенгаши 2-сон Қонуни билан гестапо тугатиб юборилди ва уни ташкил этиш қонунга зид деб эълон қилинди. Нюрнбергдаги халқаро ҳарбий трибунал томонидан гестапо жиноий ташкилот деб тан олинган.

**ГИЁҲВАНДЛИК** — гиёҳвандлик воситаларини қабул қилишга патологик (касаллик) ўрганиш.

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ** — ўз таъсирига кўра ёки суиистеъмол қилинганида аҳолининг соғлиғи учун хавф туғдирувчи, “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йил Ягона конвенциясининг 1 ва 2-рўйхатларига киритилган тиббий ёки сунбий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари. Гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилувчи асосий органлар қуйидагилардир: БМТ Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашининг наркотик воситалари бўйича комиссияси ва 1961 йил Ягона конвенция асосида ташкил этилган гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш кўмитаси.

**ГИЛЬОТИНА** (франц. *guillotine*) — қатл этишга ҳукм қилинганларни бошини танасидан жудо қилиш қуроли (мосламаси). Францияда XVIII аср охиридаги Француз инқилоби даврида врач Ж.Гильотен (Guillotин) таклифи билан қўлланилган. Гильотина юқориси бирлашган иккита устундан иборат бўлиб, ўртасидан ўтқир лезвие келиб гарданга тушади ва бир зумда бошни танадан жудо қилади.

**“ГИЛЬОТИНА”** — Буюк Британия ва бошқа давлатлар парламент амалиётида сўзга чиқишни чеклаш усулларидан бири. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, палаталар келишувига

асосан, қонун лойиҳаси муҳокамасига маълум бир вақт ажратилади, бу вақт тугаганидан сўнг муҳокамалар автоматик тарзда тугатилади.

**ГЛОБАЛ СЕРТИФИКАТ** — депозитарийда сақланаётган ва нақд бўлмаган шаклда чиқарилган қимматли қоғозларнинг бутун эмиссиясини ёки эмиссиясининг бир қисмини расмийлаштирувчи ҳужжат бўлиб, унда эмиссияга тегишли барча маълумотлар келтирилган бўлади.

**ГЛОССА** (лотин.) — Рим ҳуқуқига Византия ҳуқуқшунослари томонидан берилган шарҳлар, улар бирор асарнинг қатор ораларига ёки саҳифаларининг ҳошиясига ёзилиб, глосса, уни ёзган киши эса глоссатор деб аталган. Тушуниб бўлмайдиган, кам қўлланиладиган сўзларни таржима қилиш, шарҳлаш қонунлар ва суд қарорларига илмий шарҳлар ёзиш. Масалан, Рим ҳуқуқига Шарқий Рим, яъни Византияда кўплаб глосса ёзилган.

**ГЛОССАТОРЛАР** (эски лотин тил. *glossator*, грекча *glossa* — эскирган ёки изоҳ талаб қиладиган кам учрайдиган сўз) — ўрта асрларда (XI—XIII аср) Италия юристларининг Рим ҳуқуқини, Рим кодекслари ва Рим қонунчилиги бўйича, шу қонун текстида тузатиш (глосс) киритиб изоҳлашлари ёки талқин қилишлари. Глоссаторлар мактабига Италия юристи Ирнериер томонидан асос солинган. Глоссаторлар томонидан классик Рим ҳуқуқи (аниқроғи, Юстиниан кодекси) аввалига ўқитишда, кейинчалик амалиётда ҳам кенг қўлланилган. Глоссаторлар асарларидан кейинчалик Рим ҳуқуқини шарҳлашда фойдаланишган, бу билан пастглоссаторлар ва легистрлар шуғулланишган.

**ГОРОДНИЧИЙ** (рус.) — шаҳар бошлиғи, маъмури, ҳокими. XVI асрдан бошлаб Москва давлати, кейинчалик Россия империясида маҳаллий маъмурий вакил. 1775—1882 йилларда городничий уезд шаҳарларида маъмумрий полициячилик, ижрочи ҳокимлик вазифасини ўтаган. XIX асрда городничий асосан жангда ярадор бўлиб, ҳарбий хизматдан бўшаган офицерлардан тайинланган. Городничий мансаби 1862 йилда бекор қилинган.

**ГРАФЛИКЛАР** (ингл. *country*, немис. *Graf schaft*) — АҚШ, Буюк Британия, Канада ва бир бошқа мамлакатларда маъмурий-ҳудудий бўлинма.

**ГУБЕРНАТОР** (лотин. *Gubernator* — ҳукмдор) — қатор давлатлар маъмурий-ҳудудий бўлинмаларида сайлаб ёхуд тайинлаб



қўйиладиган шахс. Одатда, губернатор штатлар ва федерация субъектларининг ижро ҳокимиятини бошқаради, шунингдек, шаҳар бошқарувчини ҳам амалга ошириши мумкин.

**ГУВОҲ** — бирор воқеадан, нарсадан ёки шахсга оид ҳолатлардан хабардор шахс. Гувоҳ қонунда белгиланган тартибда сўроқ қилинади. У ўз она тилида кўрсатувлар беришга, тергов ва судда банд бўлгани учун ишлаб турган жойидан ўртача иш ҳақи олишга, йўлқира ва бошқа чиқимларни ундириб олишга ҳақли (Жиноят-процессуал кодексининг 66—67-моддалари). Гувоҳ кўрган-билганларини яширмай, холисона сўзлаб бериши лозим, акс ҳолда Жиноят кодексининг 238, 240-моддалари билан жавобгарликка тортилади. Жисмоний ёки руҳий камчиликлари сабабли воқеаларни англай олмайдиган ва ифодалашга қурби етмайдиган шахслар, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчининг вакиллари ҳамда ҳимоячилари шу иш бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

**ГУВОҲНОМА** — юридик аҳамиятга эга бўлган фактни (туғилганлик тўғрисида, никоҳ тўғрисида) ёхуд шахс ҳуқуқини (муаллифлик гувоҳномаси, ўқув юртини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳнома) расмий тасдиқловчи ҳужжат.

## “Д”

**ДАВЛАТ** — 1) давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида жамиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг белгиланган усули, сиёсий тизимнинг асосий элементи, сиёсий ҳокимият ташкилотидир. У жамият хоҳиш-иродасини ифодалайди ва жамиятга татбиқ этади, унинг расмий вакили сифатида иш юритади ва зарур ҳолларда мажбурлов воситалари ва чораларини қўллайди. Давлат жамият бошқарувини амалга оширувчи тизим сифатида, ўзининг тузилмасига эга ва ўз ваколатини амалга оширишда, фойдаланувчи махсус органларга — давлат механизми ва унинг аппаратига эга бўлади. Давлат фаолияти асосий йўналишлари ва асосий вазифалари бир-бири билан боғлиқ бўлган (жамиятдаги фаолияти) ва ташқи (давлатлараро муносабатларга) бўлинади. 2) Конституциявий ҳуқуқда давлат мамлакат доирасида мустақил фаолият кўрсатувчи расмий ҳокимият органлари (ҳукумат, парламент, судлар ва ҳоказо). 3) Халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатида давлат халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчисидир. Халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланган давлат ўз ҳудудида сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлат халқаро доирада сиёсий ҳокимиятнинг расмий вакили сифатида барча ҳуқуқларга ва бу

ҳуқуқларни амалга ошириш юридик қобилятига эга. Давлат суверенитети ўз ҳудудида мазкур давлат ҳокимияти барқарорлиги ва халқаро муносабатлар доирасидаги мустақиллиги билан боғланади. Чунки, давлат айнан ўзи, халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқали, уни бузганлик учун жавобгарликни белгилайди, халқаро ташкилотлар фаолиятини ва халқаро ҳуқуқий тартибни ўрнатади. Давлатнинг бу ҳуқуқлари ва имкониятлари давлатнинг ўзидан ташқари ҳеч ким томонидан чегараланмайди. Давлатларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари, хусусан, БМТ Уставига асосан белгиланади. Барча давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва бошқа характердаги тафовутларга қарамай, бир хил асосий ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадир. Шу билан бирга, давлатларнинг суверен тенглиги тамойили улар томонидан тузилган халқаро шартномаларга биноан эгалланган ёки зиммасига олган хусусий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳажми ва мазмунидан фарқли бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

**ДАВЛАТ БАНКИНИНГ МУОМАЛАГА ПУЛ ЧИҚАРИШИ** — ҳуқуқи муомалага банк билетлари, хазина билетлари, қоғоз пуллар ва қимматли қоғозларни чиқаришдир. Пул эмиссиясини давлатнинг марказий (эмиссия) банклари амалга оширади. Қимматли қоғозларни давлат банклари, акциядорлар жамияти чиқаради. Эмиссия чиқарувчи идора ёки корхона эмитент деб номланади. Бозор муносабатлари ривожланган барча мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам эмиссия тизими давлат томонидан Марказий банк орқали бошқарилади. Муомаладаги пул муассасасини тартибга солувчи давлат муассасаси марказий банкдир.

**ДАВЛАТ БАНКЛАРИ** — пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (мутасадди)дир.

**ДАВЛАТ ГЕРБИ** — бошқа белгилардан фарқланувчи, давлатнинг расмий разми, давлат байроғи, пул бирлиги, муҳр ва бошқа расмий ҳужжатларда ўз аксини топади; Давлат герби моҳияти Конституция ёки махсус қонун билан мустақамланади. 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Ўзбекистон Республикаси давлат герби Республика Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида 1992 йил 2 июлида тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси давлат герби марказида қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуриш тасвирланган. Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистоннинг собит ва бар-

қарорлиги рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифода-ланган. Бундан ташқари, давлат гербида қуёш тасвири, бо-шоқлар, пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари ўз ифо-дасини топган. Давлат герби рангли тасвирда бўлиб, Ҳумо қуши кумуш рангда; пахта чаноғи ва “Ўзбекистон” ёзуви тил-ла рангда; тоғлар ҳаво ранг бўёқда; чаноқдаги пахта, дарё-лар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда; давлат байроғи тасвирлан-ган тасма тўрт хил рангда берилган.

**ДАВЛАТ ДЕВОНИ (аппарати)** — конституциявий ҳуқуқ фа-нида давлат ҳокимиятини ва давлат функцияларини амалга оши-рувчи давлат тизими. Тор маънода бошқарувда кундалик ишни амалга оширувчи ижро (маъмурий) органлари.

**ДАВЛАТ ДУМАСИ** — 1906—1917 йилларда Россиядаги қонун чиқарувчи ваколатли муассаса. Ҳуқуқи чекланган бу муассасани подшо ҳукумати 1905 йил 17 октябр манифести асосида халқ оммасини инқилобдан четлаштириш мақсадга ташкил этган. I ва II Давлат Думаларига сайлов 1905 йил 11 декабрдаги сайлов қонунини асосида ўтказилди. Подшо ҳукумати Давлат думасининг қонун чиқариш ҳуқуқини чеклаш мақсадида 1906 йил 20 фев-ралда манифест чиқариб, Давлат Кенгаши Думанинг қарорла-рини тақиқлаш ҳуқуқига эга бўлган. Давлат думаси давлатнинг асосий қонунларини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. На-тижада император мамлакатни идора қилишда мутлақ ҳоким-ликни тўла-тўқис сақлаб қолди. Давлат думаси сессиялари оралиғидаги даврда император томонидан чиқарилган қонун-лар расмийлик юзасидан Давлат думаси тасдиғидан ўтказил-лар эди. Оқибатда Давлат думаси ҳокимиятсиз орган тусига эга бўлиб қолади. 1915 йил августда буржуазиянинг инқилобни бўғишга ва урушни ғалаба билан тугаллашга интилувчи “Про-грессив блок” вужудга келади. Феврал буржуа инқилоби даври-да аксилинқилобий Муваққат қўмита (1917 йил 27 феврал) тузилди. Кейинчалик у Муваққат ҳукуматга айлантирилди. Дав-лат Думаси очиқдан-очиқ советларга қарши чиқди. Советлар аксилиниқлобий сиёсатига қарши иш олиб борди. Инқилобий тўнтариш йўлидаги ҳаракатнинг кучайиши Муваққат ҳукумат-ни Думани тарқатишга 1917 йил 18 (31) декабрдаги қарори билан эришилди. Россия Федерациясининг 1993 йил 12 декабр-да қабул қилган Конституциясига асосан Федерация Кенгаши иккита палата Федерация Кенгаши ва Давлат Думасидан ибор-рат. Дума 450 депутатлардан ташкил топади ва тўрт йилга сай-ланади, Думанинг қонунчилик соҳасидаги ваколатлари Россия Федерацияси Конституциясининг 95—101, 103, 105, 106 ва бошқа моддаларида назарда тутилади.

**ДАВЛАТ ЗАМИНИ** — давлат чегаралари доирасида унинг қуруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари юзасидан пастда жойлашган кенгликдир. Ер ости кенлиги техник жиҳатдан етиш мумкин бўлган чуқурликкача давлатга тегишли бўлади. Ҳаво кенлиги давлатнинг қуруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари устидаги ҳаводаги кенгликдир. Денгиз, ҳаво, космик кемалар мазкур давлат белгиси ёки байроғи остида сузган ёки учган чоғида ҳамда халқаро ҳудудлар доирасида бораётганда бу жойлар шартли равишда давлат ҳудудига тенглаштирилади. Шунингдек, давлатга тегишли бўлган ва халқаро ҳудуд доирасида жойлашган қувурлар ва бошқа ҳар қандай иншоот ва ускуналар ҳам шартли равишда давлат ҳудудига тегишли ҳисобланади. Давлатнинг ўз ҳудуди устидан тўла ва истисносиз суверенитети давлатнинг ҳудудий ҳукмронлигини ташкил этади. Ҳудуд ҳар қандай суверен давлат бўлмиш халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим элементларидан биридир (*Қаранг:* “Давлат ҳудуди”, “Ҳудудий ус-туворлик”).

**ДАВЛАТ КЕНГАШИ** — 1) Чор Россиясидаги давлат органларидан бири, 1810 йилда подшо Александр I манифести билан таъсис этилган. 1810—1906 йилларда қонун чиқарувчи олий маслаҳат органи бўлган. 1906 йил апрелидан бошлаб қонун чиқарувчи олий маслаҳат органига айлантирилган. Подшо кенгаш раиси ҳисобланарди. Давлат Кенгашида қонун лойиҳалари, давлатнинг йиллик даромад ва харажат сметалари, уруш ва сулҳ масалалари муҳокама қилинган. Қарорлар подшо тасдиғидан ўтказилган. Давлат Кенгаши аъзоларининг ярми дворян, руҳоний ва йирик бужуа вакилларидан (бир неча кишигина Фанлар академиясидан) сайланган. Қолган ярми (фуқаро ва ҳарбий чиновниклардан иборат бўлган) подшо томонидан ҳар йили тайинланиб турилган. Сайлов муддати 9 йил бўлиб, ҳар 3 йилда кенгаш аъзоларнинг учдан бир қисми қайта сайлаб турилган. Давлат Кенгаши 1917 йил 6 октябрда расмий равишда тугатилган; 2) Франция, Белгия, Голландия, Люксембург, Камбоджа, Тунис, Эквадордаги марказий давлат идоралари (олий маъмурий юстиция, конституциявий назорат, ҳукумат ҳузуридаги маслаҳат (консультатив) органлари)нинг номи; 3) Швеция, Норвегия, Финляндия, ХХРлари ҳукуматларининг расмий номи; 4) Польша, Руминияда давлат ҳокимиятининг олий коллегиял органи.

**ДАВЛАТ КРЕДИТИ** — банкларнинг давлатга қарз бериши. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади. Кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар бажаради.

Давлат қарзни турли шаклда, энг аввал давлат заёмлари (заём — русча қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганида қайтариб олиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёмлар қарз ҳақи тўлаш жиҳатидан фоиз тўланадиган, ҳам ютуқ, ҳам фоиз бериладиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлади. Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси (соғломлаштирилиши) учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатда қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Аммо фоиз ғоят имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

**ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ** (грек. *hemia* — тантанали кўшиқ) — давлат, ватан, тарихий воқеалар унинг қаҳрамонларини мадҳ этувчи шеърӣ-мусиқӣ асар, давлат рамзларидан бири. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланадиган ўз давлат мадҳиясига эга. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси 1992 йилнинг 10 декабрида Республика Олий Кенгаши томонидан тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг сўзини машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов ёзган, мусиқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурҳонов басталаган. Маdҳия матнида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, унинг серкӯеш ўлка эканлиги, водийларнинг олтинга монанд эканлиги, элга бахт, нажотлиги, дўстларига йўлдош ва меҳрга бойлиги, халқсеварлиги, бағрида илм-фан, ижод сингари ўлкамизга шуҳрат келтирадиган қадриятлар юқори пардаларда тараннум этилади. Шунингдек, маdҳияда Ўзбекистонда яшайдиган халқларнинг доимо унинг тинчлиги, осойишталиги, мустақиллиги учун курашганликлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар ҳам ўзининг бадиий ифодасини топган.

**ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗЛАРИ** — чет эл кредитлари, чет эл банклари кредити, халқаро валюта-молия ташкилотлари кредитлари ва заёмлари бўйича халқаро молиявий қонунчиликдан келиб чиқувчи, давлатнинг қарзлари суммаси.

**ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ** — давлат ҳуқуқий органлари томонидан белгиланган миқдор ва муддатларда бюджет тизимларига ўтказилиши лозимлиги белгиланган мажбурий ва юридик шаклига кўра янги тартибдаги юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлар. Солиқлар мажбурий

тўлов шаклида фирмалар, ташкилотлар ва аҳоли тўлайдиган пулдир. Солиқлар ҳамма мамлакатларда мавжуд ва фақат давлатга тўланади. Давлат жамият аъзоларига, улар ким бўлишидан қатъи назар, ижтимоий таъминот хизматлари кўрсатади. Бу хизматлар жумласига мудофаа, тинчлик ва осойишталикни, ижтимоий тартибни таъминлаш, ободончилик ва санитария-гигиена ишларини бажариш, давлатни идора қилиш, учун хавфсизлигини таъминлаш, экология муҳитини асраш, табиий бойликларни ҳимоя қилиш, оммавий саводхонликни таъминлаш, ногиронларга ёрдам бериш каби ишлар қиради. Солиқлар давлатнинг ижтимоий хизматлари ҳақи бўлиб, улар фирмалар, жамоат ташкилотлари ва аҳолидан ундирилади. Солиқлар текинга берилмайди, улар давлат кўрсатган сарф-харажатини қоплаш учун тўланади. Мамлакат ҳудудида солиқлар Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ умумдавлат солиқларига қуйидагилар қиради: 1) юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи; 3) қўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; 6) экология солиғи; 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланadиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади. Солиқ икки муҳим йўналиш, яъни бюджетни тўлдириш ва иқтисодий вазифаларни амалга оширади.

**ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ** — Қаранг: “Суверенитет”.

**ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ** — давлат корхоналарини ва ташкилотларини давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир. Қуйидаги объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга йўл қўйилмайди: ер, ер ости ресурслари, маданий бойликлар ва тарихий ёдгорликлар каби.

**ДАВЛАТ СУДИ** — 1) Эстония Олий судининг расмий номи; 2) Финляндия мансабдор шахслар жиноий хатти-ҳаракатлари, қилмишлари билан боғлиқ жиноий ишларни кўриб чиқувчи махсус суд органининг номи.

**ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ** — давлатнинг сув ёки қуруқлик ҳудуди чеккаларини белгиловчи чизиқдир. Ҳаво чегараси давлатнинг ер ёки ҳудудий сув чегара чизиғидан тик кўтарилган синиқ чизиқли тасаввурдаги чегараси ҳисобланади. Ҳаво чегарасининг юқори чеккаси (ҳаво ҳудудини космосдан ажратувчи қисм) халқаро ҳуқуқ томонидан белгилаб қўйилган. Давлат ер

ости чегараси асосига қуруқлик ва сувдаги чегаралар олинган. Улардан пастга қараб тортилган қобиклар синиқ чизиқ юзаси сифатида тушуниладиган чегарадир. Давлат чегараси мазкур давлат ҳудудини бошқа давлатнинг ҳудудларидан ёки халқаро ҳудудлардан (очиқ денгиз, унинг ҳаво бўшлиғи) ажратиб туради. Давлат чегараси дахлсиздир.

**ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ** — конституциявий (давлат) ҳуқуқ нормалари томонидан ўрнатилган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий тизим. Давлат қурилиши конституциявий қурилиш тушунчасига нисбатан кенг тушунчадир (*Қаранг:* “Конституциявий тузум”).

**ДАВЛАТ ҲУДУДИ** — қонуний равишда муайян давлат суверенитети остида бўлган ер қуррасининг бир қисми. Давлат ҳудуди таркибий қисмларига давлат чегараси доирасида жойлашган қуруқлик (материк ёки орол), сув, ер ости ва ҳаво кенгликлари киради. Давлатнинг қуруқликдаги ерлари унинг чегараси доирасида давлатга тегишли бўлган ерлар (қуруқликлар)дир. Давлатнинг суви ҳудуди (акваторияси) давлат чегараси доирасида жойлашган дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, шунингдек, ички денгиз сувлари (ички денгиз, кўлтиқлар, бўғозлар, бандаргоҳлар ҳамда ҳудудий сув, давлат чегараси қирғоқларини ювиб турган ёки унинг ички сувларидан бевосита ташқарида, улар ортида жойлашган кенгликдаги денгиз сувлари) ҳавзасидир. Давлат замини — давлат чегаралари доирасида унинг қуруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари юзасидан пастда жойлашган кенгликдир. Ер ости кенглиги, техник жиҳатдан етиш мумкин бўлган чуқурликкача давлатга тегишли бўлади. Ҳаво кенглиги давлатнинг қуруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари устидаги, ҳаводаги кенгликдир. Денгиз, ҳаво, космик кемалар мазкур давлат белгиси ёки байроғи остида сузган ёки учган чоғида ҳамла халқаро ҳудудлар доирасида бораётганда бу жойлар шартли равишда давлат ҳудудига тенглаштирилади. Шунингдек, давлатга тегишли бўлган ва халқаро ҳудуд дирасида жойлашган қуву ва бошқа ҳар қандай иншоот ва ускуналар ҳам шартли равишда давлат ҳудудига тегишли ҳисобланади. Давлатнинг ўз ҳудуди устидан тўла ва истисносиз давлат суверенитети давлатнинг ҳудудий ҳукмронлигини ташкил этади. Ҳудуд ҳар қандай суверен давлат бўлмиш халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим элементларидан биридир (*Яна қаранг:* “Ҳудудий устуворлик”).

**ДАВЛАТЛАР ЮРИСДИКЦИЯСИ** — давлатнинг маъмурий ва суд органларининг ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши. Халқаро ҳуқуқда ҳудудий ва шахсий (миллий) юрисдикция турлари мавжуд. Ҳудудий юрисдикцияда давлатлар юрис-

дикцияси белгиланган ҳудуд чегарасида амалга оширилиши тушунилади. Давлатлар ўз ҳудудида тўлиқ юрисдикцияни амалга оширишга ҳақли, агар бунда халқаро шартнома ва келишувларда бошқа ҳолатлар белгиланган бўлса. Чекланган мақсадли юрисдикция давлатлар томонидан унинг зоналарида амалга оширилади. Шахсий (миллий) юрисдикция давлат томонидан ўз ҳудудидан ташқарида бўлган фуқароларга нисбатан амалга оширилади, масалан, очиқ денгизда, Антарктика ва ҳоказо, миллий қонунларда назарда тутилган ҳолларда давлатлар юрисдикцияси шу давлатнинг чет элдаги фуқароларига ҳам қўлланилади, агар бошқа ҳолатлар халқаро келишув ва шартномада белгиланмаган бўлса. У ёки бу юрисдикцияни қўллаш хусусида рақобатли юрисдикциялар мавжуд ҳолатларда у ёки бу давлатнинг юрисдикциясини қўллаш тўғрисидаги масала халқаро шартнома ёки халқаро — ҳуқуқий одатларга кўра ҳал этилади.

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ** атамаси “конституциявий ҳуқуқ” атамаси билан бир хил маънони англатади (*Қаранг:* “Конституциявий ҳуқуқ”). Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маъмурий ҳудудий тузилиши, давлат ҳокимият органи тизимини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи ҳуқуқ соҳаларидан бири.

**ДАЙЛИЁ** — Японияда феодализм даврида ҳукмрон князлар. XIV—XV аср ва XVI аср охиригача марказий ҳокимият органларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз ишларини юритишган. 1867—1868 йиллардаги буржуа революциясидан кейин дайлиё ўз ерларидан маҳрум бўлишган; унинг ўрни пул тўлови билан қопланган.

**ДАЛИЛ** — суд ишларида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган турли фактик маълумотлар. Далил судда ҳақиқатни аниқлаб одилona қарорга келиш учун ягона асосдир. Далил фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини юритишга оид қонунлар билан белгиланган тартибда тўпланиши, текширилиши ва баҳоланиши шарт (Фуқаролик процессуал кодексининг 56—91, Хўжалик процессуал кодексининг 54—75, Маъмурий жавобгарлик кодексининг 276—277 ва Жиноят-процессуал кодексининг 81—95-моддалари). Далил фуқаролик ишларида тортишувчи тарафларнинг талаб ва эътирозларини асослашга, жиноят ишларида жиноий воқеа юз берганми, уни содир этган шахс ким, жиноятдан мақсад, айбдорлик даражасини, етказилган зарарнинг миқдорини тўла ва аниқ белгилашга хизмат қилади. Далилларни фақат ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар тўплайди. Тергов ва суд иштирокчилари далил тақдим этиши, уларни ишга қўшиш ҳақида илтимос қилиши мумкин. Даъвогар ва



жавобгарнинг, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, турли ҳужжатлар, ашёвий далиллар ва эксперт хулосалари далил деб топилиши мумкин.

**ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ** — Ўзбекистон меҳнат ҳуқуқи бўйича, ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт, ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилади ва бу танаффус иш вақтида киритилмайди. Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасида кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

**ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ** — Ўзбекистон меҳнат ҳуқуқи, қонунчилиги, ички меҳнат тартиби қоидалари ва смена графиклари ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) барча ходимларга берилади. Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки кун дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир кун дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни якшанбадир. Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

**ДЕВОЛЮЦИЯ** (ингл. *devolution*) атамаси Буюк Британия ва бошқа бир қатор мамлакатлар конституциявий ҳуқуқий амалиётида марказий ҳокимият органлари томонидан ўз ваколатлари бир қисмини, маъмурий-ҳудудий бўлинмаларидаги ҳокимият органларига топширишни англатади. Деволюциянинг қуйидаги турлари мавжуд: қонунчилик деволюцияси (ҳудудларга айрим масалалар бўйича қонун чиқариш ҳуқуқининг берилиши) ва маъмурий деволюция (марказ томонидан қабул қилинган қонунлар ва сиёсат маҳаллий органлар томонидан тегишли маъмурий-ҳудудий тузилмаларда қўлланиши).

**ДЕЗАДАПТАЦИЯ** — кўпгина потенциал ва реал ҳуқуқбузарлар (хусусан, рецидивистлар ва дайдилар)га хос бўлган ижтимоий муҳим шароитларга мослашувнинг заифсизлиги ёки бутунлай йўқлиги.

**ДЕКАН** (лотин. *decanus* — ўн кишига боғлиқ) — олий ўқув юрти факультети бошлиғи, қоидага қўра, факультет илмий ходимлари, ўқитувчилари, профессорлари томонидан сайланади.

**ДЕКРЕТАЛИЯЛАР** — жиноят қонуни билан жазоланувчи қилмишларини юридик жиҳатдан қайта квалификация қилиш ва уларни маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар қаторига ўтказиш.

**ДЕКУРИОН** (лотин. *Decurio*) — Қадимги Римда шаҳар бошқарувчиси; Қадимга Римда ўнга зобитдан иборат бўлинма бошлиғи.

**ДЕЛИКТ** (лотин. *delictum* — ҳуқуқни бузиш, айб) — қилмиш, ҳуқуқбузарлик, маъносида қўлланилади; гарчи “деликт” атамаси қонунчиликда қўлланилмаса ҳам, илмий-ҳуқуқий адабиётларда бу атама кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-боби зарар етказишдан келиб чиқадиган деликт мажбуриятлари қоидаларига бағишланган.

**ДЕЛИМИТАЦИЯ** — чегара ўтадиган чизиқнинг умумий йўналишини шартномада белгилаш. Унда чегараларнинг муайян жойдан ўтиш чизиғи сўзма-сўз тасвирланиб, қайд этилади (қайси дарё ёки ариқ орқали чегара ўтиши, қайси қишлоқдан ва қанча масофада ва қайси йўналишда давом этиши ва бошқалар). Чегара чизиғи одатда шартномага илова қилинадиган харитада белгиланади.

**ДЕЛЬКРЕДЕРЕ** — фуқаролик ҳуқуқида комиссия шартномаси шарти; бунда коммиссионер комитент олдида маълум бир мукофот эвазига учинчи шахс томонидан битимни бажарилиш кафолатини олади.

**ДЕМАРКАЦИЯ** (франц. *Demarcation*) — чегара белгилари ёрдами билан чегара чизигининг муайян жойларидан ўтиш йўналишининг белгиланишидир. Демаркация чегарадош давлатлар вакилларида иборат аралаш комиссия томонидан амалга оширилади. Ҳаво ва ер ости чегараларини жойга нисбатан белгилаш имконияти йўқ.

**ДЕПАРТАМЕНТ** (франц. *departament*) — 1) Франция ва бир қатор мамлакатларда асосий маъмурий-ҳудудий тузилма; 2) айрим давлатларда (масалан, АҚШ, Швейцария ва Россияда) — вазирликлар ва идоралар бўлинмаларининг номланиши.

**ДЕПОЗИТ** — 1) фуқаролар ёки корхоналар томонидан пул ёки қимматли қоғозларни шартнома асосида банкларда сақлаш учун омонат қўйилиши. Депозит маблағлари банклар ссуда фонди вужудга келишининг асосларидан бири саналиб, кредитлар бериш, факторинг операцияларини амалга ошириш, инвестициялар қилиш учун фойдаланилади. Шу сабабли депозит банклар томонидан тўланади. Депозит муддатли ва талаб қилиб олингунга қалар қўйиладиган турларга бўлинади; 2) биржада кафолатли, дастлабки заклад, фьючерс контрактлари умумий қийматининг олдиндан келишилган, биржа ҳисоб палатаси аъзоси томонидан тўланадиган, мижоз томонидан эса брокера тўланадиган пул суммаси. Депозит одатда фьючерс контракти умумий қийматининг 2—10 фоизини ташкил этади.

**ДЕПОЗИТАРИЙ** — депозитар фаолият билан шуғулланадиган инвестиция институти. Фақат юридик шахсгина депозитарий бўла олади. Депозитарийнинг қимматли қоғозларни сақлаш ва бу қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиб бориш соҳасидаги хизматларидан фойдаланувчи шахс “депонент” деб аталади. Депозитар фаолияти деганда, қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга тегишли бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини олиб бориш хизматлари тушунилади. Депозитарийнинг қимматли қоғозлар операциялари бўйича бажариладиган вазифалари банкнинг пул маблағлари бўйича бажарадиган вазифаларига тахминан ўхшашдир. Бироқ, банкдан фарқли ўлароқ, депозитарий ўз депонентининг активларига тўғридан-тўғри эгаллик қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу эса депозитарийга депонентларнинг активлари бўйича ташаббус кўрсатиб ихтиёрий равишда қандайдир амаллар бажаришига, яъни ўзида сақланаётган активлардан фойдаланишга имконият бермайди. Банк эса ўз мижозларининг пул маблағларидан, токи улар ўз пулларини қайтариб олмагунларича, ихтиёрий равишда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, депозитарий билан депонент ўзаро муносабатларини депозитарий шартномаси (депо ҳисоби тўғрисидаги шартнома) асосида амалга оширишади. Депозитарий бу шартномага биноан депонентнинг қимматли қоғозларига эгаллик қилолмайди (агар депонент бундай ҳуқуқий депозитарийга алоҳида шартнома асосида топширмаган бўлса), Депозитарий мажбуриятлари бўйича депонентнинг қимматли қоғозларига масъулият юклатилмайди. Депозитарий ўзида сақланаётган қимматли қоғозлар учун қонуний тартибда жавобгар ҳисобланади. Депозитарий икки кўринишда бўлади: 1) оралиқ депозитарий, яъни ўз депонентларининг қимматли қоғозларини бошқа депозитарийга (иккиламчи депозитарийга) шартнома асосида ишониб топширадиган депозитарий; 2) иккиламчи депозитарий, яъни оралиқ депозитарийдан ундан сақланаётган

қимматли қоғозларни шартнома асосида сақлаш учун олинган депозитарий.

**ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ** — кредит муассасасининг омонатчига берилган депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, пул ёки қимматли қоғозларни депонент қилинганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳнома.

**ДЕПЕРСОНАЛИЗАЦИЯ** — индивиднинг ўзини-ўзи англашининг бузилиши, ўзининг шахсга хос хусусиятларини, ижтимоий аҳамиятини йўқотиши, ўз хулқига баҳо бера олиш қобилиятининг кескин пасайиши.

**ДЕПОНЕНТ** — депозитга пул ёки қимматли қоғозларни қўйган шахс.

**ДЕПУТАТ** (лотин. *deputatus* — вакил) — аҳолининг бир қисми, маълум бир миллатлар ва халқларнинг сайлов органи вакилининг (асосан “социалистик” давлатларда) ёки халқлар ва миллатлар барчасининг (демократик давлатларда) қонунчилик, вакиллик ёки бошқа ўз-ўзини бошқарув органига сайлаб қўйиладиган вакили бўлмиш шахс. Депутат вакиллик органида профессионалик асосида доимий ишловчи (кўпчилик демократик давлатларда) ва профессионал бўлмаган асосда (социалистик давлатларда) асосий иш жойидан узилмаган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради. Муваққат ишловчи депутат мақоми конституция ва қонунчилик томонидан ўрнатилади.

**ДЕПУТАТЛИК ЭТИКАСИ** (грек. *Ethika, ethos* сўзларидан — одат) — депутатларнинг икки парламент муносабатларида (муомаласида) моддий ва маънавий нормалар йиғиндиси. Парламент этикаси нормаларига риоя қилиш ҳар бир депутатнинг маънавий эмас, балки юридик мажбурияти ҳамдир; у ижтимоий ва интизомий жамоа таъсир чоралари билан таъминланади. Бундай таъсир чораларини қўллаш мақсадида парламентда одатда махсус Депутатлик этикаси комиссияси ташкил этилади. Парламент этикасини бузилганлиги учун конкрет жавобгарлик одатда парламент ёки унинг палаталари регламентида кўриб чиқилади.

**ДЕПУТАТ МАНДАТИ** — Қаранг: “Мандат”.

**ДЕСПОТИЯ** — чекланмаган монархий шакли, золимлик, зўравонлик. Мустабид давлат, ҳеч қандай қонун билан ҳуқуқи чекланмаган мустабид подшо кўлидаги давлат. Мустабид подшо илоҳийлаштирилган. Қадимги Шарқ давлатлари ташкил топган

вақтдан бошлабоқ деспотия шаклидаги қулдорчилик давлатлари бўлган. Подшо, фиръавн ҳокимияти чекланмаган бўлиб, унинг қўлида давлат ҳокимияти тўпланган. Деспотиянинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири фиръавн айна вақтда ҳам диний, ҳам дунёвий давлат бошлиғи ҳисобланган. У алоҳида унвонга сазовор бўлиб (Мисрда, Бобилда) бу худонинг ердаги ноиби эканлигини билдирган. Бу ерда сайлаб қўйилган органни кўрмаймиз. Тож-тахт эгалиги сулолавий бўлиб, у авлоддан-авлодга мерос йўли билан ўтган. Масалан, IV фиръавнлар сулоласи даврдан бошлаб қуёш худоси “Ра”га сиғина бошлашган ва бутун Мисрнинг бош худосига айланган. VI сулола фиръавнлари исмларининг тартибига Ранинг исми қўшиб айтилган. Улар қуёш худоси Ранинг ўғли унвонини олганлар. Қадимги Шарқ давлатлари — патесиатлар деспотик шаклдаги давлатлар эди. Давлат бошлиғи — патеси худонинг ердаги ўринбосари ҳисобланган. III минг йилликнинг охирларидан бошлаб, патесилар ўзининг худонинг ердаги ноибигина эмас, тўғридан-тўғри худо деб эълон қилганлар. Қадимги японларнинг анъанавий дини синтоизм бўлган. Давлат бошлиғи император ҳам синто динидаги олий мартаба, қуёш худосининг авлоди, тирик киши қиёфасини қабул қилган худо (ар-хитогами) деб ҳисобланган. Хитойда эса император “осмон ўгли” (тянцзи) деб аталиб, бу ном феодализмга қадар узоқ вақт сақланиб турган. Қадимги Ҳиндистонда давлат бошлиғи подшо (князликлар доирасида рожа) бўлиб, брахманлар таълимотига кўра у инсон қиёфасидаги худодир, олов ва нур, қуёш ва ой, жазо ва эзгулик манбаидир. У ижтимоий ҳокимиятга тўла эгалик қилган, аммо диний ҳокимият брахманларга тегишли бўлган. Бу Қадимги Ҳиндистоннинг бошқа Шарқ давлатларидан фарқлайдиган белгиларидир.

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ** — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжалик ишлаб чиқариши билан, ўзи эгалик қиладиган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект.

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ МУЛКИ** — деҳқон хўжалиги турар жойлар, хўжалик бинолари, томорқадаги дов-дарахтлар ва экинлар, маҳсулдор чорва, парранда, қишлоқ хўжалиги техникаси, анжомлар, ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари ва бошқа нарсаларнинг мулк эгасининг эгалигида бўлиши.

**ДИВИДЕНД** — фаойданинг акциядорларга улуш сифатида тегадиган қисми. Дивиденд акция чиқарган корхонанинг рентабел ишлашига боғлиқ, шу сабабдан турли фирмаларнинг акциясига ҳар хил дивиденд берилади. Олдий акцияга тегадиган дивиденд кафолатланади. Корхона фойда кўрса, дивиденд бери-

лади, зарар кўрса, дивиденд тўланмайди. Имтиёзли акцияларга бериладиган дивиденд кафолатланади. Унинг миқдори олдиндан белгиланади ва корхонанинг иш натижасига боғлиқ бўлмайди. Аммо имтиёзли акциялар оз бўлганидан кафолатли дивидендни ҳамма ҳам олавермайди. Бозор иқтисодиёти ривожланган сари дивиденднинг даромаддаги ҳиссаси ортиб боради, чунки аҳолининг тобора кўпроқ қисми акциядорларга айланади.

**ДИГЕСТЛАР** (лотин. *digesta*) — Юстиниан кодификацияси (қонунлар тўплами)нинг бир қисми. Император Юстиниан ҳукмронлиги даврида 533 йил қақирилган Трибонион раҳбарлигидаги юристлар комиссияси томонидан тузилган. Дегистларнинг умумий ҳажми 120 босма табоқдир. Дегистлар асосан хусусий ҳуқуқ масалалари бўйича Римнинг “машҳур” юристлари ёзишмалари айрим қисмларининг бир тизимда тўпланишидир. Улар 50 та қитобга бўлинган, уларнинг ҳар бири қисмлар (фрагмент — *lebes*)дан ташкил топган титуллардан иборат.

**ДИКТАТОР** (лотин. *dictator* — буйруқ маъносида) — 1) Қадимги Римда уруш ёки кўзғолонни бостириш каби давлат учун фавқулодда ҳодисалар рўй берганда Сенатнинг тазйиқи билан консул томонидан тайинланган чексиз ҳуқуққа эга бўлган ҳукмдор. Диктатор ҳукмидан ҳеч ким норози бўлиб, шикоят қила олмас ва унинг қарорларига ҳатто халқ трибуни ҳам вето (тақиқлаб қўйиш ҳуқуқи) сола олмас эди. Диктаторлик ваколати 6 ойдан ошмасди. Диктаторлик лавозими “ватанни қутқариш учун” жорий қилинадиган фавқулодда магистратура ҳисобланган (*Магистратура* — консул, претор, трибун, эдил каби юқори давлат лавозими, ҳокимият вакиллари туркумини англатади). Диктаторга ўз ваколат муддати давомида ишга солиши мумкин бўлган отлиқ қўшин ажратиб берилади. Дастлаб диктаторлик лавозими милоддан аввалги V аср ўрталарида жорий қилинган ва фақат патрицийлардан тайинланган. Милоддан аввалги 356 йилдан бошлаб диктаторликка плебейлардан ҳам тайинланадиган бўлган. Гай Юлий Цезар вафотидан сўнг (милоддан аввалги 44 йил), диктаторлик давлат мансаби бекор қилинган. 2) Диктаторликнинг қадимги германча маъноси ваколат, ҳокимият, шунингдек, диктатор ҳокимлик қиладиган вақтни англатади. 3) Диктатор ҳуқуқи ҳеч қандай қонун билан чекланмаган ҳокимиятга таяниб иш юритувчи ҳукмдор. 4) Фавқулодда сиёсий вазият рўй берган вақтларда давлатни бошқаришда чекланмаган ҳокимиятдан фойдаланувчи шахс.

**ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАР** — давлатлар, ҳокимиятлар, ташқи ишлар ташкилотларининг, чет эл давлатлари, бу давлатларнинг ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар, диплома-

тик ваколатхоналарининг ўзаро барча расмий дипломатик ёзишмаларлари.

**ДИЯ** (араб.) — одам ўлдирганлик ёки турли даражадаги тан жароҳатларини етказганлик учун тўланадиган тўлов. Дияни тўлаш одати исломгача Арабистон давлатларида кенг тарқалган, кейинчалик Муҳаммад томонидан тан олинган. Шариатда дияни тартибга солувчи бир қатор қоидалар ишлаб чиқилган: аёллар учун тўланадиган дия миқдори эркакларга тўланадиган миқдордан кам бўлган ёки христианни ўлдирганликка олинадиган дия нисбатан кам тўлов олинган; қасддан қилинган қилмиши учун эҳтиётсизликдан содир этилган ҳаракатга нисбатан кўп дия олинган; ақли норасо ва вояга етмаган шахс ҳуқуқга зид ҳаракати учун давлатга дия тўламаган; аёллар ва болалар дияни тўлашдан озод қилинган.

**ДИПЛОМАТИЯ** (франц. *diplomatie*) — давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бири. Дипломатик ҳокимият давлат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлиги, дипломатлар томонидан, ўз давлати ҳамда чет элдаги фуқаролар манфаатини кўзлаб ташқи сиёсий мақсадлар расмий шаклда амалга оширилишидир.

**ДИРЕКТИВА** (франц. *Directive*) — юқори турувчи органнинг раҳбарий кўрсатмаси. Хусусан, АҚШ Президенти томонидан чиқариладиган актлар ҳам “директива” деб номланади.

**ДИРЕКТОРИЯ** (“Бешлар кенгаши”) — давлат бошқаруви органи, А.В.Керенский бошчилигидаги фавқулодда ҳокимиятдаги 5 вазирдан иборат коллегия; коалицион ҳокимият тузилиши билан барҳам топган.

**ДИСТРИБЬЮТЕР** (инглизча *distributor* сўзидан келиб чиққан) — йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан улгуржи савдо асосида олинадиган маҳсулотларни сотишни амалга оширувчи фирма. Дистрибьютер одатда ўз оморларига эга бўлиб, ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли шартномавий муносабатларга киришади ва бозорда ишлаб чиқарувчи корхоналарни манфаатларини ифодалайди. Баъзи ҳолларда дистрибьютер маҳсулот (товар)дан фойдаланиш бўйича ўз мутахассислари билан ёрдам кўрсатади (масалан, компьютер дастурлари сотилганда). Ишлаб чиқарувчи корхона ва дистрибьютер ўртасидаги муносабатлар дистрибьютер орқали тартибга солинади. Ушбу битимда қуйидагилар назарда тутилади: товарни улгуржи баҳосига устама (савдо харажатлари ва хизматларни ҳисобга олган ҳолда) улгуржи баҳога чегирма (скидка); товарлар партияси ҳажми ва

етказиб бериш тартиби; ҳақ тўлаш шакллари (муддатини кечиктирган ҳолда нақд пул тўлаш ва ҳоказо). Устама ва чегирмалар дистрибьютер даромадининг асосини ташкил этади.

**ДИСТРИКТ** (ингл. *district*) — бир қатор чет эл мамлакатларида (маъмурий суд, сайлов) округлар.

**ДОМЕН** (лотин. *dominim* — эгалик қилиш) — 1) ўрта асрларда Ғарбий Европада феодал шахсий хўжалигининг бир қисми (вотчина); 2) қирол эгалигидаги мерос ерлари (қирол домени)

**ДОМИНАТ** (лотин. *dominus* — жаноб) — Қадимги Римда император Диоклетиан даврида (III аср охирида) ўрнатилган чекланмаган монархия. Қадимги Рим давлати республика ҳамда монархия (империя) тузуми даврларини бошидан кечирган. Монархия даври ҳам милоддан аввалги 27 йилдан милодий 284 йилга қадар) ҳамда мутлақ монархия — доминат (милодий 284—476 йиллар) босқичларига бўлинган. Ундан кейинги давр Рим қулдорчилиқ давлатининг инқирози давридир. Шу тариқа, милодий 284 йилда Римда чекланмаган монархия ўрнатилади. Бу доминат давридир. Собиқ республика муассасалари барҳам топади. Империяни бошқариш амалдорлар бошқарувидаги бир нечта асосий идоралар қўлига жамланади. Бу нуфузли идоралар ичида иккитасини санаб кўрсатиш жоиз. Бири император ҳузаридаги давлат кенгаши. Бу қонун лойиҳаларини тайёрлайдиган ва император топшириғига биноан сиёсий масалаларни муҳокама қиладиган орган бўлган. Иккинчиси эса молиявий идора ҳисобланган. Амалдорлар махсус тикилган кийим-кечакларни кийиб юришлари расм бўлади. Улар учун турли имтиёзлар ўрнатилади, нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳарбий идоралар тепасида император томонидан тайинланган генераллар туради. Доминатнинг ўрнатилиши 284 йилда Рим императори, деб эълон қилинган Диоклетиан номи ва ислохотлари билан бевосита боғлиқ. Диоклетиан қуйидаги асосий тадбирларни амалга оширди: 1) империяни яхши бошқариш учун олий ҳокимият тўртта ёрдамчи олий ҳокимлар ўртасида тақсимланади; 2) қўшин сони уч бараварга оширилди; 3) маъмурий ислохот туфайли ўлкалар сони кўпайди; 4) билвосита солиқлар ўрнига тўғридан-тўғри ер — жон солиғи жорий қилинди; 5) империя кумуш ва мис танга билан бирга мустақкам олтин тангасига ҳам эга бўлди; 6) сотиладиган маҳсулотларга қатъий нарх белгиланди.

**ДОМИНИОН** (ингл. *dominion*, лотин. *dominium* — эгалик қилиш) — Буюк Британия империясида ўз-ўзини бошқарувчи қисмлар, 1931 йилдан сўнг мустақилликни қўлга киритган, лекин ҳамдўстлик аъзолари бўлиб қолган, инглиз генерал-гу-



бернатори томонидан ифодаланган, монархни давлат ҳокимият бошлиғи сифатида тан олувчи айрим инглиз колониялари. Ҳозирги вақтда доминион атамаси амалиётда қўлланилмайди.

**ДОМИЦИЛИАНТ** — тўловчининг яшаш жойида ёки бошқа жойда, векселни тўлаши керак бўлган ва бу ҳақда векселда кўрсатилган учинчи шахс.

**ДОМИЦИЛ** — 1) бир қатор чет эл давлатларида фуқаронинг доимий яшаш жойини, ёки юридик шахснинг рўйхатдан ўтиш жойини билдиради. Домицилнинг бир неча турлари мавжуд. Буюк Британия ҳуқуқи бўйича ота авлоди билан белгиланадиган мерос ҳуқуқи бўйича “Мерос домицил”, “Қонун билан белгиланувчи домицил”, масалан, хотин бошқа мамлакатда яшаса ҳам, эри эга бўлган домицилга эга бўлади. Жисмоний шахс “резидентлиги” тушунчасидан фарқли, жисмоний шахс фақат бир мамлакатда домицилга эга бўлиши мумкин. Компанияга нисбатан қўлланиладиган домицил ва резидентлик тушунчаси бир-бирига мос тушмаслиги мумкин. Компания рўйхатдан ўтказилган жойда домициллаштирилиши мумкин. Унинг резидентлиги эса, компания бошқарув ва назорат маркази томонидан тартибга солинади; 2) вексел тушунчасига нисбатан қўлланилганда, бу учинчи шахс томонидан амалга ошириладиган тўлов (вексел домициллашуви).

**ДРАКОН(Т) ҚОНУНЛАРИ** — Афина подшоси (архонти) Драконт (милоддан аввалги VII аср) Афина ҳуқуқини илк бор кодекслаштириб, қонунлар тўпламини яратди. У ўзининг даҳшатлилиги ва шафқатсизлиги билан ном чиқарган эди. “Драконча қонунлар”, “драконча усуллар”, “драконча чоралар” ибораси ана шундан олинган. Бу қонун ўша даврда қарзга ботиб қолган, ўта қашшоқ қул, деҳқонлар, шаҳар ҳунарманд ва савдогарлари учун кам наф ва даромад келтириб, ишлаб чиқариш кучлари ривожига ғов бўлиб қолган эди. Қишлоқ аҳли қарзини тўлай олмаганлиги учун бола-чақалари билан эвпадридлар (афина зодагонлари) томонидан Африка ортига сотиб юборилар, ер маслаҳатчилари сони эса камайиб кетмоқда эди. Эвпадридлар эгалигидаги суд ҳеч ерда ёзилмаган, уруғчилик одати нормаларини ўзича талқин ва суъиистемол қиларди. Бундай ҳолат қишлоқ аҳли қуйи табақаларининг норозилигига сабаб бўлди. Ҳатто шаҳар аҳли ҳам бу норозиликка ташкилий тус беришга бошчилик қилиб, қулларни асоратга солишнинг янги усуллари жорий қилишга, иложсиз қолгач, уларни четдан келтиришга ҳаракат қиладилар. Эвпадридларга қарши курашда халқ олга сурган талаблардан бири ёзма равишда умуммажбурий қонунлар яратиш эди. Халқ норозилигининг очикдан-очик ис-

ёнга айланиб кетишидан кўрққан зодагонлар архонт Драконга милoddан аввалги 621 йилда қонунлар кодекси тузишни топширади. Дракон қонунлари оддийгина уругчилик одати нормалари йиғиндисидан иборат эди. Кейинчалик “Дракон қонунлари сиёҳ билан эмас, қон билан ёзилган” деган нақл ҳам пайдо бўлган эди. Ҳатто мева ва сабзавот ўғирлаганлик учун ҳам ўғил отасини ўлдирганлиги учун қўлланиладиган жазо — ўлим жазоси берилган. Ҳатто тасодифан қулаб тушиб, одамни босиб қолган тош ёки мрамар ҳайкалларга ҳам ўлим жазоси қўлланган. Жинойтларнинг катта қисмини содир этганлик учун ўлим жазоси берилган. Бинобарин, Дракон қонунлари қонли хун олишни чеклайди. Одам ўлдирганлик учун аввалгидек жавобгарлик қотил уруғига эмас, балки айбдор зиммасига тушади. Одам ўлдирганлик учун қотил ва унинг уруғи билан келишиб, ҳақ баробарига товон ундириш тажрибаси қўлланила бошланди. Бундай келишув учун ўлдирилган томоннинг яқин қариндош-уруғлари: ўғли, ака-укалари, тоға ва амакиваччалари, қуда-анда ва бошқаларнинг розилиги талаб қилинарди. Улар топилмаса, ўлдирилган зотнинг фратрия аъзоларидан камида 10 кишининг розилиги етарли ҳисобланарди. Дракон қонунлари қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли одам ўлдиришни фарқлайди. Кейингиси учун ўлим жазоси эмас, балки мол-мулки мусодара қилинмай, ўз юртидан қувғин қилиш жазоси белгиланган. Одатда, танга шикаст етказганлик учун ҳам ана шундай жазо белгиланарди. Ўзини-ўзи ҳимоя қилишга мажбур бўлиб, одам ўлдириб қўйган бўлса, ундай шахс жавобгарликдан озод этилган. Одам ўлдиришга гижгижловчилар, воситачилар ҳам ўлимни ижро қилганлар қатори жавобгар бўлганлар. Жазонинг қаттиқлиги мулкдор манфаатини қўриқлашга қаратилган эди. Амалдаги одат нормаларининг бир тўплам тарзида ёзиб қўйилишнинг ўзи олға томон қўйилган маълум қадам эди. Ҳарқалай, бу қонун уруғ зодагонларининг суд бошлиғи сифатидаги ўзбошимчалигига маълум даражада чек қўйди. Тош тахтачаларига ёзиб қўйилган шу нормалар кўпчиликнинг эътибори учун майдонга ўрнатилган эди. Шу тариқа, судлов жараёни маълум даражада жамоатчилик назорати остига бўлган. Солон даврида Дракон қонунлари (ўлдиришга оид айрим қарорлардан ташқари) бекор қилинади. Шунда сўнг Афина ҳуқуқи бир тизимга солинмай келди. Унинг аксарият қисми аввалгидай ёзилмаган одатлар эди. Суд жараёни ўтказганда гелиэя (Афина суди) ҳар сафар ҳам виждон амрига таяниб, янги нормалар яратиши мумкин эди.

**ДРУП УСУЛИ** — сайловлар тизимига пропорционал равишда мандатларни тақсимлаш 1868 йилда Г.Друп (H.R.Droop) томонидан биринчи марта таклиф этилган.

**ДУАЛИСТИК РЕСПУБЛИКА** (лотин. *dualis*) — бу атама конституциявий ҳуқуқ фанида “президентлик республикаси” атамаси синоними сифатида қўлланилади.

**ДУБЛИКАТ** (лотин. *duplicatio* — кўпайтирмак) — бирон-бир ёзма ҳужжатнинг айнан нусхаси, нусхадан фарқли ҳолда у ҳужжатнинг асл нусхаси билан бир хил юридик кучга эга бўлади. У асл нусхани томонлардан фақат бири олиш ҳуқуқига эга бўлганда тайёрланади. Масалан, темир йўлда юк ташишда, юкни юборувчи, юк ташувчига юк қвитанцияси ўрнига, нусхасини, яъни дубликатни бериб юбориши мумкин. Айрим ҳолларда дубликат ҳужжатнинг асл нусхаси йўқолганида берилади.

**ДУМА** — бир қатор мамлакатларда давлатнинг ҳокимият (қонун чиқарувчи) органлари номи, масалан, Россия Федерациясида бундай субъектлар Давлат Думасига, вилоят Думаларига, шаҳар Думаларига ажратилган.

## “Е”

**ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ДАВЛАТ ФОНДИ** — ер ости бойликларининг фойдаланилаётган участкалари ҳам, шунингдек, техноген ҳосилалар (минерал хом ашёни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш чиқиндилари) ер ости бойликлари давлат фондини ташкил этади. Ер ости бойликлари умуммиллий бойлик ва Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулкидир. Ер ости бойликлари «Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни» билан тартибга солинади.

**ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН Фойдаланиш** — ер ости бойликларидан: геологик жиҳатдан ўрганиш; фойдали қазилмаларни қазиб олиш; фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш, шу жумладан, нефть, газ, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, зарарли моддаларни, радиоактив чиқиндиларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмиш учун иншоотлар қуриш ҳамда улардан фойдаланиш; нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа коллекциябоп материалларни тўплаш; давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланишидир. Юридик ва жисмоний шахслар ер ости бойликларининг фойдаланувчилари бўлишлари мумкин.

**ЕР СОЛИФИ** — ҳар йили ер учун ундирилади, унинг миқдори ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан

қандай таъминланганига қараб белгиланади. Ўз тасарруфида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган бирлашмалар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, чет эл юридик шахслари, уларнинг ташкилотлари, бўлинмалари ва филиаллари, шу жумладан, қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган филиаллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ер солиғини тўловчилар ҳисобланадилар. Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ** — Қаранг: “Ер солиғи”.

**ЕР ҚАЪРИ МОНИТОРИНГИ** — ер қаъри мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаб баҳолаш, салбий жараёнлар олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ер қаъри ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборат. Мониторингни амалга оширишнинг таркиби, мазмуни ва тартибини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**ЕР РЕНТАСИ** — ерни ижарага олувчининг ер эгасига ер учун доимий тўлов ўтказиши ёки ижарага олинган ер учун тўлов.

## “Ё”

**ЁЗИШМАЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИ** — инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири; барча алоқа турларининг (ёзишмалар, хатлар, телеграмма, посылка, таржима), телефондаги сўзлашувлар ва бошқа хабар бериш йўллари дахлсизлигининг таъминланиши. Бу эса ёзишмаларни очиш, танишиш, мазмунини ошкор этишни тақиқлайди. Айрим қонунда назарда тутилган ҳолларда, яъни жиноятчиликка қарши кураш, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида ёзишмалар мазмуни билан танишиш бундан мустаснодир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

**ЁЛҒИЗ ОНАЛАР** — тор имтиёзлар ва енгилликлар назарда тутилган ёлғиз оналар ҳақида ғамхўрлик оналик ва болаликни ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муҳофазалашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**ЁШ ЦЕНЗИ** — қонунда белгиланган тартибда, шахснинг маълум бир ёшга тўлганидан сўнг умумий сайлов ҳуқуқига эгаллиги ҳозирги даврда кўпгина мамлакатларда (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) актив сайлаш ҳуқуқи 18 ёш қилиб белгиланган. Бошқа мамлакатларда ёш цензи бошқача тартибда ўрнатилган бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда ёш цензи юқори — 21 ёш (Малайзия, Марокаш, Боливия, Камерун, Ботсвана, Ямайка) ёки қуйи (Бразилия, Эрон — 16 ёш, Индонезия — 17 ёш) қилиб ўрнатилган. Пассив сайлов ҳуқуқидаги ёш цензи мавжуд давлатларда ўзининг турлилиги билан ажралиб туради. Чунончи, у 18 ёшдан (Германия, Испания, Гватемала) 40 ёшгача (Италия парламенти юқори палатасига), давлат бошлиғини сайлашда эса 30 ёшдан (Колумбия) 50 ёшгача (Италия) бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда сайланишнинг қуйи ва юқори чегараси ўрнатилган. Масалан, баъзи давлатларда (Габон, Қозоғистон ва Россия Федерациясида) Президент 65 ёшдан ошмаслиги лозим. Ёш цензи, шунингдек, судьялик лавозими ва вазирлик лавозими га номзодлар учун ҳам ўрнатилган.

**ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ** — суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар — олтмиш ёшга тўлган, умумий меҳнат стажи йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар эллик тўрт ёшга тўлган, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тўланадиган пенсия. Пенсия суғурта қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёки кам бўлганда тегишли ҳолларда эса, меҳнат стажи кам бўлганда ҳам тайинланади.

## “Ж”

**ЖАЗО** — Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига кўра, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ҳамда уларни чеклашдан иборат бўлган мажбурлов чораси. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинсий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахсларга янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Жазо турлари: а) жарима, б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, в) ахлоқ тузатиш турлари, г) хизмат бўйича чеклаш, д) қамоқ, е) интизомий қисмга жўнатиш, ж) озодликдан маҳрум қилиш, з) ўлим жазоси, и) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш. Қуйидагилар фақат асосий жазо турлари сифатида қўлланилади:

а) жарима, б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, в) ахлоқ туза-тиш ишлари, г) хизмат бўйича чеклаш, д) қамоқ, е) интизо-мий қисмга жўнатиш, ж) озодликдан маҳрум қилиш, з) ўлим жазоси. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш жазолари фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳам асосий жазо сифатида, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин.

**ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР** — жиноят ҳуқуқида содир этилган жиноят ёки айбдор шахсини тавсиф-ловчи ҳолатлар ва жиҳатларни эътиборга олган ҳолда шундай ҳолатлар бўлмагандагига нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва иж-тимой хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахси-ни ва жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига кўра қуйидагилар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади: а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пу-шаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш; б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш; в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа муш-кул аҳволда жиноят содир этиш; г) мажбурлаш ёки моддий жиҳатдан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш; д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли ву-жудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят со-дир этиш; е) зарурий мудофаанинг, охири заруратнинг асо-сий чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжа-лик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш; ж) вояга етмаган шахснинг жиноят содир этиши; з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши; и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жи-ноят содир этиш. Суд жазоси тайинлашда юқорида келтирилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиш мумкин. Масалан: суд айбдорнинг касаллигини, маълум бир ишни олиб бориш учун айбдорнинг старлича тажриба ва тайёргарлиги бўлмаганлигини (мансабдорлик жиноятларида), оилавий аҳволини, кексалиги ва ногиронлигини ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиш мумкин.

**ЖАМИЯТ** — одамларнинг уюшган эҳтиёжларини қонди-ришни таъминловчи, ихтилофларни бартараф қилувчи, мада-ниятни сақлаб ривожлантирувчи, маданият мажмуаси ва унинг қисмлари асосида ташкил топган ижтимоий ҳаёт шакллари-

нинг синтези, турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, шахслар, оилаларнинг бир-бириги зид хоҳиш-истакларини бирлаштирувчи, интеграллаштирувчи онгли ижтимоий ҳаракатлар мажмуаси, уларнинг муносабатларини белгиловчи, ижтимоий муносабатларнинг умумий шаклини яратувчи, турли ташкилот ва муассасаларнинг мажмуаси.

**ЖАМОА ХЎЖАЛИК МУЛКИ** — хўжалик ширкатлари, жамиятлари, кооператив аъзоларининг қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек, хўжалик жамоаларининг ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида жамоа мулки ҳисобланади.

**ЖАМОА КЕЛИШУВИ** — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир. Тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин. Жамоа келишувларида: меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби; нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми; энг кам миқдори қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган компенсация тарзидаги қўшимча тўлов; ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга кўмаклашиш; экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш; ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар; давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш; ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга берилмаган имтиёзлар; ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин. Жамоа келишуви имзоланган пайтдан ёки келишувда белгиланган вақтдан бошлаб кучга кирилади. Жамоа келишуви ваколатли органлари шу келишувни тузган ходимларга ва иш берувчиларга нисбатан татбиқ этилади. Уч тарафлама келишув тузилган тақдирда унинг амал қилиши ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органига ҳам татбиқ этилади.

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ** — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига (конференциясига) эга. Жамоа шартномалари корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали, иккинчи тарафдан — бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади, унинг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди. Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин: меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар; нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми; ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш ва ишга олиш шартлари; иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътиллари муддатлари; ходимлар, шу жумладан, аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш; корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш; ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар; ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта; жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шерикчилик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш. Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллار, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин. Башарти, амалдаги қонунларда норматив тусда-



ги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилади. Жамоа шартномаси, башарти, уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади. Агар жамоа шартномаси лойиҳаси маъқулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишида (конференцияда) билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб такомилга етказадилар ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилиш (конференция) муҳокама-сига қайта тақдим этадилар. Умумий йиғилишда (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини уч кун ичида имзолайдилар. Жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгиланган муддат давомида амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиригунча амалда бўлади.

**ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ** — маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади. Жамоат бирлашмалари ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини оширишга ҳақлидирлир. Жамоат бирлашмалари иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк қилиб берган мол-мулкига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар. Жамоат бирлашмалари ҳуқуқининг мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**ЖАМОАТ ИЖТИМОЙ ФОНДЛАРИ** — фуқаролар ва ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган ташкилот жамоат ижтимоий фонди ҳисобланади. Фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Муассислар ўзлари ташкил этган фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ижтимоий фонд мол-мулкдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади. Фонд ўз уставида назарда тутилган тадбир-

корлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Фондлар тadbир-корлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар.

**ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ** — фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ижодий ташаббускорлигини ривожлантиришга, эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашувчи уларнинг кўнгилли уюшмасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар, илмий, техника, маданий, спорт мудофаа, кооперация, уй-жой ва бошқа оммавий ташаббускор ташкилотлар жамоа бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Ҳар бир жамоат ташкилоти ўз мулкига эга бўлиб, вазифаларини уставларига мувофиқ, ўзига хос шакл ва усуллар асосида бажаради. Бинобарин, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралаштиришга, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмайди. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинларига қарши чиқувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмалар, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга ошади.

**ЖАМҒАРМА** (ингл. *punishment*; рус. *накопление*) — ҳаракатлардан, чиқимдан орттириб, тежаб-тергаб тўпланган пул; маблағ.

**ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИ** — банк тури; маҳаллий аҳамиятдаги унча катта бўлмаган кредит муассасалари. Улар аҳолининг кенг табақалари жамғармаларини жалб қиладилар. Жамғарма банклари миллий уюшмаларга бирлашади ва, одатда, давлат томонидан назорат қилинади ёки давлатга қарашли бўлади. Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 4 октябрга қадар “Ўзжамғармабанк” халққа хизмат қилди. Аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларининг кенг кўламли тизимини яратиш, эркин пул маблағларининг омонатларда тўпланишидан аҳоли манфаатдорлигини ошириш, аҳолига кредит беришга ҳамда халқ хўжали-

гининг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит — инвестиция ресурсларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, “Ўзжамғармабанк”ни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш давлат тижорат банки бошланғич устав фонди 100 миллион сўм бўлган Ўзбекистон Республикаси “Давлат тижорат халқ банки”га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда (собиқ жамғарма банк ўрнида) “Халқ банки” халққа хизмат қилмоқда. Халқ банкининг асосий вазифалари: ҳар бир қишлоқда, аҳоли яшайдиган жойда, ҳар бир хўжалик ҳудудида банк инфратузилмасини яратган, мамлакатда яшовчи ҳар бир киши банк хизматлари тизимидан фойдаланиши таъминланган, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказган ҳолда аҳолига кенг кўламда банк хизматларини кўрсатиш; банк хизматини сифат жиҳатдан яхшилаш ва унинг турларини кенгайтириш, омонатларининг янги турларини жорий қилиш ва омонатчиларнинг манфаатдорлигини таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилаш асосида аҳолининг эркин пул маблағлари омонатларга жалб қилинишини таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилаш асосида аҳолини рағбатлантириш; аҳолининг хорижий валютадаги маблағларини омонатларга жалб қилиш; аҳолининг товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий тизимини яратиш, шу жумладан, пул маблағларини тезлик билан ўтказишни, пластик карточкаларни жорий қилиш ва бошқалардан иборатдир.

**ЖАНДАРМ** (франц. *gens d'armes* — айнан қурул одамлари) — 1) жандармериянинг шахсий таркиби; 2) Францияда XIII—XII асрда оғир кавалерия тури (Қаранг: “Жандармерия”).

**ЖАНДАРМЕРИЯ** (франц. *gendarmérie*) — 1) Ҳарбий ташкилот бўлган ва мамлакат ичкариси ва армияда (дала жандармерияси ёки ҳарбий полицияси) қўриқлаш вазифасини бажарувчи ташкилот. 2) Жандармлар айнан қурулли кишилар дегани. Жандармерия биринчи марта Францияда 1791 йилда ички тартибни назорат қилиш учун ташкил этилган махфий полициясининг оғир қурулланган отлиқ тўдаларининг бир туридир. Одатда, жандармерия ҳарбий вазирликка, полиция вазифаси жиҳатидан ички ишлар вазирлигига бўйсунган. Кўп тармоқли аппаратга, айрим ҳолларда деряли назорат қилиб бўлмайдиган ва уни тан олмайдиган ваколатга эга бўлган кўп сонли тўдалар (АҚШда Америка легиони, “Куклукс-клан”, “Колумб рицарлари” “Кумуш кўйлақлар”; Францияда “Оммавий ташкилот”,

Англияда — “Мосли” кабилар) ёрдамида тараққийпарвар ар-бобларни, иш ташлаган ишчиларни судсиз ваҳшиёна жазолаш, калтаклаш ва қатл қилиш ва террор жандармерия иш усуллари билан. Чор Россиясида декабристлар кўзғолонидан кейин крепостной ҳуқуқ ва подшо ҳокимиятига қарши инқилобий ҳаракатга, илғор жамоат арбобларига қарши курашиш мақсадида тузилган Жандармерия корпуси император маҳкамасининг махсус “Учинчи бўлими”га бўйсундирилган. Унинг бошлиғи айни вақтда жандарм полициясининг бошлиғи ҳисобланган. Унинг биринчи бошлиғи озодлик ғоялари душмани Бенкендорф эди. 1878 йилда чиқарилган қонунга кўра жандарм полициясига истаган вақтда заводлар, фабрикалар ва бошқа жойларда тинтув ўтказиш ва лозим топган кишиларни қамаш ҳуқуқи берилган. 1890 йилда “Учинчи бўлим” тугатилиб, жандармерия вазифаси полиция департаментига юкланди ва у бевосита ички ишлар вазирлигига бўйсундирилди. Россия жандармерия полицияси ифвогарлик, жосуслик, террор ва зўравонлик усуллари билан иш кўриб келган.

**ЖАРИМА** — мулкий жазо чорасининг бир тури, шартнома асосида ёки қонунга кўра айбдор шахсларга нисбатан қўлланилади. Шартномага кўра жарима ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шартнома иштирокчисига нисбатан шартномада кўзда тутилган миқдор ҳамда тартибларда қўлланилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ҳозир амалда бўлган Жиноят кодексига ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлик учун кўпчилик ҳолларда жарима тариқасидаги жиноий жазо қўллаш назарда тутилган. Жарима маъмурий ҳуқуқбазарлик содир этишда айбдор шахсан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга — ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга —

Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги кераклиги кўрсатилган. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилади. Юридик шахсларнинг (шу жумладан, норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши қўйидаги миқдорда жарима солишга олиб келади: агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширган бўлса — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромад (фойда)нинг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда; агар фаолият ўттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромад (фойда)нинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга олиб келади. Даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромад (фойда)нинг бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли сумманинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади; бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йигимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади; фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча жарима ундирилади. Tadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирилмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операциялари ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади. Солиқлар ва йигимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилинмайди.

**ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ (The World's Organisation of Entelligence Prorerty) — БМТнинг ҳуку-**

матлараро ихтисослашган ташкилоти. Бу ташкилотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: кишиларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал мулкни жаҳон миёқсида қўриқлаш; саноатда ва бошқа тармоқларда мулкни сақлаш бўйича фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларни иш самарасини ошириш ва ЖИМТ интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида қонунларни тайёрлашда, тегишли маълумотларни йиғиш ва тарқатишда, маълумотлар рўйхатини тайёрлашда ва бошқа ишларни амалга оширишда фаол қатнашади. ЖИМТнинг штаб-квартираси Женева (Швейцария)да жойлашган.

**ЖАҲОН КАСАБА ИТТИФОҚЛАРИ КОНГРЕССИ** — Қаранг: “Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқи”.

**ЖАҲОН КАСАБА ИТТИФОҚЛАРИ УЮШМАСИ** — Қаранг: “Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқи”.

**ЖАҲОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИТТИФОҚИ** (Жаҳон касаба иттифоқлари уюшмаси) — халқаро касаба иттифоқлари ташкилоти. 1945 йил октябрда Парижда чақирилган Жаҳон касаба иттифоқларининг I-конгрессида тузилган ва Устави қабул қилинган. Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқи барча халқаро ташкилотларда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ривожланаётган мамлакатларнинг ишчиларига касаба иттифоқлари ташкил этишда ёрдам бериш, урушга ва уруш чиқарувчи сабабларга қарши, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда кенг халқаро ҳамкорлик учун кураш ва бошқаларни ўзининг асосий мақсади деб ҳисоблайди. 1949 АҚШ ишлаб чиқариш касаба иттифоқлари конгресси, Британия тредюнионлари конгресси ва бошқа мамлакатларнинг касаба иттифоқини ўнг раҳбарлари бошчилигидаги миллий касаба иттифоқ марказлари Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқидан чиқиб, Эркин касаба иттифоқлар халқаро конфедерациясини туздилар. Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқининг олий органи — Жаҳон касаба иттифоқлари конгресси бўлиб, 4 йилда 1 марта чақирилади. Конгресслар ўртасидаги даврда раҳбарлик органи — Бош кенгаш.

**ЖИЗЪА** (араб.) — шарқий мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган аҳолидан йиғиб олинадиган ёрлиқ солиғи. Усмонли империясида XVIII асрда хирож билан қўшилиб кетган.

**ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК** — юридик жавобгарликнинг турларидан бири; содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб, айбдорга жазо сифатида давлат мажбурлов чорасининг қўлланилишидан иборат. Жиноий жавобгарликка тортиш жиноят ишини қўзғатиш, тергов олиб бориш ва суд мажлисини ўз

ичига олади. Жинойтнинг содир этилиши юридик факт бўлиб, одил судлов йўли билан айбдор ва давлат орасида ўзига хос ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Моҳиятига кўра бу ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идораларга жинойтни тергов қилиш ва конкрет шахснинг айбдор эканлигига етарли далиллар бўлганида уни жинойий жавобгарликка тортиш ҳуқуқини беради. Жинойтни содир этган шахсда эса бир томондан жинойий жавобгар бўлиш, иккинчи томондан эса ушбу қилмиш учун қонунда белгиланган доирадагина жавобгар бўлиш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Қонунда жинойтга тайёргарлик кўрганлик, жинойтга суиқасд ва жинойтда иштирокчилик учун ҳам жинойий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Юқоридагилар жинойт ҳуқуқи соҳасида бир хил оғирликдаги жинойтларни содир этишда айбдор бўлганлар бир хил жазога тортиладилар. Жинойий жавобгарлик (хусусий айблов мавжуд бўлган ишлардан ташқари) оммавий очик кўрилиши хусусиятига эга, яъни — жинойий жавобгарликка тортишга ваколатли бўлган ягона субъект давлат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, давлат органларидан бири — суд ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112—113-моддалари). Жинойий жавобгарлик шахсий хусусиятга эга, яъни аниқ бир жинойтни содир этган (ёки унинг содир этилишида иштирок этган) шахсгина жавобгарликка тортилади. Бу айбдор билан ёки бу даражада яқин бўлган шахсларга нисбатан жинойий жавобгарлик қўлланмаслигини билдиради. Жинойий жавобгарлик жамият учун жуда хавфли бўлган қилмиш — жинойт содир этилганида вужудга келади ва жинойий жазони қўллаш билан амалга оширилади. Бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилганида айбдорлар маъмурий ёки фуқаровий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-ходимлари учун белгилаб қўйилган қоидаларнинг бузилиши интизомий жавобгарликни вужудга келтиради. Қонунда кўрсатилган ҳолатларди жинойт содир этган шахс жинойий жавобгарликдан озод қилиниши ҳам мумкин. Масалан, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жинойт содир этган шахс жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин (Жинойт кодексининг 65-моддаси). Жинойий жавобгарлик маҳкум жазони ўтаб бўлиши билан тўхтайди; судланганлик бекор қилиниши ёки олиб ташланиши билан жинойий жавобгарликнинг барча жинойий-ҳуқуқий оқибатлари тугайди.

**ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН БОЙЛИКЛАРНИ ҚОНУНИЙ ТУСГА КИРИТИШ (ЛЕГАЛЛАШТИРИШ)** — қонуний равишда олинган даромадларни яшириш, уларнинг қандай тўпланганлиги, моддий бойликлар ёки улар билан боғлиқ ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотларни қайддан янглиш кўрсатиш, шунингдек, ҳуқуқбузарга бу моддий бойликлар жиноий йўл билан тўпланганлиги маълум бўлгани ҳолда уларга турли йўллар билан қонуний тус бериш.

**ЖИНОИЙ РЕЦИДИВ** — муқаддам судланган шахс томонидан такроран жиноят содир этилиши.

**ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШ КОНЦЕПЦИЯСИ** — муайян тарихий шароитларда илмий асосланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашнинг моҳияти, унинг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари, шакллари, тузилиши ва таъминловчи элементларини очишга қаратилган асосий назарий қоидалар жамулжами.

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ** — жиноят ҳуқуқи предмети ва услубининг ўзига хослиги сабабли бошқа ҳуқуқ тармоқларидан ажралиб туради. Жиноят ҳуқуқининг предмети жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар, яъни жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга жиддий хавф туғдирувчи ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқининг услуби шахс, давлат ва жиноят учун хавфли бўлган қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини аниқлаш, жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жиноий жазони қўллашдан иборатдир. Жиноий жазо фақат қонун доирасидагина амалга оширилади. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқлангунича у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси). Жиноят ҳуқуқи бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Махсус қисмнинг нормаларини амалга татбиқ этишда Умумий қисм нормаларига риоя қилинади. Умумий қисм нормалари Махсус қисм нормалари орқали ёки биргаликда қўлланилади. Махсус қисм нормалари Умумий қисм нормаларида белгилаб қўйилган қоида ва институтларга асосланган ва унга мувофиқ равишда қўлланилиши лозим.

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ** — жиноят ҳуқуқи нормаларида мустақкамлаб қўйилган, унинг умумий маз-



мунини ва алоҳида институтлари мазмунини белгиловчи назарий ғоялар. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодекси давлатимиз мустақиллиги шароитида қабул қилинган биринчи Жиноят кодексидир. Ушбу кодекснинг 3-моддасида биринчи маротаба Жиноят қонунининг тамойиллари белгилаб қўйилди ва 4—10-моддаларида бу тамойилларнинг мазмуни очиб берилди. Жиноят кодексининг 3-моддасида қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонларварлик, одиллик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойиллари назарда тутилади.

**ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ** — Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси — жиний жазони ижро этиш жараёнида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар (нормалар) йиғиндиси. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган ва 1 октябрдан кучга кирган. Ушбу кодекс 9 бўлим, 34 боб, 197 моддадан иборат. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига асосланган. Унда жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифалари, асосий тамойиллари, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, жазоларни ва бошқа жиний-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ-тузатиш ишлари тариқасидаги жазоларни ижро этиш, қамоқ жазосини ижро этиш, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш, ўлим жазосини ижро этиш ва бошқалар ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Жиноят-ижроия кодекси Умумий қисми 4 бобни ташкил қилиб, умумий қоидалар, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, жазо ва бошқа жиний-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар, жиний-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятни текшириш ҳамда назорат қилишни ўз ичига олади. Жиноят-ижроия кодекси Махсус қисмида 8 бўлим бўлиб, уларда суд ҳукмига биноан тайинланган жазо чораларини ижро этиш тартиби ва шартлари кўрсатилган: Умумий қисмда белгиланган қоидалар Жиноят-ижроия кодекси Махсус қисмидаги барча моддаларга тааллуқлидир.

**ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ** — жазони ижро этиш ва қўллаш тартиби ва шарт шароитларини тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқнинг мустақил тармоғи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи дейилганда алоҳида фан ва ўқув курси ҳам тушунилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунлари маҳкумларни тузатиш, маҳкумлар ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг

олдини олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жиноят-ижроия қонунларининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: 1) маҳкумларни тузатишнинг асосий воситаларини аниқлаш; 2) уларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш; 3) маҳкумларга ижтимоий адаптация (мослашувида)да ёрдам кўрсатиш. Жиноят-ижроия ҳуқуқининг асосий манбаи 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган ва 1997 йил 1 октябрда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ҳисобланади. Жиноий жазони ижро этиш содир этилган жиноят учун жазо беришдангина иборат бўлмай, балки маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялашга ҳам хизмат қилади. Жазони амалга оширишда жисмоний азоблаш ёки инсоний қадр-қимматларини камситишга йўл қўйилмайди. Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори асос бўлади (Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддаси).

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ** — жиноятнинг содир этилишига имконият туғдирувчи факторларни бартараф қилиш (сусайтириш), жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш, рўйхатга олиш, очиш (жиноятларни қидириш) ва тергов қилиш, жиноят одил судловини амалга ошириш, жиноят содир этган шахсни тузатиш, жазони ўтаб чиққанидан сўнг уларнинг ахлоқини назорат қилиш, шунингдек, жиноятнинг салбий оқибатларини тугатишга қаратилган иқтисодий, сиёсий (шунингдек, ҳуқуқий), руҳий (психологик), ташкилий, техник хусусиятдаги чора-тадбирлар йиғиндиси.

**ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) ЎСИШИ (КАМАЙИШИ)** — маълум бир давр мобайнида жиноятчилик ҳажмининг ўсиши (камайтиши)ни тавсифловчи жиноятлар ҳолатининг кўрсаткичи, яъни жиноятлар ёки уларни содир этган шахсларнинг абсолют (мутлақ) миқдоридир.

**ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ДЕМОГРАФИК ТУЗИЛИШИ** — жиноятчиларнинг демографик аломатлар: жинси, ёши, маълумоти, турғунлиги ва ҳоказо бўйича ажратганлиги.

**ЖИРАНТ** (итал. *jirante*) — пул (вексел) ёхуд товарни тақсимлаш ҳужжатларини, шунингдек, суғурта полисини ва ҳоказоларни бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи шахс.

**ЖИРАТ** — вексел ёки товарни тақсимлаш ҳужжатлари ўтказиладиган шахс.

**ЖИРО** (итал. *jiro* — ўтказиш, айланма) — ордерли коносаментга ўтказиладиган ёзув. “Индоссамент” деб ҳам юритилади.

**ЖИРОБАНК** — ўз мижозлари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб муносабатларини амалга оширувчи шахс. Ҳозирги вақтда тижорат ва эмиссия банкларининг мавжудлиги туфайли жиро-банклар деярли учрамайди, бироқ бу банкларда жиробўлимлар мавжуд. Масалан, Германияда мижозлар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи минтақавий жироцентраллар мавжуд.

**ЖИРҒА** — шикоргоҳни чор атрофдан ўраб олиш; давра бўлиб ўлтириб мажлис қуриш, баъзи Шарқ мамлакатларида, масалан, Афғонистонда олий мажлис. Афғон қабилалари, оқсоқоллари олий мажлиси тўлиқ “Луйя жирға” деб аталади. Давлат ҳокимиятининг номлари: мишрано жирға, воласи жирға. Мамлакат миллий кенгаши (парламенти) палаталари 1919 йилда Афғонистон мустақиллиги расмий эълон этилгандан кейин, Амир Омонуллахон ҳукмронлик қилган вақтда “Луйя жирға” (афғон қабилалари олий мажлиси) Афғонистоннинг биринчи Конституциясини қабул қилди. Бу конституция шоҳнинг ҳуқуқини бироз бўлса-да чеклаб, илк бор сўз ва матбуот эркинлигини эълон қилди, шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мужассам этди. Афғон қабилалари мажлиси “Луйя жирға” Афғонистоннинг 1932 йилда кучга кирган иккинчи Конституциясини қабул қилди. 1988 йилда жирға Афғонистоннинг бешинчи Конституциясини қабул қилди. 1990 йилда “Жирға” мажлисида Афғонистон ривожининг олдинги босқичларида йўл қўйилган иқтисодий ва сиёсий хатолар муҳокама қилиниб, бу Конституцияга тегишли ўзгаришлар киритилди.

**ЖИСМОНИЙ ШАХС** — фуқаро деган маънодан иборат. Жисмоний шахс тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасида берилади. Унга кўра жисмоний шахс деганда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Жисмоний шахслар жамоадан иборат бўлган юридик шахсдан фарқли ўлароқ алоҳида фуқаролардан иборатдир.

**ЖЮРИ** (инглиз, ва франц. *jury*, лотин. — *juris* — қасамёд қиламан) — 1) Танловларда, спорт мусобақалари ва ҳоказода мукофот бериш масаласини ҳал этувчи мутахассислар гуруҳи. 2) Жиноят процессида, фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқишда иштирок этувчи профессионал бўлмаган судьялар, қасамёдчи судьялар коллегияси.

**ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС** — Қирғизистон Республикаси бир палатали қонунчилик органи (парламенти)нинг номи.

### “3”

**ЗАЁМ** — Қаранг: “Давлат заёми шартномаси”.

**ЗАКАЛАТ** (рус. задаток) — шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади. Закалат тўғрисидаги келишув, закалатнинг суммасидан қатъий назар, ёзма равишда тузилади. Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (Фуқаролик кодексининг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда закалат пули қайтариб берилди. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт. Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартнома бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда Фуқаролик кодексининг 312-моддасига мувофиқ иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

**ЗАКОТ** (араб. айнан покланиш, тоза бўлиш маъносида қўлланилади) — Қуръони карим асосида мусулмонлардан олинадиган диний “покланиш” солиғи, унинг қоидалари ва миқдори шариат йўли билан ўрнатилган, ушбу солиқ тўлови ихтиёрий, ҳеч бир мажбурловсиз амалга оширилади.

**ЗАМИН ТАМОЙИЛИ** — бунда боланинг фуқаролиги унинг туғилиш жойи билан белгиланиб, ота-оналарнинг фуқаролиги билан боғлиқ бўлмайди. Лотин Америкаси кўпгина мамлакатларининг давлатлари мана шу тамойилга амал қилади, масалан, Бразилия фуқароларидан мамлакатдан ташқарида туғилган бола Бразилиянинг фуқароси ҳисобланмайди.

**ЗАМИНДОР** (форс. *заминдор* — ер эгаси) — ерга мерос бўйича эгалик қилувчи шахс.

**ЗАРАР** (ингл. *loss, damage*) — савдо-сотиқдан кўрилган зиён, ютқизиқ; шикаст, зиён, ёмон таъсир.

**ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ** (*lex loci delicti commisi*) — қай бир давлатнинг ҳудудида зарар етган бўлса, ўша давлат ҳуқуқини қўлланишини билдиради. Ушбу коллизия бoғлама зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солишда танланадиган ҳуқуқ учун қўлланилади (деликт мажбуриятлари). Халқаро туризм ва халқаро транспорт операцияларининг ортиб бориши чет эл элементи иштирокида деликт мажбуриятларнинг сони ҳам ошишига олиб келмоқда, бу эса ушбу формулани қўллаш соҳасини кенгайтирмоқда.

**ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ** — фуқаролик қонунчилигига асосан меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан исталган вақтда, башарти, унинг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли йўқолган бўлса, етказилган зарарнинг ундирилишини талаб этишга ҳақлидир. Зарарни қоплаш мажбурияти шартноманинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги, шунингдек, шахснинг ҳаётига, соғлиғига шикаст етказиш, шахсига мулкига зарар етказиш оқибатида ҳам вужудга келади. “Зарар” тушунчасида ҳуқуқи бузилган шахснинг ўз бузилган ҳуқуқини тиклашга сарф этадиган харажатлари, мулкига етказилган зарар ёки унинг нобуд этилганлиги сабабли, ёки фуқаролик муомаласида ҳуқуқи бузилган тақдирда олиши мумкин бўлган даромадлари киради. Бошқа шахс ҳуқуқини бузган шахс бунинг оқибатида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс олинган даромаддан кам бўлмаган миқдорда кўрган зарарининг қопланишини талаб этишга ҳақли. “Зарарни қоплаш” деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаракатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлигида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли. Фуқаролик кодексининг 14-моддасига мувофиқ, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

**ЗЕМЛЯ** (нем. *Land*) — Австрия ва Германия давлатларида давлат таркибига федератив асосларда кирувчи маъмурий-ҳудудий тузилма. Ўзларининг конституциялари, сайлаб қўйиладиган

қонунчилик органлари (ландштаг), ҳукуматлари, суд органларига эга бўладилар, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ташкил этишда маълум бир автономиядан фойдаланадилар.

**ЗИЁНЛИ БЮДЖЕТ** — бюджет даромадига нисбатан бюджет харажатининг кўпайиб кетишига бюджет дефицити ёки зиёнли бюджет деб аталади. Давлат бюджети тўғрисида қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар йилги қарорларига мувофиқ: Ўзбекистон Республикасининг йиллик давлат бюджети бюджет тақчиллигини энг юқори даражаси (мақсадли фоизлар бунга кирмайди) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан фоиз миқдориди белгиланган ҳолда қабул қилинади. Давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлар, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар ҳамда пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа маблағлар жалб этилиши назарда тутилади; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмининг маълум фоизи миқдориди кредитлар бериб туриши кўрсатилади.

**ЗЎРАВОНЛИК (ЗЎРЛИК) БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ** — 1) қасддан одам ўлдириш, 2) террористик акт, 3) халқаро ҳимоя ҳуқуқи бор шахсга тажовуз қилиш, 4) қасддан соғлиққа (оғир, ўртача оғирликдаги, енгил) зарар етказиш, 5) ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказиш билан кўрқитиш, 6) жабрланувчига жисмоний азоб бериш, ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, 7) номусга тегиш, 8) жисмоний характердаги зўрлик ҳаракатларини содир этиш, 9) одил судлов ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахснинг ҳаётига тажовуз қилиш, 10) шахсни гаровга олиш, 11) бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш.

## “И”

**ИДАЛЬГО** (исп. *Hidalgo*) — Испанияда ўрта асрда кичик ва ўрта рицарлик. “Идальго” атамаси XII аср охирида вужудга келган (аввалбошда *hijo d'algo* — йўқсил одамнинг йўли маъносида) ва XIII—XIV асрларда барча рицар табақаларини билдирган. Идальголар Реконкиста муҳим ҳарбий куч бўлган. Идальголар XV асрдан бошлаб қашшоқлашган ва камбағаллашган. XVI асрда идальголар Фарб янги очилган ерларини босиб олишида фаол иштирок этишган.

**ИДОРА УСУЛИ (Бошқарув шакли)** — давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши. Идора усули, бошқарув усули (шакли) давлат олий ҳокимияти органининг яккабошчилик, кеоллегиал, ворислик тартибида ёки сайлов йўли билан идора этилишига боғлиқ. Давлатни идора этиш шакллари иқтисодий тузумга, миллий анъаналарга ва кишилар онгига боғлиқдир.

**ИЖАРА** (лотин. *zent, ledx*) — мустақил хўжалик юритиш ёки бошқа бирон фаолиятни амалга ошириш мақсадида ер, сув, корхона уй-жой ва бошқа мулкка эғалик қилиш ва фойдаланиш ёки фақат фойдаланиш учун тўланадиган муайян ҳақ. Ижара мулкка эғалик ҳуқуқини ўзгартирмайди. Ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни ҳақ эвазига топширади. Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эғасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколоти берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

**ИЖАРА ШАРТНОМАСИ** (ингл. *Irdse agreement*) — ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўртасида томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилган келишув. Ижара шартномаси қўйидагиларни назарда тутди: 1) объект, яъни ижарага олинган мол-мулкнинг турлари ва хусусиятлари; 2) ижара тўлови миқдори; 3) ижара муддати; 4) ижарага берилган мулкни асраш, таъмирлаш ва тўла тиклаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари; 5) мулкни шартномада келишилган ҳолда ижарага берувчига етказиш. Мол-мулкни ижарага бериш муддати шартноманинг асосий шартларидан ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 540-моддаси). Умумий қоидага биноан мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади. Агар муддат шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Ижара шартномаси мусулмон ҳуқуқида, фақат мол-мулкка эмас, шахсга нисбатан ҳам қўлланади. Шахс ижараси тўғрисида тузилган шартноманинг мазмуни асосан ишга ёлловчининг хоҳиши билан белгиланган. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик тарафларнинг айби билан бўлиши ёки бўлмаслиги ҳисобга олинган ҳолда юклатилган.

**ИЖОДИЙ ТАЪТИЛЛАР** — ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятини илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини яқунлаш,

шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услугий қўлланмалар ёзиш мақсадида берилади.

**ИЖТИМОЙ АДОЛАТ** — жамиятнинг демократик ривожланиш даражасини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш меъёрини, миллатнинг ҳаёт тарзининг ахлоқий тимсолини белгиловчи давлат сиёсати ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган табақалари манфаатини кўзлаб миллий бойликларни тақсимлаш тартиби.

**ИЖТИМОЙ СОЛИҚЛАР** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан жорий этилади. Унинг мақсади муайян ҳудуд, минтақасидаги социал инфраструктуранинг ривожлантиришдан иборат. Соф фойдага эга бўлган тижоратчи юридик шахслар (ягона содалаштирилган солиқ тўловчи кичик ва хусусий корхоналардан ташқари) ҳисобланадилар. Солиқ объекти бўлиб барча солиқлар ва йиғимлар тўлаб бўлингач корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда саналади. Солиқ ставкаси соф фойданинг 6 фоизигача миқдорда белгиланади ва бунда корхона қарамоғида социал объектлар (болалар муассасаси, корхоналар ва ҳоказо) бор-йўқлиги эътиборга олинади.

**ИЖТИМОЙ ТУЗУМ** — жамият ривожининг муайян босқичида кишилар ўртасида тарихан қарор топган ва ана шу жамиятга хос бўлган муносабатлар тизими. Ижтимоий тузум давлат ва ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва ўзаро алоқаларнинг барча жиҳатларини қамраб олади. У муайян ишлаб чиқариш усуллари ва муносабатлари тақозо қилган давлат шакли ҳамда жамиятнинг сиёсий қурилмаси, шунингдек, ҳуқуқий ва бошқа (устқурма) муносабатлар тизими билан тавсифланади. Ижтимоий тузумнинг асосий табиати ва хусусиятлари одатда давлат конституциясида ўз ифодасини топган бўлади. Жамиятнинг иқтисодий негизлари ижтимоий тузум барқарорлигини таъминлайди. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган турли шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигидан келиб чиқиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир ва улар давлат муҳофазасидадир. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга. Улар-



дан оқилона фойдаланиш ҳар бир фуқаро, оила аъзосининг муқаддас бурчидир. Бинобарин, оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, ижтимоий муносабатлар барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

**ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР** — инсоннинг (ёки маълум бир давлат фуқаросининг) конституциявий ҳуқуқлари йиғиндиси, бу ҳуқуқлар унга давлатдан маълум бир шароитда белгиланган ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқини беради. Одатда, инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари жумласига қуйидагилар киради: ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, турар жой ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркилгини ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлар барча давлатлар конституциясида бир хил белгиланмаган.

**ИККИ ПАЛАТАЛИ ТИЗИМ (Бикамерализм)** — умумиллий вакиллик муассасалари — парламентлар тузилмаси бўлиб, унда парламент қоидага кўра турлича шакллантириладиган ва турли ваколатларга эга бўладиган икки палатадан иборат бўлади. Тарихан қуйи палата анъанавий тарзда анча демократик деб ҳисоблаб келинган. Икки палатали тизим ҳозирги кунда федератив давлатларда ҳам, унитар давлатларда ҳам мавжуд. Парламентнинг қуйи палатаси доимо бевосита аҳоли томонидан сайланиб келинган. Юқори палата турли усуллар — билвосита сайловлар (Франция, Австрия, Германия) ёки бевосита сайловлар (АҚШ, Италия, Австралия, Япония) воситасида шакллантирилади. Айрим мамлакатларда юқори палата ворислик асосида (Буюк Британия) шакллантирилади ёки аъзолари давлат бошлиги томонидан тайинланади (Канада). Бир қатор ҳолларда юқори палата аралаш усулда шакллантирилади: аъзоларнинг бир қисми сайланади, бир қисми тайинланади, қолганлари ўринни мерос тамойили асосида эгаллайди (Непал). Айрим мамлакатларда юқори палата учун, қуйи палатадан фарқи ўлароқ, ваколат муддати белгиланмайди, унинг таркиби қисман янгиланади (АҚШ, Аргентина, Франция ва ҳоказо), бу юқори палатага жиддий ташкилот афзаллик беради, қонунчилик ҳокимиятига узвийлик кўринишини бағишлайди. Қисман янгиланадиган юқори палата тарқатиб юборилиши мумкин эмас. Юқори палата депутатлигига номзодларга, қоидага кўра, қатъийроқ талаблар қўйилади (каттароқ ёш цензи ва бошқалар). Ҳозирги замон парламентларининг аксариятида юқори палата ҳуқуқларига нисбатан чекланган (масалан, кўпгина мамлакатларда молиявий қонун лойиҳаларини фақат қуйи палата киритиши мумкин,

юқори палата эса унинг қабул қилинишига ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди). Палаталар тенг ҳуқуқли бўлмаган парламентларда юқори палатанинг қуйи палата томонидан маъқулланган номолиявий қонун лойиҳалари борасидаги эътирозларини бар-тараф этишнинг маълум тартиби белгиланади.

**ИЛОҲИЙ ҲУҚУҚ** — черков соборлари (йиғилишлари) ва Рим папаси қарорлари мажмуи; илоҳий ҳуқуқ нормалари ички черков масалаларини, баъзи оила-никоҳ ва мулкый муносабатларни тартибга солган. IV аср Буюк Константин императорлиги давридан бошлаб христианлик Рим империясининг давлат динига айланади. Императорлар назоратидаги черковлар ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритади. Черков уставлари ишлаб чиқилади. Соборлар черковнинг олий органи бўлиб қолди. Илоҳиёт таълимоти ўрнатилди. Черков таркибида епископлар, хусусан, Рим епископлари биринчи ўринга кўтарилдилар. Рим епископи — папа (черковнинг катта руҳонийси) унвонига сазовор бўлди. Авваллари айрим епископлар ҳам папа унвонини олган эдилар. Христиан черкови епископлар черков ишлари бўйича олий суд ҳокимият эгаси бўлдилар. V асрдан бошлаб Рим епископлари қарорлари, черков ёрлиқлари, собор қарорлари билан бир қаторда черков ҳуқуқи тўпламларига киритиладиган бўлди. Папалар ўзларини “Исо Масихнинг Ердаги ноиблари” деб ҳисоблайдиган бўлдилар. Илоҳий ҳуқуқнинг бир қанча манбалари мавжуд. “Қадимий аҳд” ва “Янги аҳд”дан ҳуқуқ манбаи сифатида чекланган тарзда фойдаланилган; III асрда Сурияда ўн икки апостоллар ва бошқа черков соборларининг қарорлари (уларнинг кўплари юнон тилида нашр этилган), V асрда латин тилига ўтирилган кўплаб собор тўпلام ва қарорлари, хусусан, Рим монахи Дионисий (IV асрга яқин) яратган папа қарорлари тўплами, Испанияда (VI аср) яратилган тўпلام ҳамда Рим ҳуқуқи шулар жумласидандир. XI асрдан бошлаб Рим университетларида Рим ҳуқуқи билан бирга илоҳий ҳуқуқ ҳам ўқитила бошлайди. XII асрда Грацион томонидан яратилган трактат машҳур бўлган. Унда черков ҳуқуқининг дастуриламал қоида ва нормалари жамланган бўлиб, у аввал нашр этилган барча тўпلامлар ўрнини эгаллайди. У “Грацион декрети” номини олган эди. XIII асрдан бошлаб Рим папалари Григорий IX, XIII ва бошқалар нашр эта бошлайдилар. Улар черков судлари, судлов юритиш, оила ҳуқуқи, жазо каби масалаларни ўз ичига олган эди. “Грацион декрети” қўшимча қоидалар билан қайта ишланиб тўлдирилди. Унинг янги нашри 1582 йилда эълон қилиниб, “*Corpus iuris canonici*”, яъни черков ҳуқуқлари тўплами деб аталди. Черков қонунлари (ёрлиқлар, номоканонлар ва ҳоказо) бошқа мамлакатлар қонунчилиги учун, масалан, қадимий Рус давлатларидаги “Рус правдаси” қонуни учун ҳам манба

бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик Европа мамлакатларида (Германия, Англия) черков ҳуқуқини ўз мазҳабий йўналишларида ислоҳ қилиш давом этди. Давлат судлари таъсис этилиши билан черков судлари қўлидан дунёвий ишлар тортиб олинди ва улар қўлида фақат черков интизомига тааллуқли ишларгина қолди. Бу жараён деряли XIX асрга келибгина ниҳоясига етди.

**ИММИГРАНТЛАР** (лотин. *immigrans* — кўчиб келувчи, жойлашувчи) — бошқа давлат ҳудудига умрбод ёки узоқ даврга келиб жойлашувчи давлат фуқаролари.

**ИММИГРАЦИЯ** — бир давлат фуқароларининг бошқа давлатга вақтинча ёки умрбод яшаш учун кўчиб ўтиши.

**ИММИГРАЦИЯ КВОТАСИ** — бирон-бир давлат ҳудудига киритилиши мумкин бўлган иммигрантлар сонининг чекланиши.

**ИММУНИТЕТ** (ингл. *immunity*, лотин. *immunitas* — бирон-бир нарсадан озод қилиш) — ҳуқуқ соҳаларида кенг қўлланиладиган атама, белгиланган субъектларга нисбатан умум эътироф этган ҳуқуқий нормалар қўлланилмаслигини билдиради. Халқаро ҳуқуқда хусусан давлат иммунитети, дипломатия иммунитети каби тушунчалар мавжуд. Конституциявий ҳуқуқда давлатдаги айрим мансабадор шахслар дахлсизлиги, хусусан, парламент (депутатлик) иммунитети, президентлик иммунитет ва судьялар иммунитети. Молиявий ҳуқуқда солиқ иммунитети тушунчаси мавжуд.

**ИМПАУНДМЕНТ** (ингл. *impoundment*) — АҚШ конституциявий амалиётида президентнинг Конгресс томонидан бюджет мақсадлари учун ажратилган маблағни тўлиқ ёки қисман сарф этишдан воз кечиши.

**ИМПЕРАТОР** (лотин. *imperator* — амр қилувчи, амр-фармон берувчи, ҳукмдор) — монархия давлатларида қироллик ва подшолик олий унвони. Қадимги Римда *imperium* юқори магистратлар — консуллар, преторлар, диктаторлар ва бошқаларга бериладиган олий (ҳарбий, суд, маъмурий) ҳокимиятни аниқлатган. Август ва унинг сафдошлари томонидан император унвони монархия кўринишини касб эта бошлаган. Диоклетиан даврида империя бошида “август” унвонига эга бўлган икки император турган (уларнинг сафдошлари “цезар” унвонига эга бўлишган). Ҳарбий Рим империясининг таназзулга юз тутиши билан (476 йил) император Шарқда Византияда сақланиб қолган; Ҳарбда у Карл Буюк томонидан (800 йил) кейинчалик

германия қироли Оттон I томонидан (962 йил “Муқаддас Рим империяси”) тикланган. Кейинчалик бу унвон бошқа давлатлар (масалан, Австрия империяси — 1804 йил, Россия империяси — 1721 йил) монархлари томонидан қабул қилинган. Европа адабиётида император унвони европа давлатларига мансуб бўлмаган бошқа давлатларга (масалан, Хитой императори — 1911 йилгача, Эфиопия императори — 1974 йилгача, Япония императори ҳозирги давргача) нисбатан ҳам ишлатилиб келинмоқда. Дастлаб қадимги Рим саркардаларга қўлга киритилган ғалабалари учун Сенат томонидан берилган фахрий унвон (масалан, Юлий Цезар ва бошқаларга берилган). Римда республика тартиби тугатилиб, монархия ўрнатилгач, Октавиан Августдан бошлаб (милоддан аввалги 63 йилдан милодий 14 йилга қадар) император Шарқий Рим империясида, яъни Византияда сақланган. 800 йилда Буюк Карл ўзини Рим императори, деб эълон қилган. 962 йилда Шимолий Италия босиб олингач, герман қироллари ўзларини Муқаддас Рим империясининг императори деб атай бошладилар. XV асрдан бу унвон Австрия монархларига ўтди. 1721 йили Шимолий уруш ғалаба билан тугаши муносабати билан Россия Сенати ва синоди Пётр I га Бутунроссия императори унвонини берди ва Рус давлати Бутунроссия империяси деб эълон қилинди. Шундан кейинги рус подшолари император деб юритилди. 1803 йилда Наполеон I, кейинчалик Наполеон III лар ўзларини император деб эълон қилдилар. 1871 йилда Германияни бирлаштириш тугагач, прусс қироли ўзини Германия императори деб эълон қилди. 1876 йилда инглиз қироличаси ўзини Ҳиндистон императори деб эълон қилди. Бразилия, Мексика, Хитой (1911 йилгача) монархлари ҳам ўзларини император унвони билан атаганлар. 1936 йилда Италия қироли ўзини Ҳабашистон (Эфиопия) императори деб ҳисоблай бошлади. Японияда ҳозир ҳам император давлат бошлиғи ҳисобланади. Гарчи давлат бошлиқлари лотинча император унвони билан аталмаган бўлсалар ҳам, ўтмишда ҳукм сурган, хусусан, Шарқда, Осиёда, буюк давлатлар ҳам империя деб аталганлар (Чингизхон, Амир Темур, Бобурийлар империялари кабилар).

**ИМПЕРИЯ** (лотин. *imperium* — ҳокимият, давлат) — 1) Император бошчилигидаги монархия давлати номи. Империя ўз худудида (айрим вақтда босиб олиш йўли билан) бир неча давлат ва халқларни бирлаштирувчи давлат; айрим империялар ўз таркибида бир неча қиролларни бирлаштирганлар. Рим давлати, кейинчалик Византия, Франклар давлати, Франция, Австрия, Германия турли даврларда империя номи билан юритилган. 2) Колонияларга ҳукмдорлик ҳуқуқига эга бўлган йирик давлатлар империяси метрополия ва колонияларни таш-

кил қилишган (масалан, Британия империяси Буюк Британия билан биргаликда унинг доминионлари ва колонияларига ҳам ҳукмронлик қилган), ҳозирги даврда бундай турдаги империялар йўқ.

**ИМПЕРИЯ СЕЙМИ (Рейхстаг)** — табақалар вакиллари умумимперия мажлиси, Муқаддас Рим империясида XII асрдан бошлаб 1806 йигача фаолият юритган.

**ИМПОРТ БИТИМИ** — товар ёки хизматларни бошқа мамлакатлардан сотиб олиш ва давлат ҳудудига олиб келишдан иборат. Унинг асосий мақсади алоҳида шахслар, фирмалар ва мазкур битимни имзолаган ҳукуматнинг ваколатли ташкилотлари томонидан чет эл валютаси миқдорини камайтиришга қаратилади.

**ИМПОРТ БОЖИ**, халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади. Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундирилган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун асосида белгиланади. Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундирилган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади.

**ИМПОРТ КВОТАСИ** — нотаиф чекланишларнинг бир тури; мамлакат ҳудудига товар олиб кирилишидаги сонли (таннарх ёки натурал) чекланиш. Импорт квотаси бирон-бир давлат ёки давлатлар гуруҳи алоҳида товарлари ёки умумий товарларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Икки турдаги импорт квотаси мавжуд бўлиб, уни қуйидагилар ташкил этади: абсолют квота (ингл. *absolute quota*), яъни бирон-бир белгиланган товарни олиб кириш; тариф квотаси (*tariff quota*), яъни бирон-бир аниқ товарни белгиланган давр ичида арзонлаштирилган ставка асосида олиб кириш.

**ИНВЕСТИЦИЯ** (ингл. *investment*) — инвестор (капитал маблағ сарфлаётган давлат, ташкилот, корхона ёки шахс) томонидан бирон-бир фаолиятни амалга ошириш учун капитал маблағларни, сармояларни жорий қилиш, фойда олиш мақсадида сарф қилиш. Тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулкый, молиявий ва интеллектуал бойликлардир. Бундай бойликларга пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар,

акциялар, суғурта полислари ва бошқа қимматли қоғозлар; кўчар ва кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар); муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган мулкӣ ва номулкӣ шахсий ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлар киради. Инвестиция мамлакат ичида (ички инвестиция) ва хорижий мамлакатларда (ташқи инвестиция) амалга оширилиши мумкин.

**ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ** — банк турларидан бири. Инвестиция банки бир неча операцияларни бажаради: давлат ва корхона топширигига кўра эмиссиянинг миқдори, шартлари ва мудатларини белгилайди; қимматли қоғозлар турини ажратади, уларни режалаштиришни ҳамда иккиламчи муомаласини ташкил этади. Чиқарилган қимматли қоғозлар харид қилинишини кафолатлайди, қимматли қоғозларни ўз ҳисобидан харид қилади ва сотади ёки бунинг учун банк синдикатларини тузади. Инвестиция банклари харидорларга акция ва облигациялар қарзини беради, тижорат банклари хизматиға ўхшаш бўлган бошқа ишларни бажаради.

**ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ** — юридик шахс бўлиб, очиқ акциядорлик жамияти кўринишида тuzилади. У қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қимматли қоғозларни чиқаради;
- қимматли қоғозларнинг тарқатилишини кафолатлайди;
- қимматли қоғозларнинг баҳосини эълон қилади, яъни уларни котировка қилади (бозор нархини белгилайди);
- инвестиция дилери сифатида фаолият юритади;
- ўз акцияларини чиқаради ва сотади;
- фақат фонд биржасида брокерлик фаолиятини юритади.

Уларға нобиржавий бозорда фаолият кўрсатиш ман этилади. Инвестиция компаниясининг капитали давлат меъёрий ҳужжатлари томонидан белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги лозим. Улар ўз капиталини фақат ўз мутахассисларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек, реинвестиция қилинган ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этадилар ва юридик ҳамда жисмоний шахсларға сотиладиган ўз қимматли қоғозларини эмиссия қиладилар. Инвестиция компаниялари аҳолининг омонатлари ва маблағлари ҳисобидан ўз жалб этилган ресурсларини ташкил этиш ҳуқуқига эга эмас. Инвестиция компанияларининг капиталини аниқлашда брокерлик идорасининг капиталини ҳисоблашда қўлланилган усулдан фойдаланилади. Инвестиция компаниялари холдинглар, молиявий гуруҳлар ва молиявий компаниялар кўринишида фаолият юритишлари мумкин.

**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ** — инвесторларнинг пул маблағларини ишга солиш мақсадида акциялар сотиб оладиган ва чиқарадиган, бутун маблағларини фонд номидан қимматли қоғозларга, банклардаги ҳисоб варақаларига ва омонатларга қўядиган юридик шахсдир. Инвестиция фонди очиқ турдаги акционерлик жамияти кўринишида тузилади. У ўз акцияларини муомалага чиқариш ва уларни юридик ҳамда жисмоний шахсларга сотиш йўли билан тўпланган капиталини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларига ёки пул-кредит бозорига инвестиция қилади. Унинг асосий мақсади тўпланган капиталнинг даромадлилигини таъминлашдир. Инвестиция фондларининг ўз маблағларини инвестиция қилиш билан боғлиқ таваккалчилиги, бу маблағларнинг бозордаги қадри ўзгаришидан келадиган даромад ёки кўриладиган зарар тўла-тўқис ушбу фонд эгалари (акциядорлари) ҳисобига ўтказилади ва улар томонидан фонд акцияларининг жорий нархлари ўзгариши ҳисобига реализация қилинади. Инвестиция фонди акцияларининг бозор нархи ва ликвидлиги унинг эгалик қилиб турган эмитентлар қимматли қоғозларининг бозор нархига (курсига) ва ликвидлигига тўғри пропорционал бўлади. Инвестиция фондлари 1822 йилда дастлаб Белгияда, кейинчалик, яъни XX аср бошларида Буюк Британияда ва АҚШда тузилган. Улар асосан трест компания, яъни хусусий шахслар ва ташкилотлар учун сир сақланадиган, ишончли хизматларни бажарадиган компания шаклига эга бўлганлар. Инвестиция фондлари асосан қуйидаги вазифаларни бажаради: а) инвестицияларни профессионал даражада самарали диверсикация қилиш, яъни тарқатиш; б) инвестиция портфелини бошқариш. Бунда бозор конъюктурасига (ўзгаришига) қараб, инвестиция фонди қимматли қоғозларнинг олди-сотдисини тинмай амалга оширади. Шу асосда капиталларни истиқболли корхоналарга ва ишлаб чиқариш тармоқларига тақсимлаб туради. Инвестиция фондлари асосан майда инвесторлар (аҳоли)нинг жамоа инвестицияларини бошқаради. Улар икки турда бўладилар: 1) очиқ инвестиция фондлари; 2) ёпиқ инвестиция фондлари. Очиқ инвестиция фондлари чиқарган акцияларини ўз акциядорларидан қайта сотиб олиш мажбуриятини оладилар. Ёпиқ инвестиция фондлари эса бу мажбуриятни ўз зиммаларига олмайдилар. Ҳозирги кунда дунёда очиқ турдаги бошқарувчи фондлар (ўзаро фондлар) ривож топган. Улар очиқ турдаги акционерлик жамияти ёки масъулияти чекланган корпорация кўринишида тузилади. Баъзи инвестиция фондлари коллегиал асосда тузилиб, уларнинг ташкилий таркиби уч шахсдан иборат бўлади:

— инвестиция фондларининг бошқарувчиси (профессионал юридик ёки жисмоний шахс);

— депозитарий банки (махсус депозитарий) ёки ишонган вакили;

— инвестиция портфелининг эгаси (акциядор).

Бу турдаги инвестиция фондлари Австрияда, Германияда, Швейцарияда кенг тарқалган. Инвестиция фондлари: Канада ва Буюк Британияда — корпорация шаклида; Италия ва Голландияда чекланган шерикчилик ёки масъулияти чекланган корпорация шаклида тузилади; АҚШда: 1) нақд баҳоли сертификатлар фондлари; 2) бирлашган инвестиция трестлари; 3) менежериял (бошқарувчи) фондлар кўринишида тузилади. Очiq турдаги бошқарувчи фондларнинг акциядорлари (муассислари) уларнинг фаолиятини чегараловчи ташкилотлардан бошқа барча юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бундай ташкилотларга давлат, маҳаллий бошқарув ва жамоатчилик органлари, шунингдек, инвестиция фондида 25 ва ундан ортиқ фоиз овозга эга бўлган корхоналар ёки устав фондининг 25 ва ундан ортиқ фоизи давлатга тегишли бўлган корхоналар киради. Инвестиция фондининг устав капитали уни давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 кун ичида акциядорлар томонидан пул маблағлари кўринишида (75 фоизли) тўлиқ тўланган бўлиши лозим.

**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ** куйидагилардан ташкил топади: қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар ва фоиз даромадлари; қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалларни бажариш асосида олинган даромад. Инвестиция фондининг даромади (солиқлардан ва мажбурий тўловлардан, бошқарувчи ва депозитарийнинг хизмат ҳақларидан қолган қисми) фақат унинг устав фондини кўпайтириш ва акциядорларга дивиденд тўлаш учун сарфланади.

**ИНДЕКСАЦИЯ** (ингл. *Indexation*) — истеъмол товарлари ва кўрсатилётган хизмат нархлари кўтарилишини қисман қоплаш мақсадида аҳолининг пул даромадларини ошириш механизми. Индексация сиёсати давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб, моддий жиҳатдан кам таъминланганлар (нафақахўрлар, талабалар, ўқувчилар, ногиронлар)нинг даромадларини, тўлов қобилиятларини қисман оширишга қаратилган тадбирдир.

**ИНДЕССАМЕНТ** (ингл. *blank endorsement*; рус. *индессамент*) — вексел қоғозининг (бланкасининг) орқа томонидаги бировга ўтказиш ёзуви, ушбу ҳужжат бўйича ўзга шахсга берилган ҳуқуқ хусусидаги ёзув. Вексел орқа томонида уни бошқа шахсга ўтказиш бўйича ёзувни ёзган шахс индессант-дейилади.



**ИНДЕССАНТ** — ўз товари учун вексел ўтказувчи шахс.

**ИНКАССА** (ингл. *Colltion of pauments*) — банк операцияси-нинг бир тури, турли ҳужжатлар орқали (вексел, чек ва бошқа-лар) мижозлар номидан ва улар ҳисобидан банкнинг оладиган пули. Банк муассасаларидан ташқарида юриб пул йиғиш ва пул тўлашга вакил қилинган мансабдор шахс инкассатор дейилади (ингл. *collection*). Турли тўлов хизматлари асосида банкдан нақд пул олишга инкассация дейилади.

**ИНКВИЗИЦИЯ** (лотин. *inquisita* — қидирув, таъқиб) — XIII—XIX асрлар католик черковининг, давлат ҳокимиятидан мустақил равишда иш юритувчи махсус суд-тергов ва жазо муассасаси, мураккаб жосуслик, махфий қидирув, яширин суд. Инквизиция ҳукмрон динга, черков ақидаларига зид хатти-ҳаракат қилган, ўз таълимоти билан уларга қарши чиққан ерес (бидъатчи)ларни шафқатсиз таъқиб этувчи суд, полиция ташкилоти сифатида таъсис этилган. Инквизиция исботлаш далили манбаси сифатида ваҳшиёна ва шавқатсиз қийноққа асосланган тергов усулидан фойдаланган. Айбдор деб топил-ган шахслар гулханда ёндиришга маҳкум этилган. XVI—XVII асрларда инквизиция контрреформациянинг асосий куроли ҳисобланган, айниқса, Испанияда авж олган, Испанияда ало-ҳида инквизиция трибунали таъсис этилган. Рим папаси Ин-нокентий III (1198—1216) инквизиция ишларини бевосита папага бўйсундирди. 1232 йилда монах-доминиконлар орденига топширилган. Улар ўз округларида бидъатчиларни кўплаб қириб ташлаш учун чекланмаган ҳуқуққа эга бўлдилар. Ўрта асрларда фақат бидъатчиларгина эмас, балки юз мингларча бегуноҳ кишилар, машҳур ёзувчи, врач ва олимлар инквизи-ция қурбони бўлган. Масалан, 1415 йилда чех халқининг мил-лий қаҳрамони Ян Гус черков собори суди қарори билан Констанцада ўтда куйдирилади; 1600 йилда Ж.Бруно, 1619 йилда Л.Ванини ўтда куйдирилган. Инквизиция Фарбий Ев-ропага, кейинчалик Америкага ёйилган. Инквизиция XIX аср бошларигача ҳукм сурди. 1835 папанинг буйруғи билан инк-визиция судлари фаолияти тўхтатилди. Инквизициянинг айрим функциялари Ватикандаги муқаддас канцеляриянинг Конгре-гацияси зиммасига ўтди. Конгрегация 1965 йилгача амал қилиб келди ва черков фаолиятидан норози бўлганларни католик черковидан чиқарди. 1965 йилдан диний таълимот Конгрега-цияси номи билан қайта ташкил қилинди.

**ИНКВИЗИЦИЯ ЖАРАЁНИ** — черковнинг ўз судлов ҳуқуқига эгалиги. Черковга тааллуқли кишилар — монахлар, черков ерларида ишловчи деҳқонларнинг хоҳ фуқаролик ишла-

ри, хоҳ жинойт ишлари бўлсин, черков судларида кўрилиши шарт бўлган. Гуноҳкор айбига иқдор бўлса, у ўтда куйдирилмай, умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилган. Гуноҳкорлар камдан-кам оқланган, оқланган тақдирда ҳам у умр бўйи шубҳалилар рўйхатига қўшиб қўйилган. 1480 йилда Испанияда алоҳида инквизиция трибунали таъсис этилган. Олий инквизитор Торквемада (1498 йил вафот этган) 18 йиллик хизмати даврида 10220 кишини гулханда куйдиртирган. Унинг қилмишидан 114 минг оила жабр кўрган. Инквизиторлар мусодара қилинган мол-мулкдан катта даромад кўрганлар. Буржуа муносабатлари ривожланиши билан диний таъқиблар ҳам сиёсий тус ола бошлаган. Фақат диннинг ўзи эмас, умуман феодал тузуми танқид қилина бошлади, билимга, ҳурфикрлик, сўз эркинлигига интилиш кучайди. Диний ниқобдаги сиёсий инвизицион жараёнга Франция билан Англия ўртасидаги юз йиллик (XV аср) уруш қаҳрамони, халқ орасидан чиққан аёл Жанна Д'Арк устидан олиб борилган судни мисол келтириш мумкин. У сотқин фаранг руҳонийлари қарори билан гулханда ёндирилган.

**ИНОЯТНОМА (мусулмон ҳуқуқида)** — ташкилот, ширкат ёки алоҳида шахснинг у ёки бу мулкни эгаллаб туриш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини исботловчи давлат томонидан берилган ёки гувоҳлантирилган ҳужжатдир.

**ИНСОН БИОТИПИ** — индивидуал симпатик — адреналин тизими хусусиятлари бўйича аниқланадиган инсон типологияси. Инсон биотипини уч: адреналин (“а” тип), ноадреналин (“н-а” тип) ва аралаш турларга ажратадилар. “А” типга мансуб шахслар ортиқча ваҳимачи эканлиги, жавобгарликни ҳис этишлари, эришган ютуқларидан қониқмасликлари билан ажралиб турадилар. “Н-а” тип эса ҳаддан ташқари одамови, ичимдантоп, ҳукмини ўтказишни яхши кўрувчи, мақсадга мувофиқ ҳаракат қиладиган шахсларни ўз ичига олади. Муваффақиятсизлик рўй берганда бу кишилар асаб ва юрак-қон томир касалликларига дучор бўлишлари мумкин. Аралаш тип вакиллари эса ўта ҳиссиётга берилувчан, бошқаларнинг қайғусига шерик бўлиш каби хусусиятларга эгадирлар. Инсоннинг биотипик хусусиятлари фавқулодда вазиятларда, айниқса, яққол намоён бўлади.

**ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ** — инсонга бекаму кўст яшаш имкониятини берувчи, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақоми. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган ҳуқуқ

ва эркинликлар қонунларнинг мазмуни қўлланилишига ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Асосий қонуннинг 19-моддаси мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига, унинг жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, маслағи, шахсий ва ижтимоий аҳволдан қатъий назар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаслигини, уларни суд йўли билан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Конституциянинг 20-моддасида барча фуқароларни қонун олдида тенглигига асосланган ҳолда ўзгаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат тамойилларини ва ўзгаларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳисобига ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга йўл қўймасликка ҳамда ижтимоий ҳақиқат ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган. Конституциянинг 23-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи шахсларга конституцияда таъкидланган ҳуқуқ ва эркинликларга ҳамда халқаро ҳуқуқ томонидан мустаҳкамланган меъёрларга риоя қилиниш таъминланади. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи ҳуқуқнинг умумэътироф этилган халқаро меъёрларининг манбаларидан 1948 йилда имзоланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини, 1966 йилда имзоланган Болалар ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияни, яна бир қатор Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро битимларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга биноан ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар ва жавобгарликнинг бир қисмини ўз зиммасига олишга мажбур. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга давлат кафолат беради.

**ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ** — қонун томонидан муҳофаза қилинувчи энг муҳим ва дахлсиз ҳуқуқ. Ҳар бир инсон туғилишидан то вафот этишига қадар яшаш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч бир шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, халқаро ҳуқуқ меъёрлари томонидан ўта жиддий жиноят учун ўлим жазоси сифатида берилган жазодан ташқари, асоссиз ҳаётдан жудо қилиниши мумкин эмас. Ҳуқуқбузарлик учун ҳибсга олинган шахслар — улар қилган жиноятнинг даражасидан қатъий назар инсонпарварларча муносабатга ҳамда қадр-қиммат, обрўсини муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгадир ва мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ижтимоий муҳофаза қилиш кафолатини ва инсон шахси эркин ривожланишини ва инсонни муносиб ҳаёт билан таъминловчи воситаларнинг кенг доирасини қамраб олувчи ҳуқуқий тадбирларнинг мажмуини ўз ичига олган. Ҳеч ким қий-

ноқ остига олинмаслиги, ғайриинсоний, инсон қадр-қиммати-ни хўрлайдиган муомалага дучор этилиши, унинг устида унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар олиб борилиши мумкин эмас; ҳар бир фуқаро хавфсиз меҳнат қилиш, ҳақ тўланадиган мунтазам таътил ва дам олиш кунларини олиш, барча фуқаролар саломатлигини сақлаш ҳуқуқига, тиббий хизмат олиш, ижтимоий таъминланиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадир.

### **ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ** —

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш тизими. Ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатловчи ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари, биринчи навбатда Асосий қонун — Конституция, белгиланган ҳуқуқларга амал қилинишини таъминловчи аниқ ҳаракатларни кўзда тутувчи халқаро шартномалар киради.

### **ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ** —

ўз ичига ҳуқуқ меъёрини, суд ҳимоясини, ташкилий, иқтисодий ва бошқа ҳаракатларни олувчи, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг йўллари-дан бири фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларидир. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилган тақдирда, улар процессуал қонунчилик қоидаларига кўра уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар устидан маъмурий ёки суд тартибида шикоят келтиришлари мумкин.

### **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ** —

БМТ Уставида эълон қилинган Декларация. Декларация халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тўла амалга ошириш, кишилар турмушини яхшилаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантиришга кўмаклашиш каби шиорларга асосланган. БМТнинг Бош Ассамблеясида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. Шу декларацияга биноан ҳар бир инсон миллати, жинси, irqи, табақаси, динидан қатъий назар, декларацияда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч қандай чекланишсиз фойдаланиши керак. Декларация кириш қисм ва 30 моддадан иборат. БМТнинг инсон ҳуқуқлари декларациясига кўра, ҳар бир шахс касб танлаш эркинлиги, меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш, меҳнат шароитларини яхшилашни талаб этиш, ишсизликка қарши курашиш, ногиронлик, қарилик пенсиялари олиш, дам олши ва вақтинча нафақа олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Декларацияга биноан меҳнаткашлар касаба уюшмалари ташкил этишлари ва улардан ўз манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК** (лотин. *Intellect* — ақл; *intelligence propezy* — интеллектуал мулк) — ақлий фаолият натижаси бўлмиш илмий кашфиёт, тадқиқот илмий асарга, таклифга, ЭҲМга тайёрланган дастурлар, “ноу-хау”, тажриба натижалари ва бошқаларга бўлган муносабат. Интеллектуал мулк — инсон ижодий фаолиятининг моддий ёки ғоявий кўринишдаги натижалари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкый ҳуқуқлар мажмуи. Интеллектуал мулк объектлари ва улар билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 4-бўлимига киритилган моддалар, шунингдек, махсус қонунлар билан тартибга солинади. Миллий ва халқаро уюшмалар, ташкилотлар ва интеллектуал мулк соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида 1967 йили Стокгольм шаҳрида бўлган анжуманда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) тузилганлиги ҳақида Конвенция қабул қилинган. 1970 йил 26 апрелдан бошлаб бу Конвенция кучга киритилган. ЖИМТ қошида тузилган турли ихтисослашган иттифоқлар фаол иш олиб боради. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида интеллектуал мулк соҳасидаги бир неча халқаро жамиятларига, иттифоқларга аъзо бўлди, ЖИМТ қабул қилган Конвенцияларга қўшилди.

**ИНТЕРВЕНЦИЯ** (лотин. *interventio* — аралашмоқ) — бир давлатнинг ёхуд бир неча давлатларнинг БМТда белгиланган давлатнинг ҳудудий бутунлиги ёки мустақиллиги, қўшилмаслик ёхуд бошқа тамойилларни бузиб, бошқа давлат ички ишларига аралашуви. Интервенциянинг ҳарбий-иқтисодий, дипломатик турлари бор. Ҳарбий интервенция, шунингдек, агрессия сифатида ҳам кўрилади. Бундан ташқари, интервент давлатларнинг миқдоридан келиб чиқиб яққа ва жамоат интервенцияни, бошқа давлат ҳудудига ҳарбий куч ишлатиб бостириб киришини назарда тутувчи очиқ ва ёпиқ интервенцияни фарқлаш мумкин. Халқаро ҳуқуқ интервенциянинг барча шакллари ва кўринишларини тақиқлайди.

**ИНТЕРПОЛ** — Халқаро жиноят полицияси ташкилотининг кискартирилган номи. Давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда жинорий полициянинг халқаро ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилот аъзоси. Интерпол Устави жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда миллий полиция органларининг ўзаро ҳамкорлигини кўзда тутуди, сиёсий ва диний характердаги аралашув назарда тутилмайди. Интерполни тузиш тўғрисидаги қарор 1914 йил Монако конгрессида қабул қилинган, лекин 1923 йил унинг биринчи устави қабул қилинган кундан бошлаб ҳаракат қила бошлаган. 1972 йил Интерполнинг штаб-квартираси Франция этиб белгиланган. Интерпол-

нинг олий органи Бош Ассамблея, у сайлайдиган президент ва ижроия кўмитаси, шунингдек, Бош котиб раҳбарлигида доимий иш кўрувчи Котибият. Интерпол жиноятчиларини ўз ичига олган картотекани юритувчи халқаро марказ ҳисобланади, шунингдек, халқаро миқёсда жиноятчиларни (гумондорларни, бедарак йўқолганларни, ўғирланган бойликларни) қидиришни мувофиқлаштиради. Ҳозирда 150 дан ортиқ давлат Интерпол аъзоси ҳисобланади.

**ИНТЕРЦЕССИЯ** — фуқаролик ҳуқуқида қарздор томондан унинг мажбуриятларини қабул қилиб шартномага қўшилишлар, масалан, қарздор қарзини тўлашни ўз зиммасига олиш.

**ИНФЛЯЦИЯ** (ингл. *inflation* — нақд пуллар ва нақд пулсиз маблағларнинг қадрсизланиши) — муомала бозорининг эҳтиёждан ортиқча ва нарса билан таъминланмаган қоғоз пуллар билан тўлиб-тошиб кетиши ҳамда пулга ортиқча талабнинг юзага келиши муносабати билан юз беради. Инфляция натижасида пулнинг товар ва хизматларга нисбатан харид қуввати кескин пасайиб кетади. Инфляциянинг очиқ-ошкора ва яширин (сунъий жиловлаб туриладиган) турлари мавжуд. Ошкора инфляция эркин нарх шаклланиши мавжуд бўлган иқтисодиётга хос бўлиб, товар ва хизматлар нархининг узлуксиз ўсиб боришида ифодаланади. Яширин инфляция нарх-наво давлат томонидан бошқариладиган иқтисодиётга хос бўлиб, товарлар тақчиллиги, уларнинг сифати пастлиги, ноилож пул жамғарилиши, яширин иқтисодиётнинг ривожланиши, бартер битимларнинг кенг тарқалганлиги кабиларда зоҳир бўлади. Ўз суръатларига кўра ўрмаловчи, сузиб юрувчи ва гиперинфляция (югурувчи) турларга бўлинади. Ўрмаловчи инфляция пул харид қобилиятининг йилига 10—20 фоизга қадрсизланиши, турғунлик каби хусусиятларга эга. Сузиб юрувчи инфляция иқтисодий вазиятнинг барқарор эмаслиги, пул қадрсизланиши 10—20 фоиздан 200—300 фоизгача сакраши орқали юз бериши билан, гиперинфляция эса инфляция суръатларининг ўта юксаклиги ва йилига 1000 фоиз ва ундан ҳам юқорилиги билан характерланади. Инфляцияга иқтисодий мувозанатнинг бузилиши, ҳаддан ташқари кўп инвестиция сарфланиши, ишлаб чиқариш ва идоравий монополия ҳукмронлиги кабилар сабаб бўлади. Бу сабаблар давлат бюджети камомадини келтириб чиқаради ва унинг ўсиб боришини келтириб чиқаради, ортиқча пул эмиссиясига олиб келади. Инфляцияга, шунингдек, сиёсий барқарорликнинг йўқлиги, аҳолининг ижтимоий фаоллиги каби ижтимоий фактлар ҳам сабаб бўлади. Бунда “нарх-наво — иш ҳаққи” спирали юзага келади: нархларнинг оширилиши иш ҳақининг оширилишига, иш ҳақининг оширилиши эса нархларнинг кўтарилишига сабаб бўлади.

**ИПОТЕКА** (ингл. *hypothic*) — қарз, кредит олиш учун бирон-бир муайян кўчмас мулкни (ер, иморат ва ҳоказо)га гаров қўйиш. Фуқаролик кодексининг 269-моддасига мувофиқ ипотека гаровга олувчига топширилмайди. Мазкур кодекснинг 271-моддасига мувофиқ ипотека тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи восита сифатида нотариал тасдиқланиши шарт. Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк тўғрисида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

**ИСЛОМ ҲУҚУҚИ** (араб. *“шариат”* — тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик; мусулмон ҳуқуқи) — ислом диний-ҳуқуқ тизими. VII—X асрларда Араб халифалигида юзага келган ҳуқуқ тизими. Илк Исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръони Карим асосида олиб борилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиниб дастлаб Қуръони карим ва сунна, кейинчалик ижмоъ ва қисё олинган. Шариат диний-ҳуқуқий тизим сифатида X—XII асрларда тугал шаклланган. Тарихда, жумладан Мовароуннаҳр фиқҳ мактаб машҳур бўлган. Фиқҳда шариат манбалари — “усул ал-фиқҳ” деб эътироф этилган. Бинобарин, фиқҳ арабча “тушуниш” маъносини англатиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳасидир. Фиқҳ диний ҳуқуқшунослик сифатида икки соҳада — шариат манбаларини ишлаб чиқиш (усул ал-фиқҳ) ва шариатни муайян бир соҳаларга татбиқ қилиш (фуруъ ал-фиқҳ)дан иборат бўлган. Исломнинг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида мустақил ҳуқуқ мазҳаблари — ҳанафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалия бор. Бинобарин, фиқҳ билан шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши фақиҳ (қонуншунос) деб аталган. Мусулмон ҳуқуқининг асосий мазмунини ислом талабларидан келиб чиқадиган, мусулмонларнинг ўзаро муомала ва ахлоқ қоидалари ҳамда уларни бузганликлари учун қўлланадиган (одатда диний руҳдаги) жазолар ташкил этади. Шариатда давлат (халифалик) ҳуқуқи нормалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Шариат хусусий мулкни худо томонидан белгиланган доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Қуръони карим шариат ҳуқуқининг бош манбаи сифатида, ҳадислар унга қўшимча ёки тўлдирувчи манба, дунёвий ҳуқуқ эса ундан ҳосила бўлиб, фақат унга зид келмаган ҳолдагина қўлланилган. Қуръони каримнинг деярли барча суралари у ёки бу даражада ҳуқуққа оид қоидалардир. Шунингдек, бевосита ҳуқуқий муносабатларни тартибга солидиган оятлар ҳам жуда кўп. Айни вақтда мусулмон ҳуқуқининг

кўрсатиб ўтилган бошқа манбаларининг ўрни ҳам ғоят муҳим бўлган. Шариатда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормалар, амалий диний талабларга ҳам қонуний тус берилган (намоз ўқиш, рўза тутиш, закот, ҳаж ва ҳоказо). Мусулмон ҳуқуқи яхлит ҳолда фақат мусулмонлар ўртасидаги муносабатларда амал қилади. Бинобарин, мусулмонлар аҳолининг асосий кўпчилигини ташкил этган Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам мусулмон ҳуқуқининг мавқеи кучли бўлишига қарамай, у янги ижтимоий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда қонунлар, кодекслар ва одатлар билан тўлдириб келинган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мусулмон мамлакатларида Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳуқуқидан фойдаланиш асосида жиноят, савдо, процессуал ва бошқа кодекслар қабул қилинди ва бу жараён давом этмоқда. Мусулмон ҳуқуқининг оила, мерос ва бошқа тармоқларини тартибга солиш ва кодификация қилиш Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Тунис, Марокаш, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда махсус қонунлар қабул қилиш шаклида амалга оширилмоқда. Бу мамлакатларнинг айримларидаги кодексларда мусулмон ҳуқуқининг таъсири сақланиб қолган. Бир қанча араб мамлакатлари конституцияларида мусулмон ҳуқуқи қонунчиликнинг асоси ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида уни қўллашга рўхсат этилган; бу мамлакатларда шариат асосида иш кўрадиган судлар ҳам мавжуд. Шунинг учун диний мусулмон ҳуқуқи билан мусулмон давлатлари ҳуқуқини фарқлаш лозим.

**ИСЛОМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ** — мусулмон ғоялари ва динини давлатнинг у ёки бу давр амалиётидаги шароитига мослаштириб қўлланилиши. Масалан, 1899 йилда Мисрдаги банк операцияларини ўтказишдаги ислоҳлар.

**ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНАДИГАН ВА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНМАЙДИГАН АШЁ** — бир қарра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатда мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу қабилар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланади. Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари) истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар ижара предмети бўлиши мумкин. Истеъмол қилинадиган ашёлар эса қарз шартномасининг предмети бўлиб ҳисобланади.

**ИСТИСЛОҲ** (араб. манфаатларни эътиборга олмоқ) — фикҳнинг кўшимча манбаларидан бир-бири, фикҳдаги нормаларни



оқилона қўллаш усули. Истислоҳ билан биргаликда унга ўхшаш (синоним) “масалиҳ-мурсала” — “абсолют (мутлақ) манфаатлар” атамаси қўлланилади. Истислоҳ концепциясини асосан шариат ва фикҳнинг асосий мақсади мусулмонлар динини сақлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, уларнинг тафаккурлари тўғрисида қайғуриш, авлодни давом эттириш, уларнинг мулкани ҳимоя қилиш ва ҳоказолар тўғрисидаги ғоялар ташкил этган.

**ИСТИҲСОН** (араб. қўлламоқ) — ҳанафийлар мазҳаби томонидан ишлаб чиқилган, фикҳнинг қўшимча манбаларидан бири. Истиҳсоннинг икки тури мавжуд: мазмунан бир хил икки қарордан бирининг танланиши, бунда тартибга солинадиган муносабатларнинг ташқи томони эмас, балки ички табиати эътиборга олинади. Масалан, вақф мулки ҳисобланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати олиш-сотиш шартномаси билан эмас, балки унга мувофиқ келувчи вақф институтида муҳим аҳамият касб этган ижара шартномаси билан белгиланади. Истиҳсоннинг иккинчи тури бирон-бир масалани, умумий нормалар асосида эмас, балки фақат унга тааллуқли хусусий нормалар асосида ҳал этишни назарда тутди. Маълум бир ҳолатга татбиқ этилиши лозим бўлган бундай қарор Куръони карим, Сунна мужоҳидлар (*Қаранг*: “Ижмо”) мажлисидаги одатларга асосланиб, мусулмонларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Масалан, етиштириладиган ҳосилни келишиш борасида фикҳдаги умумий ҳуқуқда йўқ мулкнинг сотилиши тақиқланади. Лекин бу битимларнинг тузилишига истиҳсон ёрдамида йўл қўйиш мумкин, чунки у суннатда кўзда тутилган ва мужоҳидларнинг бир овоздан қабул қилган қарорларида истиҳсон масалага мусулмонларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, шариат ва фикҳ умумий манфаатларини эътиборга олиб ёндошади. Истиҳсонни ҳанафийлар, ҳанбалийлар, шунингдек, моликийлар кенг қўллайдилар.

**ИХТИРО** — амалий аҳамиятга эга бўлган техник ечим бўлиб, қонунда белгилаб қўйилган аломатларга эга бўлган ҳолларда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Бундай аломатлар жумласига ихтиро янгилиги, ихтиролик даражасига эга эканлиги ва амалий жиҳатдан фойдалилиги киради. Ихтиро объектлари бўлиб қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг тўқималари ва ҳоказолар ҳисобланади. Ихтиро ҳуқуқи патент билан гувоҳлантирилади. Ихтиро муаллифининг ҳуқуқий мақоми, ихтиронинг ҳуқуқий режими махсус қонунлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1082-моддасига биноан ихтирога бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

**ИЧКИ СИЁСАТ** — давлат ҳокимиятига эга ташкилотлар ва шахсларнинг бир давлат ҳудудида жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ҳуқуқий воситалар билан тартибга солишга қаратилган фаолияти. Ички сиёсат масалаларига қўйидагилар киради: давлат ва жамият тузилиши ва тараққиётни белгилаш; мавжуд иқтисодий ва ижтимоий тизимни ҳимоялаш ва уларни ислоҳ қилиш; маданият ва таълим ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш. Ички сиёсат фақат давлат бошқаруви идоралари томонидан амалга оширилмайди, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ноҳукумат ташкилотлари ва ҳоказо) ва фуқаролар ҳам унда иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси парламент, президент ва маҳаллий ҳокимият идораларига сайловларда иштирок этиш орқали давлатнинг ички сиёсатига таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ички сиёсатининг асосий йўналишлари: давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш; жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини демократиялаштириш ва ислоҳ қилиш; сайлов тизимини янгилаш; мустақил, юқори технологияга асосланган, самарали ва қулай иқтисодиётни яратиш; миллий онгни шакллантириш ва миллат маданияти ва маънавиятини ривожлантириш.

**ИШ БЕРУВЧИ** — меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти ҳисобланиб, булар қўйидагилардир: 1) корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида; 2) мулкдорларнинг ўзи айна бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар; 3) ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда (Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси).

**ИШГА ЖОЙЛАШИШ ҲУҚУҚИ** — шахснинг унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди. Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

**ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ЁШ** — ишга қабул қилишга 15 ёшдан йўл қўйилади. 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим

мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини 14 ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғи, камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган энгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариши учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллагаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВЛАРИ** — фуқароларнинг шахсий иштирок этиши ҳамда аъзоларининг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизида ихтиёрий бирлашмаси. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар. Кооперативнинг фирма номи кооперативнинг номини, шунингдек, “ишлаб чиқариш кооперативи” деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

**ИШОНЧ ЁРЛИҒИ** — бирор шахснинг мазкур мамлакатда элчи ёки дипломатик вакил сифатида тайинланганлигини тасдиқловчи расмий хат шаклидаги махсус ҳужжат. Ёрлиқ хорижий давлат бошлиғи номидан қабул қилувчи давлат бошлиғига йўлланади. Ишонч ёрлиқларида мазкур шахсга давлат манфаатларини ифодалаш топширилганлиги, унинг сўзлари ва ҳаракатларига ишониш лозимлигини таъкидланади. Давлат бошлиғи

томонидан ишонч ёрлигининг қабул қилиниши тайинланган ва етиб келган хорижий мамлакат ёки халқаро ташкилот элчиси ёки дипломатик вакили мазкур давлатда аккредитация қилинган, яъни ўз вазифаларини бажаришга расман киришганлигини билдиради. Дипломатик вакиллар вазифаларининг тугаши давлат бошлиғига қақурув ёрлигини тақдим этиш билан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва қақуриб олиш тартиби 1992 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва қақуриб олиш тартиби тўғрисида”ги Қонун билан белгиланади. Мазкур қонун 1961 йилги “Дипломатик муносабатлар тўғрисида”ги Вена конвенциясига ва бошқа умумлар эътироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва қоидаларга тўла мувофиқдир.

**ИШСИЗЛИК** — ўн олти ёшдан бошлаб то ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, тайёргарликдан ўтишга тайёр, меҳнатга қобилиятли шахс.

**ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ** — ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланадиган нафақа. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб, кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради. Ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақи (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган ёки узоқ вақт (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта; муқаддам ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга ўн уч календар ҳафта мобайнида тўланади. Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак. Қуйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш бекор қилинади: ишсиз шахс ишга жойлашганида; ишсиз шахс тақлиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган тақдирда; ишсизлик нафақасини олувчи шахс пенсия ёшига етган тақдирда; ишсиз мақомини олган шахс суднинг ҳукми билан қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган бўлса; ишсиз шахс ишсизлик нафақасини олиб турган даврда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилмай вақтинча ишга жойлашган бўлса; ишсизлик нафақасини алдов йўли билан олишга уринса; ишсиз шахс вафот этган тақдирда. Қуйидаги

ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш тўхтатиб турилади: ишсиз шахс қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишга юборилган бўлса, стипендия олиб қайта тайёрлашдан ўтиш ёки малака ошириш даврида; ишсиз шахс ихтисослаштирилган давлат-профилактика муассасасида даволаш курсини ўтаётган бўлса, бундай муассасада бўлган даврида. Ишсиз шахс узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда, ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойгача муддатга тўхтатиб қўйилиши ёки нафақанинг миқдори камайтирилиши мумкин. Ходимнинг айби билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ишсизлик нафақаси уч ойгача тўланмаслиги ёки нафақанинг миқдори камайтирилиши мумкин.

**ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР** — Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

**ИШОНЧНОМА** — бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун ёзма ваколат. Ишончли вакил ўзига берилган ишончномада белгиланган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Фуқаролик кодексининг 134—144-моддаларида ишончнома муддати, юридик шахс ишончномаси, нотариал тасдиқлаган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар, ишончномани бекор қилиш асослари белгилаб қўйилган.

**ИҚТИСОДИЙ ҲУДУД** — бирон-бир мамлакат территориал сувларига туташиб турган, қирғоқдан 200 мил кенгликда бўлган денгиз ҳудуди бўлиб, ушбу ҳудудда унга туташган давлат ўзининг белгиланган суверен ҳуқуқларини амалга оширади. 1982 йилдаги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи конвенциясига мувофиқ иқтисодий ҳудудга туташ бўлган давлат, мазкур ҳудудда жойлашган ер ости, ер усти, сув сарҳади, сув остидаги жонли ва жонсиз табиий ресурсларни ўрганиши, тадқиқот этиши ва муҳофаза этиш каби суверен ҳуқуққа эга. Иқтисодий ҳудуд — қирғоқбўйи давлати ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа давлатлар ҳуқуқларини ҳам назарда тутиши керак. Барча давлатлар Конвенцияга мувофиқ келишилган қоидаларга риоя қилган тақдирда Иқтисодий ҳудудда кемачилик ва учиш эркинлигидан фойдаланади, бунга ҳарбий кемалар қатнови, сув

ости кабеллари ва трубопроводларни ётқизиш, шунингдек, халқаро ҳуқуқ ва Конвенциянинг уйғунлашадиган бошқа қоидалари нуқтаи назаридан қонуний ҳисобланадиган айни эркинликка мансуб денгиздан фойдаланиш турлари (кемалар, учиш аппаратлари ва сув ости кабеллари, трубопроводлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлганлар) ҳам киритилади. Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатлар ва ноқулай географик ҳолатга эга бўлган давлатлар иқтисодий ҳудуд жонли ресурсларини рухсат берилган овлашнинг тегишли қолдиқ қисмидан адолатли асосда фойдаланишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этишнинг шарти ва тартибини манфаатдор давлатлар тегишли битимлар воситасида белгилайди. Конвенция шунингдек, балиқлар ва сут эмизувчиларнинг айрим турларини бошқариш ҳамда сақлашга оид қоидаларни ҳам назарда тутди.

**ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР** — иқтисодий соҳада инсон фаолиятини юридик жиҳатдан белгиловчи ҳуқуқлар мажмуи. Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларга меҳнат қилиш ҳуқуқи, касб ва меҳнат шароитлар (яратиш) ҳуқуқи, хусусий мулкчилик ҳуқуқи, банкка қўйилган омонатни сир сақлаш ҳуқуқи, ишсизликдан муҳофаза ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар кирди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ҳар бир шахсга ўзининг меҳнат қобилиятидан фойдаланишни кафолатлайди ва иқтисодий жиҳатдан ҳар қандай мажбур қилишни ҳамда меҳнат ҳақини тўлашда камситишни тақиқлайди, шу билан бирга истеъмолчи ҳуқуқларининг устуворлигини, тенглик ва мулкдорликнинг барча шакллари муҳофаза қилишни кафолатлайди. Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36—37-моддаларида таъкидланган.

## “К”

**КАДАСТР** (ингл. *Caddster*) — 1) Жон бошидан олинадиган солиқ тўловчилар рўйхати. 2) Вақти-вақти ёки узлуксиз кузатиш натижасида тегишли объект хусусида структура, тузилмавий маълумотлар тўплами; масалан, сув кадастри (дарёлар), ер кадастри (ер майдонлари) ва уларни ўрганиш бўйича ўтказилган текширишлар ҳақидаги маълумотлар тўплами.

**КАНТОН** (франц. *canton*) — Швейцарияда маъмурий-ҳудудий бўлинма (федерация субъекти); Франция ва бошқа мамлакатларда қуйи поғонадаги маъмурий-ҳудудий бирлик.

**КАПИТАНИЯ** — XVI—XIX аср бошларида Бразилия ва Португалиянинг колониялари Мадейра, Азора, Кавоверди оролларида маъмурий-худудий бирлик.

**КАПИТОЛИЙ** — АҚШ (Вашингтон)да Конгресс биноси. Айрим штатларда қонунчилик биноси капитолий номи билан аталади.

**КАПИТУЛЯЦИЯ** — халқаро ҳуқуқда, урушаётган тарафлар ҳарбий кучлари қаршилиги, қисман ёки тўлалигича ҳарбий ҳаракатлар ёхуд уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши. Капитуляцияда мағлуб бўлган тараф гарнизонлар ва гуруҳларни қисман ёки тўлалигича топширади. Капитуляцияда барча ҳарбий техника ва ҳарбий мулк ғалаба қозонган тарафга топширилади, ҳарбий кучлар шахсий таркиби эса ғолиб томоннинг асирларига айланади. Капитуляция урушувчи тарафлар ўртасида уруш давом этишини расмий тўхтатмайди.

**КАПИТУЛЯЦИЯЛАР** (ўрта аср лотин. *capitulum* — келишман) — XVIII—XIX асрларда Ғарб давлатлари Шарқ мамлакатларига (Туркия, Япония, Эрон, Хитой ва ҳоказо) ўтказмоқчи бўлган шартномалар. Бу шартномага асосан Ғарб давлатлари фуқаролари ва вакилларига алоҳида имтиёзлар (маҳаллий судлар томонидан улар ишлари кўрилмаслиги, ўз-ўзини бошқарув органларидаги ваколатлар, савдодаги имтиёзлар ва ҳоказо) берилган. Японияда катитуляциялар XIX аср охирида бекор қилинган бўлса, бошқа мамлакатларда XX аср биринчи ярмида бекор қилинган.

**КАРАБИНЕР** (франц. *caradinier*) — Италия, Чили ва бошқа давлатларда жандармерия шахсий таркибининг номи, шунингдек, Молдовадаги ички қўшинлар.

**КАРДИНАЛ** (лотин. *cardinalis* — бош, асосий) — католик черкови юғонасида Рим папасидан кейин, аммо епископдан юқори турувчи руҳоний шахс. Католик черковини бошқарувчи папанинг энг яқин маслаҳатчилари ва ёрдамчилари. Папа томонидан тайинланади.

«**КАРОЛИНА**» — жиноят ҳуқуқи соҳасида герман ҳуқуқи тарихида катта рол ўйнаган ҳуқуқий ёдгорлик 1532 йилда кучга кирган. Ушбу Кодекс император Карлнинг топшириғига биноан тузилиб, жиноят ҳуқуқи ва жиноят судлов жараёни ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олади. Унда туғилиб келаётган феодал мутлақ яккаҳокимлигининг ўзига хос томонлари ўз ифодасини топган. Мазкур кодекс тизимига кўра нашр қилиш тўғрисидаги

қонун кириш сүзидан ва қонун матнидан иборат бўлиб, жами 219 моддани ташкил қилади. Кодекс охирида ифодалаш осон бўлиши учун моддалар рўйхати — «реестр» берилган. Гарчи Германия миллий ҳуқуқининг ёдгорлиги бўлса-да, унда Рим ҳуқуқининг таъсири яққол сезилиб туради. Унинг 142-моддаси жиноят-процессуал нормалардан, 78-моддаси эса жиноят ҳуқуқи қодаларидан иборат. «Каролина»га кўра жазонинг мақсади кўрқитишдан иборат бўлиб, унинг ишлаб чиқилиши сабаби 1525 йилги деҳқонлар кўзғолони эди. Жами 9 хил ўлим жазоси, 4 хил тан жазоси берилиши ҳоллари кўрсатилган. Энг қаттиқ жазолар давлат жиноятларига — хиёнат, сотқинлик, сохта пул ясашга қўлланилган. Ўғирлик учга бўлинган: а) синдириш билан боғлиқ ўғирлик, иккинчи марта ўғирлик содир этиш, учинчи марта ўғирлик жиноятини содир этиш — эркак киши осиб ўлдириш йўли билан қатл этилган, хотин киши чўктириб ўлдирилган. Оилага қарши қаратилган жиноятлар: номусга тегиш, никоҳлик эрга ёки хотинга хиёнат, аёл киши боласини ўлдириши — қатл этиш билан жазоланган. Диний жиноятларга — даҳрийлик учун қатл қилиш, фолбинлик жиноятлари учун ёқиб юбориш жазоси қўлланилган. «Каролина»га кўра суд жараёни — дастлабки терговга, суд муҳокамасига — умумий ва махсус терговга бўлинган. Биринчисининг вазифаси жиноят бўлганлиги ва жиноятни аниқлаш, иккинчиси — гумондор ва иштирокчиларни сўроқ қилиш, азоблаш усулларини қўллаб қош қилишдан иборат бўлган. «Каролина» 300 йил мобайнида Бутунгермания империясининг қонуни бўлиб келди. У нашр этилган вақтда, Германия, “Герман миллатининг Рим империяси” деб аталиб, турли герцоглик ва қиролликлар Венгрия, Австрия, Сардиния, Фландрия, Иерусалим ва бошқа жойларда қўлланилган.

**КАССАЦИЯ** (лотин. *quasso* — бузаман, синдираман) — 1) кучга кирмаган суд қарори ёки ҳукми устидан юқори турувчи судга шикоят қилиш ва эътироз билдириш; 2) ишда мавжуд ва қўшимча ҳужжатлар (материаллар) бўйича суд қарори ва ҳукмининг қонуний, асосланган бўлишини юқори томонидан текшириш. Бундай тартибда иш тўла равишда кўриб чиқилмайди; 3) қуйи суд томонидан қонун бузилганлиги ёки суд юритиш тартибига риоя қилмаганлиги сабабли қуйи суднинг қарори ёки ҳукмини юқори суд поғонаси томонидан қайта кўриб чиқилади, бекор қилинади.

**КАССАЦИОН ПОҒОНА** — фуқаролик жараёни, жиноят жараёни ҳуқуқи бўйича суднинг иккинчи поғонаси, яъни биринчи поғона судининг қарори ёки ҳукмини устидан берилган кассацион шикоят, эътироз бўйича ишни кўрадиган суд.



Кассацион поғона — иш бўйича қарор қарор қабул қилган ёки ҳукм чиқарган судга нисбатан бевосита юқори турувчи суддан иборат (масалан, вилоят суди, туман, шаҳар судларининг қарор ва ҳукмларига нисбатан кассацион поғона ҳисобланади). Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарор ва ҳукмларига кассацион тартибда шикоят қилиш ёки эътироз билдириш мумкин эмас.

**КАССАЦИОН СУД** — баъзи давлатларда юқори судлар кассацион суд деб номланади. Улар иш бўйича биринчи поғона судларнинг қабул қилган қарорлари ва чиқарган ҳукмлари устидан тушган шикоятлани кассацион тартибда кўриб чиқади, шунингдек, улар нормаларини шарҳлаш, қуйи суд поғоналари томонидан қонунга амал қилишларини кузатадилар. Масалан, Италия, Белгия ва Францияда мамлакатнинг олий суди кассацион суд дейилади.

**КАФИЛЛИК** — мажбурият бажарилишини таъминлаш воситаларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 292-моддасига биноан кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин. Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бунга риоя қилмасликдан келиб чиқадиган оқибатлар, шартноманинг асосий шартлари Фуқаролик кодексининг 293—298-моддаларида назарда тутилади.

**КАФОЛАТ** — мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллардан бири. Кафолат шартномаси бўйича кредит муассасаси (банк) кафил сифатида бошқа шахс, яъни қарздор (приципиал)нинг илтимосига кўра унинг кредитори (бенефициар)га тегишли бўлган пул суммасини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Кредит муассасаси, приципиал ва бенефициар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 299—310-моддаларида назарда тутилади.

**КАФОЛАТ ВЕКСЕЛИ** — вексел, оддий ва ўтказма (тратта) векселларга бўлинади. Оддий вексел — бир ташкилотнинг (вексел берувчининг) бошқа бир ташкилотга (дастлабки олувчига) ёки унинг буйруғи билан сўзсиз равишда белгиланган муддатда ёки талаб қилинган вақтда маълум пул маблағини тўлаш мажбуриятини ўзида акс эттирган ёзма ҳужжатдир. Бу вексел қарздор томонидан тўлдирилади. Оддий векселлар (“шахсий вексел-

лар”, “соло векселлар”) товар берувчига харидор томонидан бир нухада берилади. Оддий вексел муомаласида фақат икки шахс иштирок этади: вексел берувчи ва вексел олувчи. Вексел олувчилар ўзларига тегишли векселларни сотувчилардан олинган товар эвазига уларга индоссамент (векселга бўлган эгаликнинг бошқа киши ихтиёрига ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжат) орқали ўтказишлари мумкин. Бунда товар учун вексел ўтказувчи шахс индоссант деб юритилади. Агар векселнинг орқасида унинг эгаси ўзгарганлиги тўғрисидаги ёзувлар сигмай қолса, ёзувлар давом эттириладиган қўшимча қоғоз — «аллонги» илова қилинади. Вексел индоссамент асосида бир неча мартаба қўлдан-қўлга ўтиши мумкин, бунда вексел бўйича жавобгарлик барча вексел иштирокчилари томонидан биргаликда амалга оширилади. Оддий ва ўтказма векселларга нисбатан ишонч ни ошириш учун вексел бўйича тўловчига вексел кафолати — аввал берилиши мумкин. Авал — векселнинг ўнг бетида ёки унга илова қилинган варақда имзо шаклида ифодаланган банк кафиллиги. Учинчи шахсга, одатда, банк томонидан берилади. Бунда агар вексел берувчи ўз қарз мажбуриятини тўлай олмаса, у ҳолда вексел суммаси вексел кафолатчиси, яъни аввалиёт томонидан тўланади. Векселнинг амал қилиш муддатини чўзиш вексел проланганцияси деб аталади. У қонунга мувофиқ ёки қарздор ва қарз берувчининг ўзаро келишувига кўра расмийлаштирилади.

**КВИРИТ ҲУҚУҚИ** — Қадимги Римда фуқаролик ҳуқуқи синоними.

**КВИРИТЛАР** (лотин. *quiritēs*) — Қадимги Рим фуқароларининг эски номи.

**КИДНЕППИНГ** (ингл. *kidnapping*) — болалар (айрим ҳолларда одамлар)ни ўғирлаш, ҳозирги замон қонунчилигида бу атама ишлатилмайди, юридик публицистикада қўлланилади.

**КИЛЛЕР** (ингл. *killer*) — ёлланган қотил. Ушбу атама қонунчиликда қўлланилмайди, лекин юридик публицистикада кенг ишлатилмоқда.

**КИМ ОШДИ САВДОСИ** — ким ошди савдосига қўйилган товар ёки мулк учун энг юқори нархни тўлаб қолиб чиққан шахс. Аукционлар ва танловчилар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ аукционда ва очиқ танловда хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар.

**КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР** деганда, ҳуқуқий жавобгарлик ёшига етмаган, яъни 13 ёшдан кичик болалар тушунилмоғи керак. Бу ёш чегарасидаги болалар муомала лаёқатига эга бўлмасдан, ҳар томонлама таъминот, ҳимоя ва ҳомийликка муҳтож бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш фуқароларнинг энг муҳим мажбуриятлардан эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йили қабул қилинган Оила кодекси ота-оналар ва бошқа шахслар зиммасига болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг моддий таъминоти ва тарбияси тўғрисида қайғуриш мажбуриятини юклайди. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро миқёсдаги муомала бўлганлиги сабабли ушбу масалала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда, ҳозирги пайтда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар — конвенциялар, шартномалар амал қилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси ҳам демократик давлат сифатида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларга тобора кенгроқ қўшилиб бормоқда.

**КЛИНИК КРИМИНОЛОГИЯ** — жиноятчилар шахси биологик ва руҳий хусусиятларини, жиноят этимологиясида уларнинг ўрнини аниқлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш табиий-руҳий чораларини ишлаб чиқишга қаратилган криминалогия йўналиши.

**КЛИРИНГ** (ингл. *credring*) — ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олиб, амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисобкитоб тизими. Мамлакат ичидаги клиринг банклар ўртасидаги тўловларни, нақд пулсиз ҳисоблашларни ўз ичига олади. Халқаро ҳисобларда клиринг келишувлар (клиринг келишувлари, валюта қийматлари) кўринишида амалга оширилади. Давлатлар ўзаро қарзларини тилла ва валюта ўтказмасдан, савдо-сотик талабларига кўра оширадilar. Масалан, пахта толаси ўрнига унинг қийматига тенг миқдорда машина, асбоб-ускуна олиш.

**КНЕССЕТ** — Исроил бир палатали парламентининг номи.

**КОАЛИЦИОН ҲУКУМАТ** (лотин. *coalicio* — иттифоқ) — бир нечта сиёсий партияларнинг вакилларида тузилган ҳукумат. Давлатлар ҳукуматларининг халқаро муносабатларига оид у ёки бу масалалар бўйича биргалашиб ҳаракат қилишга аҳдлашуви, сиёсий ва ҳарбий иттифоқи.

**КОГНАТ** (лотин. *Cognati*) — Қадимги Римда қариндошликнинг она бўйича белгиланиши.

**КОМИССИЯ** (лотин. *commissio* амалдаги Фуқаролик кодексида воситачилик деб таржима қилинган) — фуқаролик шартнома турларидан бири бўлиб, бунга асосан бир тараф — коммиссионер иккинчи тараф — комитентнинг топширигига биноан ҳақ бараварига ўз номидан комитент ҳисобига бир ёки бир неча битимлар тузиш мажбуриятини олади (Фуқаролик кодексининг 832-моддаси). Воситачилик (комиссия) шартномасининг предмети қонун билан ман этилмаган ҳар қандай битимлар (олди-сотди), суғурта ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Шартнома ёзма шаклда тузилмоғи шарт. Одатда, савдо комиссия шартномаси кенг тарқалган бўлиб, фуқаролардаги ортиқча нарсаларни сотишни ташкил қилишнинг ўзига хос шаклидир. Воситачилик шартномасида воситачига муайян топшириқни бажариш, яъни бирон-бир битим тузиш тўғрисида топшириқ берувчи шахс (фуқаро, корхона, ташкилот) комитент деб номланади. Комитентнинг топширигига биноан учинчи шахслар билан бевосита ҳуқуқий муносабатда бўладиган, улар билан битимлар, шартномалар тузадиган шахс воситачи (коммиссионер) ҳисобланади.

**КОММАНДИТЧИ** (ингл. *commendist*) — коммандит ширкатнинг аъзоси, пайчи (Фуқаролик кодексининг 61-моддаси). Тўлиқ ширкат иштирокчилари билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссаси доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча ширкатчи-коммандитчилар деб аталади. Коммандитчилар аъзо бўлган ширкат коммандит ширкати деб номланади. Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди. Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзига ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

**КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ** — муайян шароитларда бир шахс томонидан икинчи шахс томонидан иккинчи бир шахс манфаати йўлида қилинган моддий харажатлар қоплаб берилишидан иборат. Компенсация тўлови ҳуқуқида: иш берувчи томонидан ходим корхона хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланиши шаклланиши тарзида (хизмат сафари харажатлари, махсус асбоблардан фойдаланиш, бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтиш харажатлари) кўзга ташланади; фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарар ўрнини қоплаш, нобуд қилинган мулк ўрнига бошқа тенг қийматли мулк бериш кўри-

нишда мавжуд бўлади ва ҳоказо компенсация тўлови миқдори, қопланиш тартиби ва муддатлари томонлар келишувига биноан белгиланади.

**КОМПЛЕКТ** — бутунликни, яъни бир бутунликни ташкил этадиган нарсаларнинг тўлиқ тўплами, йиғиндиси. Комплект маҳсулот етказиш ички ва ташқи савдо келишувларида маҳсулотнинг таркибий қисмига кирувчи барча компонентларни, қисмларни етказишни кўзда тутувчи савдо операциясининг бир кўриниши. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 411-моддасига асосан сотувчи сотиб олувчига олди-сотди шартномасининг бутлик тўғрисидаги шартларига мувофиқ бўлган товарни топшириши шарт. Фуқаролик кодексининг 412-моддасига асосан агар шартномада товарлар тўплами бут ҳолда (бут товарлар) бериш мажбурияти белгиланган бўлса, бут ҳолдаги барча товарлар берилган пайтдан бошлаб мажбурият бажарилган ҳисобланади. Бут бўлмаган товарни топшириш оқибатлари Фуқаролик кодексининг 413-моддасида назарда тутилади.

**КОНВЕНТ (Миллий Конвент)** — биринчи француз республикасининг олий қонун чиқарувчи ва ижро органи. У 1792 йил 21 сентбрядан 1795 йил 26 октябригача амал қилган. Конвентнинг илк декретларидан бири (1795 йил 21 сентябр) Францияда қироллик ҳокимиятини бекор қилди. Фақат эркаклар қатнашадиган умумсайлов асосида барча маҳаллий (муниципал) ташкилотлар ва барча судьяларни қайта сайлаш тўғрисида фармойиш чиқарди. Судьялик лавозимини эгаллаш учун жорий қилинган мулкий ценз бекор қилинди. 1793 йил 21 январда Конвент депутатлари қарори билан (387 депутат ёқлаб, 334 ёқлаб, 334 депутат қарши овоз беришган), қирол Людовик XVI гильотинада қатл этилди. Миллий Конвентнинг ўзи инқилобий ҳукуматнинг таркибий қисми бўлиб қолди. Республика олий қонунчилик органи мавқеини сақлаб қолган ҳолда Конвент олий ижро ҳокимиятини ҳам ўз қўлида жамлади. Жамоат қутқариш қўмитаси амалда Конвентнинг ядроси, марказига айланди. Комитет ҳар йили қайта сайланадиган 12 аъзодан иборат эди. Комитет Конвент олдида масъул, унинг буйруқ, фармойишлари бажарилиши қатъий эди. 1793 йил 4 декабр Декретига кўра вазирлар, генераллар ва барча давлат муассасалари ҳамда 12 кишидан иборат ижро комиссияси Комитетга бўйсундирилди. Комиссиялар ҳар куни Комитетга ҳисоб бериб туриши керак эди. Инқилобий ҳукуматнинг муҳим таркибий қисмларидан яна бири жамоат хавфсизлиги қўмитаси эди. У аксилинқилобчиларни таъқиб қилиш, ҳибсга олиб, инқилобий трибунал судига топширишдек махсус вазифани бажарар эди. Якобинчилар диктатурасининг моҳияти 1793 йил қабул қилинган Конституцияда

Ўз ифодасини топган. Конституция машхур “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси” билан бошланади. 1792 йилдан 1793 йил майигача Конвентга жарондистлар раҳбарлик қилган. 1793 йил май охири ва июннинг бошида жарондистларни Конвентдан ҳайдаб чиқарган халқ қўзғолонидан кейин, унга якобинчилар бошчилик қилган ва у 1794 йил июлдаги аксилинқилобий термидорлар тўнтаришига қадар ҳукм сурган. Термидорлар Конвенти Францияда Директория тартибига ўтишга шароит яратди.

**КОНКЛЮДЕНТ** (лотин. *concludere* — хулоса чиқариш) — шахснинг эрки, хоҳиш-иродаси оғзаки шаклда ҳам, ёзма шаклда ҳам ифода этилмаган бўлса-да, шартнома тузиш учун нияти, мақсади ҳақида ўз-ўзидан гувоҳлик бериб турадиган ҳаракатларга “конклюдент ҳаракатлар” дейилади. Бундай ҳаракатлар асосан битим тузишга қаратилган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 106-моддасининг 1-қисмига мувофиқ “Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади”. Муайян шароитда конклюдент ҳаракатларни бажариш йўли билан битим тузишлар чакана савдо, умумий транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, меҳмонхона хизмати билан боғлиқ муносабатларда дуч келади.

**КОНКОРДАТ** (ўрта аср лотин. *concordatum* — келишув) — Рим папаси ва католик черкови бошлиғи ёхуд бирон-бир давлат ўртасида ушбу давлатда католик черков ва Рим папасининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи шартнома.

**КОНКУБИНАТ** (лотин. *concupnatus, con(cum)* биргаликда ва *cubo* ётаман, биргаликда яшайман) — Рим ҳуқуқида аёл ва эркекнинг кейинчалик никоҳ муносабатларини ўрнатиш мақсадида биргаликда яшашнинг қонун йўли билан тартибга солиниши. Конкубинат юридик институт сифатида милоддан аввалги 18 йил қабул қилинган никоҳсиз яшаганлик учун қонунда мустаҳкамланган қаттиқ жазо чоралари билан боғлиқ. Никоҳ муносабатларини ўрнатиш мақсадида бирга яшаган, лекин никоҳга ўтиши қонуний чекланган (масалан, сенатор табақасига мансуб шахс билан эркин қул ўртасидаги никоҳ тақиқланган) эркеклар жазодан озод қилинган. Конкубинатда тугилган болаларнинг мерос ҳуқуқи чекланган, бу болаларни қонунийлаштириш тартиби ўрнатилган (бошқа ҳолатларда қонунсиз тугилган болалар мулкый ҳуқуқдан умуман маҳрум бўлишган).

**КОНКУРС** (лотин. *Concursus*; амалдаги Фуқаролик кодексининг 54-бобида оммавий танлов деб олинган) — бир неча шахсларнинг муайян мақсадга эришиш учун ўзаро мусобақаси. 1) Муайян ишни яхшироқ ижро этиш учун давлат кооперативи, жамоат ташкилоти ёки якка шахс томонидан махсус ҳақ (мукофот) тўланишини ошқора ваъда қилиш асосида танлов тартиби (Фуқаролик кодексининг 976-моддаси). 2) Олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларида штатли лавозимларга ўқитувчилар ва илмий ходимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалар танлаб олиш тартиби. 3) Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишда давлат мулкни танлов орқали сотиб олишни уюштириш (1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун тахририда).

**КОНОССАМЕНТ** (ингл. *bilofloing*;) — денгиз йўли билан юк ташиш ҳужжати, юкни қабул қилганлиги ҳақида капитаннинг имзоси, юк ташиш мажбуриятини олган томоннинг бу юкни манзилга етказиб, қонуний эгасига топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Коноссамент товарни бошқариш мавқеига эга бўлган ҳужжат (қимматли қоғоз)дан иборат, уни эгалловчи товарни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Коноссамент ташқи савдода кўп қўлланилади. Коноссамент юк ташиш учун қабул қилингандан кейин у ташувчи томонидан юкни жўнатувчига тақдим этилади, шунинг билан юк ташиш учун қабул қилинганлиги ва шартнома тузилганлиги исботланади. Коноссамент билан юкни ташувчи ва уни жўнатувчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда белгиланади. Юкни ташиш бўйича коноссамент асосий шартлар белгиланмаган тақдирда, ушбу шартлар белгиланган бошқа ҳужжат (чартер)га ҳавола қилинади. Коноссамент турлари: 1) бировга аталган; 2) юкни қабул қилувчининг номи кўрсатилган жўнатувчи ёки олувчининг буйруғи (ордерли).

**КОНСЕНСУАЛЬ БИТИМЛАР** (лотин. *Consensus* — келишув; русч. консенсуальные сделки) — тузилиш пайти билан бажарилиши бир вақтнинг ўзида амалга оширилмайдиган битимлар. Битим бажарилиши учун тарафларнинг ўзаро келишуви етарли деб ҳисобланади. Масалан, контракция шартномаси, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, пудрат шартномаси йилнинг бошида тузилган бўлса, йил давомида амалга оширилиши мумкин. Шу хусусиятлари билан консенсуаль битим бошқа битимлардан фарқланади. Реал шартнома бўйича эса ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши тарафлар ўзаро келишган, шартномаси расмийлаштирилган бўлишидан ташқари, шартнома предмети — ашё ёки пулнинг топширилишини талаб қила-

ди. Қарз, омонат, ҳадя ва шу кабилар реал шартномалар жумласига киради.

**КОНСИГНАНТ** — комисионер (консингатор) орқали чегара ортига сотиладиган мулк (товар) эгаси.

**КОНСОРЦИУМ** — кредитларни биргаликда жойлаштириш ёки йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида бир неча банклар ёки саноат корхоналари уюшмаларининг келишувлари. Консорциум иштирокчилари хусусий фирмалар ва давлат муассасаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар юридик шахс сифатида ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда биргаликда ишлаб чиқилган кўзда тутилган вазифани бажаришга қаратилган қарорни бажаришга итоат этадилар. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида” 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Қонунининг 1-моддасида “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарининг хўжалик ассоциациясига: иттифоқ, концерн, консорциум, корпорация ва бошқа уюшмаларга бирлашишга ҳақлидир” деб таъкидлаб ўтилади. Демак, моддада номи келтирилган барча уюшмалар битта ташкилот, яъни асоссиацияни ифода этувчи турлардан иборат деб тан олинади. Лекин улар уюшма бўлишлари билан бир қаторда ҳуқуқ лаёқати, фаолиятининг турлари ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

**КОНСТЕБЛЬ** (ингл. *constable*) — 1) АҚШ ва Буюк Британияда энг қуйи полиция унвони; 2) Буюк Британияда қалъа ёки сарой комендант; 3) феодал Англияда — саройнинг юқори лавозимли хизматчи (унвони); аввалбошда — “буюк отбоқар”.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лотин. *constitutio* — тузилиш, ўрнатиш) — халқ иродасини ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқарув шакли асосларини мустаҳкамловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиши тартиби ва тамойилларини белгиловчи давлатнинг асосий қонуни. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида умумхалқ муҳокамаси ва халқаро экспертизадан сўнг қабул қилинди. Умуминсоний ва миллий ажралмас бирликни, ўзбек халқи ва жаҳоннинг ривожланган қонунчилик тажрибасини ўзи ичига олган ва жамиятимизда бўлиб ўтган туб сифат ўзгаришларини акс эттиради. Асосий конституциявий тамойиллар демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги ва ватанпарварликдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуйидаги асосий қадриятларни мустаҳкамлайди: мустақил, онгли, эркин шахс, ўз-ўзини бошқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-



ларини таъминлашга асосланган фуқаролик жамияти ва суверен, демократик ва ҳуқуқий давлат. Ўзбекистон Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддани ўз ичига олган. Асосий қонун олдидан Муқаддима берилади, қабул қилинган Конституция халқ иродаси ифодаланиши натижаси эканлиги, унинг ўз тақдирини ўзи белгилашга, бирлик ва тенг ҳуқуқлиликка интилиши баён этилади. Биринчи бўлимда конституциявий тизимнинг асосий тамойиллари жамланган; иккинчисида инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими мустаҳкамланган; учинчи бўлим фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий асосларини ўзида акс эттиради; тўртинчиси давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишга бағишланган; бешинчи бўлим ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили асосида қурилган давлат ҳокимиятининг янги тизимини мустаҳкамлайди, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тузилишини очиб беради; олтинчиси Конституцияга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартибини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тузилиши унинг фуқаролар тинчлигига, миллий ва ижтимоий келишувга эришишга, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлиги-га, сиёсий барқарорликка, иқтисодий тараққиёт ва фаровонликка эришишга, давлат ҳокимияти тизимини ҳуқуқий асосларда ривожлантиришга йўналтирилганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Конституцияси қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, демократик ислоҳотларни қайтариб бўлмаслик учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади, халқаро ҳуқуқ умум эътироф этилган меъёрларига содиқликни намоён этади, мустақил давлатимизнинг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида дунё ҳамжамиятига кириш учун сиёсий-ҳуқуқий асослар яратади.

Умуман олганда, Конституция — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий кафолатловчи, шунингдек, ижтимоий тузум асосларини, бошқарув шакли ва ҳудудий давлат тузилиши, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятини ташкил этиш, уларнинг ваколати ва ўзаро муносабатини, давлатнинг рамзларини ва пойтахтини белгиловчи, актлар йиғиндиси ёки конституциявий одатлардан ташкил топган ёзма ҳуқуқий акт. Конституция — давлатнинг ижтимоий ҳокимият муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи конституциявий тузум институтлари ва нормаларини, қадриятларини расмий мустаҳкамловчи асосий (олий) қонун. Конституция давлатчиликнинг ҳуқуқий шаклидир. Конституциянинг юридик ва фактик тушунчалари мавжуд. Юридик Конституциянинг моддий ва формал моҳияти — юқорида келтирилган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маълум бир (белгиланган) ҳуқуқий нормалар тизимидир. Фактик Конституция — бу ижтимоий муносабатларнинг ҳақиқатда (реал) мавжуд бўлиши. Конституция шаклига кўра

кодификациялашган ва кодификациялашмаган (аралаш)ларга бўлинади. Кодификациялашган (аралаш)ларга бўлинади. Кодификациялашган Конституция конституциявий кўринишдаги масалаларни тартибга солиб яхлит бир ҳолга келтирувчи ёзилган бош қонундир. Агарда бундай масалалар турли ёзма ҳужжатлар (акт) асосида тартибга солинса, кодификациялашмаган Конституциядир. Аралаш шаклдаги Конституция фақат парламент қонунлари ва суд прецедентларидан иборат бўлиб қолмай, балки одат, доктринал талқинларни ҳам ўз ичига олади ва қисман ёзилган бўлади. Конституцияга ўзгартиришлар тартибига қараб мослашувчан ва қатъийларга бўлиниши мумкин. Мослашувчан Конституция одатдаги қонун қабул қилиш йўли билан ўгартирилиши мумкин. Иккинчиси (қатъий Конституция) махсус мураккаб процедура орқали ўзгартирилади, яъни парламентнинг кўпчилик ҳал қилувчи овози, Конституцияга тузатишларни референдум йўли билан тасдиқлаш, бу тузатишларни давлатнинг маълум бир субъектлари томонидан ратификация қилиниши ва ҳоказо. Амал қилиш муддатига кўра доимий ва вақтинча Конституцияларга бўлинади.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ АССАМБЛЕЯ** (франц. *constituant*) — таъсис мажлиси номларидан бири.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИК** — ижтимоий жавобгарликнинг ўзига хос тури бўлиб, мураккаб сиёсий-ҳуқуқий кўринишга эга, бу конституциявий ҳуқуқбузарлик оқибати офир ҳолатларга олиб келиши мумкин. Конституциявий жавобгарлик субъектлари давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Конституциявий жавобгарлик шакллари (актлари) қуйидагилар бўлиши мумкин: конституцияга зид актининг бекор қилиниши ёки тўхталиши, лавозимидан (импичмент тартибида) олиб ташлаш, референдум ёки сайлов натижаларини кучга эга эмас (қонунсиз) деб топиш, давлат органлари ва мансабдор шахслар ишини қониқарсиз деб топиш (жумладан, ҳукуматга ишончсизлик вотумини билдириш йўли билан ҳам), ҳисобот берувчи органни муддатидан аввал тарқатиб юбориш.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАРАЁН** — 1) Кенг маънода, юқори давлат ҳокимият органларининг конституциявий тузум доирасидаги фаолияти, шунингдек, жаҳонда ёки конкрет жамиятда конституциявий ҳуқуқий институтларни ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни. 2) Тор маънода, конституциявий низоларни ва конституциявий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича конституциявий процессуал нормалар билан тартибга солинган Конституциявий суд ва бошқа суд орган-

лари фаолияти. Айрим ҳолларда “Конституциявий суд жараёни” атамаси ҳам қўлланилади.

### **КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК** (лотин. *constitutio* — ўрнатиш) —

1) ҳокимиятнинг конституция билан тартибга солиниши, конституциявий бошқарув усуллари, конституция асосида амалга оширилувчи сиёсий тизим; 2) конституциявий тузум ўрнатилиши заруриятини асословчи, сиёсий ҳуқуқий назария.

### **КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ** — давлатнинг ҳуқуқни назорат қилиш фаолиятининг ўзига хос тури, давлатдаги ва бошқа

норматив актлар қонунга мувофиқлигини текширишдан иборат. Конституциявий назорат: а) умумий томонидан (масалан, АҚШ, Аргентина, Дания, Мексика, Норвегия, Япония); б) олий суд инстанцияси ҳисобланган олий судлар (масалан, Австралия, Боливия, Ҳиндистон, Ирландия, Канада, Финляндия, Швейцария); махсус Конституциявий судлар томонидан (масалан, Ўзбекистон Республикаси, Австрия, Германия, Италия, Туркия, Кипр); г) суд кўринишида бўлмаган алоҳида орган (масалан, Франция Конституциявий кенгаши) томонидан амалга оширилади. Конституциявий назорат объектлари — одатдаги қонунлар, конституцияга киритиладиган тузатишлар, халқаро шартномалар, палаталар регламенти, ҳокимиятнинг ижро органлари норматив актлари (маъмурий алия тизими йўқ мамлакатларда) бўлиши мумкин. Федератив давлатларда иттифоқ ва федерация субъектларига тегишли масалаларни мансублик даражасини (тааллуқлигини) ҳал этиш ҳам конституциявий назорат ваколатларига киради. Конституциявий назорат моҳиятига кўра формал (бунда қонун ва бошқа норматив актлар қабул қилинишида процессуал ҳаракатларнинг, ўрнатилган қонунга мослиги текширилади) ёки моддий (бунда қонун ва бошқа норматив актларнинг мазмунан конституцияга мувофиқлиги текширилади), шунингдек, абстракт бирон-бир сабабсиз (маълум бир ваколатга эга субъектлар ташаббуси билан амалга оширилади) ёки конкрет (бирор бир конкрет суд муносабати билан амалга оширилади) бўлиши мумкин. Мавжуд давлатлар амалиётида конституциявий назорат томонидан кучга кирган амалдаги қонунлар текширилиши (АҚШ, Италия, Германия) ёки парламент томонидан кўриб чиқилиши кутилаётган қонун лойиҳалари дастлабки текширувдан ўтказилиши мумкин (Швеция, Финляндия). Франция, Мавритания, Габонда ва бошқа давлатларда парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳаракатга (кучга) киргунга қадар конституциявий назорат томонидан кўриб чиқилади. Конституциявий назоратни оширувчи орган Конституция ёки қонунни ёхуд унинг маълум бир қисмини конституцияга зид деб топса, бу нормалар ўзининг

юридик кучини йўқотади ва суд ва бошқа органлар томонидан амалга оширилмайди. Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат органи Ўзбекистон Республикасида Конституциявий назорат тўғрисидаги 1990 йил 20 июн Қонуни асосида ташкил этилган ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганига қадар амал қилган (1995 йил 30 августгача).

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАР** — давлатлар конституциясида мустақамланган конституциявий ҳуқуқий бошқариш объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатлар моҳиятининг белгиланиши. Конституциявий тамойиллар давлатнинг тузилишига (умуман) хос бўлгани каби (масалан, “конституциявий тузум асослари”) унинг айрим элементлари (институтларига), яъни сиёсий тизими, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми, давлатнинг ҳудудий тизимини, иқтисодий тизимга мос бўлиши ҳам мумкин. Конституциянинг юридик ва мантиқий мазмуни ва у асосда яратиладиган қонунлар Конституциявий тамойиллар асосида ташкил этилади. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузуми асосий тамойиллари: Ўзбекистоннинг суверен демократик республика деб эълон қилиниши, давлат халқ иродасини ифода этиши, давлатнинг ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида ташкил этиши, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимининг — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланиб иш юритиши ва ҳоказо тамойиллар белгиланган.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ** — бир қатор давлатларда (масалан, Германияда) Конституциявий судларда Конституциявий иш юритишни тартибга солувчи ўзига хос нормалар тўплами. Конституциявий процессуал ҳуқуқ нормалари асосан, Конституциявий суд тўғрисидаги қонунчиликда ва Конституциявий суднинг иш тартибида ўз аксини топади. Кенг маънода, Конституциявий процессуал ҳуқуқ парламентда иш юритиш тартибини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД** — бир қатор мамлакатларди конституциявий назоратни амалга оширувчи орган. Илк бора 1920 йилда Австрияда таъсис этилган. Шундан сўнг бу институт Фарбий ва Шарқий Европага кенг тарқалди, шунингдек, Осиё, Африка, Американинг айрим мамлакатлари томонидан ҳам қўлланила бошлади. Одатдаги Олий судлардан фарқли ҳолда Конституциявий суд умумий юрисдикциядаги судлар тизимида кирмайди. Баъзи бир давлатларда Конституциявий суд алоҳида

гуруҳга мансуб суд ҳисобланиб, шунга мувофиқ равишда суд тизимига киритилган бўлса (РФ), бошқа давлатларда (Германия, Италия, Руминия, Болгария, Монголия) суд ҳокимиятига мансуб бўлмаган, алоҳида назорат органи ҳисобланади. Конституциявий суд аъзолари парламент томонидан сайланади (Германия, Хорватия), ёки давлат бошлиғи томонидан тайинланади (Кипр), баъзи ҳолларда Конституциявий суд аъзолари парламент ёки бошқа ҳокимият органлари ва адлия томонидан тайинланади (масалан, Италияда Конституциявий суд президент, парламент ва магистратура томонидан тенг овозда тайинланади). Турли давлатларда Конституциявий суд конституциявий назоратни амалга ошириш билан биргаликда конституцияни шарҳлаш, сиёсий партиялар фаолиятини конституцияга мувофиқлиги масаласини ҳал этиш, ваколатлар тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ** — давлатда амалдаги конституция ва конституциявий ҳуқуқлар томонидан ўрнатилган ҳамда муҳофаза қилинадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими. Давлат қурилишидан фарқли равишда конституциявий тузум давлатда конституциянинг мавжудлиги билан белгиланади. Конституциявий тузумнинг асосий (зарур) белгилари халқ суверенитети мавжудлиги, ҳокимиятнинг бўлиши, башарият томонидан умум қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этилиши. Давлат тузилиши бундай белгилардан иборат бўлмаслиги ҳам мумкин.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ** — ҳуқуқ тизимидаги етакчи соҳалардан бири. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳудудий тизимининг асосий тамойилларини, унинг фуқаролик жамияти институтлари билан муносабатларини, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини тартибга солади ва давлатнинг ҳокимият органлари тизимини белгилайди. Айрим давлатларда бу соҳани ёритиш мақсадида “давлат ҳуқуқи” атамаси қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг асосий тамойиллари мамлакат давлатнинг бошқарув шакли этиб белгиланганлиги, халқ суверенитети, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ, эркинликлари кафолатланиши, ҳокимиятнинг бўлиниши кабилардир.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ОДАТ** — конституциявий ҳуқуқ асосий субъектларининг ҳеч қайси ҳужжатларда расман белгиланмаган, лекин узоқ вақт давомида давлат томонидан қўлланилиб келинаётган хатти-ҳаракат (юриш-туриш) қоидалари. Булар кўпинча конституциявий ҳуқуқ нормалари амалга

оширилишининг ўзига хос усули бўлиши мумкин. Конституциявий ҳуқуқий одат суднинг мажбурлов кучи билан амалга оширилмайди. Конституциявий ҳуқуқий одат Буюк Британия ва айрим англо-саксон давлатлари ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқ (конституциявий келишув)да айниқса кенг тарқалган, бу ерда улар ҳуқуқнинг расман тан олинган манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИ БУЗИШ (Деликт)** — конституциявий ҳуқуқ субъектининг конституциявий ҳуқуқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракатини содир этишидан иборат, бундай ҳаракат жиноий, маъмурий, фуқаровий ёки интизомий нормаларда кўзда тутилган ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракат бўлмаслиги мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг айнаши конституциявий деликтнинг келиб чиқишига асос бўлиши мумкин.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН** — давлат ва жамият қурилишининг алоҳида асосий элементларини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий акт. Конституция ва конституциявий қонунларнинг асосий хусусияти уларни қабул қилиш механизми, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг ўзига хослигида намоён бўлади. Уларнинг қабул қилиниши, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши учун референдум ўтказилади ёки қонун чиқарувчи орган малакали кўпчилик овоз («50 + 1») билан қарор қабул қилади.

**КОНСТИТУЦИЯЛАШТИРИШ** — конституция матнда муайян ҳолатлар мустақамланиши ва уларга юридик куч берилиши.

**КОНСУЛЬТАЦИЯ** (лотин. *consultatio* — маслаҳатлашув, кенгашув), бир қанча йўналишдаги маъноларни англатади: 1) Мутахассис маслаҳати. 2) Ўқув машғулоти турларидан бири; ўқитувчининг ўқувчиларга фанни ўзлаштиришда якка-якка тартибда ёки гуруҳга бўлиб кўрсатадиган қўшимча ёрдами. 3) Иқтисодиёт, сиёсат бобида, шунингдек, давлатларо масалаларда ҳам халқаро консультатив кенгаш, музокаралар бўлиши мумкин. 4) Аҳолига ўз мутахассислар маслаҳати билан ёрдам кўрсатувчи муассаса, идора (масалан, юридик маслаҳат, болалар шифокори маслаҳати ва ҳоказо). Бунда консультант, маслаҳатчи бевосита яқиндан ёрдам кўрсатади.

**КОНТРАГЕНТ** (лотин. *Contrahens* — келишувчилар) — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида тузиладиган шартнома тарафларидан бири.

**КОНТРАКТ** — “шартнома”га айнан маънодош сўз. Фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи муносабатларида қўлланилади.

**КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ**га асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни қайта ишлаш ёки сотиш учун белгиланган муддатда, сифатида ва миқдорида маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига (контрактантга) топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, контракт эса маҳсулотни қабул қилиб олиш, унинг ҳақини белгиланган муддатда ва шартлашилган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини ўз зиммасига олади (Фуқаролик кодексининг 465-моддаси). Контрактация шартномаси мусулмон ҳуқуқида асосан деҳқонлар билан пахтани сотиб олувчилар ўртасида тузилади. Деҳқон пахтани экиш, ўстириб ва йиғиштириб олиб топшириш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи (пахта тозалаш корхоналари, пахта тозаловчилар, аравакашлар ёки тарозибонлар) эса сотиладиган пахтанинг баҳоси ҳисобидан бўнак (аванс), газмол, чой ва товарларни бериш мажбуриятини олади. Контрактация Россия Туркистонни босиб олганидан кейин биринчи марта пахтага нисбатан қўллана бошланган. Шартнома мазмун жиҳатдан бир томон, асосан сотиб олувчиларнинг манфаатларини кўпроқ ақс эттиради. Деҳқонлар оғир шароитда кун кечиришарди. Улар пахтани сотиб олувчилар олдида доимо қарздор ҳисобланишарди.

**КОНТРАФАКЦИЯ** (франц. *Contrefaction* — қалбаки, сохта) — ўзгаларнинг асарларини муаллиф руҳсатисиз қонунга хилоф равишда қайта ақс эттириш, чоп эттириш ва тарқатиш йўли билан муаллифлик ҳуқуқларини бузиш; машхур фирмаларнинг маҳсулот белгиларидан гайриқонуний равишда фойдаланиш (Фуқаролик кодекси 59—65-бобларидаги тегишли моддаларнинг қоидаларига қаралсин). Контрафакция атамаси кўпгина давлатларнинг ҳуқуқларида қўлланилади.

**КОНФЕДЕРАЦИЯ** — давлат тузилиши шаклларида бўлиб, уни таъсис этувчи давлатлар ўз мустақилликлари, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда муайян бир мақсадни кўзлаб, ўз ҳаракатларини уйғунлаштириш учун махсус бирлашган орган туздилар. Бунга Марказий Европадаги давлат Швейцария конфедерацияси мисол бўла олади. Швейцария 23 кантондан (округ)дан ташкил топган федерациядир. Кантонлардан учтаси ярим кантонлардир. Қонун чиқарувчи орган икки палатада — миллий кантонлар кенгашидан ташкил топган Федерал Мажлис ҳисобланади. Австрия Габсбургларидан ўз мустақилликларини ҳимоя қилиб, Швейцария, ўрмончилик кантон (округ)лари 1291 йил 1 августда

“абადий иттифоқ” туздилар. Бу иттифоқ шу тариқа “Муқаддас Рим империяси” доирасида мустақил давлат сифатида Швейцария конфедерациясига пойдевор қурди. 1648 йилги Вестфал аҳдлашувига кўра Швейцариянинг империядан тамомила мустақиллиги амалда халқаро миқёсда тан олинди. Вена конгресси 1814—1815 йилларда Швейцария чегараларини, деярлик ҳозиргисига яқин белгилаб, унинг “абадий дахлсиз”лигига кафолат берди. 1848 йилги Конституцияга биноан Швейцария кантонларнинг заиф иттифоқидан ягона иттифоқ давлатига айланди. Конфедерация тўғрисидаги муҳим ҳужжатлардан бири — АҚШ тарихига оид “Мустақиллик Декларацияси”дир. Англия Америка мустамлакаларини тарқоқ ва дарбадар ҳолда кўришни истар эди. Ана шундагина уларни эзиш ва бошқариш қулай бўлар эди. Англия ўзбошимчалик билан ўрнатилган солиқ ва йиғимлардан колонистларнинг сабр косаси тўлиб-тошган эди. Барча зарур товар ва маҳсулотлар Англиядан ташиб борилиши шарт эди. Колонистларнинг ўз юргларида ҳатто бир дона мих ҳам ишлаб чиқариши қатъиян тақиқланган эди. 1775 йил баҳорида колонистлар Англияга қарши очиқдан-очиқ ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбордилар. 1776 йилнинг июнида 13 колониялар вакиллари Филадельфия шаҳрига тўпланиб, “Кўшма Штатлар Мустақиллик Декларацияси”ни тайёрладилар ва эълон қилдилар. Декларация Европада ғоят катта таассурот уйғотди. Декларациянинг асосий муаллифи **Томас Джефферсон** (1743—1836) эди. Декларацияда мазлум халқ кўзғолон кўтаришга ҳақли, олий ҳокимият соҳиби халқдир (халқ суверенитети), халқ манфаатига жавоб берадиган қандай ҳукумат кераклигини фақат халқнинг ўзи ҳал қилади, дейилган. Бутун халқ тенг туғилган ва ҳаётга, озодлик ва бахтга интилиш халқнинг эзгу ҳуқуқидир, дейилган Декларацияда. Бинобарин, ҳукумат ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун ўрнатилади, деб уқтиради. Ана шулардан келиб чиқиб, Декларацияда мустамлакаларнинг Буюк Британия қироли ва ҳукуматига сиёсий тобелигини тугатиш тўғрисида баёнот берилди. Шу тариқа, мустамлакалар инглиз ҳомийларини ҳайдаб чиқариб, ўз муассаса ва ҳокимиятларини яратиб, мустамлакалар ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истак ришталари билан боғланган мустақил давлат-штатларга айландилар. Штатларнинг 1781 йилда қабул қилган биринчи Конституцияси “Конфедерация моддалари” деб аталди. Мазкур моддалар аввало давлатлараро иттифоқни яратди. Ҳар бир штат ўз “суверенитети, эркинлиги, мустақиллиги ва ҳар қандай ҳокимиятни, суд ишларини юритиш ҳуқуқини (II модда) сақлаб қолди, ўзининг асл легислатураси (парламенти), ўз ҳукумати, ўз конституциясини сақлаб қолди. Ўз парламентлари томонидан вакил қилинган штат делегатлари Конгресснинг ҳар йили чақириб туриладиган сессиясига тўпланишарди. Бинобарин, ўн учта штатдан ҳар бири



биттадан овозга эга эди (V модда). Асосий сиёсий масалалар — уруш эълон қилиш, тинчлик сулҳи, халқаро шартномалар тузиш, пул зарб қилиш, бюджет ва бошқа масалалар тўққизтадан кам бўлмаган салмоқли кўпчилик овоз билан ҳал қилинади (IX модда). Конгресс сессиялари оралиғида унинг вазифаси штатлар қўмитаси қўлига ўтарди ва ҳар бир штат бу қўмитада ўз вакилига эга эди. Бинобарин, штатлар қўмитаси тўққизта штатнинг розилиги талаб қилинадиган ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин эмас эди (X модда).

**КОНФЕРЕНЦИЯ** (ўрт. аср. лотин. *canferentia, confera* — бир жойда тўплайман) — бирон-бир давлат, ташкилот, гуруҳ ва вакилларнинг мажлисга, кенгашга, шунингдек, айрим шахслар, олимларнинг маълум бир масалалар, муаммолар муҳокамасига тўпланиши.

**КОНФЕРМАЦИЯ** (лотин. *Confirmatio* — тасдиқлаш) — 1) Ғарб мамлакатларида суд ҳукмини олий ҳокимият томонидан тасдиқланиши. 2) Протестантларда черков ақидапарастлари билимини, умуман илоҳиятчилигини текширувдан ўтказиш ва 16 ёшга тўлган ўсмирлар ва қизларни черковга жалб қилиш расм-русуми давом этиши маросими. 3) Католикларда дунёни билиш, ёшларни черковга жалб қилиш маросими.

**КОНЦЕССИЯ (шартномаси)** (лотин. *concessio* — рухсат бериш, ён бериш) — чет эллик инвесторларга ҳўжалик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат табиат ресурсларини қидириш, олиш мақсадида ер ва ер ости участкаларини топширади. Чет эллик инвесторлар билан тузиладиган битим (1995 йил 30 августда қабул қилинган “Концессиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 1—26-моддалари).

**КООПЕРАТИВ** (лотин. *cooperatio* — ҳамкорлик сўзидан) — жамоа мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилишга ҳақли бўлган юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланувчи мустақил ҳўжалик юритувчи субъект. Кооператив фуқаролар ёки юридик шахслар ташаббуси бўйича ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив ишлаб чиқариш ва матлубот турларига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 69-моддасига мувофиқ фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Ўзбе-

кистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 73-моддасига биноан иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкӣ (пай) бадалларини қўйиш йўли билан амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари ҳуқуқӣ мавқеи, шунингдек, аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар билан белгиланади (*Қаранг*: “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”ги 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Қонун; ушбу қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган Қонун; “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонун).

**КООПЕРАЦИЯ** (ингл. *Kooperatio*) — ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат шароитида кишиларнинг уюшиш, бир бутун маҳсулот (самолёт, автомашина, трактор ва ҳоказо) тайёрлаш усули; пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамият-ни ҳамкорликда тузиш.

**КОРРУПЦИЯ** — давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши. Коррупциянинг жиноий жазога лойиқлиги — қандайдир имтиёзлар олиш мақсадида давлат хизматчилари, мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, бундай имтиёзларни бериш каби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205—210, 214-моддаларида жавобгарлик белгилаб қўйилган жиноятлар мажмуидир.

**КОРХОНА** (ингл. *enterprise*) — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулк ҳуқуқи ёки тўла хўжалик юритиш, оператив бошқариш бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган ва хизмат кўрсатадиган, рақобат ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги шароитларида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект. Корхонанинг ҳуқуқ лаёқати, вужудга келиши, таъсис ҳужжатлари,

органи, номи, жавобгарлиги, қайта ташкил этиш ҳуқуқининг кафолатлари ва унга тааллуқли бошқа қоидалар Фуқаролик кодексининг 41—57-моддаларида назарда тутилган. Қонунда корхона фуқаролик ҳуқуқининг субъектигина эмас, шунингдек, объекти сифатида ҳам қаралади (Фуқаролик кодексининг 85, 169-моддалари). Объект сифатида корхона сотилиши (Фуқаролик кодексининг 489-моддаси) ва ижарага берилиши (Фуқаролик кодексининг 579-моддаси) мумкин. Шунингдек, корхона хусусий ва давлат мулкидан иборат бўлиши мумкин.

**КРЕДИТ** (лотин. *creditum* — қайтариш шарти билан пул шаклида бериладиган қарз) бериш шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Кредит шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга фуқаро ёки юридик шахс (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишга йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади. Ушбу модда қоидалари диспозитив характерга эга. Кредит шартномаси муносабатларига нисбатан фуқаролик кодекси 41-боб 2-параграфининг қоидалари қўлланилади.

**КРЕДИТ ВАРАҚАСИ** (ингл. *credit card*) — банкнинг ўз мижозларига, уларга маҳсулот ва кўрсатилган хизмат учун бериладиган тўлов ҳужжати. Кредит варақаси пластикдан тайёрланган япасқи кўринишда бўлиб, унда варақа эгасининг исми, унга биркитилган рақами ва шифр имзосининг нусхаси ҳамда варақадан фойдаланиш муддати кўрсатилган бўлади. Кредит варақаси эгаси бирон-бир маҳсулот ёки нақд пул олмоқчи бўлса, ўз варақасини дўкон ёки банкда ўрнатилган компьютер қурилмасига кўрсатиб, марказий банкда тўловни зудлик билан амалга ошириш хусусида топшириқ беради.

**КРЕДИТ НОТА** (ингл. *credit note*) — ўзаро ҳисоб-китоб муносабатлари бор томонлардан бирининг маълум бир шароит юзага келиши муносабати билан иккинчи томондан қарзни тўлатиш ҳуқуқини амалга ошириш хусусида кредит ёзуви — “кредит нота” ибораси халқаро ҳисоб-китобларда қўлланилади. Мамлакат ичкарисида “кредит-счёти” ибораси ишлатилади.

**КРЕДИТЛАРНИ СУФУРТАЛАШ** (ингл. *credit insurance*) — қарздор (дебитор) қарз тўлаш қобилияти пасайган ёки йўқолган ҳолда пулни кредиторга (қарз берувчига) қайтариш кафилигини оловчи шартнома, контракт. Амалиётда кафилик суфурта компанияси ўз зиммасига олиш мумкин.

**КРЕДИТОР** (лотин. *creditor*) — 1) Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (ҳақдор). У мажбурият муносабатларида қатнашувчи тараф ҳисобланади. Кредитор юридик шахс ҳам, жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкин. Мажбуриятга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор — ҳақдор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: ашёни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо. Ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (Фуқаролик кодексининг 234-моддаси).

**КРИМИНОЛОГИК ПРОГНОЗ** — жиноятчиликнинг олдини олишни олдиндан айтиб бериш; турлари: 1) Огоҳлантириш даврининг давомийлиги бўйича : а) оператив (тезкор) — криминологик прогноз объектига қараб огоҳлантиришнинг 1 ойга қадар бўлган вақти; б) қисқа муддатли огоҳлантириш 1 ойдан 1 йилгача бўлган вақт; в) ўрта муддатли огоҳлантириш 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади; г) узоқ муддатли 5 йилдан 15 йилгача; д) жуда узоқ муддатли 15 йилдан ва ундан ортиқ муддат. 2) Прогноз объектига қараб: а) жиноятчиликни; б) жиноятчи шахсни; в) жиноятчилик факторларини (масалан, иқтисодиётдаги криминоген кўринишлар); г) жиноят оқибатларини (масалан, автотранспорт жиноятларининг сони); д) жиноятчиликка қарши кураш чораларини (масалан, жиноят қонунларини ўзгартириш прогнози). 3) Прогноз предметига кўра: а) объектларнинг ҳолати қидирув прогнози (масалан, жиноятчиликнинг ҳажми); б) объект ривожининг йўналишлари ва даври — норматив таъсир доираларини бўлиб олиш тугалланиш прогнози.

**КРИМИНОЛОГИК ПРОГНОЗЛАШ** — криминология соҳаси, жиноятчилик ҳолати, динамикаси ва унинг айрим хусусиятлари, уни вужудга келтирувчи факторлар, оқибатига қарши кураш чораларини прогнозлаш қонуниятларини ўрганати.

**КРИМИНОЛОГИК ПРОГРАММАЛАШТИРИШ** — криминология соҳаси, жиноятчиликка, унинг айрим турлари ва кўринишларига қарши кураш бўйича дастур (режалар ишлаб чиқиш қонуниятларини ўрганати. Тарихий метод — криминоло-

гия, шунингдек, криминологик тадқиқотларнинг объекти бўлган жинойтчилик, жинойтчиларнинг шахси ва ҳоказоларни ўтмишни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш учун фойдаланиладиган усуллар, бажариладиган иш тартиби ва бошқа усуллар йиғиндиси.

**КРИМИНОЛОГИК ЮВЕНОЛОГИЯ** — криминология соҳаси, унинг предмети вояга етмаганлар жинойтчилиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаган жинойтчининг шахси, шунингдек, вояга етмаганлар жинойтчилигига қарши кураш чоралари ҳисобланади.

**КРИМИНОЛОГИЯ** (лотин. *crimen* — жинойт ва юнонча *logos* — таълимот сўзларидан) — жинойт ҳақидаги фан. Биринчи маротаба “криминология” атамаси италиялик олимлар **Топинардо** ва **Гарофало** томонидан қўлланилган ва 1885 йилда уларнинг ушбу номдаги монографияси чоп этилади. 1) Криминология жинойтчилик, унинг сабаблари ва шарт-шароитлари, жинойтчи шахси, жинойтчиликка қарши кураш чоралари системаси ва жинойтчилик оқибатлари тўғрисидаги фан бўлиб, юқоридагиларни фалсафий, умумий ва хусусий илмий усуллар ёрдамида ўрганади. 2) Урта махсус ва олий юридик ўқув юрталарида ўқитиладиган ўқув фани.

**КРИМИНОЛОГИЯ ГЕНЕЗИСИ** — криминология фанининг вужудга келиш, ташкил топиш жараёни.

**КРИМИНОЛОГИЯ СОҲАЛАРИ** — криминологиянинг нисбатан мустақил бўлган бўлимлари: вақтимология, криминофамилистика, криминопенология, криминологик прогнозлаш, криминологик программалаштириш (дастурлаш), жинойтларнинг олдини олиш.

**КРИМИНОПЕНОЛОГИЯ** — криминологиянинг бир соҳаси бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жинойтчилик, унинг сабаб ва шарт-шароитлари, жинойтчининг шахси, бу жойлардаги жинойтчиликка қарши кураш чораларининг ўзига хос системасини ўрганади.

**КРИМИНОФАМИЛИСТИКА** — криминологиянинг алоҳида соҳаси, жинойтчиликнинг оилада, турмушда мавжуд кўринишларини, унинг сабабларини, содир этиш шароитларини, жинойтчининг шахсини, унинг оқибатларини, жинойтчиликка қарши кураш чораларининг ўзига хос системасини ўрганади.

**КУМУЛЯТИВ АКЦИЯ** (ингл. *accumulative share*) — бирон йили акция ушловчи олган дивиденд белгиланган миқдордан кам бўлганда кейинги йилларда қўшимча фойда олиш ҳуқуқини берувчи акция.

**КУПОН** (лотин. *coupon*) — қимматли қоғозларнинг бир тури. Қирқиб олинадиган талон сифатида эгаси унда кўрсатилган муддат ичида бирон нарса олиш ҳуқуқини беради.

**КУПОНЛИ ОБЛИГАЦИЯ** — бюджет камомadini қоплаш ва давлат режасини амалга ошириш мақсадида чиқариладиган қимматли қоғозлар. Давлат бюджет камомadini: 1) марказий банк ёки тижорат банкларидан кредит олиш; 2) эмиссия II (яъни товар ва хизматлар билан таъминланмаган пул массасини чиқариш); 3) қимматли қоғозларни эмиссия қилиш эвазига амалга ошириш мумкин. Бу мақсадда кредитдан фойдаланиш имконияти жуда ҳам чекланган, негаки банklar учун давлатга кредит беришдан кўра бошқа ссуда олувчиларга юқори фоизли ставкаларда қисқа муддатли кредит бериш манфаатлироқдир. Эмиссия II ни қўллаш ўринсиздир, чунки инфляцияга олиб келади. Қулай йўл — қимматли қоғозларни эмиссия қилишдир. Бундан инсторлар ҳам манфаатдор, негаки улар қимматли қоғозлардан кафолатланган даромадларни оладилар. Давлат томонидан куйидаги турдаги бозорга оид қимматли қоғозлар эмиссия қилинади: хазина векселлари; хазина ноталари; хазина облигациялари.

**КУПЮРА** (ингл. *note, denomidion*) — қоғоз пуллар, банкнот, қимматли қоғозларни ифодалайдиган қоғоз. Шу қоғоз пул — банкнот, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг ўзи.

**КУРС ФАРҚИ** (ингл. *differencein rates ofexchange*) — биржа акция нархининг ўзгариши, фарқи.

**КЎП БОСҚИЧЛИ САЙЛОВЛАР** — давлат бошлиғини, бирон-бир органни таъсис этиш ёки мансабдор шахсни сайлаш, ҳокимият олий органларига вакиллар сайлашни кўп поғонали, яъни билвосита сайловлар йўли билан амалга ошириш энг юқори поғона вакиллик органи, масалан, парламентга тегишли бўлади. Тўғридан-тўғри сайловларда сайловчилар номзодларнинг лавозимларини эгаллашлари учун тўғридан-тўғри, бевосита овоз берадилар, билвосита, яъни кўп поғонали сайловларда эса сайловчилар сайлашга вакил қилинган кишилар учун овоз беради-

лар. Бунда сайловчиларнинг икки гуруҳини фарқлаш лозим. Бир қатор давлатларда сайлашга вакил қилинган махсус кишилар бўлиб, уларнинг бирдан-бир вазифаси депутатликка номзод учун ёки бирон-бир мансабни эгаллайдиганлар учун овоз беришдангина иборат. Иккинчиси эса давлатнинг бошқа вакиллик органлари аъзолари учун депутат ёки бошқа мансабдор шахсни сайловда иштирок этиши у бажарадиган ва асосий бўлмаган вазифаларнинг бири, холос. Бир қанча давлатлар парламенти-нинг юқори палатасини тузишда билвосита сайловлар тартиби амал қилиб келмоқда. Яъни юқори палата аъзоларини сайлашда иштирок этиш учун давлатнинг маҳаллий органлари депутатлари жалб қилинади. Масалан, Швеция Рикстагининг Биринчи палатасига сайловлар икки босқичли бўлиб, аввал бу палата аъзолари ландистинглар, яъни губерна мажлисларида сайланадилар. Мазкур ландистинг аъзолари эса, ўз навбатида, бевосита сайловчилар томонидан сайланадилар. Францияда Сенатга сайловларда икки ва уч босқичли сайлов унсурларининг қўшилиб кетганлигини кўриш мумкин; сайловга вакил қилинган коллегия таркибига ҳар бир департаментдан: Миллий мажлиснинг мазкур департаментидан сайланган депутатлари, департамент генерал кенгашининг аъзолари, муниципалитет маслаҳатчиларининг бир қисми ва кўпчилик муниципал кенгаш депутатлари киради. Икки галда ўтказиладиган мажоритар сайлов усули ҳам мавжуд. Баъзан президент сайловини ҳам билвосита сайловлар йўли билан амалга оширилиши ҳолларини ҳам учратиш мумкин. Бу уч кўринишда намоён бўлади. 1) Президентни парламент сайлайди (Исроил, Ливан, Туркия). 2) Президентни махсус сайловчилар коллегияси сайлайди. Бинобарин, бу коллегия таркибига парламент депутатлари билан бир қаторда ўлка сайлов органлари депутатлари ёки федерация субъектлари киради (Ҳиндистон, Италия, Германия); 3) Президент сайлашга вакил қилинган махсус кишилар томонидан сайланади (АҚШ, Франция). Шўролар даврида Ўзбекистоннинг 1927 йилги Конституциясига кўра ҳам сайловлар билвосита, кўп поғонали бўлган. Умумий бўлмаган, очиқ овоз бериш орқали ўтказилган. 1925 йилда ЎзССРда 7 вилоят, 22 уезд, 241 туман бўлган. 1927 йилда 10 округ, 87 туман ва 1746 қишлоқ советига бўлинган. 1930 йилда округлар бекор қилинди. Шунга кўра сайловлар ҳам кўп босқичли бўлган. РСФСРда ҳам 1936 йилга қадар сайловлар кўп босқичли бўлган. Овоз бериш ҳатто қуръа ташлаш (масалан, халтадан соққа олиш) усулида амалга оширилган.

**КЎП МАНДАТЛИ ОКРУГ** — Қаранг: “Сайлов округи”.

**КўП МИЛЛАТЛИ ДАВЛАТ** — ҳар бир қавм, халқ миллати, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ихтиёрлиги, тенг ҳуқуқлиги, эркин иродаси тамойилларининг тан олинishi ва ҳурмат қилиши замирига қурилган давлат. Кўп миллатли давлат бўлмиш Ўзбекистонда ҳам 130 дан ортиқ миллат яшайди.

**КўП ПАРТИЯВИЙЛИК** — ҳозирги замон демократик давлатлари сиёсий ҳаётидаги сиёсий ва ғоявий плюрализмни (фикрлар хилма-хиллигини) намоён қилиш имкониятини берувчи асосий конституциявий тамойиллардан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партияларда ҳеч бир шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати камситилиши мумкин эмас. Юридик жиҳатдан давлат фуқароларнинг ўз сиёсий ғояларидан келиб чиқиб, партияларга уюшиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда, уларнинг мақсадлари ва фаолияти конституцияга ва амалдаги қонунларга зид келмаслигини белгилайди. Шунингдек, мавжуд барча партияларга ўз фаолиятини эркин белгилаш имконияти берилади. Кўп партиявийлик конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, мамлакатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғ ва маънавиятига тажовуз қилувчи миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг тузилиши ва фаолиятини тақиқлайди. Юридик (расмий) кўп партиявийликдан реал кўп партиявийликни фарқлаш лозим. Реал кўп партиявийлик маълум бир давлатда ижтимоий, сиёсий манфаатлар тизимини ташкил этувчи тамойиллар асосида қатъий иш олиб борувчи партияларнинг мақсадли, самарали фаолиятдан иборат.

**КўП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР** — иккитадан ортиқ шахслар иттифоқида тузиладиган шартномалар. Кўп томонлама шартномалар фуқаролар, юридик шахслар ва давлатлар иштирокида тузилиши мумкин. Иккитадан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектларининг шартномада мустақил тараф сифатидаги иштирок этиши ҳам кўп томонлама шартномалар дейилади. Кўп томонлама шартномалар субъектлар иштироки чекланган ва умумий ёки универсал шартномаларга асосланган бўлиши мумкин. Кўп томонлама шартномалар давлатларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, халқаро ҳуқуқда тинчлик ва хавфсизлик каби нормаларнинг белгиланиши, кодификациялаштирилишида му-



ҳим аҳамият касб этади. Кўп томонлама шартномаларга: а) ҳамма давлатлар ёки кўпчилик давлатлар иштирокчилари бўлган халқаро ҳамжамият ва иштирокчилар манфаатларини ифодаловчи универсал; б) маълум бир минтақа манфаатларини ифодаловчи ва улар томонидан белгиланган масалаларни тартибга солувчи минтақавий шартномаларга; в) БМТ Устави 51-моддасида белгиланган, жамоа ўз-ўзини муҳофаза қилиш шартномаларига ва г) давлатлар ўртасидаги белгиланган масалаларни тартибга солувчи шартномаларга бўлинади.

**КЎЧМАС МУЛК** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддасига мувофиқ мол-мулк фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида кўчмас (қўзғалмас) мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иморатлардан иборат. Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мулк сирасига киритилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича дарёда фойдаланиладиган катер ва қайиқлар, шунингдек, автомашина ва бошқа ҳаракат воситалари давлат рўйхатида турганлиги туфайли кўчмас мулклар жумласига киради. Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодексининг 84-моддаси, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-рақами билан тасдиқланган Уставига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## “Л”

**ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИК** (лотин. *latens* — яширин, қўринмас сўзидан) — у ёки бу сабабларга кўра жиноятлар ҳақидаги расмий маълумотларда ўз аксини топмаган жиноятчилик латент жиноятчиликка киради ва кенг маънода (ижтимоий-ҳуқуқий) жиноятчиликнинг бир қисми сифатида қаралади.

**ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ** — 1) табиий-объектив сабаблар (жабрланувчининг беҳабарлиги, жиноятларни очиш ва тергов қилиш имкониятининг чекланганлиги ва ҳоказолар)га кўра жиноятларни тўла рўйхатга олмаслик; 2) сунъий жиноятларни рўйхатга олиш масаласига совуққонлик билан қараш ёки ундан бўйин товлаш; 3) чегарада турадиган — оғирроқ жиноятни адашиб ёки била туриб енгилроқ жиноят деб квалификация қилиш оқибатида вужудга келади.

**ЛЕГАЛЛАШТИРИШ** (ингл. *iegaluzation*) — расмий равишда ошкоралаштириш, қонунлаштириш, қонуний тан олиш, қонун кучини бериш, легал (очиқ) ҳолатга ўтиш; қандайдир ташкилот, корхонанинг фаолиятига рухсат бериш; ҳужжатлардаги имзоларни ҳақиқий нусхаси эканлигини тасдиқлаш. Қоидага биноан легаллаштириш чет элда тузилган ёки ажнабий давлатда амалда бўлишига тегишли ҳужжатларга нисбатан қўлланилади. Консулнинг ҳужжатлардаги устхатини гувоҳлантириш шаклида амалга оширилади.

**ЛЕГИСТЛАР** — ўрта аср ҳуқуқшунослари. Рим дунёвий ҳуқуқини черков ҳуқуқи ва феодал одатларига қарши қўйган, тобора кучайиб бораётган қироллик ҳокимиятининг айрим феодаллар суд ишларини юритиш ҳуқуқига қарши курашида қўллаб-қувватлаган.

**ЛЕ-ШАПЕЛЬЕ ҚОНУНИ:** 1789 йил 14 июлда Бастилия қамоқхонаси ва кўргони шитоб билан қўлга олинади. Франция пойтахти инқилоб истеҳкоми, марказига айланади. Конституциявий монархия 1791 йилги конституция ижодкорларининг фикрича, йирик буржуазия ва дворянларнинг синфий иттифоқини ифодалаши лозим эди. Орадан икки йил ўтган бўлса ҳам, ишчилар инқилобдан ҳали ҳеч нарса ололмаган эдилар. Буюртмалар ниҳоятда камайиб кетганлиги ишсизлар сони беқиёс кўпайиб кетишига олиб келди. Ишчилар учун миллий устахоналар очилиб, оғир ер ишлари учун кунига 20 су тўланарди. Бир килограмм нон ўша вақтда 13 су, 400 грамм мол гўшти 7—16 су турарди. Ишчилар норозилиги кучайиб кетган эди. Таъсис мажлиси ишчиларга қаттиқ жазо қўллашни пеш қилиб, уларни кўрқитиш йўлига ўтиб олди. Маош тўғрисидаги қарорни муҳокама этиш мақсадида тўпланиб турганлар судга берилар эди. Полиция ишчиларни таъқиб остига олди, уларнинг уй-жойи, исм-шарифлари, ҳатто қиёфасигача рўйхатдан ўтказиладиган бўлди. 1791 йилга келиб Миллий устахоналар ёпиб қўйилди. Ишчилар 11—12 соатлаб ишлаб, иш ҳақи ҳеч бўлмаганда кунига 35—40 «су»га оширилишини талаб қилиб чиқдилар. Ишчиларга қарши найза ўқталиш бошланди. Корхона усталари ваҳимага тушиб, Париж коммунал кенгашига мурожаат қиладилар, Кенгаш ўз навбатида Таъсис мажлисига мурожаат қилади. Ана шундай бир вазиятда ном чиқарган адвокат Ле-Шапельенинг машхур қонуни яратилган эди. 1791 йил 14 июнда Таъсис мажлиси уни тасдиқлайди. Эркинлик, конституция ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниқоби остида сохта баҳоналар билан Ла-Шапелье қонуни фуқароларга иттифоқларга бирлашиш, раис

ва китоблар сайлаш, қайдномалар ёзиш, петициялар тузиш ва иш шароитлари ҳақида қарорлар қабул қилишни ман этади. Касаба уюшмалари ёпиб қўйилади. Қонуннинг IV моддаси тўполонни бошлаб берганлар ва сабабчиларини қаттиқ жазо бериш билан қўрқитиб, барча шаклдаги забастовкаларни ман қилади, ишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар матни тузганлар ва таҳрир қилганларга нисбатан ақл бовар қилмайдиган 500 ливр миқдорида жарима солишни белгилайди. Кам иш ҳақиға қаршилик қилганларга нисбатан жарима ҳақи икки баробарга оширилиб, қўшимча равишда уч ой муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилган (2; 4; 6-моддалар). Ҳар қандай ишчилар ташкилоти шарпасидан қўрқувга тушган ҳокимият пешволари ўзаро ёрдам кассаларини ёпиб қўйдилар. Ишчи касал бўлиб қолган тақдирда ҳам унга ҳеч қандай суғурта ёрдами кўрсатилмас эди. Шу тариқа, мудҳиш қонунга ён босган усталар, ҳатто кутилмаган бахтсизликка йўлиққан ишчиларга ўша қора кун учун ҳақ тўлашдан ҳам бош тортган эдилар. 1864 йилда иш ташлашни ман этиш бекор қилинади. 1884 йилда касаба уюшмасининг эркин ишлашига рухсат этилди.

**ЛИБЕРУМ-ВЕТО** (лотин. *Liberum veto, Liberum* — эркин ва *veto* — тақиқлайман) — Реч Посполито (1569 йилдаги Люблин униясидан то 1795 йилгача ҳукм сурган Польша-Литва бирлашган республикаси (давлатнинг расмий номи) сейми исталган аъзосининг сейм қарорини бекор қилиш учун норозилик билдириш ҳуқуқи. Бундай қарор қабул қилиниши учун сейм аъзолари якдиллик билан овоз беришлари шарт бўлган. Илк бор 1652 йилда татбиқ этилган ва 1791 йилда бекор қилинган.

**ЛИЗИНГ** (ингл. *leasing*) — асосий фондларни узоқ муддатга ижарага олиш. Янгиликларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни молиявий таъминлашнинг янги усули. Лизинг корхоналарга бир йўла катта миқдорда пул сарф қилмасдан ускуна маҳсулотларни, ишлаб чиқариш ускуналарини олиш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради. Лизинг икки кўринишда: молиявий ва тезкор бўлади. Молиявий лизинг ижарага олинган фонднинг тўла қийматини ва иккиламчи фойдасини қоплашни назарда тутди. Тезкор лизинг амортизация давридан қисқа муддатга тузилган келишув ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-моддасига биноан лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш

мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловини тўлаш мажбуриятини олади. Истеъмом қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланадиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно. Лизинг шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 590—599-моддаларида назарда тутилган.

**ЛИКВИД ВОСИТАЛАРИ** (ингл. *Liquid funds*) — осон сотиладиган, тез ўтадиган қийматлар (вексел, чек, қимматли қоғозлар ва ҳоказо).

**ЛИЦЕНЗИЯ** (лотин. *Licentia* — ҳуқуқ, рухсат бериш) — ҳуқуқий моҳияти бўйича лицензия икки хил, яъни маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятларга эга. 1) Тадбиркорлик соҳасида маълум фаолият тури билан шуғулланиш учун, чет элдан мол келтириш ёки чет элга мол чиқариш учун давлат органлари томонидан рухсатнома (лицензия) олиш маъмурий-ҳуқуқий хусусиятга эга. 2) Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш учун олинмайдиган рухсатнома (лицензия) фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга ва шартнома билан расмийлаштирилади. Интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф “лицензиар”, ушбу мулкдан фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) олган тараф “лицензиат” дейилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддасига биноан лицензия шартномасида лицензиатга берилмайдиган ҳуқуқлар фойдаланиш чегаралари ва муддатлар белгиланади. Лицензияни олувчи томондан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли. Интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқдан бошқа шахсларнинг фойдаланиши учун лицензия бериш ва ушбу лицензиянинг шакли ҳақидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1057, 1084-моддаларида назарда тутилади.

**ЛОББИЗМ** (ингл. *Lobby* — эшик олди, йўлак) — АҚШ қонунчилик органлари ҳузуридаги идоралар (конторалар) ва агентлар тизими, қонун чиқарувчилар ва мансабдорларга тазйиқ ўтказиш усули. 1920-йилларда ҳукумат банкларга ва йирик саноат компанияларига тобора кўпроқ тобе бўлиб қола бошлайди.

Ҳатто энг бадавлат президентлар ҳам (масалан, Гувер) у ёки бу молиявий гуруҳ — Морган (Вильсон), Рокфеллер (Кулидж) кабиларнинг гумаштасига айланиб қолдилар. Вазирликлардан тортиб энг юқори мансабларни эгаллашда ҳам ана шу манзарани кузатиш мумкин эди. Ўша вақтларда Қўшма Штатлар Савдо палатаси ва Саноатчилар Миллий ассоциацияси АҚШ ҳукуматининг норасмий, лекин бообруъ маслаҳатчилари бўлиб қолади. Бинобарин, айтиб ўтилган ташкилотлардан ташқари банкир ва саноатчиларнинг ҳар бир алоҳида корпорацияси, ҳар бир алоҳида йирик компания конгрессга ўз таъсирини ўтказишга интиларди. Булар лобби орқали бажарилар эди. Лобби конгресс эшик олди йўлаги бўлиб, у ерда корпорация агентлари тирбанд бўларди. Лоббининг эътибори шу даражада ошиб кетган эдики, ҳатто уни конгресснинг “учинчи палатаси” деб ҳам атайдиган бўлдилар. Агентлар сони тобора орта борди. 1924 йилда 150 га яқин эди. Орадан 40 йил ўтиб, улар деярли 10 мингга етди. Одатда, лоббистларни конгресс аъзоларининг маслаҳатчилари деб ҳисоблашсалар ҳам, лекин уларнинг қўлбола восита — пора бериб сотиб олиш эканлиги ҳаммага аён. Мамлакат аҳён-аҳёнда навбатдаги жанжалнинг гувоҳи бўларди. Бундай тўполонлардан энг йириги **Гординг** (1923 йил) президентлиги даврида бўлиб ўтди. Қаранги, президентнинг худди ўзи ва унинг гумашталари хазина ўғрилари бўлиб чиқди. Гордингнинг тўсатдан содир бўлган сирли ўлими, ё қасддан амалга оширилган ёки сирнинг фош бўлишидан кўрқиб ўз жонига қасд қилган деган шубҳа уйғотади. Бу ҳодиса илдиз отган лоббизм фаолиятининг бир маҳсулидир.

**ЛОМБАРД** (ингл. *Lombard*) — кўчар мол-мулкни гаровга қўйиш шarti билан фуқароларга (мижозларга) кредит (қарз) берувчи ихтисослаштирилган муассаса. Ўзбекистон Республикасида ломбард фаолияти лицензияга асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 894-моддасига мувофиқ мол-мулкни ломбардда сақлаш шартномаси ломбард томонидан мол-мулк топширувчига (мижозга) унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади. Ломбард сақлаш учун топшириладиган ашё тарафларнинг келишуви билан сақлаш учун қабул қилиш пайтида ва жойда, одатдагидек, савдода шу турдаги ва сифатидаги ашёга белгиладиган нархларга мувофиқ баҳоланиши керак. Ломбард сақлаш учун қабул қилинган мол-мулкни ўз ҳисобидан мижоз фойдасига суғурталаши шарт. Мижоз мол-мулкни қайтариб олишдан бош тортган тақдирда, ломбард уни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт. Бу муддат ўтганидан кейин талаб қилиб

олинмаган мол-мулк ломбард томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 289-моддасининг 7-қисмида белгилаб қўйилган тартибда сотилиши мумкин. Сотишдан тушган пулдан мол-мулкни сақлаш ҳақи ва ломбардга тегишли бошқа тўловлар қопланиб, пулнинг қолган қисми ломбард томонидан сақлов паттасининг эгасига у тақдим этилганидан кейин қайтариб берилади.

**ЛОМБАРД КРЕДИТИ** — фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилишга ихтисослашган ташкилотлар лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширишлари мумкин. Ломбард мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади. Башарти, ломбардда мол-мулк гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижара ёзуви асосида имтиёзли бир ой муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда (Фуқаролик кодексининг 281-моддаси) ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Шундан кейин ҳатто гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) нисбатан талаблари бекор бўлади. Ломбард томонидан фуқароларга уларнинг мол-мулкни гаровга олиб кредит бериш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 289-моддаси ва махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**ЛОТЕРЕЯ** (франц. *Loterie*) — группали ёки оммавий ўйин. Лотерея ташкил қилувчилар ўйин жараёнида ундан қатнашувчилар — лотерея билетларининг эгалари ўртасида ютуқ учун ўйинни амалга оширадилар. Лотерея билетларидан қайси бирига ютуқ чиқиши олдиндан маълум эмас, ўйинда қатнашувчи шахсларнинг эркига, хоҳишига ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Бу бевосита тасодифий ҳодиса бўлиб, бирон-бир шахс томонидан махсус белгиланиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 984-моддасига биноан лотерея муносабатлари шартномага асосланади. Бундай шартнома лотерея билети, патта ёки бошқа ҳужжат бериш орқали расмийлаштирилади ва иштирокчи лотерея билети қийматини тўлаган ёки ўйинда иштирок этишга бошқача тарзда тўлаган пайтидан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Шарт-

номани тузиш тўғрисидаги таклиф ўйинларни ўтказиш муддати ва ютуқни аниқлаш тартиби ҳамда унинг миқдори ҳақидаги шартларни ўз ишга олган бўлиши лозим. Ўйинлар ташкилотчиси уларни белгиланган муддатда ўтказишдан бош тортган тақдирда, лотерея эгалари етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

**ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИ** — тақдим этиладиган қимматли қоғоз. Унга эгалик қилиш фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос бўлади. Бунга мувофиқ, лотерея ўйинида қатнашувчи билет эгаси билетига чиққан ютуқни лотерея ташкилотчисидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

**ЛОРДЛАР ПАЛАТАСИ** — ўрта асрларда Англияда йирик феодал, инглиз олий дворянларининг ворислик унвони, шунингдек, давлатнинг бошқа мансаблари билан боғлиқ унвонлар. Масалан: адмираллик лорди, лорд-канцлер, лорд-мэр кабилар. 1265 йилда **Симон де Монфор** бошчилигида шаҳарликлар ва рицарлар бирлашиб, қирол ва баронлар устидан ғалаба қозонади ҳамда тақдир тақозоси билан улар Англия тарихида илк бор табақа мажлисига тўпланадилар ва у парламент деган ном олади. Яна бир мажлисда ҳар бир графликдан иккитадан вакил қатнашади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Монфор қўшини мағлубиятга учрайди ва ўзи ҳалок бўлади. Лекин парламент йўқ қилиб юборилмаган эди. 1295 йилда (Намунали парламент чақирилган вақтда) Англия парламентининг қонун чиқарувчи доимий мажлисига айланиш жараёни ниҳоясига етади. Парламент қурилмаси бирданига белгиланмади. Номдор зодагонлар, авваламбор, номма-ном таклиф қилинарди, бошқалар, яъни рицар ва шаҳарликлар эса сайланардилар. Улар биргаликда мажлис ўтказишарди. Ўша кезларда йирик феодаллар бўлмиш баронлар, барон-дворянлик унвонлари қиролнинг бевосита вассали алоҳида палата бўлиб ажралиб чиқади ва у лордлар палатаси номини олади. XV асрдан эътиборан лордлар палатасида мажлис ўтказиш ҳуқуқи герцоглик, графлик ва баронлик унвонига патент олганлар учун мерос тариқасида ўтадиган имтиёз бўлиб қолади. Улар билан бирга лордлар палатасида Англиянинг олий мартабали руҳонийлари (“руҳоний лордлар”) вакиллари мажлис ўтказишарди. Бинобарин, руҳонийлар якка-якка тартибда таклиф қилинарди. Лордлар палатаси Англия парламентининг юқори палатаси ҳисобланади. Рицарлар ва шаҳарликлар қуйи палата, община (жамоа) палатасини ташкил қилган. XIV асрдан бошлаб, қиролнинг парламент розилигисиз тўғридан-тўғри ва билвосита солиқларни талаб қилиши ҳам тақиқланди. Тез

орада парламент қонунчилик функциясига ҳам эга бўлди. Парламент қирол ордонансларидан ҳам устун турувчи статутлар чиқара бошлади. Шунингдек, парламент олий суд вазифасини ўз қўлида сақлаб келмоқда. Община палатасини қувиб ўтиб, лордлар палатаси янги имтиёзни қўлга киритишга муваффақ бўлди. У Англиянинг олий суд органи бўлиб қолди. Алоҳида вазиятларда, қирол маслаҳатчиларининг ўз мансабларини суъ-иистемол қилганлиги тўғрисида масала келиб чиққан тақдирда, қуйи палата айблов жюриси вазифасини бажаради, яъни у юқори суд бўлмиш лордлар палатаси олдига ишни судга ошириш ҳақида тегишли илтимоснома билан мурожаат қилади. Бундай расмий фаолият “импичмент” номини олган.

## “М”

**МАГИСТРАТУРА** — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизда камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

**МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ** — бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбур этиш. Ўзбекистонда бундай иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Қуйидаги ишлар, яъни: ҳарбий ва муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида; фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда; суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан; Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

**МАЖБУРИЯТ** — мажбурият бўйича бирон-бир ҳаракатни бажаришга ва бажаришдан ўзини сақлашга мажбур бўлган тараф қарздор, ушбу ҳаракатни бажаришни ёки бажармасликни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган тараф кредитор деб ҳисобланади. Шунга кўра, мажбуриятлар субъектлари “қарздор” ва “кредитор” деб юритилади. Айрим мажбуриятлар, масалан, қарз шартномасида бир тараф (қарз берувчи) фақат кредитор ҳисобланса, иккинчи тараф (қарз олувчи) фақат қарздор ҳисобланади. Лекин кўпинча мажбуриятдаги тарафлар бир йўла ҳам кредитор, ҳам қарздор сифатида ашёни (нарсани) топширишда қарздорга ўхшаса, сотилган нарсанинг пулини олишда кредиторга ўхшайди, худди шунингдек, сотиб олувчи, аксинча, сотиб олинган нарсанинг нархини тўлашда қарздор сифатида,



сотиб олинган нарсани қабул қилиб олишда кредитор сифатида гавдаланади. Мажбурият актив (ҳаракатни чунончи: мулкни топширишдан, ишни бажаришдан, хизмат кўрсатишдан ва ҳоказо) ёки пассив (ҳаракат қилишдан сақланиш) бўлиши мумкин. Деярли ҳамма мажбуриятлар актив ҳаракат қилишга қаратилади. Пассив, яъни ҳаракатни бажаришдан сақланишга қаратилган мажбуриятлар амалда кам учрайди. Масалан, бир нашриёт билан шартнома тузган муаллиф мазкур шартноманинг объекти бўлган асар тўғрисида бошқа нашриёт билан шартнома тузмаслик ҳақида мажбурият олади.

**МАЖБУРИЯТДА ШАХСНИНГ ЎЗГАРИШИ** — кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ бошқа шахс фойдасига ўтган ва қарздор қарзни бажаришни бошқа шахсга топширган ҳолларда юз беради. Кредиторга ўтказиш учун фақат битим эмас, балки қонун ҳам асос бўлиши мумкин (Фуқаролик кодекси 313-моддасининг 1-қисми). Масалан, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ва шунинг билан бирга суд қарорига асосан кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтиши мумкинлиги инобатга олинади (318-модда). Бошқа шахсга ўтадиган кредитор ҳуқуқларининг ҳажми ҳақидаги янги норма диспозитив аҳамиятга эга. Нормага кўра, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқлар ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтиши мумкин. Қарздор талаблар янги кредиторга ўтказганлигини исботловчи ҳужжатлар ўзига тақдим этилмагунча унга нисбатан мажбуриятларни бажармасликка ҳақли эканлиги назарда тутилади (Фуқаролик кодекси 316-моддасининг 2-қисми). Қарзни ва ижрони бир пайтда бошқа шахсга ўтказиш мумкинлиги назарда тутилади. Қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш мумкин эканлиги ва бундай ҳолда улар, яъни қарздор сифатида мажбуриятнинг бажарилиши учун кредитор олдида солидар (шерик) жавоб берадилар. Лекин асосий қарздорнинг иккинчи қарздор билан шериклик ҳақида тузган шартномасига асосан мажбуриятнинг бажарилиши бўйича иккинчи қарздор, яъни мажбуриятни бажаришда қатнашувчи учинчи шахс кредитор олдида эмас, балки асосий қарздор олдида мажбур бўлади (323-модда). Қарзни бошқа шахсга ўтказиш учун кредиторнинг розилиги бўлиши билан бир қаторда бундай ўтказиш қонун талабларига зид бўлмаслиги керак. Масалан, яъни қарздор унга ўтказилган мажбуриятни (қарзни) амалга ошириш учун махсус ҳуқуқ лаёқатига ёки рухсатномага (лицензияга) эга бўлмаса, қонунга зид деб ҳисобланади ва бундай ҳолларда қарзни ўтказиб бўлмайди. Умумий қоидага би-

ноан қарз қарздорга тўла ҳажмда ўтади. Агар гаровга олувчи ёки кафил бўлувчилар янги қарздор учун жавобгарликни ўз зиммасига олмасалар, қарзнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган гаров ва кафиллик янги қарздорга ўтмайди, улар тўхталади (Фуқаролик кодексининг 287, 298-моддалари), ўтказилган қарз бўйича қўлланиши назарда тутилган неустойка ўз кучини йўқотмайди.

**МАЖБУРИЯТДА УЧИНЧИ ШАХСНИНГ ҚАТНАШИШИ** — бажарилган мажбуриятни шахсан кредиторнинг ўзи ёки у ваколат берган шахс томонидан қабул қилинганини исботлаш учун ҳужжат талаб қилиниши янги қоидадан иборат бўлиб, қарздорга ўз мажбуриятини бажарганини тасдиқлаш учун асос бўлади (Фуқаролик кодексининг 240-моддаси). Бундай қоиданинг ўрнатилиши айниқса ҳозирги тадбиркорлик соҳасида ривожланган нақд пул ҳисобига амалга ошириладиган, бажариладиган мажбуриятларни исботлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Мажбуриятни бажариш учинчи шахс зиммасига ҳам юклатилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 241-моддаси). Бундай юклаш фақат шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилади. Шу билан бирга, бундай юклаш учинчи шахснинг маъмурий жиҳатдан бўйсунуши сабабли бўлиши ҳисобга олинмайди. Янги қоидага мувофиқ мажбуриятни бажаришни қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган, шунингдек, учинчи шахс тарафларидан бири билан бирга тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлган ҳолларда учинчи шахс зиммасига юклатиш мумкин. Учинчи шахс иштирокида бажариладиган мажбурият бўйича бевосита ким жавобгар бўлиши ҳақида қоида ҳам назарда тутилган. Ушбу қоидага кўра мажбурият бўйича учинчи шахс қонун ҳужжатларида ёки шартномада махсус назарда тутилган тақдирдагина жавобгар бўлади. Бошқа ҳолларда умумий қоидага биноан жавобгар бўлиш бевосита шартнома тарафларининг ўртасида вужудга келади.

**МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ** — мажбурият қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра батамом ёки қисман бекор бўлади. Мажбуриятларнинг тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилиниши умумий қоидага мос келмайди. Бундай тартибда бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Амалдаги Фуқаролик кодексига ўтмишда мажбуриятларни бекор қилиш асослари сифатида юридик адабиётлардан маълум бўлган, лекин қонунларда назарда тутилмаган асослар

мавжуд. Булар жумласига: воз кечиш ҳақи (отступное) (Фуқаролик кодексининг 342-моддаси), мажбурият янгиланиши билан (Фуқаролик кодексининг 347-моддаси), қарздан воз кечиш (Фуқаролик кодексининг 348-моддаси) ва бошқа асослари кирради. Ўтмишда мажбуриятларнинг вужудга келиши, бажарилишини қатъий талаблар асосида тартибга солиниши ва тарафларнинг мажбурият бўйича ўз ҳуқуқларидан эркин фойдаланиш учун имкониятларнинг чекланганлиги туфайли ушбу асослар мажбуриятларни бекор қилиш учун қўлланилмай келинган эди. Бинобарин, турли асосларга кўра бекор бўлиши мумкин, бундай асослар сифатида энг кўп учрайдиганлари: юридик шахсни қайта ташкил этиш (Фуқаролик кодексининг 49-моддаси), юридик шахсни тугатиш (Фуқаролик кодексининг 53-моддаси), акциядорлик жамияти устав фонднинг камайиб кетиши (Фуқаролик кодексининг 64-моддаси), ёпиқ акциядорлик жамиятининг акциядорлари сон жиҳатдан белгиланган даражадан кам бўлиши (Фуқаролик кодексининг 66-моддаси), кафилликнинг бекор бўлиши (Фуқаролик кодексининг 298-моддаси) ва бошқалардан иборат. Мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортилиши (Фуқаролик кодексининг 237-моддаси) шартномани бекор қилиш (Фуқаролик кодексининг 382-моддаси) ва бошқа қонун талабларига риоя қилинган ҳолда бажарилган ҳаракатлар асосида юз бериши мумкин. Мажбуриятлар бекор бўлиши билан ўз юридик кучини йўқотади, умумий қоида бўйича унинг иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тугатилади. Баъзи ҳолларда улар ўртасидаги муносабатлар ўзгартирилган тусда сақланиши мумкин. Мажбурият бекор қилиниши натижасида қандай ҳуқуқий мулкый оқибатларнинг вужудга келиши Фуқаролик кодекси 348-моддасининг 2-қисмида ва 385-моддасининг 5-қисмида назарда тутилади. Мажбуриятни бекор қилиш бўйича тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан асоссиз эгаллаб олинган ва тежаб қолинган мол-мулк бўйича вужудга келадиган мажбуриятларга оид қоидалар ҳам татбиқ қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда мажбурият бекор бўлиши оқибати олинган мол-мулкни қайтариб бериб (Фуқаролик кодексининг 1023-моддаси), етказилган зарарни қоплашни (Фуқаролик кодексининг 1024-моддаси) талаб қилиш билан боғлиқ. Фуқаролик кодексида авваллари қўлланиб келинган режанинг ўзгариши сабабли мажбуриятнинг ўз ҳолича, тўғридан-тўғри бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига қаратилган (1963 йилги Гражданлик кодексининг 253-моддаси) қоида киритилган. Унинг ўрнига мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бекор бўлиши ва агар бунинг натижасида зарар етказилган бўлса, зарар кўрган тарафлар амалдаги Фуқаролик кодекси-

нинг 12 ва 15-моддаларига асосан ундириб олишни талаб қилиш мумкинлиги ҳақида қоида жорий этилди.

**МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ** — мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланган асосий ва мажбуриятларнинг барча турлари учун умумий бўлган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-бобидан ўз аксини топти. Алоҳида мажбуриятлар ва, айниқса, шартномалар, уларнинг бажарилишини мукамал тартибга солинишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ушбу бобдаги кўпчилик моддаларда акс эттирилган қоидаларда “агар қонунларда ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса”, деб таъкидлаб ўтилади. Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмида шартнома ва мажбуриятлар алоҳида турларининг бажарилишига оид кенг доирада махсус қоидалар белгиланган. 21-бобда диспозитив, яъни қоидаларни белгиловчи ва шунинг билан бирга у ёки бу қоидани танлашга ва қўллашга йўл қўйувчи нормалар етарли даражада ўрин эгаллади. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, агар тарафлар мажбуриятида уни бажариш учун бирон-бир тартибни ўзлари шарт қилиб қўймаган бўлсалар, Кодексда ўрнатилган диспозитив норма қўлланилади. Диспозитив норма ўрнатилган тақдирда ҳам мажбуриятларнинг бажарилиши “иш муомаласи одатларига ёки одатда йўл қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ” (236-модда) ёки “мажбуриятнинг моҳиятидан” (238-модданинг 2-қисми) келиб чиқиб амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар назарда тутилади. Ушбу қоидалар 1963 йилги Кодекснинг 180-моддасида ўрнатилган талаблардан кескин фарқ қилади. Ушбу моддада мажбуриятлар қонун ва планлаштириш актларига мувофиқ белгиланган муддатда, социалистик халқ хўжалиги учун тежамли бўлган тарзда бажарилиши талаб қилинади. Аввалги Кодекснинг 181-моддасига мувофиқ, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмас эди. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 237-моддасига мувофиқ тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда, агар қонун ҳужжатлари ва шартномадан бошқача маъно англашилмаса, тегишли мажбуриятни бажаришдан бир тарафлама бош тортиш ёки бир тарафлама ўзгартириш киритиш шартномада кўрсатилган бўлиши мумкин.

**МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ** — мажбурият бажарилиши унинг хусусиятидан келиб чиқиб қонун ёки шартнома билан белгиланади. Ушбу муддат ҳақидаги аввалги 1963 йил-

ги Гражданлик кодексининг жорий қонунда деярли сақлаб қолинди (184-модда). Лекин мажбурият қонун, планлаштириш акти билан белгиланган муддатда бажарилиши лозимлиги ҳақидаги талаб амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилмади (242-модда). Мажбурият муддатидан илгари бажарилишига йўл қўйилади. Фуқаролик кодексининг 244-моддасига биноан мажбуриятни бажаришни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб бажаришга йўл қўйилмайди. Бундай бажаришга қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина, шунингдек, суд қарорига асосан йўл қўйилиши мумкин.

**МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ УСУЛИ** — мажбурият келишилган ва мақбул усулда бажарилишига бағишланган қоидалар барча турдаги мажбуриятларга тааллуқлидир. Муайян мажбуриятнинг бажарилиши усули унинг моҳиятидан англашилиши мумкин эмас, масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 418-моддасига биноан, товар ҳақини муайян муддатда тўлаш мажбурияти шартнома билан белгиланмаган бўлса, сотиб олувчи товар ҳақини уни қабул қилиб олиши билан бир вақтда тўлаши лозим. Зарар етказиш билан боғлиқ мажбуриятларнинг бажарилиш усуллари асосан қонун билан белгиланади. Фуқаролик кодексининг 238-моддасига мувофиқ мажбуриятни бажаришнинг мақбул усуллари унинг моҳиятидан келиб чиқмаса ёки қонун билан белгиланмаган ҳолларда “шартномада кўрсатилган бўлиши керак”. Демак, мажбурият бажарилиши усули унинг моҳияти, хусусиятига қараб, шунингдек, қонунда ва шартномада кўрсатилган бўлишига қараб белгиланиши лозим.

**МАЖБУРИЯТНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК** — мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан белгиланган жавобгарликнинг турларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган жавобгарлик ҳақидаги нормаларнинг қўпчилиги диспозитив аҳамиятга эга, улар қонунда ва шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўлланиши мумкин. Етказилган зарарни тўлаш — фуқаролик ҳуқуқига хос умумий чорадан иборат. Умумий қоидага мувофиқ, мажбурият ҳар қандай даражада бузилган тақдирда етказилган зарарни тўлаш борасида бурч вужудга келади. Зарарнинг асосий турлари — ҳақиқий зарар, бой берилган фойда Фуқаролик кодексининг 14-моддасида назарда тутилади, унинг тегишли моддаларида мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғриси-

да қоидалар белгиланади. Фуқаролик кодексининг моддаларида етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисида қоидалар назарда тутилади. Фуқаролик кодекси учун маънавий зарар ҳам маълум. Маънавий зарарни (жисмоний ва маънавий азобланиш) қоплаш қонун билан бевосита назарда тутилган ҳолларда қўлланилади (1021-модда). Етказилган зарарни ундириш учун зарар кўрган шахс қуйидагиларни: биринчидан, мажбуриятнинг ҳақиқатда бузилганлигини, иккинчидан, зарарнинг мавжудлигини, учинчидан, бузилган мажбурият билан етказилган зарар ўртасида сабабий боғлиқлик борлигини ва, тўртинчидан, етказилган зарар қанча миқдорда эканлигини исботлаб бериши зарур. Қарздорнинг мажбурият бузишда айбдор эканлигини исботлаш ҳам керак. Лекин айбни исботлаш барча ҳолларда талаб қилинмайди, қарздорнинг айби борлиги гумон қилинади, агар у айби йўқлигини исботлай олмаса, мажбурият бузилганлиги учун жавобгар бўлади (Фуқаролик кодекси 333-моддасининг 2-қисми). Баъзи ҳолларда мажбурият бузилганлик учун айбнинг бор ёки йўқлигидан қатъий назар жавобгарлик вужудга келади (Фуқаролик кодекси 333-моддасининг 3-қисми). Зарарни ундириш учун шахс айбининг аҳамияти ҳақидаги қоидалар Фуқаролик кодексининг 335-моддасида назарда тутилган. Бой берилган, яъни олиниши мумкин бўлган, ammo олинмай қолган фойданинг миқдорини белгилаш, исботлаш мураккаб муаммодан иборат. Бундай фойдани талаб қилиш ўтмишда ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларида маҳсулотни етказиб бериш шартномаси бўйича юзага келадиган мажбурият бузилган ҳолда қўлланиши мумкин бўлган чора сифатида назарда тутиларди, лекин амалда унинг қўлланиши учрамасди. Чунки давлат мулкига асосланган корхоналар фақат қўлдан берилган фойдани эмас, етказилган ҳақиқий зарарни ундиришни талаб қилиш ҳақида ҳам унчалик қайғурмасдилар. Бой берилган фойда сифатида етказилган зарарни ифодалашнинг умумий мезони Фуқаролик кодексининг 14-моддаси билан белгиланади (Фуқаролик кодекси 324-моддасининг 3-қисми). Бундай зарарни тўлашни талаб қилишни кредитор томонидан исботлаш учун зарур бўлган қўшимча шартлар назарда тутилади. Кредитор томонидан кўрилган тайёргарлик қарздор етказиб берган товарни сотиш учун тузилган шартномадан иборат бўлиши мумкин. Лекин етказиб берилган товарнинг нуқсонлари туфайли унинг сотилмай қолиши ёки мўлжалланган нархда сотилмаганлиги натижасида олинмай қолинган фойдадан, яъни етказилган зарардан иборат бўлиши мумкин. Хом ашё ишлаб чиқариш корхонасига шартномада белгиланган муддатда етказиб берилмаганлиги оқибатида ишсизликнинг юз бериши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги ва сотилмас-

лиги ҳам олинishi мумкин бўлган фойдадан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича, қонун ёки шартномада зарарни тўлашни чеклаш, яъни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, етказилган зарарни тўла ҳажмда қопланиши зарурлиги тамойилига амал қилинади (Фуқаролик кодекси 14-моддасининг 1-қисми). Бундай чеклашлар турли ҳуқуқий шаклда назарда тутилади. Масалан, қонунда ёки шартномада фақат неустойка ундириб олишга йўл қўйилган бўлса, зарарни тўлашни умуман талаб қилиб бўлмайди (Фуқаролик кодекси 325-моддасининг 2-қисми). Баъзи ҳолларда мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла ҳамда қоплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкин (“Чекланган жавобгарлик”; Фуқаролик кодекси 332-моддасининг 1-қисми).

**МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ** — неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатат ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар воситасида амалга оширилади. Ўтмишда қўлланиб келинган усулларга хусусий мулк ҳуқуқи субъектларининг тадбиркорлик соҳасидаги эркин ҳаракатда бўлишлари ҳисобга олинган ҳолда маълум даражада ўзгаришлар киритилди, масалан, закатат ва кафолат мажбуриятдаги тарафлар кимлардан иборат бўлишидан қатъи назар, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллар сифатида, барча ҳолларда қўлланиши мумкинлиги назарда тутилди. Авваллари Фуқаролик кодексининг 201-моддасига мувофиқ закатат фуқаролар ўртасидаги ёки улар иштирок этган мажбуриятлар, кафолат (гарантия) эса, социалистик ташкилотлар ўртасидаги мажбуриятлар бўйича қўлланиши мумкин эди. Асосий мажбурият билан унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усул (усуллар)нинг ўзаро боғлиқ бўлишига аниқлик киритилди. Бажарилишини таъминлашга қаратилган усулнинг ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга олиб келмайди. Агар асосий мажбурият ҳақиқий эмас деб тан олинса, бажарилишини таъминловчи усул ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддасида янги усуллар ҳам кўзда тутилади, масалан, қарздорнинг мол-мулкани кредитор томонидан ушлаб қолиниши ва бошқалар. Кредитор ҳуқуқларини бошқа усуллар билан таъминлашни шартномада назарда тутилиши мумкинлиги умумий қоида сифатида биринчи марта Фуқаролик кодексида ўз аксини топди.

**МАЖБУРИЯТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ** фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади. Демак, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деб ҳисобланган мажбуриятларнинг вужудга келиши учун юридик фактлар асос ҳисобланади. Бундай асослар шартномалардан, зиён етказиш билан боғлиқ ҳаракатлардан ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-моддасида кўрсатилган бошқа асослардан иборат бўлиши мумкин. Мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос сифатида қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлар, шунингдек, гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлар биринчи ўринда туради. 1963 йилги Гражданлик кодексига мувофиқ мажбуриятлар вужудга келишининг асослари сифатда режалаштириш актларига алоҳида эътибор бериларди. Планлаштириш актларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг мазмунини белгилаш тартиби ҳақида махсус қоида (171-модда) мавжуд эди. Мажбуриятлар фақат шартномалар (икки томонлама битимлар)дан эмас, балки бир томонлама битимлардан ҳам, масалан, юқори сифатли фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш учун эълон қилинган танловдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Мажбуриятлар вужудга келишининг асоси сифатида қонунда назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари тан олинishi мумкин. Масалан, тегишли давлат органининг рухсати (лицензияси) билан фуқаролар, юридик шахслар муайян тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадilar ва турли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашадилар. Мажбурият фақат ҳаракатлардан эмас, балки ҳодисалардан ҳам, яъни шахснинг эркига боғлиқ бўлмаган ҳодисалардан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, табиий офат, суғурта ҳодисаси юз бериши, маротория эълон қилиниши билан ҳам мажбуриятлар келиб чиқади. Мажбурият ҳуқуққа мувофиқ асослардан, масалан, қонунга хилоф ҳаракатлардан, чунончи, бошқа шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишдан, шаъни ва қадрқимматига асоссиз доғ туширишдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда бировларнинг айби билан боғлиқ бўлмаган вазиятнинг пайдо бўлиши билан, масалан, етарли асослар бўлмагани ҳолда бошқаларга тегишли мол-мулкни турли сабабларга кўра асоссиз олиш ёки унинг ҳисобига асоссиз бойиш натижасида ҳам вужудга келиши мумкин.

**МАИШИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ** ривож топган шартномалардан иборат. Шартнома бўйича бир томондан — хунармандлар (кўнчи, этикчи, бўзчи, темирчи, металлчи, дурадгор, бўёқчи, тегирмончи, нонвой, жувозчи), иккинчи томондан ис-



теъмолчи — фуқаро ва савдогарлар қатнашади. Савдогарлар ҳунармандлар тайёрлаган нарсаларни, асбоб-ускуналарни олиб-сотиш билан шуғулланади.

**МАКЛЕР** (ингл. *broker*) — воситачи, даллол. Биржаларда олди-сотди, келишувлар воситачиси.

**МАРКА** (ингл. *mark, brod*) — 1) товар, маҳсулотга қўйиладиган тамға; 2) товар, маҳсулотнинг нави, хили; 3) тўланадиган ҳақнинг белгиси, нишони; 4) Германияда, Финляндияда пул белгиси.

**МАРКЕТИНГ** (ингл. *marketing*) — бозорни ўрганиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича режа, чора-тадбирлар мажмуи. Маркетинг типлари: а) **демаркетинг** — талабнинг ўта ўсишини камайтириш ёки секинлаштириш; б) **конвенцион маркетинг** — янги бозорни шакллантириш; **қарши турувчи маркетинг** — корпорационал талаб билан курашиш; **ремаркетинг** — муайян даражада талабни (сотув ҳажмини) сақлаб туриш; **рағбатлантирувчи маркетинг** — нақд маҳсулотлар бўлишини рағбатлантирувчи шароитни яратиш.

**МАРКЕТИНГ ПРИЦИПЛАРИ** (ингл. *prinples of marketing*) — талабни қидириб топиб, уни таъминлаш; «қайси маҳсулотга талаб бўлса ва сота олсангиз, шуни ишлаб чиқаринг, ишлаб чиқариб сўнг сотишга бош қотирманг; маҳсулотни эмас, миждозни севинг; маркетинг соҳасида иш кўрувчилар учун йиғилган ва муваффақлаштирилган, ўз вақтида тайёрланган, долзарб маълумотлар йиғиндисидан хабардор бўлинг; корхона, фирмадан ташқарида, уларнинг маркетинг хизмати бўлимларининг муваффақиятли иш юритишини таъминловчи кучлар ва ходимлар бирлигини яратишга ҳаракат қилинг» (Ф.Котлер тавсиялари).

**МАРКЕТИНГ ШАРТНОМА ТИЗИМИ** (ингл. *marketing agreement*) — тадбиркорликнинг турли соҳаларида ўзаро шартнома, битим орқали муносабатларда бўлган, ўз зиммаларига мажбуриятлар олган, ўз фаолиятини юқори фойда олиш мақсадида амалга ошираётган иқтисодий мустақил, тенг ҳуқуқли корхоналар, фирмалар тизими.

**МАРҲУМ ЭР (ХОТИН)** — қайд этилган қонуний никоҳ муносабатларида бўлиб турган эр (хотин)нинг вафот этиши. Ушбу ҳодиса юз бериши марҳум эри (хотини) вафотидан кейин тирик бўлган эр (хотин) учун муайян шахсий ва мул-

кий ҳуқуқий оқибатларни вужудга келишига сабаб бўлади. Жумладан, эр (хотин)нинг вафот этиши натижасида тирик эр (хотин) вояга етмаган, лекин меҳнатга яроқсиз оила аъзолари қонунда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибларда пенсия ва нафақалар олишга, эр (хотин) ўлимида айбдор шахслардан зарарни қоплаб берилишини талаб қилишга, моддий компенсациялар олишга ҳақли бўладилар. Эр (хотин)нинг вафот этиши натижасида унинг мол-мулки, мулкый ҳуқуқлари, тегишли ҳолларда шахсий номулкий ҳуқуқ ҳам тирик қолган хотин (эр)га, бошқа шахсларга мерос тариқасида ўтади. Қонунда бевосита кўрсатиб қўйилган ҳолларда марҳум эр (хотин) тириклик пайтида фойдаланиб келган имтиёз ва енгилликларнинг айрим турлари унинг хотин (эр)и ва бошқа оила аъзоларига ўтиши мумкин.

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ** — хўжалик жамиятларининг бир тури. Хўжалик жамиятлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларига хос фарқлари асосан уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ. Масъулияти чекланган жамиятнинг мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар. Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгардирлар (Фуқаролик кодексининг 62-моддаси). Масъулияти чекланган жамият унинг таъсис ҳужжатлари, ташкил қилиш тартиби, иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари билан тўлиқ ёки коммандит ширкатларидан фарқ қилади. Унинг яна битта фарқи шундан иборатки, бундай жамиятнинг таъсисчиси битта шахсдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунинг билан бирга масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони қонун ҳужжатларида ўрнатилган меъёрдан ошиб кетмаслиги керак. Ошиб кетган тақдирда бундай жамият акциядорлар жамиятига айлантирилиши ёки тугатилиши лозим. Сон жиҳатдан бундай чегара қўйилишига асосий сабаб, масъулияти чекланган жамият иштирокчиларига хос таниш-билиш бўлишликни сақлаб қолишдан иборат. Акциядорлик жамиятида акция эгаларининг ўзаро муносабатида таниш-билиш бўлишлигининг аҳамияти йўқ. Масалан, масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчиси томонидан устав фонди (капитали)даги ўз ҳиссасини учинчи шахсларга сотишга, уставда руҳсат берилмаган бўлса, йўл қўйилмайди. Ушбу ҳисса умумий қоидаги биноан жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ўтказилиши мумкин. Очиқ акциядорлик жамиятида акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигини олмасдан тасарруф қилиш ҳуқуқи берилган. Масъулияти чекланган жамият давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб

вужудга келади (Кодекснинг 44-моддаси). Рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатлари (таъсис шартнома ва устав)га асосан амалга оширилади (Кодекснинг 43-моддаси). Улар рўйхатдан ўтказиш учун бирга тақдим этилади. Жамиятнинг таъсисчиси битта шахсдан иборат бўлса, рўйхатдан ўтказиш учун фақат устав тақдим этилади. Масъулияти чекланган жамиятнинг моддий манбаи иштирокчиларининг ҳиссаларидан ташкил топган устав фонди (капитали)дир. Устав капиталининг миқдори, одатда, уставда назарда тутилади, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак. Агар устав фонди иштирокчилари томонидан ярмидан кам миқдорда тўпланган бўлса, жамият рўйхатдан ўтказилмайди, ярмидан кўп бўлса, тегишли қисмини жамият фаолиятининг биринчи йили давомида тўлаш талаб қилинади. Жамият фуқароларнинг ихтиёрий равишда тузадиган ташкилоти бўлганлиги туфайли, ҳиссанинг етмай қолган қисмини ундириш учун судда даъво қўзгатилмайди. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга биноан устав фондига қўшиладиган ҳиссанинг миқдори камайтирилиши ёки жамиятнинг фаолияти тугатилиши мумкин. Устав фонднинг миқдори қисқартириладиган бўлса, бу ҳақда жамиятнинг кредиторлари, албатта, хабардор қилинади. Улар мажбуриятни жамият томонидан белгиланган муддатдан олдин бажаришни ёки уни бекор қилишни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни коммандит (ишончга асосланган) ширкатни бошқариш унинг тўлиқ шериклари томонидан амалга оширилади. Масъулияти чекланган жамиятда бундай эмас. Бу жамиятда унинг барча иштирокчилари тенг ва жамият фаолиятини бошқариш учун улардан биронтасига қонунда устунлик берилмаган. Шунинг учун ҳам жамият иштирокчилари томонидан унинг бошқарув органини тузиш назарда тутилади. Иштирокчиларнинг умумий мажлиси жамиятнинг олий органи ҳисобланади. Умумий мажлис маҳаллий аҳамиятга эга бўлган норматив ҳужжатларни, жамиятнинг ички ишларини ҳал қилишга қаратилган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Кундалик муаммоларни ҳал қилиш учун умумий мажлисга ҳисобот бериб турувчи ва унга итоат этадиган ижрочи орган тузилади. Бундай орган якка директор ёки маслаҳатчилар ҳайъати (коллегия)дан иборат бўлиши мумкин ундан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Масъулияти чекланган жамиятнинг қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши жамият барча иштирокчиларининг тўлиқ овози билан ҳал қилинади. Бундай қарор қабул қилиш ваколати фақат умумий мажлисга берилган. Агар умумий мажлис аъзоларини йиғишнинг, узрли сабабларга кўра иложи бўлмаса, уларнинг ҳар биридан ёзма равишда юборган розилиги талаб қилинади.

Лекин иштирокчилардан биронтасининг жамиятдан чиқиб кетиши учун бошқа иштирокчиларнинг розилиги бўлиш талаб қилинмайди. Жамият иштирокчиси хоҳлаган вақтда ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида императив (қатъий) характерга эга. Шунинг учун ҳам, таъсис шартномасида ушбу иштирокчининг бу ҳуқуқини чеклаш ҳақида назарда тутилган шарт ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Жамиятдан чиқиб кетувчига, устав фондида унинг ҳиссасига тўғри келидагин мол-мулк қисми пул билан баҳоланиб, унга ҳўжалик йилининг охирида, яъни жамият фаолиятига яқун ясалгандан кейин тўланади.

**МАФИЯ** (итал. *“mafia”* сўзидан) — Италиядаги яширин ташкилот. Сицилия оролида вужудга келган. Жиноятчилик дунёсидаги рақобатчиларни четлаштириш учун қўрқитиш, зўрлик ишлатиш, ўлдириш каби усулларида фойдаланади, 1920-йилларда Италиянинг катта шаҳарларида кенг тарқалган бўлиб, мафия ташкилотлари наркотик моддалар контрабандаси, қиморхоналар ташкил этиш ва ҳоказо билан шуғулланган. Ҳозирги вақтда “мафия” атамаси уюшган жиноятчиликнинг синоними сифатида ишлатилади.

**МАХСУС ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ** — муайян тоифадаги шахсларга (ҳарбий хизматчилар, талабалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳоказоларига) нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқ нормалари.

**МАЪНАВИЙ ЗАРАР** — фуқаролик ҳуқуқи бўйича шахсга етказилган номоддий зарарни қоплаш усулларида иборат. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 99, 1000-моддаларига мувофиқ, фуқаронинг номулкий ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси ва бошқа номоддий ҳуқуқлари, неъматлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ эгаси ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин. Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига биноан маънавий зарар пул билан қопланади, уни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг, руҳий истиробнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинади. Маънавий тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади.

Маънавий зарарни қоплаш ҳақида даъво кўзғатиш учун умумий қоидага кўра зарар етказган шахснинг айби жабрланган шахс томонидан исботланган бўлиши керак. Лекин қуйидаги ҳолларда маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланиши талаб қилинади: зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса; зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-авторда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қонунга хилоф равишда маъмурий жазо қўлланиши ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишончли обрў-эътиборини ҳаракатловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

**МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР** — Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари билан белгиланган, улар томонидан ўз ваколатига мувофиқ равишда минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ишлатиладиган солиқлар маҳаллий солиқлар ҳисобланади.

**МАҲАЛЛИЙ ЙИҒИМЛАР** — Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига мувофиқ белгиланган, фуқаролар ва ташкилотлардан уларга кўрсатилган маданий-маиший хизматлар ёки давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари назорати остида ўтказиладиган бошқа тадбирларнинг чиқимлари билан боғлиқ харажатларни қисман қоплаш учун ундириладиган тўловлардир. Маҳаллий солиқ ва йиғимларга қуйидагилар киради: 1) мол-мулк солиғи; 2) ер солиғи; 3) инфратузилмани ривожлантириш солиғи; 4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; 5) савдосотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; 6) юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мувофиқлаштириши лозим. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчилар-

нинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, солиқ ишларини юри-тиш тартиботини ва солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлар-ни тартибга солиб туриш масалаларини Ўзбекистон Республи-касининг Солиқ кодекси нормалайди. Кодекс — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган, 1998 йил 1 январдан бошлаб амалга киритил-ган. Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетга ўтказилади. Ер со-лиғининг бир қисми қонунларда белгиланган тартибда ердан фойдаланиш ишларини яхшилаш юзасидан умумдавлат тадбир-ларини амалга ошириш учун мамлакат бюджетда марказлаш-тирилиши мумкин. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар ставкалари-нинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқа-маси томонидан белгиланади.

**МАҲР** (араб.) — мусулмон ҳуқуқидаги оила ва никоҳ маса-лаларида, фикҳдаги ҳолатларга мувофиқ, никоҳига олганидан сўнг эрнинг хотинига қиладиган совғаси; тўлов ҳам бўлиши мумкин.

**МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ** — ходимнинг меҳнат стажини тас-диқловчи асосий ҳужжат. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа дои-мий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғри-сидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳ-нат дафтарчасига ёзилмайди.

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ** — мулкчиликнинг барча шаклидаги кор-хоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фу-қаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича иш-лаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистондаги мустақил ҳуқуқ соҳаси. Меҳ-нат ҳуқуқи ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қили-шини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, хо-димларнинг меҳнат ҳуқуқи ва соғлиғи ҳимоя қилиниши кафо-латланиш ва таъминланишини, мақсад қилиб кўяди. Меҳнат ҳуқуқининг асосий манбалари Ўзбекистон Республикаси Конс-титутцияси, Меҳнат кодекси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларидир.

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ** — ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланадилар. Тарафлар ўртасида меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиши мумкин. Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан қуйидагилар белгиланади: иш жойи (корхона ва унинг бўлини маси) ходимнинг меҳнат вазифаси — мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим; иш бошланган куни; меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари. Меҳнат шартномалари: номуайян муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; муайян ишни бажариш вақтига қараб тузилиши мумкин. Меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас. Меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин: тарафларнинг келишувига кўра; тарафлардан бирининг ташаббуси билан; муддатнинг тугаши билан; тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларга кўра; меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт. Қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради; 1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш қобилятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги; 2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши; 3) ходимнинг ўз вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги; 4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги; 5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан

меҳнат шартномаларининг бекор қилинганлиги; б) мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги.

**МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** — инсоннинг меҳнат жараёнида хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 май “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилгандир.

**МЕНЕЖЕР** — а) юқори малакали ёлланган бошқарувчи; б) ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича мутахассис; в) профессионал спортда қатнашувчи спортсменларнинг машғулот ва мусобақаларда иштирок этишини бошқарадиган мутахассис, тадбиркор.

**МЕНЕЖМЕНТ** — ишлаб чиқаришни бошқариш; ишлаб чиқаришни бошқаришнинг усул, шакл, восита, тамойиллари тўғрисидаги қоидалар йиғиндиси, мажмуи. Уларнинг ишлаб чиқарилиши ва қўлланилишидан мақсад ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойда ва даромадни кўпайтиришдан иборат.

**МЕРОС** — марҳумдан ворисларга қолган мулк. Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмаган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос таркибига киради (Фуқаролик кодексининг 1113-моддаси). Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди: а) юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлмаса; б) ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи; в) алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар; г) меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи; д) мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган мулкый ҳуқуқлар.



**МЕРОСНИНГ ОЧИЛИШИ** — мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурий бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади. Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календар сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар. Мерос очилиш жойини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи маълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

**МЕРОСХЎР(ЛАР)** — мерос олишга ҳақли бўлган шахс, ворис; давом эттирувчи, ворис. Мерос очилган пайтида ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида хомида ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига мувофиқ, айрим меросхўрлар меросдан четлатилган бўлиши мумкин. Масалан, мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан биронтасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно. Мерос қолдирувчи ўзининг хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворислик чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар болаларидан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

**МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ** — бир қатор давлатларда инсоннинг (фуқаронинг) конституцияда белгиланган ижтимоий ҳуқуқларидан бири.

**МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ (Якка меҳнат низолари)** — иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир. Якка меҳнат низолари: меҳнат низолари комиссиялари томонидан; туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади. Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига қўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир. Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда меҳнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилиши мумкин.

**МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ** — ходимни меҳнатни амалга ошириш жараёнида хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитининг яратилиши. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, техник стандартлар билан белгиланади. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади, шунингдек, касаба уюшмаларининг фаолияти бунда асосий аҳамият касб этади.

**МИЛЛАТЛАР ЛИГАСИ** — Миллатлар Иттифоқини тузиш масаласи илк бор 1919 йил 18 январда иш бошлаган Париж тинчлик конференциясида кўрилган эди. Уставнинг хомаки нусхаси 1919 йилнинг февралда конференцияда тузилган махсус комиссия томонидан тайёрланади. Устав қоидалари юзасидан конференция асосий иштирокчилари ўртасида ўзаро келишмовчиликлар ҳам содир бўлди. Миллатлар Иттифоқи Устави узил-кесил 1919 йил 28 апрелда тасдиқланди ва у Версал тинчлик шартномаси ва бошқа тинчлик шартномаларига киритилган. Миллатлар Иттифоқи 1939 йилга қадар иш олиб борди. Миллатлар Иттифоқи Уставининг муқаддимаси ва бир қатор моддаларида бу халқаро ташкилотнинг вазифаси “халқлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш” деб ёзиб қўйилган. Уни дастлаб 44 давлат, шу жумладан, Антанта томонида туриб урушган 31 давлат ҳамда бетарафлик сиёсатини тутган 13 давлат имзолаган. Миллатлар Иттифоқининг асосий органлари: Ассамблея (унинг ишида Миллатлар Иттифоқининг барча аъзо-

лари иштирок этган; Ассамблея сессияси ҳар йили сентябр ойида ўтказилган). Бошқа органи Миллатлар Иттифоқи Кенгаши бўлган (дастлаб 4 доимий аъзо — Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония вакиллари билан ва 4 доимий бўлмаган аъзодан иборат эди. Кенгаш таркиби ўзгариб турган). Шунингдек, Бош котиб — бошлиқ, доимий котибият иш олиб борган. Айни вақтда Миллатлар Иттифоқи ҳузурида мухтор ташкилотлар ҳуқуқида Халқаро одил судлов доимий палатаси, Халқаро Миллатлар бюроси ва бошқа органлар ташкил этилган. Миллатлар Иттифоқининг асосий органлари Женевада жойлашган эди. 1946 йил апрелида Ассамблеянинг қарори билан Миллатлар Иттифоқи расман тугатилди.

**МИЛЛИЙ ҚАРЗ** — давлатнинг ички қарз мажбуриятлари суммаси.

**МИНИСТР** (франц. *ministre*, лотин. *minister* — хизматкор) — ҳукумат тузилмаси (министрлик) таркибига кирувчи муҳим давлат бошқарув органлари раҳбарларининг номи. Министр доимо ҳукумат аъзоси бўлиб ҳисобланади. Турли давлатларда министрлар турлича номланади: масалан, Ўзбекистон Республикасида “вазир”, АҚШ, Буюк Британия, Мексика давлатларида министр “давлат секретари” деб аталса, Буюк Британияда министрларнинг бир қисми “канцлер” номи билан юритилади ва ҳоказо. Кўпгина давлатларда министрларни алоҳида гуруҳларга бўлиш қўлланилиб келинмоқда. Масалан, Буюк Британияда министрлар 4 гуруҳга бўлинган: 1) министрлар; 2) портфелсиз министрлар; 3) бош министр ўринбосари бўлган давлат министрлари; 4) кичик (қуйи) министрлар — парламент билан муносабатни таъминловчи парламент котиблари.

**МИНИСТРЛИК** (лотин. *ministro* — хизмат қиламан, бошқараман) — ҳокимият тузилмасига кирувчи муҳим марказий давлат бошқаруви органларининг номи. Биринчи марта XVI—XVII асрларда Ғарбий Европада таъсис этилган; министрлик бошлиғи одатда ҳукумат таркибида ўз фаолиятини олиб боради. Баъзи давлатларда (масалан, АҚШ) министрликлар юқори қонунчилик органлари актлари билан ташкил этилса, бошқа давлатларда (масалан, Францияда) давлат бошлиғининг акти асосида министрлик ташкил этилади. Шунингдек, министрлик қонун ёки ҳукумат актлари асосида вужудга келтирилиши мумкин. Министрликлар сони ва уларнинг ваколатини белгилаш ҳукумат бошлиғи ёки ижро ҳокимияти (премьер министр; президент) томонидан белгиланиши мумкин. Министрликларни

фаолият доираси бўйича (масалан, федерал ва федерация субъектлари министрликлари), функцияси ёки амалга оширадиган вазифаси бўйича (умумий ваколат; маълум бир соҳадаги ваколатлари) тузилиши тамойилига кўра (ички тузилмаси) гуруҳларга ажратилиши мумкин.

**МОЛИЯ ИНТИЗОМИ** — молиявий назорат зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, мамлакатда молия интизоми мустаҳкамланишига, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг олди олинishiга, иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Молия интизоми — маҳаллий бошқарув субъектлари, ташкилотлар, корхона, муассасалар томонидан давлат жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш пайтида белгиланган йўл-йўриқлар ва тартибларга аниқ-расо ва қатъий риоя қилишдан иборатдир. Молия интизомига оид талаблар нафақат корхона, ташкилотларга, балки шу билан бирга давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларига ҳам тўла тааллуқлидир.

**МОЛИЯ ЙИЛИ** — календар йили молия йили ҳисобланади. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар календар сана ёки йиллар, йил чораклари, ойлар, ўн кунликлар ва кунлар билан ҳисобланадиган давр ўтиши билан белгиланади. Солиқ соҳасидаги муддат календар сонидан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейин келадиган кундан ўта бошлайди. Солиққа доир ҳаракат муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртгача амалга оширилиши мумкин. Бироқ, бу ҳаракат ташкилотда амалга оширилиши лозим бўлса, муддат ушбу ташкилотда белгиланган қоидаларга кўра тегишли операциялар тўхтатиладиган соатда тугайди.

**МОЛИЯ ҲУҚУҚИ** — давлат томонидан молиявий муносабатларни ташкил қилиш, тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир. Молия ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тармоқларидан бири сифатида давлат бюджетини ишлаб чиқиш, даромадлар ва харажатлар бўйича ижро этилишини таъминлаш, молия соҳасидаги марказий ва маҳаллий давлат органлари ташкилий тизимини, ваколатларини белгилаш, молиявий соҳада юридик ва жисмоний шахсларни, давлат ва жамоат органлари фаолиятини назорат қилиш тамойиллари ҳамда тартибларини аниқлаш каби вазифаларни бажаради. Банк фаолияти, пул, кредит, солиқ, суғурта, эмиссия, иқти-

содий соҳаларни молиялаштириш, пул муомаласи, валюта муносабатларини тартибга солиш, молия органлари билан бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш кабилар ҳам молия ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Жумладан, марказий ва маҳаллий давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ бўлган, яъни пул фойзаларини (молиявий ресурсларини) шакллантириш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат. Молия ҳуқуқи, бошқа ҳуқуқий фанлардан фарқли ўлароқ, ўз моҳиятига кўра императив (буюрувчи) хусусиятга эга ва молиявий муносабат иштирокчилари бўлган шахслар хатти-ҳаракати қоидаларини белгилаб беради, бу муносабатлар бир томоннинг иккинчи томонга бўйсунishiга асосланган ҳокимият муносабатларидир. Молия ҳуқуқи фан соҳаси сифатида молиявий ҳуқуқий нормаларни таҳлил этили, классификациялаштиради ва тизимга солади. Шу йўл билан уларнинг тўғри қўлланилишига кўмаклашади, улардаги нуқсонларни аниқлайди ва такомиллаштириш, янги қонунлар қабул қилинишига оид таклифлар ишлаб чиқади. Молия ҳуқуқи муайян давлат томонидан қабул қилинган молиявий-ҳуқуқий нормалар йн-гиндиси ва тизими, муайян молиявий тартиб-қоидаларни белгиловчи қонунлар тарзида қадимги даврлар (Қадимги Миср давлати ёзма манбаларида бу ҳақда айтилган)да пайдо бўлган бўлса, молия ҳуқуқи фан соҳаси сифатида нисбатан янгидир. XIX аср бошларига келиб, ривожланиш сари пул қудратли куч сифатида ишлай бошлади, молиявий қонунлар сони кескин кўпайди ва уларни тизимга солиш, ўрганиш долзарб вазифага айланди. Ана шу пайтдан бошлаб молия ҳуқуқи фан сифатида юзага келди ва ушбу курс ўқув юртларида ўқитила бошланди. Молия ҳуқуқи фанининг предмети бўлиб, молия ҳуқуқи тармоғи ва давлат молия фаолиятини тартибга солувчи бошқарув масалаларидаги билимлар тизими ҳисобланади.

**МОЛИЯВИЙ КОМПАНИЯ** — Ўзбекистон Республикасида молия — Ўзбекистон Республикасининг пул фондини ташкил қилиш, уни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш ҳамда аҳоли ижтимоий-маданий талабини қондиришдаги, мамлакат мудофаа қувватини мустаҳкамлашдаги молиявий муносабат ҳисобланади. Молия Ўзбекистон Республикасида бир қанча бўғинлардан иборат бўлиб, ягона молия тизимини ташкил қилади: 1) **Ўзбекистон давлат бюджети** — таркибига мамлакат бюджети, Қорақатпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ва ижтимоий суғурта бюджети киради; 2) **корхоналар, бирлашма-**

лар ва ташкилотларнинг молияси; 3) давлат мулкий ва шахсий суғургаси; 4) давлат кредити ва банк кредити — буларнинг ҳаммаси йиғилиб молия тушунчасини беради. Бўғинлар молия тизимини ташкил қилиш билан бирга, ҳар бир бўғин ўзига хос хусусият билан жамиятга ижтимоий-иқтисодий таъсирини кўрсатади.

**МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ** — ижара (аренда) шартномасининг бир тури сифатида ижарага олинган асосий фондларнинг (машина, курилма, асбоблар) тўла қийматини ҳамда ижарага берувчининг фойдасини тўлаш хусусидаги келишув. Истеъмол қилинмайдиган, талбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай мол-мулк лизинг объекти бўлиши мумкин. Лекин ер участкалари ва бошқа табиат бойликлари лизинг объекти бўлиши мумкин эмас. Келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тап олинади. Эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи ҳисобланади. Шунингдек, ушбу муносабатда сотувчи ҳам қатнашади. Лизинг тўловчи лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ва лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини ва лизинг ставкасини (лизинг берувчи оладиган фойданинг миқдори) ўз ичига оладиган пул суммасидир. Мол-мулкни лизингга топшириш ҳақида сотувчини хабардор қилиш, мол-мулкни олувчига топшириш, унинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши оқибатлари, лизинг берувчи ва олувчи ва сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги ва бошқа масалалар бўйича қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587—599-моддаларида назарда тутилган (Кодекснинг 2002 йил 13 декабрдаги таҳририда).

**МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ** — мамлакатимизда амалга ошириладиган назорат фаолиятининг таркибий қисми, махсус тармоғидир. Молиявий назорат давлат ҳокимияти ва маҳаллий органларнинг барча тизими томонидан, шу жумладан, махсус назорат органлари томонидан жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари иштирокида қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Молиявий назоратнинг аҳамияти шундан иборатки, унинг ёрдамида, биринчидан, давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар томонидан ўз молиявий фаолиятида ҳуқуқий тартиботга риоя этилишини кузатиб бориш, иккинчидан, амалга оширилаётган молиявий ҳаракатларнинг давлат олдида турган вазифаларга мувофиқ ке-

лишини текшириш амалга оширилади. Шундай қилиб, молиявий назорат молиявий фаолиятни амалга ошириш пайтида қонунчиликка риоя этиш, ҳаракатларни мақсадга мувофиқлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Молиявий назорат — пул жамғармаларини ташкил этиш, сарфлаш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш юзасидан давлат ва маҳаллий ҳокимият субъектлари амалга ошираётган ҳаракатларнинг қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги устидан мамлакатнинг айрим минтақаларининг самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир. Молиявий назорат барча молиявий ҳуқуқий институтларга хосдир. Молиявий назоратни амалга оширишни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини белгиловчи махсус нормалар мавжуд. Молиявий назорат амалга ошириладиган муносабатлар текширилиши пайтида: а) ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ўз фаолияти давомида давлат, маҳаллий ҳокимият органлари олдидаги молиявий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш; б) давлат ва маҳаллий корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан уларнинг ихтиёрида ёки оператив бошқарувида бўлган пул маблағларидан тўғри фойдаланаётганлигини назорат қилиш; в) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан молиявий операциялар, ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини сақлаш ва сарфлаш қодаларига риоя этилишини кузатиб бориш; г) корхоналар рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, моддий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топиш; д) молия интизомининг бузилиш ҳолларига, уларни келтириб чиқарувчи сабабларга барҳам бериш, бундай қонун бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда эса, корхона ва ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунда кўзда тутилган таъсир чораларини кўриш мақсадлари назарда тутилади. Молиявий назорат фақатгина пул маблағларинигина эмас, балки моддий меҳнат ва бошқа ресурслардан тўғри фойдланишни ҳам ўз ичига олади. Молиявий назорат самарадорлигини ошириш молиявий хўжалик фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама молиявий хўжалик жиҳатдан таҳлил этилишини талаб қилади.

**МОЛИЯВИЙ САНАЦИЯ** — давлат томонидан иқтисодиётни тартиблашнинг муҳим воситаси молиявий санация (соғломлаштириш) ҳисобланади. Санацияда давлат корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган молия ва кредит тадбирларини ишга солади. Санация иқтисодиёт учун аҳамияти катта корхоналарни танг ҳолатдан чиқариб, уларнинг нормал

ишлаб туришини таъминлаш ҳамда корхоналарни оммавий банк-кредит бўлишига йўл бермасдан, рақобатчи корхоналар сонини керакли меъёрга сақлаб туриш мақсадларида амалга оширилади. Санациялаш йўллари кўп: корхона қарзини кечиб юбориш ёки ўзгалар ҳисобидан тўлаш, қарзни тўлаш муддатини кечиктириш, қарз учун бериладиган фоизни камайтириш ёки умуман олмаслик, корхонага солиқдан енгиллик бериш, солиқни кредитга айланттириш, корхонага буюртма бериб, унинг ҳақини олдиндан тўлаш, субсидия ажратиш, корхонага экспорт юзасидан имтиёзлар бериш. Давлатнинг санациядаги иштироки икки шартни ҳисобга олади. Биринчиси — корхонанинг миллий ёки ҳудудий иқтисодиёт учун аҳамияти катта бўлиши керак, иккинчиси — корхонанинг танг аҳволга тушиб қолишига унинг ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа субъектив сабаблар бўлиши лозим. Давлатнинг корхонага ёрдамига бозор талабига зид келмаган тақдирдагина йўл қўйилади. Ёмон ишлаган, бозор талабига мослаша олмасдан молиявий инқирозга юз тутган корхонага давлат ёрдам бермайди, чунки бу бозор қоидаларига зид келади.

**МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТ** — тадбиркорларнинг хўжалик юритиш субъектларининг рақобатини (конкуренциясини) йўқотиш ёки чеклашга йўл қўймайдиган фаолияти. “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Қонун товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароитлар таъминлашга қаратилган. Устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган ва/ёки бошқа хўжалик субъектларининг манфаатларини камситган ёхуд камситиши мумкин бўлган ҳаракатлари тақиқланади: 1) товарни муомаладан олиб қўйиш, бундан кўзланган мақсад ёки эришилган натижа бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туришдан ёхуд нархларни оширишдан иборат бўлса; 2) монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш; 3) контрагентга шартнома моҳиятига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан, молиявий маблағлар, бошқа мол-мулк, мулкый ҳуқуқларни ўтказишга доир асоссиз талабларни мажбуран қабул қилдириш; 4) контрагентни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқулай вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш; 5) контрагент томонидан бошқа, товарларни сотиб олиш ёхуд сотиш контрагентнинг бошқа



хўжалик юритувчи субъектлардан товарлар сотиб олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга товарлар сотишдан ўзини тийиш шарти билангина шартнома тузишга розилик бериш; 6) тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда шартнома тузишдан асоссиз бош тортиши; 7) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлари. Зикр этилган Қонуннинг 6-моддасига биноан, муайян товар бозорида жами ўттиз беш ва ундан ортиқ фоиз улушга эга бўлган ўзаро рақобатлашаётган ёки рақобатлашиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган қўйидаги битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади: 1) қатъий нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловлар ёки ортиқча нархлар белгилаш ёки уларни сақлаб туришга; 2) эркин бозор нархлари қарор топишига тўсқинлик қилиб, уларни сунъий равишда ўстириш ёки пасайтиришга; 3) ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга; 4) таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга; 5) аукционлар, биржалар ва бошқа ким ошди савдоларида нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туришга; 6) нарх соҳасида камситишларни белгилашга; 7) бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва харидорлар, буюртмачилар доираси бўйича бўлиб олишга; 8) муайян товарларнинг сотувчилари ёки уларнинг харидорлари, буюртмачилари сифатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга келишини чеклаб қўйиш ёки уларни бозордан четлатишга қаратилган битимлари ва бошқа келишиб қилган ҳаракатлари тақиқланади.

**МУАЛЛИФ** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича, асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Асар муаллифига қўйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир: муаллифлик ҳуқуқи; муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ; асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эгадир. Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йўллар билан реализация қилиш, хусусан: асарни омма олдида намойиш этиш (кўргазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш); асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш; асарни омма олдида ижро этиш; асарни эфирга узатиш

(радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан, кабел ёки алоқа йўлдоши орқали бериш; асарни техника ёрдамида ёзиб олиш; асарнинг техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан, радио ёки телевидение орқали; асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш; шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўёбга чиқариш асардан фойдаланиш ҳисобланади. Асарга уни объектив шаклини, асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видео ёзувларидан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш ҳисобланади. Башарти, асарнинг нусхалари қонунга асосан бошқа шахсга берилган бўлса, уларни кейинчалик муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда тарқатишга йўл қўйилади. Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланганлиги ёки ундан фойдаланиши бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади. Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларини) амалий қўлланиш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганликни англатмайди. Муаллиф ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан, очиқ савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларни ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши) мумкин. Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади. Ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома бериши мумкин. Ундай рухсатнома асардан уни дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам, қайта ишланган шаклида, хусусан таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ** — 1) Ижодий фаолият билан шуғулланувчи шахснинг ўз фаолияти маҳсулига нисбатан ўз муаллифлигини ҳамма томонидан тан олиншини талаб қилиш ҳуқуқи. Муаллиф ижодий маҳсулотни ўз номи билан ёки бошқа тахаллус ёки аноним ном билан эълон қилишга ҳақли. 2) Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий нормалар мажмуи. Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижасига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Асар оғзаки, ёзма

шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилган, чоп этилган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, тамойиллар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1041-моддасининг 7-қисмига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа бирон-бир расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

**МУАССАСА** — бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратга оид бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан тайин этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот. Муассасанинг ўзига бириктириб қўйилган ёхуд ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари Фуқаролик кодексининг 178 ва 180-моддаларида белгилаб қўйилган. Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса муассаса мулкдори унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

**МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ** — Россияда 1917 йил феврал буржуа демократик революциясидан сўнг ташкил топган давлат ҳокимияти. 2 (15) мартдан 25 октябр (7 ноябр)гача ҳукм сурган. Феврал буржуа-демократик инқилоби ғалаба қозонгач, Давлат думаси депутатларининг бир гуруҳи Давлат думасининг муваққат қўмитасини тузди. Чоризм ағдарилгач, жойлардаги ва Россиянинг чекка ўлкаларидаги генерал-губернаторлар ҳам тугатилади. Улар ўрнига ҳам муваққат қўмиталар тузилган эди. Айни вақтда ишчилар, сўнгра солдатлар ҳам ўз ишчи ва солдат депутатлари советига вакилларини сайлайдилар. Инқилобий ҳаракатни бостиришда ҳеч қандай куч ва кураш воситаларига эга бўлолмай қолган буржуазия Муваққат ҳукуматининг советлар билан келишиб иш тутишдан бошқа чораси қолмаган эди. Бу орада 1917 йил 2 (15) мартда Давлат думасининг муваққат қўмитаси Петроград советининг меншевик эсерларидан иборат бошлиқлари билан келишиб, муваққат қўмита негизида муваққат ҳукумат туздилар. Оқибатда, бир томондан, советлар, иккинчи томондан эса, Муваққат ҳукуматдан иборат қўшҳокимиятчилик вужудга келди. Муваққат ҳукумат фармойиш берувчи, айни вақтда ижро органи бўлиб, қонун чиқариш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. 1917 йилнинг 25 октябри (7 ноябр)гача, яъни октябр

тўнтаришигача амал қилди. Муваққат ҳукумат ҳокимият тепасига чиқиши биланоқ, йирик капиталист ва помешчиклар манфаатини ҳимоя қилиш йўлини тутди. У 3 (16) мартда чиқарган декларациясида ҳамда 6 (19) мартда босилиб чиққан Россия фуқароларига мурожаатномасида долзарб инқилобий масалалар тўғрисида оғиз очмай, урушни “ғалабага қадар” давом эттирилишини, подшо билан иттифоқдош давлатлар ўртасида тузилган ҳар қандай битим шартлари муқаррар бажарилиши кераклигини маълум қилди. Ички сиёсат сўз, матбуот, ташкилотлар тузиш эркинликлари беришга ва Таъсис мажлисини чақиритишга, полицияни халқ милицияси билан алмаштиришга, аграр масалани Таъсис мажлиси муҳокамасига кўйишга ваъда берди. Муваққат ҳукумат куруқ ваъдабозликдан нарига ўтмади. Ишчиларнинг аҳволини яхшилаш юзасидан ҳеч қандай чоралар кўрмади. Фақат буюк давлатчилик ғояси билан иш кўрди. Советлар Муваққат ҳукуматнинг бу сиёсатини халқ оммасига тинмай тушунтириб борди. Бундай ҳолат халқ норозилигининг кучайишига, намоёнлар, сиёсий бўҳронларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

### **МУЛК ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ —**

Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмасликдан иборат. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишга йўл кўйишга мажбурдир. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлигига ва атроф муҳитга зарар етказишнинг олиш чораларини кўриши зарур.

**МУЛК ҲУҚУҚИ** — шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига биноан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кафолатланади. Айни вақтда мулк ҳуқуқини мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш, ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуаси сифатида ҳам талқин этиш мумкин.

**МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ** —

мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга кириштиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

**МОЛ-МУЛКНИ САҚЛАШ ВАЗИФАСИ** — ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасига юклатилади.

**МОЛ-МУЛКНИ ТАСОДИФАН НОБУД БЎЛИШ ЁКИ БУЗИЛИШ ХАВФИ** — мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасиладир.

**МУТЛАҚ ЖАВОБГАРЛИК** — зарар етказиш нагижасида вужудга келадиган моддий жавобгарликнинг бир тури. Ушбу атамдан юридик адабиётларда халқаро ҳуқуқ соҳасида, чет эл мамлакатларда эса, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида фойдаланилади. Шартномага асосланган мажбурият бузилган бўлса шу туфайли зарар етказган шахснинг айби бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, мутлақ жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Бунинг учун мутлақ жавобгарлик тузилган шартномада назарда тутилган бўлиши керак.

**МУЛК ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ** — Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмасликдан иборат. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахсларнинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишга йўл қўйишга мажбурдир. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган бошқа ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини кўриши зарур.

**МУЛККА АРЕСТ СОЛИШ** — хўжалик сулига ёки умумий судга берилган даъво аризасида жавобгар сифатида кўрсатилган субъектнинг мол-мулки ёхуд маблағларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиб туриш. Мулкка арест солиш даъвони таъминлаш чораси ҳисобланади ва низоли масала суд томонидан ҳал этилмагунча мол-мулкнинг фуқаролик муомаласидаги ҳаракатини тўхтатиб туради. Мулкка арест солиш даъвогарнинг аризасига кўра ёхуд суднинг ташаббуси билан қўлланиши мумкин. Мулкка арест солиш тартиби асослари, унинг устидан шикоят қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларида белгилаб қўйилган.

**МУЛЛА** (араб. “мавро” — ҳукмдор, хўжайин) — мусулмонлар томонидан ўз сафдошлари орасидан сайланадиган ва ислом йўлида хизмат қилувчи шахс. Бу тушунчада масжид имомлари, уларнинг муовинлари (ноиб-имом), шунингдек, масжиддан ташқарида хизмат қилувчи мусулмонларни тушуниш мумкин. Мулла кўпинча ўз вазифасини бажаришни домлалик (бонлангич мактабларда), судьялик ва нотариуслик фаолияти билан қўшиб олиб борган.

**МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ** — фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқлари олиш ва ўзларига фуқаролик бурчлари вужудга келтириш лаёқатидир. Муомала лаёқати тўла ҳажмда шахс вояга етганидан кейин, яъни ўн саккиз ёшга тўлган вужудга келади. Вояга етганига қадар никоҳга кирган шахслар шу вақтдан бошлаб тўлиқ ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Ўн тўрт ёшга етмаган болалар муомалага лаёқатсиз ҳисобланади. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар чекланган муомала лаёқатига эга бўлиб, унинг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 27-моддасида белгиланган. Муомалага лаёқатсиз деб таниш — руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатлари оқибатини англаб етмайдиган ва ўзини-ўзи идора қила олмайдиган шахслар суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиб, уларга васий тайинланиши мумкин. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс номидан битимларни васий тузади. Бундай шахс соғайган ҳолларда суд уни муомалага лаёқатсиз деб топиб, васийликни бекор қилади (Фуқаролик кодексининг 30-моддаси).

**МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИ ЧЕКЛАШ** — фуқаро спиртли ичимликларни ёки наркотик моддаларни суистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини моддий жиҳатдан танг аҳволга туши-

риб қўйган ҳолларда суд томонидан муомала лаёқати чекланиши мумкин. Бундай шахсга нисбатан ҳомий тайинланади. У ҳар қандай мулкый битимлар тузиш, маошини, пенсиясини ва бошқа хил даромадларни ўзи олиши мумкин, лекин буларни майда маиший битимларни истисно қилганда, ҳомийнинг розилигисиз тасарруф қила олмайди. Агарда фуқаро спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилишни ташласа, суд унинг муомалага лаёқатлилигини чеклашни бекор қилади ва унга нисбатан ҳомийлик ҳам бекор қилинади (Фуқаролик кодексининг 31-моддаси).

**МУРАККАБ АШЁ** — турли қисмларни бириктириш асосида яхлит бир бутунликни ташкил қиладиган ашё бўлиб, бунда бирикманинг моҳиятан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини беради. Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агарда шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, унинг барча таркибий қисмларига тааллуқли бўлади (Фуқаролик кодексининг 41-моддаси).

**МУФТИЙ** (араб. *ўз фикрини билдирувчи*) — сунний мазҳабидагиларда мусулмон шариатини қўллаш бўйича фатво деб номланган ўз хулосасини берувчи олий диндор шахс. Ислом давлат дини ҳисобланган давлатларда муфтий давлат томонидан тайинланади.

**МУСОДАРА** — қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши мумкин. Мусодара фақат қонунда белгиланган асослар (масалан, мол-мулк жиноий фаолият натижасида орттирилган ёки жиноят содир қилиш воситаси бўлган бўлса ёхуд ғараз ниятларда тузилган битим предмети бўлса) мавжуд бўлган ҳоллардагина қўлланилади. Қонунларда мусодара қилиниши мумкин бўлмаган мол-мулк ҳам белгилаб қўйилган. Бунга асосан шахснинг ҳаёт кечирishi, тирикчилиги учун энг минимал даражада зарур бўлган мол-мулки (шахсий фойдаланишдаги бир сидра кийим-кечаклари, болаларнинг шахсий буюмлари ва шу кабилар) мусодара қилиниши мумкин эмас. Мусодара жиноий судлов, маъмурий судлов ва алоҳида ҳолларда фуқаролик судлов тартибида амалга оширилади.

**МУСТАМЛАКА ДАВЛАТ** — метрополиялар, яъни хорижий давлатлар ҳукми остида бўлган, сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган, махсус тартиб ва усул асосида идора

қилинадиган давлатлар ва ҳудудлар. Мустамлакачилик буюк жўғрофий кашфиётлар даврлари (XV аср ўрталари — XVII аср ўрталари) даноқ бошланган эди. 1492 йил Америка кашф этилгандан сўнг испан босқинчилари Марказий Американи ва Жанубий Американинг каттагина қисмини қарам қилиб олдилар. Португалияликлар эса Ҳиндистонга денгиз орқали йўл очиб (1498), Африканинг гарбий ва шарқий қирғоқларида таянч пунктларини ташкил қилдилар. Ҳиндистоннинг гарбий қирғоғида мустаҳкам ўрнашиб олдилар ва Жануби-шарқий Осиёдаги Малакка ороллари, Гарбий яримшарда Бразилияни забт этдилар. Мустамлакалардан олиб кетилган жуда катта бойлик ҳисобидан Европа ва Шимолий Америкада «капитализм» ривожини тезлашди. Мустамлакалар борган сари метрополияларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб, уларнинг саноат маҳсулотлари сотиладиган бозорларига, саноатнинг арзон хом ашё манбаига айлана борди. Масалан, Ҳиндистонга ип-газлама экспорти 1814 йилдан 1835 йилга қадар 65 марта кўпайган. Буюк Британия йирик мустамлакачи давлатга айланди. Ҳатто, у ўз рақибларига қарам ҳудудларга ҳам кўз олайтирди. Франция, Испания, Португалия ва Голландия ҳисобига ўз мустамлакалари сонини оширди. Буюк Британия Ҳиндистон ҳамда Сянган (Гонконг)ни босиб олди, Форс қўлтиғи ва Аланда таянч пунктларини ташкил қилди. Бошқа давлатлар ҳам мустамлакачилик экспансиясини олиб борди. Франция Жазоир (1830—1848) ва Вьетнам (XIX асрнинг 50—80-йиллари)ни қарам қилиб олди, Камбоджа (1863) ва Лаос (1893) устидан ўз протекторатини ўрнатди. Рус чоризмининг мустамлакачилик экспансияси, асосан, жанубий-шарқ томонга қаратилди. Ўрта Осиё ҳамда Кавказ Россия мустамлакасига айлантирилди. Россия корхоналари учун юз минг тонналаб хом ашё маҳсулотлари ташиб кетила бошланди. Улар товар ҳолатига келтирилиб, Ўрта Осиё, жумладан Туркистон аҳолисига 2—3 баробар ортиқ нархда сотиларди. Чоризм ўз мустамлака халқларини нафақат иқтисодий, балки маданий ҳамда маънавий қашшоқлаштириш усулини зўр бериб, узлуксиз амалга ошириб келди. Буюк давлатчилик сиёсатини жорий қилиш билан маҳаллий халқларга тазйиқ ўтказиб келди. XIX асрнинг I ярмида АҚШ ҳам мустамлакалар учун курашга киришади. 1876 йилга қадар босиб олиш авжга минди. Африка деярли мустамлакачилик қурбони бўлди. Хитой, Эрон, Туркия, Афғонистон, Сиам ва қатор Лотин Америкаси мамлакатлари ярим мустамлакага айлантирилди. 1914 йилда мустамлакалар ва қарам мамлакатлар Ер шарининг 68% ҳудудини ва 60% аҳолисини ташкил қилди. Мустамлакачиларга қарши шиддатли халқ ҳаракатлари тўхтовсиз давом этиб турган. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан



кейинги йилларда ўтган яқин ўн йилликлар мобайнида мустамлакачилик кескин ларзага юз тутди. Осиёда кўпгина давлатлар мустақилликни қўлга киритадилар. Мустамлакачилик таназзули Африка қитъасидан бошланиб, Ғарбий ярим шарга ўтди. 1956—1965 йилларда Африканинг 33 мамлакати озодликка эришди. Мустамлакачилик тузуми таназзули натижасида Буюк Британия, Франция, Голландия, Белгия мустамлакачилик империялари емирилди. Осиё ва Африканинг қатор мамлакатлари миллий мустақиллик ва эркин тараққиёт йўлидан бормоқдалар.

**МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ** — ислом диний-ҳуқуқ тизими. VII—X асрларда араб халифалигида юзага келган ҳуқуқ тизими. Илк Исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръони карим асосида олиб борилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиниб Қуръони карим ва Сунна, кейинчалик Ижмоъ ва Қиёс олинган. Шариат диний-ҳуқуқий тизим сифатида XI—XII асрларда тугал шаклланган. Тарихда, жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросон фикҳ мактаблари машҳур бўлган. Улар фикҳда шариат манбалари — “усул ул-фикҳ” деб эътироф этилган. Бинобарин, фикҳ арабча “тушуниш” маъносини англатиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳасидир. Фикҳ диний ҳуқуқшунослик сифатида икки соҳада — шариат манбаларини ишлаб чиқиш («усул ул-фикҳ») ва шариатни муайян бир соҳаларга татбиқ қилиш («фуруъ ул-фикҳ»)дан иборат белгиланган. Исломнинг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида мустақил ҳуқуқ мазҳаблари — ҳанафия, маликия, шофиъия ва ҳанбалия бор. Фикҳ билан шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши фақиҳ (қонуншунос) деб аталган. Мусулмон ҳуқуқининг асосий мазмунини ислом талабларидан келиб чиқадиган, мусулмонларнинг ўзаро муомала ва ахлоқ қоидалари ҳамда уларни бузганликлари учун қўлланадиган (одатда диний руҳдаги) жазолар ташкил этади. Шариатда давлат (халифалик) ҳуқуқи нормалари, мажбурият, мерос, жиноят ва жазо, оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Шариат хусусий мулкни худо томонидан белгиланган доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Қуръони карим шариат ҳуқуқининг бош манбаи сифатида, ҳадислар унга қўшимча ёки тўлдирувчи манба, дунёвий ҳуқуқ эса ундан ҳосила бўлиб, фақат унга зид келмаган ҳолдагина қўлланилган. Қуръони каримнинг деярли барча суралари у ёки бу даражада ҳуқуққа оид қоидалардир. Шунингдек, бевосита ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган оятлар ҳам жуда кўп. Айни вақтда мусулмон ҳуқуқининг

кўрсатиб ўтилган бошқа манбаларининг ўрни ҳам ўта муҳим бўлган. Шариатда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормалар, амалий диний талабларга ҳам қонуний тус берилган (намоз ўқиш, рўза тутиш, закот, ҳаж ва ҳоказо). Мусулмон ҳуқуқи яхлит ҳолда фақат мусулмонлар ўртасидаги муносабатларда амал қилади. Мусулмонлар аҳолининг асосий кўпчилигини ташкил этган Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам мусулмон ҳуқуқининг мавқеи кучли бўлишига қарамай, у янги ижтимоий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда қонунлар, кодекслар ва одатлар билан тўлдирилиб келинган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мусулмон мамлакатларида Фарбий Европа мамлакатларининг ҳуқуқидан фойдаланиш асосида жиноят, савдо, процессуал ва бошқа кодекслар қабул қилинди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Мусулмон ҳуқуқининг оила, мерос ва бошқа тармоқларини тартибга солиш ва кодификация қилиш Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Тунис, Марокаш, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда махсус қонунлар қабул қилиш шаклида амалга оширилмоқда. Бу мамлакатларнинг айримларидаги кодексларда мусулмон ҳуқуқининг таъсири сақланиб қолган. Бир қанча араб мамлакатлари конституцияларида мусулмон ҳуқуқи қонунчиликнинг асоси ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида уни қўллашга руҳсат этилган; бу мамлакатларда шариат асосида иш кўрадиган судлар ҳам мавжуд. Шунинг учун мусулмон диний ҳуқуқи билан мусулмон давлатлари ҳуқуқини фарқлаш лозим.

**МУҚОБИЛ МАЖБУРИЯТ** — бир қанча муқобил мажбуриятлардан бири танлаб олиниши (муқобил ёки алтернатив мажбурият).

**МУҲОЖИРЛАР** — бошқа мамлакат фуқароси, ушбу тунунча “чет эллик фуқаро” иборасидан кенгроқ бўлиб, уни ҳам қамраб олади.

**МУҲОЖИРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ** — муҳожирларнинг давлат ҳаётидаги ўрни турли хил, ҳозирги давлатлар конституциявий ҳуқуқида муҳожирларнинг депутатлик мандати билан ёндошувлар бор. Бир хил давлатларда (Буюк Британия, Ирландия) бу зарурият ҳисобланса, бошқа гуруҳ давлатларда (Германия, Италия, Австрия, Польша) муҳожирлик лавозими билан депутатликни қўшиб олиб боришга йўл қўйилади, учинчи давлатларда (Болгария, Литва, Норвегия, Голландияда) муҳожирлик билан депутатликни қўшиб олиб бориш тақиқланади. Парламентлар давлатларда ва президентлик республикаларида

муҳожирлик ўрни шу билан фарқланадики, биринчисида муҳожирлар ўрнини профессионал сийёсатшунослар эгаллашса, иккинчисида — профессионал маъмуриятчилар муҳожир бўладилар. Ярим президент республикаларида бу тамойил бир-бирини тўлдиради.

## “Н”

**НАПОЛЕОН КОДЕКСИ** — 1804 йил қабул қилинган Франция Фуқаролик кодексининг адабиётларда қўлланиладиган номи.

**НАСЛ-НАСАБ**, ўзаро никоҳда бўлган ёки ўзаро никоҳда бўлмаган ота-оналарнинг ўрталарида туғилган боланинг ҳақиқатда отасини белгилаш факти асосида белгиланади. Ўзаро никоҳда турган ота-онадан туғилган боланинг насаби ота-онасининг никоҳ тўғрисидаги ҳужжати билан гувоҳлантирилади. Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг насаби ота-онасининг **ФХДЁ** органларига биргаликда берган аризаси билан белгиланади. Бола ўз қарамоғида бўлган ва ўзини боланинг отаси эканлигини тан олган шахс бу ҳақда тириклигида боланинг онаси билан бирга ариза беришга улгурмай вафот этган тақдирда, унинг оталигини олиш факти суд йўли билан белгилашни мумкин. Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилади, она қаердалигини аниқлаш мумкин бўлмаганида ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини болани отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади. Боланинг отаси суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризаси унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин. Оталикни белгилаш тўғрисида ариза боланинг туғилганлигини қайд қилиш вақтида, шунингдек, бола туғилганлиги қайд қилинганидан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилганидан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризаси она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига беришга ҳақли. Оталикни белгилаш рад этилганида, ўзини боланинг отаси деб ҳисоблаган шахс ёки унинг ота-онаси суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

**НАСЛЧИЛИК** — Ўзбекистон Республикасининг “Наслчилик тўғрисида”ги 1995 йил Қонунда берилган таъриф ва тушунчага кўра, наслчилик селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчитиш, насли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланишдир. Наслчилик объектлари ва субъектлари Қонунга биноан наслдор ҳайвонлар — қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек, паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг насли маҳсулоти наслчилик объектлари ҳисобланади. Наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжаликлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назарий лабораториялари, назорат-синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар — насли маҳсулот эгалари наслчилик субъектлари ҳисобланади. Наслчилик бўйича давлат хизмати — Ўзбекистон Республикаси бўйича бундай хизматни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси амалга оширади. Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида наслчилик бўйича давлат хизматига раҳбарлик қилишни вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари амалга оширадилар. Наслчиликда интеллектуал мулк — наслдор ҳайвонлар селекциясида эришилган ютуқларнинг натижалари интеллектуал мулк объекти ҳисобланади, уларга муаллифлик ва улардан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Насли маҳсулот (материал) бонитировкаси — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш бўлиб, наслчилик билан шуғулланувчи барча ташкилотларда ҳар йили ўтказилади.

**НАСЛЧИЛИК БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ** — Қаранг: “Наслчилик”.

**НАСЛЧИЛИКДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК** — Яна қаранг: “Наслчилик”.

**НАТУРАЛЛАШИШ** — туғилгандан кейин (шахснинг илтимосига кўра, никоҳ ёки болани асраб олиш ҳолатларида) бирон-бир давлатнинг фуқаролигини қабул қилинишини билдиради. Шахснинг илтимосига кўра натураллашиш (фуқаролиги бўлган ёки чет эл фуқароси бўлган ҳолатлар) энг кўп тарқалган. Аризаларни қараб чиқиш тартиби ва фуқароликка қабул қилиш шартлари давлат қонунлари билан белгиланади. Кўпчилик мамлакатлар тажрибасига кўра мазкур давлатда муайян вақт

мобайнида (Англияда 70 йил), АҚШ ва Францияда 54 йил, Ўзбекистонда 5 йил ва бошқалар) яшаб туриш зарурияти, мазкур мамлакат тилини билиш, “яхши хулқ ва яхши ахлоқ”, муайян ёшга етиш, мазкур давлатда муқим яшаш учун жойлашиш истаги ва бошқа шартлар хосдир. Бу талабларда ривожланган мамлакатлар фуқаролигини қабул қилишга сиёсий, ижтимоий, миллий ва бошқа сабабларга кўра кераксиз топилан шахсларнинг натураллашувига рад жавоби бериш учун асос ва сабаблар вужудга келтиришга интилиш ўз ифодасини топган. Никоҳ ҳолатида натураллашиши ҳам асосан давлатларнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинади. Натижада кўпчилик ҳолатларда турмушга чиққан аёл фуқароликдан маҳрум бўлган шахс ёки фуқароликка эга бўлган шахс ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

**НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** — фуқароларга ва юридик шахсларга қарашли национализация қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказишдан иборат. Мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтарилиб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Қонуний асослари белгиланмаган, бироқ мантиқан агарда муайян мол-мулк объекти давлат тасарруфига ўтишини мамлакат мудофааси, хавфсизлиги ва бошқа ижтимоий манфаатлар тақозо этиши мумкин. Бироқ бозор муносабатлари тизимида национализацияни қўллаш эҳтимоли жуда кам. Айни вақтда хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мол-мулкига нисбатан национализация қўлланилмайди. Бу ҳолат чет эл инвесторларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда бевосита мустаҳкамлаб қўйилган.

**НЕУСТОЙКА** — Қаранг: “Айбона”.

**НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ** — халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири, унга мувофиқ давлатлар орасидаги низолар халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймаслик учун тинч йўллар билан ҳал қилиниши лозим. Биринчи бўлиб мазкур тамойил 1928 йилги Париж пактида мустаҳкамланган эди (урушдан миллий сиёсат куроли сифатида воз кечиш тўғрисида шартнома). Унда давлатлар орасидаги барча низо ва келишмовчиликларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш лозимлиги эълон қилинганди. Мазкур тамойилга риоя қилиниши бир қатор муҳим халқаро ҳужжатлар

билан кафолатланади: БМТ Устави, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1975 йилги Якуний ҳужжати ва бошқалар. БМТнинг 1982 йилги Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги декларациясида низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг куйидаги воситалари кўрсатилган: воситачилик, халқаро арбитраж, суд орқали ҳал қилиш, минтақавий органлар ва кенгашларга мурожаат қилиш, шунингдек, томонларнинг танловларига кўра бошқа воситалар. Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг Конституцияда мустаҳкамланган тамойилларидан биридир (17-модда).

**НИЗОЛИ МАЖБУРИЯТ** — низони келтириб чиқарувчи, исбот талаб этувчи қарз.

**НИКОҲ** — эркак ва аёлнинг тарихан шаклланган ва қонун билан ёки дин томонидан мустаҳкамланган оила қуриш шаклидир. Ўзбекистонда никоҳнинг дунёвий — демократик шакли — эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этишга асосланган моногам никоҳ ўрнатилган. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси). Ўзбекистонда никоҳга кириш учун ёш эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш белгиланган, зарур ҳолларда маҳаллий ҳокимият идоралари рухсати билан бу ёш бир йилга қисқартирилиши мумкин. Никоҳ фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари ёки уларнинг вазифаларини бажариш юклатилган қишлоқ кенгашлари ижроия кўмиталарига ариза билан мурожаат қилингандан сўнг бир ой ўтгач қайд этилади (мазкур муддат узрли сабабларга кўра қисқартирилиши мумкин) ва шу даврдан қонуний кучга эга бўлади. Сўнгра фуқаролар ўз эътиқодларига кўра никоҳ ўқитишлари мумкин. Никоҳ тузилиши билан эр ва хотин, эр-хотин ва болалар, шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида алоҳида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Зўрлаш, қўрқитиш ва алдаш йўли билан тузилган никоҳлар ҳақиқий ҳисобланмайди, шунингдек, яқин қариндошлар, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар ўртасида, руҳий касаллар ва ақли заиф билан никоҳ тузиш тақиқланади. Кўп никоҳлиликка йўл қўйилмайди.

**НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИ ҚАЙД ЭТИШ** — никоҳдан ажралиш эр ёки хотиндан бирининг турган жойидаги фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органида қайд этилади. Эр-хотиннинг розилиги бўлган ҳолда никоҳдан ажралишда ариза берувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига бер-

ган аризаларида ўртада вояга етмаган болалари ва мулкый низолари йўқлигини тасдиқлашлари шарт. Никоҳдан ўзаро розилиги бўлган ҳолда ажратилишда ариза берилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгач қайд этилади. Никоҳдан ажратилиш эр ва хотиннинг иштирокида қайд қилинади. Агар узрли сабабларга кўра эр-хотиндан бири иштирок этмаса, никоҳдан ажралиши унинг иштирокисиз ҳам қайд этилиши мумкин. Суднинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ҳал қилувчи қарори асосида фуқаролик ҳолати далолатномаларни қайд этиш органи эр-хотин ёки улардан бирининг аризасига кўра никоҳдан ажралишни қайд қилади. Эр-хотиннинг аризаси бўйича никоҳдан ажралишни қайд этиш учун қуйидагилар тақдим этилади: эр (хотин)нинг муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори; эр(хотин) 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма, судланган хотин (эр)нинг ўртасидаги болалари ва мол-мулки юзасидан низоси йўқлиги тўғрисида тилхат. Эр-хотиндан бирининг никоҳида бўлган фамилиясини қайтариш тўғрисидаги истаги никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризада кўрсатилиши лозим. Никоҳдан ажралиш қайд этилгандан кейин собиқ эр-хотинга ҳар бирига никоҳдан ажралганлик хусусида гувоҳнома берилади. Никоҳдан ажралишни қайд этган ФХДЁ органи никоҳ қайд этилган жойдаги ФХДЁ органига никоҳ тугатилганлиги ҳақида белги қўйиш тўғрисида хабарнома юборади.

**НИКОҲДАН АЖРАТИШ** — эр-хотиннинг ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки иккаласининг аризасига мувофиқ ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Ажратиш никоҳни тугатиш учун юридик фактдир, у эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни келажак вақт учун тўхтатишга асос бўлади. Ажралиш йўли билан никоҳ фақат қонунда белгиланган тартибда, махсус давлат органлари — суд ёки ФХДЁ органларида тугатилиши мумкин. Эр-хотиндан бошқа ҳеч ким улар ўртасидаги тузилган никоҳни тугатилишини талаб қилишга ҳақли эмас. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Суд ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Агар суд эр-хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишига имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. Ўрталарида вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳ-

дан ажралишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилдилар. Агар эр ёки хотин суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса, ёки суд томонидан руҳияти бузилиши ёки руҳий касаллиги, ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилса, ёки содир этган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса болалари борлигидан қатъи назар, эр ёки хотиннинг берган аризасига мувофиқ эр-хотин фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади. Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкани бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилдилар.

**НИКОҲНИ ҚАЙД ҚИЛИШ** — никоҳ, никоҳланувчи шахслардан бири ёки уларнинг ота-оналари турадиган жойдаги ФХДЁ органларида қайд этилади. Никоҳ тузиш никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида қайд қилинади. Никоҳланувчилар никоҳга киришни хоҳлаганликлари ҳақида ФХДЁ органига ариза берадилар. Улар никоҳни қайд этишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки уни ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларини, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатишлари лозим. Муқаддам никоҳда бўлган шахслар никоҳдан ажраганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ёхуд эри ёки хотинининг вафоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорини кўрсатган ҳолдагина янги никоҳга киришлари мумкин. Эр-хотиннинг паспортларига ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларига никоҳнинг қайд қилинганлигини, никоҳланган шахснинг эри ёки хотиннинг фамилияси, исми отасининг исми ва туғилган йили, никоҳ қайд қилинган жой ва вақт ёзиб қўйилади. Диний расм-русумлар билан тузилган никоҳ юридик аҳамиятга эга эмас (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддаси.)

**НОГИРОН** — жисмоний ва ақлий нуқсонлари туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс. Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганида ифодаланади. Ногироннинг ҳуқуқий мавқеи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекис-



тон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Шахсни ногирон деб топиш Тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

**НОМОДДИЙ НЕЪМАТЛАР** деб, қонунда мустаҳкамлаб қўйилган, эгаси шахси бўлган узвий боғлиқ бўлган иқтисодий мазмунга эга бўлмаган неъматлар ва эркинликлар тушунилади. Номоддий неъматларнинг айримларига нисбатан ҳуқуқлар шахс туғилиши билан вужудга келади (яшаш ҳуқуқи, хусусий дахлсизлик, қадр-қимматига бўлган ҳуқуқлар), эса қонунда белгиланган асосларда вужудга келади (номга бўлган ҳуқуқ, яшаш жойини танлашга бўлган ҳуқуқ ва ҳоказо). Фуқаролик қонунчилигида номоддий неъматларнинг уч хил гуруҳи белгилаб қўйилган: интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар, тижорат сири, шахсий номулкий ҳуқуқлар.

**НОРЕЗИДЕНТЛАР** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича бу: 1) хорижда муқим яшаш жойи бўлган, шу жумладан, вақтинча Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахслар; 2) Ўзбекистон Республикасининг ташқарисида жойлашган бўлиб, ажнабий давлатларнинг қонунларига мувофиқ ташкил этилган ва шу қонунлар асосида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотлари иштирокидаги юридик шахслар; 3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, иммунитетга ва дипломатия имтиёзларига эга бўлган чет эл дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган бошқа ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналари киради.

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АКТ** — давлат ҳокимият органларининг ҳуқуқ нормаларини (қонун, кодекс, қарор, йўриқнома ва ҳоказо) қабул қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш юзасидан амалга оширувчи расмий ҳужжатлари бўлиб, ҳуқуқнинг асосий манбаларидан ҳисобланади.

**НОТА** — дипломатик ёзишмаларни акс эттирувчи ҳужжат. Халқаро амалиётда шахсий ва вербал нотани фарқлаш мумкин. Шахсий нота ёзма шаклда бўлиб, унга имзо чекувчи шахс томонидан ёзилади. У нота юборилаётган шахсга мурожаатдан

бошланади ва бу шахсга билдирилган ҳурмат билан тугалланади. Шахсий нота, нота бланкасида ёзилади, юқори ўнг четида юборилаётган вақт ва жой, биринчи бетининг пастки ўнг бурчагида, манзилгоҳ, нота юборилаётган мансабдор шахс исми-шарифи тўлиқ келтирилади. Нотанинг кенг тарқалган турларидан бири вербал нота бўлиб, унда дипломатик фаолият мазмунини ташкил этувчи турли масалалар ёритилади. Вербал нота, нота бланкида босилади, ҳурмат билан бошланиб, ҳурмат билан тугатилади, учинчи шахс томонидан тузилади, лекин имзоланмайди. Нотанинг юқори чап тарафида рўйхатдан ўтказилган чиқиш сони ва пастки чап бурчагида манзилгоҳ ёзилади. Нота тексти остида юборилган вақти, жойи кўрсатилади. Вербал нотага Ташқи ишлар вазирлиги ёки дипломатик вакилликнинг муҳри босилади. Ҳозирги даврда халқаро амалиётда ҳокимиятлар ўртасида бевосита нота ёзишмалари кенг қўлланилмоқда.

**НОТАРИАЛ ОКРУГ** — Қаранг: “Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди”.

**НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР** — давлат нотариал идораларида ишловчи нотариусларнинг фаолияти; қуйидагилар киреди: битимларни тасдиқлаш; васиятномаларни тасдиқлаш; эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш; мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таққилаб қўйиш ва таққилни бекор қилиш; меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш; ҳужжатлар нусхаларини ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш; ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлаш; ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш; кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш; фуқароларнинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш; фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш; фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш; ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш; пул суммалари ва қимматли қозғаларни депозитга қабул қилиб олиш; ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш; пул тўлаш учун чекларни тақдим этиш ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлаш; ижро хатларини ёзиш; векселларнинг протестларини амалга ошириш; денгиз протестларини амалга ошириш; нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини

шаҳодатлаш ҳамда реестрлардан кўчирмалар бериш ва қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатлар.

**НОТАРИАТ** — жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилувчи органлар тизими. Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан очилади ва тугатилади.

**НОТАРИУС** — нотариал фаолият билан шуғулланувчи мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Тегишли давлат нотариал идорасига стажёр ёки ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажёрни, шунингдек, ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир. Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори билан камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда стажировка муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак. Стажировкадан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадир. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга. Нотариуслари бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатларни (васиятномаларни тасдиқлаш; ишончномаларни тасдиқлаш; автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш тўғрисидаги ишончномалар бундан мустасно; мерос мол-мулкини кўриқланишига доир чора-тадбирларни кўриш; ҳужжатлар нусхаларини ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилиги-

ни шаҳодатлаш, маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш ҳамда бошқа нотариал ҳаракатлар) фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) амалга оширади. Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

**НОТАРИУСНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ҲУДУДИ (Нотариал округ)** — Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларда тегишли шаҳарнинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишга ҳақли бўлган ҳудудни белгилаб беради. Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас деб топишга сабаб бўлмайди. Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлаш учун нотариус ўз хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир.

**НОТИФИКАЦИЯ** — халқаро ҳуқуқда Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик (консуллик) ваколатхонаси, халқаро ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонида давлатнинг маълум бир масала юзасидан нуқтаи назари ёки сиёсий ва ҳуқуқий фактлар ва воқеалар баён қилинган расмий билдиришидир. Нотификация халқаро ва дипломатик амалиётда кенг тарқалган. Баъзи ҳолларда у халқаро ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради ва халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши ёки тугатилишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда нотификациядаги ҳолатлар нотификация шартномасида назарда тутилган бўлади ва халқаро шартномани қабул қилиш, ратификация ва унга қўшилиш ёки рад этиш ва ҳоказолардаги зарурий ҳолатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

**НОУ-ХАУ** (инглиз. — *know how*, айнан — билишимча) — ишлаб чиқаришда техник ва бошқа масалаларни ҳал этишда зарур техник билим, тажриба, сирлардан фойдаланиш. Кўпинча “ноу-хау” маъносида техник ижоднинг натижаси тушунилади.

**“О”**

**ОБЛИГАЦИЯ** — қимматли қоғоз; уни чиқарган ва уни олган шахсда маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

**ОБРОГАЦИЯ** — қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар кириши йўли билан янгилаш. *Қаранг:* “Аброгация”, “Суброгация”.

**ОБЪЕКТИВ ЖАВОБГАРЛИК** — *Қаранг:* “Абсолют жавобгарлик”.

**ОВОЗ БЕРИШ** — сайлов ўтказиш жараёни босқичларидан, бир ёки икки босқичда ўтказилиши мумкин. Сайлов бюллетенларини бериш ёки махсус машиналардан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Айрим давлатларда почта орқали (Дания, Германия, Ирландия, Буюк Британия) ёки ишончнома орқали (Белгия, Германия, Франция, Япония, Голландия) иштирок этиши мумкин.

**ОДАТ ҲУҚУҚИ** — одатга асосланган юриш-туриш қоидаларини тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғи. Давлатлар ва унда ҳуқуқ тармоқларининг ривожланиши одат ҳуқуқининг қонунда мустақамланишига олиб келган.

**ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ** бўйича шериклар деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргиликда иш қилиш мажбуриятини оладилар. Фақат якка тадбиркорлар ва/ёки тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлишлари мумкин.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ** — Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 1997 йил 30 август қонунига кўра, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати деб озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлари мажмуи тан олинади. Озиқ-овқат маҳсулотнинг хавфсизлиги эса унинг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослигидир. Озиқ-овқат маҳсулотини яратиш, ишлаб чиқариш — маҳсулот сифати ва хавфсизлиги таъминланиши лозим бўлган асосий

жараён бўлиб, унда юридик ва жисмоний шахслар янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш ёки уни такомиллаштириш чоғида, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини, яроқлилиқ муддатини, сифат кўрсаткичларини ва назорат қилиш усулларини асослаб беришлари шарт. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари, унинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар мажбурий бўлиб, ушбу маҳсулотнинг норматив ҳужжатларига киритилади. Сифати ва хавфсизлиги муайян вақт ўтганидан кейин ўзгариши ҳамда одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўладиган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга, янги технология жараёнларини, ускуналарни жорий этишга улар токсикология-гигиена экспертизасидан, ҳайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёси эса-ветеринария экспертизасидан ўтказилганидан ҳамда маҳсулот белгиланган нормалар ва қоидаларга мослиги ҳақида давлат санитария назорати органининг гигиена сертификати ёки хулосаси ёхуд ветеринария назорати органининг хулосаси олинганидан ва озиқ-овқат маҳсулоти давлат реестрига киритилганидан кейин йўл қўйилади. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган озиқ-овқат хом ашёсидан, озиқ-овқат қўшимчаларидан, қадоклаш ва ёрдамчи материаллардан ва улардан ишланган буюмлардан, ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилади. Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлатиш тақиқланади. Ҳайвонлардан олинadиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида ем-хашаклар, ем қўшимчалари, ҳайвонларни парваришlashда ишлатиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратлари қўлланишига улар давлат ветеринария назорати органлари томонидан давлат санитария органлари билан келишган ҳолда рўйхатдан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади. Ўсимликлардан олинadиган озиқ-овқат ва минерал ўғитлар қўлланишига улар токсикология-гигиена экспертизасидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади. Ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотининг сифати белгиланган нормалар ва қоидаларга мос эканлигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлиши керак. Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш қуйидаги талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Мажбурий сертификатландиган озиқ-овқат маҳсулоти юридик ва жисмоний шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган мослик сертификати ёки мувофиқлик белгиси бўлган тақдирда реализация қилинади. Озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

томонидан шу мақсадлар учун ажратилган жойларда йўл қўйилади. Қуйидаги ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилишга йўл қўйилмайди. Маҳсулот сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ бўлмаса; мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар учун эса мослик сертификати бўлмаса; сақлаш ва реализация қилиш учун тегишли шароит бўлмаса; яроқлилиқ муддати тугаган бўлса; маҳсулот қалбакилаштирилган бўлса; маҳсулотларни таққослаш мумкин бўлмаса. Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланмаслик ва йўқ қилиб ташлаш — яроқлилиқ муддати ўтиб кетган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек, давлат санитария ва ёки ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва ёки ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак. Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади. Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди.

### **ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ИШИНИ ИЗДАН ЧИҚАРУВЧИ ҲАРАКАТЛАР**

— озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларнинг маҳкумларни террор этиш ёки маъмурият вакиллариغا ҳужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиноий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишида ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини изидан чиқарувчи ҳаракатлари. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижро этиш муассасаларида жиноятчиларни тузатиш ва қайта тарбиялаш, келажакда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш борасида иш олиб борилади. Бироқ ўта хавфли рецидивистлар, оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқариш мақсадида тузалиш йўлига ўтган маҳбусларни террор қилиш (маҳбусларни меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишдан, ички тартиб қоидаларига риоя қилишдан бош тортишга мажбур этиш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, озодликдан маҳрум қилишни ижро этиш муассасаларида

интизом ва тартибни сақлаганлиги учун қасос олиш ҳаракатлари), маъмуриятга ҳужум қилиш, ўз мақсадларини амалга ошириш учун гуруҳлар ташкил этиш ёки шу гуруҳларда фаол иштирок қилиш қаби қилмишларни ҳам содир этадилар. Ушбу жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 220-моддасида жавобгарлик белгиланган бўлиб, айбдорлар уч йилдан беш йилгача, ушбу қилмишларни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда (ўта хавфли рецидивист, оғир жиноят учун ҳукм этилган шахс, бир гуруҳ шахслар томонидан) содир этилганида беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**ОИЛА** — кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги, жамият тараққиётининг маълум бир босқичида вужудга келган. Оиланинг асосий вазифаларидан бири — фарзанд кўриш ва тарбиялашдир. Оила муносабатлари эркак ва аёл ўртасида ихтиёрий никоҳ иттифоқи тамойилларига биноан ота-она ва болаларни ҳамда бошқа қариндошларнинг бир-бирига ҳурмати асосида тузилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида белгилайди ва жамият ва давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эгаллигини эълон қилади. Оила аъзолари ҳамда бошқа қариндошлар ўртасидаги шахсий мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар, никоҳга кириш ва никоҳ бузилиши Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ҳужжатлари тамойилларига ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрларига, қоидаларига биноан амалга оширилади.

**ОИЛА ҲУҚУҚИ** — анъанавий ҳуқуқ соҳаларидан бири. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари оила ҳуқуқи фани ва унга мос ўқув фанларидан иборат. Оила ҳуқуқининг асосий манбаси 1998 йилда қабул қилинган Оила кодексидир. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшишига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишни ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

**ОКРУГ** — бир қатор давлатларда (масалан, Исландия, Португалияда) — маъмурий-ҳудудий бирлик, маълум бир органлар ваколатидаги ҳудуд (масалан, суд округи, нотариал округ).



**ОЛЛОҲ** (араб. “*Ал-Илоҳ*” — худо) — исломда худонинг номи.

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ (мусулмон ҳуқуқида)** — асосан фуқаролар ўртасида тузилади. Шартноманинг нарсаси бўлиб, турар жой, уй-рўзгор буюмлари, асбоб-ускуналар, чорва моллари, истеъмоқ қилиш учун зарур бўлган буюмлар, маҳсулотлар ва бошқалар ҳисобланади. Шартнома нарсаси баъзан тирик товарлар — қуллардан иборат бўлиши мумкин эди. Шартнома бўйича товарлар кўпинча насияга (қарзга) ёки ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилади. Бундай шартномалар ёзма равишда расмийлаштирилмасди ҳам. Кўчар мол-мулк сотилган вақтда шартнома огзаки бўлса ҳам, лекин албатта гувоҳлар иштирок этишлари шарт эди. Кўчмас мол-мулк бўйича шартнома умумий қоидага биноан ёзма шаклда тузилиб, қози томонидан гувоҳлантирилади. Айирбошлаш шартномаси ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар ўртасидаги мулкий муносабатларда кенг қўлланилади. Айирбошлаш савдогарлар томонидан ҳам қўлланилади. Улар қишлоқ ва овулларга турли товарлар олиб бориб, уларни қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларига айирбошлаш билан шуғулланади. Шартноманинг нарсаси бўлиб буғдой, пахта, газмол, чорва моллари, чарм, жун, қуритилган мевалар ва бошқалар ҳисобланади. Кўчмас мол-мулк бўйича тузилган айирбошлаш шартномаси қози томонидан гувоҳлантирилади. Кўчар мол-мулкни айирбошлаш учун ёзма шаклда тузилган шартнома талаб қилинмасдан, лекин гувоҳларнинг иштирок этиши инкор этилмасди.

**ОЛИЙ МАЖЛИС** — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бир палатали органдир. Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат. Олий Мажлис фаолияти унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларнинг иши билан таъминланади, 22 сентябрь 1994 йил қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни билан тартибга солинади.

**ОМБУДСМАН** (швед. *Hombudsman* — кимнингдир қизиқиши, тарафларнинг вакили деган маънони билдиради) — ишончга лойиқ мустақил шахс, айрим фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун парламент томонидан ваколатли ҳисобланади, барча

давлат органлари ва уларнинг вакиллари устидан кенгроқ формада назорат этиш тушунилади. Омбудсман бошқа давлат органларига (ижроия ҳокимият) нисбатан парламентнинг одатдаги функциясининг назоратини кенгайтиради ҳамда қўшимчалар киритади ва ёрдам беради. Шунинг учун дунёнинг кўп мамлакатларида назоратнинг амалдаги шаклларида қўшимча бўлиб, яна бир назорат шакли “омбудсман” киритилди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг турли давлатларида юзга яқин омбудсманлар пайдо бўлган, қайсики бу мансабдор шахс бир давлатда, Скандинавия мамлакатларида омбудсман, Испания ва Колумбияда халқ ҳимоячиси, Францияда воситачи (медиатор), Руминияда халқ адвокати, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили ва ҳоказо. Омбудсман ҳар хил йўллар билан сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Масалан, Испанияда 5 йил муддатга парламент томонидан сайланади, Францияда Министрлар Кенгаши томонидан декретга асосан тайинланади. Ўзбекистонда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги Қонуннинг (1997 йил 24 апрел) 3-моддасига асосан Вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлисининг ваколати муддатига (5 йилга) сайланади.

Кўпгина мамлакатларда ҳар бир фуқаро омбудсманга бевоқиф мурожаат этиши мумкин. Агар мурожаати туфайли суиистеъмоллик ёки камчиликлар аниқланса, омбудсман томонидан мутассади мансабдор шахсга йўл қўйилган хатоларни бартараф этиши кўрсатилади. Агарда мансабдор шахс томонидан рад этилса, унда маъмурий органга ёки парламентга мурожаат этади. Омбудсман нафақат фуқароларнинг мурожаатига кўра, балки ўз ташаббуси билан ҳам ҳаракат қилади. Францияда фуқаро воситачига тўғридан-тўғри чиқмай, балки ўз сенатори ёки депутатига мурожаат этади.

Ўзбекистон Республикасидаги Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва нормаларига асосланади. Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ** — жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқарувчи, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Жамиятни ахборот билан таъминланиш зарурати ошиб бориши туфайли оммавий ахборот воситалари мустақил кучга — “тўртинчи ҳокимият”-га (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлардан кейин) айланмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти инсоннинг асосий ҳуқуқига — сўз эркинлигига асосланган ва қатор давлатларда қонун томонидан муҳофаза қилинади. Конституциянинг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди”, дейилган. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунда оммавий ахборот воситаларининг таърифи берилган (1-модда), уларнинг эркинлиги (2-модда) ва она тилида ахборот олиш ҳуқуқи (3-модда), таъсис қилиниши ва рўйхатга олиниши, шу жумладан, рўйхатга олишга розилик бермаслик (5, 11-моддалар) қоидалари белгиланган ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг (мухбирларнинг) ахборот қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари (25-модда) белгиланган. Охириги ҳуқуқлар “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган, унда мухбир “оммавий ахборот воситалари хизматида бўлувчи шахс” сифатида назарда тутилади (3-модда). Мазкур қонунга оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун муҳим бўлган мухбир томонидан сир сақлаш ҳуқуқи (7-модда) ҳамда мухбир томонидан текширув ўтказиш ҳуқуқлари (9-модда) киритилган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ахборот олиш ҳуқуқи “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунда кафолатланади (1997 йил). Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқлар ва эркинликларининг кафолатлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуи, улар томонидан тарқатилган ахборот учун жавобгарликни ҳам белгилайди. Конституциянинг 67-моддасида қайд қилинганидек, улар “ахборотни тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар”. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунда ва мухбирларнинг касбий муҳофазаси тўғрисидаги қонунда сўз эркинлигини суъистеъмол қилишга (4-модда) ва текширилмаган ахборотни тарқатишга йўл қўймаслик тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, соҳада “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ҳам Қонун қабул қилинган (2002 йил). Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва вазифаларининг диалектикасини ривожлантирмоқда.

**ОММАВИЙ МУЛК** — давлатга қарашли бўлган мол-мулк мажмуи ҳисобланади. Оммавий мулк республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган турларга бўлинади. Оммавий мулкка нисбатан мулккий ҳуқуқларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ваколатларида белгилаб қўйилган. Оммавий мулкнинг тайинланиш мақсади давлат идораларининг нормал фаолият юритишини, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий ҳимоя вазифаларини таъминлаш, фавқулодда ҳодисалар ва табиий офатларга қарши кураш ва шу каби мақсадларни кўзлайди. Оммавий мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш, бошқариш ва муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

**ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР** — катта миқдордаги, уюлмаган бир гуруҳ шахслар томонидан белгиланган ва давлат ҳокимияти томонидан қўриқланадиган ижтимоий тартибни бузиш. Оммавий тартибсизликлар юзага келиши шахс устидан зўравонлик, портлатишлар, ўт қўйишлар, ҳокимиятга қурол билан қаршилик кўрсатишлар билан боғланиб кетиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар алоҳида хавфлидир, чунки у тасодифан йиғилган ва бошқариб бўлмас оломон томонидан содир этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра оммавий тартибсизликлар жамият хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланади ва 244-моддага кўра 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 15 бандига кўра оммавий тартибсизликлар фавқулодда ҳолат эълон қилинишига олиб келиши учун асос бўлиши мумкин.

**ОМОНАТ (Депозит)** — талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси. Шунингдек, “омонат” (араб.) — қатор Шарқ давлатлари ва Араб мамлакатлари одат ҳуқуқига кўра қарз мажбуриятини бажариш мақсадида гаровга олинган шахсдир.

**ОМОНАТ САҚЛАШ** — Қаранг: “Омонат сақлаш шартномаси”.

**ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ** буйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади.

**ОНА ВА БОЛА ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ** — низо чиққан тақдирда она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (улар ўрнини босувчи шахслар) қонунда назарда тутилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади. Бола ота-она (улар ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суиистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш буйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганда, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айна пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши лозим. Ана шундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли зарур чораларни кўришга мажбурдир.

**ОНАЛИК** — ўзаро никоҳда бўлган ёки ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан (эр-хотин) туғилган боланинг ҳақиқатда онаси эканлигини тасдиқлаш ва белгилаш факти. Ўзаро никоҳда бўлган ота ва она туғилишни қайд этиш дафтарига улардан бирининг берган аризасига биноан боланинг отаси-онаси деб ёзилади. Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг кимлиги онанинг аризасига биноан ёзилади. Боланинг онаси вафот этган тақдирда, шунингдек, турар-жойни аниқлаш мумкин бўлмаганида, боланинг отаси кимлиги отанинг берган аризасига биноан ёзилади. Агар боланинг ота-онаси ноъмалум бўлса, унинг ота-онаси тўғрисидаги ёзувлар васийлик ва ҳомийлик органининг кўрсатувиغا асосан ёзилади. Боланинг ҳақиқий ота-онаси-

ни, оталик ёки оналикни суд йўли билан белгилаш ҳақидаги ҳуқуқларини инкор қилиш мумкин эмас. Айрим сабабларга кўра боланинг ота-онаси судга оталик ва оналикни белгилаш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилиши мумкин. Қонун боланинг ота-онаси ҳақидаги ёзувларни имзолаши учун бир йиллик муддат белгилайди.

**ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** — она ва бола саломатлигини сақлаш, соғлом авлодни шакллантиришга, ривожлантиришга қаратилган давлат ва ижтимоий чоратadbирлар мажмуаси. Оналик ва болаликнинг муҳофазаси таркибида даволаш ва хасталикни олдини олишга қаратилган тиббий ёрдам, ҳомиладор бўлмаган аёлларга маслаҳат, уларни оналикка тайёрлаш, аёллар маслаҳатхоналари, акушерлик стационарларида терапевтик махсус бўлимлар очиш, чақалоққа туғилиш пайтида тўғри ёрдам кўрсатиш, чақалоқни парвариш қилиш, даволашда ёрдам кўрсатиш, мактабгача бўлган даврда боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ривожланишини, тўғри овқатланишини, иммунологик ҳолатини назорат қилиш, мактаб ёшидаги боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш — жисмоний ривожлантириш, ўсиб турган организм асосий тизимларининг фаолиятини баҳолаш, саломатлик ҳолатида пайдо бўлган ўзгаришларни аниқлаш каби асосий босқичлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими мавжуддир. Бу тизим ўз ичига соғлом авлод учун курашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ташкилий-ғоявий фаолиятларни ўз ичига олади ва давлат томонидан моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимизда оналик ва болаликни, аёллар ва вояга етмаган болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ана шу мақсадда соғлиқни сақлаш, қайта тиклаш тизимлари вужудга келтирилмоқда.

**ОПТАЦИЯ** (лотин. *opto* — танлов) — давлат ҳудудида маълум бир ўзгаришлардан келиб чиқиб, шахснинг қайси давлатга мансублигини белгилаш, фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асосларидан бири. Бир давлатдан иккинчи давлат бошқарувиغا ўтувчи ҳудудда истиқомат қилувчи шахсларнинг фуқароликка эга бўлиши ёки уни йўқотиши давлатларнинг келишувига мувофиқ белгиланган шартномага асосан (тартиби ва муддатлари) белгиланади. Мамлакатимизда оптациянинг амалга ошириливи Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Фуқаролик тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

**ОПЦИОН** (ингл. *option* — танлов) — 1) халқаро ҳуқуқда мазмунан оптация билан бир хил; 2) муаллифлик ҳуқуқида бирон-бир давлат билан тузилган шартноманинг дастлабки шартлари.

**ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ (ОИТС)** — одам организмининг орттирилган иммунитет танқислиги вируси билан заҳарланиши, энг оғир, ҳозиргача давоси топилмаган касаллик. ОИТС 1982 йил аниқланган, ҳамма давлатларда рўйхатдан ўтказилади. Касалликни юқтириш манбаси — вирус ташувчидир. Касалликни юқтириш асосан жинсий муносабатлар орқали (асосан гомосексуал — эркакларнинг ўзаро жинсий алоқаларга киришуви; боланинг она қорнидаги даврида ҳомиладордан заҳарланиши; онанинг болани эмизиш вақтида боладан заҳарланиши; қон алмаштириш, муносабатларга киришиш ва ҳоказо натижасида) юқтирилади. ОИТСни била туриб тарқатганлик ёки тиббиёт ва доришунослик ходимлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси тиббиёт ва косметикага доир ишларни амалга оширувчи мутахассислар ўзларининг вазифаларини етарлича бажармасликлари шахсга ОИТС юқишига сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

**ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ ТИКЛАШ** — ота-она, улардан бири ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва/ёки бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилганлик ота-оналик бирининг ёки иккинчисининг даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органи, шунингдек, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Агар ота-оналик ҳуқуқи тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақли. Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

**ОТАЛИК** — ўзаро никоҳда бўлган ёки ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан тугилган боланинг (эр) томонидан ҳақиқатда

шу боланинг отаси эканлигини тан олиш факти ўзаро никоҳда турган ота-онанинг биргаликдаги аризаси асосида белгиланиши мумкин. Шунингдек, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-она бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси бўлмаса, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирини ёки боланинг васий ёки ҳомийнинг даъвосига мувофиқ, вояга етган шахсларга нисбатан — унинг розилиги билан, онаси ўлган ҳолда эса — унинг ўз даъвосига асосан амалга оширилади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги қарор қонуний кучга киргач, суд оталикни белгилаганлигини қайд этиш учун уни даъвогар яшаб турган жойдаги ФХДЁ органига юборади. Оталикни белгилашдаги даъволар ота, она, васий, ҳомий томонидан қилиниши мумкин.

**ОТА-ОНАНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ** — ота-она ўз болаларини тарбиялашга, уларнинг жисмоний ўсишлари, илм олишлари ва ижтимоий-фойдали меҳнатга таёрланишлари тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбурдир. Ота-она болаларини вояга етгунларига қадар тарбиялашга мажбур. Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг мажбуриятларга эга. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши зарур. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ваколатсиз ҳимоя қиладилар. Ота-оналар билан болалар бир бирларига маънавий, моддий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдир. Ота-она болани тарбиялаш, вояга етказиш каби ота-оналик бурчини амалга ошириши зарур.

**ОТВОД (Рад этиш)** — фуқаролик процессуал ҳуқуқи, хўжалик процессуал ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи институти; суд ва дастлабки терговнинг объективлигини таъминловчи восита. Судья, маслаҳатчи, прокурор, терговчи, эксперт, таржимон, суд мажлиси котиби шахсан низонинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, унинг номзодини рад этишга ҳақлидирлар.

**ОФФШОР** (ингл. *off shore* — қирғоқдан ташқари) — жаҳон молиявий марказларида, шунингдек, айрим банк операцияларига нисбатан қўлланиладиган атама. Оффшор деб шундай марказ-



ларга айтиладики, бунда кредит ва бошқа (миллий ва чет эл) ташкилотлар, резидент бўлмаган (чет эл жисмоний ва юридик шахслар) ташкилотлар билан ушбу мамлакатда амалда бўлмаган чет эл валютасида амалга оширади. Бунда бу давлатда амалиётдан ўтказилган ташкилотлар (компания) учун имтиёзли солиқ тўлаш тизими ташкил этилади ва ҳатто солиқ тўловидан озод этилиши ҳам мумкин. Оффшор марказида ўз фаолиятини юритувчи ташкилотлар молиявий ҳаракатларини амалга ошириш учун давлат ҳудудидан фойдаланадилар, лекин иқтисодийётининг бир қисми бўлиб ҳисобланмайдилар. Оффшор зоналарни ташкил этувчи мамлакатларнинг мақсади бу ерда жойлашувчи чет эл компанияларининг рўйхатдан ўтиш йиғимларини йиғиш ва иш жойларини ташкил этиш ва ҳоказо. Оффшор зоналари ривожланиши учун чекланган ресурсларга эга бўлган унча катта бўлмаган давлатларда ташкил этилади. Ҳозирги вақтда оффшорлар Кипр, Вануату, Мальта, Либерия, Панама, Ирландия, Лихтенштейн, Багам ярим оролида ривожланган. Шунингдек, “оффшор” атамаси халқаро ҳуқуқда солиқсиз зоналарда ҳаракат қилувчи компанияларга нисбатан ҳам қўлланади.

**ОЧИҚ ДЕНГИЗ** — халқаро ҳуқуқда Тинч океани бир қисми.

**ОЛИЙ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС** — Қорақалпоғистон Республикаси органи. Жўқорғи Кенгес Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ҳал қилади.

**“ОҚ ЁҚАЛИЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ”** — давлат функцияларини бажариш ваколатлари берилган мансабдор шахс томонидан содир этилган жиноятлар йиғиндисининг шартли номи. Бу тушунча илмий муомалага америкалик криминолог **Эдвард Сатерленд** томонидан киритилган.

## “П”

**ПАРЛАМЕНТ ИНДЕМНИТЕТИ** (ингл. *Indemnity*; лотин. *Indemnitos* — зарар етказмасдан) — 1) депутатга ўз парламент фаолиятини бажариши учун турли имкониятларнинг берилиши, яъни унинг депутатлик мажбуриятини бажаришда (парламентдаги чиқишларда, овоз беришда, комиссия ишларида иштирок этишда) уни таъқиб қилишни тақиқлаш, депутатлик дахлсизлигини таъминлаш, ҳеч ким, жумладан, парламент ҳам депутатни ҳатто у парламент аъзолигидан чиқарилганда ҳам

юқорида келтирилган ҳаракатлари учун жавобгарликка торта олмайди; 2) депутатга ўз парламент фаолиятини бажариши учун турли моддий имкониятларнинг берилиши, бунда аввало профессионал, парламент фаолияти учун ҳақ-тўловлар ажратилиши назарда тутилади. Масалан, резиденцияга, ёзишмаларга, сафарга ва ҳоказо.

**ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** — қонун асосида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш актив сайлов ҳуқуқига киради. Бинобарин, сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш пассив сайлов ҳуқуқига киради. Айрим мамлакатларда актив ва пассив сайлов ҳуқуқи барча фуқароларга ҳам берилавермайди. Балки сайлов цензлари (чегаралов шартлари)ни бажара олган фуқароларгагина давлат ана шундай ҳуқуқларни беради. Чегаралов шартлари мулкӣ, билимли бўлиш, ўтроқлик, жинсий ёки ирқӣи каби цензлардир. Бундан ташқари, овоз беришда ва сайланишда кўпдан-кўп турли хил чиғириқлар орқали ўтишга тўғри келади. Пассив сайлов ҳуқуқи (сайланиш ҳуқуқи)ни кўлга киритиш учун актив сайлов ҳуқуқига қараганда янада юқорироқ цензлар ўрнатилган. Вакиллик органларига сайланадиган номзодлар учун ёш цензи анча юқори қилиб ўрнатилган. масалан: Франция ва Швецияда — 23; АҚШ, Италия, Белгия, Япония ва кўпгина бошқа мамлакатларда — 25; Голландия, Туркия, Эрон, Тунис ва бошқа мамлакатларда — 30 ёш қилиб ўрнатилган, баъзан пассив сайлов ҳуқуқи олиш учун кўшимча талаблар ҳам кўйилади: АҚШда, масалан, Вакиллар палатасига етти йилдан кам бўлмаган муддат давомида Америка фуқаролигида турган шахсина сайланиши мумкин, Либерияда эса нархи 1000 доллардан кам бўлмаган кўчмас мулкка эга бўлган шахс, Ҳабашистонда бўлса ер солиғини муттасил тўлаб турадиган шахслар пассив сайлов ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин ва ҳоказо. Турли партиялардан номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи жуда кам мамлакатлар қонунларидагина белгиланган. Бир қатор мамлакатларда номзоди кўрсатилган шахс сайлов гаров ҳақини тўлаб кўймагунча у рўйхатдан ўтказилмайди. Номзод кўрсатилганлиги тўғрисидаги аризага битта сайловчидан тортиб 200 тагача (турли давлатларда турлича) сайловчи кўл кўйиши мумкин. Баъзи бир мамлакатларда (АҚШ, Германия, Норвегия, Дания) номзодликка вакил кўрсатиш ҳуқуқи қонун билан сайловчилар гуруҳигагина эмас, балки ташкилотлар сингари партияларга ҳам берилган. Бинобарин, Германия ва АҚШда бундай имтиёздан фақат энг йирик партияларгина фойдаланадилар. Номзодларга рўйхат бўйича овоз бериш тартиби ҳам учрайди, сайловлар даврида ҳар бир партиянинг фаолияти даражаси унинг молиявий имкони-

ятлари билан боғлиқ. Радио ёки телевиденида 1—2 минут чиқиш учун ҳам катта ҳақ тўлаш лозим бўлади. Сенатга сайлаш учун АҚШда 1 миллион доллардан ортиқ сарфлашга тўғри келади, мамлакат тақдирида муҳим рол ўйновчи партиялар республикачилар ва демократлар партиясидир.

**ПОРТФЕЛСИЗ МИНИСТР** — министрликда раҳбарий лавозимни эгалламаган, премьер-министрнинг баъзи топшириқларини бажариб борувчи, ҳукумат кенгашларида ҳал қилувчи мансабдор шахс; ҳозирги вақтда портфелсиз министр кўп давлатлар амалиётида қўлланилиб келинмоқда.

**ПРОТЕКТОРАТ** (лотин. *protector* — ҳомий) — мустамлака қарамлиги шаклидан бўлиб, бундай ҳолатда қарам мамлакат ўз ички бошқаруви ишларида бирмунча мустақилликка эга, мудофаа, савдо-сотик каби ташқи муносабатларга доир ишлар у қарам бўлган метрополия давлати ихтиёри билан амалга оширилади. Протекторат кучлироқ давлатнинг ўзига нисбатан кучсиз давлат устидан ўрнатган юзаки ҳомийлиги. Қарам давлат ярим вассал давлат деб ҳам юритилади. Ўрта асрларда феодал Европасида, айниқса, “капитализм” ривожидаврида мамлакатлар кучли мамлакатлар томонидан мустамлака асоратига солинган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия империясининг протекторати остида бўлган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳузурида Россиянинг сиёсий агентлиги лавозими жорий қилинган, бу хонликлар билан тузилган сулҳ шартномасига кўра (1873 йил) улар зиммасига рус аҳолиси, савдогарлари учун хом ашё харид қилиш, мол сотишда имтиёзлар ва қулай имкониятлар яратиб бериш, хориж билан савдо-сотик қилишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби шартлар юклатилган эди. Сиёсий агентлик ташқи муносабатлар масаласи билан бевосита ўзи шуғулланарди. Хонликда ғала-ғовур чиқмаслигини ҳам назорат қиларди. У ерларда Россия гарнизони учун қалъалар қурилган эди.

## “Р”

**РАДА** — Украинадаги кенгаш (халқ депутатлари Радаси, Министрлар Радаси кабилар). Шунингдек, Украинада, Беларуссияда, Литва ҳамда Польшада халқ мажлислари ва вакиллари кенгашларининг (масалан, Переяслав Радаси, “Қора Рада”), Россияда (сайланган Рада) тарихий номи.

**РАЖА** — қадимги хинд (санскрит) тилида подшо маъносида, князлик ва маҳаллий ҳукмдорлар унвони. Бу унвон Ҳиндистонда орийлар қабиласи истиқомат қила бошлаган даврдан бошлаб маълум.

**РАТИФИКАЦИЯ** (лотин. *ratus* — тасдиқланган ва *facere* — этмоқ) — 1) халқаро шартномада аҳдлашувнинг давлат олий органларидан бири томонидан тасдиқланиш акти бўлиб, бу шартноманинг мажбурийлигига розиликни билдиради. Ратификациялаш ҳуқуқига эга бўлган орган (органлар) давлатнинг конституциявий қонунлари билан белгиланади. Ратификациялаш тўғрисидаги қарор фармон сифатида қабул қилинади. Бу фармон асосида ратификациялаш ёрлиғи имзоланади. Икки томонлама шартнома имзоланади. Икки томонлама шартномани ратификациялаш ёрлиқлари шартнома имзоланган давлат пойтахтида алмаштирилади. Агар шартнома кўп томонлама бўлса, ёрлиқлар сақлаш учун депозитарий давлатга топширилади. Томонлар тасдиқлаши, қабул қилишни кўзда тутган шартномалар ратификация қилинмайди. Тасдиқлаш ратификациядан фарқли ҳолда давлат органининг анча кенг доираси томонидан амалга оширилади; 2) федерация субъектлари томонидан референдум ёки махсус органларни чақириш йўли билан давлат парламенти томонидан қабул қилинган конституцияга тўлдиришлар ва тузатишлар киритиш. Ратификация ўтказиш тартиби Конституция билан белгиланади. Масалан, АҚШ Конституциясига тузатишлар киритиш АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинганидан сўнг қонунчилик мажлислари ва махсус конвентлари томонидан штатлардан 3/4 қисми билан тасдиқланиши лозим. Австралияда парламент томонидан Конституцияга тузатишлар киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилганидан кейин, штатлараро сайловчилар референдумида кўпчилик овозни олганидан сўнг тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан қиритилади.

**РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҒИ** — давлат олий органи томонидан икки томонлама халқаро шартномани тасдиқлаш акти, ҳужжат. Ратификация асосан давлат (ҳукумат) бошлиғи томонидан имзоланиб сақлашга, депонентлантирилишга (депозитарийга) топширилади. Икки томонлама шартнома тасдиқланганидан сўнг ўқиш иштирокчилари томонидан ёрлиқ алмашинади.

**РАТИФИКАЦИЯЛОВЧИ РЕФЕРЕНДУМ** — парламент томонидан ёки сайловчилар гуруҳи ёхуд ижро ҳокимияти томонидан қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва қонун лойиҳасининг қабул қилиниб, кучга киргунига қадар маълум бир вакиллик органининг аралашувисиз овозга қўйилиши.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** (лотин. *rehabilitato* — тиклаш) — ҳуқуқларни тиклаш.

**РЕАЛ ТАШҚИ ХАВФ** — давлат ва жамиятнинг муҳим манфаатларига хатар яратувчи фавқулодда муқаррар шароитлар. Реал ташқи хавфнинг кўйидаги шакллари белгиланган: ижтимоий, гуманитар, фан-техникавий, технологик, ахборот ва экологик. Ташқи хавфлар қаторига сиёсий жиҳатдан яккалаштириш, миллатлар ва динлараро кескинлик пайдо қилиш, жамият негизига болта уришга қаратилган фаолият, халқаро терроризм ва наркотиклар тарқатиш, давлатнинг хорижий бозорга чиқишига, унинг халқаро молиявий-иқтисодий ва савдо-сотик ишларини тарғибга солишга, янги технологияларга киришга тўсқинлик қилиш, давлат чегараси ёнида ҳарбий гуруҳларни кучайтириш ва бошқалар киради. Оммавий шикаст етказувчи аслаҳа тарқатиш ва оддий аслаҳани назоратсиз тарқатиш, экологик жиҳатдан хавф туғдирувчи технологияларни, зарар етказувчи модда ва материаллар, аҳоли саломатлигига зарар етказувчи озиқ-овқатлар ва фармацевтик препаратларни назоратсиз олиб кириш ҳам киради. Ташқи хавфни бар-тараф қилиш йўллари унинг хусусиятига боғлиқ хавфсизлик тартибини яратишдир. Таҷрибада, ўхшаш муаммолар йирик халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЕХҲК ва бошқалар) кун тартибига ҳам қўйилади ҳамда учинчи давлатларга арбитр сифатида бевосита мурожаат қилинади.

**РЕВИЗИЯ (Тафтиш)** — молиявий назоратнинг асосий услуби. Тафтиш ўз объектларига кўра бир неча хил бўлади, яъни: 1) ҳужжатлар асосидаги; 2) амалдаги; 3) тўлиқ; 4) танлаш йўли билан ўтказиладиган тафтишга бўлинади. Ташкилий жиҳатга кўра: режа асосида ва режасиз; комплекс, яъни бир неча назорат олиб боровчи органлар билан биргаликда ўтказиладиган тафтишлардан иборат. Тафтиш 30 кундан ортиқ давом этмаслиги керак. Тафтиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва унга (ревизия) тафтиш гуруҳи бошлиғи, текширилган корхона раҳбари ҳамда бош ҳисобчиси имзо чекадилар. Корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси тафтиш юзасидан ўз эътирозларини ва норозилиklarини ёзма равишда баён этади-

лар ва у тафтиш актига илова қилинади, тафтиш натижалари ва далолатномаси асосида тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Агар (ревизия) тафтиш давомида мансабдор шахслар томонидан қонуннинг қўпол бузилганлиги ва суиистеъмолларга йўл қўйилганлиги аниқланиб қолгудек бўлса, (ревизия) тафтиш тугаши кутилмасдан (ревизия) тафтиш оралиқ акти тузилиб, материаллар тергов органларига топширилади. Корхона раҳбари тафтиш актида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш чораларни кўришга мажбурдир.

**РЕКВИЗИЦИЯ**, табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти мулкдорга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин деганидир. Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли (Фуқаролик кодексининг 200-моддаси). Реквизиция қилинган мол-мулкнинг қиймати амал қилиб турган шунга ўхшаш мол-мулкни мулкдорга тўлаш баҳоси ҳақида мулкдор судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли. Мулкдор мол-мулкни олиб қўйилиши билан боғлиқ бошқа зарарларни тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли. Чет эл инвесторлари мол-мулкни реквизиция қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосидагина йўл қўйилади.

**РЕКВИРЕНТ** — векселга протест келтирилишини сўраб нотариусга мурожаат этган вексел эгаси.

**РЕПЛИКА** (лотин. *replico* — қаршилик билдирмоқ) — суд жараёнида томонларнинг қаршилик билдириши.

**РЕПРЕССИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР** — уруш йиллари (1941—1945) собиқ Иттифоқда шахсга соғиниш вазиятида бир қанча камсонли халқлар: балкарлар, чеченлар, ингушлар, қорачайлар каби халқларга нисбатан зўравонлик ва таъқиб сиёсати олиб борилиб, уларнинг миллий давлатчилигига раҳна солинди. Улар ноҳақ ўз миллий давлатчилигидан маҳрум этилиб, узоқ ўлка ва районларга кўчириб юборилди, улардан кўплари қатъий қилинди. Урушдан кейинги йилларда, хусусан, 1955 йил мартдан бошлаб, шахсга сиғиниш кескин фош қилингандан сўнг қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган қатъий чора-

лар кўрилди. Аввалги йилларда таъқиб остига олинган айрим халқлар, кўпдан-кўп кишиларнинг ишларини текшириш ўтказилди. Озчиликни ташкил қилган халқларга нисбатан содир қилинган адолатсизлик тузатилди, ноҳақ ҳукм қилинганлар ба-тамом оқланди. Давлат хавфсизлиги, суд, прокуратура органларининг фаолияти давлатнинг қаттиқ назорати остига олинди. Қатағон қилинган халқлар ўз туғилиб ўсган ерларига қайтариб келинди, уларга зарур моддий ёрдам кўрсатилди. 1953 йил 27 мартда СССР Олий Совети Президиуми маҳбусларнинг бир неча категорияларини қамоқхоналардан озод қилишни кўзда тутган афв (амнистия) тўғрисида Фармон чиқарди. Иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш чоралари кўрилди. 1957 йилда Балкар, Чечен, Ингуш, Қалмоқ ва Қорачой халқлари миллий автономиялари қайта тикланди. Қалмоқ автоном области тузилди (1958 йилда у автоном республикага айлантирилди), Кабарда АССР Кабарда-Балкар АССРга айлантирилди, Черкас автоном округи эса — Қорачой-Черкас области бўлди.

**РЕСПУБЛИКА** (лотин. *res* — иш, *publicus* — ижтимоий) — давлат бошқаруви шаклларида бири; бунда давлат ҳокимиятининг юқори органлари сайланади ёхуд умуммиллий ҳокимият (парламент) томонидан шакллантирилади, фуқаролар эса шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар билан таъминланадилар, ҳозирги вақтда жаҳоннинг 140 дан ортиқ давлатида республика бошқарув шакли мавжуд. Республика бошқарув шакли президентлик республикаси, парламент республикаси ва аралаш типдаги (ярим-президент) республикаларга бўлинади. Президентлик Республикасининг юридик фарқли томони шундаки, бунда умумхалқ овоз бериш йўли билан сайланадиган президент давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимияти бошлиғи ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, АҚШ, Мексика ва ҳоказо). У фақат ўз олдида жавобгар ижро маъмуриятини (АҚШ, Мексика) ва ҳукуматини (Перу, Қирғизистон) тузади. Бу ҳокимиятда премьер-министр лавозими бўлмайди. Президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас, парламент ҳам маъмуриятни (ҳукуматни) истеъфога юбора олмайди. Президентлик республикасида айрим ҳолларда парламентга айрим министрларни ишдан бўшатиш ҳуқуқи берилган. Парламентар Республика (Италия, Германия, Венгрия, Латвия) ҳуқуқий томондан шу билан характерланадики, бунда парламент ўз олдида сиёсий жавобгар ҳукуматни ва президентни сайлайди, президент фақат давлат бошлиғи ҳисобланади, лекин ижро ҳокимиятига раҳбарликни ўз қўлига ола билмайди. Президент ўз

ваколатларини, фақат премьер-министр томонидан бошқариладиган ҳукумат таклифига биноан амалга оширади. Парламент, агар у кўпчилик парламент аъзолари ишончини йўқотган бўлса, унга ишончсизлик вотумини билдириб, истеъфога чиқариб юбориши мумкин. Бу ҳолда президент ҳукумат таклифига асосан парламентни тарқатиб юбориши ва муддатидан илгари сайловларни тайинлаши мумкин. Аралаш шакл (тип)даги республикаларда (Франция, Финляндия, Руминия) президентлик элементлари билан парламент элементлари қўйилган бўлади. Президент (давлат бошлиғи) умум овоз бериш йўли билан сайланади ва юридик томондан катта ваколатлар берилади. Лекин ҳукумат парламент йўли билан шакллантирилади ва фақат президент олдида эмас, балки парламент олдида ҳам жавобгар бўлади. Президент, премьер-министр бошқарувчи ҳукуматга нисбатан фақат умумий раҳбарликни амалга оширади. Президент маълум бир ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

**РЕФЕРЕНДУМ** (лотин. *referendum* — хабар берилиши лозим бўлган маълумот) — демократиянинг зарурий институтларидан ҳисобланади, сайловчиларнинг бирон-бир ижтимоий ва давлат масалаларини ҳал этишда овоз беришини билдиради. Сайловлардан фарқли ҳолда референдум объекти маълум бир лавозимга сайловчилар номзоди ва рўйхати эмас, балки референдум ўтказиладиган маълум бир масала қўйилади, бу қонун, қонун лойиҳаси, конституция, конституцияга тузатишлар ёки давлатнинг ички сиёсати ва ташқи халқаро мақомига хос муаммолар бўлиши мумкин. Референдумнинг ўзига хос шакли — **плебисцит**, яъни аҳолини яшаб турган ҳудуди сиёсий тақдири бўйича сўров ўтказишдан иборат. Айрим мамлакатларда (Франция) плебисцит кенг тушунча ҳисобланади. Бошқа мамлакатларда (АҚШ) плебисцит билан референдум ўртасида фарқ белгиланмаган. Ўзбекистон Республикаси “Референдум тўғрисида”ги Қонунига фақат референдум тушунчаси хосдир. Ҳозирги давлатлар конституциявий ҳуқуқи референдумнинг турли шакллари ва уларнинг татбиқ этилиши процедурасини назарда тутган. Референдумни умуммиллий, яъни давлатнинг барча ҳудудида ўтказилиши мумкин бўлган ва маҳаллий давлатнинг айрим субъектлари маъмурий-ҳудудий тузилмаларда амалга ошириладиган референдумга; конституциявий ва қонунчилик референдумига (Конституциявий референдумда предмети янги Конституциянинг лойиҳаси ёхуд конституциявий ислохотлар ва тузатишлар ҳисобланса, қонунчилик референдуми предмети кучга кирган қонун ёки қонун



лойиҳаси бўлиши мумкин); ҳуқуқий моҳиятига кўра референдум консултатив (маслаҳат ёки халқ сўрови йўли билан ўтказиладиган), ҳал қилувчи референдумга ёхуд тасдиқловчи референдумга (Швейцария ва Францияда қўлланилади), рад этувчи референдумга (масалан, амалдаги қонунчилик бўйича Италияда) бўлинади. Референдумнинг, шунингдек, мажбурий ва факультатив турлари ва Конституциявий референдумни ўтказиш зарурияти конституция ёки бошқа конституциявий ҳуқуқий актларда назарда тутилган бўлади (масалан, Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича). Факультатив референдумда у ёки бу масаланинг қабул қилиниши маълум бир орган ва сайлов корпусининг ихтиёри билан амалга оширилади.

**РЕЦИДИВ** (лотин. *“recidivus”* — қайтаётган) — қасдан содир қилинган жиноятларни такроран содир этишнинг ижтимоий хавfli даражаси бир қанча юқори ва мураккаб бўлган шаклидир.

**РИКСДАГ** — Швецияда бир палатали парламент номи.

**РҲЙХАТДАН ҲТГАНЛИК ТҲҒРИСИДА ГУВОҲНОМА** — фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида юридик шахс этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан ваколатли давлат органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлик тўғрисида берилган ёзма расмий ҳужжат. Юридик шахс ташкил этган ҳолат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳловчи фуқаро (фуқаролар) ўзи яшаб турган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органига ташкил этмоқчи бўлаётган юридик шахс таъсис ҳужжатлари жамламасини (корхона устави, таъсис шартномаси, таъсис мажлиси баённомаси, зарур суммадаги тўлов тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат ва бошқалар) тегишли орган номига ёзилган ариза билан бирга тақдим этади. Ариза ва ҳужжатлар қонунда белгиланган муддат ҳамда тартибда кўриб чиқилади ва корхона давлат рўйхатига олинган тақдирда бу ҳақда манфаатдор шахс (шахслар), яъни муассисга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади. Ушбу гувоҳнома юридик шахс фаолияти қонуний эканлигини кўрсатувчи асосий ҳужжат саналади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бор шахслар ҳам тегишли ҳужжатлар билан бирга, бу ҳақда ўзлари яшаб турган жойдаги маҳаллий ҳокимият органига мурожаат қиладилар ва улар ушбу органда яқка тадбиркорлик сифатида рўйхатга олиниб, уларга бу ҳақда тегишли гувоҳнома берилади.

## “С”

**САБОТАЖ** (франц. *sabotage*) — белгиланган мажбуриятларни ижро этмаслик.

**САВДО АКЦЕПТИ** — пул, ҳисоб-китоб, товар ҳақини тўлашга розилик ёки кафиллик бериш, таклиф этилган шартларда шартнома тузилишига розилик бериш (*Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370—375-моддалари). Акцепт етказиб берилган товар-пул муомаласида кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш шаклларида бири сифатида кенг қўлланилади, вексел, чек ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, товар ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоб шакли.

**САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ** — корхоналар ва тадбиркорлар, уларнинг иттифоқлари ва уюшмаларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир. Савдо-саноат палатаси юридик шахс ҳисобланади. У ўзининг уставида назарда тутилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

**САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ** (франц. *campagne* — юриш) — ўтказиладиган сайловларда сайловчиларнинг юқори қўллаб-қувватлашларига эришиш мақсадида сиёсий партиялар ва мустақил номзодлар томонидан ўтказиладиган чоралар, тартиботлар тизими. Сайлов кампаниясида турли-туман жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, қўллаб-қувватловчи гуруҳлар иштирок этадилар. Сайлов кампанияси давомида ўтказиладиган тарғиботларнинг асосий шакли (усуллари) қуйидагилардир: сайловолди мажлислари ва йиғилишларини ўтказиш, газеталарда ахборот ва мақолалар чоп этиш, радио ва телевиденида чиқишлар қилиш, сайловолди афиша ва плакатларни намоён этиш ва ҳоказо.

Сайлов кампанияси ўтказилиши мавжуд бошқа сайлов қонунлари билан изчил тартибга солинади. Биринчидан, сайлов кампанияси ўтказилишининг аниқ муддатлари (айрим ҳолларда маъмурий) белгиланади. Сайлов кампанияси расмий равишда номзодларни танлаш ёки рўйхатдан ўтказиш эълон қилинган вақтдан бошланади ва овоз беришига, сайлов ўтказилишининг бошланишига. Иккинчидан, сайловолди кампанияларини ўтказишда номзодлар ва партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилади. Учунчидан, маблағ билан таъминлаш тартиби ва шартлари аниқланади. Қатор мамлакатларда (АҚШ, Япония, Буюк Британия) мавжуд қонунлар

Ўтказиш тасарруф этиладиган харажатларнинг юқори кўрсаткичини белгилайди. Кўпчилик мамлакатлар қонунлари, шунингдек, номзодлар ва партиялар фойдасига хусусий шахслар томонидан ўтказиладиган мажлислар миқдорини, давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг миқдори ва шартларини белгилайди.

Сайлов кампанияси чет эл ва аноним манбалар томонидан молиялаштирилиши тақиқланади.

**САЙЛОВ КОДЕКСИ** — қатор давлатларда (Франция, Жазоир ва Франциянинг собиқ колониялари) сайлов ҳуқуқининг асосий нормалари қонунчилик тизимини ташкил этувчи махсус қонунчилик акти.

**САЙЛОВ ТИЗИМИ** — вакиллик муаасасалари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланиши билан вужудга келувчи давлат-ижтимоий муносабатлари тизими. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири сиёсий партиялар ролининг фаоллашуви ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларидир. Ўз навбатида, депутатлик мандатларига ким номзодларни таклиф этиши, депутатни сайлашда сайловчиларнинг қай миқдордаги овозлари зарур эканлиги, номзодларни таклиф этган сиёсий партиялар орасида депутатлик мандатлари қандай тақсимланиши масалаларида давлат сайлов тизими, сайловларни ташкиллаштириш тартиби ва натижаларни аниқлашнинг қонунийлиги кафолати ҳисобланади. Шу маънода сайлов тизими — овоз бериш натижаларига кўра сайланадиган вакиллик органида мандатларни тақсимлаш усулидир. Сайлов тизими масалаларининг фақат бир қисмигина Конституцияда ўз аксини топган, чунки улар сайлов қонунчилиги доирасига киради.

**САЙЛОВ ҲУҚУҚИ** — сайланадиган давлат идоралари шаклланишини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими. Сайлов ҳуқуқининг манбаларига Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар киради; фуқароларнинг сайланадиган идоралар ташкил этилишида иштирок этиш ҳуқуқлари, яъни уларнинг таркибини сайлашлари (актив сайлов ҳуқуқи) ва сайланишлари (пассив сайлов ҳуқуқи) маъносида ҳам “сайлов ҳуқуқи” атамаси ҳам ишлатилади.

Сайлов ҳуқуқи — конституция билан тартибга солинадиган ҳуқуқдир, яъни Конституциянинг ўзи кимга актив ва пассив сайлов ҳуқуқлари берилишини белгилайди.

Сайловлар вакиллик идораларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган жамият сиёсий тизимининг муҳим қисмидир.

“Сайлов” атамаси қандайдир орган (давлат, жамоат, халқ-аро) овоз бериш йўли билан шакллантирилишини англатади. Шунинг учун сайлаш учун бир неча муқобил объект мавжуд бўлади. Ёки, ҳеч бўлмаганда, муқобилсиз сайловда сайлашдан воз кечиш имконияти кафолатланиши лозим.

Демократик сайловлар уч хил шароит мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади: биринчидан, муқобиллик, иккинчидан, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, учинчидан эса, сайловчилар хоҳиш-иродаларининг эркин ифодаланиши.

Сайловлар турли мамлакатларда турлича аҳамиятга эга. Турли давлатларда ҳар хил миқдордаги органлар сайланади, сайловчилар қатнашувининг даражаси бир хил эмас, сайланадиган органлар аҳамияти турличадир.

Сайловлар замонавий демократиянинг муҳим институтларидан биридир, халқ иродасининг ифодаланиши, унинг сиёсий жараёнда иштирок этишининг асосий шаклларида бири, шу билан бирга, вакиллик органлари (парламент, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари) ташкил топишининг ва бир неча олий мансабларни (масалан, президент) банд этишнинг усулидир.

Ўзбекистонда сайловлар орқали давлат бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланади (Конституциянинг 90-моддаси), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (77-модда), Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари (99-модда), фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари (105-модда) шаклланади.

Ўзбекистонда сайловларни ўтказишнинг конституциявий таъминлари умумжаҳон демократик андозаларга тўла мос келади. Бу сайловлар умумий, яъни уларда мамлакат (вилоят, туман, шаҳар)нинг барча аҳолиси иштирок этади, сайловчиларнинг имкон қадар кўп миқдори қатнашади. Сайловлар тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади — ҳар бир сайловчи бир овозга эга ва ҳамма сайловчилар сайловларда тенг асосларда қатнашадилар. Бунда сайлов округлари аҳоли сонига кўра тенг бўлишлари лозим. Сайловлар тўғридан-тўғри амалга оширилади, яъни сайловчи кўппартиявийлик асосида яшириш овоз бериш йўли билан номзод учун бевосита овоз беради. Яширин овоз бериш сайловчининг ўз иродасини ифодалаши устидан ҳеч бир назорат бўлмаслигини назарда тутаяди.

Ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ўз Ватанига муносабатларини юксалтириш, қонунларни қўллаш тажрибаси уларни янада такомиллаштириш устида бош қотириш лозимлигини назарда тутаяди. Сайлов қонунчилиги демократиялаш ва фуқаронинг ҳуқуқларини кенгайтириш йўлидан секин-аста ривожланиб боради.

Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги тамойиллари Конституцияга асосланади ва унда дунё тажрибаси ҳамда миллий тажрибамиз ҳисобга олинган. Улар қуйидагилардир: сайлов қонунчилигининг Конституцияга тўла мос келиши тамойили, давлатчилик ва давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ асосида ўзгартирилиши тамойили, сайлов тизимининг барча вазифалари ва механизмларининг қонунийлиги ва ҳуқуқий муҳофаза қилинганлиги тамойили, сайлов тизими демократизми, фуқаролар, сиёсий партиялар тенг ҳуқуқлиги тамойили, сайлов тизимининг фуқаровийлиги, унинг инсон ҳуқуқларини, барқарорликни, тараққиётни, қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни таъминлашга қаратилганлиги тамойили, сайлов тизимининг халқчиллиги, яъни ҳар бир фуқаро учун тушунарлиги ва мумкинлиги тамойили, сайлов тизимининг қонуний бошқарилиши, яъни ташкиллаштирилганлиги, конституциявийлиги ва суд назорати остидалиги тамойили, сайлов тизимининг камхаржлиги тамойили, овоз бериш ва сайлаш натижаларини тўлиқлигича олиш кафолатланганлиги тамойили.

**САЙЛОВЧИЛАР ВОТУМИ** — парламент, президент, муниципалитет ва ҳоказо сайлаш бўйича сайлов компаниялари натижаси.

**САМОВИЙ ҲУДУД** — давлатнинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги самовий ҳудуди. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди Ўзбекистон давлати ҳудудининг ажралмас қисмидир.

**САМОВИЙ ҲУДУДДАН ФОЙДАЛАНИШ** — самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларнинг парвози, барча отишма турлари ва ракета учуришлар, портлатиш ишлари ва моддий объектларнинг самовий ҳудуддаги ҳаракати билан боғлиқ бошқа фаолият киради. Ўзбекистон Республикаси давлат органларида расмий рўйхатдан ўтган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланувчилар ҳисобланади. Самовий ҳудудидан фойдаланиш бошқармаси (СҲФБ) органлари орқали рухсат олинганидан кейингина самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятга рухсат берилади.

**САНАТУС-КОНСУЛЬТ** — айрим мамлакатларда шаҳар олий бошқарув органи. Бошқа мамлакатнинг бирон-бир жойида (шаҳрида) давлатнинг доимий вакили ҳисобланган, ўз халқи ва

давлатининг ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс.

**САНАЦИЯ** (лотин. *sanatio* — даъволаш, соғломлаштириш) — банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздор корхона муассислари, мол-мулк эгаси томонидан уни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлари. Бундай чора-тадбирлар қарздор билан тузилган келишувга асосан кредитор ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилди. Санация қилишдан асосий мақсад корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатишга қадар тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида унинг фаолияти самарали бўлиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги 1997 йил 25 декабр Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**САНАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИ** — зарар кўриб ишловчи, тўловга қобилиятсиз ва иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалиги корхоналари санация объектлари бўлади.

**САНАЦИЯ ОБЪЕКТИНИ ТАШҚАРИДАН БОШҚАРИШ** — санация қилиниши лозим бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини бошқаришни ташкил этиш услуги бўлиб, бунда корхонани бошқариш ва унинг мол-мулкни тасарруф этиш бўйича ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар ташқаридан тайинланган бошқарувчига ўтади. Ташқаридан бошқариш ваколати орган томонидан 24 ойгача жорий этилади. Ташқаридан бошқариш жорий этилган пайтдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари ва бошқарув органларининг ваколатлари тўхтайтиди ва ташқаридан тайинланган бошқарувчига ўтади. Корхонанинг бошқарув органлари ташқаридан бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан 7 кун ичида корхонанинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа бойликлари ташқаридан тайинланган бошқарувчига топширилишини таъминлашлари шарт.

**САНАЦИЯ ОБЪЕКТИНИНГ ТАШҚАРИДАН ТАЙИНЛАНГАН БОШҚАРУВЧИСИ**, туман ҳокими томонидан ваколатли орган, қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкнинг мулкдори, кредитор (кредиторлар) билан келишилган ҳолда тайинланади.

У қуйидаги ваколатларга эга бўлади: қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари ва бошқарув органларининг ваколатларини амалга оширади; санация ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва уни ваколатли органга тақдим этади; ҳудудий бошқарув органи билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхонасининг штатлар жадвалини тасдиқлайди ва хўжаликнинг бош мутахассисларини тайинлайди; кредиторлар билан қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ва/ёки уларни бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида корхона номидан битим тузади; корхона мол-мулкни рўйхатдан ўтказди; ташқаридан бошқарувни амалга ошириш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун махсус ҳисоб варақ очади; бухгалтерия, молия, статистика ҳисоби ва ҳисобни юритилишини ташкил этади; корхонага нисбатан қўйилган талабларга белгиланган тартибда эътироз билдиради; корхонага тўланиши лозим бўлган қарзларни ундириш чораларини кўради; кредиторларнинг талабларини кўриб чиқади; ваколатли органга санация ўтказиш режаси қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тақдим этади ва бошқалар. Санация ўтказиш режасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташқаридан тайинланган бошқарувчи йирик битимларни қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкнинг мулкдори, кредиторлар ва ваколатли орган билан келишилган ҳолдагина тузади. Йирик битимлар жумласига битим тузиш пайтида қишлоқ хўжалиги корхонаси активлари билан қийматининг ўн фоизидан ортиқ миқдорда баланс қийматига эга бўлган кўчмас мулк ёки бошқа мол-мулкни тасарруф этишга олиб келадиган битимлар киради. Санация объекти ташқаридан тайинланган бошқарувчиси ваколатларининг тўхтатилиши ташқаридан тайинланган бошқарувчининг ваколатлари унинг аризасига мувофиқ, ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган бўлса, қишлоқ хўжалик корхонаси кредиторлари ёки унинг мол-мулки мулкдорининг илтимосномасига биноан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилиши мумкин.

**САНАЦИЯ СУБЪЕКТЛАРИ** — нодавлат қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг мулкдорлари, кредиторлар ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслар санация субъектлари бўлиши мумкин.

**САНАЦИЯ ШАКЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ТУРЛАРИ** — санация давлат маблағларини жалб этган ёки жалб этмаган ҳолда ўтказилиши мумкин. Санация қилиш жараёнида давлат маблағлари қайтариб бериш асосидагина жалб этилади. Санациянинг

асосий турлари: ўзаро қарз суришишни ташкил этиш; тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш; солиқлар, йиғимлар бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредитларини қайтариш муддатларини санация муддатига узайтириш; корхонани рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш; ташқаридан юқори малакали мутахассислар жалб этиш; ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш; корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг ўз фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши; корхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ва/ёки уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзларнинг муайян қисмидан воз кечиш тўғрисида корхона ва кредитор (кредиторлар) ўртасида битим тузиш; ташқаридан бошқаришни жорий этиш; корхонани қайта ташкил этиш.

**САНАЦИЯ ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ** — қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилишда иштирок этишга йўл қўйилган шахслар томонидан бир ой ичида ишлаб чиқиладиган режа. Унда: тўлов қобилиятини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи; барча кредиторларнинг талаблари улар билан келишилган муддатларда қондирилишини таъминлаш мажбурияти; санациянинг қанча муддат давом этиши; маблағларни қайтариш шартлари ва муддатлари ва бошқа қоидалар кўзда тутилган бўлиши мумкин. Санация ўтказиш режасида қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий воситалари санация иштирокчиларига топширилиши назарда тутилиши мумкин эмас. Режа қишлоқ хўжалиги корхонаси мол-мулкнинг мулкдори ва кредитор (кредиторлар) билан мувофиқлаштирилади.

**САНАЦИЯ ҚИЛИШ ВАҚТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИГАН ХУСУСИЯТЛАР** — қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш вақтида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг озиқ-овқатлар етиштиришга қаратилган ва стратегик йўналишлари; қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ердан оқилона ва аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилишини таъминлаш зарурлиги; қишлоқ хўжалиги корхонаси фойдаланаётган ерларнинг ҳолати; ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги ва давом этиш муддати; ишлаб чиқариш натижаларининг табиий-иқлим шароитларига боғлиқ эканлиги; даромадлар юзага келиши ва улардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари алоҳида хусусиятлар сифатида эътиборга олинади. Санация ўтказиш тўғрисида қарор қабул



қилиш асоси — ваколатли органнинг қишлоқ хўжалик йили яқунлари бўйича молиявий ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижасида қишлоқ хўжалик корхонасининг тўлов қобилиятини ва иқтисодий қувватини тиклаш учун реал имкониятлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси асос бўлади. Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш 24 ой муддатгача жорий этилади. Санация ўтказиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус белгиланган ваколатли орган қабул қилади. Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қабул қилиши мумкин. Санация ўтказиш учун танлов эълон қилиш — қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ваколатли орган корхона мол-мулкининг мулкдори ва кредиторларнинг розилиги билан матбуотда санация ўтказиш учун танлов эълон қилади. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилади. Танловда иштирок этиш тўғрисида ариза танлов ўтказиш ҳақида эълон чиқарилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ваколатли органга топширилади. Танловда иштирок этиш учун ариза бериш муддати тамом бўлганига қадар ҳеч ким санация қилишда иштирок этиш истагини билдирмаса, ваколатли орган санация қилиш учун давлат маблағларини жалб этиш ёки материалларни қонунга мувофиқ банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун хўжалик судига юбориш мумкинлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Санация объектига нисбатан кредиторлар талабларини қондирига мораторий жорий қилиш — қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ваколатли орган корхонанинг ижро муддати санация ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар бошланган пул мажбуриятлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларига мораторий жорий қилади. Мораторийнинг амал қилиш муддати давомида молиявий (иқтисодий) жазолар қўлланилмайди. Мораторий фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш юзасидан қўядиган талабларига, шунингдек, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасига нисбатан қўядиган талабларига дахл қилмайди.

**САНАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ** — санация қилиш уни ўтказиш учун белгиланган муддат тугаганидан ке-

йин; санация қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилмаётганлиги сабабли, санация қилишнинг самарасиз эканлиги аниқланганлиги муносабати билан тўхталиши мумкин.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ** — ўсимликлар нави, ҳайвонлар зоти. **“Нав”** — ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларига қараб аниқланади ва айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолиши тушунилади. **“Зот”** — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар гуруҳлари. Селекция ютуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги янги таҳрирдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонунига асосан амалга оширилмоқда. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1091—1094-моддаларида ҳам назарда тутилган.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДАГИ БОЖЛАР ВА ЙИҒИМЛАР** — селекция ютуғига патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида талабнома топшириқ, талабномада кўрсатилган селекция ютуғини экспертиза ва синовдан ўтказиш, патент ёки гувоҳнома бериш, уни ўз кучида сақлаб қолиш, шунингдек, селекция ютуғининг экспертизаси ва ҳимояси билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амалларни бажариш учун божлар ёки йиғимлар ундирилади. Бажарилганлиги учун божлар ва йиғимлар ундириладиган ҳаракатлар рўйхати, божлар ва йиғимлар миқдори ҳамда уларни тўлаш муддати, шунингдек, тўловдан озод қилиш, тўлов миқдорини камайтириш ёки божлар ёхуд йиғимларни қайтариб бериш учун асослар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ ДАВЛАТ СИНОВИ** — талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат синови фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига мослигини синашдан иборат. Давлат синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан белгиланган услуб ва муддатларда ўтказилади.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ** деганда, расмий экспертизани ва янгилик эканлигини экспертиза ҳамда фарқлаш, ўхшашлик ва барқарорликни аниқлаш мақсадида давлат синовидан ўтказишдан иборат ҳимояга лаёқатлилик экспертизасини ўз ичига олган экспертиза тушунилади. Патент бериш учун селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлиги жиҳатдан тўлиқ ҳажмда экспертиза қилинади. Гувоҳнома бериш учун селекция ютуғининг экспертизаси селекция ютуғининг ўхшашлик ва барқарорлигини синаш доирасидагина ўтказилади.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ МАЖБУРИЙ ЛИЦЕНЗИЯСИ** — патент эгаси патент ёки гувоҳнома берилган санадан эътиборан уч йил даовмида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланмаса ҳамда лицензия шартномасини тузишни рад этса ва агар мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига дахл қилса, бу селекция ютуғидан фойдаланишни истайдиган ўзга шахсга суд қарори асосида эга бўладиган ҳужжат — махсус бўлмаган мажбурий лицензия ҳужжат дейилади. Мажбурий лицензияни олган шахс патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материални сўзсиз беришни талаб қилади. Мажбурий лицензия селекция ютуғидан йўл қўйиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланилишини таъминлай оладиган шахсгагина берилади.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ ПАТЕНТИ ВА ГУВОҲНОМАСИ** — селекция ютуғининг ҳуқуқий ҳимоя қилинганлигини юридик жиҳатдан тасдиқловчи тегишли давлат органи томонидан белгиланган талаблар асосида бериладиган ҳужжатлар. Патент ҳимояга лаёқатлилик мезонларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ботаник ва зоологик навлар ҳамда турларга тааллуқли селекция ютуғига берилди. Патент селекция ютуғи янгилик эканлигини, фарқланиши, ўхшашлиги ва барқарорлигини, шунингдек, патентга эғалик қилувчининг селекция ютуғи номига, унга эғалик қилишга, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди. Гувоҳнома ўхшашлик ва барқарорлик мезонларга жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ва ҳимоя қилинмайдиган ботаник ва зоологик турлар ҳамда навларга тааллуқли селекция ютуғига берилади. Гувоҳномага эғалик қилувчининг селекция ютуғининг номига бўлган ҳуқуқини, унга эғалик қилиш уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Патентга ёки гувоҳномага

эгаллик қилувчининг ҳуқуқи селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида Патент идорасининг расмий бюллетенида маълумот эълон қилинган кундан эътиборан амалда ҳисобланади. Патент, гувоҳноманинг амал қилиш муддати селекция ютуғи Давлат реестрларида рўйхатга олинган кундан эътиборан йигирма йилни, ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликлари, шу жумладан, уларнинг пайвандтаглари учун йигирма беш йилни ташкил этади. Патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин. Патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига селекциячи (селекциячилар) ёки унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислар) эга бўлади. Башарти, бир неча шахс биргаликда битта селекция ютуғи яратган бўлсалар, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига уларнинг ҳаммаси эга бўлади. Улардан биттасининг ёки бир нечасининг патент ёки гувоҳномага бўлган ҳуқуқдан воз кечиши бошқаларнинг патент ёки гувоҳнома олиш тадбирида иштирок этишига даҳл қилмайди. Селекциячининг ўз хизмат вазифаларини, аниқ топшириқни бажариши билан боғлиқ ҳолда ёки ши берувчи ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этувчи билим ва тажриба ёрдамида яратган селекция ютуғига бериладиган патент ёки гувоҳномани олиш ҳуқуқига иш берувчи эга бўлади. Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш селекциячи билан иш берувчи ўртасидаги шартномада расмийлаштирилади. Селекциячи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг патент ёки гувоҳномани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги талабномаси ёки аризида кўрсатилган ҳар қандай шахс, башарти, бу ариза Патент идорасига патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига қадар тушган бўлса, патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига қадар тушган бўлса, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар бир неча шахс бир-биридан ҳоли равишда селекция ютуғини яратган бўлса, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига Патент идорасига олдинроқ талабнома топширган ва бу талабномаси чақириб олинмаган ёки рад этилмаган шахс эга бўлади. Селекция ютуғининг патенти ёки гувоҳномасига бўлган ҳуқуқ, шунингдек, уларни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади. Патент эгаси патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қилинадиган селекция ютуғига доир ҳуқуқдан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс фойдасига воз кечиши мумкин. Патент идорасининг ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг хизматчилари ана шу ташкилотларда ишлаган бутун даврида ҳам, ишдан кетганларидан кейин бир йил давомида ҳам патент ёки гувоҳнома олиш, шунингдек, ўзларини селекциячи сифатида кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ ФАРҚЛАНИШИ** деб, селекция ютуғи талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозимлиги тушунилади, у ҳам селекция ютуғи ҳимояга лаёқатли бўлишининг шарти деб тан олинган.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ ЯНГИЛИГИ** ҳимояга лаёқатли бўлишининг шартларидан бири бўлиб, уруғчилик, кўчат ёки насл маҳсулоти патент бериш тўғрисида талабнома топширилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин ёхуд бошқа давлат ҳудудида — камида тўрт йил ёки агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин селекция, унинг ҳуқуқий вориси томонидан ёки унинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, селекция ютуғи янги деб ҳисобланади.

**СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ** масаласи билан Ўзбекистон Республикасининг Патент идораси шуғулланади. Патент идораси селекция ютуқларига патентлар ва гувоҳномалар бериш ҳақидаги талабномаларни қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади, селекция ютуқлари бўйича расмий экспертиза ўтказиши, селекция ютуқлари давлат реестрини юритади, ҳимоя ҳужжатлари беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, ҳимоя қилинаётган селекция ютуқлари тўғрисидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорва наслчилиги бўйича бош давлат сиёсатини амалга оширадилар, талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг ҳимояга лаёқатлиги экспертизасини ўтказадилар.

**СЕНАТ** (лотин. *Senatus, Senex* атамасидан олинган бўлиб, кекса, қария маъносини англатади) — Қадимги Римда республика давригача уруғ оқсоқолларининг йиғини. Республика даврида ҳокимиятнинг олий органи. Россия 1711 йилда Пётр I фармонида кўра Боярлар думаси ўрнига давлатни бошқарув ва қонунчилик ишлари бўйича олий органи сифатида таъсис қилинган. Сенат император фармойишларини ижро қилувчи амалдорлик органи жиҳатидан Боярлар думасидан фарқ қилади. Идора қилувчи Сенат Россияда 1711 йилдан 1917 йилгача амал қилди. Дастлаб Сенат фавқулодда ва муваққат маслаҳат органи сифатида таъсис этилди. Тез орада у доимий олий идора органи

тусини олади. Сенат 9 та Сенат аъзосидан иборат тузилади. Сенат ўз маҳкамаси (канцелярияси)га эга бўлиб, унинг тепасида бош котиб (обер-канцлер) турарди. Москвада кам аҳамиятга молик ишларни ҳал қилиш учун махсус маҳкамаси ташкил қилинди. Сенат ҳузурида назорат вазифасини бажарувчи қатор лавозимлар бор эди. Улар ичида энг муҳим мансаб эгалари **фискаллар** деб аталарди. Фискаллар тармоғи барча марказий ва маҳаллий муассасаларни қамраб олган эди. Сенат ҳузурида генерал-ревизор, кейинчалик **генерал-прокурор** мансаби жорий қилинган эди. Генерал-прокурор давлатнинг кўз-қулоғи эди. Пётр Сенатда иш юритишнинг янги тамойилларини ўрнатди. Иш девонхонада эмас, балки сенаторларнинг кўпчилик овози билан (1714 йилдан бошлаб) ҳал қилинган. Сенат мажлисида кўрилган ҳамма ишлар қайдномага ёзилиб, Сенат аъзолари томонидан имзоланиши шарт эди. Сенат қарорлари фармон шаклида тегишли муассасаларга тарқатиларди. Пётр даврида Сенат кенг қамровдаги вазифаларни бажарган. Аввало, Сенат қонунлар муҳокамаси муассасасидир. Унга қонунчиликка оид масалаларни кўзгаш, қонун лойиҳаларини тузиш ва муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Сенатни императорнинг коллегиял ёрдамчиси дейиш мумкин. Сенат император йўқ пайтларида унинг ўрнини эгаллаган, ҳатто Пётрнинг маъқуллашисиз қонунлар чиқариши ҳам мумкин бўлган. Умуман, бошқарувга тегишли барча ишлар Сенат қўлида тўпланган эди. Коллегиялар таъсис этилганига қадар шундай бўлган. Ундан кейин эса, Сенатнинг баъзи бир вазифалари коллегияларга ўтган. Шунингдек, Сенат олий суд, арз-шикоят босқичи ҳисобланган, баъзи ҳолларда айрим жинойтлар (сиёсий фискаллар, хазиначилар, бошқа мансабдорлик жинойтлари) юзасидан биринчи инстанция суди вазифасини ўтаган. Олий шикоят поғонаси сифатида Сенат қарорлари устидан шикоятга ўрин қолмаган. Ниҳоят, Сенат коллегиялар, суд органлари, молия бошқармалари, умумийлигича бошқарувнинг қонунийлиги устидан назорат олиб борган. 1864 йил суд Уставларига кўра Сенатнинг олий шикоят поғонаси сифатидаги роли яна бир бор таъкидланган. Олий махфий кенгаш (1725—1730 йиллар), Министрлар кабинети (1731 йил) ва “Император саройи ҳузуридаги конференция” (1756 йил) ташкил этилгач, Сенат ўзининг дастлабки мавқеини йўқотган. 1763 йил Сенатнинг олти департаментга бўлиниши туфайли унинг аҳамияти янада сусайди. 1917 йил октябр тўнтариши оқибатида Сенат тамомила барҳам топди. Ҳозирги бир қанча хорижий давлатлар (АҚШ, Италия ва бошқа мамлакатлар)да Сенат парламентлар юқори палатасининг номи. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни (2002 йил 12 декабр)га кўра Сенат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий вакиллик (юқори) палатаси бўлади. Сенатнинг ваколат муддати — 5 йил.

**СЕРВИТУТ** (лотин. *servitus* — вазифа, мажбурият, итоат қилмоқ) — ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Кўчмас мол-мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мол-мулк) эгаси кўшни ер участкаси эгасидан, зарур ҳолларда эса — бошқа ер участкаси эгасидан ҳам унинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир. Ўзининг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек, кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди. Сервитут белгилаш хусусий битимда келиша олинмаса ёки унинг шартларида муро-сага келинмаса, баҳс сервитут белгилашни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади (Фуқаролик кодексининг 173-моддаси).

**СЕРТИФИКАТ** (франц. *certificat*, лотин. сўздан *sertum* — тўғри ва *facere* — қилмоқ) — 1) маълум бир воқеани исботловчи ёзма гувоҳнома (кеманинг денгизда сузиш имкониятига эга эканлиги тўғрисида сертификат); 2) давлат органининг молиявий қарз мажбуриятлари: одатда, заёмнинг (қарзнинг) кўп бўлмаган облигацияси, кичик ва ўрта ишловчилар ўртасида тарқатилади (масалан, омонат сертификати); кредит муассасасининг пул маблағларини депонент қилинганлиги тўғрисида ёзма гувоҳномаси ва ҳоказо.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР** — жамиятнинг бирон-бир ижтимоий табақаларининг фаол намояндаларини бирлаштирувчи, сиёсий ҳаётда бевосита иштирок қилиш орқали ўз манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилотлар. Сиёсий партиялар замонавий жамият сиёсий тизимининг муҳим қисмидир, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради. Сиёсий партиялар белгиланган тарзда тасдиқланган дастури,

устави ва доимий аъзолиги билан замонавий демократик институтлар шаклланиши даврида (XVIII—XIX асрлар) пайдо бўлган. Лекин сиёсий партияларга ўхшаш институтлар Ғарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган. Афина гетерийлари, Рим оптимат ва популярлари антик даврда сиёсий партия вазифаларини бажаришган. Саноатлаштириш даврларига қадар сиёсий партияларнинг универсал шакли кланлар ва махфий ташкилотлар эди. Кланлар асосан қариндошлик алоқалари билан боғланган кишилардан иборат эди (Йорклар ва Ланкастерлар — Ўрта асрлар Англиясида; Алавийлар (“Али партияси”) — ўрта асрларда Арабистонда); Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам қариндошлик ва юртдошлик тамойилларининг сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида аҳамияти катта. Агар партия мухолафат характерига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади (масалан, Европада масонлар ташкилотлари, Ислон дунёсида исмоилийлар ташкилотлари). Айрим вақтларда бу сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча моддалари партиялар фаолияти учун конституциявий асос бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партиялар ташкил этиш ҳуқуқи Конституциянинг 34-моддасида мустақамланган. Конституциянинг сиёсий партияларга уюшиш, сиёсий партияларни оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқларига эгаллиги, озчиликни ташкил этувчи мухолифатни сиёсий партиялардаги ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилган “Жамоат бирлашмалари” бобида (8-боб) сиёсий партиялар рўйхатдан ўтказилиши зарурлиги қайд этилади. Конституцияда, шунингдек, сиёсий партияларнинг Конституцияга қарши хатти-ҳаракатлари тақиқланади (57-модда), сиёсий партияларга нисбатан давлатнинг ҳуқуқлари (58-модда), партияларга аъзо бўлиш ихтиёрийлиги (59-модда), демократик фаолият ва молиявий таъминланиш манбалари (60-модда), уларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки чеклашда умумий судларнинг ваколатлари хусусида ҳам сўз юритилади. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари кўппартиялилиги асосида сайланишлари таъкидланади.

**СИЁСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР** — бевосита ва ўзларининг вакиллари орқали давлат бошқарувида ва сиёсий-ижтимоий ҳаётда қатнашиш имкониятини яратувчи ҳуқуқлар мажмуи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида барча фуқароларнинг давлат муассасаларига сайланиш ва



сайлаш ҳуқуқлари, жамоат ва касаба уюшмалари ва бирлашмалари, сийсий партия ва ҳаракатларни ташкил қилиш ҳуқуқлари кафолатланади. Мазкур ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари асосида амалга оширилади: “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ва бошқа бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатлари. “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун фуқароларнинг суд орқали ёки маъмурий йўл билан давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларига тегишли қарорлари устидан шикоят қилиш имкониятини ҳамда шикоятлар ва таклифлар билан давлат муассасалари, ижро ҳокимияти вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Конституциявий тизимнинг асослари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини мажбуран ўзгартиришга қаратилган, ижтимоий, диний, ирқий ва миллий зиддиятларни кескинлаштириш, давлат хавфсизлигига зарар етказиш қонунан тақиқланади. Жамоат ташкилотлари томонидан ҳуқуқлари бузилган тақдирда, уларнинг уставида кўрсатилмаган фаолият амалга оширилса, суд қарорига биноан фаолияти тўхтатилади.

**СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ** — ҳуқуқий фан ва билимлар тизимида сийсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, тарихий ва назарий йўналишдаги фанлар билан бирга мустақил илмий ва ўқув фани ҳисобланади. Мазкур фаннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у давлат, ҳуқуқ, сийсат ва қонунчилик, сийсий ва ҳуқуқий назариялар тўғрисидаги назарий билимларни вужудга келиши ва ривожланиши тарихини таҳлил қилади ва ёритиб беради. Бу фанда ҳар бир алоҳида таълимотнинг тарихан вужудга келиши ва ривожланиши, сийсий ва ҳуқуқий ҳодисаларнинг тарихий жараёнлари, уларни билишга доир аниқ нуқтаи назарлар, концепциялар, ғоялар, қоидалар жамланган ва ўз ифодасини топган. Аввало, мазкур фанда давлатшунослик ва ҳуқуқшунослик борасидаги ўтмишнинг сийсий ва ҳуқуқий ҳодисалари, булар хусусидаги тегишли назарий тушунчалар яхлит акс эттирилган. Сийсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ҳуқуқнинг табиати, тушунчаси, моҳияти, функцияси ва роли асосан ижтимоий-сийсий давлат ҳаётининг ўзига хос ҳодисаси, ижтимоий-сийсий ва давлат ҳукмронлиги муносабатларининг зарурий шакли эканлиги ғояси нуқтаи назари-

дан қарайди. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи фанларидан фарқли ўлароқ сиёсий-ҳуқуқий муассаса ва институтларнинг тарихан пайдо бўлиши ва ривожланишини эмас, балки уларни тегишли равишда назарий жиҳатдан ўрганиш ва билиш шакллари билан таништиради. Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ тарихини билмай туриб, тегишли сиёсий-ҳуқуқий назариялар мазмунини аниқ билиб олиш мумкин эмас ва тегишли назарий қоида ва қонцепцияларсиз тарихан ривож топаётган сиёсий-ҳуқуқий воқеликларни илмий ёритиб бериш ҳам мумкин эмас.

**СИФАТ СЕРТИФИКАТИ** — етказиб берилган ва топширилган товарнинг сифатини ва унинг контракт шартларига жавоб беришини исботловчи гувоҳнома. Унда товарнинг сифатига изоҳ берилади ёки у сифати бўйича стандарт ва буюртманинг техникавий шартлари талабларига жавоб беришидан далолат беради. Сифат сертификати тегишли ваколатли ташкилотлар, давлат органлари, савдо палаталари, товарни экспорт, шунингдек, импорт қилувчи давлатнинг махсус лабораториялари томонидан берилади. Сифат сертификати тааллуқли бўлган ҳужжатларни ўзаро алмашиб олиш тўғрисида давлатлар келишиб ҳам олади.

**СОЛИҚ** — юридик шахслар ва фуқаролардан олинадиган мажбурий тўлов. Корхоналар, уюшмалар ва фуқаролардан солиқ олиш барча даражадаги бюджетларнинг ташкил этилишидаги асосий манбадир.

Олиниши усулига кўра солиқлар тўғридан-тўғри олинадиган ва бевосита солиқларга бўлинади.

Тўғридан-тўғри олинадиган солиқлар бевосита даромаддан ва мулкдан олинади. Улар ўз навбатида реал ва шахсий солиқларга бўлинади. Шахсий солиқлар юридик шахслар ва фуқароларнинг даромадидан, мулкидан олинади (даромад солиғи, пул сармояларидан келган даромадларга солиқ, сармоя кўпайишига солиқ, корхоналар (фирмалар) даромадига солиқ, ортиқ даромад учун солиқ, мерос ва ҳадялардан олинадиган солиқ, мулкка кўра ва жон бошига олинадиган солиқ). Реал солиқлар солиқ тўловчи мулкнинг алоҳида турларидан олинади (ер солиғи, уй солиғи, қимматли қоғозлар учун солиқ).

Бевосита солиқларга товар ва хизматлар учун солиқ киради, улар товар нархига мувофиқ тўланади ёки тариф, акциз, божхона пошлинаси ва йиғимлари тарзида бўлади.

Нисбатига кўра, регрессив (камаювчи), пропорционал (тенг) ва прогрессив (ўсувчи) солиқлар ажратилади.

Тасурруфига солиқлар келиб тушадиган ҳокимият органига кўра, давлат ва маҳаллий солиқлар фарқланади. Давлат солиқлари мамлакат қонунчилигига кўра марказий ҳукумат томонидан йиғилади ва давлат бюджетига юборилади (даромад солиғи, фойдадан солиқ, божхона йиғими ва бошқалар). Маҳаллий солиқлар тегишли ҳудудда маҳаллий бошқарув идоралари томонидан йиғилади ва маҳаллий бюджетга келиб тушади.

Мамлакатимизда солиқларни йиғиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида тартибга солинади.

**СОЛИҚ ОЛИШ** — давлат томонидан жорий қилинган ва жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан тўланиши мажбурий бўлган, доимий характердаги, миқдори аввалдан белгиланган тўлов турлари. Солиқлар шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг бир тури бўлиб, фуқаро солиқ тўловлари тўлаш орқали давлат фаолиятида иштирок этади. Жисмоний шахслардан ҳамда юридик шахслардан олинадиган солиқлар мавжуд бўлиб, уларнинг аниқ турлари, ставкалари, ҳисоблаш ва тўланиш тартиблари, солиқ тўламаганлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ва бошқа солиққа оид қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Давлат ва маҳаллий солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида тўлиқ тўланиши, жисмоний ва юридик шахслар, давлат, жамоат органлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонунларга амал қилиниши устидан назорат олиб бориш ваколати берилган давлат органлари тузиш, давлат солиқ органларнинг таркибий тузилиши, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилган.

**СОЛИҚ СТАВКАСИ** — юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ҳар хил солиқларга ўрнатилган солиқ миқдори.

Солиқ-ставкаси бир неча шаклда ўрнатилади:

- а) фоизли — (даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи);
- б) белгиланган пул суммасида эгаларидан олинадиган солиқ (ер солиғи, транспорт воситалари);
- в) аралаш — бунда ҳам фоизлик, ҳам пул шаклида бўлади (мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи);
- г) прогрессив солиқ объектининг ўсиши солиқ ставкаси-

нинг ўсишига олиб келади. Солиқ қонунларида имтиёзлар белгиланиши солиқ ставкасини камайтиришга ва солиқ тўлашдан озод этишга асос бўлади.

**СОЛИҚ ТИЗИМИ** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари: маҳаллий солиқ ва йиғимлар амал қилади. Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради: 1) Юридик шахслардан олинандиган даромад (фойда) солиғи. 2) Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи. 3) Қўшилган қиймат солиғи. 4) Акциз солиғи. 5) Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ. 6) Экология солиғи. 7) Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради: 1) Мол-мулк солиғи. 2) Ер солиғи. 3) Инфратузилмани ривожлантириш солиғи. 4) Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинандиган солиқ. 5) Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари. 6) Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

**СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ** — давлат бошқарув органларининг бир тури.

**СОЛИҚ ҲУҚУҚИ**, молия ҳуқуқининг бир бўлими сифатида келажакда ривожланиш ва йирик соҳа сифатида шаклланиш томон кетмоқда. Солиқлар — қадимий молиявий тўловлардан иборат бўлиб, давлат билан бирга вужудга келган ва давлат органлари фаолиятини таъминлаш, давлат олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Солиқларни белгилаш ҳамда тўплаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар молиявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниб, унинг тармоқларидан бири солиқ ҳуқуқидир. Солиқ ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг асосида қабул қилинган солиқ қонунлари, Солиқ кодекси ва бошқа қонун актлари саналади. Солиқлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиблар ва шартларга тўғри келадиган миқдорда бюджет фондларига тўланадиган мажбурий тўловдир. Солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Солиқ умумдавлат масалалари ва ижтимоий дас-

турларни ҳал қилиш мақсадида ундириб олинади. Солиқ икки муҳим йўналиш, яъни бюджетни тўлдириш (фискаль) ва иқтисодий вазибаларни амалга оширади.

**СОТУВЧИ МАМЛАКАТ ҚОНУНИ (lex venditoris)** сотувчига тегишли бўлган давлат ҳуқуқи қўлланишини англатади. Бу янги (XX асрнинг иккинчи ярмида тасдиқланди), бироқ кенг тарқалган шартнома мажбуриятларини тартибга солишга қаратилган коллизия нормадир. Товарларни халқаро сотишга қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1955 йилги Гаага конвенцияси ушбу формулага асос бўлиб ҳисобланади. Сотувчининг мамлакати қонуни умумлашган коллизия норма бўлиб, шартнома тарафларининг ишлаб чиқариш жойи қонуни тушунилади, бунда шартнома мажбуриятларини: олди-сотди шартномасида — сотувчининг жойи қонуни; ижара (мулк ижараси) шартномасида — ижарага берувчи жой қонуни; йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида — ташувчи қонунини ташкил этади (Фуқаролик кодекси 1190-моддасининг 1-қисми).

**СОҒЛИҚҚА ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ КЎРИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1005—1006-моддаларига кўра фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек, саломатлиғига шикаст етказилиши туфайли қилган кўшимча харажатлари, шу жумладан, даволаниш, кўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, ўзганинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари қопланади.

**СТАНДАРТ** (ингл. *standart*) — “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Қонунда берилган тушунчага кўра “стандарт” бу норматив ҳужжатлар — стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопияси ҳамда муваққат фармокопия қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлиғига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ** — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ стандартлаштиришдан асосий мақсад: маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг аҳоли ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан; маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан; фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳолининг ҳамда халқ ҳўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ва рақобат қила олиш имкониятини оширишдан; барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан; ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан; табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан; истеъмолчиларни ишлаб чиқараётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан иборатдир.

**СТАТУТ** (ингл. *statut, statio* — қарор қиламан, ҳал этаман) — англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи бир қатор мамлакатларда (АҚШ конгресси, Буюк Британия парламенти) парламент чиқарган айрим қонун актларининг номи. Бу мамлакатларда умумий ҳуқуқ билан бир қаторда статутдаги мавжуд нормалар статут ҳуқуқини ташкил этади.

**СТАЧКА (Иш ташлаш)** — ишчи ва хизматчиларнинг уюшган ҳолда иш ташлаши, ишни тўхтатиб қўйиши. Иш ташлаш турли шаклларда намоён бўлади. Корхона эгалари ёки ҳукуматга қарши иқтисодий ва сиёсий талаблар билан чиқиш унинг шаклларида бири. Бунда кўпинча намоийишлар уюштирилади, иш ташлаш (забастовка) вақтида полиция, ҳукумат қўшинлари, штрекбрехерлар (стачкада қатнашишдан бош тортган ёки иш ташлаган ишчилар ўрнига ишлатиш учун жалб этилган, ишчилар манфаатига хиёнат қилувчи шахслар) ва иш ташлаш ҳаракатига қарши курашиш учун тузиладиган махсус қуролли отрядлар билан тўқнашишлар бўлади. Ишчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитларига қаратилган ҳужумкор иш ташлашлар ва мудофаа иш ташлашлари кураши шаклларида ҳам намоён бўлади. Ўз мақсадлари нуқтаи назаридан иқтисодий ва сиёсий иш ташлашлар фарқланади. Шакли жиҳатидан умумий (иқтисодиётнинг битта ёки бир нечта тармоғини қамраб олувчи), миллий

(бутун мамлакат миқёсида) ва олий шакли сиёсий стачка бўлиб, мамлакатда инқилобий вазият вужудга келган тақдирда қуролли қўзғолонга ўсиб ўтиши мумкин. “Ётиб ўтказиладиган” (меҳнаткашларнинг ўз иш жойларида ишдан бош тортишлари), “қоида бўйича ишлаш” (амалпарастлик йўриқномаси бўйича иш ташлаш усули бўлиб, иш суръатларини пасайиб кетишига олиб келади), қисқа муддатли (24 ёки 48 соатлик) огоҳлантирувчи, “зинапоя” иш ташлаш шакли (ишни ҳафтасига бир неча кунга ёки кунига бир неча соатга тўхтатиб қўйиш), “тескари иш ташлаш” яъни корхонанинг ёпиб қўйилганига қарамасдан, ишни давом эттиравериш: цехма-цех кўчиб юрувчи иш ташлаш шакллари мавжуд. Шунингдек, халқлар бирдамлиги учун иш ташлаш шакли ҳам бор. Иш ташлаш вақтида иш ташлаш қўмитаси фаоллик кўрсатади. Баъзи ҳолларда иш ташлашдан хабардор қилиш ва штрелкбрехерларни корхонага киритмаслик учун иш ташлаш ишчилари тарафидан пикет (отряд) тузилади. Иш ташлаш ўз иш ҳақини талаб қилиб ундириб олиш, ҳукуматнинг халқ норозилигига сабаб бўлувчи сиёсатига қарши, давлатлар ўртасида низо чиқариб, зўр бериб қуролланишга гиж-гижловчи, уруш оловини ёқишга ундовчи корчалон доираларнинг душман сиёсатига қарши қаратилган воситасидир.

**СТРАТЕГИК ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ** — иқтисод, сиёсат ва маданиятнинг ҳаётий муҳим тармоқлари тараққиётининг асосий йўналишлари ва қонуниятларини акс эттирувчи тизимли ҳужжатлар. Стратегик давлат дастурлари асосий элементлар, уларнинг ўзаро таъсири тизими ва дастурни бошқариш ядросидан ташкил топади. Идеал сифатида, у мазкур алоҳида тармоқ фаолият кўрсатишининг мураккаб динамик моделидир. Стратегик давлат дастурлари — бошқарув маданиятининг ажралмас қисми, жамият тўхтовсиз тараққиётининг муҳим механизмидир.

**СУБРОГАЦИЯ** — Қаранг: “Аброгация”.

**СУБСИДИЯ**, давлат ўз сиёсатида қўллайдиган асосий молия воситалари сирасига киради. Субсидия давлат томонидан аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун қайтариб олмаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағидир. Субсидиялар иқтисодиётни диверсификациялаш (таркибан ўзгартириш) ишларини йўлга қўйиш, айрим худудларга ёрдам бериш, конверсия, ҳарбий ишлаб чиқаришдан ўтиш мақсадларида ажратилади. Айтилган ишлар серхаражат бўлганлигидан субсидия харажатларни бутунлай ёки қисман қоплаш учун берилади. Масалан, диверсификация катта жорий сарфларни талаб қилади, шу боис уларни қоплашда давлат

субсидияси ҳам иштирок этади. Субсидиялар экспортни қисқартириш ёки тўхтатиб туриш учун ишлатилади. Жаҳон бозоридаги нархни сақлаб туриш учун бозорга қўшимча товарларни чиқармаслик зарур бўлганидек, давлат ўз товарларини захирага ўтказиб турган фирмаларга субсидия бериб, товарларни сақлаб туриш харажатларини қоплайди. Субсидиялар миллий саноатни ўстириш учун ҳам берилади. Ташқаридан хом ашё киритиб, ташқарига тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналар ҳам субсидиядан баҳраманд бўладилар. Давлат техника янгиликларини жорий этиш ресурсларини тежаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни иқтисодиёти сустривожланган ҳудудларга шакллантириш, экспорт потенциалини ошириш дастурларини ишлаб чиқади. Бу дастурлардаги давлат талабларига биноан иш тутган корхоналар давлатдан субсидия оладилар.

**СУВ КАДАСТРИ** — давлат Сув кадастри сув миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланишни қайд қилиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўз ичига олади. Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш, давлат ва Сув кадастрини юритиш, сув хўжалиги балансларини тузиш ҳамда сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг жадвалларини ишлаб чиқиш ишлари бюджет ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган тартибда амалга оширилади.

**СУВ МОНИТОРИНГИ**, жумладан, ер ости сувлари мониторинги ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизимидан иборатдир. Сув мониторинги тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**СУВ ФОНДИ** — Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан, ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир.

**СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ** — Ўзбекистон Республикаси Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунига асосан мамлакатнинг ягона давлат сув фонди жумласига кирган ўлка ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш ҳуқуқидир. Сувдан фойдаланувчилар мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва Ўзбекистон Республикаси фу-



қаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам фуқаролари бўлиши мумкин. Сув объектлари аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини, машиий, даволаш, курорт, соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш ва бошқа эҳтиёжларини, қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонунларда кўзда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади. Сувдан фойдаланишнинг икки хил тури мавжуд: сувдан умумий фойдаланиш — сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш; сувдан махсус фойдаланиш — иншоотларни ёки қурилмаларни қўллаш йўли билан фойдаланиш. Иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб, лекин сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган ҳолда сув объектларидан фойдаланиш ҳам айрим ҳолларда сувдан махсус фойдаланиш турига киритилиши мумкин; биргаликда фойдаланиладиган сув объектлари жумласига танҳо фойдаланиш учун берилмаган сув объектлари киритилиши мумкин. Танҳо фойдаланиладиган сув объектларига маҳаллий ҳокимият органлари қарори асосида бирон-бир корхона, ташкилот ва муассасага бутунлай ёки қисман бериб қўйилган сув объектлари киради; танҳо фойдаланмоқ учун сув объектлари бериб қўйилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар — сувдан бирламчи фойдаланувчилар ҳисобланади, улар сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб, бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сувдан иккиламчи фойдаланиш учун рухсат беришга ҳақлидирлар. Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш — доимий фойдаланиш деб эътироф этилади. Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа — уч йилгача ва узоқ — йигирма йилгача бўлиши мумкин. Сувдан фойдаланувчилар сув объектларидан қонунда белгилаб қўйилган мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Барча сув истеъмолчиларига нисбатан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби белгиланади. Сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби маъмурий-ҳудудий тақсимлаш қондаси, сув ҳавзалари ва ҳар бир сувдан фойдаланувчи бўйича белгиланади, ер ости сувлари борасида эса геология ва минерал ресурслар ҳамда кончиликни назорат қилиш давлат органлари билан келишиб белгиланади. Сув учун тўлиқ ёки қисман ҳақ тўлашни жорий этиш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, шунингдек, бунга риоя этилишини назорат қилиш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**СУВДАН ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР НИЗОЛАР**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслари органлари томонидан ҳамда тегишли ваколоти бўлган давлат органлари томонидан қонунда белгиланадиган тартибда ҳал қилинади.

**СУГУРТА** (инглизча *insurance, assurance*) — таваккалчилик билан боғлиқ фаолиятда муайян хавф-хатарлар билан боғлиқ зарарларни қоплаш воситаси. Суғурта деганда, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фонди ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Суғурта иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тизими бўлиб, бунга кўра жисмоний ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилотига суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товони тўлаш шарти билан суғурта тўловлари тўлаб боради. Суғуртанинг моҳияти шундаки, таваккалчилик хавф-хатарига дучор бўлган субъект ёки субъектлар гуруҳи кўрган зиённи кенг доирадаги суғурта қилдирувчилар зиммасига юклайди. Бироқ суғурта қилдирувчилар доираси кенг бўлганлиги сабабли зиённи қоплаш улар учун сезиларли бўлган мулкий талафотга сабаб бўлмайди.

Суғурта икки шаклда амалга оширилади: ихтиёрий ва мажбурий. Қонун ҳужжатлари бўйича белгилаб қўйилган асослар бўйичагина мажбурий суғурта шартномасини тузишга йўл қўйилади. Суғурта суғурталанаётган манфаатларга қараб шахсий ва мулкий суғурта турларига бўлинади. Суғуртага доир шартномавий муносабатларнинг Фуқаролик кодексининг 914—961 моддалари билан тартибга солинади.

**СУГУРТА ПОЛИСИ** — суғурталовчи (суғурта ташкилоти) томонидан суғурта қилдирувчига берилган, ҳар иккала тараф томонидан имзоланган суғурта шартномасининг барча шартлари белгилаб қўйилган ёзма ҳужжат (шаҳодатнома, сертификат, квитанция, далолатнома). Суғурта полиси яғона нусхада тузилади.

**СУГУРТА ТОВОНИ** — суғурта ҳодисаси ёки суғурта шартномасида белгиланган юридик факт содир бўлганда суғурталанувчига суғурта полиси доирасида тўланадиган пул маблағи. Суғурта товонини тўлаш миқдори ва тартиби суғурта шартномасида белгилаб қўйилади.

**СУҒУРТА ДАЛОЛАТНОМАСИ** — (суғурта акти, инг. *official survey*) — суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта муассаси вакили томонидан тузиладиган ёзма ҳужжат бўлиб, у суғурта товонини тўлаш учун асос бўлади.

**СУҒУРТА СЕРТИФИКАТИ** — Қаранг: “Суғурта полиси”.

**СУҒУРТА ПУЛИ** — шахсий ёки мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ташкилоти томонидан суғурталанган шахсга тўланадиган пул суммаси. Суғурта пули тўғрисида қондалар Фуқаролик кодексининг 915, 921-моддасида белгилаб қўйилган.

**СУҒУРТА БРОКЕРИ** — суғурта қилдирувчи номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиш ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади. Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта брокерининг фаолияти бундан мустасно.

**СУҒУРТА ҚИЛУВЧИ (СУҒУРТАЛОВЧИ)** — суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пулини) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс ҳисобланади. Суғурталовчилар қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади. Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Суғурталовчи махсус лицензияга эга бўлиши лозим. Қонунда суғурталовчининг устав фондида алоҳида талаблар белгилаб қўйилган.

**СУҒУРТА НАЗОРАТИ** — суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади. Махсус ваколатли давлат органи суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритилади. Суғурта назоратини амалга оширувчи

давлат органи ваколатлари «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида белгилаб қўйилган.

**СУГУРТА БАДАЛЛАРИ** — бюджетдан ташқари давлат ижтимоий фондларига суғурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари ҳар бир фонднинг уставига асосан бевосита белгиланади. Унда суғурта бадалларини тўлаш тартиби, тўловчилар доирасини белгилаш, пул даромадлари, турлари (суғурта бадаллари тўланиши лозим бўлган даромадлар), тарифлар, пул тўловларини ўтказиш муддатлари ва тартиби, бериладиган имтиёзлар, тўлов қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кўзда тутилади. Суғурта бадалларини тўловчилар бўлиб юридик шахслар ҳамда фуқаролар ҳисобланади. Қонунларда ижтимоий фондларга суғурта бадалларини тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш назарда тутилади. Янги ташкил этилган корхона, муассаса ва ташкилотлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, белгиланган муддатда суғурта бадаллари тўловчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади. Бюджетдан ташқари барча ижтимоий фондларга суғурта бадаллари тўловчилари иш берувчилар саналади ва улар иш ҳақи фондининг бадал тўловчи фуқаро даромадларининг қонунда белгилаб қўйилган қисми миқдоридида суғурта бадаллари тўлашлари лозим. Суғурта бадаллари ҳисобланаётган пайтда амалдаги қонунларга кўра суғурта тўловлари тўланмайдиган даромадлар ҳисобидан чиқариб ташланади. Суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган даромадлар қаторига фойдаланилмаган таътил учун компенсация; ходимнинг даволаниш жойига бориб келиши учун йўл харажатлари; махсус кийимлар қиймати, ишдан бўшаш нафақалари ва бошқалар киритилади. Жисмоний шахс, шу жумладан, юридик шахс ташкил этган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар ўзларининг қонун билан белгиланган даромадларидан суғурта бадаллари тўлашлари лозим. Суғурта бадаллари тўлаш пайтида айрим имтиёзлар ва енгилликлар қонун ҳужжатларида кўзда тутилиши мумкин.

**СЎЗ ЭРКИНЛИГИ** — фуқароларнинг демократик ҳуқуқларидан бўлиб, ҳар ким фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўз истаги билан ахборотлар излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Сўз эркинлиги ошкоралик ва фикрлар турли-туманлигини қарор топтиришнинг таъсирчан омилдир ва айтилиши маҳалда фойдали ва амалий танқид ривожига хизмат қилади. Сўз ва эъти-

қод эркинлиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

## “Т”

**ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ** — ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда бевосита ва билвосита истеъмол қилинадиган моддий бойликлар яратишга, меҳнат ресурсларини қайта тиклашга, инсоният ҳаётининг сифатини оширувчи ва ҳаёт даражасини оширишга ёрдам берувчи ва фойдалиқни инсон меҳнати натижасида ижобий ёки салбий томонга ўзгариб турувчи меҳнат воситалари сифатида (ер сув тизимлари, суғориш учун ишлатиладиган сув), фойдаланилувчи (ёки фойдаланилиши мумкин бўлган) энергия (қувват) манбаи сифатида (гидроэнергия, атом ёнилғиси, ёнилғи бойликлари), хом ашё ва материаллар сифатида (минераллар, техникавий сув бойликлари), кенг истеъмол моллари (ёввойи ўсимликлар, баликчилик маҳсулоти), рекреация (дам олиш ва соғломлаштириш жойлари), генетик банк фонди (экотизимларга ишонч ҳосил қилувчи, ҳайвонларнинг янги наслларини яратувчи ресурслар), атроф муҳит тўғрисида маълумотлар манбаи (бошқарувчи палеонтологик шакллари, табиат намуналари бўлмиш корхоналарни (биоиндикаторларни) ўз ичига олган табиат объектлари ва ҳодисалари).

**ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ** — мавжуд ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ер ва унга яқин бўлган атмосферадан рационал фойдаланишга ва қайта тиклашга қаратилган халқаро ва миллий саъй-ҳаракатлар мажмуи. Табиий бойликларни сақлаш ва қайта тиклашни таъминловчи инсон фаолиятини ва атроф муҳитнинг ўзаро таъсирини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар таркиби ҳамда шартли чексиз муддат давомида инсоният ҳаётини таъминловчи глобал тизимни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар (*Яна қаранг:* “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш”, “Табиатнинг ҳуқуқий муҳофазаси”).

**ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ** — табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун

турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Устав асосида ўз фаолиятини олиб боради (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрел қарори билан тасдиқланган).

**ТАБИАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ** — табиатни муҳофаза қилишга қаратилган юридик нормаларда қайд этилган, инсон ҳаёт шароитини яхшилашга қаратилган давлат чора-тадбирлари мажмуи (*Яна қаранг:* “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш”).

**ТАБИИЙ ҲУҚУҚ** (рус. *естественное право*) — инсон табиати билан узвий, унинг қайси давлат фуқароси бўлиш ё бўлмаслигидан, бирон-бир давлат қонунчилигида тан олиниши ёки тан олинмаслигидан қатъи назар, унинг табиатига монанд хислатларига кўра одам боласига инъом қилинган тартиб-қоидалар, ҳуқуқ ва ахлоқ қадриятлари, тамойиллари йиғиндисидан иборат.

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (Тадбиркорлик)** — қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият. Ушбу фаолият субъектлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардан иборат бўлиши мумкин. Тадбиркорлик турлари, уларнинг субъектлари ва объектларини ҳуқуқий тартибга солиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланади.

**ТАЙХОРИЁ ҚОНУНЛАРИ** — ўрта асрлар Японияси жамиятининг энг йирик ва мукамал кодекси; 702—718 йилларда тузилган. Тайхо даврининг гражданлик ва жиноят қонунлари тўплами “Тайхо рицуриё”дир. Бунда “рицу” — сўзи жиноят қонунлари, “рё” сўзи фуқаролик қонунлари маъноларини билдириб, тўплам булардан ташқари маъмурий, молия, давлат хизмати, жиноят-процессуал ҳуқуқи, оила ва никоҳ кодекслари, шунингдек, ҳарбий уставни ҳам ўз ичига олади. Тўплам 19 кишидан иборат комиссия томонидан бир неча йил мобайнида тузилиб чиқилиб, унинг икки қисмига I—XI қонунлар киритилиб, у даражалар ва мансаблар, муассасаларнинг лавозимлари, сарой деҳқонлари, ер эгалиги, молия ҳуқуқи, давлат мактаблари, давлат хизматига олишда имтиҳонлар олиш тартибига ба-

ғишланган қонунларни ўз ичига олади. Иккинчи қисмида эса ҳарбий устав, иш юритиш ва ҳужжатларнинг шакллари, жиноят-процессуал нормалар жамлангандир.

**ТАКЛИФ** — фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатларидир.

**ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР** — инсоният жамияти тарихи ҳақида далолат берувчи ўтмиш ёдгорликлари. Тарихий ёдгорликлар бир қанча қисмларга бўлинади. 1) Моддий ёдгорликлар: қадимшунослик, элшунослик, тарих, санъат ёдгорликлари, меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳа, рўзғор асбоблари, бинолар, инсон яшаган қадимги манзилгоҳлар, ғорлар, қалъа ва қўрғонлар, уларнинг қолдиқлари. 2) Кишиларнинг хотирасини ёки тарихий воқеликларни абадийлаштириш учун қадимги давлатларда ва кейинги вақтларда қурилган турли мемориал ёдгорликлар. 3) Оғзаки ва ёзув ёдгорликлари; қадимги ёзув ва суратлар, қўлёзмалар, чоп қилинган асарлар, оғзаки ёдномалар, қадимги урф-одатлар, халқ ривоятлари, ҳозирги тилларда сақланиб қолган қадимги нутқ унсурлари ва шу каби тарихий манбалар. Тарихий ёдгорликлар ва манбалар одатда қонун билан қўриқланади.

**ТАРИХИЙ МЕТОД** — криминология, шунингдек, криминологик тадқиқотларнинг объекти бўлган, жиноятчилик, жиноятчиларнинг шахси ва ҳоказоларни ўтмишни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш учун фойдаланиладиган усуллар, бажариладиган ишлар тартиби ва бошқа усуллар йиғиндиси.

**ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚ НОРМАСИ** ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари содир этиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси нормалари мисол бўлиши мумкин.

**ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАРТНОМАСИ** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан ташувчи билан юк эгаси мунтазам ташишни амалга оширишда зарур бўлганида ташишни ташкил этиш ҳақида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин. Улар жумласига юк ташиш шартномаси, йўловчи ташиш шартномаси, қўшилиш шартномаси, транспорт экспедицияси шартномаси ва ҳоказолар кирadi.

**ТАШҚИ АЛОҚАЛАР** деганда, мамлакатнинг давлат органлари, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг чет давлатлар, уларнинг юридик шахслари, фуқаролари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатишга ва уни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти деганда, Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади.

**ТАШҚИ САВДО БАНКЛАРИ** — чет эллик мижозлар билан сўм ва чет эл валютаси билан боғлиқ операция муносабатларини амалга оширувчи банклар.

Ташқи савдо битими хусусиятлари билан фарқланади: товарлар олди-сотдиси, ижодий фаолият натижалари (лицензия, ноу-хау технология, товарлар намуналари ва бошқалар)нинг олди-сотдиси, ахборот агентлиги битимлари, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, пудрат, ижара шартномалари ва бошқалар. Ташқи савдо битими бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин. Бундай бўлиши битимда бир-икки ёки кўпроқ шахсларнинг иштирок этиши ва хоҳиш-иродаларининг ифода этиши билан белгиланади (*Яна қаранг: “Битимлар”*).

**ТАШҚИ САВДО БИТИМЛАРИ** — иштирокчилардан бири чет эллик жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида тузиладиган битимлар. Бундай битимларнинг мазмуни товарлар, хизматлар экспорти ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқлари билан боғлиқ операциялардан иборатдир. Ташқи савдо битимлари орасида асосий ўринни товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, ташиш, суғурта, лицензия шартномалари эгаллайди.

**ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ** — давлатнинг халқаро муносабатларидаги асосий йўналишини қамраб олувчи ташқи сиёсий тушунча. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари мамлакатимиз Конституциясининг 17-моддасида қайд қилинган.

Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлат ва халқлар билан муносабатлари соҳасидаги фаолиятининг мақсад ва тадбирлари мажмуини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конс-



титуциясининг тамойиллари ва нормаларига, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунга, “Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси”га ва БМТ ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг асосий тамойиллари ва мақсадларига асосланади.

**ТАШҚИ ЎЛЧОВИ КАТТА ЮК (Габаритсиз юк)** — махсус мосламалар билан ташилиши талаб этилмайдиган юк жойлари бўлиб, юк габаритлари юк жойининг габаритларидан ортиқдир.

**ТЕМИР ЙЎЛ** — умумий фойдаланиладиган транспорт тури, ишлаб чиқариш ва ижтимоий корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни қамраб олган ягона ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлиб, ташишга бўлган эҳтиёжларни бошқа транспорт турлари ва хорижий давлат темир йўллари билан ҳамкорликда таъминлайди.

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ** — *Қаранг:* “Темир йўл”.

**“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”**, Амир Темури давлати мусулмон давлати бўлиб, унда, албатта, ҳуқуқни биринчи манбаи мусулмон ҳуқуқи эди. Аммо бу давлат Ўзбекистон ҳуқуқи тарихида яна шу билан характерланадики, у бизгача етиб келган ҳозирча ягона дунёвий ҳуқуқ манбаи “Темур тузуклари”ни берди. Темурбек турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва унинг ҳукми билан қонун даражасига кўтарилган қоидалардан иборат тўпلام тарихий асарларда турли тилдаги таржималарга мос ҳолда “Темур тузуклари”, “Тузуки Темурий”, “Темурнинг айтганлари” ва “Воқеоти Темурий” (Темурнинг бошидан кечирганлари), “Уложение Темура”, “Темур уложениеси” деб юритилган. “Тузуқ” сўзи асли эски ўзбек тилида “Қонун-қоидалар тўплами”, “Низом” каби ҳуқуқшуносликка оид маънони англатган. У XIV асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишга оид Темур салтанати, унинг давлат тузуми, бошқарилиш, суд қурилишига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжатдир. Ёки, юридик тилда айтганда, маъмурий-сиёсий ва ҳарбий кодексдир. Унинг тузилишига келганимизда, икки қисм (икки масала)дан иборат бўлиб, биринчи қисми таржимаи ҳол характерига эга. Бунда 150 йил давом этган мўғул-чиғатой сулоласининг истибдодидан қутулиш, Ўрта Осиёдаги марказлашган давлатни тузиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилади. Иккин-

чи қисмида эса, улкан давлатнинг валиаҳд ва амирзодалар томонидан қайтарзда бошқарилиши, йирик мансабдорларни тайинлаш, ҳарбий қурилиш, суд юритиш, армияни тузиш, сафлаш таъминоти масалаларини ўз ичига олади. “Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатда бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим”, деб ёзилади тузуқларда. Фақат бир ўриндагина тан жазоси ва қатл этиш тўғрисида очиқ-ойдин ёзилган, бу мамлакатлар, қўшинлар ва аҳоли аҳолидан хабардор бўлиб туриш тузугидадир. Тузуқлар 1637—1638 йилларда бобурийлар авлодидан **Шоҳ Жаҳон** топшириги билан **Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий** деган шахс томонидан форс тилига таржима қилинган. Форс тилидан эски ўзбек тилига таржимани 1836 йилда Қўқон хони Маъдалихоннинг топшириги билан унинг хизматида бўлган ҳўжандлик Набижон котиб амалга оширган. Бухоро амирлигини тадқиқ қилган олим **Д.И.Лорофет** Туркистонда ҳуқуқий давлат ва “Конституциявий кодекс” Европадан 600—500 йиллар илгари пайдо бўлганлигини таъкидлаган. Темурбек тузуқлари Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида дунёвий қонунчилик ёдгорликларидан бири сифатида муҳим ўрин тутди. 1967 йилда “Гулистон” журнали саҳифаларида **Алихон Тўра Соғуний** (1885—1976) томонидан форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси босилиб чиқа бошлади. Фафур Фулом номидаги матбаа бирлашмаси эса уни 1991 йилда ўзбек тилида биринчи марта алоҳида китоб шаклида чоп этди. Бизга маълумки, темурийлар саройининг хизматида бўлган машҳур тарихчи **Шарафиддин Али Яздий** мазкур манбани Темурбек девонхонасида туркий тилда тузилиб, Темур томонидан таҳрир қилинганлигини ёзиб қолдирган. Тузуқлар “қонун”, “қоида”, “низом”, “тартиб” маъносини англатади.

Қонунларда оила — никоҳ ҳуқуқига ҳам кенг ўрин берилган. Никоҳ ёши йигит учун 15, қиз учун 13 ёшдан юқори белгиланган. Қизни эрга беришда ота-оналари, бобо ва бувилари, ҳар иккала томондан ҳам розилиги, тоға ва холалари огоҳлантирилиб, кейин унаштирилган. Никоҳни бекор қилиш шартларига келсак, қонунга кўра унинг етти ҳолати кўрсатилган. Агар аёл фарзанд кўрмаса, эрига бевафолик қилса, келин қайнота ва қайноналарига бўйсунмаса, ғийбатчи бўлса, бундай ҳолларда эр киши тегишли ҳужжатни тузиб, иккала томон яқин қариндошларининг тасдиғи билан никоҳни бекор қилиши мумкин бўлган.

**ТЕНДЕР** (ингл. *tender*) — 1) ёзма таклиф, заявка, талабнома, оферта; 2) қимматли қоғозлар, уларнинг савдосига обуна бўлиш ҳақида ариза бериш; 3) маълум муддат кўрсатилган шарт-

нома бўйича товарни етказиб бериши мумкинлиги тўғрисида хоҳиш-истак билдириш; 4) облигация ва давлат векселларини бозорда таклиф қилиш воситаси; 5) белгиланган талабга жавоб берадиган товар ва асбоб-ускуналарни таклиф қилиш учун уларни етказиб берувчиларни чақириш; 6) бозорда товар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш ёки комплекс объектлар, иншоотларни қуриш учун буюртмаларни конкурс асосида тарқатиш; 7) кемани таъмирлайдиган фирмадан унинг имкониятлари ва таъмирлаш шартларини аниқлаш мақсадида хат ёзиш; 8) халқаро савдо. Умуман олганда, буюртмаларни жойлаштиришнинг танлов шакли.

**ТЕОКРАТИЯ** (юнонча *Theos* — худо ва *kratos* — ҳокимият), бошқарувнинг шундай бир шаклики, унга кўра давлат бошлиғи (одатда монархиялик тизимларда) айна вақтда унда диний бошлиқ ҳам бўлиб ҳисобланади. У илоҳий ҳокимият маъносини ҳам англатади.

**ТЕОЛОГИЯ (Илоҳиётшунослик)** (юнонча *Theos* — худо, *logos* — тушунча, таълимот) — Худо тўғрисидаги таълимот. Худо, унинг сифатлари, белгилари ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ҳамда ҳимоя қилиш тизими, муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг ҳаққонийлигини исботлаш, диний ахлоқ, диндор ва руҳонийларнинг ҳаёт тарзи ва нормалари мажмуи. Илоҳиёт муқаддас ёзувлар келиб чиқишининг ғайритабiiй эканлигини, муқаддас ривоятларнинг илоҳий эканлигини, черковнинг илоҳий моҳиятга эгаллигини исботлашни, шунингдек, ибодатни бажариш билан боғлиқ бир қатор амалий билимлар йигиндисини ўз ичига олади. Илоҳиётнинг тизимлари гўё дунёни яратган ва уни инсон билолмайдиган қонунлар орқали бошқарадиган Худони тан олишга асосланади. Ислом динида илоҳиётнинг шаклланиш даврида хилма-хил илоҳиёт (жабарийлар, қадарийлар, муътазилийлар, муржибийлар ва бошқа) оқимлари вужудга келган. Ортодоксал илоҳиёт оқими “Калом” деб ном олган. Исломдаги барча йўналиш ва секталарда ҳам ўз илоҳиёт таълимоти мавжуд. Иудаизм, христианлик йўналиш ва секталарига нисбатан ҳам шу тахлитда сўз юритиш мумкин.

**ТИЖОРАТ БАНКИ** — банк турларидан бири ҳисобланади. Тижорат банки жамғармаларни жалб қилади ва уларни асосий қарздорлар ўртасида тақсимлайди. Тижорат банки фаолияти қарз фоиз ставкалари қўйилган омонатлар ставкасидан ортиқ бўлишини назарда тутди. Қарз беришдан ташқари, тижорат банк-

лари бошқа хизматлар ҳам кўрсатади. Масалан, мулкни гаровга олиб пул беради, алоҳида мақсадлар учун ўрта ва узоқ муддатли кредит тақдим этади. Ишлаб чиқаришни янгиловчи лойиҳаларни, таваккал лойиҳаларни молиялаштиради, асбоб-ускуналарни лизинг шаклида кредитлаштиради ва бошқалар.

Банклар орасида тижорат банклари муҳим ўрин тутати. Тижорат банклари турли пул операцияларини амалга оширувчи ва кредит ишларини бажарувчи банклардир. Улар акциядорлик жамияти шаклида тузилиб, ширкатлар сингари шерикчилик асосида ишлайди. Уларнинг ихтиёридаги капитал икки манбадан шаклланади: а) мижозларнинг банкка қўйган пули; б) банкнинг ўз капитали. Тижорат банклари ликвидликни таъминлаш ва фойда олиш қоидаларига асосланган ҳолда фаолият олиб боради. Ликвидлик — банк ўз маблағларини нақд пулга тез алмаштира олишини ифода этади. Банк қуйидаги нақд пуллар, мижозларга қисқа муддат учун берилган кредитлар (бу кредитлар 3—6 ойгача, ҳатто 5—10 кунга ҳам берилади ва тез қайтади), хазина (давлат) векселлари юксак ликвидликни таъминловчи маблағлар ҳисобланади. Банкнинг қўлидаги бинолар, ҳар хил машина ва ускуналар, осори атиқа буюмлари, санъат асарлари ва узоқ муддатли кредитлар ноликвид воситалар ҳисобланади, чунки улар тездан нақд пулга айланмайди, ликвидли маблағлардан фойда кам бўлади, нақд пуллар қарзга берилмайди, бинобарин, даромад келтирмайди. Қисқа муддатли кредитлардан унадиган фоиз, векселларни дисконтлаштиришдан келган пул ҳам бўлмайди. Ноликвид маблағлар, аксинча, даромадни кўпроқ беради. Ўз-ўзидан маълумки, узоқ муддатли кредитлар учун фоиз анча юқори бўлади. Санъат асарлари, бинолар ва осори атиқа буюмларининг нархи вақт ўтиши билан ошиб боради, улар сотилган тақдирда ҳам катта фойда беради. Ликвидлик билан фойда кўриш бир-бирига зид. Шу сабабли банклар ҳам нақд пулга эга бўлиш, ҳам фойдани кўпайтириш учун ликвидли ва ноликвид маблағларни энг маъқул нисбатда сақлаб боришга интиладилар. Тижорат банклари ўз иши учун жавобгар, ўз харажатларини тўла қоплаб, фойда ҳам олиши керак, чунки у бизнес билан шуғулланади. Бунинг уддасидан чиқмаган банк банкрот бўлиб, ёпилиб кетади.

**ТИЖОРАТ ВАКИЛИ** — маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида даллаллик қилувчи шахс. Тижорат вакилига товарга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилмайди. Кўпгина ишлаб чиқарувчиларнинг белгиланган минтақада ўз тижорат вакили бўлади. У ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми ёки ҳаммасининг сотилишини ташкил қилиши (маҳсулот баҳоси ва

сотиш шартлари ишлаб чиқарувчи томондан белгиланади) учун ишлаб чиқарувчи маҳсулотига харидор излайди, кўрсатиладиган маиший хизматлар доирасини келишади, товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам беради.

**ТИЖОРАТ СИРИ** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқи номоддий объектиларидан бири. Тижорат сир бўлган ахборот, башарти, бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда қонун билан ҳимоя этилади.

**ТИЖОРАТЧИ БЎЛМАГАН ТАШКИЛОТ (Нотижорат ташкилот)** — фойда олиш мақсадини кўзламай муайян фаолият (маданий, маърифий, сиёсий, хайрия ва ҳоказо) билан шуғулланиш мақсадида тузилган юридик шахсдир. Тижоратчи бўлмаган ташкилот жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва шу каби шаклларда ташкил этилади. Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўз уставида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Бинобарин, тижоратчи бўлмаган ташкилот тadbиркорлик асосида олган даромад нотижорат ташкилот муассислари, иштирокчилари ўртасида тақсимлаб олиниши мумкин эмас.

**ТИЖОРАТЧИ ТАШКИЛОТ** (рус. *коммерческая организация*) — фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

**ТИНЧЛИК ҲАҚИДА ДЕКРЕТ** — Бутунроссия советлари II съездида 8 ноябрь (26 октябрь) 1917 йилда қабул қилинган. Декретда инқилоб натижасида яратилган ишчи ва деҳқон ҳукумати барча урушаётган халқларга ва уларнинг ҳукуматларига адолатли ва демократик сулҳ тузиш тўғрисида дарҳол музокаралар бошлаб юборишни тавсия қилади. Ҳукумат адолатли ва демократик сулҳ деб аннексиясиз (ўзгалар ерини босиб олмасдан, бошқа халқларни зўрлик ишлатиб қўшиб олмасдан) ва контрибуция (урушда енгилган давлатнинг енгган давлатга тўлайдиган товони)сиз сулҳни тушунади, дейилади. Декретда асло

кечиктирмай бундай сулҳ тузиш таклиф қилинади. Европадами, океан ортидаги ерлардами, катта ёки кичик миллатга тегишли ерми, барибир — чегарага туташ ҳудудни қандай сабаб ва шаклларда бўлмасин босиб олиш — аннексиядир. Декретда айтилишича, кучли ва бадавлат миллатлар томонидан кучсиз қавмларни босиб олиш учун урушни давом эттириш инсониятга қарши қаратилган энг оғир жиноят, деб қораланади. Бинобарин, совет ҳукуматининг бу шартларини дўқ-пўписа билан билдирилган қатъий талаб деб қаралмаслигини ва у урушаётган томонларнинг ҳар қандай шарт ва талабларини кўриб чиқишга рози эканлиги, фақат улар замирида қандайдир махфий сир ётмаслигини ва бундай таклифлар ҳеч бир иккиланмай ва асло кечиктирилмай кўриб чиқилишини таклиф қилади. Ҳукумат махфий дипломатияни ман қилади, шунингдек, Декретда 1917 йилнинг февралидан бошлаб то 25 октябрга қадар помешчик ва капиталистлар ҳукумати томонидан тузилган яширин шартномалар дарҳол эълон қилинажagini, бинобарин, бу махфий шартномалар великоросс помешчик ва капиталистларига манфаат келтиришга ва аннексияни кучайтиришига сабаб эканлигини инobatга олиб, ҳукумат уларни сўзсиз ва дарҳол бекор қилганлигини бутун жаҳон олдида очиқ баён қилган. Ҳукумат ўз томонидан ёзишмалар, телеграф орқали, вакиллар воситасида сулҳ тузиш тўғрисида ҳукуматлар билан дарҳол очиқ музокаралар олиб боришни таклиф қилади. Декретда тагин мазкур урушда қатнашаётган учта йирик мамлакат — Англия, Франция ва Германиянинг инқилобий анъаналарга бой ва тараққиёт ишига энг кўп ҳисса қўшган илғор миллатларга, уларнинг ҳукуматларига сулҳ таклиф этиб мурожаат этаётганлиги баён қилинган.

**ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ** — турли ижтимоий тузумга мансуб мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар хилма-хил бўлиб, у урушдан, воз кечишни, низоли масалаларни куч ишлатиб ёки дўқ-пўписалар воситаси билан эмас, уларни музокаралар йўли билан уларнинг ички ишларига аралашмасдан бир-бирларини ўзаро қонуний манфаатларини ҳисобга олиб иш тутишни; халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари мустақил ҳал этишларини; давлатлар суверенитети ва ҳудудий дахлсизлигини ва уларнинг чегаралари мустаҳкамлигини қатъиян ҳурмат қилишни; тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорликни; умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ ва шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни ҳалол бажаришни тақозо этади. Тинч-тотув яшаш жаҳондаги барча халқлар манфаатларига жавоб беради, улар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиши учун, фан ва

техника янгиликлари, маданий ва маънавий қадриятлар билан ўртоқлашиш учун шароит яратади; халқларни ташқи хавф-хатардан қўриқлаб, миллий ва социал тараққиёт йўлидан мустақил ривожланишини таъминлайди, жуда катта бой имкониятлар ва кишилар меҳнатидан фақатгина бунёдкорлик мақсадларини кўзлаб, улугвор муаммоларни ҳал қилиш учун шароит яратиб беради. Жаҳондаги айрим давлатлар қўлида замонавий даҳшатли қирғинбарот қуроли тўпланганлиги ва муайян хавф-хатарнинг вужудга келтирилганлиги ҳолати давлатлар ўртасидаги муносабатлар фақатгина тинч-тотув яшаш, тинч рақобатчилик шаклидагина ҳаёт кечириши мумкинлигини тақозо этади. Чунки бундай шароитда тинч-тотув яшаш сиёсатига бас келадиган ва тенг келадиган бошқача андоза йўқ. Шу боис тинч-тотув яшаш йўли давлатлар ўртасидаги муносабатларда бирдан-бир энг ноёб йўл эканлигини ҳаёт тобора теран исбот қилиб бормоқда.

**ТОВАР БЕЛГИСИ** — жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган бир турдаги товарларга бошқа жисмоний ёки юридик шахсга тегишли шунга ўхшаш туркумдаги товарлардан ажратиш учун махсус олинган белги. Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуққа эгадир. Товар белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қанақасига муомалага киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади. Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт (Фуқаролик кодексининг 1107-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 97-моддасига мувофиқ фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказолар фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи сифатида эътироф этилади.

**ТОВАР БИРЖАСИ** — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, биржа савдосини ташкил қилиш йўли билан улгуржи бозорни амалга оширувчи ва тартибга солувчи ташкилот. Товар биржаси очиқ ва оммавий савдо шаклида, олдиндан белгиланган жой, вақт ва тартибда ўтказилади. Ушбу талабларга жавоб беришга қодир бўлмаган ташкилот ўз номида “товар биржаси” ёки “биржа” деган сўзларни ишлата олмайди.

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСНИ ЭКИПАЖИ БИЛАН ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ** — ижара шартномасининг алоҳида тури (Фуқаролик кодексининг 564-моддаси). Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича

ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

**ТРАНСПОРТ ЮКХАТИ** — ташиш шартномаси, ташиш шартларини, ташувчининг юк юборувчидан юкни қабул қилганлигини тасдиқлайдиган ташиш ҳужжати. Ташиш юкхати тузиш ва техник воситаларни уни тузишда фойдаланиш ташиш қоидалари билан ўрнатилади.

**ТРАСТБАНК** (ингл. *trust*) — қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан фуқаролар ва ташкилотлар омонатларини ҳақ эвазига маълум муддатга жалб этишдир.

**ТУРАР-ЖОЙ ҲУЖЖАТИ** — муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйлари билан турар-жой бериш тўғрисидаги қарор асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органи фуқарога берилган турар жойга кўчиб кириш учун асос бўладиган ягона намунадаги ҳужжат (ордер).

**ТУРИЗМ** (франц. *tourisme*) — Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшаб турган жойидан, ўз мамлакати бўйлаб ёки бошқа мамлакатларга саёҳат (ҳозирги вақтда, одатда, махсус ташкил этилади ва яқка тартибда бўлмайди). Бундай саёҳатда дам олиш спорт унсурлари ва теварак атроф муҳитини, табиатини, тарихини ва ҳоказоларини яқинроқ ўрганиш, билиш мақсадида саёҳат қилиш ҳисобланади. Дунёни кўриш, билиш, ўрганиш ҳамда дам олиш мақсадида қилинадиган сайру саёҳатдир. Жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий, амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

**ТУРИСТИК АГЕНТЛИК ФАОЛИЯТИ** — муайян бош ташкилотнинг топшириги ёки ваколати билан у ёки бу саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолиятдир. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларини ташкил этиш борасидаги фаолият туристик фаолият дейилади.



**ТУРМА** — Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига биноан ахлоқ тузатиш муассасасининг тури. Турмага қамаш тариқасида озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга: а) ўта хавфли рецедивистларга; б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

**ТУГИЛИШНИ ҚАЙД ЭТИШ** — фуқаролик далолатномаларини қайд этишнинг бир тури, ваколатли давлат органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда ва шаклда олиб борилади. Туғилишни қайд этиш иқтисодий, сиёсий ва демократик, ижтимоий статистик аҳамиятга эга бўлган давлат фаолияти, ҳуқуқий жиҳатдан туғилишнинг қайд этилиши муайян фуқаролик ва бошқа ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 205-моддасида айтилишича: “Болалар туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим. Боланинг ўлик туғилганлиги, тиббий муассасанинг маълумотига биноан 24 соат давомида шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади”. Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”да (24-боб) туғилишни қайд этиш тартиблари ва ана шундай қайд этиш билан боғлиқ равишда юзага келадиган масалаларнинг ҳал этилиш тартиблари кўрсатиб қўйилган. Туғилиш қайд этилганлиги тўғрисида манфаатдор шахсларга давлат герби тасвирланган махсус гувоҳнома берилади.

**ТУГИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА** — боланинг тirik туғилганлиги факти фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан қайд этилганлиги тўғрисида манфаатдор шахсларга берилган ёзма ҳужжат, гувоҳномадир. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 202-моддасига мувофиқ: “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари асосида қатъий ҳисобда турадиган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси қўйилган, давлат герби тасвирланган гувоҳномалар берилади”. Бундай гувоҳнома берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда давлат божи олинади. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома шахснинг қайси давлат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи сўзсиз ҳужжат бўлиб, келгусида муайян ҳуқуқларни амалга ошириш, фуқаролик паспорти олиш, вояга етмаган шахслар шах-

сини аниқлаш ва бошқа кўплаб масалаларни ҳал этилишида туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома муҳим аҳамиятга эга бўлади. Туғилганлик гувоҳномасига боланинг насл-насаби (ота-онаси) никоҳни қайд этиш гувоҳномаси асосида, эр-хотиннинг биргаликда берган аризасига кўра ёки оталик (оналик)ни белгилаш тўғрисидаги суд қарори асосида кўрсатилади. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома боланинг ушбу ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи сўзсиз ҳужжат ҳисобланади. Фамилия, исми, отасининг исми ўзгартирилган ҳолларда, бу гувоҳнома йўқотилганида унинг бошқа нусхасини (дубликатини) бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган.

**ТУҲМАТ** — била туриб бошқа бир шахсни шарманда қилиш учун ёлғон ва уйдирмалар тарқатиш. Туҳмат учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам мавжуд: а) нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали туҳмат қилиш; б) оғир ёки ўта оғир жиноят этишда айблаб; в) оғир оқибатлар келиб чиқишга сабаб бўлган ҳолда; г) хавфли рецидивист томонидан; д) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда туҳмат қилишдан иборатдир. Туҳмат энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган туҳмат уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Чет давлатлар ҳуқуқида “туҳмат” тушунчаси «диффамация» дейилади.

**ТҶЛА ОРТИЛГАН ЮК** — денгиз билан ташиладиган юк шартномасининг шарти бўлиб, унда юкнинг сони кўрсатилмайди. Аммо фрахтга олувчи юкни тўла ортиши лозим, яъни кемага юклаш учун кеманинг юк кўтариш сифимига тўла мос келадиган юкни тақдим этиши лозим.

## “у”

**УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ** (рус. *товарищество собственников жилья*) — уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланиши, унинг сақланишини биргаликда бошқариш ва таъминлаш, умумий фойдаланишдаги объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари ҳамда тартибини белгилаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги ҳолатини таъминлаш мақсадида тузилган бирлашмасидир. Ширкат юридик шахс ҳисобланади, у ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб варақаларга эга бўлади. Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча

мол-мулк билан жавоб беради ҳамда ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ширкат мол-мулки, бошқарув органлари ва уларнинг тизими, ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

**УЙ-ЖОЙ ФОНДИ** — инсоннинг яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан, уйлар, квартиралар, хизмат турар-жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат уйлар, шунингдек, болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат бўлган фонд. Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланган жойлар уй-жой фондига кирмайди. Уй-жой фонди хусусий ва давлат уй-жой фондларидан иборатдир.

**УЙИБ ҚЎЙИЛАДИГАН ЮК (Қопланмайдиган юк)** — қопланмасдан ёки уйиб ташиладиган юк, кўмир, буғдой, руда, ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар (товарлар).

**УМУМИЙ МУЛК** (рус. *общая собственность*) — икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Умумий мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар белгилаб қўйилмаган (биргаликдаги) ҳолда мавжуд бўлиши мумкин.

**УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТЕМИР ЙЎЛЛАР** — темир йўллар бўйлаб темир йўл бекатлари (станциялар)да тегишли операцияларни бажариш учун, яъни поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юкларни, багаж, юк багажларини қабул қилиш ва жўнатиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда поездларни тузиш учун тепловоз ва вагонлар ҳаракати ишларини (маневр) амалга ошириш учун ташкил этилган.

**УНИТАР ДАВЛАТ**, давлат тузилиши шаклларида бўлиб, федерация ёки конфедерациядан фарқли ўлароқ унинг ҳудуди таркибида федерация бирликлари (субъектларига) ўхшаш штатлар, ерлар, автоном республика, автоном область, автоном округ кабилар бўлмайди. Балки унитар давлат маъмурий-ҳудудий районлар, вилоятлар, ўлкалар ва ҳоказодан таркиб топади.

## УНИТАРИЗМ — Қаранг: “Унитар давлат”.

**УРУҒЧИЛИК** юзасидан вужудга келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги 1996 йил Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур Қонунга кўра, унинг асосий вазифалари қилиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ўз уруғчилик базасини яратиш; навни янгилаш ва навни алмаштириш жараёнида уруғчилик навлари ва дурагайлариининг биологик ҳамда хўжалик жиҳатидан қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш; йўқолиб бораётган қимматли навларнинг генофондини сақлаб қолиш; мамлакатимиз иқлим шароитларига мосланган янги нав ва дурагайлар яратиш; қишлоқ хўжалигини серҳосил ва юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш; уруғчиликка жаҳон тажрибаси ютуқларини жорий этиш ва бошқалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича инспекция соҳадаги давлат органлари бўлиб ҳисобланади.

**УЧИНЧИ ШАХС ФОЙДАСИГА ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМА** (рус. *договор в пользу третьего лица*) — тарафлар қарздорликка ижарани кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади. Қарздор кредиторга қарши қўйиши мумкин бўлган эътирозларини шартномада учинчи шахснинг талабларига қарши қўйишга ҳақлидир.

## “Ф”

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ** — фуқаролар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан белгиланган тартибда (қонуний равишда) чеклашга ва уларга қўшимча вазифа юклашга йўл қўювчи махсус ҳуқуқий тартиб. Фавқулудда вазият жорий этилиши аҳоли кўпчилигининг ҳаётига хавф туғдирувчи, меҳнат қобилиятига қайтарилмас зарар етказиш оқибати билан боғлиқ. Фавқулудда вазият ҳар доимги ҳаёт ва фаолиятга эришиш ёки уларга қайта тиклаш учун жорий этилади ва мавжуд бўлган ҳолатни бартараф қилиш учун кўп куч ва маблағ — моддий ва ижтимоий-психологик ҳаракатларни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 93-моддаси 15-бандида таъкидланишича, фавқулодда вазият жорий қилиш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим: реал ташқи хавф, табиий офатлар, йирик ҳалокатлар, оммавий тартибсизликлар, эпидемиялар. Конституциянинг 93-моддасига биноан давлатнинг бутун ҳудудида ёки унинг бир қисмида фавқулодда вазият жорий этиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади ва Олий Мажлиснинг тасдиғига киритилади.

**ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ**да фарзандликка олувчи билан фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ 15 ёшдан кам бўлмаслиги керак. Фарзандликка олинаётган бола ўн ёшга тўлган бўлса, албатта, унинг розилиги талаб этилади. Агар болалар эр ёки хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги бўлиши талаб этилади. Фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси қонун билан аниқланган бўлиб, улар қуйидагилардир: а) турар — жойидан қатъи назар, фарзандликка олувчининг қариндошлари, б) фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс; в) ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмаган фарзандликка олаётган шахслар; г) ўгай ота ва ўгай она; д) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; е) касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

**ФАРЗАНДЛИККА ОЛУВЧИ** вояга етган эркак ёки аёл фуқаро бўлиши мумкин. Қонунга биноан айрим шахсларнинг фарзандликка олувчи бўлиши тақиқланади, хусусан: а) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, б) қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, в) асаб касалликлари ёки нарколегия муассасаларида турувчилар, г) фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, д) қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

**ФЕДЕРАЦИЯ** (кейинги асрлар лотин. *Federatio* — иттифоқ, бирлашув) — 1) Давлат тузилиши шаклларида дир. Федерация (мураккаб давлат), бир неча давлатлар — иттифоқдош республикалар ёки мухторият — давлат тузилмаларининг бирлашган иттифоқидир. Бундай давлат таркибига кирувчи федератив birlikлар — федерация аъзолари (масалан, ҳудудий ерлар, штатлар) муайян мустақилликка — ўз суверенитетига эга бўлиб, бу ҳолат уларнинг конституцияларида мустаҳкамланган бўлади,

яъни ўз конституцияси, қонунчилиги, ижро органлари, суд органларига эга бўлади. Бинобарин, ягона иттифоқ — федерал давлат ҳокимияти органлари, ягона фуқаролик, пул бирлиги ва ҳоказо ўрнатилади. АҚШ, Ҳиндистон, Германия каби давлатлар ана шундай федерация давлатларидир. Демак, федерация унитар давлатлардан фарқли ўлароқ, давлат ҳокимияти олий органларининг икки босқичли бўғинига — федератив (иттифоқ) олий ҳокимият ҳамда федерация аъзолари (субъектлари) ҳокимият органларига эга бўлади. 2) Федерация бошқа маънога ҳам эга, халқаро ёки миллий жамоат ташкилотлари (масалан, Халқаро хотин-қизлар демократик Федерацияси, Спорт федерацияси кабилар).

**ФИДУЦИАР(ИЙ)** — Фарб ҳуқуқий атамашунослигида бошқа шахснинг топширилган мулки учун жисмоний ва юридик шахснинг жавобгарлиги.

**ФИЛИАЦИЯ** (ингл. *filiatio*; лотин. *filius* — ўғил) — конституциявий ҳуқуқда шахснинг туғилиши билан давлат фуқаролигини олиши. Филиация тартибида фуқаролик “қон ҳуқуқи” ва “замин ҳуқуқи” тамойиллари асосида вужудга келиши мумкин. Биринчисида бола туғилган жойидан қатъи назар ота-онасининг фуқаролигини олади, иккинчисида бола, ота, онасининг фуқаролигидан қатъи назар, қайси ҳудудда тугилса, ўша ер фуқаролигини олади. “Замин ҳуқуқи” тамойили асосан Лотин Америкаси мамлакатларида қўлланилади. Кўп ҳолларда иккала тамойил бирга ҳам келиши мумкин.

**ФОНД** — муайян мақсадга мўлжалланган ва муайян ва-зифани бажариш, пул ва бошқа мол-мулкдан ташкил топган жамғарма, тўплам. Иқтисодиётда, молия, кредит, банк, сугурта ва бошқа соҳаларда маълум мақсадни кўзловчи турли фондлар ташкил этилиши мумкин. Бу фондларни шакллантириш манбалари ва тартиби, уларни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш билан боғлиқ масалалар, ушбу фондларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий мақоми ҳамда режими қонунчилик актлари, ушбу фондларни таъсис этувчилар ўртасидаги ўзаро келишув, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади. Давлат молиявий муносабатлари предмети бўлган турли пул ва бошқа фондларнинг ҳуқуқий режими тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви актлари билан белгиланади. Ҳозирги пайтда илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳам турли фондлар юзага келмоқда ҳамда бу тушунча молиявий мазмунидан ташқари бошқача маъноларни ҳам касб этмоқда.

**ФОРС-МАЖОР** деб, ҳуқуқ соҳасида мажбурият олинган пайтда енгиб бўлмас куч таъсирида фавқулодда ва бартараф этиб бўлмас ҳолат юзага келиши натижасида мажбуриятдан озод қилиш ҳодисаларига айтилади (Фуқаролик кодексининг 333-моддаси). Бундай ҳолат одатда шартноманинг бажарилмаганлиги учун мулкӣ жавобгарликдан озод қилади. Деярли барча ташқи савдо контрактларида форс-мажор ҳолатлари содир бўлганда шартномаларнинг бажарилиши муддатини уларнинг амал қилиш вақтигача кўчириш ҳамда бундай ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш ёхуд томонни шартномадаги мажбуриятларни бажаришдан ҳеч қандай жазо чоралари кўрмай тўла ёки қисман озод этишга рухсат берувчи моддалар ва қисқа муддатли ҳолатларга ажратиш мумкин. Узоқ муддатли форс-мажор ҳолатларига, одатда, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш чоғида экспорт (баъзан импорт) операцияларни тақиқлаш, валюта чекловлари жорий этиш ёки ҳукумат томонидан кўриладиган бошқа чора-тадбирлар киради; қисқа муддатли форс-мажор ҳолатларига ёнғин, zilзила ва бошқа табиий офатларни, иш ташлашлар ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Ташқи савдо контрактларида, одатда, томонлар форс-мажор деб ҳисоблайдиган энг кўп миқдордаги эҳтимол тутилган ҳолатлар санаб ўтилади. Жумладан, транспорт воситаларини олиш имкони бўлмаганлиги, ишлаб чиқаришдаги авария, электр энергиясининг етишмаслиги ҳам шундай ҳолатларга киритилади.

**ФРАХТ** (нем. *Fracht*) — асосан денгиз транспорти эгасига транспорт воситаларининг йўловчи ва юк ташиш борасида кўрсатган хизматлари учун тўланадиган ҳақ, шунингдек, шартнома шартларига боғлиқ равишда юк ташиш, тушириш ва тахлаш учун тўланадиган ҳақ. Бу ўринда кўпинча фрахтчининг ўзи, яъни транспорт воситаларининг эгаси (фрахт олувчи) билан юк ташиш тўғрисида шартнома тузган шахс тўловчи бўлади. Одатда, фрахт ташиш тугаганидан сўнг тўланади. Фрахт иккала томоннинг келишуви ёки амалдаги ёхуд йўл тарифи асосида белгиланади. Фрахт юкларни тушириш, юклаш, жойлаштириш ва ташишни ўз ичига олади. Юк жўнатувчи томонидан кема эгасига юкни белгиланган жойга етказиб берилганлиги учун тўланиши лозим бўлган шартномали тўлов ҳисобланади.

**ФРАХТА АВАНСИ** — фрахта шартномасига биноан юкни топширувчи, яъни фрахтачи томонидан юкни белгиланган портга етказиб берганлиги ва кемага юкланганлиги учун унга тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ одатда фрахтчининг иш ҳақи деб ҳисобланади ва қайтариб олинмайди. Бундай ҳолатда юк эга-

си суғурта манфаатига эга, чунки фрахта аванси суғурта объекти бўлиб ҳисобланиши мумкин. Агар шартномада назарда тутилган бўлса, фрахта аванси умумий суммасидан бир қисми олдиндан тўланган бўлиб, қолган қисми юк тегишли портага етказиб берилгандан кейин ҳам тўланиши мумкин. Фрахта авансининг тўланган бир қисми коноссаментда (*Каранг*: “Конассамент”) ёзилган бўлади ва юк етказиб берилган портада бостириб олинади.

**ФУҚАРО** — ҳуқуқий асосда муайян давлатга мансуб бўлган шахс. 1) Фуқаро тегишли ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган. Муайян давлат фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати ушбу давлат ҳудудида яшаб турган бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан фарқ қилади. Масалан, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат ушбу давлат фуқароларига тегишлидир. 2) Фуқаролик ҳуқуқига биноан фуқаро фуқаролик муносабатларида иштирок этувчи фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг бир тури бўлиб ҳисобланади. Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиши лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаро ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулки мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари, тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқ қўйилмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарни тўлашни талаб қилишлари; машғулот тури ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари, шунингдек, бошқа мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

**ФУҚАРОЛИК ДАЪВОСИ** — жиноят содир бўлиши ёки шартномага асосланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки шартномага асосланмаган мажбуриятларнинг вужудга келиши натижасида фуқарога ёки ташкилотларга етказилган зарарни тўланишини талаб қилиш ҳақидаги даъво. Даъво кўзғатиш асослари, тартиби Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят процессуал кодекси нормалари билан белгиланади.



**ФУҚАРОЛИК ИШИ** — Фуқаролик процессуал кодексда назарда тутилган қоидаларга асосан фуқаролик судида кўриладиган ишлар фуқаролик иши дейилади. Фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги низолар бўйича вужудга келган ишлар; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ҳамда юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш бўйича низолар бўйича, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқароларга, юридик шахсларга етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳақидаги даъволар бўйича ишлар; юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш бўйича ишлар ва бошқа муҳим ишлар фуқаролик иши қаторига кирилади.

**ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ** — маълум системага эга бўлган ягона қонуний ҳужжат. Фуқаролик кодексда назарда тутилган қоидалар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибда солади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми 1996 йил 29 августда тасдиқланди ва иккала қисми 1997 йил 1 мартдан амалга киритилди.

**ФУҚАРОЛИК НИКОҲИ** (рус. *гражданский брак*) — масжид, черков ва бошқа диний йўл билан эмас, балки тегишли давлат ҳокимияти идораси томонидан тасдиқланган никоҳ фуқаролик никоҳи, шунингдек, ҳақиқий деб ҳам аталади.

**ФУҚАРОЛИК** — жисмоний шахснинг муайян давлат билан ҳуқуқий алоқасининг барқарорлигидан иборат фуқаролик маълум жисмоний шахслар гуруҳини муайян давлатга тегишли эканлигини, мансублигини билдиради. Ўз фуқароларига эга бўлиши ҳар қандай давлатнинг зарурий белгиларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлган жисмоний шахс билан Ўзбекистон давлати ўртасидаги доимий, барқарор сиёсий-ҳуқуқий боғланиши, ўзаро муносабатлар тизимини юридик расмийлаштиру-

ви воситасидир. Бу алоқа, боғланиш давлат ва фуқаронинг бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ўз ифода-сини топади. Давлат билан фуқаро ўртасидаги алоқа энг аввало сиёсий харктерга эга. Бу алоқа, боғланиш ҳуқуқий характерга ҳам эгадир, чунки давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабат мазмуни ҳуқуқий нормаларда олдиндан белгилаб қўйилган ва ҳар иккала тараф учун ҳам уларга риюя қилиш, амалга ошириш мажбурий. Ўзбекистон давлати ва унинг фуқароси ўртасидаги мана шундай доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида мавжуд бўла олмайди. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 117-моддасига биноан фақат Ўзбекистон фуқароларигина давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини ташкил этишга (сайлашга) ҳақли бўлган субъектлар ҳисобланади. Конституциянинг 77, 90-моддаларига мувофиқ фақат Ўзбекистон фуқароларигина қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятида бевосита масъул лавозимларни эгаллашга (сайланишга) ҳақлидирлар. Айни вақтда Ўзбекистон фуқаролари зиммасига фахрли ва масъулиятли бурч — Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурлиги (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси) юкланади.

Ўзбекистон давлати мамлакат ҳудудида ва унинг ташқари-сида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Ўзбекистон фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар, барча учун тенгдир. Қарақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик, фуқароликни олиш, фуқароликнинг тўхтатилиши, болаларнинг фуқаролиги, фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритувчи давлат идоралари, уларнинг вақолатлари ва бошқа масалалар 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

**ФУҚАРО (Жисмоний шахс)** — 1) конституциявий ва халқ-аро ҳуқуқ соҳасига кўра, маълум бир давлатга ҳуқуқий асосда тегишли бўлган шахс. Фуқаро қонунда белгиланган ҳуқуқ лаёқ-атиға, ҳуқуқ ва эркинликларга эга ва унга қонунда белгиланган мажбуриятларни бажариш ҳам юклатилган. Муайян давлат фуқароси, шу давлат ҳудудида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан кескин фарқ қилади. Хусусан, айнан давлат фуқароси сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга; 2) фуқаролик ҳуқуқида, фуқаролик ҳуқуқи субъекти,

фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларидан бири. Барча фуқаролар тенг ҳуқуқларга эга ва қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришда иштирок этишлари шарт. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари, битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарни тўланишини талаб қилишлари, машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига ҳам эга бўлишлари мумкин. Фуқаролар бошқа мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари ҳам мумкин.

**ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслардир (“Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар. Ҳозирда фуқаролиги бўлмаган шахсларга бирор давлат фуқаролигини қабул қилишлари учун бирмунча имтиёзлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш учун улар: а) Ўзбекистонда 5 йил давомида муқим яшашлари, қонуний тирикчилик манбалари мавжудлиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тан олишлари ва бажаришлари лозим (“Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси). Мазкур шартлар бажарилган тақдирда муқим яшаш жойларидаги ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилиниш орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олинади. Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

**ФУҚАРОЛИК** — шахснинг аниқ бир давлатга сиёсий ва ҳуқуқий мансублиги. Аниқ бир давлат фуқаролигини қабул қилувчи шахс мазкур давлат қонунлари ва фармонларини бажариш мажбуриятини олади. Давлат эса ўз навбатида фуқароларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришни, шунингдек, ўз фуқароларини хорижда ҳимоялашни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июндаги “Фуқаролик тўғрисида”-ги Қонунига кўра фуқароликни қабул қилиш тенг асосларга кўра қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: туғилишга кўра; фуқаролик берилишини сўраб ариза берилиши билан; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида кўзда тутилган бошқа усуллар билан. Мазкур қонуннинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг бекор бўлиши ихтиёрий тарзда фуқароликдан чиқиш, фуқароликни йўқотиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан боғлиқ бошқа асосларга кўра рўй беради.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилиши. Бунда инсониятга эркин иқтисодий ва сиёсий ҳаёт шаклини танлаш кафолатланади, инсон ҳуқуқлари мафкурада плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) таъминланади. Фуқаролик жамияти жамиятга хизмат қилувчи давлат фаолиятини назорат қилади.

**ФУҚАРОЛИК ИШИ** — фуқаролик процессуал қонунчилигида назарда тутилган тартибда ҳар қандай ишнинг фуқаролик судида кўриб чиқилиши.

**ФУҚАРОЛИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАНЛАГАН ҲУҚУҚ** (*Lex voluntatus*) халқаро хусусий ҳуқуқда фуқаролик муносабатларининг иштирокчилари танлаган давлат ҳуқуқининг қўлланишини англатади. Ҳуқуқни бундай танлаш усули фақат фуқаролик муносабатларининг бир тури — шартномавий мажбуриятларда қўлланилади. Бу коллизия бoғлама умум эътироф этилган формула ҳисобланади. Миллий коллизия он ҳуқуқ ва халқаро шартномалар шартнома мажбуриятларида коллизия масалаларни ҳал этишда тарафларнинг эрки ҳал қилувчи эканлигини эътироф этади. Ушбу формула яна “эрк автономияси” деб ҳам аталиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1189-моддасида “шартнома, агар қонунда

бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади” деб кўрсатилган.

**ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ АКТАРИ** — инсон ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисалар бўлиб, улар фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш давлат идораларида албатта рўйхатдан ўтказилади; фуқаролик ҳолати актлари тушунчаси ушбу воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ёзувларни ҳам ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига кўра, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш маҳаллий ҳокимият идораларига топширилган. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари мазкур маҳаллий ҳокимиятларнинг адлия бошқармаларига ёки бўлимларига бўйсуниб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг туғилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш ҳолатларини қайд этадилар. Шунингдек, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинснинг ўзгартирилиши каби воқеа ва фактлар юқорида назарда тутилган фуқаролик ҳолати актларига тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан ифодаланади.

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувлари аҳоли сони, таркиби, ёши, қариндошлик ва никоҳ муносабатларини аниқлашда асосий далил ҳисобланади.

**ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ** — фуқаро ҳаётидаги асосий воқеа (ҳолатларнинг) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан мажбуран ёзма рўйхатга олиш. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида: туғилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳдан ажралиш, шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши билан боғлиқ қонунда мустаҳкамланган бошқа ҳолатларнинг қайд этилиши назарда тутилади.

**ФУҚАРОНИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШ** (рус. *признание гражданина безизвестно отсутствующим*) — агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 33-моддаси). Йўқолган шахс тўғрисида маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги

ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса — кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

**ФУҚАРОНИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШ ОҚИБАТЛАРИ** — бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкани доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади. Ушбу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқиши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади ва унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади. Васийлик ва ҳомийлик органи йўқолган фуқаронинг қаердалиги тўғрисида маълумот олинган кундан бошлаб бир йил ўтгунга қадар ҳам унинг мол-мулкани муҳофаза қилувчи шахсни белгилаши мумкин. Шахсни бедарак йўқолган деб топишнинг юқорида кўрсатилганлардан бошқа оқибатлари қонун билан белгиланади.

**ФУҚАРОНИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ** — бедарак йўқолган фуқаро қайтиб келган ёки унинг турар жойи аниқланган тақдирда, суд уни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорни бекор қилади. Суднинг қарори асосида фуқаронинг мол-мулкани бошқариш бекор қилинади.

**ФУҚАРОНИ ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ** (рус. *объявление гражданина умершим*) — агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти, у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мабайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилади. Бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин. Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорининг кучга кириш вақти, вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг оқибатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 36—37-моддаларида нормаланган.

## “Х”

**ХАБАР ҚИЛИШ ЁРЛИҒИ** — хат бўлиб, дипломатик алоқаларда бир давлатнинг бошлиғи бошқа бир давлатнинг бошлиғига ўз лавозимига сайланганлиги ва шу лавозимда иш бошлаганлиги ҳақида хабар беришидир. Хабар қилиш ёрлиғи, одатда, бу давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашни кўрсатиш ва улар билан келажакда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш хоҳиши борлигини билдиради. Хабар қилиш ёрлиғи дипломатик йўллар орқали жўнатилади.

**ХАБЕАС САНА** (лотин. *habeas data*) — қатор давлатлар конституциявий ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг юридик чораларидан бири. Биринчи марта Бразилия Конституциясида 1988 йилда мустаҳкамланган. Ҳар қандай шахснинг (ёки фақат фуқаронинг) ўзига тегишли бўлган, ҳар қандай архив (шунингдек, давлат хавфсизлиги архивларида ҳам), ёки муассасаларда сақланаётган ҳар қандай маълумотлар билан суд тартибида таништиришни талаб қилиш ҳуқуқи. Инглиз институти ҳисобланган “Хабеас корпус” номидан келиб чиққан (*Қаранг:* «Хабеас корпус»).

**ХАБЕАС КОРПУС** — айрим ҳолатларда манфаатдор шахсларга озодликдан маҳрум қилиш асосларини текшириш мақсадида судга маҳбус ёки ушланган шахсни келтиришни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи инглиз процессуал ҳуқуқи институти. Хабеас корпус номи озодликдан маҳрум қилинган шахсни судга келтириш тўғрисидаги судья буйруғининг дастлабки “*Habeas corpus ad subjiciendum*” (Сен маҳбусни судга келтиришга мажбурсан) сўзларидан келиб чиққан. Бу институт XV асрда вужудга келган ва 1679 йилда расмийлаштирилган. Ҳозирги вақтда хабеас корпус институти эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатловчи конституциявий кафолат сифатида кўпгина давлатларга (аввало, англосаксон ҳуқуқ тизимидаги ва Лотин Америкаси давлатларига) тарқалган.

**ХАВФ-ХАТАР ҲОЛАТИ** — тинчликка хавф-хатар солувчи ҳолат. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ҳар бир аниқ дискрецион вазият аниқланади ва БМТ Уставининг 7-бўлимига асосан халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбир кўриш, тавсиянома ёки қарор қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. 1974 йилдаги тажовузкорлик, намунавий рўйхатни ичига олган ажримдан, тажовузкорлик актлари (ҳужжатлари) фарқ қилади. Ҳозирги вақтгача

хавф-хатар ҳолатини аниқ белгиловчи халқаро ҳужжатлар мавжуд эмас.

**ХАВФЛИ РЕЦИДИВ** — шахснинг содир этиб судланган жиноятга ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши.

**ХАВФЛИ ЮК** — заҳарли, кимёвий, портлайдиган ва радиоактив моддалар ва бошқа материаллар бўлиб, уларнинг ташилиши, туширилиши ва сақланиши учун махсус режим талаб этилади.

**ХАЗИНА ВЕКСЕЛЛАРИ** — пул маблағларига бўлган жуда ҳам қисқа муддатли эҳтиёжини қондириш мақсадида чиқарилади. Улар бўйича қарзни тўлаш муддати бир йилгача бўлади. Хазина векселлари одатда ким ошди савдосини ўтказиш йўли билан тарқатилади: улар номинал баҳосидан имтиёз (скидка) билан сотилади. Векселни сотиш баҳоси билан скидка билан сотилган баҳо ўртасидаги фарқ вексел эгасининг даромадини ташқил қилади. Хазина ноталари пул маблағларига бўлган қисқа ва ўрта муддатли эҳтиёжни қондириш мақсадида чиқарилади. Улар бўйича қарзни тўлаш муддати 1 йилдан 10 йилгача бўлади. Хазина ноталари купонли бўлиб, уларда тўлов муддати ва фоиз ставкалари кўрсатилган бўлади. Хазина ноталари бўйича облигациялари турли муддатларда чиқарилади. Қарзни узиш муддати 10 йилдан ошиқ бўлади. Улар ҳам купонли бўлиб, унда тўлов муддати ва фоиз ставкаси (4—14 фоиз атрофида) кўрсатилган бўлади.

**ХАЗИНА** иқтисодиётга оид адабиётларда хазина тўлов воситасини ҳам бажариши мумкинлиги қайд этилган. Бу вазифани фақат ўз реал қийматига эга бўлган пуллар (қимматбаҳо металллар) бажаради. Муомаладаги реал пулларнинг белгилари ҳисобланган қоғоз пуллар муҳим қимматга эга эмаслиги туфайли хазина воситаси бўла олмайди. Улар фақат жамғарма воситаси бўла олиши мумкин. Реал, ҳақиқий пуллар пул муомаласидаги тартибсиз ҳаракатни мувофиқлаштириб туриши мумкин. Шу жараёнда муомала учун зарур бўлган пулдан ошиқчаси хазинага тушади, муомала учун етишмаган пуллар эса хазинадан олинади.

**ХАКЕР** (ингл. *hacker*) — информатика соҳасида ҳар қандай кўринишдаги қонунга зид ҳаракатларни содир этувчи шахс; “қилмиши” ўзгалар компьютер тармоғига санкциясиз кириб олиш ва улардан маълумотларни олиш, қонунга зид ҳолда программалардан химояни олиб ташлаш ва улардан нусха кўчириш, компьютер “вируслари”ни яратиш, уларни тарқатиш ва ҳоказо. Хакер ҳара-



катлари жиноий ҳаракатларнинг ва фуқаролик ҳуқуқбузарликнинг турли таркибини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “хакер” тушунчаси қўлланилмайди.

**ХАЛИФА** — бир қатор мусулмон Шарқ давлатларида ҳокимиятдаги олий лавозимлардан бири, дунёвий ва диний ҳокимиятлараро келиштирувчи фаолият олиб борган. Туркияда (мусулмонларнинг диний бошқармаси сифатида) 1924 йилгача сақланган.

**ХАЛҚ** — 1) конституциявий ҳуқуқ фанида одатда келиб чиқишидан қатъи назар, давлатнинг ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бир бутунлигини ташкил этувчи барча аҳоли тушунилади (бир қатор давлатлар қонунларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам “миллатидан қатъи назар” сўзи қўлланилган). 2) Халқ биринчи марта халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида “халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш” тамойилининг мустаҳкамланиши натижасида тан олинган. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқда халқлар ҳуқуқи турли конвенция ва декларацияларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият томонидан умумий тан олинган ягона “халқ” тушунчаси ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган, фақат халқаро ҳуқуқда эмас, балки этнографик адабиётларда ҳам “халқ” тушунчаси тўғрисидаги мунозаралар XIX асрдан буён давом этиб келмоқда. Халққа берилган кўпгина тавсифлардан келиб чиқиб (халқаро ҳуқуқ доктринасида 100 дан ортиқ тавсифлар мавжуд) шундай таърифлаш мумкин: Халқ маълум бир ҳудудда тарихан келиб чиққан, бошқа жамоадан ўз тили, руҳий ҳолати ва маданияти, шунингдек, умумий онги ва номланиши билан фарқ қилади.

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ** — Европа ва Осиёнинг қатор давлатларида XX асрнинг 40-йилларида мустаҳкамланган сиёсий тизимнинг марксистик адабиётларда акс этирилиши.

**ХАЛҚ ЙИГИНИ** — Болгария ва Албанияда бир палатали парламентнинг номи.

**ХАЛҚ ПАЛАТАСИ** — Ҳиндистон парламенти қуйи палатасининг номи.

**ХАЛҚ СУВЕРЕНИТЕТИ** — Қаранг: “Суверенитет”.

**ХАЛҚ ТАШАББУСКОРЛИГИ** — қатор чет эл давлатлари (Италия, Испания, Австрия, Швейцария) конституциявий

ҳуқуқидаги институт, бевосита аҳолининг қонунчилик ташаббускорлиги орқали ўз ҳуқуқини амалга ошириш механизмини англатади; бунда қонун лойиҳасини қўллаш учун маълум миқдордаги имзоларнинг тўпланиши назарда тутилади (Италияда — 50 минг, Швейцария — 100 минг, Австрияда — 200 минг, Испанияда — 500 минг ва ҳоказо).

**ХАЛҚ ҲУҚУҚИ (*jus gentium*)** — Қадимги Римда чет элликлар (перегринлар) билан римликлар ўртасидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида вужудга келган, ягона Рим ҳуқуқий комплексининг бир қисми ҳисобланган ҳуқуқий система.

**ХАЛҚАРО БИРЖА** (голл. “*bourse*” — ҳамён) — қатъий белгиланган жойга нисбатан қатнашувчилар иштирокида ўтказиладиган савдо жойи.

Биржанинг асосий белгилари:

а) Биржа савдоси объектини, товарларини, нақд пулсиз валютага ёки қимматли қоғозларга ўзаро алмаштиришдан иборат.

б) Талаб ва таклифларни бир жойга мақсадли жамлаш.

Иккинчи белгиси айрим биржа сегментлари, масалан, биржадан ташқари айирбошлашни, оборотни бошқармаслик, кучсизланишини таъминлаш, ҳозирги замон коммуникация технологияси пайдо бўлиши билан ўз аҳамиятини йўқотади.

XIX асрга келиб акционерлик компаниялари ташкил этилиши ва саноат ривожланиши натижасида қимматли қоғоз биржалари ва товар-валюта биржалари фаолияти кенгая бошлади. Ҳар бир суғурта биржаси кема ва ҳаво транспортдан фойдаланиши транспорт биржасининг биржа хизмати деб номланишига олиб келди. Германияда Гамбург суғурта биржаси мавжуд, у (Роттердам билан Лондон ўртасида) барча транспорт суғурта битимларини, яъни миллий ва халқаро алоқаларни амалга оширади. Дарё ва денгиз битимлари “каска” деб аталади.

Биржа бир неча хил турга бўлинади, масалан, валюта, компьютер, электрон, опцион, ҳақиқий товарлар, фонд-универсал, товар, фрахт, фьючерс, хусусий ва ҳоказо.

Валюта биржасининг савдо объекти нақд пулсиз валюта ҳисобланади, яъни чет эл валютасида тузилади ва чет элда кредит талабига асосан тўланади.

Қимматли қоғозлар биржасида ва биржа фондида савдо объекти қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Меҳнат биржасида товар бўлган “иш кучи” олди-сотдиси бозори бўлади.

Биржага биржа қўмитаси раҳбарлик қилади. Унинг ҳузурда

котировка комиссияси иш олиб боради. Биржада брокерлар, дилерлар, трейдлар фаолият кўрсатади.

Ҳар бир биржанинг фаолияти биржа Уставига биноан белгиланади. Устав биржанинг ташкилий — ҳуқуқий шаклини, фаолият доирасини белгилайди ва аъзоларини аниқлайди.

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ**нинг Устави 1944 йили Бретон-Вудс конференциясида қабул қилинган, 1945 йил 27 декабрда кучга кирган. 1969 йили ўзгартиришлар киритилди. Охириги Устав 1978 йил 1 апрелда қабул қилинди. Бретон-Вудсадаги конференцияда собиқ Совет Иттифоқи давлати ҳам иштирок этиб, ХВФнинг ташкил этилиши тўғрисидаги битимга имзо қўйган бўлса-да, аммо сиёсий ва мафкуравий нуқтаи назардан битим ратификация қилилмади. Шу сабабларга кўра, 1950 йилда Польша, 1954 йили Чехословакия давлатлари фонддан чиқиб кетди. Ҳозирги вақтда 180 та давлат ХВФнинг аъзосидир. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 октябрда аъзо бўлиб кирди. ХВФ Уставининг 1-моддаси қуйидаги мақсадларни белгилайди: доимий ҳаракатдаги институтлар орқали халқаро валюта ҳамкорлигига таъсир қилади, халқаро валюта муаммолари бўйича ҳамкорлик ва консултацияларни ташкиллаштиришни таъминлайди; халқаро савдонинг ўсишини тенглаштиради ва кенгайтириш юзасидан шароит яратади, шу билан биргаликда — ҳақиқий даромад ва олий тоифадаги бандликни қўллаб туради; иқтисодий сиёсатнинг асосий бошланғич объектидай бўлиб, барча иштирокчиларнинг ишлаб чиқариш ресурслари ривожланишини таъминлайди; алмаштириш курси бир маромда бўлишини қўллаб туриш, алмаштириш курси қадрсизланишида рақобат чегараланиши ва қатнашчилар орасида алмаштириш курсини тартибга келтириш чораларини кўради; чет эл валюта курсининг чегараланишини четлаштиришда ва қатнашчилар орасида жорий битимларга нисбатан ҳар томонлама тўлов тизимини тиклайди ва ёрдам беради; қатнашчилардан энг биринчи бўлиб шундай давлатлар ҳисобланадики, башарти, 1945 йил 31 декабргача ўзининг аъзолиги тўғрисида эълон қилган бўлса. Ижроия Кенгаш — орган, кундалик ишни бажарувчи Раис ва 23 ижрочи директорлардан иборат бўлади, 7 таси квотаси катта бўлмаган давлатлар томонидан тайинланади (Германия, Буюк Британия, Хитой, Франция, Саудия Арабистони, АҚШ ва Япония), бошқалари бошқа давлатлар томонидан — ХВФ аъзолари бўлган минтақавий вакиллар ҳисобидан бўлади. Икки йилга бир маротаба Ижроия Кенгашида сайлов ўтказилади. Буйруқ берувчи-директор Ижроия Кенгаши томонидан 4 йилга сайланади, асосан бу лавозимда Европанинг вакили бўлади. Буйруқ берувчи Директор, Директоратнинг раиси ХВФ Котибиятининг Бош

маъмурий шахси ҳисобланади. ХВФнинг штаб-квартираси Вашингтонда (АҚШ) жойлашган, бундан ташқари, Париж ва Токиода бўлимлари бор.

**ХАЛҚАРО ВАСИЙЛИК**, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган битимга асосан васийлик системасига киритилган, БМТнинг назоратида бўлган ҳудудларда ёки БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан стратегик аҳамиятга эга деб белгиланган ҳудудларда васийлик қўлланилади.

БМТ Уставига асосан васийлик системасига қўйидагилар кирилади: ҳудудлар мандат ҳисобида турган бўлса; ҳудудлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида душман давлатлардан тортиб олинган бўлса; ҳудудлар давлатлар томонидан ихтиёрий равишда васийлик системасига киритилган бўлса, уларнинг бошқарувида жавобгардирлар.

БМТ Уставида қўйидаги васийлик системасининг масалалари белгилаб қўйилган:

- а) халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;
- б) васийликка олинган ҳудуддаги халқнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий прогрессив ривожланишига таъсир қилиш, билим олиш соҳасининг ривожланишига ва мустақиллик ёки ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланиши;
- в) дини ва тили, жинси ва қайси ирққа мансублигидан қатъи назар, барча учун эркинлик ва инсон ҳуқуқига бўлган ҳурматни рағбатлантириш;
- г) БМТ аъзоларига ва уларнинг фуқароларига ижтимоий, иқтисодий ва савдо тармоқларидаги муносабатларини бир хил таъминлашдан иборат.

БМТнинг васийлик қилишдаги стратегик бўлмаган ҳудудларни назорат этиш функцияси Бош Ассамблея раҳбарлигидаги васийлик бўйича Кенгашга юклатилган. 1946 йил октябр ойида Бош Ассамблеяда Буюк Британия, Франция, Австралия, Бельгия ва Янги Зеландия ҳукуматлари томонидан Миллатлар Лигасининг мандати бўйича бу давлатлар томонидан бошқарилиши, васийликка олинган ҳудудлар тўғрисида тузилган битим тасдиқланди. Бу битимга асосан васийлик қилаётган давлат томонидан худди ҳудудларининг бир қисми каби васийликка олинган ҳудудларда бошқариш, жумладан, улар чегарасида ҳарбий базалар ташкил этиш ҳуқуқи ҳам бор. Шунинг билан бирга, бу ҳолат дунёда колониал системанинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. 1947 йил 2 апрелда Хавфсизлик Кенгаши АҚШнинг Тинч океанидаги ороллар устидан васийлик этиш системасини ўрнатиш тўғрисидаги битимни тасдиқлади. Бу жойлар стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар ҳисобланади. 1947 йил 1 ноябрда Бош Ассамблея Буюк Британия,

Австралия ва Янги Зеландия давлатлари томонидан Науру ороллари устидан ўзаро васийлик қилиш тўғрисидаги битимни тасдиқлади. 1950 йил Италияга Сомали устидан васийлик қилиш ҳуқуқи берилди. Ҳозирги вақтда барча васийликка олинган ҳудудлар мустақилликка эришди.

**ХАЛҚАРО ДЕЛИКТ** — халқаро ҳуқуқнинг субъекти томонидан содир қилинадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), халқаро ҳуқуқий норма ва тамойиллар ёки шартномавий мажбуриятларнинг бузилиши оқибатида, шунингдек, бу субъектга нисбатан халқаро жавобгарлик масаласи кўрилади. Халқаро деликтни содир қилган халқаро ҳуқуқ субъекти “деликвент” деб аталади. Давлат жавобгарлиги масаласи юзасидан Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан тайёрланадиган лойиҳа молдаларида “халқаро деликт” деган тушунча ишлатилмасдан, балки “халқаро ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракат” деган тушунча ишлатилади. Бунинг маъноси — халқаро жиноят ёки халқаро ҳуқуқбузарликдир. Халқаро ҳуқуқ назарияси томонидан билдириладиган фикрда, халқаро деликт — албатта қасддан қилинган халқаро ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракат бўлган ҳолда, аммо бошқа халқаро ҳуқуқ субъектига зарар келтириш истаги бўлмаган ҳолатлардаги ҳуқуқбузарликдан фарқли бўлиши лозим. Бундай ёндашишда халқаро деликт доимо халқаро жиноят ҳисобланади.

**ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТИК ЮРИСТЛАР АССОЦИАЦИЯСИ** — халқаро нодавлат ташкилот; 1946 йил француз юристлари ташаббуси билан немис-фашист босқинчиларига қарши ташкил этилган юристлар қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати иштирокчиларининг Халқаро конференциясида ташкил этилди. Бу ташкилотнинг вазифаси ҳар хил давлатлардаги юристлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш, халқаро ўртасида ўзаро тушуниш руҳини мустаҳкамлашдир. Халқаро демократик юристлар ассоциациясининг аъзоси ҳар қандай юристлар ассоциацияси (миллий ёки халқаро), исталган шахс, юристлик мутахассислигида, юристлик лавозимида ишлаётган, ҳуқуқ соҳасини амалиётда ўрганаётган ҳамда ўқитаётганлар, ассоциациянинг мақсад ва вазифаларини тан оладиганлар аъзо бўлишлари мумкин. Ҳозирги кунда Халқаро демократик юристлар ассоциацияси дунёдаги 85 мамлакат юристларини бирлаштирган. ЮНЕСКО ва ЭКОСОС ҳузурида Халқаро демократик юристлар ассоциацияси маслаҳат мақомига эга. Халқаро демократик юристлар ассоциациясининг олий органи — Конгресс. Конгресслар орасида раҳбарий органнинг бир йилда бир чақириладиган Халқ-

аро демократик юристлар ассоциацияси Кенгаши. Халқаро демократик юристлар ассоциациясининг штаб-квартираси Брюсселда жойлашган.

**ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ** — юридик норма ва қоидалар йиғиндиси бўлиб, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар фаолияти ўртасида денгиз ва океан ҳамда уларнинг ресурсларидан фойдаланишда ва бир қатор ҳолатларда — ҳаво бўшлиғида, айрим денгиз ҳудудларида (масалан, очиқ денгиз, сувнинг қуйилиш жойида ва ҳоказо) вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилади. Шу билан бирга, халқаро денгиз ҳуқуқи ўзига алоҳида тааллуқли бўлган норма ва тамойилларни ўз ичига олади, булар очиқ денгизда кема сузиб юриши эркинлиги ва денгизлар устидан эркин парвоз қилиш, ҳудудий денгизлардан чет эл кемалари тинчлик йўли билан ўтиши, халқаро сув қуйилиш жойидан транзит кемаларининг ўтиши ва улар устидан учиб ўтиш ҳуқуқларидан иборат. Халқаро денгиз ҳуқуқи юз йиллар давомида халқаро удумларга асосан ривожлана бошлаган. Бу жараён айрим халқаро битимларни тузишга тўсиқ бўлмаган. Натижада (1884 йил) сув остида кабелларни қўриқлаш тўғрисида Конвенция ва бошқалар қабул қилинди. Айниқса, БМТ томонидан денгиз ҳуқуқи бўйича ўтказилган конференция халқаро ҳуқуқ нормаларини кодификация қилиш ва қайта ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки бунда халқаро денгиз ҳуқуқига оид жуда кўп янги норма ва тамойиллар ишлаб чиқилди. Булар минтакавий шельфлар бўйича, иқтисодий ҳудуд (зона), денгиз сатҳининг халқаро ҳудуди, денгиз ички дунёсини қўриқлаш ва ҳоказо. Бундан ташқари, кўп миқдордаги бошқа универсал, минтақалар бўйича ва денгиз ва океанлардан тинчлик мақсадида фойдаланиш масалалари юзасидан битимлар тузилди. Булар денгиз ва океан тубида ядро қурилишларини жойлаштирмаслик ва бошқа ядро қуролларини оммавий равишда йўқ қилмасликни ман этиш масалалари юзасидан шартнома (1971 йил), Кемалар томонидан ифлослантиришни олдини олиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1973 йил) ва бошқалар. Халқаро денгиз ҳуқуқи доимо такомиллашиб бормоқда, чунки фан ва техника ривожланиши, халқаро аҳвол ўзгариши, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар, тинчликни мустаҳкамлашдаги зарурий ва барча халқларнинг ривожланиши ва мустақиллиги, илгарилама ҳаракати туфайли денгиз ва океандан фойдаланишда халқаро денгиз ҳуқуқи такомиллашмоқда. 1982 йили БМТнинг III Конференциясида қабул қилинган ва 1994 йил 16 ноябрда кучга кирган БМТ Конвенцияси денгиз ҳуқуқи ривожланишида салмоқли одим бўлди.

**ХАЛҚАРО ЖИНОЙ СУДЛОВ** — жисмоний ва юридик шахслар томонидан содир этилган ва халқаро характер касб этадиган ижтимоий хавфли ҳаракат ва жиноятларни кўриб чиқиш мақсадида давлатлар ҳамкорлигида тузилган халқаро юридик судловни ўрнатиш учун зарур чоралар кўрилишини, халқаро судлов механизмини ишлаб чиқиш ва уни ўтказиш жараёнини белгиланишини назарда тутди. Лекин жиной жазоларнинг аниқ тартибга солиниши халқаро характердаги жиноятларга қарши курашда давлатларнинг ҳуқуқий ҳамкорлиги вазифасига кирмайди. Жазо турларини белгилаш ва улар бўйича аниқлаш ишларини олиб бориш ҳар бир давлатнинг жиноят ҳуқуқи вазифасидир. Халқаро конвенциялар ҳар бир давлат томонидан фақат халқаро характердаги жиноятлар устидан юридик судловни ўрнатиш учун зарур чоралар кўрилишини талаб этади. Халқаро жиной судловни ташкил этиш тўғрисидаги фикр XX асрда айниқса кенг муҳокама этилди. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон милитаристлари ва нацистлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича тергов ишларини олиб бориш мақсадида Нюрнберг ва Токиода иккита суд механизми яратилди. “Нюрнберг” ва “Токио” деб ном олган суд жараёнида инсоният ва тинчликка қарши ҳарбий жиноятларда айбланган шахслар турли жазо чораларини олдилар. Лекин бу аниқ ҳолатларда қўллаш учун ишлаб чиқилган механизм эди (ad hoc). 1993 йил феврида БМТ Хавфсизлик Кенгаши собиқ Югославиядаги ҳарбий жиноятлари бўйича тергов ишлари олиб бориш мақсадида Халқаро Трибунални вужудга келтириш тўғрисида ҳужжат қабул қилди.

**ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ** — халқаро шартномаларда белгиланган, жиноятчиликка қарши курашда давлатларнинг халқаро ҳамкорлигини тартибга солувчи нормалар ва тамойиллар тизими. Халқаро жиноят ҳуқуқи халқаро оммавий ҳуқуқ соҳаси бўлиб, давлатнинг миллий жиноят ҳуқуқи билан бевосита боғлиқдир. Халқаро жиноят ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: яъни унинг комплекс характерда эканлиги (жинойт, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларига таяниш); шартномада бу соҳага тегишли ўзига хос нормаларнинг белгилаб қўйилиши; инсониятга қарши жиноятларга ва ҳарбий жиноятларга нисбатан қўлланилмаслиги; халқаро жиной судлов манбалари, халқаро ва миллий характердаги шартномаларнинг қўшимча манбалари халқаро трибуналлар ва миллий судларнинг ҳукмлари бўлиши мумкин, халқаро трибуналлар уставида содир этилган жиноятларга нисбатан орқага қайтиш кучининг қўлланилиши; жиноятни содир этган шахслар (жисмоний ва юридик)

билан биргаликда, ҳуқуқ бузилишига жавобгар давлатнинг ҳам жавобгарликка тортилиши; халқаро жиноят ҳуқуқининг ўзига хос санкциялари ўрнатилиши. Халқаро жиноят ҳуқуқида халқаро жиноятлар ва халқаро характердаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

**ХАЛҚАРО КАФОЛАТЛАР** — халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бир давлатнинг бошқа қатнашувчилар билан халқаро муносабатларига нисбатан маълум ҳаракатларига кафиллик қилиш ёки ишонтирши ҳолатларини белгилайди, бирон-бир давлатнинг (давлатлар гуруҳининг) мақомига ёки белгиланган ҳуқуқига риоя этишини таъминлайди, халқаро мажбуриятларни бажаришни ёки халқаро муносабатларнинг маълум ҳолатини сақлайди. Халқаро кафолатлар предмети шартнома мажбуриятини бажарилишини таъминлаш ҳисобланади, давлатлар томонидан бетарафликка риоя қилиш (масалан, Швейцария 1851 йил 20 ноябрдаги Париж шартномаси бўйича Австрия, Франция, Англия, Россия ўртасидаги, Пруссия ва Португалия ўртасидаги Кафолат ва бетарафлик тўғрисидаги шартномалар) киради. Халқаро кафолатлар ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида тан олинган ҳужжат ҳисобланади. Халқаро кафолатлар давлат ёки халқаро миқёсда белгиланган ҳужжатга асосан шартнома иштирокчиларининг аризаларига биноан вакил кафиллик бериши мумкин. Халқаро кафолатлар бир томонлама бўлиши мумкин (жумладан, қарз тўғрисидаги шартнома бўйича кафиллик).

**ХАЛҚАРО МАНСАБДОР ШАХС**, одатда, бирон-бир давлатнинг фуқароси халқаро ташкилотлар хизматида бўлиб, шундай ташкилотлар (котибият) шахсий таркибида аъзо ҳисобланади. Масалан, БМТ Уставига асосан БМТ Бош котиби шу ташкилот маъмуриятининг Бош мансабдор шахси ҳисобланади. Уставнинг 100-моддасига асосан Бош котиб ва бошқа халқаро мансабдор шахслар ўз ваколат доирасидан фойдаланишларида бошқа бирон-бир давлат ва ташкилотга тааллуқли бўлмаган давлатлар ёки ҳокимиятлар томонидан топшириқ ёки сўровнома беришлари мумкин эмас. Халқаро мансабдор шахс сифатида уларнинг обрўйига таъсир қиладиган ҳар хил ҳолатлардан сақланишлари ва фақат ташкилотлари олдида жавобгар бўлишлари лозим. БМТ аъзоси бўлган ҳар бир давлат Уставга асосан Бош Котиб ва Котибиятнинг шахсий таркибини халқаро характердаги ваколатларини қатъий равишда ҳурмат қилишлари ва уларнинг ўз ваколат доирасида иш олиб бораётганда уларга нисбатан ҳеч қандай таъсир қилмаслик мажбуриятини олади. Ҳозирги кунда БМТнинг системасида 40 мингдан зиёд халқаро мансабдор шахслар ишлашмоқда.



**ХАЛҚАРО МАЪМУРИЙ УЮШМАЛАР** — иқтисод, фан-техника ва бошқа махсус тармоқлар ривожланиши билан давлатлар ҳар томонлама халқаро муносабатларининг ташкилий шаклидир. Халқаро маъмурий уюшмалар XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди (1864 йил). Ерни ўлчаш бўйича Халқаро уюшма (1865 йил); Халқаро телеграф уюшмаси (1874 йил); Халқаро почта уюшмаси (1883 йил); Халқаро хусусий саноатни қўриқлаш бўйича уюшма (1886 йил); Халқаро темир йўл транспорти уюшмаси ва ҳоказо. Халқаро маъмурий уюшмалар аввал ташкил этилган давлатлар ўртасидаги ҳар хил халқаро муносабатлар, кейинчалик доимий органга эга бўлдилар (яъни халқаро бюро деб атала бошлади). Халқаро маъмурий уюшмалар фаолиятини Миллатлар Лигасининг ўз назоратига олмақчи бўлган ҳаракати ғалаба билан тугамади, балки улар ўртасида фақат ахборот алмашиш билан чегараланди, БМТ ташкил этилгандан сўнг бир қатор халқаро маъмурий уюшмалар БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари деган мақомни олди, айримлари эса ҳокимиятлар ўртасидаги махсус муаммолар бўйича ташкилотлар сифатида фаолият кўрсатмоқда.

**ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ** — 1956 йили ташкил этилган, БМТнинг махсус идораси сифатида ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда 150 га яқин давлатлар ХМК аъзосидир, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 октябрда аъзо бўлиб кирди.

ХМК ўз фаолиятида Халқаро Реконструкция ва Ривожлантириш Банки (ХРРБ) билан бевосита боғлиқдир. Корпорация асосан қайта ишлаб чиқариш тармоқларига ҳамда қазиб чиқарувчи саноат, туризм, коммунал корхоналарга ва қишлоқ хўжалик билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга капитал маблағларни йўналтириш амалга оширади.

ХМК инвестиция сифатида шахсий пул маблағларини ҳам жалб қилади. Бундан ташқари, ХМК турли молиявий хизматларни тақдим қилади ва иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради.

ХРРБдан ХМК дотация олиб туради.

Тузилиши жиҳатидан ХМК ХРРБга ўхшашдир.

ХРРБ Президенти ХМКнинг Президенти ҳисобланади.

ХМК Уставига кўра заёмларни нафақат давлатларга, балки ҳукуматларнинг кафолатисиз ҳам хусусий шахсларга тақдим қилиш мумкин. ХРРБ эса заёмларни фақат давлатларга ва хусусий фирмаларга, башарти, улар иштирокчи-давлатлар бўлса, ҳукумат кафолати остида беради. Шунинг таъкидлаш керакки, ХМК кредитларни объектга керакли маблағнинг 50%ини иштирокчи-давлатлар хусусий корхоналарининг ўзлари киритса

бўлади. Одатда, бундай кредитлар кичик ва ўрта корхоналарга берилади.

ХМК мижози ҳар қандай давлат ҳам бўла олмайди. Асосий талабларидан бири, иштирокчи-давлат чет эл инвесторлари учун қулай шароитни таъминлаши ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришни таъминлашдан иборатдир.

Кредит беришнинг асосий тамойилларидан яна бири розилик ва бир меъёрда бўлиш ҳисобланади.

ХМКнинг раҳбарий органи: Бошқарувчилар Кенгаши, ХМК ваколатларига эга бўлган халқаро банкнинг бошқарувчиларидан ва уларнинг ўринбосарларидан иборат бўлади. Буларнинг давлатлари ХМБ аъзоси бўлиши лозим. Директорлар Кенгаши, Халқаро банкнинг иш тақсимловчи-директорларидан иборат таркибда бўлади, ХМБга аъзо давлатлар вакиллари ҳисобланади.

Халқаро банкнинг Президенти эгаллаб турган лавозими бўйича ХМК директорлар Кенгашининг Раиси ҳисобланади.

ХМКнинг штаб-квартираси Вашингтон (АҚШ)да жойлашган.

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР** — давлатлар ва давлатлар тизимлари, халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа муносабатлар йиғиндиси. Ўз мазмунига кўра халқаро муносабатлар бирон-бир давлат ваколатлари доирасидан ташқарига чиқади, давлатларнинг қўшма ваколатлари дирасидаги ёки умуман жаҳон ҳамжамияти ваколати доирасидаги масала бўлиб қолади. Халқаро муносабатларда асосий ролни давлатлараро муносабатлар ўйнайди. Нодавлат характеридаги халқаро муносабатлар ҳам мавжуд — булар турли давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги муносабатлар (“хорижий элемент билан” ёки “халқаро элемент билан” деб аталувчи муносабатлар), шунингдек, халқаро ноҳукумат ташкилотлари ва халқаро ҳужалик уюшмалари орасидаги муносабатлардир. Конституциядаги “Ўзбекистон — халқаро муносабатлар субъектидир” формуласи фақат Ўзбекистоннинг ҳозирда дунёдаги ўрнини кўрсатмайди, балки Ўзбекистон ҳақиқатан жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми эканини, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини англатади. Ўзбекистон, суверен давлат сифатида, фақат замонавий халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига амал қилади ва ўзи иштирок этган шартномалар қоидалари бўйича мажбуриятларга эга ва ҳеч қандай бошқа мажбуриятлар розиликсиз унга юклатилиши мумкин эмас. Ўзбекистон ҳудудида давлат

ҳокимияти чекланмаган ва халқаро ҳуқуқнинг ҳеч бир бошқа субъекти унинг ишларига аралашшига ҳаққи йўқ; ўз ҳудудидан ташқарида у фақат бошқа манфаатдор давлат розилиги билан ўз ҳокимиятини амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон бевосита халқаро алоқаларда иштирок этади, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқалар ўрнатади, улар билан шартномалар тузади.

**ХАЛҚАРО ПАРКЛАР** — халқаро парклар миллатлараро — табиий резерватлар, табиат майдонининг тегишли бўлганлигидан ташкил этилган, давлатлар чегарасига икки томондан жойлашганлигини инобатга олган ҳолда улар алоҳида қўриқланади. Халқаро парклар хўжалик фаолиятининг барча турларидан чиқариб ташланган, аммо илмий ишлар ва омма илмий ишлар ва омма учун очиқ майдонлар ҳисобланади. Манфаатдор давлатлар ўртасида махсус битимлар асосида ташкил этилади, бундан табиат резерваторларининг ишлашлари учун мақсад шароитларини, фуқароларни қабул қилиш ягона қоидаларини белгилаб беради. Халқаро паркларнинг режими ҳар бир чегараси белгиланган ҳукуматнинг ўз ҳудуди чегарасида якка ҳолда тартибга солинади, яъни тегишли битимга асосан ва махсус координация механизми йўли билан ташкил этади. Халқаро паркларнинг режимига тааллуқли бўлган алоҳида низомлар 1972 йилги Халқаро маданият ва табиат мероси тўғрисидаги Конвенцияда, 1969 йилги Табиатни ва табиий ресурсларни қўриқлаш тўғрисидаги Африка Конвенциясида ва бошқа Конвенцияларга киритилган. Халқаро паркларни биологик ресурслар сифатида қайта тиклаш ва сақлаш ҳудуди деб ташкил этиш ва ривожлантириш БМТнинг маориф, фан ва маданият (ЮНЕСКО) қўриқлаш бўйича Бутунжаҳон стратегиясининг биосфера қўриқхоналари тўғрисидаги Программасида белгиланган.

Халқаро ҳамкорликда халқаро аҳамиятга эга бўлган парк ҳудудларини ривожлантириш ва ташкил этиш тўғрисидаги БМТнинг атроф-муҳит тўғрисидаги (ЮНЕП) табиатни ва табиий ресурсларни қўриқлаш тўғрисидаги Халқаро Кенгаш (МСОП) ва бошқа ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларининг Программалари асосида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда Халқаро паркларда Польша-Чехия чегарасидаги Патри-Пенини, Франция-Бельгия чегарасида Эйфель-Баланд ВЭНН ва бошқалар киради.

**ХАЛҚАРО НИЗОЛАР** — халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида расмий ҳисобланган келишмовчилик бўлиб, ҳуқуқ ёки мавжуд юз берган факт масалалари юзасидан келиб чиқиши мумкин. Халқаро низола р икки томонлама ёки кўп томонлама бўлади.

Аниқ давлатлар ва бошқа давлатлар фаолиятининг жавобгарлигида ҳар хил тармоғида у ёки бу халқаро шартномаларни қўллаш ёки тузиш, тушунтириш жараёнидаги муносабатларда вужудга келади. Ҳар қандай давлатлараро келишмовчиликлар халқаро низолар бўлиб ҳисобланмайди. Халқаро низоларнинг мавжудлиги фактини тан олиш бу низони бартараф этиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда тез-тез учраб турадиган ҳолатлар, қачонки бир тараф қаттиқ туриб олади, иккинчи тарафга ён босишни хоҳламайди, бунда халқаро низолар вужудга келган бўлади, айрим давлатлар халқаро низолар фактининг вужудга келганлигини тан олмайди. Бундай ҳолатларда давлат ўзининг тутган ўрни, мавқеини бўшаштиришни хоҳламаганлиги туфайли зарурат сифатида шу ҳолатни сақлайди. Чунки бундай тараф ўзининг тутган ўрнини мутлоқ низосиз деб ҳисоблаб, кўриб чиқмайди. Халқаро низоларни тинчлик йўли билан кўриб чиқиш принципи асосида тинчлик воситалари ёрдамида ҳал қилинади.

**ХАЛҚАРО САНКЦИЯ** — халқаро ҳуқуқ нормаларининг таркибий элементи бўлиб, бунда айрим давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилмаслиги оқибатида унга нисбатан халқаро ташкилотлар, асосан БМТ томонидан сиёсий, иқтисодий ва ҳоказо мажбурлов чораларини қўллаш ҳисобланади. БМТ Уставининг VII бўлимида Халқаро санкция сифатида, башарти, тинчликка хавф солиш ҳолатлари бўлганда жамоа чораларини қўллаш киритилган, Амалиётда БМТ томонидан БМТ Уставининг 41-моддасига асосан 1966 ва 1968 йилларда Халқаро санкция Жанубий Родезия давлатининг режимига нисбатан қўлланилган. Халқаро санкция — Эрон, Ливия, собиқ Югославия, Ироқ ва ҳозирги кунда Афғонистонга нисбатан қўлланилди.

**ХАЛҚАРО СОЛИҚ ҲУҚУҚИ** — ҳуқуқ соҳаси бўлиб, барча солиқ нормаларини ўз ичига олади. Халқаро солиқ ҳуқуқи предмети бўлиб, нодавлат ташкилотлар, тадбиркорлар, фирмалар ва бошқа шунга ўхшаш ҳар хил давлатлар ўртасида пайдо бўладиган солиқ тўлаш масалалари бўйича рухсат этишни белгилаш ҳисобланади. Халқаро солиқ ҳуқуқи кодификация қилинмаган, яъни тартибга солинмаган оддий ҳуқуқ сифатида ифодаланади. Икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга солиқ солишда аҳамиятга эгадир ва икки маротаба солиқ солишни чиқариб ташлаш тўғрисида битимда ҳам аҳамиятли. Икки ва кўп томонлама битимга тааллуқли солиқлар (масалан, маъмурий ва ҳуқуқ соҳасида ёрдам бериш ҳақидаги битимлар) бўлиши мумкин. Халқаро солиқ ҳуқуқининг асосий мақсади, бир томондан, икки томонлама солиқ солишни енгиллаштириш ёки

чиқариб ташлаш, бошқа томондан, икки томонлама солиқни тўламаслик олдини олиш, солиқларнинг тўлиқ тўланмаган қисмини камайтиришдан иборат.

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР**, ҳукуматлараро ва ноҳукумат хусусиятидаги доимий бирлашган ташкилотлар халқаро битимлар асосида тузилади. Халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришда ва таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолда, асосий мақсади халқаро муаммоларни ҳал қилишга, аниқлашга хизмат қилади. Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш жараёни, асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланди. Бунга мисол қилиб БМТ ташкил этилишини келтириш мумкин. Халқаро ташкилот, ўз мазмунига кўра бир қатор алоҳида хусусиятларга эгадир, бу институт халқаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан ташкил топган. Халқаро ташкилотлар фаолиятидаги йўналиш ва асосий мақсади, фаолиятининг асосий усули сифатида ҳар томонлама музокараларда қатнашиш ҳуқуқидан мукамал фойдаланиш ва муаммоларни муҳокама тариқасидаги кучга эга бўлган қарорлар қабул қилишдан иборат. Халқаро ташкилот, ҳукуматлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан фарқ қилади.

**ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ** деганда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятидаги мақсади тинчликнинг бузилишига йўл қўймаслик ва халқаро хавфсизликка таҳдид қилишнинг олдини олишдан иборат бўлиб, жумладан, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципига айниқса куч ишлатиш ва таҳдид солишни ман этишга асосланади. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш фаолияти давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа халқаро ҳаётга тааллуқли бўлган тармоқларни янада ривожлантириш ва ўрнатишдан иборат. Бундан ташқари, халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг махсус нормативли, ташкилий ва моддий хусусиятга эга бўлган кафолатлари мавжуддир. Халқаро низоларда ва тинчлик йўли билан барқарорлаштиришда ва мавжуд жамоа хавфсизликни қўллаб-қувватлашда ташкилий кафолатлар ташкил этилади. Моддий кафолатларга қуроллаштирилишнинг чекланиши ва қуролсизлантириш каби чоралар киради. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашда махсус ваколатга БМТ эгадир. У Низомининг 1-моддасига асосан халқаро тинчликни ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва шу мақсадда унинг олдини олишда эффеқтли жамоа чораларини қўллашда тинчлик йўли билан ҳал қилиш мақсадини кўзлайди.

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ШАРТНОМАЛАРИ** — бир ёки бир неча давлатлар томонидан ўзаро ёхуд бир неча ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалардир. Халқаро ташкилотлар шартномаларининг ҳуқуқий мавқеи ўз мазмунига қараб давлатлар шартномаларининг ҳуқуқий мавқеидан кескин фарқ қилади. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқ субъектлиги ташкил этган давлатларнинг ҳуқуқ субъектлигидан эркинроқ бўлади. Шунинг учун, башарти, БМТ Уставида кўзда тутилган бўлса, бошқа ташкилотлар шартномаларнинг тенглаштирилган тор доирасида иштирок этишлари мумкин. БМТ универсал характердаги сиёсий ташкилот сифатида шартномалар тузишда кенг ҳуқуқ лаёқатига эга. БМТ Уставига кўра, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа масалалар юзасидан БМТ номидан унинг идоралари давлатлар билан ёки давлатларнинг айрим гуруҳлари билан ва халқаро ташкилотлар билан ҳам шартномалар тузиши мумкин. 1969 йилги Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси, халқаро ташкилотлар шартномаларига тааллуқли эмас. Халқаро ҳуқуқ аъзолари 34-сессияда халқаро шартномалар тўғрисидаги моддаларининг лойиҳаси устидан ўзгартириш ва тузатишларини халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқиб тугатди. 1986 йили давлатлараро ва халқаро ташкилотлар билан ёки халқаро ташкилотлар ўртасида шартнома тузиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияни ишлаб чиқиш юзасидан Конференция ўтказилди, ҳозирги кунда шу Конвенцияга асосан Халқаро ташкилотлар шартномалари тузилмоқда.

**ХАЛҚАРО ТРАНЗИТ** (лотин. *transitus* — ўтиш, учиш, юриш) — бир суверен давлатнинг устидан, ҳудудидан сув, ҳаво орқали, ер ости, устидан бирон-бир давлатга транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда юк олиб ўтиш ҳисобланади. Транзит бирон-бир давлатнинг ўз ичида бошланиб тамомланиши халқаро транзит йўлининг асосий қисми ҳисобланади. У манфаатдор бўлган давлатлар ўртасида тузилган икки тамонлама битимларга асосан амалга оширилади. Битимлар транзитнинг шароити ва тартибини тартибга солади ҳамда маршрутларини ҳам келишиб олишади, бундан ташқари, юк ва транспорт воситаларининг сақланиши ва шахсларнинг хавфсизлигини кафолатлайди. Қулайлик учун бож тўланмайдигна ҳудудлар бўлиши ва айрим божхона имтиёзлари белгиланиши мумкин. Транзит ҳаракатда давлат бирон-бир техник носозликлар ва ҳақозо қийинчиликлар олдини олиши зарур. Шунинг билан бирга, давлат юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймасликнинг ҳам олдини олиш, хавфсизликни сақлаш йўлида импорт юк ва молларни тақиқлаши, айрим шахсларга ҳам транзитдан фойда-

ланишга рухсат бермаслиги мумкин. Халқаро транзит иккала томоннинг келишуви асосидаги Битим бўйича тақдим этилади. Масалан, 1921 йилдаги транзитни ҳар томонлама бошқаришдаги транзитнинг эркинлиги тўғрисидаги статуси ва Барселона Конвенцияси, 1965 йилги ички континентал давлатларнинг транзит савдоси тўғрисидаги Конвенциясига асосан амалга оширилади.

**ХАЛҚАРО ФАЗО ҲУҚУҚИ** — фазо макони ва осмон жисмларини тадқиқ этиш жараёнида, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи юридик нормалар ва тамойиллар йигиндиси. Халқаро фазо ҳуқуқи умумий халқаро-ҳуқуқий, жумладан, БМТ Устави тамойилларига асосланади. Фазовий макондан фойдаланишни тартибга солувчи асосий тамойиллар: космик фазони тадқиқ этиш, ўрганиш халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан дискриминациясиз, тенглик асосида, барча давлатлар учун очиқ; космик фазо миллий ўзлаштирилиши мумкин эмас; Ой ва бошқа фазовий жисмлардан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланилиши мумкин; космосга ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуроллари чиқарилиши мумкин эмас; давлатлар, жумладан, ноҳукумат юридик шахслар томонидан олиб борилаётган космик илмий фаолияти учун жавобгардирлар.

**ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИ** — халқаро ҳуқуқ соҳаси, ундаги нормалар халқаро шартномалар мазмуни, уларни тузиш тартиби, ҳаракати, ўзгариши ва тугалланишини белгилайди. Бу соҳанинг объекти халқаро ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан ҳисобланган халқаро шартнома ҳисобланади. Халқаро шартнома ҳуқуқи номланиши, объект, шакллари, тузилиши, ҳолатидан қатъи назар халқаро шартноманинг барча турларига нисбатан қўлланилади. Халқаро шартнома ҳуқуқининг асосий манбаси — халқаро ҳуқуқий одатлар ва халқаро шартнома ҳуқуқидир.

**ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРДАГИ ЖИНОЯТЛАР** — бир неча ёки барча давлатлар манфаатлари ва ҳолатларига дахлдор бўлган, улар натижасида ижтимоий хавф туғдирган қилмиш, оғир жиноят, халқаро ҳуқуққа зид ҳаракат. Халқаро характердаги жиноятлар мавжуд давлат ва миллатлар хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи, тинчлик ва хавфсизликка раҳна солувчи қилмишлардир. Халқаро характердаги жиноятлар объекти давлатлар тинчлиги ва халқаро хавфсизлиги, давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари, халқаро ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, уруш одатлари ва қонунлари бўлиши мумкин. Халқаро характердаги жиноятлар ва халқаро ҳуқуққа

зид ҳаракатлар субъекти давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ** — комплекс ҳуқуқ тармоғи бўлиб, чет эл иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементи иштирокчиларига чет эл фуқаролари, чет эл юридик шахслари ва чет эл давлати киради, бу муносабатлар икки ёки undan ортиқ давлатлар билан боғлиқ ва чет элда жойлашган ашё бу ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади. Халқаро хусусий ҳуқуқда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ўз моҳиятига кўра фақат мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган шахсий муносабатларни эмас, балки оила, меҳнат ва процессуал ҳуқуқ муносабатларини ҳам қамраб олади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари халқаро иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик натижасида юзага келадиган муносабатларни ҳам тартибга солади. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида чет эл фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи (ташқи иқтисодий битимлар, автомобиль, ҳаво, темир йўл ва денгиз транспортларида ташиш шартномалари, халқаро ҳисоб муносабатлари), муаллифлик, ихтиро ҳуқуқи, оила, мерос ҳуқуқи, халқаро фуқаролик процесси киради. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари миллий қонун ҳужжатлари билан бир қаторда халқаро шартномалар ҳисобланади. Умуман, кўп давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий вазифаси икки ҳуқуқий тизим ўртасидаги коллизия (тўқнашув)ни бартараф этишдир, шунинг учун халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий исмини коллизия нормалар ташкил этади, улар ушбу ҳуқуқий муносабатга қайси бир давлат ҳуқуқи қўлланиши кераклигини кўрсатади, яъни бирон-бир давлат ҳуқуқига ҳавола этади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг иккинчи объекти халқаро низолар — халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида расмий ҳисобланган келишмовчилик бўлиб, ҳуқуқ ёки мавжуд юз берган факт масалалари юзасидан келиб чиқиши мумкин. Халқаро низолар икки томонлама ёки кўп томонлама бўлади. Аниқ бир давлатлар ва бошқа давлатлар фаолиятининг жавобгарлигида ҳар хил соҳада у ёки бу халқаро шартномаларни қўллаш ёки тузиш, тушунтириш жараёнидаги муносабатларда вужудга келади. Давлатлараро ҳар қандай келишмовчиликлар халқаро низолар бўлиб ҳисобланмайди. Халқаро низоларнинг мавжудлиги фактини тан олиш бу низони бартараф этиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда тез-тез учраб турадиган ҳолатлар, башарти, бир тараф қаттиқ туриб олса, иккинчи тарафга ён босишни хоҳламаса,



бунда халқаро низолар вужудга келган бўлади. Айрим давлатлар эса халқаро низолар факти вужудга келганлигини тан олмайди. Бундай ҳолатларда давлат ўзининг тутган ўрни, мавқеини бўшаштиришни хоҳламаганлиги туфайли зарурат сифатида шу ҳолатни сақлайди. Чунки бундай тараф ўзининг тутган ўрнини мутлақ низосиз деб ҳисоблаб кўриб чиқмайди. Халқаро низолар тинчлик йўли билан кўриб чиқиш тамойили асосида, тинчлик воситалари ёрдамида ҳал қилинади.

**ХАЛҚАРО ҲАВО ЙЎЛИ** — икки ёки ундан ортиқ давлат ўртасида ўрнатилган ҳаво йўли бўлиб, унда белгиланган ҳаво транспорти корхоналари тижорат мақсадларида доимий фойдаланади.

**ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ** — халқаро ҳуқуқ тармоғи ҳисобланиб, давлатлараро халқаро ҳуқуқий тамойил ва нормалар йиғиндисини ташкил этади, халқаро ҳаво йўллари муносабатларини амалга оширишни тартибга солади. Халқаро ҳаво ҳуқуқи, ҳаво йўлларини ривожлантиришда ва амалга оширишда келиб чиқадиган давлатлараро муносабатларга оид масалаларни тартибга солади. Халқаро ҳаво ҳуқуқи предмети бўлиб, ҳаво бўшлиғи ва халқаро ҳаво йўлларининг ҳуқуқий режимларига тааллуқли давлатлараро муносабатлар ҳисобланади. Давлатлараро ҳаво йўллари кўп томонлама ва икки томонлама битимларга асосланади, давлатлар ўртасидаги ҳаво йўлларининг амалиётда фойдаланилиши халқаро ҳаво ҳуқуқи асосий тамойиллари пайдо бўлишига олиб келди, бу тамойиллар ичида марказий ўринни барча сув ва қуруқлик ҳудудида жойлашган давлатлар устидаги ҳаво бўшлиғи суверенитети муҳим ўрин эгаллайди. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг бундай асосий тамойилларига Халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш тамойили ва Халқаро ҳаво бўшлиғида эркин парвоз қилиш тамойиллари киради. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг асосий манбаига 1944 йилдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция ва унга илова бўлган (Халқаро стандартлар ва тавсияномалар) ва халқаро ҳавода юк, йўловчилар ташишга тааллуқли бўлган ҳамда айрим қоидаларни бирлаштирувчи Конвенция киради. Бундан ташқари, ҳаво кемаси бортида содир этилган жиноятлар ва айрим бошқа ҳаракатлар бўйича Конвенцияга 1955 йилда тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди. 1963 йилда ҳаво кемаларини ноқонуний равишда эгаллашга қарши кураш бўйича Конвенция, Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар тўғрисидаги Конвенция, 1971 йилги ва бошқа ҳаво йўллари бўйича давлатлар ўртасидаги икки томонлама тузилган битимлар, халқаро авиация ташкилотлари ўртасида техник ёрдам кўрсатиш бўйича давлатларнинг шартномалари ва бошқа халқаро шартномалар киради.

**ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБ** (ингл. *International accounts*) — тўлов топшириги бўйича пул ўтказишни тартибга солиш системаси бўлиб, давлатлараро турли ташкилотлар ва фуқаролар билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа муносабатларнинг келиб чиқишидан пайдо бўладиган мажбуриятлар бажарилишини амалга оширишдан иборатдир. Халқаро ҳисоб-китоб нақд пулсиз ҳам олиб борилиши мумкин. Ҳисоб-китоб тўловчининг ҳисобидан олувчининг ҳисобига ўзаро келишилган ҳолда нақд пулсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Барча ҳисоб-китоб нақд пулсиз кредит идоралари орқали ёки уларнинг назорати остида амалга оширилади. Ҳисоб-китобнинг асосий ҳужжатига: тўлов топшириги, тўлов талабномаси, ҳисоб-китоб чеки, аккредитивлар киради. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қўлланилади.

**ХАЛҚАРО ҲУДУД** — географик кенгликдаги давлат ҳудудидан ташқарида ётган, бирон-бир давлатга алоҳида ҳолда тааллуқли бўлмаган халқаро ҳуқуқ белгиланган ҳуқуқий статус ва режим бўйича бутун инсоният, давлатлар томонидан муштарак фойдаланилиши мумкин бўлган ҳудуд. Бунга мисол тариқасида ҳаво бўшлиғи, денгиз туби ва континентал шельфлар, Антарктида, космик бўшлиқ, Ой ва бошқаларни келтириш мумкин.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ** — мустақил ҳуқуқ тизими, давлатлараро муносабатларни, халқаро ҳуқуқ тизимидаги барча субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи шартномалар, одат нормалари ва тамойилларидан иборат. Халқаро ҳуқуқ мустақил фан соҳаси сифатида юридик фанга бирон-бир тармоқ тизимига киритилмайди ва ўзида тармоқ ҳуқуқига мос нормаларни акс эттирмайди. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб кўпгина давлатлар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олдилар. Бошқа мамлакатлар миллий ҳуқуқ тизими халқаро ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқ манбалари халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одатлардан иборат, кўшимча манбалар — халқаро ташкилотлар актлари, халқаро суд ва арбитраж органлари қарорлари, халқаро ҳуқуқий доктриналар. Халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солиш билан бирга, қуроли зиддиятлар ҳолатларини бошқаришни ҳам назарда тутди. Халқаро ҳуқуқ, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, ҳарбий, ижтимоий, экологик, иқтисодий, маданий, илмий-тадқиқот, жиноий доирадаги масалаларни ҳам бошқариб боради. Бунга мувофиқ ҳолда миллий ҳуқуқ тизими каби халқаро ҳуқуқ ҳам соҳаларга бўлинади: халқаро денгиз ҳуқуқи, халқаро ҳаво ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ, халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва ҳоказо. Халқаро

ҳуқуқ соҳасидан халқаро хусусий ҳуқуқ тубдан фарқ қилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ негизини миллий ҳуқуқ ташкил этади. Иккала тизим ҳам халқаро кўринишдаги муносабатларни тартибга солади, халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига зид бўлмаслиги керак.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ИМПЕРАТИВ НОРМАСИ** — 1969 йилги Халқаро шартномаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 53-моддасига асосан, бу норма «Халқаро биргаликдаги давлатлар томонидан умуман норма сифатида тан олинади ва қабул қилинади», ундан четга чиқиш, рад этиш мумкин эмас, фақат умумий Халқаро ҳуқуқнинг нормаси кетидан шу хусусиятдаги норма бўлсагина, ўзгартирилиши мумкин. Буни аниқлашда 4 та асосли ҳолат мавжуд. Биринчидан юридик табиатга тааллуқли бўлган Юскогенс нормаси бўлиб, хулоса қилинганда давлатлар томонидан бу норма «қабул қилинадиган ва тан олиннадиган», яъни давлатлар томонидан келишилган ҳоҳишининг натижаси бўлиб ва улар ўртасидаги битим асос ҳисобланади. У (халқаро шартнома) индамаслик (халқаро ҳуқуқий одат) ва кўзга ташланадиган ҳолатда ифодаланади. Диспозитив нормаларни ташкил этишда давлат ўзида жорий қилган қондасининг мазмунига нисбатан бошида ўз эркини ифодалайди, ундан сўнг халқаро мулоқотларда бу қондалар нисбатан мажбурий тан олиниши мумкинлиги белгиланади. Агарда умумий халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси ташкил этилса, Юскогенс хусусиятига эга бўлган, бу ҳисобда давлатнинг қўшимча ўз ҳоҳиш-иродасини билдириши зарурияти туғилади, яъни бу норманинг катта мажбурийлиги тўғрисидаги битимга эришидир. Қоидага асосан бу битим индамас бўлади. Иккинчи ҳолат шундан иборатки, бу норма халқаро биргаликдаги давлатлар томонидан бутунлай тан олиниши ва қабул қилинишидир. Шунингдек, умум эътироф этилган норма бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, моҳияти жиҳатдан ҳолати шундан иборатки, бу нормадан четга чиқишга йўл қўйилмайди, яъни норма олий императив кучга эга бўлади. Тўртинчидан, Юскогенс нормасини ўзгартириш имконияти туғилади. Бундай имконият қаттиқ чегараланган: Юскогенс нормаси, шу хусусиятга эга бўлса, «умумий халқаро ҳуқуқ нормаси кетидан келган норма билан ўзгартирилиши мумкин». Масалан, давлатларнинг битимлари унинг мазмунига нисбатан мос келмаслиги ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Императив норма кодификация қилинмаган, аммо ҳозирги замон умумий халқаро ҳуқуқнинг барча асосий принципларининг императив хусусиятларини ўз ичига олган, барча халқаро ҳуқуқий нормаларнинг ҳуқуқий ўлчовдаги бош критерийси бўлиб ҳисобланади. Императив норманинг халқаро ҳуқуқда мавжудли-

ги, янги прогрессив нормаларни ташкил этишни ушлаб турмайди, балким халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришда, давлатлар ўртасида ўзаро фойдали бўлган узоқ муддатли ҳамкорликни янада таъсирчан ривожлантиришга қаратилган бўлади.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АССОЦИАЦИЯСИ** — 1873 йил Брюсселда ташкил топган; халқаро ноҳукумат илмий ташкилот. Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси БМТ тизимидаги ЭКОСОС, ЮНЕСКО, ИМО, ЮНКТАД таркибидаги ташкилотларда ўз маслаҳатчилик статусига эга. Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси Уставига мувофиқ, бу ассоциация халқаро ҳуқуқнинг прогрессив ривожланишига, ҳуқуқнинг аҳоли томонидан онгли, ихтиёрий қўлланилишига, қонундаги камчиликларни йўқотишга, халқаро муносабатлар ўзаро келишувлар асосида амалга оширилишига ҳарат қилади.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ** — XX асрнинг 90-йилларида вужудга келган халқаро ҳуқуқнинг янги ҳуқуқ соҳаси, миллий ҳуқуқда халқаро стандартни ташкил этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳуқуқий муҳофазасини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳада халқлар ҳуқуқлари ҳам кўриб чиқилади.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК** — худди давлат ички ҳуқуқи каби, халқаро ҳуқуқий жавобгарликда ҳам иккита бири бири билан ўзаро чамбарчас боғланган маънони: а) ҳуқуқ талабини бажариш мажбурияти ва б) ҳуқуқ талабини бажаришдаги мажбурийликни билдиради.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**, маълум тарихий даврда халқаро ҳаётнинг асосий ва муҳим масалалари бўйича халқаро муносабат субъектларининг хатти-ҳаракатлари акс эттирилган, умум тан олинган қоидалардан иборат. Халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай субъекти бу тамойилларни эътироф этганлигини эълон қилинганлигидан қатъи назар, уларга риоя қилиши лозим. Асосий тамойилларнинг мажбурий характери шуни билдирадики, давлат ўзининг ташқи сиёсатида нафақат қаттиқ риоя этиши, балки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан муносабатда бўлганда, бевосита ўзининг ички қонунларини ҳам янада такомиллаштириши лозим. 1992 йили 2 мартда Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирганда, Ўзбекистон учун бу кириш номига расмий бўлди. 1990 йил 20 июндаги Мустақиллик Декларацияси халқаро ҳуқуқ қоидаларига биноан бир томонлама эълон қилинган эди. БМТ Уставида

ва халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда қуйидаги еттита асосий тамойиллар белгиланган: Халқаро муносабатларда куч ишлатиш ёки қўллаш, қўрқитишни рад қилиш; Халқаро низоларни тинчлик йули билан ҳал этиш; Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; БМТ Уставига асосан бошқа давлатлар билан ҳамкорликда бўлиш; Давлатларнинг суверенитетига ҳурмат билан қараш; халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши; БТМ Уставига асосан аъзоликка қабул қилинган давлатлар ўз мажбуриятларини виждонан бажаришлари зарурлиги. 1966 йили Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактнинг кучга кириши муносабати билан асосий тамойил рўйхатига саккизинчи тамойил — Инсон ҳуқуқига ҳурмат қўшилди.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ** — давлат ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, ўз ички ва ташқи органларининг ҳаракатлари учун жавобгардирлар. Халқаро ҳуқуқ жавобгарликнинг икки турини билади: сиёсий (номоддий) ва моддий. Биринчи ҳолат ҳар хил шаклда тақдим қилиниши мумкин: реставрация (церемонил ҳаракат, халқаро ҳуқуқ субъекти шахсига ва кадр-қимматига етказилган зарарни тиклайдиган ҳаракатлар), сатисфакция (кечирим сўраш ёки халқаро ҳуқуқ субъекти сиёсий-ахлоқий талаблари камситилганлиги қаноатлантирилиши), давлат суверенитетини вақтинчалик чеклаш ва ҳоказо. Моддий жавобгарлик моддий зарарни қоплашдан иборат бўлади ва қуйидаги шаклга эгадир: репарация (одатда, уруш учун тўлаш, фақат бевосита келтирилган зарар учун ва фақат халқаро жиноятни содир қилганлиги учун жавобгарлик), реституция (мол-мулк қайтарилиши, шахсий мулкни тиклаш), зарарни тўлаш (ҳаво, космик, чегара ва бошқа низолар). Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик халқаро ҳуқуқбузарлик қанчалик оғирлигига боғлиқ бўлади. Улар орасида энг оғири — халқаро жиноят: тинчликка қарши жиноят (урушга тайёргарлик ва урушни бошқариш), ҳарбий жиноятлар, геноцид, расизм ва ирқий камситиш ва бошқалар. Энг оғир жиноятлардан бири агрессия ҳисобланади. Тажовузкор суверен ҳуқуқда чегараланган бўлиши мумкин, қуролсизлантирилган, вақтинчалик қурол ишлаб чиқарилиши қатъиян ман этилган, чет эл қўшинлари киритилиши вақтинча бўлса ҳам, назорат ичида бўлади. Агрессор давлатларнинг раҳбарлари, ташкилотлари, ижрочилари ҳарбий жиноятлар бўйича ва тинчликка қарши жиноятлар ва ҳоказо учун халқаро ёки миллий жавобгарлик бўйича жавобгарликка тортиладилар. Муддати ўтганлигига қарамасдан халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тарихида қуйидаги санкциялар (жазо) белгиланган: репрессалий (жавобгарлик чоралари) тан олмаслик, ваколатли вакилни

чақириб олиш, ҳар хил муносабатларни бекор қилиш ва охири ўзини мудофаа этиш, худди шундай санкциялар (жазолар) жамоавий бўлиши ҳам мумкин.

**ХАЛҚЛАР ҲУҚУҚИ** — халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланган халқлар (давлатлар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормаларнинг шаклланаётган тизими айрим ҳолларда “халқаро ҳуқуқдаги халқлар ҳуқуқи” деб ҳам номланади. Янги тизимдаги бу ҳуқуқнинг вужудга келиши жаҳондаги этник ўзликни англаш билан боғлиқ. Халқлар ҳуқуқининг жаҳон эътироф этган ҳужжати 1999 йилга қадар ишлаб чиқилмаган, бу ҳуқуқлар бир қатор минтақалараро декларацияларда ўз аксини топди: 1983 йил — АСЕАН давлатлари ва халқларининг асосий мажбуриятлари акс этган декларация, 1986 йил — ривожланиш ҳуқуқини мустаҳкамловчи БМТ Декларацияси, 1988 йил — халқлар ва индивидларнинг инсонийлик ҳуқуқи мустаҳкамланган Осие—Тинч океани декларацияси, 1988 йил Халқлар ва инсонлар ҳуқуқи тўғрисидаги Тунис декларацияси, шунингдек, давлатлараро ҳужжат ҳисобланган 1981 йил Халқлар ва инсонлар ҳуқуқини мустаҳкамловчи Африка хартияси, геноцид, расизм, ирқий камситишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциялар. Халқлар ҳуқуқи тизимига: халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин эғалик қилиш, ҳудудий ҳуқуқи, тинчлик ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, миллатлар халқаро хавфсизлиги ҳуқуқи, дунёвий ва миллий муаммоларни ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, халқларни ҳурмат қилиш, халқлар билан ахборот алмашиш ҳуқуқлари ва қатор бошқа ҳуқуқлар киради.

**ХАММУРАПИ ҚОНУНЛАРИ** — Бобил подшоси, сиёсатдон ва лашкарбоши Хаммурапи милоддан аввалги 1792—1750-йилларда Месопотамиянинг катта қисми, Асурияни бўйсундиради. Бизгача сақланиб қолган унинг қонунлари Қадимги Шарқ ҳуқуқининг қимматбаҳо ёдгорлигидир. Хаммурапи Қонунлари 1902 йилда Эроннинг Суз туманида француз қадимшуноси Жениульях томонидан топилган. У катта харсангтошга ўйиб ёзилган, 282 моддадан иборат бўлган. Элликка яқин моддаси ўчиб кетган. Лекин улар қадимги юнон ва бошқа тарихчилар асарларидаги лавҳалар ва изоҳлар замирида талқин қилиниб тикланган. Қонун Шумер ва Аккад ҳуқуқининг кўпгина тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган, айтилиши эътиборга сазовор. Бири “эр фарзанди” — авилум (бошқача айтганда, “инсон фарзанди” деб номланиб, уларнинг эркин тенг ҳуқуқли ҳолатини таъ-

кидлайди; бошқалари эса — мушкенум (“шукену” сўзидан олинган бўлса керак, у олий табақа зотлари олдида бош эгиш, сажда қилиш маъносида) дейилган. Хусусий хўжалик ривожига ва хусусий қулдорчилик хусусида сўз борганда, “мушкенум” тўла ҳуқуқли фуқаро сифатида майдонга чиқади; лекин у бирровни ранжитган, унга зарар келтирган ёки тан жароҳати етказган бўлса, жазо белгилашда авилум анча имтиёзли мавқега эга бўлади. Яъни мушкенум кўпроқ жарима тўлайди, бошқа ҳолларда унга оғирроқ жазо қўлланилади. Хаммурапи қонунлари кўпроқ суд қарорлари тўпламига ўхшаб кетади. Кодекснинг уч қисмдан иборатлигини илғаб олиш қийин эмас. 1) Кириш. Ундан Кодексни чиқаришдан мақсад мамлакатда адолат ўрнатишдир, дейилган. Бинобарин, подшо қилмишларни санаб ўтади ва унвонларнинг тўла номларини келтиради. 2) Судебник (Қонуннома)нинг асосий матни. Бунда жиноят ҳуқуқи, процессуал ҳуқуқ, мулк ҳуқуқининг бузилиши ва унга қўлланиладиган жазолар, оила ва никоҳ ҳуқуқи, жангчиларнинг ҳуқуқлари ва бошқа муносабатлар ҳақида қоидалар бор. 3) Хулоса қисмида подшонинг халқ олдидаги хизматлари, келгусида қонунларни амалга оширадиган подшоларни ҳурматлаш, қонунларга амал қилмайдиган, уларни бекор қилмоқчи бўлган подшоларни лаянатлаш лозимлиги ўқтирилади.

**ХАРТИЯ** (грек. *chartes* — қоғоз, папирус қоғози. папирусга битилган қадимги қўлёзма; ёрлиқ). — 1) ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий кўринишга эга бўлган ҳужжат; 2) халқаро ҳуқуқда, халқаро актнинг умумий тамойиллари ва мақсадларини белгиловчи, мажбурий кучга эга бўлмаган, декларация атамасининг синоними (масалан, Янги Европа учун Париж Хартияси); 3) Ўрта асрларда оммавий-ҳуқуқий ва сиёсий тусдаги ҳужжат (Шаҳарлар ва коммуналар хартияси, Англияда 1215 йилги Буюк эркинлик хартияси). Хартияда кенг халқ ҳаракатининг асосий талаблари ифода этилган. 1215 йилдаги Хартия баронлар билан қирол ўртасидага келишувдан иборат бўлиб, қирол ҳокимиятини чеклашга ва қирол билан унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган эди. 68 та моддаси бўлган. Шулардан 30 таси баронлар, 7 таси рицарлар ва озод ер эгалари, 3 таси шаҳарликлар манфаатини кўриқлаш ҳақида эди. Мамлакатнинг асосий қатлами бўлган вилланларга хартия ҳеч нарса бермаган. Хартияга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ҳолатлар ҳам кўп учрайди. Буюк эркинлик хартияси қиролга қарши иттифоқ иштирокчиларининг муваққат битими ҳам ҳисобланиб, у кейинчалик бир неча бор кўриб чиқилган. Масалан, қирол Генрих VI даврида (1422—1461 йилларда) 37 марта қайта кўриб чиқилган. Янги замонга келиб, Англияда

1830—1850-йилларда пролетариат инқилобий фаолиятининг илк бор сиёсий расмийлаштирилган оммавий ҳаракати бўлмиш чартизм муҳим воқеликлардан эди. Чартистлар ўз талабларини 1838 йилда қонун лойиҳаси кўринишидаги “Халқ хартияси” деб номланган ҳужжатда баён қилганлар. 1840 йилда Миллий чартистлар ассоциацияси — биринчи оммавий ишчилар ҳаракатига асос солинади. 1850-йиллардан бошлаб ишчилар ҳаракатида ислохатчилик кайфиятлари ўсиши билан чартистлар тарих саҳна-сидан тушадилар. Шунингдек, бошқа конституциявий хартиялар ҳам мавжуд бўлган. Баъзан айрим халқаро ҳужжатлар ва битимлар ҳам хартия деб номланган.

**ХОДИМНИНГ АСОСИЙ МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи.

**ХОЛИСЛАР СУДИ** (рус. *третейский суд ёки арбитраж*) — иқтисодий, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келган низони кўриб чиқиш учун уларнинг ўзаро келишуви билан тузиладиган нодавлат орган. Холислар суди ваколат доираси ҳам тарафларининг келишуви асосида белгиланади. Тарафлар низони кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун холислар судига топширишар экан, суднинг қарорига итоат этиш учун ўз зиммаларига мажбурият оладилар. Низони Холислар судига топшириш ҳақидаги келишув улар ўртасида тузилган асосий шартномада ёки бу ҳақда ёзма равишда алоҳида келишиб олган бўлишлари мумкин. Холислар суди қароридан норози тараф (тарафлар) низо бўйича ишни хўжалик судига ўтказишлари мумкин.

**ХОНЛИК** — хон томонидан бошқариладиган давлат. Хива, Қўқон хонликлари ва ҳоказо. “Хон” унвонига Шарқдаги баъзи мамлакатларда дастлаб Чингизхон авлодлари, сўнгра уларнинг хонадонига мансуб бўлмаган монарх, ҳукмдор ва нуфузли кишилар эга бўлган. Шунингдек, Шарқдаги айрим мамлакатларда князь унвонига тенг бўлган фахрий дворянлик унвони ҳисобланган. Деярли XVI асрдан эътиборан вужудга келган Хива, Бухоро (кейинчалик амирлик) ҳамда Қўқон хонликлари мукамал монархия шаклидаги ва муфассал ҳуқуқ тизимида эга бўлган мустақил давлатлар ҳисобланган.

**ХУСУСИЙ МУЛК** — Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида мавжуд. Фуқаролик



кодексининг 207-моддасига мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат. Фуқаролик кодексининг 164-моддасида берилган умумий тушунчага биноан ҳар қандай мулкдор, жумладан, хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги таъкидлаб ўтилади.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Хусусий мулк кўп йиллардан сўнг 1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисидаги Қонуни қабул қилиниши билан яна тикланди. Ушбу Қонунга 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Қонуни билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, фақат фуқаро эмас, шунингдек, юридик шахслар ҳам хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олинди.

**ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ** — шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлиб фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, бошқа нодавлат юридик шахслар ҳисобланади. Қонун билан ман этилган айрим ашёлар (масалан, қазилма бойликлар, сув ресурслари ва шу кабилар)дан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш тартиби ва шартлари қонунларда белгилаб қўйилган. Хусусий мулк ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Хусусий мулк ҳуқуқи реал таъминланиши бозор муносабатлари тизими амал қилишининг энг муҳим шarti ҳисобланади.

**ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ** (рус. *частное право*) — турли давлатлар миллий ҳуқуқ тизимларига, халқаро ҳуқуқ, халқаро шартномалар, конвенцияларга тааллуқли ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан ташкил топган ҳуқуқ соҳасидан иборат. Хусусий ҳуқуқ нор-

малари воситасида шахсий манфаатлар билан ифодаланувчи ва мустақилликка асосланган индивидуал мулкдорлар, уюшмалар (корпорациялар)нинг мулккий фаолияти ва шахсий муносабатлари тартибга солинади. Шу хусусиятлари билан умумий манфаатга асосланган муносабатларни тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи халқаро оммавий ҳуқуқдан фарқланади.

Турли давлатлар фуқаролари, бирон-бир давлатда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шунингдек, юридик шахслар ҳамда давлатлар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий хусусий муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинади. Чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий мулккий, шахсий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 70, 71-бобларида назарда тутилган нормалар, бошқа қонунлар, эътироф этилган халқаро шартномалар, халқаро одат ва анъаналар асосида, шунингдек, тарафларнинг келишуви негизида белгиланиб, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, бошқача қилиб айтганда — халқаро хусусий ҳуқуқ таркибидаги коллизион (тўқнашув) нормалар ва моддий ҳуқуқий нормаларнинг бирлашишишу соҳага тааллуқли муносабатларнинг ҳал қилиниши билан изоҳланади.

Ҳар бир фуқаролик-ҳуқуқий нормалар сингари коллизион нормаларнинг диспозитив (ҳавола этувчи) ёки императив (қатъий, мажбурий) тарзга эга бўлган қисмини ўзгача қўллаш тўғрисида тарафлар битим бўйича ўзаро келишиб олган бўлиши мумкин. Хусусий ҳуқуқ предмети кўп қиррали (шахсий, мулккий, номулкий, интеллектуал, оилавий, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) муносабатларни ўз ичига қамраб олади.

**ХУСУСИЙЛАШТИРИШ** — жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши.

**ХЎЖАЛИК СУДИ:** ўз ваколати доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари (иқтисодий низолар)дан ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этади.

**ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ** — тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи субъектлар ўртасида тузиладиган, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси. Хўжалик шартномалари, тузиш пайти уни ижро этиш пайти билан мос келмайдиган корхоналар, тадбир-

корлар иштирокида тузиладиган шартномалардан иборат. Масалан, контрактация, маҳсулотни етказиб бериш, қурилишга оид пудрат ва бошқа шартномалар хўжалик шартномалари таркибига киради. Бозор иқтисодий хўжалик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда хўжалик шартномалари алоҳида ўрин тутади.

**ХЎЖАЛИК ШИРКАТИ** — тадбиркорликни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект бўлиб, унинг муассислари мулквий бадаллар қўшишдан ташқари ширкат фаолиятида шахсан иштирок этишлари лозим. Хўжалик ширкатларини тўла хўжалик ширкати ва командит хўжалик ширкати каби турлари мавжуд. Хўжалик ширкатини ташкил этиш, фаолият юритиш тартиби ва асослари “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

**ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРИ** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланишича, улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассислар (иштирокчилар)нинг акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек, хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, командит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шаклида тузилиши мумкин. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (акциядорлик жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

**ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҲУҚУҚИ** — ашёвий ҳуқуқларнинг бир тури бўлиб, иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллайди. Хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида мол-мулки бўлган унитар корхона бу мол-мулкка Фуқаролик кодексида белгиланган доирада эгалик қилади, ундан фойдаланилади ва тасарруф этади (Фуқаролик кодексининг 176-моддаси). Хўжалик юритишда бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини белгилаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди. Корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади. Мулкдор корхонанинг хўжалик юритишда бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга. Унитар корхона хўжалик юритиш

ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ҳақли эмас, корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади (Фуқаролик кодексининг 177-моддаси).

**ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ** — ҳуқуқнинг мустақил соҳаси, хўжалик фаолияти ва у билан боғлиқ давлат бошқарувида вужудга келувчи муносабатларни тартибга солади.

## “Ц”

**ЦЕНЗ** — шахсларга муайян сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланишда қўйиладиган чекловчи шартлар. Масалан, сайлов цензи, ёш цензи, фуқаролик цензи, мол-мулк цензи, тил цензи ва ҳоказо.

**ЦЕССИОНАРИЙ (Цессионер)** — ҳуқуқ, мол-мулк ва ҳоказолар ўтказилган шахс. Суғурта бўйича талаб бошқа шахсга ўтказилганда, суғурта жамияти қайта суғурталаниш билан боғлиқ хавфхатарни маълум даражада ўз зиммасига олади.

**ЦЕССИЯ** (лотин. *cessio*) — 1) Фуқаролик ҳуқуқи бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишдир. Кредитор (цедент) томонидан ўзига тегишли бўлган талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга (цессионарий) фойдасига ўтказилишидан, яъни воз кечишдан иборат. Талабни қабул қилган шахс аввалги кредиторнинг қарздорига нисбатан янги кредитор бўлиб ҳисобланади, демак, қарздорга нисбатан кредиторлар ўзгаради. Бундай воз кечиш қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса йўл қўйилади (Фуқаролик кодекси 319-моддаси). Кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўша шаклда амалга оширилиши керак. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак. Ордерли қимматли қоғоз бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли билан амалга оширилади. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олди-

да унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатни олган ҳоллар бундан мустасно. 2) Цессия халқаро ҳуқуқда бир давлат ҳудудидан иккинчи давлатга ўзаро келишилган ҳолда ер майдонини ўтказишдан иборат. Цессия ўтмишда кўп ҳолларда тегишли давлатлар ва халқлар манфаатлари ҳисобга олинмасдан амалга ошириларди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ бўйича, халқлар ва миллатлар манфаатларига путур етказилмаса, бир давлатдан бошқа давлатга ер майдонини ўтказишга йўл қўйилади. Цессия бўйича ер майдонини ўтказиш ҳақ эвазига бўлиши назарда тутилади. Шунинг билан бирга, цессия тегишли давлатлар ўртасида ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига амал қилган ҳолда халқаро шартнома тузишни талаб қилади.

**ЦИВИЛ ҲУҚУҚИ** (рус. *цивильное право*; шаҳар, сиёсий жамоа, халқ, давлат) — Қадимий Римда “миллий” ҳуқуқнинг асли номи. Цивил ҳуқуқи бирон-бир ҳуқуқ тизимида такрорланмайдиган ўзига хос ҳуқуқ соҳасидан иборат. Цивил ҳуқуқи жумласига Ўн икки таблицали қонунлар ва ундан кейин халқ мажлисларида қабул қилинган барча қонунлар, шунингдек, Рим ҳуқуқшуносларининг қонунга берган шарҳлари ҳам киради. Ўша даврда Рим ҳуқуқида жинсий жавобгарлик ҳақидаги қоидалар, қарз бўйича тўланадиган фоизнинг энг кам миқдори, кўчанинг кенглиги, солиқ ва бошқа масалалар бўйича қабул қилинган қонунлар битта умумий хусусияти билан ифодаланган — уларда назарда тутилган ҳуқуқлар Рим шаҳри граждандарига тегишли бўлиб, чет эл фуқаролари ва қулларга нисбатан жорий қилинмаган. Шу маънода, яъни қонунлардаги ҳуқуқ фақат Рим граждандарига тегишли бўлганлиги туфайли у Рим граждандарининг цивил, яъни шаҳар халқ, давлат ҳуқуқи деган иборани олган.

## “Ч”

**ЧАРТЕР** (ингл. *charter*) — халқаро савдо соҳасида денгиз ва ҳаво йўлларида оғирлик, юк, йўловчилар ташиш бўйича тузиладиган шартнома турларидан бири. Чартер шартномаси бўйича бир тараф (фрахтловчи) иккинчи тараф (фрахта қилувчига) ҳақ эвазига битта ёки бир неча транспорт воситасининг қисмини ёки барча қисмини бир марта ёки бир неча марта юк, йўловчилар ташиш учун топшириш мажбуриятини олади. Чартер шартномасида тарафларнинг номлари, денгиз ёки ҳаво транспорт воситасининг тури, фрахтлаш мақсади, ташилади-

ган юк, оғирлик, йўловчи, почтанинг тўла ҳажми, фрахта учун тўланадиган ҳақнинг миқдори транспортнинг жўнайдиган жойи ва вақти, ҳаво транспортининг бориб қўнадиган жойи ва вақти кўрсатилган бўлиши керак. Чартер шартномасида бошқа шартлар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Чартер шартномасига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 34-бобининг 3-параграфида назарда тутилади.

**ЧАҚИРИБ ОЛИНАДИГАН АККРЕДИТИВ** (рус. *аккредитив отзывный*) — маблағ олувчи огоҳлантирилмасдан банк-эмитент, яъни маблағ ажратувчи банк томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин бўлган аккредитив. Аккредитивни чақириб олинishi банк-эмитентнинг маблағ олувчи олдида бирон-бир мажбуриятни вужудга келтирмайди. Маблағ беришни ижро этувчи банк аккредитивга ўзгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш ҳақида хабар олмагунича чақириб олинадиган аккредитив бўйича мижозга маблағ беришни ёки бошқа ҳаракатларни бажаришни давом эттиришга мажбур агар аккредитив тўғрисидаги ҳужжатнинг матнида бирон-бир аниқ шарт назарда тутилмаган бўлса, бундай аккредитив чақириб олинadиган деб ҳисобланади.

**ЧАҚИРИБ ОЛИНИШИ ТАСДИҚЛАНМАГАН АККРЕДИТИВ** (рус. *аккредитив безотзывный неподтверждённый*) — бундай аккредитив бўйича товар сотувчининг банки аккредитив очилганлиги ҳақида фақат хабар қилади, бироқ унинг берилишига кафолат бермайди. Бундай ҳолатда олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятни бажарилиши учун жавобгарлик сотиб олувчининг банки зиммасига юклатилади.

**ЧАҚИРИБ ОЛИНМАЙДИГАН АККРЕДИТИВ** (рус. *аккредитив безотзывный*) — маблағ олувчининг розилигисиз ман қилиниши мумкин бўлмаган аккредитив. Аккредитив чақириб олинishi мумкин эмаслиги банк-эмитент, яъни маблағ ажратган банк илтимосига биноан маблағ ажратишни ижро этувчи банк томонидан тасдиқланади (тасдиқланган аккредитив). Бундай тасдиқ билан маблағ ажратишни ижро этувчи банк томонидан банк-эмитентнинг мажбуриятига нисбатан кўшимча мажбурият олган ҳисобланади. Чақириб олинмайдиган аккредитивни ижро этувчи банк розилигисиз бекор қилиш ёки ўзгартириш мумкин эмас.

**ЧЕГАРА ДЕМАРКАЦИЯСИ** — чегара делимитацияси тўғрисидаги шартномага асосан давлат чегарасидаги жойнинг чизиғини унга илова қилинган карта ва тавсиф бўйича аниқ-

лаб белгилашдир. Чегарадош тарафлар давлатлари томонидан махсус тузилган аралаш гуруҳ жойларда чегара чизигини аниқлаш бўйича ишларни амалга оширади. Айрим ҳолларда, бундай функция тинчлик асосидаги шартномалар бўйича ташкил этилган махсус халқаро органлар орқали амалга оширилади. Аралаш гуруҳ, жойлардаги чегара чизигининг тўла ҳолатини аниқлаб, чегара делимитацияси ҳақида тасвирли баённома тузади, картада унинг барча ҳолатлари, шунингдек, баённомада ҳар бир чегара белгиси ва ҳар бир белгининг чизмаси белгиланган бўлади. Демаркация ишлари давомида аралаш комиссия чегара чизиги ўтиши юзасидан айрим аниқликлар киритиши мумкин, агарда олдин тузилган шартномада белгиланган ва унга илова қилинган картада акс эттирилган бўлса. Бундай аниқликлар қоидага кўра аҳоли яшайдиган пунктлар олдида, дарёларда ва тоғ ёнбағирларида амалга оширилади. Демаркацион ҳужжатлар аралаш гуруҳлар имзолагандан сўнг ҳар бир давлатларнинг амалдаги қонунчилиги асосида ҳар икки томон тасдиқлагандан кейин, бир-бирига тасдиқлаганлиги ҳақида хабар қилади, ҳужжатлар уларни алмаштириш жараёнида кучга киради.

**ЧЕГАРАЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ** — давлат мустақиллиги амал қилувчи ҳудуд давлат чегараси билан белгиланганини ва унга тажовуз қилиш тақиқланганлигини билдирувчи халқаро ҳуқуқ тамойили. Чегараларни бузиш давлат мустақиллигига хиёнат қилишни билдиради. Давлат чегараларини мажбуран ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган аннексиядир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида қайд қилинган чегараларнинг дахлсизлиги мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойилидир.

**ЧЕГАРАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ (Чегаралар делимитацияси)** — давлат чегараси чизигини шартномавий асосда белгилаш, карта бўйича кенг масштабли аҳоли яшайдиган объектлар гидрографияси ва улар акс эттирилган рельефлар батафсил тасвирланганига биноан амалга оширилади. Карта асосида чегара чизигини томонлар шартномавий делимитация қилиб ўтказиши, қоидага кўра, муфассал тасвирланган ҳолда кўзда тутилади. Давлат чегараси чизиги белгиланган карта, одатда, аҳдлашаётган тарафлар томонидан имзоланади ёки ваколатли бўлган шахслар насабининг бош харфлари билан бирламчи имзоланади, гербли муҳр билан мустаҳкамланади ва чегаралар делимитацияси тўғрисидаги шартноманинг асосий қисми ҳисобланади. Чегарани тавсифлаш чегара тўғрисидаги шартноманинг бирон-бир моддаси тариқасида киритилади ёки унинг иловаси ҳисобланади. Чегара

делимитацияси, одатда, ратификация қилинади, ратификация эса ратификация ёрлиқлари давлатлар ўртасида алмаштирилсагина кучга киради. Чегара делимитацияси тўғрисидаги шартнома тарафлар чегарани демаркациялаши тўғрисидаги мажбуриятни ўз ичига олади, яъни унинг жойга нисбатан аниқланиши тўғрисида мажбурият ҳисобланади, чунки томонлар маълум бир вақтда аралаш гуруҳлардан ташкил этилади. Одатда, давлат чегараси тўғрисидаги шартномалар муддатсиз бўлади. Айрим ҳолларда, давлатга денгиз кенгликлари қўшилиб кетган бўлса, унда улар мустақил равишда ўзининг денгиз чегараларини белгилаш ва ўзининг денгиз ҳудудидаги маълум чизиққача тарқалиши, агарда улар бошқа давлатларнинг денгиз ҳудудлари билан бир-бирига қадалиб турган бўлмаса, балки очиқ денгиз сувлари билан бўлсагина, бу ҳуқуққа эга бўлади. Бундай чегаралар давлатлар ўртасида халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосан белгиланади. Денгиз чегараси чизиғи сув сатҳидаги тўлқин йўналиши қирғоғига қараб аниқланади. Айрим ҳолларда, давлатларнинг ҳудудий ёки ички сувлари бир-бирига тегиб турган бўлса, унда уларнинг делимитацияси шартнома асосида амалга оширилади.

**ЧЕК** (ингл. *chegue, check*) — қимматли қоғоз. Чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади (Фуқаролик кодексининг 807-моддаси). Чек билан ҳисоб-китоб қилинганда фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банккина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин. Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунича уни чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Чекда қўйидагилар бўлиши шарт: ҳужжат матнига киритилган “чек” деган ном; муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топширик; тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисоб варақдан амалга оширилиши кераклиги; тўлов валютаси; чек тузилган сана ва жой; чекни ёзиб берган шахс — чек берувчининг имзоси; ҳужжатда мазкур реквизитлардан биронтаси бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қилади. Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади. Чекнинг шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Чек ўз ҳуқуқий хусусиятларига кўра қўйидаги ҳар хил турларга бўлинади: акцепт қилинган чек; тўланган (аннулированный) чек; банк чеки; қайтарилган (возвратный) чек; йўловчилар, саёҳатчилар (дорожный) чеки; шахс номи кўрсатилган (именной) чек; имтиёзли (лимитированный) чек; ўтказилади-



ган (переводной) чек; харид қилувчи (покупатель) чек; тақдим этиладиган (предъявительский) чек; ҳисоб-китоб (расчётный) чеки; товар чеки ва ҳоказо.

**ЧЕК ДАФТАРЧАСИ** (рус. *чековая книжка*) — брошюра шаклида жипслаштирилган чек варақалари (формулярлари)дан иборат. Чек дафтарчаси банкда ҳисоб-китоб (счёт) очиш пайтида пул қўувчи шахс (мижоз)га берилади. Мижоз чек ёрдамида жорий счётдан фақат нақд пул олиш эмас, шунингдек, у ушбу счётдан жисмоний ва юридик шахсларга пул ўтказиши, яъни ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Умумий қоидага биноан чеклар бланклар шаклида тузилган, типографияда босилган ва кетма-кет рақамланган, яъни тартиб рақами қўйиб чиқилган махсус қоғозлардан иборат. Улар банк чекларидан фарқ қилади ва “чек дафтарчасидан олинган чеклар” деб номланади.

**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ** — “валюта” тушунчаси икки маънода: пул бирлиги ҳамда қимматли бойликлар маъносида ишлатилади. Пул бирлиги маъносидаги валюта: давлат пул бирлиги сифатида; хорижий пул бирликларида ифодаланган ва ҳисоб-китоблар соҳасида қўлланиладиган кредит ҳамда тўлов ҳужжатлари тарзида қўлланилади. Мамлакатнинг ички ўз валютаси билан хорижий валюталар ўртасидаги ўзаро нисбатни белгилаш учун валюта конвертация қилинмайдиган, яъни халқаро ҳисоб-китобларда қўлланилмайди, қисман конвертацияланадиган ва конвертация эркин амалга ошириладиган валюталар ўзаро фарқланади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида “валюта бойликлари” тушунчасига таъриф берилган, унга кўра: чет эл валютаси; чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар; чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари; қимматбаҳо металллар; табиий қимматбаҳо тошлар валюта бойликлари саналади. Валюта курси давлат пул бирлигининг бошқа давлат пул бирлигида ифодаланган баҳосидир. Аксарият валюта муомалалари АҚШ долларида олиб борилади. Дунёда юздан зиёд пул бирлиги мавжуд.

**ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ** деганда, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади. Бундай бойликлар: пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, суғурта полислари ва бошқа қимматли қоғозлардан; кўчар ва кўчмас мол-мулкдан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар); муаллифлик ҳуқуқларидан келиб

чиқадиган мулккий ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлардан; Ўзбекистон Республикаси, мамлакат юридик шахслари ва фуқароларининг эгалигидаги ердан, мол-мулкдан ҳамда табиий бойликлардан фойдаланишга чет эллик инвесторлар сотиб олган ижара ҳуқуқларидан; ўзга бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

**ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР** — айна мамлакат фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари бўлган шахслар. Бундай далиллар қаторига миллий паспортлар ёки ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар кирази.

**ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛИГИ ВА ФУҚАРОЛИК** — Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб бўлмаган шахслар, аммо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган, чет мамлакатларнинг фуқаролигига эга бўлган шахслар чет эл фуқароси ҳисобланади. Уларнинг Ўзбекистонда бўлишига турли сабаблар мавжуддир. Масалан, шартномалар асосида Ўзбекистонда ишлаши, ўқиши, чет элларнинг дипломатик ва консуллик идораларида ишлаши, сайёҳлик йўлланмаси билан келиши ва ҳоказолар. Уларнинг ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва халқаро шартномалар билан белгиланади. Фуқаролиги бўлмаган шахслар бирон-бир мамлакатга ҳуқуқий мансуб бўлмаган шахслардир. Бундай шахслар ҳар қандай мамлакатда учрайди. Улар сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмайдилар, ўзларининг хоҳиши билан Ўзбекистон фуқаролигига ўтиши мумкин. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1169-моддасининг 2-қисмига биноан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## “Ш”

**ШАРИАТ** (араб. *аш-шариа* — “оқ йўл”) — мусулмон ҳуқуқининг манбалари орасида бирламчи ва етакчи манбаи. Араблар ҳукмронлиги ўрнатилгач, ўлкада мусулмон дини ва унинг асосида шаклланган ислом ҳуқуқий ғоявийлиги қарор топди. Унга кўра, барча мусулмонлар муқаддас илоҳий қонун — Оллоҳ томонидан нозил қилинган Қуръони каримда ёзиб қўйилган,

Расулуллоҳ ҳадисларида ифодаланган, фикҳда шарҳланган майдонда яшайдилар. Бу дунёдаги ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсани кўриб турувчи Оллоҳ ягонадир. Муқаддас қонунларга таянган шариат эса мусулмонларга ягона “тўғри йўл”ни кўрсатувчи қоидалар тўпламидир. Мусулмон ҳуқуқий ғоясига кўра, шариат Оллоҳ томонидан инсоннинг туғилишидан вафот этишигача бўлган даврдаги ҳаётини белгилаб берувчи қоидалардан иборатдир. Шариатнинг юридик табиатига келсак, у ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий ҳуқуқий тизимни бирлаштиради. Албатта, мусулмонлар жамоаси ҳаётининг тамойиллари ва қоидалари тўпламидан иборат бўлган фикҳни шариат ҳуқуқидан ажратиб бўлмайди. Шариат ҳуқуқи диний, фикҳ эса дунёвий ҳуқуқ манбаи деб ҳисоблаш ҳам унча тўғри эмас. Чунки мусулмон ҳуқуқи ягона ажралмас ҳуқуқий тизимдир. Шариат тўрт манбадан иборат: биринчи манбаи Қуръони карим, иккинчиси Ҳадислар ва учинчиси Ижмоъ, тўртинчиси эса Қиёсдир. Иккинчи даражали манбаларга эса Фатво ва Тақлидни киритиш мумкин.

**ШАРТНОМА** (рус. *договор*) — икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Амалдаги Фуқаролик кодексида шартноманинг умумий қоидалари уни тузиш тартиби, ўзгартириш ва бекор қилиш асосларига бағишланган 32-моддadan иборат учта алоҳида боб (26—28) берилди. 1963 йилдаги Гражданлик кодексида бундай боблар йўқ эди, чунки унда тарафлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқ ва бурчлар аксарият ҳолларда тарафлар ўртасида тузиладиган шартномага эмас, бажарилиши мажбур бўлган планга асосланган бўларди. Бозор муносабатларининг таркиб топиши мажбуриятларни шартномага асосланган бўлишини тақозо қилади. Шартнома тарафларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигидан, муносабатларда иштирок қилиш учун ўз хоҳиш ва мақсадларини эркин равишда расмий ифода этишларидан дарак беради. Шартномага одатдагидек фақат битимнинг бир тури сифатида қарамасдан, балки фуқаролар, юридик шахслар, давлатлар иштирокида тузиладиган ва ижтимоий-иқтисодий, маданий муносабатларни тартибга соладиган юридик ҳужжат сифатида қарашни талаб қилади. Шартнома атамаси шартнома асосида вужудга келган фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлигидан ва ёзма шаклида тузилган, шартноманинг мазмунини ифода этган ҳужжат эканлигидан дарак беради. Шартнома контракт маъносини беради.

**ШАРТНОМА (мусулмон ҳуқуқида)** — бир томонлама ёки икки томонлама эрк билдирилиб тузилган ҳар қандай битим.

Бир томонлама шартномада унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлари бир тарафнинг (шахснинг) эркига асосан белгиланса ва ушбу шартларнинг бажарилишини ҳам ўша тараф ўз зиммасига олган бўлса, икки томонлама шартномада эса иккала тарафларнинг ҳам эрки билдирилган бўлиши ва бажарилишида иккала тарафнинг ҳам қатнашиши кўзда тутилади. Шартномани тузиш ва уни бажариш тарафларнинг вакиллари орқали ҳам амалга оширилишига йўл қўйилади. Мулкый муносабатларда кўпроқ учрайдиган шартномалар олди-сотди, контрактация, айирбошлаш, мулки ижараси, қарз, пудрат ва ширкатлардан иборат.

**ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШИ** (рус. *действия договора*) — шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг уларнинг шартнома тузишдан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишига ҳақлидирлар. Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланган бўлиши мумкин. Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажарилишининг шартномада белгилаб қўйилган охириги муддатгача амал қилади, деб ҳисобланади. Шартнома амал тугаши тарафларнинг уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди (Фуқаролик кодексининг 357-моддаси.)

**ШАРТНОМАГА АСОСЛАНМАГАН**, яъни шахсга, унинг ҳаётига, соғлигига ҳамда унинг мол-мулкига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солиш қоидалари ҳам мавжуд. Ушбу қоидаларга мувофиқ етказилган зарар, қандай аҳамиятга эга бўлишидан қатъи назар, биринчи гада пул, мол-мулк тўлаш билан, башарти, зарарни бундай қоплаш имконияти бўлмаса, айбдор жабрланган шахсга ишлаб бприши ёки ўз қизини, синглисини топшириш йўли билан қутулиши мумкин эди. Шариат нормаларида “дията” деган қоида ишлатилган. Ушбу қоидага биноан қози шахснинг саломатлигига етказилган зарарни ундириш ҳақида қарор чиқаради.

**ШАРТНОМАНИНГ НАРСАСИ** (мусулмон ҳуқуқида) — маҳаллий аҳоли кенг равишда истеъмол қиладиган ва ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналар ва маҳаллий усталар, қурувчилар бажарадиган қурилишлар ва бошқа маҳсулотлардан иборат.

**ШАРТНОМАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖОЙИ ҚОНУНИ** (*Lex loci contractus*) — ашёнинг жойи қонуни каби биринчи коллизия бoғламалардан ҳисобланади, тарихан коллизия ҳуқуқда таркиб топган бўлиб, шартнома тузилган давлат ҳуқуқи қўлланишини англатади. Ушбу формула олди-сотди, пудрат, бартер шартномаларидан юзага келадиган мажбуриятларни тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

Қайд этилган формуланинг кам қўлланилишига сабаб, шартномаларни тузишнинг ёзишмалар амалиёти кенгайганидир (почта, телеграф, факс ва ҳоказо), шунинг учун шартнома бирон-бир давлат билан амалий алоқаларини йўқотди. Шартномани тузиш жойи асл (факт) белгидан юридик белгига айланиб, турли давлатларнинг ҳуқуқида турлича талқин этилмоқда.

**ШАРТНОМАНИ ИЖРО ЭТИШ ЖОЙИ ҚОНУНИ** (*Lex loci solutionis*), шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятни ижро этиш давлати ҳуқуқини қўлланишини билдиради. Шартномани ижро этиш жойи қонунининг коллизия бoғламаси шартномани амалга ошириш жойи қонуни формуласи каби фуқролик-ҳуқуқий шартнома мажбуриятларини тартибга солишда қўлланилади. Кўпроқ шартномани ижро этиш жойи қонуни талқини — яъни товарни аслида (факт) топшириш жойи қонуни ёки товар ҳақини тўлаш жойи қонуни сифатида бир қатор масалаларни — товарни топшириш тартиби (топшириш-қабул қилиб олиш актининг шакли, уни содир этиш куни ва вақти ҳамда шу кабилар) ва тўлаш тартиби, жумладан, тўлов ҳужжатларининг шакли ва мазмунини тартибга солади.

**ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ** (рус. *действия договора*) — шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг уларнинг шартнома тузишдан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишига ҳақлидирлар. Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади деб белгиланган бўлиши мумкин. Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажарилишининг шартномада белгилаб қўйилган охиригидан муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади. Шартнома амал қилиш муддатининг тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди (Фуқаролик кодексининг 357-моддаси).

**ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ** (рус. *страхование ответственности по договору*) —

шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини сугурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини сугурта қилиш шартномаси бўйича фақат сугурта қилдирувчининг жавобгарлик хавфи сугурталаниши мумкин. Ушбу талабга мувофиқ бўлмаган сугурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи, бу шартнома шартларига кўра сугурта қилдирувчи қайси тарафга нисбатан тегишли жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф — наф олувчи фойдасига, ҳатто сугурта шартномаси боника шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам, сугурталанган ҳисобланади.

**ШАРТНОМА ТУЗИШ ЭРКИНЛИГИ**, фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузишда эркин эканлигидан дарак беради. Уларни шартнома тузишга ҳеч ким мажбур қилмайди. Шартнома тузишда, унинг мазмунини белгилашда ва шартларини аниқлашда улар ўз хоҳишларини эркин ифода этадилар. Тарафлар қонунда назарда тутилмаган шартномани тузишлари ҳам мумкин. Бунда қонунда белгилашда “Қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни бажаришга рухсат этилади” деган умумий қоидага амал қилинади. Шартноманинг шартларини белгилашда ҳам унинг тарафларига кенг эркинлик берилади. Шартнома шартларини белгиловчи норма асосан диспозитив характерга эга. Тарафлар шартнома шартларини ўзгартириш ёки мутлақ бошқа шартларни қабул қилиши, шунингдек, тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган иш муомаласи одатларига мос келадиган ва жавоб берадиган шартларни ҳам қабул қилишлари мумкин. Шартнома шартлари қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Бундай қонуннинг ўрнатилиши, айниқса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур шартнома шартларидан энг муҳими унинг ҳақ эвазига амалга оширилишидадир. Қабул қилинган товарнинг, бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг ҳақи тўланиши керак. Шартнома текинга тузилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни ва моҳиятидан ўзгача маъно англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган деб ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 355-моддаси).

**ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР (Фуқаролик ҳуқуқлари)** — инсонга унинг қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъи назар туғилишидан тегишли бўлган табиий, тортиб олиб бўлмайдиган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуасидир. Инсоннинг бундай ҳуқуқ ва эркинликлари унинг барча ҳуқуқий мақоми

негизини ташкил этади. Шахсий ҳуқуқлар кўпинча фуқаролик ҳуқуқлар деб ҳам айтишади. Лекин инсоннинг шахсий ҳуқуқлари дейилиши анча тўғри, у ўзининг табиий ва қайтариб бўлмас ҳолати билан турли тушунчаларидан иборат бўлган “фуқаролик ҳуқуқлари”, “фуқаронинг ҳуқуқлари” деган ибораларга аниқлик киритади. Халқаро ҳужжатлар (масалан, 1966 йилдаги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактда) ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобидаги моддаларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари сирасига қуйидагилар киритилади: шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахснинг дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлари тортиб олинмайди, қонунда назарда тутилмаган ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди.

**ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР** — инсонга унинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомидан қатъи назар тугилгандан мансуб бўлган асосий ҳуқуқлари. Шахсий ҳуқуқларга қуйидагилар киради: яшаш ҳуқуқи, эрк ҳуқуқи, жисмоний бутунлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ор-номусини ва шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, суд ҳимояси ва одил судлов ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва виждон эркинлиги, ўз миллий мансублигини эркин белгилаш ва она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи, қийноққа ва муомаланинг бошқа ёвуз, инсон қадрини ерга урувчи турларига дучор бўлмаслик ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, маълумот эркинлиги ва бошқа ҳуқуқлар. Шахсий ҳуқуқларга риоя қилиниши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24—31-моддалари билан кафолатланган.

**ШАХСИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ** бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчи ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурта шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонунида шахсий суғурта шартномасига тааллуқли умумий қоидалар назарда тутилади.

**ШАХСЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ТАЪСИРИ** — икки ёки ундан кўп одамларнинг шахсий алоқаси (контакти). Алоқа натижасида уларнинг фаолияти, хулқи, дунёқараши, ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлигида ҳар бир қатнашчининг ахлоқи бошқаларнинг ахлоқига нисбатан реакция сифатида вужудга келади. Шахсларнинг бир-бирига таъсири ижтимоий функцияларнинг тақсимланиши билан боғлиқ бўлиб, конкрет шартларга асосан белгилаб қўйилган, ижтимоий ўзаро таъсир (интернация) қоида ва нормаларига бўйсундирилгандир. Ҳамкорлик ва рақобат, қарама-қарши йўналишдаги манфаатларнинг тўқнашуви кўринишида намоён бўлади.

**ШИКОЯТ** — давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар муассасалар ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлари.

**ШИРКАТИ ВУЖУҲ** — қарз бериш ёки ишончга асосланган шерик. Шартномага асосан ширкат аъзоларининг ҳар бири ўзининг шахсий маблагини ҳисобига товар олиб, уни биргаликда сотишади. Ушбу шартнома бўйича ширкат аъзолари бир-бирига нисбатан ҳам ишончли шахс, ҳам кафил ҳисобланади. Шартнома тарфларидан ҳар бирининг даромади ва кўрган зиёни унинг ширкат фаолиятида иштирок этган ҳиссасига мувофиқ тенглаштирилади.

**ШИРКАТИ МУФАВАЗАТ** — шартномада назарда тутилган мақсадга эришиш учун унинг аъзолари (иштирокчилари) томонидан мол-мулкини тенг ҳиссада умумийлаштириш ва мажбуриятлар бўйича олинадиган даромадларни ҳам тенг ҳиссада олиш бўйича тузилган ширкат. Шартномага мувофиқ шериклар бир вақтнинг ўзида бир-бирига нисбатан ҳам муовин, ҳам ижрочи вазифасини бажаради. Шериклардан бир-бири томонидан ўз ваколати доирасида тузилган битим иккинчи ёки бошқа иштирокчилари учун ҳам мажбуриятларни вужудга келтиради. Бундай ширкат унда қатнашувчиларнинг ҳар томонлама тенг ҳуқуқли бўлишига асосланади.

**ШИРКАТИ ИНАЙН** — ўз мол-мулкининг бир қисмини умумлаштириб тижорат (савдо) билан шуғулланиш учун тузилган ширкат. Ушбу шартнома бўйича бир ширкат аъзоси иккинчисига нисбатан кафил эмас, балки ишончли шахс ҳисобланади. Ширкатга қўйилган шерикларнинг мол-мулки ҳиссаси тенг



бўлмаслиги мумкин. Ҳиссани ва ширкат фаолиятини бажаришда унинг аъзоларининг шахсий иштирок этиши тенг бўлмаслигидан қатъи назар, олинган даромад шартномада назарда тутилган шартга мувофиқ тақсимланади. Бир шерик иккинчи шерикнинг шахсий қарзи учун жавоб бермайди. Ширкатга етказилган зиён шартномага мувофиқ тўлдирилади.

**ШИРКАТИ САНАИЯ** — ҳунармандчилик ширкатидан иборат бўлиб, маълум бир ишни бажариш ёки касб билан шуғулланиш мақсадида шартнома тузилади. Ушбу ширкат аъзоларининг битта ҳунар билан шуғулланиши ёки битта жойда ишлаши шарт эмас. Олинган даромадларни тақсимлаш тенг бўлмаслигига йўл қўйилади. Шунинг билан бирга мажбурият бўйича шериклар биргаликда жавоб беради. Қишлоқ жойларида “тенг шерик” деган шериклик шартномалар тузилади. Бундай шартномага асосан шериклар тенг миқдордаги ҳисса сифатида ер, чорва мол, уруғлик ва бошқа нарсалар, шунингдек, ўз меҳнатини қўшадилар. Ҳисса сифатида баъзи шериклар ишчи ҳайвон ва ишлаб чиқариш қуроллари, бошқалари эса фақат ер билан қатнашадилар. Бундай йиғиштириб олинган ҳосил баб-баравар тақсимланади. Фақат ўз меҳнатини қўшган шериклар олинган ҳосилнинг учдан бир қисмини олади.

**ШИРКАТЛИК ШАРТНОМАСИ (мусулмон ҳуқуқида)**, икки ёки ундан кўп шахслар қатнашган бўлиб, маълум бир мақсадга эришиш учун тузилади. Ширкатлик шартномаси қуйидаги икки турган бўлинади: “ширкати мулк”, яъни биргаликда мол-мулкка эгалик қилиш ва “ширкати ақид”, яъни биргаликда битим тузиш, ўз навбатида “ширкати ақил” қуйидаги турларга бўлинади.

**ШУЪБА ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ** (рус. *дочернее хозяйственное общество*) — агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устинлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имкониятига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шуъба хўжалик жамияти ҳисобланади. Шуъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади. Шуъба хўжалик жамияти асосий жамият (ширкат)нинг қарзлари учун жавоб бермайди. Асосий жамият (ширкат) айби билан шуъба хўжалик жамияти касод (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

## “Э”

**ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ** — мулк ҳуқуқининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, мулкдорни ёки унга қонуний асосларда эгалик қилувчи (масалан, ижарачи) мол-мулкни ўз қўлида, ихтиёрида ёхуд ўз хоҳиш-идорасини амалга ошириш учун зарурий таъсир доирасида ушлаб туриши, сақлаб туриши ҳисобланади. Эгалик қилиш ҳуқуқи мулк ҳуқуқининг энг асосий, муҳим элементи ҳисобланади, чунки мол-мулкни эгалламастан туриб ундан фойдаланиб ҳам, уни тасарруф этиб ҳам бўлмайди. Айрим мол-мулк объектларига нисбатан уларни фактик эгаллаш маълум тартибда юридик расмийлаштирилган бўлишини тақозо қилади (масалан, уй-жой, ов милтиғи ва бошқалар). Гоявий негизга эга бўлган интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларда эса эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлиши шарт эмас.

**ЭГАСИЗ АШЁ** — эгаси бўлмаган ёки номалум бўлган ашё “эгасиз ашё” дейилади. Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги қоидаларга рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 187-моддасига асосан беш йиллик муддат белгиланган). Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат рўйхатига олувчи органи томонидан ҳисобга олинади. Эгасиз кўчмас ашё ҳисобига олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат органига ёки ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин. Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишга ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳужжат асосида қўлга киритилиши мумкин. Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (Фуқаролик кодексининг 191-моддаси).

**ЭКСТЕРРИТОРИАЛ ҲУҚУҚ** (“экстерриториал” ердан ташқарида деган маънони билдиради) — тўлиқ иммунитет, яъни бирон-бир давлат юрисдикциясига қараб озод этишдаги асос бўлиб, агарда сўз жисмоний шахс тўғрисида бормаса, бундай ҳолда тааллуқли шахс (ёки идора) давлат ҳудудида жойлашган бўлиб ҳисобланади. Олдинлари экстерриториал ҳуқуқ дипломатик

иммунитетларга ва имтиёзларига асослантирилган эди, аммо кейинчалик бундан воз кечилди, сабаби, бундай ҳолларда юридик функцияларга асосланиши ҳамда имунитетлар ва имтиёзларнинг тийиқсиз кенгайишига хизмат қилиши мумкин. Экстерриториал ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг айрим бошқа тармоқларида ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Масалан, халқаро денгиз ҳуқуқида чет эл портидаги ҳарбий кемаларнинг тавсифнома статусини сақлаш учун қўлланилади. Бундай кемалар бу ҳолларда давлатнинг байроғи билан ўз ҳудудида сузувчи деб қаралади. Эктерриториал ҳуқуқидан ҳарбий учиш кемалари ҳам фойдаланади, агарда улар чет эл ҳудудида суверен ҳудудлагилар розилиги билан бўлса, бундай ҳудудлар ўша давлатнинг бир қисми ҳисобланади, уларда таниб олинадиган белгилар мавжуд бўлади.

**ЭКЗЕКЛАТУРА** — 1) бир мамлакатдаги суд қарорининг бошқа мамлакатда ижро этилиши; 2) қабул қилувчи давлат ҳокимияти томонидан консулнинг тан олиншини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

**ЭКОЦИД** — инсоният ва айрим инсоният жамияти, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига атроф муҳитга етказилган зарар натижасида хавф солиниши. Кейинги йилларда халқаро ҳуқуқда экоцид халқаро жиноят жумласига киритилмоқда.

**ЭКСПЕДИТОР** — транспорт экспедицияси шартномаси тарафларидан бири; ташкилот экспедитори юкларни қабул қилиб олиш, ташишни ташкил этиш, юк жўнатилиши ва олиншини таъминлаш, юк ташиш шартномасини тузиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, экспедитор юкларни сақлаш, миқдори ва ҳолатини текшириш, божхона операцияларини ва шартномада белгиланган бошқа хизматларни бажариши мумкин.

**ЭКСТРАДАЦИЯ** (лотин. *ex traditio*) — бир давлатнинг бошқа (чет эл) давлати ўз фуқаросини ихтиёрига топшириши; ҳозирги даврда амалдаги конституциялар ўз фуқароларини чет эл давлатлари ихтиёрига топширишни сўзсиз тақиқлаб қўйишган. Агарда давлатнинг халқаро шартномаларида кўрсатилмаган бўлса, фуқароларни бошқа давлатлар ихтиёрига топшириш мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойилларига мувофиқ, агар бошқа давлат ихтиёрига топшириладиган фуқаро ҳаёти хавф остида қолса, яъни ўлим жазоси ва қийнаш каби жазо чоралари назарда тутилган бўлса, экстарадацияга йўл қўйилмайди.

**ЭЛЧИ** — чет давлатдаги (баъзан ўриндошлик билан бир қанча давлатларда) ва халқаро ташкилотдаги мазкур давлатнинг олий мартабали дипломатия вакили. “Элчи” атамаси, энг аввало, дипломатик ваколатхона бошлиғининг энг юксак мартабасини англатади, мазкур мартаба дипломатия ваколатхоналари очаётган давлатлар ўртасидаги битимлар билан белгиланади. Бунинг учун халқаро урф-одатда эътироф этилган ва 1961 йилдаги Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида ўз тасдиғини топган қоидаларига кўра дипломатия ваколатхонаси раҳбари тоифалар орасидан танлаб олинади. Элчи давлат бошлиғи томонидан тайинланади ва ўзи тайинланган давлат бошлиғи томонидан эътироф этилади. Элчи деганда, шунингдек, тегишли ваколатхона раҳбари лавозими ҳам тушунилади, аксарият мамлакатларда бу олий дипломатия мартабасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилганидек, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардаги элчиларни ва бошқа дипломатия вакиллари *Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайди ва чақириб олади (93-модда, 6-банд)*. Президент, шунингдек, чет эл дипломатия вакиллари *дан ишонч ёрликларини қабул қилиб олади (93-модда, 5-банд)*, яъни *Ўзбекистон Республикаси Президенти чет эл давлати бошлиғидан Ўзбекистон Республикаси раҳбарига ёзилган расмий мактубларни қабул қилиб олади, ушбу мактубларда дипломатия вакилини тайинлаш ёки чақириб олиш қоидалари баён этилади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатларидаги дипломатия вакиллари тайинлаш ва уларни чақириб олиш тартиби тўғрисида”га Қонунида 1961 йилдаги Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган тамойиллари ва нормаларига биноан Ўзбекистон Республикасининг элчисини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби белгиланган.*

**ЭЛЧИХОНА** — бир давлатнинг иккинчи давлатга доимий дипломатия ваколатхонаси, унга элчи бошчилик қилади; элчи олий тоифадаги дипломатия вакилидир. Доимий элчихоналар XVII—XVIII асрларда ташкил топган. Ҳозирги вақтда элчихонанинг мақомини белгилаб берадиган халқаро ҳуқуқий нормалар 1961 йилдаги Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясида акс этган. Ўзбекистон Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига 1992 йилнинг 15 январидан қўшилган. Дипломатия алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига биноан *Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси дипломатия ходимлари учун дипломатия тоифалари ва мартабаларини белгилаш тўғрисида” (1992 йил) ва “Ўзбекистон Рес-*

публикаси дипломатия ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва уларни чақириб олиш тартиби тўғрисида” (1992 йил) Қонунлар қабул қилди. Элчихоналар давлатларнинг ўзаро келишувига биноан таъсис этилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги 120 дан зиёд давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатган. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихоналари очилган ҳамда чет давлатларнинг 19 элчиси Ўзбекистон Республикасида ўриндошлик йўли билан элчи бўлиб ишламоқда, 20 дан ортиқ чет эл давлатларида Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ишлаб турибди. Элчихоналар қуйидаги вазифаларни адо этадилар: ўз давлати номидан вакиллик қилиш; ўз мамлакати манфаатларини ва фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш; ўзи ишлаб турган мамлакат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш; икки томон ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш. Элчихона, одатда, Ташқи ишлар вазирлиги билан мустақкам ҳамкорликда ишлайди. Элчихона биноси, архивлари, расмий жўнатмалари (корреспонденция) дахлсиздир. Элчихона эркин муомалада бўлиши эътироф этилади, шунингдек, элчихона бир қанча иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланади. Элчихона ўзи ишлаб турган мамлакат қонунларини ҳурмат қилиши шарт, у шу ўзи ишлаб турган мамлакат ички ишларга аралашмайди.

**ЭМАНСИПАЦИЯ** — вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофиқ ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлатган ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Эмансипация ота-она, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг розилиги билан, васийлик ва ҳомийлик органи қарорига мувофиқ, ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади. Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

**ЭМИССИЯ** — қимматли қогозлар ва пул белгиларини муомалага чиқариш; пул белгилари эмиссияси фақат давлат томонидан, қимматли қогозлар эса давлатдан ташқари корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бозорнинг бошқа субъектлари томонидан амалга оширилади. Марказий Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банк-

нотлар ва тангалар кўринишида пул белгиларини муомалага чиқариш мутлақ ҳуқуқига эга. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Пул белгилари эмиссияси товар муомаласига нақд пул маблағлари билан хизмат кўрсатишни мақсад қилиб кўяди. Эмиссия миқдори бу маблағларга товар кўлами бозорининг эҳтиёжлари билан мувофиқ бўлиши керак. Эмиссиянинг ортиқча миқдордалиги пул қадрсизланиши — инфляцияга олиб келади. Қимматли қоғозлар эмиссияси мақсади аҳоли ва нақд жамғармаларни инвестицияга айлантириш ҳамда давлат қарзини қоплашдан иборат.

**ЭМИССИЯ БАНКИ** — банк тури. Муомалага пул икки поғонали банк тизими шароитида чиқарилади. Фақатгина Марказий банк пулни эмиссия қилиш ҳуқуқига эга. Марказий банк чиқарилган пулни тижорат банкларига кредитга бериш йўли билан муомалага чиқаради. Муомаладаги пул масаласини тартибга солувчи давлат муассасаси расман Марказий банк ҳисобланади.

**ЭНГ УЗВИЙ БОҒЛАНГАН МАМЛАКАТ ҲУҚУҚИ ҚОНУНИ:** ушбу коллизия боғлама сотувчи мамлакати қонуни каби шартнома мажбуриятлари соҳасидаги коллизия масалаларни ҳал этиш ҳолатларига қўлланилади. Баъзан уни умумий қараш сифатида барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга ишлатилади. Ушбу формула англо-америка халқаро хусусий ҳуқуқ назарияси ва амалиётида вужудга келиб, шартнома мажбуриятларига қўлланиларди ва шунинг учун ушбу формула Law of the Contract ёки Proper Law of the Contract деб ифодалаш қабул қилинган. Ноаниқ ва ўқўлланилишидаги қийинчиликларга қарамасдан (бунда ҳуқуқий тартиб шартномани шахрлаш орқали ўрнатилади ва унга тааллуқли барча ҳолатларда ҳуқуқни қўлловчи органларнинг субъективлигига олиб келади) ушбу формула халқаро хусусий ҳуқуқда нафақат сақланиб қолган, балки унинг ўрни кенгайиб бормоқда.

**ЭПИЗООТИК КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ФАВҚУЛОДДА КОМИССИЯЛАР** — ҳайвонлар ялли касалланиши ҳамда нобуд бўлишининг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолиятига кундалик раҳбарлик қилиш ҳамда бу борадаги ишни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки ҳокимлар томонидан тузилган ўзининг тасдиқланган Уставига мувофиқ иш олиб борувчи эпизоотик касалликларга қарши фавқулодда комиссиялардир.

**ЭРКИН КОНВЕРТИРЛАНАДИГАН ВАЛЮТА** деганда, муайян валютанинг бошқа валюта билан эркин алмашуви тушунилади. Агар миллий валюта бошқа валюталарга алмаштирилмаса, халқаро ҳисоб-китоб амалга ошмайди. Шу сабабдан, албатта, валюта конвертацияси (алмаштирилиши) талаб қилинади. Миллий валютанинг конвертацияси уни бошқа валюталарга алмаша олиш хусусиятидир. Валюталарнинг шу жиҳатдан қадр-қиммати ҳар хил бўлганидан улар турлича конвертацияланади. Шу жиҳатдан валюталар конвертирланадиган (эркин алмаштириладиган) ва конвертирланмайдиган (алмаштирилмайдиган, берк) валюталарга ажратилади. Конвертирланадиган валюталар бошқа пулга алмаша олади, лекин бу чексиз ёки меъёрли бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан уларнинг ўзи икки турга бўлинади: 1) Тўла конвертирланувчи валюталар. Улар мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам бошқа валютага эркин алмашилади. Ер юзиде 100 га яқин миллий валюталар бор. Аммо улар орасида эркин конвертирланадиган валюталар борки, улар ўта обрўли, ҳамма ерда жон деб қабул қилинади. Буларга АҚШ доллари, Евро, Швейцария франки, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги, Канада доллари киради. 2) Қисман конвертирланадиган валюталар. Улар маълум мақсадлар учун ёки чекланган ҳолда бошқа валютага алмашади. Ички конвертация бўлганда, бошқа валютани миллий валютага фақат шу мамлакатда сотиб олиш мумкин. Конвертирланмайдиган валюталар бошқа валютага алмаштирилмайди. Соҳиби бўлган мамлакатларнинг иқтисодиёти қоқоқ, уларнинг экспорт потенциали заиф, шу сабабли бу ерда хорижий валюта захиралари оз бўлиб, конвертацияга етмайди.

**ЭР-ХОТИННИНГ МУЛКИ** — қайд этилган қонуний никоҳ муносабатларида бўлган эр-хотиннинг умумий тасарруфида бўлган ашёлар ва бошқа мулккий ҳуқуқлар. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр-хотин никоҳ давомида ҳамда никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиларнинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мулклар, башарти, қонунда ёки эр-хотиннинг ўртасида тузилган никоҳ шартномасида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр ва хотиннинг умумий мулки манбаи бўлиб уларнинг меҳнат фаолиятидан, тadbиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолиятдан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, бошқа тўловлар ва бошқа маблағлар ҳисобланади. Эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар ва омонат, кредит муассасаларидаги ва бошқа тижорат ташкилотларига киритилган улушлари, бошқа мулклар

ри, қайси бирининг номига расмийлаштирилганлигидан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади. Эр-хотиндан бири уй-рўзгор ишларида бандлиги туфайли ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадларга эга бўлмаган тақдирда ҳам никоҳ даврида орттирилган умумий мулкка нисбатан тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Корхоналарга, деҳқон фермер хўжаликлари мол-мулкига нисбатан эр-хотиннинг биргаликдаги ҳуқуқлари ва уларни амалга оширилиши тартиби тенглиги қонун актларида белгилаб қўйилади. Бундай биргаликдаги мулкни тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддалари қоидаларига асосан амалга оширилади. Эр-хотин биргаликдаги мол-мулкни эгаллаш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда тенг ҳуқуқли саналадилар. Кимга расмийлаштирилганига қараб, кўчмас мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиш учун эр-хотиннинг нотариал тарзда тасдиқланган розилигини олиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 28-моддасига кўра эр-хотиннинг умумий (биргаликдаги) мол-мулкни бўлишда ва уларнинг бу мулкдаги улушларини аниқлашда ҳиссалари тенг эканлиги қоида-сига амал қилинади.

**ЭР-ХОТИНЛАР** — эр-хотинлар ўртасидаги никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтидан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланади ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Амалий (фуқаролик) никоҳ муносабатида бўлиш, яъни никоҳни белгиланган тартибда қайд эттирмаган ҳолда эр-хотин бўлиб бирга яшаш ўзаро эр-хотинлик мажбуриятларини юзага келтирмайди ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар Оила қонунчилиги билан эмас, балки фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади. Ана шундай амалий никоҳ муносабатларидан туғилган фарзандларга нисбатан оталик (оналик) ихтиёрий тан олинган ёки суд тартибида белгиланган тақдирда Оила кодекси нормалари қўлланиб, улар ҳам қайд этилган никоҳдан туғилган фарзандлар эга бўладиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўладилар. Эр-хотинларнинг бир-бирларига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари оила қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси эр-хотинлар ҳуқуқларининг тенглигига ва баробар муҳофазаланиши ҳамда кафолатланиши тамойилига таянади, уларга бир хил ҳуқуқлар ва мажбуриятлар юклайди.

**ЭР-ХОТИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ** — никоҳ қонунда белгиланган тартибда ва шаклда қайд этилиши оқибатида юза-



га келувчи ўзаро мажбуриятлар. Эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан ва ўзларининг вояга етмаган, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига нисбатан мажбуриятлари мавжуд бўлади. Эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан мажбуриятлари икки гуруҳга: а) шахсий мажбуриятлар ҳамда б) мулкый мажбуриятларга бўлинади. Эр-хотиннинг шахсий мажбуриятлари жумласига оила шаъни ва обрўси ҳақида қайғуриш лозимлиги, болалар тарбиясида иштирок этиши шартлиги, болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларида фаол қатнашиши кераклиги, эр (хотин)нинг, бошқа оила аъзоларини ҳурмат қилиши, уларнинг обрўи ва қадр-қимматини сақлаши лозимлиги кабилар киради. Эр-хотиннинг мулкый мажбуриятлари сирасига хотин (эр)ни, оиланинг вояга етмаган, вояга етган бўлса-да, меҳнатга яроқсиз оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, никоҳ бекор бўлганида уларга моддий таъминот бериш (Оила кодексининг 15-боби), никоҳ давомида жамғарилган биргаликдаги мулкни тежаб-тергаш, исроф қилмаслик каби мажбуриятлар киради. Эр-хотиннинг ўзаро мажбуриятлари, қоида тариқасида, улар ўртасидаги никоҳ бекор бўлиши билан барҳам топади. Эр (хотин) ўз хотини (эри)нинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди, ammo бундай мажбуриятлар юзасидан умумий мол-мулк ҳисобидан қонунда белгиланган тартибда эр ёки хотинга тегишли ҳиссадан ҳақ ундирилиши мумкин.

**ЭР-ХОТИННИНГ ШАХСИЙ МУЛКИ** — Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасига кўра: “Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадяга мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олинган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади”. Эр ёки хотиндан бирининг ўз мулки саналувчи кўчмас мулк, транспорт воситалари ёки бошқа мулк эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулклари ҳисобланади, тубдан капитал таъмирлангани, ана шу мақсадда жиддий капитал маблағлар сарфлангани туфайли бу мулк уларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин. Эр ёки хотиннинг шахсий (якка) фойдаланишда бўлган буюмлари (шахсий буюмлари), (кийим-кечак, пардоз ва гигиена буюмлари, бошқа буюмлар) агарда қимматбаҳо (қимматбаҳо металллар ва тошлар, тарихий аҳамиятга эга буюмлар) буюм бўлмаса, улардан ҳар бирининг шахсий мулки сирасига киради. Эр ёки хотиннинг шахсий буюмларини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этилиши тартиби ушбу мулк эгаси саналувчи эр ёки хотиннинг бевосита ўзи томонидан белгиланади. Улар ўртасида никоҳ муносабатлари барҳам топган тақ-

дирда эса шахсий мулк саналувчи ашёлар эр ёки хотиннинг ўзига қолдирилади.

**ЭШАФОТ** (франц. *echafond*) — қатлини амалга оширишда қўлланиладиган кунда; махсус мослама.

**ЭСКРОУ** (инглиз. *escrow*) — англо-саксон ҳуқуқида пул суммасини учинчи шахс номига маълум бир талабларни бажарганидан кейин берилиши шарти билан ўтказилиши.

## “Ю”

**ЮК** — ташувда бўлган маҳсулот (товар). Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунига биноан юк — темир йўл билан ташиш объекти, темир йўл транспорти корхонаси томонидан ташишга белгиланган тартибда қабул қилинган бўлиб, темир йўли юкни кечиктирмасдан ва сақланган ҳолда етказиб бериш учун жавобгар ҳисобланади.

**ЮК БАГАЖИ** — Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунга кўра юк, багаж — йўловчи, почта ва багаж поездларида ташиладиган темир йўл объектидир.

**ЮК БОНИ** — божхона омборида сақланаётган ҳамда божхона тўловлари ҳали тўланмаган импортга мўлжалланган товарлар узун ўлчовли ва вазни оғир юк махсус мосламалар билан ташилиши талаб қилинмайдиган юк жойлари, узунлиги ва вазни ўрнатилганидан ҳам энг узун ва энг оғир юк учун мўлжалланган юк жойи.

**ЮКНИ ДЕНГИЗДА ТАШИШ ШАРТНОМАСИ** — юк жўнатувчи билан транспорт ташкилоти (компанияси) ўртасида партияли юкни ташиш шартларини ўрнатувчи шартнома. Одатда, юкхати билан тасдиқланади (Bill of Lading), унда ташиш шартлари, жумладан, юкни йўқотиш ёки юкка зарар етказиш ҳолатлари бўйича ташувчининг мажбуриятлари, юк баённомасида манзили, олувчининг манзили ва ҳоказо кўрсатилади.

**ЮК ЖўНАТУВЧИ** — юк ташиш шартномасининг тарафи, юк ташиш шартномасида юк жўнатувчи деб кўрсатилган, юкни манзилга етказиб бериш учун топширган ташкилот. Юк

жўнатувчи ташишни тўла ва бир маромда таъминлаши лозим, белгиланган ҳақни тўлаши, йўлда юк сақланишини таъминлайдиган ҳолатда (хусусан, лозим бўлган тарада) юкни ташишга топшириши, ҳаракатдаги составга (поезд) белгиланган вақтда, юк кўтариш сизимини инобатга олган ҳолда юкларни ортиши, транспорт юкхатларини тўғри тўлдириши лозим.

**ЮК ЙИҒИМИ** — денгиз портида юк эгасига кўрсатилган хизматлар учун ўрнатилган тўлов.

**ЮК МАНИФЕСТИ** — кемага ортилган барча юкларнинг коноссамент бўйича маълумотлари кўрсатилган ҳужжат. Юк манифести кема ва юкни чет эл портида божхонага тақдим этиш учун зарур. Бу ҳужжатда кемада жойлашган барча юкларга тааллуқли асосий маълумотлар жамланади.

**ЮК ОЛУВЧИ** — юк жўнатувчининг кўрсатмасига биноан белгиланган манзилда юкни олишга вакил қилинган шахс. Юк олувчи ташиш шартномасининг тарафи ҳисобланмайди. Юк олувчининг маълум ҳуқуқлари ва мажбуриятлари юк ташувчи билан юк жўнатувчи ўртасида тузилган ташиш шартномасидан келиб чиқади. Юк олувчи қонун ҳужжатлари билан назарда тутилмаган бўлса, транспорт ташкилотидан ва унга келган юкни қабул қилиб олиб чиқиб кетиши, юк жўнатувчи томонидан ташиш учун қисман тўланмаган ҳақни тўлаши лозим. Агар юкни тушириш юк олувчининг мажбурияти бўлса, белгиланган вақтда ўз воситалари билан тушириш ишларини таъминлаши керак. Юк ташувчидан белгиланган манзилда юк беришни талаб қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда эса юк оғирлигини, сонини ва юк жойларининг аҳволини текшириш ҳуқуқига эга.

**ЮК ОПЦИОНИ** — фрахтчининг шартлашилган юкни тўла ёки қисман алмаштириш ҳуқуқи. Опционнинг (альтернатив вариантларни танлаш ҳуқуқи) юкни тўлов усули, танлаган портида тушириш ҳамда сотувчига етказиб бериладиган маҳсулотнинг сони, етказиб бериш муддати, юкларнинг миқдори, тушириш порти каби фарқловчи турлари бор.

**ЮК РҲЙХАТИ** — кемага юкланадиган юкларнинг рўйхати, бош юкларнинг бир нечасини ташилаётганида тузилади.

**ЮК ТАШИШ ШАРТНОМАСИ**да юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгилан-

ган манзилга етказиб бериши ва уни олишга ваколат берилган шахсга (юк олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Юк ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли транспорт устави ёки Фуқаролик кодексига назарда тутилган ҳужжат (транспорт юкхати, коноссамент ёки юкка доир бошқа ҳужжат)ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланади.

**ЮНЕСКО** — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти бўлиб, БМТнинг ихтисослашган муассасаларидан биридир. ЮНЕСКО Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан дунёга келган эди, ўшанда 44 давлатнинг вакиллари Лондон шаҳрида Конференцияга йиғилишиб, ЮНЕСКОни таъсис этиш тўғрисида Уставни қабул қилдилар. ЮНЕСКО 1946 йил 20 ноябрда амалий ишга киришди. Қароргоҳи Париж шаҳрида. Ҳозирги кунда унга 184 давлат аъзодир, ушбу ташкилот пайдо булган вақтда 28 аъзоси бўлган эди. Ўтган ярим аср мобайнида ЮНЕСКО энг йирик халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси 1993 йилнинг 29 октябрида ЮНЕСКОга аъзо бўлиб кирди. Асосий мақсадлари: тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, фан ва маданиятни ривожлантиришга ёрдам бериш. ЮНЕСКО ўз олдига “барча халқлар учун, ирқи, жинси, тили ва дилидаги фарқидан қатъи назар, БМТ Уставида эълон қилинган адолатга, қонунчиликка, инсон ҳуқуқларига ва унинг асосий эркинликларига ялпи ҳурматни таъминлаш манфаатлари йўлида халқларнинг маориф, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлиги йўли билан” ёрдам бериш вазифасини қўяди. ЮНЕСКО универсал тусдаги интеллектуал халқаро ташкилот бўлиб, ғоялар булоғидир. Ер юзидаги жами маърифатли одамларнинг коллектив иши ташкилотчисидир, энг муҳим умуминсоний кадриятларни муҳофаза қилиш марказидир.

**ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ**га 58 давлат аъзодир, у йилига икки марта йиғилади. У ўзига хос маъмурий Кенгаш бўлиб, Бош Конференцияни тайёрлайди ҳамда унинг қарорлари тўғри ижро этилишини кузатиб боради. ЮНЕСКО Котибияти аъзо бўлган давлатлар томонидан қабул қилинаётган қарорларни амалга ошириши шарт.

**ЮНЕСКО ИШЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИССИЯСИ** — ЮНЕСКО Уставига биноан бу ташкилотга аъзо бўлган давлатларда ҳукуматлар томонидан Миллий комиссиялар тузилади. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган 177 давлатда ЮНЕСКО ишлари

бўйича миллий комиссиялар тузилган бўлиб, бундан мақсад — унинг фаолиятига маориф, фан, маданият ва коммуникациялар вакиллари жалб этишдир. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиясига 1994 йил 29 декабрда асос солинган, таркиби Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. Ўзбекистонда ЮНЕСКО дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларида — Республика вазирликлари ва муассасаларининг асосий вазифаси белгиланган. ЮНЕСКО 50 га яқин бюллетень ва 20 та даврий нашрларни ўрганиб боради. Ойлик “Курьер ЮНЕСКО” журна-ли (30 тилда нашр этилади), маорифга бағишланган ойлик “Перспектива”, “Музей”, “Ижтимоий фанлар халқаро журна-ли”, “Табиат ва ресурслар”, “Муаллифлик ҳуқуқи хусусида бюллетень”, “Маориф халқаро бюроси бюллетени”, “Импаст: фан ва жамият” журналларини чиқаради. ЮНЕСКО маориф, фан ва маданият коммуникацияларининг аҳволи тўғрисида халқаро маърузалар нашр этади, улар йилига икки марта чоп қилинади. ЮНЕСКО яна куйидаги фундаментал ишларни нашр этади, булар орасида “Инсониятнинг илмий ва маданий тараққиёти тарихи” (6 жилдлик), “Ислом маданиятининг турли жиҳатлари” (6 жилдлик), “Лотин Америкаси мамлакатлари тарихи” (7 жилдлик), “Кариб ҳавзаси мамлакатлари тарихи” (6 жилдлик), “Африканинг умумий тарихи” (8 жилдлик), “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” (6 жилдлик) бор. “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” 6 жилдлиги халқаро ҳамкорлик доирасида яратилмоқда. Биринчи навбатда бу асарни ёзишда Марказий Осиё тарихий-маданий региони таркибига кирадиган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон мутахассислари қатнашмоқдалар. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги, Тошкентнинг 2000 минг йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилди, шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги нишонланди, ушбу шаҳарлар ЮНЕСКОнинг маданий қадриятлари умумжаҳон рўйхатига киритилган.

**ЮНЕСКОНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ**, мустақил орган бўлган Бош Конференция аъзо бўлган барча давлатларни бирлаштириб туради, мазкур конференция икки йилда бир марта чақирилади. Бир давлат бир овоз деган тамойилга асосланиб, Конференция ЮНЕСКО дастурлари ва бюджети бўйича қарорлар қабул қилади.

**ЮНИСТРАЛ** — БМТнинг халқаро савдо бўйича комиссияси.

**ЮРИДИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ** — юридик конфликтлар хусусиятлари, сабаблари ва ривожланиши динамикасини ўрганувчи, буларнинг олдини олиш ва ҳал қилишнинг ҳуқуқий механизмини ўз ичига олувчи билимлар соҳаси. Юридик конфликтология умумий конфликтологиянинг бир қисмини ташкил этувчи янги илмий соҳа бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатнинг ички (миллий) ҳуқуқи доирасида ҳал қилиниши мумкин бўлган низоларнинг келиб чиқиш сабабини ва низоларнинг ўзини тадқиқ этувчи фандир. Юридик конфликтология ҳуқуқ назарияси, сиёсатшунослик, социология оралиғидаги фан. Ўз табиатига кўра халқаро, минтақалараро ва ҳокимият шохобчаларида, халқ ва миллат мақоми, миллатлараро, ишлаб чиқариш, оилавий, меҳнат ҳуқуқи доирасида юзага келадиган низолар, агар улар давлат конституцияси билан белгиланган нормаларга зид бўлса, конфликтология томонидан ўрганилади. Жамият ва давлат низолашаётган томонларни келиштириш ёки уларга мажбурлаш йўли билан қарши туриш учун суд, прокуратура, парламентда кўриш ва ҳоказо механизмлардан фойдаланади. Шунингдек, давлатлараро ҳар қандай низо юридик конфликтология томонидан ўрганилади.

**ЮРИДИЗАЦИЯЛАШТИРИШ** — бирон-бир акт, ҳаракат, муносабатга ҳуқуқий тус берилиши; бирон-бир масаланинг (ҳодисанинг) юридик томони бўртиб кўрсатилиши.

**ЮРИДИК КОНСТРУКЦИЯ** — юридик техника. Ҳуқуқий ҳолатнинг тузилмавий жиҳатдан ягоналиги, узвийлигини ифодалайди. Бунда шахс ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва жавобгарлиги шакллари ички боғлиқликда ифодаланади.

**ЮРИДИК ҲУҚУҚ** — маълум бир (конкрет) ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ҳуқуқининг қонун, шартнома тузиш йўли билан белгиланиши.

**ЮРИДИК МАЖБУРИЯТ** — маълум бир (конкрет) ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси, мажбуриятни бажарувчининг қонунда, шартномада белгиланган доирадаги хатти-ҳаракати.

**ЮРИДИК ФАН** — ижтимоий нормалар тизимини ва турли доирада ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ўрганувчи ижтимоий фан соҳаси. Ҳозирги даврда юридик фаннинг турли соҳалари мавжуд: фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат қурили-

ши, давлат бошқаруви ва халқаро ҳуқуқ ва ҳоказо. Амалий юридик фанни суд медицинаси, суд психиатрияси, криминалистика, криминология ва юридик психология ва бошқалар ташкил этади.

**ЮРИДИК ШАХС** — ўз мулкида, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулқӣ ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира биладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот. Юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган тижоратчи ташкилот ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин. Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га бирлашишлари мумкин.

Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқӣ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунинг-

дек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Юридик шахс устав ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар тўғрисидаги устав асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса тасдиқланади.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, юридик шахс фаолиятини бошқа риш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек, уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкани бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади.

Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса — давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартиришлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади.

Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгаришлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиш учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга



мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагини қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса — бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак. Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номини (давлат номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номини ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир. Ўзга фирма номидан ғайриқонуний тарзда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

**ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК** — ижтимоий жавобгарлик турларидан бўлиб, ҳуқуқни бузган субъектнинг мажбуриятда назарда тутилган ноҳуш оқибатларни бажаришининг мажбурийлиги. Юридик жавобгарлик тамойилларига қуйидагилар кириди: 1) ҳуқуққа зид хатти-ҳаракати учун жавобгарлик; ҳуқуқбузар ҳаракатларида айбнинг мавжудлиги; 2) қонунийлик; 3) одиллик; 4) мақсадга мувофиқлик; 5) жазо муқаррарлиги. Юридик нормаларнинг соҳага мансублигига қараб, юридик жавобгарликни ўзида мустақкамлаган: жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ва интизомий жавобгарлик турларини кўрсатиш мумкин.

**ЮРИДИК ТЕХНИКА** — давлатнинг ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқишда, қонунларини яратишда қўлланиладиган, шунингдек, уларни ҳаётга татбиқ этишда маълум бир усуллардан фойдаланиш. Бундай усуллар жумласига: 1) юридик атамалар, юридик тузилма; 2) норматив-ҳуқуқий актларни яратиш усуллари кириди.

**ЮРИДИК АТАМАЛАР** — юридик техника элементларидан бўлиб, давлат-ҳуқуқ тушунчаларининг сўз билан ифодаланиши, унинг ёрдамида давлатнинг норматив-ҳуқуқий ёзишмалари мазмуни ёритилади ва мустақкамланади. Юридик атамаларнинг уч турини кўрсатиш мумкин: а) умум маълум атамалар (кундалик ҳаётда доим қўлланилади ва ҳаммага тушунарли бўлади); б) махсус-техник юридик атамалар махсус ҳуқуқий мазмунга эга бўлади, масалан, зарурий мудофаа, даъво муддати ва ҳоказо; в) махсус техник атамаларда махсус билимлар соҳасини акс этади — техника, иқтисод, тиббиёт ва ҳоказо. Масалан, техника хавфсизлиги қодалари, сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши. Юридик атамаларнинг ишлатилиши қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим. Биринчидан, атама у ёки бу норматив-ҳуқуқий актда бир хил маънода ишлатилиши ва тушунилиши керак. Иккинчидан, атама умум тан олинган бўлиши, яъни кундалик ҳаётда ишлатилиши ва қонуншунослар томонидан қашф этилган бўлмаслиги. Учунчидан, атамалар ўзгарувчан бўлмаслиги, яратилаётган барча янги ҳуқуқий актларда ўзининг маъносини сақлаб қолиши керак.

**ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУАССИСЛАРИ** — мулкдорлар, ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилинган шахслар ҳисобланди.

**ЮРИСТ** (нем. *jurist*, лотин. *juris* — ҳуқуқ) — юридик маълумотга эга бўлган ҳуқуқшунос; ҳуқуқ соҳаси бўйича амалиётда фаолият олиб борувчи шахс.

**ЮРИСТ-МАСЛАҲАТЧИ** (лотин. *juris consultus* — ҳуқуқшунос) — ташкилот, муассаса, корхонада ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи шахс. Юрист-маслаҳатчи фаолиятига маъмурият томонидан чиқарилган (ўзининг ваколати доирасида) буйруқлар ва қарорларнинг қонунийлиги устидан назорат, бошқа ташкилотлар ва муассасалар билан тузиладиган шартнома ва келишувларни тузишда иштирок этиш; ишчи ва хизматчиларни мавжуд қонунлар билан таништириш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; даъвогар ёки жавобгар сифатида ҳўжалик судида иштирок этаётган корхона (муассаса) ишини тақдим этиш ва ҳоказолар киради.

**ЮСКОГЕНС** (лотин. *Juscoqens*) — халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган императив нормалар, яъни давлатлар ҳаттоки ўзаро келишиб ҳам бу нормалардан воз кеча олмайдилар. Агарда бу меъёрга зид давлатлараро шартнома тузилса, бу шартнома ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Юскогенсдан ташқари халқаро ҳуқуқда давлатлар ўзаро келишиб воз кечиши мумкин бўлган диспозитив нормалар ҳам мавжуд.

**ЮСТИЦИЯ** (лотин. *Justitia* — одиллик) — ўз фаолиятида одил судловни амалга оширувчи суд муассасаларини, шунингдек, суд ведомстволари тўпламини билдирувчи атама.

## “Я”

**ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ** — Қаранг: “Меҳнат низолари”.

**ЯККА ТАДБИРКОР** — давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро. Якка тадбиркор — фуқаро юридик шахс ҳисобланмаслигидан қатъи назар, унинг тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабатни маъносидан бошқача тартиб англашилмаса, Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Юридик тадбирларни ўтказмасдан амалга ошираётган якка тадбиркор тузган битимлари хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларни қўллаши мумкин. Якка тадбиркор ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустаснодир (Фуқаролик кодексининг 24, 25-моддалари).

Якка тадбиркорнинг банкрот бўлиши Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган қоидаларга асосан тартибга солинади.

**ЯККА ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТ БЎЛИШИ** — якка тадбиркорнинг пул маблағлари бўйича кредитор талабларини қондиришга ва/ёки мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар уларни қондириш ва ёки бажариш санаси бошланган пайтидан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятнинг суммаси унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, якка тадбиркорнинг банкротлик аломати содир бўлган деб эътироф этилади. Якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русумларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русумлари тамом бўлгандан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Якка тадбиркор банкрот деб топилган тақдирда тадбиркорнинг талаблари Фуқаролик кодексининг 56-моддасида назарда тутилган тартибда қондирилади. Суд томонидан якка тадбиркорнинг банкрот деб топилиши ёки якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишининг асослари ва тартиби “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун билан белгиланади.

**ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ** (ингл. *national gross output*) — маълум бир муддат (одатда, бир йил) ичида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати. Энг муҳим ва синтетик иқтисодий кўрсаткичлардан бўлиб, меҳнат воситалари, сарфларини қоплаш фондиди (яъни реновацияга ишлатиладиган амортизация миқдорини) ва миллий даромадни ўз таркибига олади. ЯММ муайян нархларда ифодаланади, унга нарх таркибига кирувчи бевосита солиқлар, номоддий тармоқ кўрсатган хизматлар қиймати ҳам киради.

**ЯШАШ ҲУҚУҚИ** — олий қадрият бўлиб, ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, ҳар бир киши ёши, жисмоний кучи, соғлиғидан қатъи назар, унга эга бўлади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида: “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”, деб белгиланган.

**ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ** — овоз бериш турларидан бири. Сайлов участкасидаги овоз бериш биносидан сайлов бюллетенларини тўлдириш учун албатта алоҳида хона ёки кабина бўлади. Кабинада овоз бераётган шахсдан бошқа бирор кимсанинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабинага таклиф этишга ҳақли. Сайлов бюллетенида сайловчининг фамилияси, яширин овоз бериш таомилини бузувчи бирон-бир рақам, бети ёки бошқа ёзув бўлмайди. Овоз беришнинг яширинлиги яна шу билан кафолатланадики, овоз бериш бошланишидан олдин сайлов қутилари текшириб чиқилади ҳамда комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида участка комиссияси раиси томонидан пломбланади ёки муҳрланади. Бюллетенлар, шунингдек, махсус машиналар ёрдамида ҳам тўлдирилиши мумкин.

**ЯРМАРКА** (ингл. *fair*) — савдо, саноат, тижорат ва бошқа ташкилотларнинг вақти-вақти билан маълум бир белгиланган жойда улгуржи савдо-сотиқ қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбири. Ярмаркада маҳсулотни кўргазмага чиқарувчилар учун давлат ёки халқаро миқёсидаги товарларни сотиш учун олди-сотди битимларини тузишга рухсат берилади. Ярмарка савдо-сотиқ маҳсулот номларини кўргазма қилиш орқали амалга оширилади.

## “Ў”

**ЎГАЙ ОТА** — ўзи никоҳ муносабатига кирган хотиннинг аввалги никоҳдан туғилган фарзандларига нисбатан ота ўгай ота саналади. Ўгай ота ва ўгай болалар ўртасида қариндошлик алоқалари мавжуд бўлмаса-да, муайян ҳолларда улар ўртасида моддий таъминот беришга доир ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятлар юзага келиши мумкин (Оила кодексининг 122, 127—128-моддалари). Бундан ташқари, ўгай фарзандларнинг ўгай ота қарамоғида муайян муддат давомида бўлганлиги вақти боқувчисидан маҳрум бўлиш оқибатида бериладиган нафақаларни тайинлашга (тегишли шартлар мавжуд бўлганда) асос бўлиши мумкин.

**ЎГАЙ ҚИЗ** — эр (хотин)нинг аввалги никоҳ муносабатидан туғилган қизи янги никоҳ муносабатига киришганида янги эр (хотин)нинг ўгай қизи ҳисобланади. Ўгай қиз билан ўгай ота (она) ўртасида қариндошлик муносабатлари мавжуд бўлмаса, уларнинг муайян муддат бирга оилавий муносабатларда яшаш-

лари оқибатларида ўзаро муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади. Жумладан, Оила кодексининг 122-моддасида айтилишича, ўғай ота/ўғай она зиммасига суд томонидан вояга етмаган, вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз ўғай фарзандларни моддий таъминлаш мажбурияти, ўғай фарзандларга эса ўз ўғай отаси (онаси)ни моддий таъминлаш мажбурияти юклатилиши мумкин. Бундай шахсларнинг бир-биридан моддий таъминот олиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келиш шартлари Оила кодексининг 127—128-моддаларида назарда тутилган.

**ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИ** — ўз тараққиёт йўлимиз, иқтисодни ислоҳ қилишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга, миллатнинг маънавий қадриятларини қайта тиклашга мойиллик стратегияси ва тактикасини белгилаб берган ғоялар ва сиёсий ечимлар тизими. Ўзбек давлатчилиги шаклланишида тўрт асосий босқични кўрсатиш мумкин: 1) Темурийлар даврида умумий полиэтноснинг шаклланиши (Буюк Темур империяси); 2) Туркистон ўлкаси — мустамлака минтақасининг ташкил этилиши; 3) Ўзбекистон СССРнинг социалистик суперэтноси таркибидан ажралиб чиқиши; 4) Ўзбекистон Республикаси — суверен мустақил давлатнинг ташкил топиши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ** — иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун-

чилик ташаббусига эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирадилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини соқит қилади. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Асосий қонуннинг муқаррар устунлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорати негизи (1990 йил) қўмитасида ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорати давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мос бўлишини таъминлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси халқларининг ҳуқуқларини, жамиятнинг демократик негизларини муҳофаза қилиш мақсадида таъсис этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолиятини ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир бошқа масалалар, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, мустақил, бамаслаҳат иш юритиш, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги каби тамойиллар асосида амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди: 1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди; 2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради; 3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва

қонунларининг нормаларига шарҳ беради; 4) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Конституциявий суднинг раиси, Конституциявий суд раисининг ўринбосари, Конституциявий суднинг котиби ва Қорақалпоғистон Республикасидан вакил бўлган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг 8 аъзосидан иборат таркибда сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Конституциявий суд 5 йил муддатга сайланади. Ваколати тугаганлиги муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ** — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида муқаррар устунликка эга бўлган, олий юридик кучга эга, Ўзбекистон давлатининг Асосий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганидан сўнг, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима, 128 моддадан иборат олти бўлимдан ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини таркиб топтирган бу бўлимларда Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий тамойиллари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби очиб берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан давлатлараро шартноманинг конституциявийлиги юзасидан қараб чиқилган, илмий моҳияти бўйича қабул қилинган якуний тўхтами. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорлари Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳал қилув қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинган пайдан бошлаб кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Конституция



циявий судининг ҳал қилув қарорлари қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин йўқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳал қилув қарори Конституциявий суднинг ўз ташаббуси билан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳал қилув қарори, хулосалари ва бошқа қарорлари Конституциявий суднинг “Ахборотнома”сида ҳамда бошқа нашрларда чоп этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ** — давлатнинг ҳудудий бўлинишининг кўп вазифали тизими бўлиб, ҳудудларнинг иқтисодий, илмий-техник ва маданий-тарихий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти мазмунини белгилаб беради. Мазкур маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини ўзгартириш фақат Олий Мажлис розилиги билан амалга оширилади (Конституциянинг 69-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 447,4 минг квадрат километрни ташкил этади. Мазкур ҳудудда 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси 181 туман, жумладан, 19 шаҳар туманлари, 120 шаҳар, 116 шаҳарча, 1427 қишлоқ (овул) мавжуд (1995). Вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар сони 50 та, 65 шаҳар туманларга бўйсунди. Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи шаҳарлар сони 8 та. Конституциянинг 70, 73-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ўз ҳудудий масалаларини мустақил ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари 12 та:

- 1) Андижон, 1941 йил 6 март куни тузилган, вилоят маркази Андижон шаҳри;
- 2) Бухоро, 1938 йил 15 январ куни тузилган, вилоят маркази Бухоро шаҳри;
- 3) Жиззах, 1973 йил 29 декабр куни тузилган, вилоят маркази Жиззах шаҳри;
- 4) Навоий, 1982 йил 20 апрел куни тузилган, вилоят маркази Навоий шаҳри;
- 5) Наманган, 1941 йил 6 март куни тузилган, вилоят маркази Наманган шаҳри;
- 6) Самарқанд, 1938 йил 15 январ куни тузилган, вилоят маркази Самарқанд шаҳри;
- 7) Сирдарё, 1963 йил 16 феврал куни тузилган, вилоят маркази Гулистон шаҳри;
- 8) Сурхондарё, 1941 йил 6 март куни тузилган, вилоят маркази Термиз шаҳри;
- 9) Тошкент, 1938 йил 15 январ куни тузилган, вилоят маркази Тошкент шаҳри;

10) Фарғона, 1938 йил 15 январ куни тузилган, вилоят маркази Фарғона шаҳри;

11) Хоразм, 1938 йил 15 январ куни тузилган, вилоят маркази Урганч шаҳри;

12) Қашқадарё, 1943 йил 20 январ куни тузилган, вилоят маркази Қарши шаҳри.

Тошкент шаҳри Республика пойтахти сифатида алоҳида мақомга эга. Тошкент милоддан тахминан 4 минг йил аввал ташкил топган. Шаҳар тўғрисидаги илк тарихий маълумотлар VII асрдан пайдо бўла бошлаган. 1983 йилда шаҳарнинг 2000 йиллиги расман нишонланди. 1943 йил 12 октябрдан Республика пойтахти Тошкент вилоят маркази ҳам ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕФЕРЕНДУМИ** — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қарорларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир. Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Конституцияга асосан “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонунига асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда ихтиёрий тарзда ва бевосита иштирок этадилар. Референдумда овоз бериш яширин тарзда ўтказилади, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат этишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этадилар, ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга бўлади. Қўйидаги масалалар референдумга қўйилмайди: 1) Республиканинг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш тўғрисидаги, 2) солиқлар ва Давлат бюджети тўғрисидаги, 3) амнистия, афв этиш тўғрисидаги, 4) жамоат тартибини, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилиш чора-тадбирлар тўғрисидаги, 5) Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар, 6) мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари референдумда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд-

нинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёхуд жинойт-процессуал қонунларда белгиланган тартибда олдини олиш чораси қўлланган — ушлаб турилган шахслар референдумда қатнашмайдилар. Қонунчилик келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолати, ирқӣ ва миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, сиёсий ва ўзга қарашлари, муайян жойда қанча яшаётганлиги, маълумот тури ва характериға қараб, фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашни ман этади. Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ташаббуси ҳуқуқи куйидагиларға берилади: 1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти. Референдумда қабул қилинган қарор, референдум натижалари ҳақида расман хабар қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучға киради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРКИБИДАГИ РЕСПУБЛИКА** — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ**, деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ривожлантиришға қаратилган фаолияти тушунилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ СИЁСАТИ** — давлатнинг жаҳон ҳамжамияти тизимида ҳамкорлик ва яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантиришға, ҳаётий муҳим манфаатларни амалға оширишға, миллий хавфсизликни таъминлашға қаратилган фаолияти. Конституциянинг 17-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига асосланади. Республика давлатнинг ва халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлиги нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик ва бошқа халқаро тузилмаларға кириши, шунингдек, улардан чиқиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИ-НИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** — ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, давлатлар суверенитетини тан олишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган давлат ташқи сиёсати йўналишлари. Мазкур сиёсатни амалга ошириш жараёнида: ўз миллий-давлат манфаатлари устунлиги ҳолатида биргаликдаги манфаатлар ҳисобга олинади; одамлар ва давлатлар билан муносабатларда умуминсоний қадриятларни устувор деб билган ҳолда Ўзбекистон халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун ҳаракат қилади. Ўзбекистон ядросиз ҳудуд бўлиб қолади ва агрессив ҳарбий гуруҳлар ва иттифоқларга киришга интилмайди. Инсон ҳуқуқлари, ўзаро ҳужум қилмаслик, баҳсли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тўғрисидаги халқаро пактларни тан олади ва риоя қилади; Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенглик ва ўзаро фойда, ички ишларга аралашмаслик, суверенитет ва мустақилликка таҳдид қилмаслик ва халқаро муносабатларни мафкурадан холи қилиш тамойилларига асосланганлиги (“Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси). Ўзбекистон, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқлик тамойилини амалга оширмақда, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқалар ўрнатишга интилмоқда; Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларини ички ҳуқуқ нормаларидан устунлигини тан олади, халқаро ҳуқуқий нормаларга амал қилади. Ўзбекистон икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқаларни тўла ишонч тамойиллари асосида қуриш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ** — асоси ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳиятида, маънавий бойлигида ва миллий дунёқарашининг босиқлигида бўлган полиэтник жамоа. Ўз яшаш тарзини йўқотмаган ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи турли миллат вакиллари умумий дунёқарашга, умумий фалсафий қарашларга эга бўлади. Уларда умуминсоний қадриятлар тараққиётнинг миллий идеаллари билан табиий тарзда бирикиб кетадилар.

**ЎЗГАНИНГ ЕР УЧАСТКАСИДАН ЧЕКЛАНГАН ТАРЗДА Фойдаланиш**, ашёвий ҳуқуқнинг бир тури ҳисобланади. Кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси қўшни ер участкаси эгасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкаси-

нинг эгасидан ҳам, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини беришга талаб қилишга ҳақли. Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатиш, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек, кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминлаши учун сервитут белгиланиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятларидан маҳрум этмайди. Сервитут шартнома асосида ҳам расмийлаштирилади. Сервитут шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шартнома шартлари бўйича тарафлар ўзаро келишувга эриша олмасалар, шартлар суд томонидан белгиланади. Сервитут ҳуқуқини амалга ошириш тартиби Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган.

**ЎЗИНИ-ЎЗИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ** — фирма (корхона) ва ташкилотларнинг молияси улар ишининг мазмунига қараб икки гуруҳга бўлинади: тижорат иши билан машғул корхона ва ташкилотлар; нотижорат фаолият билан шуғуллианувчи корхона ва ташкилотлар. Тижорат фирмалари фойда олиш мақсадида ишлайди, ўз харажатини ўз пули билан қоплайди. Буларнинг молия ресурслари асосан ўзлари топган ёки қарзга олган пули ҳисобидан шаклланади. Нотижорат ташкилотлар фойда олишни мўлжалламайди, улар бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатади, ўз харажатларини ўзи мутлақо қопламайди ёки фақат қисман қоплай олади. Уларнинг фаолиятини асосан ўзгалар молиялайди. Тижоратга асосланиб ишлайдиган фирмалар молиявий мустақилликка эга, фойдаларини ўзлари ташкил этиб, ўзлари мустақил сарфлайди. Фирмалар молиясининг икки жиҳати бор. Биринчиси — корхонанинг пул фоизларини уюштириб, уларни ўз манфаатлари йўлида ишлатиши. Иккинчиси — бошқалар (ўз мижозлари, банклар, суғурта компаниялари, давлатнинг молия идоралари) олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш. Фирманинг молияси қуйидаги манбаларга таянади: ўз товарлари ва хизматларини сотишдан тушган пул; ўзининг ортиқча мол-мулкни сотишдан келган пул; ўзи чиқарган акцияларни сотишдан олинган пул; ўзгалардан олдин сотиб олган акциялар ва облигацияларга тегадиган дивиденд; давлат ёки ҳар хил ҳомийлар томонидан ёрдам сифатида бериладиган пул; банкдан қарзга олинган пул. Шу маблағлар ҳисобидан ҳар хил фондлар, чунончи, иш ҳақи, мукофотлаш, ижтимоий ёрдам, инвестициялаш, хайрия фондлари уюштирилиб, улар фирманинг ривожига ва обрўсига хизмат қилади. Молия маблағлари ҳисобидан корхона солиқ тўлайди, қарзни қайтаради, капитал-

ни кўпайтиради, банкка фоиз тўловлари тўлайди ва ҳоказо. Тижоратга асосланган фирмалар ва ташкилотлар ўзини-ўзи молиялаш қоидасига таянади.

**ЎЗ-ЎЗИНИ МОЛИЯЛАШ** тамоийили молия ресурсларига бўлган талабни ўз пули ҳисобидан ва ўз зиммасига олган қарз пули ҳисобидан қондиришдир. Айрим ҳолларда фирмалар давлат ҳисобидан ҳам молиялаштирилади, бу уларга молиявий ёрдам (субсидия) берилганда юз беради. Тадбиркорликни давлат ҳисобидан қўллаб-қувватлаш азалдан мавжуд. Ўз вақтида Амир Темур “сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаш учун хазинадан старли миқдорда олтин берилсин” деб фармон берган экан.

**ЎЛИМ ЖАЗОСИ** — содир этилган оғир жиноятлар учун белгиланган жазо чораларидан бири. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 6-моддаси 2-бандига асосан: “Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда жиноят содир этилганда амалда бўлган ва мазкур Пакт ҳамда геноцид жиноятларнинг олдини олиш ва геноцид учун жазо тўғрисидаги конвенция қарорларига зид бўлмаган қонунга биноан энг оғир жиноятлар учун ўлим ҳақида ҳукм чиқарилиши мумкин. Бундай жазо нуфузли суд томонидан чиқарилган узил-кесил ҳукми ижро этибгина амалга оширилиши мумкин”.

**ЎТКАЗМА ВЕКСЕЛ** — товар олди-сотдисида ёзилган вексел берувчининг товар пулини векселни қабул қилиб олувчига (товар эгасига) учинчи шахс томонидан йўлланиши лозимлигини (вексел берувчининг буйруғини) ифодаловчи ёзма ҳужжатдир. У қарз берувчининг қарзини қачон ва кимга қайтариш тўғрисидаги ёзма буйруғидир. Вексел берувчи фақат тўлаб берувчидан (учинчи шахсдан) мулки, пул бўлган ҳолатдагина ўтказма векселни ёзиб бера олади. Ўтказма векселлар (тратта) муомаласида учта томон қатнашади: 1) трассат (қарздор), яъни вексел бўйича тўловни амалга оширувчи шахс; 2) трассант, яъни ўтказма вексел эгаси; 3) ремитент, яъни ўтказма векселда номи ёзилган дастлабки шахс. Ремитент ўтказма вексел бўйича пул маблағларини олиши ёки битта шахсга ўтказиши мумкин. Бунда вексел берувчи бирон-бир шахсни вексел бўйича тўловини амалга оширишга мажбур қилади (трассирлаштиради), у эса тўлов бўйича кафолатига айланади.

**ЎҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАЪТИЛЛАР** — олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида бериладиган таъ-

тиллер. Улар қўйидаги тартибда: биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртлирида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар куни, ўрта махсус ўқув юртлирида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календар куни, олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида ўттиз календар куни; учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календар кун, ўрта махсус ўқув юртлирида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар куни; олий ва махсус ўқув юртлирида сиртдан таълим олаётганларга эса, ҳар йили камида қирқ календар куни; олий ва махсус ўқув юртлирида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календар куни; диплом ишини тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта махсус ўқув юрти талабаларига эса икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллер берилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ** — Қаранг: “Давлат герби”.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ** — Қаранг: “Давлат мадҳияси”.

## “Қ”

**ҚАЛБАКИ БИТИМ** — юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим “қалбаки битим” дейилади ва бундай битим ўз-ўзидан мутлақо ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Фуқаролик кодекси 124-моддасининг 1-қисми). Қалбаки битим тарафлар учун ҳеч қандай бурчлар туғдирмайди. Қалбаки битим ғайриқонуний мақсадни амалга ошириш учун тузилган бўлиши мумкин. Масалан, кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришдан бош тортиш мақсадида қарздор ўз мол-мулки бўйича ҳадя ёки олди-сотди шартномасини тузган, жиноят бўйича рўйхатга олинган мол-мулкни сотиб юборган бўлиши мумкин. Қалбаки битим турли шаклда тузилган бўлиши мумкин: оғзаки, оддий ёзма, нотариал шаклда ёки давлат рўйхатидан ўтказилган. Бундай битимга нисбатан икки томонлама реституция қўланади. Қалбаки битим бўйича мол-мулк ўтказилган бўлса, манфаатдор шахс уни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

**ҚАРЗДАН ВОЗ КЕЧИШ** (рус. *прощение долга*) — кредитор қарздорни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан озод қилиш билан, агар бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбуриятни бекор қилиши мумкин.

**ҚАЛБАКИ БИТИМ** (рус. *мнимая сделка*) — юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда номигагина тузилган битимдан иборат. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

**ҚОНУНИЙ НЕУСТОЙКА** (рус. *законная неустойка*) — мажбурият бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойкани тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун билан тақиқланмаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

**ҚОНУННИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ КУЧИ** (рус. *обратная сила закона*) — қонун эълон қилинмасдан илгари вужудга келган муносабатларга (фуқаролик ва жиноий ишлар) нисбатан шу қонуннинг татбиқ қилиниши. Қонуннинг орқага қайтиш кучи умумий қоидадан истисно сифатида айрим ҳолларда учрайди, шунинг учун унинг қўлланилиши қабул қилинган қонуннинг ўзида ёки уни амалга киритиш тартиби тўғрисида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорида назарда тутилган бўлиши керак.

**ҚАРЗДОР** — корхона, муассаса, ташкилотдан қарздор бўлиб қолган юридик ёки жисмоний шахс хўжалик амалиётида олинган маҳсулот учун пул тўламаган, вексел юзасидан тўловни амалга оширмаган вексел берувчи шахс, тижорат кредитини олиб, тўловни амалга оширмаётган ташкилот ва бошқалар.

**ҚАРЗДОРЛИК** — хўжалик юритувчи субъект саналувчи юридик шахснинг етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун бошқа ташкилотлар зиммасида бўлган ҳақи, бошқа ташкилотлардан ундириб олинishi лозим бўлган пул суммаси. Корхоналар томонидан дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундириб олиш чораларининг кўрилмаслиги қонунда кўзда тутилмаган талаб қилиш ва даъво қўзғаш муддатларининг ўтиб кетишига, бошқа ташкилотлардан олинishi лозим бўлган маблағларнинг ундирилмасдан қолиб кетишига, оқибатда корхона хўжалик-молиявий фаолиятига жиддий зарар етишига,



энг муҳими, халқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларининг издан чиқишига, мамлакатда молиявий барқарорликнинг бузилишига олиб келади. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб шартларини бузган, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзининг мавжуд бўлишига йўл қўйган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг ҳуқуқий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

**ҚАРЗДОРЛИК ТИЛХАТИ** — бир шахснинг иккинчи шахс олдида пул ёки буюм шаклидаги мажбуриятга эга эканлигини тасдиқловчи ёзма ҳужжат. Қарздорлик тилхати кредитор томонидан қарздорга нисбатан тилхатда кўрсатилган пул суммасини ёки нарсани олиб берилиши ҳақида даъво қўзғатилганида ўзаро мажбурият муносабати мавжуд эканлигини исботловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган қарз битимлари битим суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан кўп бўлганида ёзма шаклда, яъни кўпчилик ҳолларда қарздорлик тилхати бериш билан расмийлаштирилмоғи даркор, акс ҳолда, гувоҳлар кўрсатуви далил сифатида келтирилишига йўл қўйилмайди.

**ҚАРЗДОРЛИК МАЖБУРИЯТИ** — мажбуриятларнинг бир тури; унга кўра бир шахс (қарздор) иккинчи бир шахс (кредитор) томонидан етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун пул тўлаш ёки шартнома мазмунидан келиб чиқувчи бошқа хатти-ҳаракатни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қарздорлик мажбуриятини бажариш усуллари ва тартиби тарафлар ўртасида тузилган шартномада, айрим ҳолларда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Қарздорлик мажбурияти шартномада ёки қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кредитор ўзига боғлиқ ҳаракатни содир этиб бўлган пайдан бошлаб қарздор томонида мажбурият юзага келади. Ўзаро тузилган шартномада, қонун ҳужжатларида қарздорлик мажбуриятини бажармаслик оқибатлари назарда тутиб қўйилади.

**ҚАРЗ КИТОБИ** — дебиторлар ва харидорларнинг қарз мажбуриятлари ҳисобга олиб бориладиган китоб (ҳужжат). Кичик ташкилотларга қарашли савдо дўконларида юритилади.

**ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ (мусулмон ҳуқуқида)** — энг кўп тарқалган шартномалардан бири. Иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан турли-туман аҳамиятга эга бўлган муносабатлар бўйича қўлла-

нилади. Ушбу шартнома воситасида буюмни, асбоб-ускунани текинга фойдаланиш учун бериб туриш, шунингдек, бошқа сабаблар, яъни насияга мол-мулкни ижарага бериш, пудрат ва шунга ўхшаш бошқа муносабатларни амалга оширишдан ҳам фойдаланилган. Ўша даврларда Туркистонда судхўрлик кенг авж олади. Шариат бўйича “пулни фоиз ундириш” мақсадида қарзга мушкул аҳволга тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож пахтакор — деҳқонларга, ҳунармандларга пулни қарзга юқори фоиз ҳисобига бериш билан шуғулланганлар.

**ҚИЁС** (араб. «таққослаш») — мусулмон ҳуқуқи манбаларидан бири, айнан талқин этиш маъносини билдиради. Аввало, мусулмонликнинг энг муҳим манбалари Қуръони қарим ва Суннадир. Агар уларда маълум бир масалаларга жавоб топилмаса, учинчи манба Ижмоъ, яъни бу масала бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг биргаликда чиқарган хулосасига мурожаат қилинади. Ундан кейин Қуръони қарим сураларидаги ўхшаш ҳолатларни кўриб чиқиш мақсадида Қиёс қўлланилади. Қиёс исломнинг дастлабки асрларида, яъни “аҳл ар-раъй” тарафдорлари билан мусулмоннинг шахсий мантиқий дунёқарашидан келиб чиқиб ишни ҳал этиш тарафдорлари ўртасидаги баҳслар натижасида вужудга келди.

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР СЕРТИФИКАТИ** — бир эмиссияда чиқарилган бир неча ёки бир дона қимматли қоғозга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**ҚИШЛОҚ ЙИҒИНИ** — Россияда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида қишлоқ жамоаси идора органи. Қишлоқ йиғини қишлоқ жамоаси барча хонадон эгаларидан иборат таркибда тузилган. Қишлоқ йиғини вазифасига қуйидагилар кирган: 1) қишлоқ мансабдор шахсларини сайлаш ва волость йиғинига сайловчи вакиллар тайинлаш; 2) зарарли ва ўзларини беобрў қилган шахсларни жамоа сафидан чиқариб ташлаш ҳақида ҳукм чиқариш; жамоа аъзолигидан бўшатиш ва янги аъзо қабул қилиш; 3) оилавий келишмовчиликларни ҳал қилиш ҳамда васий ва ҳомийлар тайинлаш; 4) ердан фойдаланиш масалалари; 5) жамоа эҳтиёжлари тўғрисида таклифлар киритиш; 6) ободончилик ва кундалик бошқа ишлар сарфиёти учун йиғимлар миқдорини ўрнатиш. Қишлоқ йиғини ижро органи қишлоқ оқсоқоли ҳисобланган. Қишлоқ оқсоқоли умумий полициячилик вазифасини ҳам ўтаган. Кичик нохуш хатти-ҳаракат содир қилган айбдорлар жамоат ишларига тортилган ёки икки кун қамаб қўйган ёхуд уларга бир сўмгача жарима солган. Қишлоқ жамоаси қишлоқ оқсоқоли билан бир қаторда бошқа

мансабларни (масалан, қишлоқ котиби, қоровул) ҳам тайинлаши мумкин бўлган.

**ҚОНУНГА МУВОФИҚ ВАСИЯТ ҚИЛИШ** — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, жумладан, бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум этиш, васиятномадан бошқа ҳолат келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди. Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Мерос қолдирувчи васият қиладиган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланмайди. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириши борасида эркин, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этиш эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

**ҚУЙИБ ТАШИЛАДИГАН ЮК (Суюқ юк)** — қуйиб ташиладиган нефт, нефт маҳсулотлари, турли ёғлар, спирт, вино ва бошқа маҳсулотлар (товарлар).

**ҚУТҚАРИШ ШАРТНОМАСИ** — халқаро денгиз ҳуқуқида ҳалокатга учраган кема капитани билан уни қутқарувчи кема ўртасида тузиладиган битим. Денгизда қутқариш масалаларида «Очиқ денгизда қутқариш тўғрисида»ги 1910 йилда қабул қилинган Брюссел конвенцияси ва 1958 йилда ривожлантирилиб тўлдирилган Женева конвенцияси дастуриламал ҳужжат ҳисобланади. Конвенциянинг 12-моддасига биноан ҳар бир давлат — конвенция иштирокчиси бўлган кема капитанига денгизда ҳало-

катга учраши мумкин бўлган шахсни қутқариш, ҳалок бўлаётганларга максимал тезликда ёрдамга бориши, бошқа кема билан тўқнашганда ҳалокатга учраётган кема экипажи, йўловчиларига зарур ёрдам бериш мажбуриятини юклайди. Қутқариш шартномаси — «қутқаришсиз мукофот ҳам бўлмайди» тамойилига асосланган. Битимни имзолашда қутқариш учун тўланадиган ҳақ кўрсатилади. Агар қутқариш ишлари яқунланиб, битимда кўрсатилган ҳақ бажарилган иш ҳажми ва мазмунига тааллуқли бўлмаса, томонлар ўзларини қониқтирадиган ҳақ тўғрисида келишиб олишлари, келишиб олинмаган тақдирда, арбитражда кўриб чиқиш учун юборишлари мумкин. Ҳалокат олдини олиш вақтида ёки уни таъсири остида, амалга ошган ҳар қандай қутқариш шартномаси тарафлардан бирининг талаби билан унинг шартларини адолатсиз деб аниқласалар, суд ёки арбитраж томонидан битим ҳақиқий эмаслиги ёки ўзгартирилиши белгиланган.

**ҚЎШИМЧА ЮК ОРТИШ ШАРТНОМАСИ**, линияда кемаларга асосий юклар ортиб тўлдирилмаганида, қолган жойга қўшимча юкларни ортишни расмийлаштиришда қўлланилади.

**ҚОН ПРИНЦИПИ**га биноан янги туғилган болаларнинг фуқаролиги уларнинг ота-оналари эга бўлган фуқаролик билан белгиланиб, туғилиш жойига боғлиқ бўлмайди. Кўплаб давлатлар Европа, Осиё ва бошқа қитъаларнинг мамлакатлари шу тамойилга амал қилмоқда.

**ҚОНУН** — олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан ёки тўғридан-тўғри аҳоли томонидан референдумда қонунчилик тартиби (референдум ўтказиш)нинг мавжуд талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Этимология нуктаи назаридан қонун — оддий ҳуқуқ нормаларидан фарқли ўлароқ, давлат томонидан чиқарилган юридик актдир. Қонуннинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи муассаса акти ва фармоннинг ижро этувчи муассаса акти сифатида қарама-қарши қўйиш ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган. Қонунлар ва фармонлар ўртасида ваколат доирасининг бўлинганлиги тўғрисида ҳозирча бирон-бир аниқ бир фикр айтилганича йўқ. Бир қатор давлатларда қонун воситасида ҳар қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солса бўлади, ижро муассасалари актлари эса қонунда кўрсатилган ваколатлар доирасида қабул қили-

нади деган гоյ мавжуд ва баъзиларида конституция билан мустаҳкамланган. Ҳозирги замон қонунчилик назариясида қонун инсоннинг умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларига қарши бўлиши мумкин эмаслигининг принципиал янги қондаси мавжуд. Қонун — аниқ-расо акс эттирилган шаклий хусусиятларига эга бўлган актдир. Уларга қуйидагилар киради: президентлик давлати учун — қабул қилиш поғонаси; қабул қилиш муассасаси; қонуннинг номланиши (қонуннинг ўз номи бўлиши мумкин, рақам билан ифодаланиши мумкин, Америка амалиётига кўра эса — қонун уни таклиф этган палаталар аъзолари номлари билан аталиши мумкин); қонуннинг қабул қилиниш куни; қонуннинг умуман ёки баъзи моддаларининг кучга кириш муддати ва бошқалар. Қонун тузилишининг асосий элементлари қуйидагилардир: қонуннинг реквизитлари (қонуннинг номи, қонун қабул қилувчи муассаса, қабул қилиш куни, тасдиқланиш куни, қонунни имзолашга вакил қилинган мансабдор шахс имзоси), муқаддима, қонун моддаси, туркум (боб, бўлим (бўлимча), қисм). Ўзбекистон Республикасида қонун ҳуқуқнинг асосий манбаси, яъни ҳуқуқий норманинг асосий акс эттирилиш шаклидир. Қонунларни таснифлашнинг бир неча усуллари мавжуд: 1) давлат тузилишига кўра; 2) мавжуд нормалар характери ва қабул қилиниш тартибига кўра; 3) тармоқларга кўра; 4) қонун шаклига кўра; 5) ҳуқуқий тартибга солиш механизмига кўра; 6) ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра.

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ** — қатъий шаклий ҳужжат, қонунчилик ташаббусини амалга оширишнинг усулларида бири, амалдаги қонунчилик талаблари асосида тузилган қонуннинг бирламчи матни. Қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ парламент муҳокамасига киритилади. Мазкур матн парламент томонидан қонун сифатида қабул қилингунга қадар (бирламчи кўринишда, ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ёки бирор муҳокамада қайтаришгача қонун лойиҳаси дея аталади.

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ** — қонунчилик ташаббуси субъектининг (одагда, фақат депутатлар, уларнинг уюшмалари, ҳукуматнинг) айрим қонун лойиҳаларига ўзгартириш — қонуннинг алоҳида моддасини, унинг бир қисмини, алоҳида таърифни, қонуннинг бўлимини ёки қисмини ўзгартиришга қаратилган таклифидир. Ўзгартиришлар қонун лойиҳасининг иккинчи муҳокамасидан олдин ёки муҳокама жараёнида, камдан-кам ҳолларда учинчи муҳокама жараёнида берилади. Қонун лойиҳасига ўзгартиришлар киритишнинг расмий тартиби қонун лойиҳасини такомиллаштиришга

қаратилган ва қонунчилик жараёни муҳим қисмларидан биридир. Тузатишлар ёрдамида қонун лойиҳасининг дастлабки мазмунига жиддий ўзгаришлар киритилиши мумкин. Парламентларда тузатишларни муҳокама қилиш, ўзгартиришларни киритиш йўллари, овоз бериш тартиби билан боғлиқ бўлган ўзгартириш киритишнинг махсус қоидалари ишлаб чиқилган.

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ РАД ЭТИЛИШИ** — қонун лойиҳаси устидан ишнинг тўхтатилиши тўғрисида парламент (Олий Мажлис) қарори. Расмий тартибга биноан Олий Мажлис қонун лойиҳасини истаган муҳокама босқичида рад этиши мумкин.

**ҚОНУН МОДДАСИ** — жамоа муносабатларини йўлга солувчи таърифланган қонуннинг ўз ичига олган қонун тузилмасининг қисми. Қонун моддасини таърифлаш, тавсифга ёки қоидага (меъёрга) мувофиқ ўтказилади. Тавсифий моддалар англо-саксон ҳуқуқий тизимида қўлланилади. Қоидага мувофиқ, тарифланган моддалар ҳуқуқий тизимга хос бўлади. Қонун моддаси ўзининг тартибига эга. Модда бандларга, сўзбошиларга ёки қисмларга бўлинади. Аксар қонунларда ҳар бир модда сарлавҳага эга, зарурият пайдо бўлганда эса модданинг айрим қисмлари тартиб рақамлари билан белгиланади. Қонун моддалари учун муфассал, қонуннинг айрим қисмлари учун тугал тартиб рақамлар берилади. Қонун моддаси ҳуқуқий қоидаларни ифодалаш воситасидир. Айни маҳалда қонун моддаларида ҳуқуқий қоидалар билан бир қаторда шахсий кўрсатмаларни ифодалаш номақбулдир. Бундан ташқари, ҳар бир моддада қонуний муносабатларнинг муайян томонларига тегишли биттадан ортиқ ифодаланган қоида бўлмаслиги лозим. Қонун чиқарувчи жараённинг муҳим қисмларидан бири қонун ёки қонунчиликнинг соҳаси (ўхшаш қонуний муносабатларни йўлга солувчи қонунлар тизими) қонуннинг барча қисмларини ёки гипотезаларни (қонуннинг қўллаш шартлари), диспозиция (қонуннинг ўзи) ва санкция (қонун бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан номувофиқ оқибатлар, бажарилиши лозим бўлмаган ҳаракатлар ёки қоидаларнинг бузилиши)ни тўлиқ ўз ичига олишидир. Мазкур қонун моддалари бир-бири билан ёки бошқа қонуннинг моддалари билан боғлиқ бўлиши лозим. Қонун моддасида, аксаран қоидавий маълумотлардан ташқари, мазкур қоида учун асосий бўлган тушунчаларнинг таърифи (моддалар деб аталувчи дефинициялар ёки ўз ичига қоидаларни — дефиницияларни олган моддалар) берилади.

**ҚОНУН МУҚАДДИМАСИ** — қабул қилинган қонун хусусиятини, унинг асосий вазифаларини, ижтимоий, сиёсий, иқти-

содий шароитлар билан боғлиқ бўлган қонуннинг умумий ғояларини шарҳловчи кириш қисми. Муқаддимага, одатда, қоидавий кўрсатмалар, дефинациялар ёки қонунда қўлланиладиган бошқа иборалар киритилмаслиги лозим.

**ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ** — конституция ва қонунларнинг давлат ҳокимият органлари фаолиятида кенг қўлланилаётган қабул қилинган норматив актлар ва қўлланмаларга нисбатан устунлигидир.

**ҚОНУННИНГ ИМЗОЛАНИШИ** — Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонуннинг давлат бошлиғи томонидан имзоланиши. Қонун яратиш жараёнида фаол қатнашиш имкониятини берувчи муҳим ҳуқуқлардан бири. Имзоламаслик орқали эса Олий Мажлис томонидан қабул қилинган, лекин кучга кирмаган қонун давлат бошлиғи томонидан рад этилади. Қонунни имзолашни рад этишнинг икки хил шакли мавжуд: қатъий ва нисбий. Президентлик республикаларига нисбий бекор қилиш хосдир.

**ҚОНУННИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ** — тартибга солинган амалдаги қоидаларга биноан қонунчилик муассасаси номидан қонунни тўлиқ ва аниқ матнини расмий белгиланган босма нашр ёки оммавий қўлланиладиган нашрда чоп қилиниши, қонунчилик жараёнининг тугал босқичи. Қонуннинг эълон қилиш — кенг оммалаштириш қоидаларидан бири. Давлат идоралари ўзларининг қарорларида фақат расмий нашр этилган қонуннинг матнидан фойдаланишлари лозим, чунки шу билан қонунни бир хил қўлланилиши таъминланади.

**ҚОНУННИ ОММАГА ЕТКАЗИШ (Промульгация)** — конституция билан белгиланган муддатда парламент томонидан қабул қилинган қонунни давлат бошлиғи томонидан расман эълон қилиниши. Промульгациядан сўнг қонун кучга киради. Қонунни эълон қилиш ўзаро боғлиқ икки босқичдан иборат: давлат бошлиғи қонунни имзолаши ва расмий нашрда чоп этиш.

**ҚОНУНЧИЛИК** — ўз ичига Конституция, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишларини олувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими.

**ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ** — конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар томонидан тартибга солинган

қонунларни қонун чиқарувчи муассаса эътиборига ҳавола қилиш, уни қабул қилиш, нашр этиш ва кучга киритиш жараёни. Қонунчилик жараёнининг асосий қатнашчилари Конституцияда белгиланган қонунчилик ташаббуси субъектлари ва биринчи навбатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғидир. Бундан ташқари, турли босқичларда қонунчилик жараёни қатнашувчилари сифатида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғининг турли бўлинмалари (палаталарнинг қўмиталари, келишув комиссиялари, ҳуқуқий ва тилшунослик экспертизасини амалга оширувчи бўлинмалар), қонун лойиҳаларини тайёрловчи ёки уларни экспертизадан ўтказувчи турли илмий давлат ва жамоат ташкилотлари бўлиши мумкин. Қонунчилик жараёни бир неча босқичлардан иборат. Улар умуман дунёнинг барча мамлакатларида деярли бир хил: ўз фаолиятини “ҳокимиятларнинг тақсимланиши” тамойили асосида қурадилар, шунинг билан бирга, бир қатор ўзига хос томонларига ҳам эгалар. Булар: 1) қонун лойиҳасини Олий Мажлисга киритиш; 2) қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг (қуйи палатанинг) ва унинг қўмиталарининг мажлисларида бир неча бор муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш; 4) қонунни нашр этиш ва унинг кучга киритилиши. Бошқарув шаклига кўра яна қўшимча босқичлар мавжуд бўлиши мумкин: қонун лойиҳасини (қонунни) парламентнинг юқори палатасида муҳокама қилиш, қонуннинг Президент томонидан тасдиқланиши, Президент ветоини бартараф этиш ва бошқалар. Қонунчилик жараёнининг асосий босқичлари қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниш жараёни ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинишидир. Кўпгина қонунчилик жараёнининг мазкур қисми “қонунчилик тартиби” деб аталади.

**ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ БОСҚИЧЛАРИ** — амалдаги қоидалар билан йўлга солинган қонун чиқариш жараёнининг нисбий тугалланган босқичи ва унинг тугалланиши сўнгги босқичга ўтиш имкониятини яратади. Қонунчилик жараёнининг 4 асосий ва бирқанча қўшимча (бошқарилиш тури, давлат тизимининг шакли, ҳокимиятнинг тузилиши ва фаолиятининг амалдаги анъаналарига боғлиқ бўлган) шакллари аниқланган. Қонун чиқариш жараёнининг асосий босқичларига: 1) қонун чиқариш ташаббуси билан чиқиш (қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи органга киритиш, қонун чиқарувчига таклиф билан чиқиш); 2) қонун лойиҳасини (қонун чиқарувчи ташаббусининг қонун лойиҳасини) қонун чиқарувчи органларда бир қанча муҳокамаларда муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш; 4) қонунни чоп (нашр) этиш ва қонунни кучга киритиш кабилар киради. Қонун чиқариш жараёни босқичларининг қатнашувчи субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари расмий тар-



тибларни ўтказиш муддатлари билан боғлиқ бўлган ҳолда аниқ-расо белгиланган.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБИ** — қонунчилик жараёнининг ўзи; қонунчилик жараёнини тартибга солиш механизми; қонун лойиҳасини парламентга таклиф этиш, қонун сифатида муҳокама қилиш ва қабул қилишни ўз ичига олувчи қонунчилик жараёнининг бир қанча босқичлари.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ** — қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи муассасага таклиф этиш; қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи муассасага таклиф этиш ҳуқуқи, қонун чиқарувчи муассасага қонунни қабул қилишни таклиф этишга қодир бўлган, конкрет миқдордаги шахсларнинг аниқ бир тартиб бўйича ва белгиланган шаклда амалга оширилади. Мавжуд қонун нормаларига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки муассасанинг қонунчилик ташаббуси билан чиқиши оқибатида қонун чиқарувчи муассаса қонун лойиҳасини ёки қонун қабул қилиш таклифини кўриб чиқишни бошлайди.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ** — конституция томонидан чекланган субъектлар доирасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳалари ва таклифлар билан чиқиш ҳуқуқи. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи — субъектив ҳуқуқ бўлиб, белгиланган расмий тартиблар асосида ва шаклда амалга оширилиши мумкин. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи дастлабки (бундай ҳуқуқ субъекти шарт-шароитлардан қатъи назар парламентга қонун лойиҳасини олиб чиқиш ҳуқуқига эга), тақроран (парламентга муайян масалага оид қонун лойиҳаси киритилгандан сўнг амалга ошириладиган), умумий ва хусусий бўлиши мумкин.

**ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ** — қонун чиқарувчи муассасаларга қонун лойиҳаларини киритиш ёки қонун чиқарувчи таклифлар бериш учун қонунга мувофиқ имкониятлар берилган давлат идоралари, шахс ёки шахслар гуруҳи. Одатда, улар парламент депутатлари ёки ҳукумат аъзолари ва бошқалардир. Айрим вақтларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти жамоат ташкилотлари ҳам бўлишлари мумкин. Аммо парламент демократияси тартиби учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг бу тури хос эмас, чунки жамоат ташкилотлари ўзларининг қонун лойиҳаларини ёки қонун чиқарувчи таклифларни бевосита эмас, балки ўзларининг депутатлари орқали киритишлари лозим.

**ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини ва унинг конституциявий тизимини ҳимоялаш, тинчлик ва фуқаролик келишувини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича тезкор-тактик вазифаларни ҳал этишнинг қулай тизими бўлган давлат ҳарбий ташкилоти. Қуролли Кучлар Ўзига хос хусусиятга эга. Биринчидан, бу қонунчиликда мустаҳкамланган Ўз тузилиши, ички ташкилий муносабатлари ва вазифаларига эга давлат ташкилотидир. Иккинчидан, ҳарбий ташкилот бўлиб, ҳарбий кишиларни бирлаштиради ва қурол кучига эга бўлади. Учинчидан, тактик, тезкорлик ва стратегик миқёсларда уруш ва ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга қодир махсус мўлжалланган ҳарбий ташкилотдир. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига кўра — агрессияни қайтариш, ҳудудий яхлитлик ва давлат суверенитетини ҳимоялашдир. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони Ўзбекистон Республикаси Президентида. Қуролли Кучларни Мудофаа вазирлиги ва Бош штаб бошқаради. Қуролли Кучлар таркибида ташкилий тузилишига кўра, ҳудудий бошқарув, шунингдек, ҳарбий муассасалар (комендатура, ҳарбий бошқармалар), ҳарбий ўқув юрглари мавжуд.

**ҚУРЪОН** (араб. “Қуръан” айнан ўқимоқ) — мусулмон ҳуқуқи фундаментал манбаларидан бири, Муҳаммад алайҳиссалом томонидан 610 ва 632 йилларда “пайғамбарлик башоратлари” шаклидаги мусулмонларнинг илоҳий китоби. Қуръони карим сўзи “ўқиб, айтиб бермоқ, айтмоқ”, яъни Муҳаммадга етказилган сўзларни у тарафдан такрорланиши маъноларини англатади. Шунингдек, Қуръони каримни «Мусҳаф», «Китоб», «Фурқон» деб ҳам аташади. Муҳаммад пайғамбар ҳаётлигида сўзлари оғзаки, ёд олиниб бир-бирига айтиб келинган. Дастлаб Муҳаммад пайғамбар томонидан Мадинадаги ваъзаларининг айрим ёзишмалари мавжуд бўлган, деган фикр ҳам йўқ эмас. Лекин фанда мусулмон меросига асосланган бу матнлар Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин (632 йил) унинг яқин биродарлари томонидан яхлит ҳолга келтирилган, деган фикр кенг тарқалган. 650—656 йилларда халифа Усмон буйруғига асосан махсус коллегия Қуръоннинг яхлит рўйхатини тайёрлаган ва у бошқа ёзишмаларни истеъмолдан чиқарган. Қуръон кўлөзмаларининг дастлабки намуналари VII—VIII асрларга мансуб. IX аср охирида Қуръон матнига диакритик белгилари киритилган, бу эса Қуръонни бир хилда тушуниш имкониятини берган. Лекин шундан кейин ҳам Қуръон ўқилишининг 7 хил кўриниши (варианти) сақланиб қолинган ва уларнинг ҳаммаси бир хилда тан олинган. Қуръон

орфографияси, матн тузилмаси ва ўқиш қоидалари Қоҳирадаги расмий ташкилот томонидан (1919, 1923, 1928 йилда) чоп этилган. Қуръон тексти бўйича ишлашнинг ҳар бир босқичи мусулмон-араб жамиятидаги сиёсий-диний эҳтиёжлар билан боғлиқ. Мавжуд Қуръон матни турли ҳажмдаги 114 сурадан иборат. Ислоҳ шариати тамойиллари асосида давлат тасаруфини ташкил этувчи бир қатор мусулмон давлатларида (Эрон, Судан, Афғонистон ва ҳоказо) Қуръони карим қонун кучига эга муҳим норматив-ҳуқуқий акт сифатида кўриб чиқилади.

## “F”

**ҒАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲАРАКАТЛАР** — давлатдаги муҳим ижтимоий алоқалар тизимига қарши бўлган, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимига қарши қаратилган ҳаракатлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра (159-модда) бундай ҳаракатларга қўйидагилар киради: мавжуд давлат тизимини ноконституциявий йўл билан ўзгартиришга, ҳокимиятни эгаллашга ёки қонуний йўл билан сайланган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлаштиришга очиқдан-очиқ чақириш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини ноконституциявий ўзгартиришга очиқдан-очиқ чақириш; шу мазмундаги материалларни тарқатиш; ҳокимият конституциявий идораларининг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатишга, уларни Конституцияда назарда тутилмаган ёндош ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари; Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги давлат ҳокимияти ваколатли идоралари қарорини ўз вақтида бажармаслик; ҳокимиятни эгаллаб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимини ағдариш мақсадидаги фитна. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ғайриконституциявий ҳаракатлар ўзининг жамият учун алоҳида хавфлилиги ва ғайриқонунийлиги учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг 2-бўлимига тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар сифатида киритилган ва улар учун қаттиқ жазо чоралари кўзда тутилган.

**ҒАРБИЙ ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИ** — Франция, Голландия, Люксембург, Буюк Британия, Белгия (1948 йил) давлатлари Брюсселда биргаликда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик юритиш юзасидан шартнома тузишган. Шу шартномага асосан Париж битимига (1954 йили имзоланган, 1955 йили кучга кирган (ратификация қилинган) ўзгартириш киритган

ҳолда Фарбий Европа уюшмаси ташкил этилди. Бу ўзгаришлар Брюссел пактига Германия ва Италия давлатлари ҳам қўшилишини олиб келди. Фарбий Европа уюшмасининг асосий мақсади: БМТ Уставига асосан Европада бирдамликни мустаҳкамлаш, халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш, ҳар қандай агрессияга қаршилик кўрсатиш, ҳимоялаш, ҳарбий ва бошқа ўзаро ёрдамлар беришдан иборатдир. Аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, қонунни ҳурмат қилиш, конституциявий удумларни, шахсий ва сиёсий озодликни, демократия билан таъминлаш ва мустаҳкамлашдир. Фарбий Европа Ҳамжамиятига 10 давлат аъзодир: Белгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Греция, Испания, Италия, Люксембург, Португалия, Франция. Ассоциатив аъзолари: Норвегия, Туркия. Бундан ташқари, 9 давлат ассоциация шериклиги мақомига эга. Булар: Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, Эстония давлатларидир. Фарбий Европа Ҳамжамияти таркиби куйидагича: 1) Фарбий Европа Ҳамжамияти Кенгаши; 2) Доимий Кенгаш; Кенгашнинг ишчи гуруҳи; 3) штаб бошлиқлари; 4) Режалаштириш штаби; 5) ишчи гуруҳлар. Махсус ишчи гуруҳ, мудофаа вазирликларининг гуруҳ вакиллари; 6) Фарбий Европа Ҳамжамияти Ассамблеяси; 7) Котибият. Ҳозирги кунда ҳам давлатларнинг пойтахтларида бир йилда икки мартаба йиғиладиган мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари ва уларга тенглаштирилган вазирлар раислигида ўтказиладиган Кенгаш. Кенгаш аъзо давлатларнинг хоҳишига асосан исталган пайтда чақирилиши мумкин. Йиғилишларда Бош котиб раислик қилади. Кенгашга ёрдамчи этиб ишчи гуруҳи тузилган: 1) ташқи ишлар вазирликларидан иборат махсус ишчи гуруҳи (Европа хавфсизлиги ва сиёсий масалалар бўйича); 2) мудофаа вазирликларининг вакилларидан иборат гуруҳ (Европа хавфсизлиги бўйича ҳарбий масалалар); 3) “Очиқ осмон” шартномасига асосан, верификация, космик ҳуқуқ масалалари юзасидан ишчи қўмитаси. Фарбий Европа Ҳамжамияти Ассамблеяси 108 депутатдан иборат (ўринбосарлари билан). Евродепутатлар йилда икки мартаба йиғилишиб, Фарбий Европа Ҳамжамияти фаолиятига тааллуқли бўлган барча масалаларни муҳокама этишади. Ассамблея раис ва саккиз ўринбосаридан иборат таркибда бюро сайлайди. Бундан ташқари, доимий ҳаракатдаги қўмита, раислар қўмитаси (бюро аъзолари ва Ассамблеянинг собиқ раиси) ва олтита доимий қўмиталар (мудофаа, сиёсат, техника ва космос, бюджет ва маъмуриятлар, жамоат ва миллий парламентлар ишига доир масалалар бўйича фаолият кўрсатади. Котибият ишига Бош котиб раҳбарлик қилади. Фарбий Европа Ҳамжамиятининг иш юритиладиган тили инглиз ва француз тилидир.

## “Х”

**ҲАВО КЕМАСИ** — 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 35-моддасига кўра ҳаво кемалари авиация турларига тегишлигига қараб фуқаровий, давлат ва экспериментал кабиларга бўлинади. Фуқаровий ва давлатга тегишли ҳаво кемалари давлат рўйхатига киритилади.

**ҲАВО КОДЕКСИ** — давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги ва фуқаролари эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда фазовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилаш бўйича 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонуи ҳужжати, яъни Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси.

**ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА СУҒУРТА** — авиация хавф-хатаридан суғуртанинг бир неча мустақил ёки умумлашган мулкий ва шахсий суғурта турлари: ҳаво кемаси суғуртаси (“авиакасco”), ҳаво кемаси мулкий жавобгарлиги ҳамда юк суғуртаси (“авиакарго”), йўловчи ва экипаж аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан суғурта ва бошқалари мавжуд. Ҳаво йўлларида суғурта операциялари асосан махсус ва махсус бўлмаган суғурта ташкилотлари ва якка суғуртачилар бирлашмалари суғурта хизматларини кўрсатганлиги учун ўрнатилган тўловни (музд)ни ундириш востасида амалга оширилади.

**ҲАВО ҲУҚУҚИ** — самовий ҳудуддан фойдаланиш туфайли вужудга келувчи муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Ҳаво ҳуқуқи миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳуқуқининг асосий манбаси Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Устав, шунингдек, Авиация маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида парвоз қилиш Қоидаларидан иборат.

**ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ** — бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади, ёхуд унга нисбатан ёки учинчи шахсга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқини беради ё бериш мажбуриятини олади, ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбу-

риялардан озод қилинади, озод қилиш мажбуриятини олади. Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ёки муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳада деб тан олинмайди.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулккий мажбуриятдан озод этишнинг ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса, келажакда аниқ бир шахсга ёки мулккий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулккий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкый мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарчасини аниқ кўрсатмасдан, ўз мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳада этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Ҳада яни ҳада олувчига ҳада қилувчи вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадага нисбатан ворислик тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

Ҳада шартномаси бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган мулкка нисбатан оддий ёзма шаклда, кўчмас мулкни ҳада қилиш шартномаси эса нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда ёзма шаклда бўлиши лозим.

Ҳада шартномасини бекор қилиш мумкин. Фуқаролик кодекси 507-моддасида белгиланганидек, ҳада олувчи ҳада қилувчи, оила аъзолари ёки яқин қариндошлари ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган ҳолларда ҳада яни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади. Шунингдек, ҳада олувчи ҳада қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳада қилувчининг вориси судда ҳада яни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳада олувчининг ҳада қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳада буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини туғдирса, ҳада қилувчи ҳада янинг бекор қилинишини суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

Ҳада бекор қилинган тақдирда ҳада олувчи ҳада қилинган ашёни, агар у ҳада бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтарилиши лозим.

**ҲАЙФСАН** — Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган интизомий жазо чораларидан бири.

**ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛИ** — халқаро ҳуқуқ тамойилларидан бири, давлатларнинг суверен тенглигидек умумий тамойилдан келиб чиқади. Давлатларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиши мажбурияти БМТ Уставига биноан амалга оши-

рилади. Ушбу тамойилга мувофиқ халқаро шартномалар давлатларнинг тенг ҳуқуқлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларда ўзаро жавобгарлик масъулияти асосида амалга оширилади.

**ҲАРБИЙ СИР** — давлат томонидан махсус қўриқланадиган ҳарбий маълумотлар.

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТ** — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мамлакат Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиши. Ўзбекистон фуқаросининг конституциявий мажбуриятларидан бири ўз мамлакатини ҳимоя қилишдир. Ҳарбий хизмат давлат ташкилотида ва унинг манфаатлари йўлида ўталади. Ҳарбий хизматчилар буйруққа бўйсунуш тамойили асосида иш кўрадилар. Ҳарбий хизматни ўташ ва бошқа масалалар давлат томонидан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизмат ўзига хослиги билан ажралиб туради: фақат Ўзбекистон фуқаролари мажбурий чақирув ва ихтиёрий тартибда — шартнома асосида ўтайдилар. Ҳарбий хизматчилар белгиланган намунадаги устбошда юрадилар. Қонун томонидан ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ҳарбий хизматчилар тоифасига кўра белгиланган: офицерлар учун камида 25 йил, чақирув асосида хизмат ўтаётган аскарлар учун 1 йил (чақирув асосида хизмат ўтаётган шахсларга меҳнат қонунлари меъёрлари амал қилмайди).

Ҳарбий хизматчилар ўз ҳуқуқий мақомига эга. Улар умумфуқаролик ҳуқуқларини, жумладан, сайлов ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Ҳарбий хизматчилар яшаш ва хизмат жойини танлаш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ҳарбий хизматчилар хизмат вақтида ва бошқа вақтда ўзларини тутишлари Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, ҳарбий уставлар, йўриқномалар ва буйруқлар билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Президентига ва халқига содиқлик ҳақида қасамёд қиладилар. Қасамёднинг бузилиши интизомий ва жиноий жавобгарликка олиб келади. Ҳарбий хизматчилар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалар.

**ҲАҚИҚАТНОМА (Вердикт)** (лотин. *vere dictum* — ҳақиқатан айтилган) — махсус чақириладиган суд маслаҳатчилари иштирокида кўрилган жиноий иш юзасидан судланувчиларнинг айбли ёки айбсизлигини аниқлайдиган ҳолат тўғрисидаги хулоса.

**ҲИМОЯЧИ** — Қаранг: “Адвокат”.

**ҲОКИМ (Мэр)** — бир қанча мамлакатларда муниципалитетни бошқарувчи шахс; Ўзбекистонда вилоят, туман ва шаҳар ҳокими.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар йўлидан борар экан, давлат ҳокимияти маҳаллий органларини ислоҳ қилиш ҳам амалга оширилди.

Ҳоким лавозимининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган. Маҳаллий ҳокимият органлари: халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Халқ депутатлари ва ҳокимларнинг ваколат муддатлари 5 йил. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарор қабул қилади. Ҳокимлар фаолияти ва ваколат доираси тартиби қонун билан белгиланган.

**ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ ТАЪТИЛЛАРИ** — аёллар туққунга қадар 70 календар куни ва туққанидан кейин 56 календар куни (туғиш оғир кечган ёки икки ва ундан зиёд бола туғилган ҳолларда — 70 календар куни) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

**ҲОҚОН** — қадимги туркий халқларда (авар, печен, хазар ва бошқалар) давлат олий раҳбарининг унвони; VIII аср охири — IX аср бошларида шарқий славянларда княз титули бўлган; XIII асрларда эса ҳоқон мўғулларда мавжуд бўлган.

**ҲОКИМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИГИ** — давлат ҳокимияти ички тизимида ўзгаришлар юз берганида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ворисийлиги тушунилади. Масалан, ҳокимият ғайриконституциявий йўл билан алмашувида давлат ҳукуматнинг чет эл давлатлари билан тузган битимлари, аҳдлашувлари, шартномаларга муносабати ҳақидаги масалани ҳал этиши лозим бўлади. Бунга нисбатан бошқача нуқтаи назар ҳам



мавжуд, унга кўра ҳокимият алмашуви давлат ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди.

**ҲУКУМАТ** — давлатнинг олий коллегиял ижро органи. Турли давлатларда ҳокимият турли ном билан номланиши мумкин: Вазирлар Маҳкамаси (Ўзбекистон), Министрлар Кенгаши (Франция, Италия, Польша), Министрлар Кабинети (Буюк Британия), Давлат Кенгаши (ХХР) ва ҳоказо. Ҳукумат партиясиз, бир партияли ёки коалицион бўлиши мумкин. Ҳукуматни шакллантириш тартиби ҳокимият юритиш шаклига боғлиқ. Парламентар мамлакатларда у давлат бошлиғи, партия лидери (коалицион ҳукуматда — партия лидерларидан бири) топшириғига биноан бир палатали парламентда ёки икки палатали парламентнинг қуйи палатаси қўпчилик овози билан тузилади. Президентлик республикасида (агарда бундай орган конституциявий тартибда мустақамланган бўлса) ҳукумат президент томонидан тузилади, қатор мамлакатларда (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Белорус) президент томонидан тайинланган ҳар бир аъзо парламент томонидан тасдиқланиши керак. Ҳукумат аъзолари (вазирлар, министрлар, портфелсиз министрлар, давлат министрлари, давлат котиблари ва ҳоказо) давлат бошқарувидаги конкрет марказий идораларга раҳбарликни амалга оширадилар. Парламентар мамлакатларда, одатда, ҳукумат ходимлари парламент аъзолари бўлиши керак, ваҳоланки, президентлик, ярим-президентлик республикаларида, министрлик портфели билан депутатлик мандатининг бир-бирига мос тушмаслиги кузатилади. Парламентар давлатларда ҳукумат парламент (икки палатали парламентда қуйи парламент олдида) олдида коллегиял жавобгар бўлади. Бу шуни англатадики, ҳукумат парламентда, масалан, ҳукумат коалицияси парчаланганида ёки истеъфога чиқиб кетганида (бу эса ҳокимият кризиси бошланганидан далолат беради, яъни ҳукумат тузилиши ва парламентда ишонч вотумини олиш билан яқунланади) ёхуд парламентнинг тарқатиб юборилиши ва муддатидан аввал сайловлар тайинланишини билдиради. Федератив давлатларда марказий (федерал) ҳукумат ва давлат тузилмалари (штатлар ва қишлоқлар) таркибига кирувчи ҳокимият мавжуд. Ҳокимият ёки тўлиқ таркибда ҳаракат қилиши ёхуд ҳукумат бошлиғи тор доирадаги коллегияни (Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда) вужудга келтирилиши мумкин. Ҳукумат ўз таркибида ёрдамчи ҳукумат қўмиталарини тузиши мумкин. Ҳукумат қарорлари сиёсий директив кўринишда ёхуд норматив акт ва қонун лойиҳаси кўринишида расмийлаштирилиши мумкин.

**ҲУДУД ТУҒРИСИДАГИ НИЗОЛАР** — маълум ҳудуднинг юридик тааллуқлигига қараб давлатлараро халқаро низодир. Ҳар

бир давлатга олатда маълум ҳудуд айнан тааллуқли ҳисобланади, чунки бу давлат ҳудуди устидан ўзининг ҳукмронлигини амалга оширади. Қоидага кўра, бундай ҳокимиятнинг гувоҳлиги бўлиб давлат функциясини вазифасини амалга ошириш ҳисобланади. Қачонки, барча қатнашувчи томонлар унинг борлигини тан олишса ва маълум ҳудуд учун низолашаётган бўлишса ёки чегаралар ва халқаро ҳуқуқий нормалар ва актларнинг биргина ёки ўзига нисбатан биргаликда аниқ белгиланган бўлса, ҳудуд тўғрисидаги низолар ҳисобланади. Низолашаётган тарафларда низоли масала вужудга келса-да, бунинг учун асос йўқлиги аниқланса, унда ҳудуд тўғрисидаги низо ҳали пайдо бўлмаган ва барча муаммолар келишмовчиликлар арафасида ҳисобланади, балки бу ҳолатлар ҳудуд тўғрисидаги низоларни келтириб чиқармаслиги ҳам мумкин. Ҳудуд тўғрисидаги низоларнинг демаркация келишмовчилигидан фарқини билиш зарур, олатда, улар аралашган чегарачи гуруҳлар билан тинчлантирилади. Бир тарафдан низоли ташкил этмайди, чунки бундай ҳолатда даввогар давлат аниқ бир давлатнинг маълум ҳудудида юридик тааллуқлигига қараб эътироз билдирмайди, аммо айрим сабабларга кўра, бу тааллуқлилик ўзгариши лозим деб ҳисоблайди. Ҳудуд тўғрисидаги низолар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларида кўплаб учрайди. Худди халқаро низолар каби ҳудуд тўғрисидаги низолар ҳам халқаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал бўлиш тамойилига асосан ҳал этилади.

**ҲУДУДИЙ УСТУНЛИК** — давлат ўз ҳудудида устунликни амалга оширади, яъни давлат ҳокимияти ҳудудида мавжуд бўлган барча шахслар ва ташкилотларга нисбатан юқори турувчи ҳокимият бўлиб ҳисобланишини билдиради. Ҳудуд устунлиги шуни белгилайдики, давлат ҳокимияти устидан бошқа бир ҳокимиятнинг бўлиши мумкин эмас, бундан ташқари, бир давлат ҳудудида бошқа бир давлатнинг оммавий ҳокимияти бўлиши истисно этилади.

Давлатнинг олий ҳокимияти ўз ҳудудида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд фаолияти, давлат органлари бўйича тармоқларнинг системалари орқали амалга оширилади. Барча қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари давлат фуқаролари ва ташкилотларига ҳамда чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам, башарти, улар шу давлатнинг ҳудудида доимий яшасалар, тааллуқли бўлади. Аммо айрим ҳолларда давлатнинг розилиги билан маълум тоифадаги чет элликларга нисбатан баъзи бир қонунлар уларга қўлланилмайди.

Ҳар бир давлат ўз ҳудудида ўз фуқароларига ва чет эл фуқароларига нисбатан ҳокимият мажбурийлигини қўллаши мум-

кин, башарти, халқаро шартномаларда бошқа ҳолатлар белгиланган бўлмаса. Аммо айрим ҳолларда давлатнинг қонунлари худудидан ташқарида, яъни бошқа давлат худудидаги фуқаро бўлганда ҳам қўлланиши мумкин. Бунда ҳолатига қараб, агар халқаро шартномаларда бундай ҳолат белгиланган бўлмаса, худуд устунлиги тушунчаси давлатнинг юрисдикция тушунчасидан кенг дир, чунки у давлат ҳокимиятни барча конституцияга асосан қамраб олган ҳолда ифодаланади.

**ХУДУДИЙ ЯХЛИТЛИК** — зўрлик билан худудни парчалаш ёки худуднинг бир қисмини босиб олишни тақиқловчи халқаро ҳуқуқий тамойиллардан бири. Шунга ўхшаш ҳаракатлар агрессия сифатида қабул қилинади. Ҳар бир давлат ўз худуди яхлитлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида давлат яхлитлигига қарши чиқувчи сиёсий партия ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланган.

**ХУЖЖАТ (Ордер)** фақат бўш турган алоҳида турар-жойга, янги қурилган уйларда эса, давлат комиссиясининг уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси, ушбу далолатнома туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) ҳокими қарори билан берилиши мумкин. Ордер шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**ХУҚУҚ** — фанда: 1) жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг юридик тартибга солинишини таъминловчи, давлатнинг мажбурлов кучи билан муҳофаза қилинувчи умуммажбурий ижтимоий нормалар тизими. Ҳуқуққа (объектив маънода) берилган бундай таснифни юридик ҳуқуқдаги (субъектив маънода) бошқа таснифлардан фарқлаш лозим. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқ соҳалари бўйича бўлинади, уларнинг ҳар бири ўзининг предметига ва ўзига хос белгиларига эга (масалан: Фуқаролик ҳуқуқи, Конституциявий ҳуқуқ, Оила ҳуқуқи, Меҳнат ҳуқуқи, Жиноят ҳуқуқи ва ҳоказо). Икки ёки ундан ортиқ давлатлар иродаси билан вужудга келтирилувчи халқаро ҳуқуқ ёки бир давлат ваколатида бўлган миллий ҳуқуққа бўлиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Илмий нуқтаи назардан ҳуқуқнинг муҳим тамойилларидан ҳисобланган “жуғрофий” бўлинишини ҳам келтириш мумкин. Ҳозирги даврда қуйидаги ҳуқуқий тизим (яъни “ҳуқуқ оиласи”) жаҳонда кенг тарқалган, булар: континентал (ёки романо-герман), англо-саксон (ёки англо-америка), мусулмон.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси континентал ҳуқуқига мансубдир; 2) давлат ва қонундан юқори турувчи жамиятдаги ўзини-ўзи бошқарув шакли ҳисобланган давлатда ўрнатилган одилона тартибни ҳимоя қилувчи, императив ҳуқуқ; 3) маълум бир қонунчилик шаклига келтирилган, ижтимоий муносабатлар мавжуддир.

Шундай қилиб, давлат, унинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳуқуқдан фойдаланувчи муассасалари томонидан ўрнатиловчи, барча учун тенг амал қилиш хусусиятига эга бўлган ижтимоий нормалар тизимидир. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасини — сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ манбалари Конституция, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларидир.

Тегишли ҳуқуқий нормалар ҳуқуқ соҳалари қонунлари мажмуида ва қонун остида ҳужжатларида белгиланади. Республика қонунлари томонидан ҳуқуқий нормаларни амалда сўзсиз ва бир хилда бажарилиши кўзда тутилади. Мамлакатимизда мавжуд ҳуқуқий тартибот ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилинади. Аҳоли ҳуқуқий онгини оширишда ҳуқуқ нормаларининг ўрни жуда каттадир.

**ҲУҚУҚ АНАЛОГИЯСИ** — суд амалиётида ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солиниши лозим бўлган, лекин бу ҳолатни тартибга солиш тўғридан-тўғри, ҳуқуқ соҳасида назарда тутилмаган бўлса, шу ҳолатга ўхшаш ҳолатларни тартибга солиниши назарда тулган ҳуқуқни қўллашдан иборат. Ҳуқуқ аналогияси қонун аналогиясини қўллаш имконияти бўлмаган ҳолатларда қўлланилади, ҳуқуқдаги камчиликларни тузатишни назарда тутади. Ҳуқуқ аналогиясини жиноий ишларга нисбатан қўллашга йўл қўйилмайди.

**ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ** — суд идораларини қонун томонидан процессуал фаолияти асосида фуқароларни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг асосли кафолатини таъминловчи демократик тартибларнинг энг муҳимидир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси мамлакат Конституцияси 44-моддасига биноан давлат идоралари мансабдор шахслари, жамоат ташкилотларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан асосланган ҳолда судга шикоят қилиш орқали судда ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланган ҳимоя қилиш ҳамда кассация ва назоратга оид тартибда тегишли суд қабул қилган қарорлар устидан шикоят қилиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуи инсон ҳуқуқларини фуқаровий, жиноий ҳамда бошқа иш даъволарини суд орқали ҳимояси амалга оширилиши таъминловчи юридик кафолатлар мажмуини назарда тутлади.

**ҲУҚУҚИЙ БОШҚАРУВ УСУЛИ** — юридик нормаларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир усули. Ҳуқуқий бошқарув усули куйидаги ўзига хос белгиларда ифодаланади: 1) фақат давлатга хос; 2) фақат юридик нормаларга тегишли; 3) таъсир усуллари амали давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади. Ҳуқуқий бошқарув усули императив ва диспозитивларга бўлинади.

**ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК** — бир шахсдан иккинчи шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятлар ёки мажбуриятлар бир қисмининг ўтиши. Ҳуқуқий ворислик қонун кучи билан, шартнома ёки бошқа юридик асосларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

**ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ** — ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ ва мажбуриятга эга субъектлар орқали амалга оширилиши. Шу билан бирга, икки аниқ шахслар ўртасида (жисмоний, юридик шахслар ўртасида) қонун ва ҳуқуқ асосида кечадиган муносабатлар. Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши юридик фактлар, яъни шартномалар, битимлар тузиш асосида бўлади.

**ҲУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТ** — фуқароларнинг мавжуд ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир. Ҳуқуқий лаёқат барча учун тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати у тугилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Ҳуқуқий лаёқат баъзи ҳолларда фуқаро тугилмасдан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, тугилмаган фарзанд номига қолдирилган мерос кабилар.

**ҲУҚУҚИЙ МУВОФИҚЛАШТИРИШ** — давлат томонидан жамиятдаги муносабатларни маълум бир ҳуқуқий нормалар орқали мувофиқлаштириш. Ҳуқуқни мувофиқлаштириш муносабатларни маълум бир ҳуқуқ тармоғи билан мувофиқлаштиради. Масалан, давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатлар маъмурий ҳуқуқ орқали мувофиқлаштирилади.

**ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛАНГАН ҚОНУН** — бу бириктириш формуласи бўлиб, одатда, сотувчи мамлакат қонуни каби кўп ҳолларда шартнома мажбуриятлари соҳасидаги коллизия масалаларни ҳал қилиш учун қўлланилади. Аммо баъзи пайтларда ундан чет эл элементлари бўлган

барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун умумий ёндашиш сифатида фойдаланилади. Бу бириктириш формуласи англо-америка халқаро хусусий ҳуқуқи назарияси ва амалиётида шартнома мажбуриятларига ҳуқуқ танлаш учун қўлланилган. Шунинг учун уни Law of the Contract ёки Proper law of the Contract сифатида белгилаш қабул қилинган. Мазмуни ноаниқлигига ва амалда қўллашнинг жиддий қийинчилигига қарамай (ҳуқуқий тартибга кўра шартномани ва унга тегишли барча ҳолатларни шарҳлаш йўли билан ўрнатилади, бу ҳуқуқни қўллаш органларининг субъективизмига олиб боради) ушбу бириктириш формуласи халқаро хусусий ҳуқуқда ўз ўрнини нафақат сақлаб қолмоқда, балки кенгайтирмоқда.

**ҲУҚУҚИЙ НОРМА** — давлат томонидан қонун билан белгиланган ва барча учун бажарилиши мажбурий ҳисобланган ахлоқий қоидалар, бу қоидаларни бузиш юридик жавобгарликка олиб келади.

Ҳуқуқий норма — мажбурий ҳуқуқий нормалар шахсларни ижобий ҳаракатларга ундайди. Тақиқловчи нормалар шахс томонидан муайян ҳаракатлар қилинишига йўл қўймайди. Ваколат берувчи ҳуқуқ меъёрлари муайян ҳаракатлар қилиш имкониятини яратиб беради.

Ҳуқуқий нормалар вазифаларига кўра белгиловчи ёки Ҳимояловчи нормаларга ажратилади. Белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий алоқа муносабатларини, ҳуқуқ ва бурчларни белгиловчи хусусиятлардан иборат. Ҳимояловчи нормалар орқали юридик жавобгарлик ва давлат томонидан мажбур қилувчи ҳаракатлар қўлланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар белгиланади.

Ҳуқуқий нормаларнинг таъсири тааллуқли шахслар сонига қараб умумий, яъни муайян ҳудудда яшовчи барча шахсларга тааллуқли ва хусусий — фуқароларнинг муайян табақаларига тааллуқлиларга бўлинади.

Ҳуқуқ соҳаларида эса ҳуқуқий норма халқаро, конституциявий, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, жинойий-ҳуқуқий ва бошқаларга ажратилади.

Ҳуқуқий нормалар таркиби қуйидагилардан иборат: гипотеза — ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиш шарти; диспозиция — ахлоқий қоидалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар; санкция — ҳаракатнинг давлат-ҳуқуқий нуқтаи назаридан баҳоланиши, давлат томонидан қонун бузилишида қўлланиладиган ҳуқуқий нормаларга риоя қилишга мажбур этилувчи чора-тадбирлар.

**ҲУҚУҚИЙ ОНГ** — давлат ва ҳуқуқ назарияси ва криминология фанларига мансуб категория; ҳуқуқий ҳодисаларни акс

этирувчи ва ҳуқуқий қадриятлар, ҳуқуқни англаш, ҳуқуқни тушуниш, зарур ҳуқуқий тартибни сақлаш билан боғлиқ ижтимоий, гуруҳ ва индивидуал онгга мансуб тушунча. Ҳуқуқий онг жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, унинг маданий-ҳуқуқий, демократик ёки авторитар одатлари шароити билан тавсифланади.

**ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ** — ҳаётнинг турли доираларини тартибга солувчи ва одамлар хулқ-атвориға таъсир қилиш усули (одат, ахлоқ нормалари, ташкилотларнинг ички тартиб-қоидалари) билан фарқланувчи, ижтимоий нормаларнинг турли кўринишларини тартибга солиш натижасида вужудга келувчи ижтимоий тартибнинг узвий қисмларидан бири. Ҳуқуқий тартибот давлатда қабул қилинган ва ўрнатилган ҳуқуқий нормалар асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ-тартибот қонунчиликка риоя қилиш, субъектив ҳуқуқни амалга ошириш ва унинг амалга ошишини таъминлаш, барча фуқаролар, органлар ва ташкилотлар томонидан юридик мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш каби кўринишларга эга.

**ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ** — давлат юридик нормаларнинг ҳуқуқ нормаси ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш жараёни; ҳуқуқий тартибга солишнинг усули ва предметиға таянади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети юридик нормалар тегишли гуруҳи билан мустақамланувчи ижтимоий муносабатларнинг маълум бир шаклидан иборат. Масалан, давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатлар маъмурий ҳуқуқ предметиға ташкил этади. Ҳуқуқий тартибга солиш усулида юридик нормаларға таъсири тушунилади.

**ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР** — қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жиноятчиликка қарши курашдан иборат асосий функцияни амалга оширувчи давлат органлари. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларға куйидагилар киради: Суд, Хўжалик суди, Конституциявий суд, Прокуратура, Ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Божхона назорати, Солиқ инспекцияси, Адлия вазирлиги ва ҳоказо. Кенг маънода, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” тушунчасиға қатор нодавлат институтлари ҳам киради, булар: адвокатура, бошқа давлатларда халқаро суд, арбитраж ва ҳоказо. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ва уни ташкил қилиш, шу номдаги ўқув-юридик фаннинг предмети ва ҳуқуқнинг бир соҳасидир.

**ҲУҚУҚНИ ТИЗИМЛАНТИРИШ** — норматив-ҳуқуқий актларнинг ички ва ташқи жиҳатдан ишлаб чиқилиши, бир ҳолатга келтирилиши. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай ишланишига қараб ҳуқуқни тизимлантириш инкорпорация ва кодификацияга бўлинади.

**ҲУҚУҚНИНГ БОШҚА БИР ШАХСГА ЎТИШИ** — ижтимоий, иқтисодий, мулкӣй ва сийсий муносабатларда бир жойда бўлган ҳуқуқнинг (ҳуқуқий ваколатларининг) иккинчи бир жойга ўтиши тушунилади. Ҳуқуқнинг бошқа бир шахсга ўтиши қонун асосида, шартномалар ёки бошқа ҳуқуқий асослар орқали (масалан, мерос орқали мулкка эгалӣк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади) содир бўлади.

**ҲУҚУҚНИНГ СОЦИОЛОГИК МАКТАБИ** — ХХ асрдаги ҳуқуқ мактаби йўналишларидан бири. Ҳуқуқнинг социологик мактаби тарафдорлари амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар доим ҳам иқтисодий ва социал шароитларга мувофиқ эмас деб ҳисоблашган. Шу сабабли улар судда кўриб чиқиш эркинлигига, яъни суднинг шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий нормалар билан камроқ даражада боғлиқ бўлишига катта эътибор беришган. Ҳуқуқнинг социологик мактаби энг йирик вакили — америкалик олим Р.Паунддир.

**ҲУҚУҚНИНГ ТАРИХИЙ МАКТАБИ** — XIX асрда юридик фандаги йўналиш (сезиларли даражада ривожланиш Германияда бўлган). Ҳуқуқнинг тарихий мактаби вакиллари (генерал Гуго, Ф.Савиньи ва бошқалар) табиий ҳуқуқ ғояларига қарши чиқишган. Ҳуқуқнинг муҳим манбаи деб урф-одат, анъаналар эълон қилинган. Кодификация суриб чиқарилган, ҳуқуқ эса «халқ руҳи»нинг доимий ривожланиши натижаси сифатида намоён бўлган; ҳуқуқнинг ривожланиши тилнинг ривожланиши билан тенглашган.

**ҲУҚУҚНИНГ ҲАВОЛА НОРМАСИ** — ҳуқуқий норма. Маълум ахлоқ қондасига ҳамда уни бузганда мажбурлов чоралари ҳақида низомларга эга бўлмаган норма. Бунда бошқа нормадаги қоидаларга ҳавола қилинади.



# ЮРИДИК АТАМАЛАР ҚОМУСИЙ ЛУФАТИ

Тошкент  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
2003

Муҳаррир: *Б. Сайидомонов*  
Бадиий муҳаррир: *А. Мусахўжаев*  
Техникавий муҳаррир: *Л. Хижова*  
Саҳифаловчи: *Т. Огай*  
Мусаҳҳиҳлар: *Ю. Бизаатова, Ш. Хуррамова*

Теришга берилди 12.05.2003. Босишга руҳсат этилди 25.08.2003. Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ . «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 27,0. Нашриёт-ҳисоб табағи 29,06. Адади 5.000 нусха. Буюртма № 3735. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**



**ЮРИДИК АТАМАЛАР ҚОМУСІЙ ЛУҒАТИ**